

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАҲРИРИЯТ ХАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир:

проф. **Набиев Д.Х.**

Бош муҳаррир ўринбосари

доц. **Холмирзаев Н.С.**

Масъул котиб

ф.ф.д. **Жумаев Т.Ж.**

Таҳририят хайъати аъзолари:

проф. Баҳриддинова Б.М.

проф. Бўриев О.Б.

проф. Ёзиев Л.Ё.

проф. Жабборов А.М.

ф.-м.ф.д. Имомов А.

к.ф.д. Камолов Л.С.

проф. Кучбоев А.Э.

проф. Менглиев Б.Р.

т.ф.д. Мўминова Г.

проф. Нормуродов М.Т.

проф. Нурманов С.Э.

проф. Очилов А.О.

п.ф.д. Расулов А.И.

ф.ф.д. Тожиева Г.Н.

проф. Тўраев Д.Т.

проф. Умрзоқов Б.Б.

проф. Хайриддинов Б.Х.

ф.-м.ф.д. Холмуродов А.Э.

проф. Чориев А.Ч.

проф. Чориев С.А.

проф. Шодиев Р.Д.

ф.ф.д. Шодмонов Н.Н.

проф. Эркаев А.П.

ф.ф.д. Эрназарова Г.Х.

проф. Эшов Б.Ж.

проф. Эшқобилов Ю.Х.

проф. Курбонов Ш.Қ.

проф. Қўйлиев Б.

проф. Ҳақимов Н.Ҳ.

доц. Орипова Н.Х.

доц. Рўзиев Б.Х.

доц. Эшқораева Н.

доц. Курбонов П.Қ.

доц. Хамраева Ё.Н.

**Журнал 2009 йилда
ташқил этилган**

Манзилимиз:

180003, Қарши, Кўчабоғ, 17.
Қарши давлат университети,
Бош бино.

Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,

web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@umail.uz

Telegram: t.me/Qardu_xabarlari

2022
(4/2)54

ҚАРДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Ижтимоий-гуманитар
фанлар**

Муассис: Қарши давлат университети

Журнал Қашқадарё вилояти

Матбуот ва ахборот бошқармаси

томонидан 17.09.2010 йилда

№ 14–061 рақамли гувоҳнома

билан қайта рўйхатдан ўтган.

Мусаххихлар:

З.Раҳматова

М.Набиева

З.Кенжаева

Ж.Буранова

Б.Турсунбоев

Саҳифаловчи

Я.Жумаев

Навбатчи

Т.Жумаев

Техник муҳаррир

М.Раҳматов

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
қарорлари билан *физика-математика,
кимё, биология, тарих, фалсафа,
сийосатшунослик, филология ва
педагогика* фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган
илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**Йилига 6 марта
чоп этилади**

Журналдан олинган материалларга
“ҚарДУ хабарлари” журналидан олинди”,
деган ҳавола берилиши шарт.

Муаллифлардан келган қўлёзма
материаллар
эгаларига қайтарилмайди.

МУНДАРИЖА

ТАРИХ

Бўриев О., Муҳаммедова А. Муқаддас китобларда ноннинг эъзозланиши.....	4
Пардаев А. Қашқадарё вилояти аҳолиси динамикаси (1989–2019 йиллар).....	8
Хуррамов Х.Б. Марказий Осиё ва Эрондаги бронза даври лола тасвирларининг окс цивилизацияси тарихшунослигини ўрганишдаги аҳамияти.....	12
Самаров Ф. Жанубий Ўзбекистон саййидлари номи билан боғлиқ тарихий-меъморий обидалар.....	16
Жумаев Б.У. Ўзбекистонда туризм соҳасининг шаклланиши ва ривожланиши (1991-2022-йиллар).....	20
Ачилов А.Т. Қашқадарё воҳаси тараққиётида ички ва ташқи савдонинг аҳамияти (Ўрта асрлар даврида).....	25
Каромов Ш. Марказий Осиё худудида илк давлатларнинг шакилланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари.....	30
Раупов Х.Р. Олмалиқ кон-металлургия комбинати: тарихи ва бугуни.....	33
Хатамова Р.З. XX асрда Ўзбекистонда ўрта махсус маълумотли ирригаторлар тайёрлаш жараёни.....	37
Тўхтаева Р. Туркистон ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширган тадбирлари (1917-1924-йиллар).....	41
Хуррамов М.К. Ўзбекистон – Қозоғистон сиёсий алоқаларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихига оид.....	45
Накимов Ж.Н. Вухоро амirligi savdo munosabatlarida milliy guruhlarining roli.....	50
Темирова Ч.Х. Қишлоқни ижтимоий-маданий соҳасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари.....	53

ФАЛСАФА

Ҳакимов Н.Х., Амридинова Д. Т. Исҳоқхон Ибратнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.....	59
Эшматов М. Э. Самарқанд – Улуғбек академияси.....	66
Зоҳиров Р.Т. Оила институти ва унинг этногенетик асослари (илмий концептуал масалалари).....	69
Эшназарова Ф.Ж. Инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ва унинг фалсафий жиҳатлари.....	72
Алиев Б., Алиев Т. Камбағалликдан қутилишда “маҳаллабай” ишлаш ва халқаро тажриба.....	77
Исомиддинов Ю.Ю. Коррупциянинг мазмун-моҳияти ва шаклланиш тенденциялари.....	83
Кучкаров Х. Ёшларни ижтимоий фаоллаштиришда инновацион ёндашув (“Ёшлар дафтари”).....	86
Тураев К. Ёшлар ҳаётида виртуаллашув сабаблари ва унинг оқибатлари.....	90
Юлдашев Б.Э. Ўзбекистондаги замонавий раҳбар ижтимоий қиёфасини шакллантириш тажрибалари.....	93
Сайидов Қ.Б. Урбанизация ва цивилизация жараёнларининг диалектикаси.....	100
Усенов Ж. Тарих зарварақларида қорақалпоқ миллий менталитети излари.....	104
Утегенова Ж.Д. Виртуал реаллик ҳақидаги фалсафий қарашлар.....	108
Қодиров Ф.Ю. Рауф Парфи ижодида фуқаролик масъуллиги талқини.....	112

СИЁСАТШУНОСЛИК

Қаршиев Ш. Миллатлараро зиддиятлар ва уларни келтириб чиқарувчи айрим ижтимоий омиллар.....	116
Қамбаров А. А., Нажметдинова М.М. Ёшларнинг баркамол бўлиб шаклланишларида ижтимоий сиёсат.....	119
Бабажанов С.Б. Қонун ижросини таъминлаш ва самарадорлигини оширишда жамоатчилик назорати – асосий механизм сифатида.....	121
Эркинов И.Э. Давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда электрон ҳукуматнинг ўрни.....	126
Нажмиддинов Б. М. Сиёсий партиялар фаолиятининг ташкилий ва сиёсий-ҳуқуқий негизлари: ривожланган давлатлар тажрибаси.....	130

ФИЛОЛОГИЯ

Бахриддинова Б.М., Маманазарова М.М. “Девону луғотит турк” – ўқув луғатчилиги кўзгусида.....	135
Islomova Sh.X. Qashqadaryo qipchoq shevasi frazeologizmlari sinonimiyasi.....	140
Ҳамраев Ф.Й. Рус тилшунослигида неологизмларнинг ўрганилиш тарихи.....	144
Ғойибова А.Х. Морфологик шаклларда полендромик хусусият.....	151
Ниязова Д.Х. Бадиий матнларда шахс руҳий ҳолатининг ифодаланиши.....	154
Турдибеков М. Шимолий Тожикистон топонимларида ранг-тус белгисининг ифодаланиши (ок ва қора сўзлари мисолида).....	157
Usmonova M.K. So‘zshakllar doirasidagi soddalashish.....	160
Шодмонов Н.Н. Алишер Навоий ижодида вақт талқини.....	163
Эрназарова Г. Жадид шоири – Чўлпон ва эрк масаласи.....	169
Равшанова Г.Қ. Адабиётшуносликда ҳажв ва фольклор талқини.....	174
Қаҳҳорова Ш.А. Алишер Навоий лирикасининг поэтик тимсоллар олами.....	177
Қиёмов Ф.Р. Бадиий ижод такомиллида туш ва таъбирномаларнинг роли.....	181
Жумаев Е. Nurali Qobulning “Jon va shon talvasasi” romanida Amir Temur obrazi poetikasi va roman spetsifikasining yangilanishi.....	185
Бозоров О.Ч. Адресат – эпистоляр роман қаҳрамонининг янги типи сифатида.....	189
Ризаев Б.Х. Неъмат Аминов асарларида ҳажв ва юмор поэтик ғоя сифатида.....	192
Ибрагимов Ж. Жаҳон тилшунослиги тарихида сўзлар бирикуви масаласининг ўрганилиши.....	196

МУҚАДДАС КИТОБЛАРДА НОННИНГ ЭЪЗОЗЛАНИШИ

Бўриев О., Муҳаммедова А. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбекларда нон билан боғлиқ қадриятлар тарихий-этнографик ва дала маълумотлари асосида ёритилган.

Таянч сўзлар: *Ўзбекистон, Қашқадарё воҳаси, ўзбеклар, нон, таом, эъозлаш, қадриятлар, дастурхон, “Авесто”, Қуръон, ҳадис, археология ва этнография маълумотлари, нонни эъозлаш билан боғлиқ анъана ва маросимлар.*

Аннотация. Эта статья посвящена узбеким народным ценностям, связанных с хлебом на основе историко-этнографических и полевых материалов.

Ключевые слова: *Узбекистан, Кашкадарьинский оазис, узбеки, хлеб, пицца, почитание, ценности, скатерть, «Авесто», Коран, хадисы, археологические и этнографические материалы, традиции и обряды, связанные с почитанием хлеба.*

Annotation. This article Uzbeks, bread and beliefs related to historical and ethnographic and ethnological based on field data.

Key words: *Uzbekistan, Kashkadarya oasis, Uzbeks, bread, food, veneration, values, utensils, Avesto, Koran, hadiths, archaeological and ethnographic information, traditions and rituals associated with the veneration of bread.*

Энг олий меҳмондўстлик ва муқаддаслик рамзи, одатий дастурхонимиз безаги ва табаррук неъмат ҳисобланган нонга бўлган муносабат қадимги аждоқларимиздан қолган ноёб қадрият сифатида асрлар оша ҳозиргача эъозланиб келинмоқда.

Ўзбек халқи турмуши ва ҳаётида нон билан боғлиқ қадимий кўплаб эътиқодлар ва одатлар излари мавжудки, уларни янада чуқур ўрганиш халқимизга, хусусан ёшларга сингдириш этнология фанининг энг муҳим масалаларидан бири саналади.

Кундалик ҳаётимизда ниҳоятда асқотадиган табаррук неъмат нон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг тайёрланиши бундан ўн-ўн бир минг йиллар муқаддам кашф этилган олов билан боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Инсон ғалла ўсимлигидан янчилган донни пишириб ейишни, кейинчалик эса ғалла экинларини ўстиришни ўрганган. Дон икки тош орасида майдалангач, ғалладан ун тайёрлаш ва хамир қориб, уни қизитилган тош устида ёки кулга кўмиб пишириш жараёнларидан кейин нон пайдо бўлган.

Ибтидий жамоа даврида пиширилган илдиз мевали ёки туганакли ўсимликлардан бўтқа қилинган ёки нон ёпилган. Бошоқли экинлар дастлабки вақтларда қовурилиб истеъмол қилинган. Фақат кейинги вақтларда тегирмонда тортилиб, ун қилиш бошланган ва бўтқа, нон ёпилган. Буғдой янчилиб, оддий овқат бўлиб қолган. Қорилган хамир ва пиширилган нон анча кейинги кашфиётдир¹.

Нон тарихи билан боғлиқ маълумотлар археологик ва тарихий манбаларда ҳам учрайди. Масалан, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Сополлитепа манзилгоҳида академик А.Асқаров раҳбарлигида XX асрнинг 70-80 йилларида самарали археологик қазишмалар олиб борилган. Археологик изланишлар натижасида бундан 4 минг йил бурун маҳаллий аҳоли бронза даврида деҳқончилик билан шуғулланишгани аниқланди.

Сополлитепаликлар буғдой, арпа, тарикдан тайёрланган атала ва бўза истеъмол қилишган. Топилган хум тубида арпа, буғдой қолдиқлари сақланиб қолганлиги аҳоли нон ёпишни яхши билишганидан далолатдир. Ёдгорликлар орасида ёрғучоқ ва тандирни топилганлиги ҳам бунинг яққол исботидир. Уларнинг тандирлари шакл жиҳатдан ҳозирги тандирлардан деярли фарқ қилмаган².

Қадимги манбаларда олимлар ноннинг тарихини ўн беш минг йилдан ортиқроқ деб кўрсатишади. Этнологик маълумотларга кўра бундан беш минг йил муқаддам Миср фиръавнларидан бирининг мақбараси деворига нон тайёрлаш жараёнларининг суръати

¹ Косвен М.О. Ибтидий маданият тарихидан очерклар. – Т., 1960. – Б.107.

² Ботиров А., Бердимуродов А. Аждоқларимиз “дастурхони // Фан ва турмуш, 1986 йил 9-сон, – Б. 8-9.

чизилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги музейлардан бирида олти минг йиллик тарихга эга бўлган нон сақланмоқда. Демакки нон тайёрлаш узоқ мураккаб тарихий жараёни босиб ўтиб, бугунги кунда бизнинг дастурхонимиз беазаги ва ҳаётимизнинг моддий асоси бўлиш даражасига етиб келганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Шумер иероглиф ёзувларида ўртасида нуктаси бор доира шакли учрайди. Бу шаклнинг номи “РА” бўлиб, “Қуёш” деган маънони англатади. Муаррихлар маълумотича, бу белги кейинчалик ноннинг рамзи ўлароқ қабул қилинган.

Жаҳон халқлари сингари ўзбеклар ҳам ана шу рамзга монанд нонлар тайёрлашган. Қуёш ва нон шаклининг уйғунлиги эса инсоннинг уларсиз ҳаёт кечира олмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳам қадимдан кўплаб дунё халқлари, жумладан ўзбек халқи ҳам қуёш ва нонга сажда қилганлар.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби – “Авесто”да қарийб тўрт минг йиллик Зардушт оташпарастлик динининг асосий қонун қоидалари акс этган. Китобнинг бугунги кундаги аҳамияти шуки, юртимизда азалдан истиқомат қилган аждодларимиз қадим замонларда ҳам деҳқончилик қилишиб, жуда қийинчиликлар билан буғдой кўкартирганлар ва буғдойдан товачага майдалаб, қуруқ ерга уриб, кейин эса униб чиққан буғдойдан ун қилганлар ва кейинчалик эса нон тайёрлашни кашф этишган. Шунингдек, буғдой ва нонга нисбатан алоҳида ҳурмат билан қараганликлари ҳақида тарихий далилларни ҳам ушбу манбада кўришимиз мумкин.

Хусусан, асарда ерга дон экиш ва ҳосил йиғиш ҳақида шундай дейилган: “Кимда-ким буғдой экса, у Ошани (Ҳақиқат)ни экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради. Қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан турадилар. Қачонки буғдой гурқираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар. Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайди. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, узоқлашадилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, гўё киздирилган темир девлар бўйнини чирмаб ташлайди ...” (“Вандидот”, 3-фаргарт, 31-32 бандлар)¹.

Зардуштийлик динида ҳам кишилар қуёшга қараб ибодат қилишган, қуёшни ёруғлик тарқатувчи, ўниб-ўсадиган барча мавжудотларнинг асоси деб билишган. “Авесто”да шундай жумлалар бор. “Буғдой ўстира бошланса, девларни тер босади, соғурилган буғдой тайёр бўлгач, девлар нола-ю фиғон чекишади. Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим. Бу овқатни одамлар егандан сўнг, девлар жуда кизиб кетишади ва қоча бошлашади”.

Зардушт Тангри номидан ҳукмдорга қарата: “Ёмон овқатланишдан одоб, ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул бўлади” – дейди.

Қадим замонлардан эъзозланиб, инсоннинг кундалик истеъмолида деб азиз ҳисобланган неъмат нон ҳисобланиб, турли таомларга қўшилиб ёки ўзи алоҳида тановул қилинади. Археологик маълумотларга кўра, бошоқли ўсимликлар донларни пишириб истеъмол қилиш мил. ав. 10-15 минг йиллар бурун бошланган деб тахмин қилиш мумкин. Бу даврларда олов кашф этилгач, донни пишириб ейишга имконияти туғилган. Дастлаб, бошоқ чўғда думбул қилиниб, сўнг това бошоқ ичида қовурилиб, пишган дон уқаланиб, истеъмол қилинган.

“Авесто”да нонга бир махсус боб бағишланиб, деҳқончиликнинг энг қимматбаҳо маҳсулоти сифатида таърифланган. Ёрғучоқнинг пайдо бўлиши билан донни тош орасида майдалаб, ёрма ҳолатида истеъмол ўрнига ғалладан ун тайёрлаш ва ҳамир қориб, қизитилган тош устида ёки кўрга кўмилиб, нон пиширилган.

Хамиртурушнинг кашф этилиши ҳамда ўчоқ, тандир, това ва бошқа нон пишириш воситаларнинг яратилиши ва такомиллашуви билан тортилган ундан нон тайёрлаш ҳозирги замон босқичига кўтарилган².

¹ Бу ҳақда қаранг: Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 37.

² Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 6-жилд, – Т.: ЎзМЭ ДИН, 2003. – Б. 385.

Зардуштийларда давна оқ нон маздопарастлар маросимида шоҳ Сурушга ниёз келтирилган. Сувли суоқ таомлардан ташқари бошқа шоҳларга тортиқ қилинадиган барча таомлар-гўшт, мева, нон ва бошқалар. “Авесто” луғатида “мазда” дейилган¹.

Яснанинг 3-8 готлари “Суруш дравна” деб номланади. Яснанинг 11-готи 3-бандида эса дравна мутлоқ курбонлик ёхуд назр-ниёз маъносида ифода этилган.

Авестошунос Баҳор ёзадики, дравна супра ва нон бўлиб, зардуштийларнинг диний маросимлардаги воситаларидан бири саналган. Ҳоҳ кичик, ҳоҳ катта бўлсин, буғдой унидан тайёрланган бу нон – дравна жаҳон устуворлигининг рамзидир. Дравнанинг халққа монанд шакли ер шарини халқадек ўраб олган Албурс тоғининг рамзидир. Ноннинг юзи, кенлиги, сатҳи, қуёш рамзидир; мутлоқ ҳалоллик ва поклик билан яратилганлиги эса ойга ишора; супра устига қўйилувчи уч дона чўп эса эзгу сўз, эзгу амал, эзгу ният. Сув яшиллик, дарё эса яйлов ва ўрмонларнинг рамзи саналган².

Кишилик жамияти азалдан ўз тирикчилигининг асосий манбаи ва воситаси сифатида нонни доимо эъзозлаб келмоқда. Нонга бўлган муносабат жамиятни буюк кадриятига айланган. Инсонлар болалик чоғларидаёқ нонга бўлган ҳурмат руҳида тарбияланган. Манбаларга кўра, нон маздопарастларнинг энг олий неъмат ҳисобланиб, ҳаттоки инсоннинг тузилиши ўзига хос маънавий рамзларни англатган. Итоаткорлик ва ҳалоллик маъбудаси Сурушга бағишлаб ўтказилган маросимда дравна (супра) бир парча нон рамз сифатида тасвирланган. Супра ва нон ўзига хос рамзий маънога эга бўлган буғдойдан тайёрланган ун жаҳондаги барча нарсалардан устун саналган.

Нон гирди ва юзаси ўраб олган тоғларнинг рамзи, юзи ва кенлиги сатҳи Қуёш рамзини билдирган. Супра устига уч дона хушбуй чўп қўйилган. Бу чўплар эзгу сўз, эзгу ният, эзгу амални англатган. Нонни тесқари қўйиш Қуёш ва Ерни тесқари қўйиш билан баробар бўлиб, Ахуравий гуноҳ саналган (Ғ.Соатов. Зардуштийлик маданияти ва маънавияти. – Қарши, “Насаф”, 2004. Б.10.).

Дунёда бирор бир диний таълимот, ё бирор аллома заминни ва ундан унғучи буғдой, унинг ҳосиласи – нонни “Авесто”чалик кўқларга кўтармаган.

“Пайғамбар Заратуштра шоҳ Ахура-Маздадан сўради:

“Эй Ахура-Мазда!

Заминни ҳаммадан ҳам бахтиёр қилувчи зот ким?

- Ахура-Мазда жавоб берди:

- Эй, Заратуштра!

- Кимки уни яхшилаб ҳайдаса ва зироатга тайёрласа! ...

- Эй, Заратуштра!

Кимки ғалла экса, у ҳақиқатни экади ...”³ Зардуштийликда экин ерларини кўпайтириш шудгор қилинган жойларни асраб-авайлаш, уни муқаддас ҳисоблаб сажда қилиш илоҳий низом тусини олган⁴.

Кўринадики, оташпараст динидаги кўпгина муқаддас нарсалар буюк неъмат ҳисобланган нонда мужассамлашган. Муқаддас ҳадисларда “Нонни эъзозланглар!”, “Дастурхонга тўкилган таом ва ушоқларни териб ейдиган одамнинг гуноҳи тўкилади”, деб даъват қилинган⁵.

“Мухтасар” китобида ёзилишича: “Нонни, гарчи буғдой унидан пиширилган бўлса ҳам, буғдой баробарича ҳолда, буғдой уни баробарига сотиш дуруст, гарчи бириси ортиқ бўлса ҳам. Шунингдек, гарчи бирини насияга ҳам сотиш дуруст. Аммо нон ҳозир бўлиши зарур.

Нонни мезон ўлчови билан қарзга олиб тутиш дуруст. Аммо битта нонга битта нон бериб туриш шарти билан қарз олинмайди”⁶.

¹ Авесто. А.Маҳкам таржимаси. – Т., 2001. – 320 б.

² Авесто. – Б. 320.

³ Маҳмудов Т. Кўрсатилган асар. – Б. 5.

⁴ Маҳмудов Т. Кўрсатилган асар. – Б. 14.

⁵ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: Фан, 1990. – Б. 38.

⁶ Мухтасар (Шариат қонунлари). – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 177.

Кайковус “Қобуснома”сининг “Жувонмардлик зикрида” 43-бобида ёзилганидек: “Бир гуруҳ ранж била топғон нонни ганж билгай. Нон емоқ вақтида суфрадин ғойиб бўлмағай, токи ўзгалар уни келур деб, интизорлик чекмағайлар. Халқнинг олдидаги нонга қўлин урмағай. Агар бир иллат сабаби била таом егуси келмаса, суфра ёйилмасдан бурун узр айтғай”¹.

Муборак китобларда таъкидланадики: “пиёла, коса-товоқ ва шунга ўхшаш нарсаларни нон устига қўймоқ макруҳ. Аммо ейдиган нарсаларни ноннинг устига қўйса, жоиз. Нонни зиёда эъзозламоқ ва икром қилмоқ лозим.

Бир лукма нон учун 360 киши хизмат қилади, яъни 360 кишининг хизмати билан бир лукма нон ҳосил бўлади. Уларнинг биринчиси Ҳазрати Мекоил алайҳисаломдурларки, сувни аллоҳнинг хазинасидан келтирадилар ва охиригиси нонвойдур”².

Ривоят қилишларича, қадим замонда ўктам ва бадавлат бир киши кекса донишманд ҳузурига келиб шундай дебди: -Устоз бузруквор, сиздан бир нарсанинг маъносини сўрамоқчиман. Шундоғки, менинг мол-дунём беҳисоб. Қанча харж қилсам ҳам, бевабечораларга эҳсон қилсам ҳам зарра камаймай, аксинча, кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бунинг сири нимада эканини билмаяпман. Муродим, ушбу жумбоқни ечиб берсангиз.

Донишманд бир муддат сукут қилгач, дебди:

-Аввал, бир шартим бор. Ҳозир маконинга қайтиб, менинг олдимга туяда, йўл-йўлакай нон еб келасан. Бадавлат киши донишманднинг шартини бажо айлаб, бир неча кундан сўнг унинг қошига Туя миниб келибди. Шунда донишманд ундан сўрабди: -Хўш, бандайи давлатбахт, йўлда қандай синоат кўрдинг? -Мен шартингизга биноан туя устида нон еб келур эдим, битта ушоқ ерга тушиб кетди. Уни ҳарчанд қидирмайин тополмадим. Шундан кейин ушоқ тушган жой атрофини девор кўтариб, ўраб қўйдим.

-Баракалло, -деди, бу сўзни эшитиб донишманд. - Мана, сен айтган жумбоқни ўзинг ечдинг. Кимки нонни эъзоз қилса, худойи таоло унинг ўзини эл ичида мўътабар ва давлатини зиёда этгай.

Бошқа бир ривоятда Қадимги Миср коҳинлари қуёш, олтин ва нонни бир хил рамзий белги билан ифода қилишгани айтилади. Бу белги-ўртасида нуқта бўлган чизиқ шаклида экан. Бу афсона ва ривоятларда ҳақиқат зарраси мавжудлигини шарҳлаб ўтирмаса ҳам бўлади.

Машхур аллома Азизиддин Насафий (XIII аср) таълимотидаги камолотга эришиш икки дунёда фаровонлик инсоннинг фаолиятига, меҳнатига боғлиқлиги ҳақидаги гоя куйидаги мисраларда акс этган:

“Бир сават ширмой нон турар бошинда,

Тилайсан экиндан бир бурда нон нечун?

Кишилар эшигин тақиллатгунча,

Қоксангчи, эй нодон, дилинг эшигин!” (А.Чориев, И. Чориев. Педагогиканинг методологик асоси ва илмий тадқиқот методлари. Т.: “Nishon noshir”, 2016. Б.98.).

Ўзбек халқи энг табарруқ деб эъзозлаган нон билан боғлиқ кадрятлар бўйича маълумотлар этнографик ва илмий-оммабоп асарларда учрайди³.

Шунингдек “Маънолар махзани” китобида ҳам нон билан боғлиқ иборалар мавжуд: “Бели оғримаганнинг нон ейишига қара”, “Нон-асли дон”, “Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон”, “Нон боласи - нон ушоқ”, “Нон пишгунча кулча(тўқоч) куяди. ”, “Нон тикилса сувга бор,

¹ Кайковус. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 2015. – Б. 189.

1. Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. – Т., 1960. – Б.107

² Саломатлик тақвими. 2015 йил VII-IX сонлар. – Т., 2015. – Б. 62.

³ Шаниязов К.Ш. 1. Узбеки-карлуки. Т., 1964; 2. К этнический истории узбекского народа. – Т., 1974; 3. О традиционный пище узбеков. – Этнографическое изучение быт и культуры узбеков. – Т., 1972, – С. 96-118; 4. Пища. – Шаниязов К., Исмаилов Х. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX-начале XX в. – Т., 1981. – С.105-123; Курбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири - XX аср бошлари. Номз. дисс... – Т., 1994; Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т., 2007; Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (Сурхон воҳаси мисолида). – Т., 2010; Маҳмудов К. Нон ризқ-рўзимиз. – Т., 1998; Маҳмамов Г. ва бошқ. Ўзбек нонлари. – Т., 1961; Худойшукуров О. ва бошқ. Ўзбек миллий таомлари. – Т., 1995.

сув тиқилса гўрга бор”, “Нон чайналмагунча ютилмас”, “Нонкўрга берган эсиз ошим, бевафога тўккан эсиз ёшим”, “Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма”, “Улуғ сўзлама, улуғ парча нон ерсан”, “Нонни икки кунлигини е, гўштнинг - бир кунлигини”¹.

Муқаддас ҳадисларда ҳам даъват қилинганидек: “Нонни эъзозланглар!”, Дастурхонга тўкилган таом ва ушқоқларни териб ейдиган одамнинг гуноҳи тўкилади”².

Зеро, аждодларимизнинг ризқ-рўзимиз нонни эъзозлаб асраш, тежаш каби эзгу фазилатларини ёшлар онгига кўпроқ сингдирсак уларни келажакда комил инсон бўлиб етишишига яқиндан ёрдам беради. Бу ҳозирги истиклол даврининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ботиров А., Бердимуродов А. Аждодларимиз “дастурхони // Фан ва турмуш, 1986 йил 9-сон, – Б. 8-9.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 6-жилд, – Т.: ЎзМЭ ДИН, 2003. – Б. 385.
3. Авесто. А. Маҳкам таржимаси. – Т., 2001. – 320 б.
4. Ахлоқ- одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: Фан, 1990. – 146.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ДИНАМИКАСИ (1989–2019-йиллар)

Пардаев А. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё воҳасида 1989-2019 йилларда аҳоли сонининг динамикаси, туғилиш, ўлим ҳолати, ўсиш суръатлари, туманлардаги аҳоли сонининг табиий кўпайиш омиллари, миграция, урбанизация, меҳнат ресурслари ҳамда уларни иш билан таъминланиш масалалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *Қашқадарё, республика, мамлакат, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, динамика, демография, аҳоли, Шаҳрисабз, Чироқчи, Китоб, Яккабоғ, Қарши, Косон, меҳнат ресурслари, миллий таркиб, миграция, иқтисод.*

Аннотация. В данной статье анализируются вопросы динамики населения Кашкадарьинского оазиса 1989-2019 гг., рождаемость, смертность, темпы динамики, естественные факторы прироста населения в районах, миграция, урбанизация, трудовые ресурсы и их занятость.

Ключевые слова: *Кашкадарья, республика, страна, область, город, район, село, динамика, демография, население, Шахрисабз, Чиракчи, Китаб, Яккабаг, Карши, Касан, трудовые ресурсы, национальный состав, миграция, экономика.*

Аннотация. This article analyzes the issues of population growth in the Kashkadarya oasis in 1989-2019, fertility, mortality, growth rates, natural factors of population growth in the regions, migration, urbanization, labor resources and their employment.

Keywords: *Kashkadarya, republic, country, region, city, district, village, dynamics, demography, population, Shakhrisabz, Chirakchi, Kitab, Yakkabag, Karshi, Kasan, labor resources, national composition, migration, economy.*

Демографик вазият аҳолини туғилиш, ўлим ҳолати, ўсиш суръатлари, никоҳ ва ажралиш, авлодлар алмашиши, аҳолининг ўртача умр кўриши, ёш, жинс, миллий, оилавий, худудий, ижтимоий таркиби, миграция, урбанизация, меҳнат ресурслари ҳамда уларни иш билан таъминланиш даражаси кабиларнинг умумий кўринишидир.

Ўзбекистонда демографик ҳолатни баҳолашда ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Чунки, давлат ва унинг маъмурий худудларини ривожлантиришда демографик жараёнлар муҳим ўрин тутди.

Республиканинг демографик жараёнларини тадқиқ этиш замонавий тарихшунослик фанининг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти

¹ Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Т.: ЎзМЭ. ДИН, 2001. – Б. 234-235.

² Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: Фан, 1990. – Б.38.

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: –“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга”¹.

Қуйида Қашқадарё вилоятидаги 1989-2019 йиллардаги демографик жараёнлар, хусусан, аҳоли сонидagi умумий ўзгаришлар, қишлоқ ва шаҳар аҳолисining таркиби, шаҳар аҳолисining кўпайиши, туғилиш ва ўлимнинг бири-биридан фарқи, воҳанинг республикадаги бошқа ҳудудлардан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари, аҳоли зичлиги, вилоят аҳолисining миллий таркиби, меҳнат ресурслари бандлигининг тармоқ таркиби ва уларнинг жойлашуви таҳлил қилинган.

Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган салоҳиятли вилоятлардан бири бўлган Қашқадарё воҳаси республика иқтисодий-ижтимоий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади. Вилоят демографияси республикадаги бошқа ҳудудлардан фарқли равишда мустақиллик йилларида аҳолининг ўсиш суръати, туғилиш ва ўлимнинг камайиши, фарзанд кўриш кетма-кетлигини қисқариши, аҳоли зичлиги ва жойлашувидаги ўзгаришлар, ўртача умр кўриш даражасининг ортиши, шаҳар аҳолисining ўсиши қишлоқ аҳолисига нисбатан секинлашуви, миграциянинг фаоллашуви билан изоҳланади.

Китоб, Шаҳрисабз, туманларида аҳоли ўта зич жойлашганлиги, ернинг чекланганлиги, ўзлаштирадиган ерларнинг мавжуд эмаслиги бошқа туманлардан фаркланади, аксинча, Чирокчи, Миришкор, Муборак, туманларида эса аҳоли сийрак жойлашган.

Республикада ўтказилган сўнги аҳоли рўйхати (1989 йил)да жами 19780.0 минг нафар рўйхатга олинган бўлиб, шундан, Қашқадарё воҳасида аҳоли сони 1594 минг нафар ташкил қилган. Шаҳар аҳолиси 415 минг нафар (умумий аҳолининг 25%), қишлоқ аҳолиси 1179 минг нафар(умумий аҳолининг 75 фоиз)ни ташкил қилган. 1992 йилга келиб вилоят аҳолиси 1 млн 800 минг нафарни ташкил қилган².

Худди шу тартибда вилоят аҳолисining йиллар кетма-кетлигида кўпайиши қўйидагича кечган. 1995 йил 1 млн 975 минг нафар, шундан шаҳар аҳолиси 516 минг нафар, қишлоқ жойлардаги 1 млн 449 минг нафар, 1996 йил 2 млн 30 минг нафар, шаҳар аҳолиси 527 минг нафар, қишлоқ аҳолиси 1 млн 503 минг нафар, 1997 йил 2 млн 79 минг нафар, шаҳар аҳолиси 538 минг нафар, қишлоқ аҳолиси 1 млн 541 минг нафар, 1998 йил 2 млн 1123 минг нафар, шаҳар аҳолиси 546 минг нафар, қишлоқ аҳолиси 1 млн 577 минг нафар, 1999 йил 2 млн 170 минг нафар, шундан шаҳар аҳолиси 554 минг нафар, қишлоқ аҳолиси 1 млн 616 минг нафар, 2000 йил 2 млн 216 минг нафар³, шундан шаҳар аҳолиси 562 минг нафар, қишлоқ аҳолиси 1 млн 654 минг нафар, 2001 йил 2 млн 257 минг нафар, шаҳар аҳолиси 569 минг нафар, қишлоқ аҳолиси 1 млн 688 нафар, 2002 йил 2 млн 2 98 минг нафар, шундан шаҳар аҳолиси 576 минг нафар, қишлоқ аҳолиси 1 млн 722 минг нафар, 2003 йил 2 млн 340 минг нафар, шаҳар аҳолиси 583 мин нафар, қишлоқ аҳолиси 1 млн 757 минг нафарни ташкил қилган⁴.

Ушбу рақамлардан кўриниб тўрибдики, вилоят аҳолиси йилдан йилга табиий кўпайиш ҳисобига ортиб борган, шунингдек, шаҳарда истиқомат қиладиган аҳоли сони ҳам ортиб борган.

Агар аҳолининг миллий таркибига эътибор берадиган бўлсак, 1989 йилда аҳолининг 85 фоизни ўзбеклар ташкил қилган бўлса, 1995 йилга келиб 91 фоизни ўзбеклар ташкил қилган. 2013 йилдаги маълумотга кўра, вилоят аҳолиси миллий таркибида ўзбеклар кескин ажралиб туради – 92,3 фоиз. Иккинчи ўринда тожиклар – 4,3 фоиз. Қолган миллат вакилларида туркман ва руслар кўпроқ. Бу жараённи мустақилликнинг дастлабки вақтларидаги аҳоли миграцияси билан изоҳлаш мумкин⁵.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь.

² “Қашқадарё ҳақиқати”, 1992 йил 22 февраль.

³ Каримов И.А. Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, ҳар бир оила фаровонлиги – мен учун олий саодат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 127.

⁴ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси йиллик статистик тўплам. – Т., 2005. – Б. 54-55.

⁵ Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Т., 1997. – Б. 650.

Чунки, Республика мустақилликка эришгандан кейинги йилларда туб жой аҳолиси бўлмаган миллат вакилларининг азалий ватанларига қайтиши, ўтиш даври қийинчиликларининг, айниқса, шаҳар жойларда сезиларли бўлганли, туғилиш ва табиий кўпайиш суръатларининг тушиб бориши мамлакат умумий урбанизация даражасининг пасайишига олиб келди.

Ушбу ҳолат Жанубий Ўзбекистон шаҳарларида ҳам кузатилди, бироқ у Тошкент ва Фарғона иқтисодий районларидаги каби кескин кўринишга эга бўлмади.

Бунга таҳлил қилинаётган минтақада юқоридаги иқтисодий районлардаги сингари йирик саноат шаҳарларининг (манфий миграция савдоси натижасида Ангрэн, Чирчиқ, Олмалиқ ва бошқа шаҳарларда аҳоли сони камайган) деярли йўқлиги ҳамда табиий кўпайиш жараёнининг мамлакат ўртача даражасидан анча баланд эканлиги сабаб бўлган.

Аҳоли демографиясида кузатиладиги ҳолатлардан яна бири шаҳарда яшайдиган аҳоли сонининг кўпайиш жараёнини ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун 2004 йилда воҳа аҳолиси 2378,2 минг нафарни ташкил қилиб, шундан шаҳар аҳолиси 587,5 минг нафарни, қишлоқ аҳолиси 1790,7 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб воҳа аҳолисининг умумий сони 2958,9 минг нафарга етиб, шаҳар аҳолиси 1274,5 минг нафари, қишлоқ аҳолиси эса, 1684,4 нафарни ташкил қилган. Бундан кўринадики, 2004 йилда вилоятда шаҳар аҳолисининг улуши умумий аҳолининг 25% ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб шаҳар аҳолиси умумий аҳолининг 43 фоиз ташкил қилган. Шаҳар аҳолиси ўтган 10 йил давомида 18 фоизга кўпайган¹.

Бунга асосан, шаҳар ҳудудларининг кенгайиши, қишлоқ аҳолисининг шаҳарга яшаш учун кўчиб келиши, ўқиш ва ишлаш учун келган қишлоқ ёшларининг шаҳарда ишга кириш жараёнида доимий яшаш учун қолиши сабаб бўлган. Бу асосан вилоятдаги Қарши, Шахрисабз, Китоб, Косон каби шаҳарларда яққол сезилган. 2020 йилда Қашқадарё воҳаси аҳолиси сони 3млн 280 минг 130 нафарни ташкил қилган. Воҳа аҳолиси ҳар йили ўртача 60 минг нафарга кўпаймоқда².

Лекин, шунга қарамадан, ҳозирги даврда жаҳонда юқори суръатлар билан ривожланиб бораётган урбанизация жараёни, шу жумладан Ўзбекистон ҳаётида шаҳарлар мавқеи ортиб боришига қарамадан, мамлакатимизнинг 63,9 фоиз, жанубий вилоятларнинг 75,4 фоиз аҳолиси қишлоқ жойларида истиқомат қилишмоқда. Қашқадарё вилояти қишлоқ муаммосининг ечими учун табиий-иқтисодий географик жиҳатдан етарли имкониятларга эга.

Айниқса иқлимий шароити қишлоқ хўжалигида суғорма ва лалмикор деҳқончилик, сабзавот-полизчиликни ривожлантириш учун қулай. Бу тарихий даврларда аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келишига таъсир этган. Бинобарин Қашқадарё вилоятидаги аҳоли манзилгоҳларининг 87,5 фоизини қишлоқлар ташкил этади. Қолган 12,5 фоизи шаҳар манзилгоҳларидир.³

Таъкидлаш жоизки, аҳоли табиий ҳаракати кўрсаткичлари шаҳар ва қишлоқ жойларда фарқ қилади: қишлоқ жойларда туғилиш шаҳарларга нисбатан бирмунча юқори. Бунинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Жумладан, қишлоқларда аёлларнинг ижтимоий ҳаётида бандлигини паст даражада бўлиши, кўл меҳнати кўп талаб қилинадиган қишлоқ хўжалигида ишчи кучига бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги, миллий анъаналар даврлар давомида туғилишнинг юқори бўлишига олиб келган. Шаҳар аҳолиси таркибида эса турли миллат ва халқ вакиллари аёлларининг ижтимоий ҳаётда фаоллиги, иқтисодий-ижтимоий омиларга боғлиқ ҳолда уй-жой муаммоси ва бошқа сабаблари туғилиш даражасининг бироз паст бўлишига олиб келади.

Кейинги йиллар мабойнида, яъни 1989-2014 йиллар оралиғида аҳоли сони анча тез кўпайиб борган: Муборак туманида ўртача йиллик кўпайиш 5,70, Косонда 4,75 фоиз, Китоб ва Нишон туманларида 4,10 фоизни ташкил қилган. Нисбатан пастроқ демографик ўсиш

¹ Демографический ежегодник Узбекистана. – Т., 2019. – С. 5.

² Қашқадарё вилоят статистика бошқармасининг жорий архиви, 2020 йил.

³ Тожиёва З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (1989-2009 йй.). Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2010. – Б. 54.

Дехқонобод (2,40 фоиз), Қарши (2,50 фоиз) ва Касби (2,50 фоиз) туманларида кузатилади. Шу ўринда эътироф этиш лозимки, мазкур кўрсаткичлар бўйича Муборак тумани республикамизда энг олдинги ўринларни эгаллайди¹.

Туман аҳолисининг бундай тез ўсиши нафақат табиий кўпайиш, балки аҳоли миграцияси билан ҳам боғлиқ (табиий ресурсларни ўзлаштириш натижасида аҳоли бу ерга кўплаб кўчиб келган). Юқори ҳудуд (Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Китоб туманлари) кўп жиҳатдан республикамизнинг аҳолиси зич, хўжалиги интенсив ривож топган воҳа ва водийларига ўхшаб кетади. Шу билан бирга, аҳоли зичлик кўрсаткичлари қуйи ҳудуднинг айрим туманларида (Касби, Қарши) ҳам анча юқори. Аҳолининг табиий ҳаракат кўрсаткичлари бошқа ҳудудларга қараганда (Сурхондарёдан ташқари) сезиларли даражада фарқ қилади.

Чунончи, бу ерда туғилиш коэффиценти ҳар 1000 киши аҳолига 25,1 нафарни ташкил этади. Энг юқори даража 2000 йилда Чироқчи туманида бўлиб, у бу ерда яқин 34 нафарга баробар (Ўзбекистонда олдинги ўринларда). Яккабоғ туманида ҳам туғилиш анча юқори – 26,7 фоиз. Айни вақтда умумий туғилиш коэффиценти Миришкор, Қарши шаҳри ва туманида пастроқ. 2013 йилда ҳам Чироқчи тумани туғилиш коэффиценти бўйича ажралиб туради (30,0 фоиз). Қолган қишлоқ туманлари орасида катта фарқ кузатилмайди, вилоят маркази – Қарши шаҳрида туғилиш 21,5 промилле².

Аҳоли сони бўйича вилоятда Чироқчи тумани олдинда туради (349,9 минг нафар, 2014 йил); Шаҳрисабз туманида ҳам, Шаҳрисабз шаҳрини қўшиб ҳисоблаганда, аҳоли 324 минг нафар. Шунингдек, Қамаш, Косон, Китоб ва Яккабоғ туманларининг ҳар бирида 200 минг нафардан кўпроқ аҳоли бор. Умуман, юқорида келтирилган туманлардаги қишлоқлар бу жиҳатдан республикамизда ҳам ажралиб туради. Вилоят табиий географик муҳитига мос ҳолда аҳоли унинг ҳудудида бир текис жойлашмаган. Ўртача зичлик 1 км² га 101 нафар, бу рақам республика ўртача кўрсаткичидан деярли 1,5 марта юқори. Аҳоли, хусусан Касби (267 нафар), Қарши (231 нафар), Яккабоғ (210 нафар) ва Шаҳрисабз (195 нафар) туманларида зич жойлашган, Муборак, Дехқонобод, Миришкор қишлоқ туманларида зичлик анча паст³.

Аҳоли зичлиги кўрсаткичларида ҳам ҳудудий тафовутлар деярли шунга мос ҳолда шаклланган; энг юқори кўрсаткич Қарши, Касби, Шаҳрисабз, паст кўрсаткичлар эса Муборак, Миришкор ва Дехқонобод туманларида кўзга ташланади. Қарши туманида демографик (антропоген) “юкнинг” кўплиги унинг бевосита вилоят маркази атрофида жойлашганлиги билан изоҳланса, Шаҳрисабз туманида бундай вазият деярли 100 минг нафар аҳоли сонига эга бўлган Шаҳрисабз шаҳри туфайли вужудга келган⁴.

Ёки, вилоят ҳудудлари кесимида 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, энг кўп аҳоли сони Чироқчи туманида 400,0 минг нафар (вилоят аҳолиси сонигаги улуши 12,4 фоиз) ва Косон туманида 278,2 минг нафарни (8,7 фоиз), Қарши шаҳрида 270,4 минг нафарни (8,5 фоиз), аксинча энг кам аҳоли сони Муборак туманида 84,8 минг нафар (2,6 фоиз) ва Миришкор туманида 116,8 минг нафарни (3,6 фоиз) ташкил этди. Аҳоли зичлиги 1 кв.км га 120 нафарни ташкил қилади⁵.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли демографияси воҳа иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига бевосита таъсир этувчи жараён ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, аҳолининг шаҳарларга интилиши кўчайиб бормоқда. Натижада, шаҳар аҳолисининг салмоғи кўпаймоқда, шунингдек, миллий таркибида ўзбекларнинг салмоғи ҳам ошиб кетмоқда, бунга, асосий сабаблардан туб жой бўлмаган миллат вакилларининг ўз ватанларига қайтиши ва қишлоқ жойларида туғилишнинг кўпайиши ҳисобланади.

Аҳоли бандлиги муаммосини ҳал қилишнинг энг асосий йўллари- туманлар миқёсида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни фаоллаштириш, бу борада ишлаб чиқариш ва

¹ Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. – Т., 2014. – Б. 290.

² Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. – Т., 2014. – Б. 291.

³ Солиев А., Назаров М.И., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий иқтисодий ривожланиши. Монография. –Т., 2010. – Б. 271.

⁴ Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. – Т., 2014. – Б. 290.

⁵ Қашқадарё вилоят статистика бошқармасининг жорий архиви, 2019 йил.

хизмат кўрсатиш соҳаларига инновацион технологияларни жалб қилишдир. Бу эса ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан мос равишда маҳаллий эҳтиёж асосида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь.
2. “Қашқадарё ҳақиқати”, 1992 йил. 22 февраль.
3. Каримов И.А. Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, ҳар бир оила фаровонлиги – мен учун олий саодат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 127.
4. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси йиллик статистик тўплам. – Т., 2005. – Б. 54-55.
5. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Т., 1997. – Б. 650.
6. Демографический ежегодник Узбекистана. – Т., 2019. – С. 5.
7. Қашқадарё вилоят статистика бошқармасининг жорий архиви, 2020 йил.
8. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (1989-2009 йй.). Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2010. – Б. 54.
9. Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. – Т., 2014. – Б. 290.
10. Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. – Т., 2014. – Б. 291.
11. Солиев А., Назаров М.И., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий иқтисодий ривожланиши. Монография. – Т., 2010. – Б. 271.
12. Қашқадарё вилоят статистика бошқармасининг жорий архиви. 2019 йил.

Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЭРОНДАГИ БРОНЗА ДАВРИ ЛОЛА ТАСВИРЛАРИНИНГ ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Хуррамов Х.Б. (ТерДУ)

Аннотация. Ушбу мақола Марказий Осиё ва Эрондаги бронза даври ёдгорликларидан топилган лола тасвирлари асосида ўша давр диний қарашлари ва мифологияси очиқ берилди, Окс цивилизацияси тарихшунослигидаги аҳамияти кўрсатилди.

Таянч сўзлар: *Лола, глиптика, Инана, цивилизация, Гонур, Транс-элам, Теге Яхё, Шаҳдод.*

Аннотация. В данной статье раскрываются религиозные воззрения и мифология на основе изображений тюльпанов, обнаруженных в памятниках эпохи бронзы в Средней Азии и Иране, подчеркивая их значение в историографии цивилизации Окса.

Ключевые слова: *Тюльпан, Глиптика, Инана, цивилизация, Гонур, Транс-Элам, Теге Яхья, Шахдод.*

Annotation. This article reveals the religious views and mythology of that period on the basis of tulip images found in Bronze Age settlements in Central Asia and Iran, and highlights its importance in the historiography of the Oxus civilization.

Keywords: *Tulip, Gliptics, Inana, Civilization, Gonur, Trans-Elam, Tepe Yahyo, Shahdad.*

Милоддан аввалги III-II минг йилликларнинг бошларидаёқ Ўрта Осиё ва Эронда лолаларга алоҳида сифиниш тасвирий иллюстратсияларда акс этган. Бундай тасвирлар сони, хусусан, ҳозирги Туркманистондаги йирик Гонур манзилгоҳида олиб борилган қазималар натижасида анча кенгайтирилган. Лола кўпинча Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон муҳрларида аёл худо билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади, улардан бири унинг танасидан ўсадиган ўсимликларни ҳисобга олган ҳолда ўсимлик маъбудаси сифатида ажралиб туради. Лола билан боғлиқ бўлган иккинчи маъбуда қанотли бўлиб, у илонлар ва йирик ёввойи мушуклар билан тасвирланган. У, эҳтимол, Месопотамия маъбудаси Иштар/Инана билан боғлиқ бўлиб, эҳтимол Парфия давридан бери Марказий Осиёда намоён бўлган Нана/Наная маъбудасининг прототипидир. Бу қанотли худо учинчи маъбуда билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг атрибути шер-аждаҳодир. Эроннинг шарқий қисмидан олинган цилиндрли муҳрга ва Месопотамия тасвирларига асосланиб, уни сув худоси сифатида таснифлаш

мумкин. Худди шу тарзда цилиндр муҳрида лолалар тасвирланган бўлиб, улар баҳорнинг рамзи сифатида талкин қилиниши мумкин ва шунинг учун унумдорликни англатади. Бу функцияда лолалар тасвирлари, шунингдек, кучли шарқий Эрон таъсирини кўрсатадиган Суккалма даврига оид бир неча элам муҳрларида ва аёллар доирасига бириктирилиши мумкин бўлган тош идишлар ва тароқлар каби нарсаларда ягона нақш сифатида учрайди.

Бугунги кунгача гул маросимлари Марказий Осиё халқ удумларининг ажралмас қисми ҳисобланади [1;133]. Бу байрамларнинг асосий эътибори лола ва гулга қаратилган, баҳор байрамлари контекстида бир хил ном берилган, бу, эҳтимол, қизил гуллайдиган баҳор гулига ўхшаш кўриниши билан боғлиқ. Поттиер лоланинг айниқса ушбу минтақа аҳолиси учун аҳамияти ҳақида қуйидаги хулосани беради: – “Ўрта Осиёнинг чўл ҳудудларида баҳорда бутун ер юзасини улкан қизил гилам билан қоплайдиган минглаб лолаларнинг пайдо бўлиши совуқ қишдан кейин тупроқнинг қайта туғилишидан далолат беради. Эрийдиган қор ва баҳорги ёмғирлар бу кутилмаган томошани келтириб чиқаради, унинг мавжудлиги сув билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу энг хайратланарли ҳодиса, чунки бу йилнинг ягона нам фасли” [2;76]. Бундай ғоялар, шубҳасиз, лолалар пайдо бўлган минтақа бўлмиш Марказий Осиёдаги узоқ анъаналардан келиб чиқади, чунки бу гулнинг кўплаб тасвирлари бронза давридаёқ намоён бўлади [3;13]. Лола Европага етиб боришидан анча олдин, эҳтимол бу 16 асрда содир бўлган ва Голландияда 1634-1637 йиллар оралиғида [4;45], турк ва форс боғдорчилик маданиятининг ажралмас қисмига айланиб, “лола жиннилиги”ни келтириб чиқарган. Салжуқийлар ва Усмонлилар безаклари топилган ва ўрта асрлар форс шеърияти Саъдий ёки Ҳофиз лолани ўзларига сиғиниш объектига айлантиришдан анча олдин, тоғ гулига Ўрта Осиёда ва Эроннинг қўшни тоғларида жуда кўп сиғинишган.

Гонурда олиб борилган сўнгги қазилмалар давомида лолалар тасвирланган бир қанча ашёлар топилгани бунинг таъсирчан далилидир. Бу милoddан аввалги III минг йилликнинг иккинчи ярмида ҳозирги маълумотларга кўра, Марғиёнада (Туркменистон) ривожланган йирик аҳоли пункти бир-биридан 400 м масофада жойлашган иккита кўрғондан (шимолий ва жанубий Гонур) иборат. Бу кўрғонлардан тахминан 200 м ғарбда некропол ҳам топилган бўлиб, уларда 2300 дан ортиқ қабр ўрганилган [5;24].

Сарианидининг сўзларига кўра, шимолий тепалиқдан бир оз ёнроқ бўлган жанубий тепалиқдаги турар-жой думалоқ минорали улкан девор билан ўралган. Ҳар бирининг ён узунлиги 120 м бўлган трапезоидал қават режасига эга. Шаҳарнинг зич ички ривожланиши тартибсиз кўринади, чунки мажмуани тузувчи йўл тизими йўқ. Мажмуанинг жануби-ғарбий қисмидаги симметрик қурилиш мажмуаси Сарианидий томонидан ибодатхона деб аталади, эҳтимол атрофдаги девор қурилишидан олдин қурилган [6;98]. Гонурнинг муодофаа девори ичида яратилган сув ҳавзалари диққатга сазовордир, эҳтимол улар Мурғоб дарёсидан қувур тизими орқали сув билан таъминланган [7;249]. Гонур саройидан топилган тош флаконда (Сарианиди 2002а, 126; 2.2-расм) ва Гонур некрополидаги 1750-қабрдан топилган тош пойдеворда лолалар тасвири учрайди. Уларнинг иккаласида ҳам улар тоғ ландшафтига боғлангандек кўринади ва шунинг учун уларнинг Марказий Осиёнинг тоғ гуллари сифатидаги характерини таъкидлайди. Гонур некрополидан штамп муҳридаги гул тасвирини лола сифатида ҳам кўрсатиш мумкин. Жанубий Бактрияда (Шимолий Афғонистон) думалоқ мис муҳрларда алоҳида лолаларнинг ўхшаш тасвирлари мавжуд. Гонур-жанубдан топилган тош муҳрда ҳам лола тасвирланган, унинг параллеллари жанубий Бактриядан ҳам маълум [8;345]. Гонур шаҳридан топилган, Транс-Элам муҳрлари деб аталадиган гуруҳга кирувчи иккита цилиндрли муҳрда ҳам лола гуллари пайдо бўлади, уларни лолалар деб аташ мумкин. Цилиндр муҳрларидан бири некрополнинг 23-қабрида бўлган. Унда оёқлари бутунлай узун кўйлак билан қопланган чўккалаб ўтирган фигура тасвирланган. Унинг узун, эҳтимол жингалак сочлари бор ва унинг танаси ва бошидан ўсимликлар ўсиб чиқади. Чўккалаб ўтирган фигуранинг остида илон тасвирланган, унинг олдида яна иккита хайвон бор, улардан бирини қаприд деб билиш мумкин, иккинчисини эса фақат тўрт оёкли дўст яъни ит дейиш мумкин. Қаприднинг бошида лола гули бор. “Қурбонлар ибодатхонаси” топилган Гонурдан топилган яна бир цилиндрли муҳрда боши

ва танасидан тик турган “ўсимлик маъбудаси” кўрсатилган, яна иккита рақам: залда ўтирган одам ва тик турган қанотли худо, унинг танасидан жингалак учли таёқчалар ўсади. Қанотлар патларни аниқ кўрсатади ва таёқлардан аниқ ажралиб туради. Қанотли маъбуда бошидан ўсиб чиққан иккита новда шох сифатида ҳам талқин қилиниши мумкин. Бу шохларнинг икки томонида иккита гул бор, эҳтимол лолалар.

Цилиндр муҳрларида тасвирланган худолар учун Ўрта Осиё ва Шарқий Эроннинг баъзи параллелликларини келтириш мумкин. Худонинг танадан ўсадиган ўсимликлар ва қанотли худо билан бирикмаси айниқса тез-тез учрайди. Бирок, бу тасвирларнинг ҳеч бирида қанотли худо Гонур муҳрида кўринадиган таёқларни кўрсатмайди.

Авалло, Тепе Яхёнинг муҳрини эслатиб ўтиш керак, унинг ёнида ўсимликлар билан чўккалаб ўтирган шакл бор, танадан бир томир ўсиб, чўккалаб турган шакл кўрсатилган[9;141]. Унинг иккинчи шакли қанотли, шохлари бор ва аёл эканлигини аниқ аниқлаш мумкин. Бундан фарқли ўларок, танадан ўсиб чиқадиган ўсимликларни Поттс эркак деб атаган. У иккита фигурада Думузи ва Инаннани ёки уларнинг эламиялик ҳамкасбларини кўрди. П.Аме Шаҳдодда топилган цилиндрли муҳрга ишора қилиб, иккала рақамни ҳам аёл деб аниқлади, бу танадан ўсиб чиққан ўсимликлар аниқ кўкракларга ишора қилганлиги учун тасвирни аёл сифатида тахмин қилиш мумкин[10;165]. Гонурдаги муҳрга ўхшаб, каприд сифатида аниқланиши мумкин бўлган ҳайвонлар ҳам Шаҳдод муҳрида пайдо бўлади ва иккита дарахтга ўхшаш ўсимлик ҳам кўрсатилган. Шаҳдодда топилган яна бир цилиндрли муҳр иккита каприд устида чўккалаб ўтирган “ўсимлик маъбудаси” ни кўрсатади. Унинг олдида иккита илонли қанотли фигура бор. Эҳтимол, бу фигура юқорида тилга олинган Тепе Яхё муҳрида тасвирланган худо бўлиши мумкин, аммо Шаҳдод муҳридаги қанотли фигурада шохлар йўқ.

Лола билан алоқаси Гонур некрополидаги 23-қабрдан цилиндр муҳри билан мустаҳкамланган “ўсимлик маъбудаси” каби, Суса ва Тепе Яхё муҳрларидаги тасвирлар ишончли далил бўлмаса-да, қанотли маъбуда лола билан ҳам боғлиқ кўринади. Бирок, қанотли маъбуда ва лола ўртасидаги аниқ боғлиқлик Бактрия тош флаконидаги тегишли тасвирдан далолат беради, унда у узун юбка ва икки лола ўртасида танаси олдида кесиб ўтган қўллари билан тасвирланган. Ушбу худолардан бирини унинг танасидан ўсадиган ўсимликлар асосида “ўсимлик маъбудаси” сифатида аниқлаш мумкин. Умуман олганда, унга унумдорлик ва она маъбудасининг хусусиятларини бериш мумкин. Иккинчи, қанотли худо ўсимлик худосига маълум бир яқинликни кўрсатади, энг камида, лоланинг умумий атрибутига боғлиқ бўлиб, унинг танасидан ўсиб чиққан таёқчалар билан таъкидланган, эҳтимол бу ўсимликларни ҳам ифодалайди. Ҳозирча фақат транселамик цилиндрли муҳрларда топилиши мумкин бўлган “ўсимлик маъбудаси” дан фарқли ўларок, қанотли маъбуда бошқа тасвир ташувчиларда ҳам пайдо бўлади. Қайд этилган тош флакондан ташқари, булар, биринчи навбатда, Ўрта Осиёда кенг тарқалган штамп муҳрлардир.

Масалан, мисдан ясалган Бактрия штамп муҳрида икки илон орасидаги қанотли худо тасвирланган. У тик турган ҳолатда узун юбка ва қўлларини танасининг юқори қисмида букланган ҳолда тасвирланган, бу Шаҳдод цилиндрли муҳрининг илонлари билан қанотли маъбудани эслатади. Транселамиан цилиндрли муҳрлардан фарқли ўларок, қанотли маъбуданинг ҳамроҳ ҳайвонлари илонлар билан чегараланмайди. Қанотли худо мисдан ясалган бошқа Бактрия бўлими муҳрида қушлар билан биргаликда учрайди. Бу ерда худонинг қанотлари одатдаги тасвир туридан биров фарқли тарзда кўрсатилган, шунинг учун Боғистонийуларни қанот сифатида эмас, балки астрал рамзлар сифатида кўрган[11;295]. Ўрта Осиёнинг бронза даври глиптикасида аждаҳо билан боғлиқ бўлган аёл худоларнинг елкаларида ўсимталар бор, лекин қанотлари йўқ. Шунинг учун қанотли маъбудага Анахита деб мурожаат қилиш унчалик ишонарли эмас. Менимча, Иштар / Инанна ёки Нана / Нанажа билан боғланиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Бошқа томондан, аждаҳо билан маъбуда - бир вақтнинг ўзида Месопотамия тасвирларига асосланиб - сув маъбудаси сифатида аниқланиши мумкин, аммо Анахита деб мурожаат қилиш муаммоли бўлиб қолмоқда. Бу қуйида батафсилроқ тушунтирилади. Муҳокама мавзуси - Розен коллекциясидаги Шарқий Эрон муҳри, унда лолалар ҳам тасвирланган ва у худонинг ҳолати

тасвирлангани учун Гонур жамоаси билан боғланган. Бироқ, биринчи навбатда, аждаҳо билан маъбудани кўрсатадиган яна иккита муҳр қисқача тақдим этилади. Бу муҳрлардан бири бронза штамп муҳри, эҳтимол Шарқий Эрондан ҳам бўлиб, унда аждаҳо устида ўтирган ва оғзига идиш ушлаб турган қанотсиз аёл худо тасвирланган. Қумуш штамп муҳридаги аждарга ўхшаб, бронза муҳрдаги аждаҳонинг пешонасида шох ва иягининг кулфи бор. Иккала аждаҳонинг танасини мушук танаси деб аниқлаш мумкин, шунинг учун афсонавий мавжудотга шер аждаҳо сифатида мурожаат қилиш мумкин. Иккинчи муҳр мис штамп муҳр бўлиб, унинг ёнида икки аждаҳо ҳамроҳлик қилган маъбуда тасвирланган.

Лоланинг унумдорлик рамзи сифатида тасвирланган катта аҳамияти, унинг Гонур ва Бактриядаги тош новдаларида ягона нақш сифатида пайдо бўлишини ҳам тушунтиради, бу албатта косметик мақсадларда хизмат қилган ва асосан аёллар қабрларида учрайди. Масалан, Гонур некрополидаги 178, 397, 1045 ва 1130 қабрлардан тош бутилкалар топилган. Бу қабрларга дафн этилган одамларнинг барчаси аёллардир. Телл Абрақ (Бирлашган Араб Амирликлари) яқинида топилган эрамиздан аввалги III минг йилликнинг охиридаги қабристондан топилган тарокли лолалар тасвирлари бунга боғлиқ [12;618]. Лола тасвири туфайли Поттс ва Дуринг Касперс бу парчалар Ўрта Осиёдан келиб чиққан деб тахмин қилишган. Аммо тарокларнинг шакли ҳам Ўрта Осиёга ёки хусусан Гонурга ишора қилади. Масалан, Гонур некрополидаги 2228-қабрда, шунга ўхшаш, лекин безаксиз бўлса-да, фил суягидан ясалган тарок топилган. Бундан ташқари, лола нақшлари юқорида айтиб ўтилган бой безатилган тош каби ажойиб идишларда пайдо бўлади: Гонурдан ясалган пойдевор, Тепе Ҳисордан топилган қумуш коса устида ва Сузадан бир хлорит вазада [13;11].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, лола эрамиздан аввалги III минг йилликнинг иккинчи ярми ва II минг йилликнинг бошларида пайдо бўлган ва Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон санъатида машҳур мотив бўлган. Бу ердан у ҳам элам тасвирлар оламига йўл олган. Ўрта Осиёнинг тоғли худудларида баҳор кўрсаткичи сифатида у ўсимлик худолари билан боғлиқлигини ва подшоҳ кўлидан келадиган унумдорликни узатувчи сув оқимлари билан тенглигини тушунтирувчи унумдорлик рамзи сифатида пайдо бўлганга ўхшайди.

Ўрта Осиёда сўнгги бронза даврининг охирида рамзий тасвирларнинг камайиши муносабати билан лола ҳам нақш сифатида йўқолади.

Фақат Кушан давридан бошлаб лоланинг қиёсланган баҳосини тасвирий хужжатлар асосида исботлаш мумкин ва Эроннинг сосонийлар санъатида энди лолалар яна тез-тез тасвирланади. Кейинги ислом даврида у Худонинг алоҳида эҳтиромли гули деб ҳисобланган, чунки у туркий ва форс тилларида “лāле” () лалқ деб аталади ва шунинг учун Худо (ааллх Аллох) сўзи билан бир хил ҳарфларга эга. XVI асрда бу шарқ гули ниҳоят Европага етиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Taube, J. 2003, Jahreszeiten- und Blumenfeste bei Tadschiken und Usbeken. In: Jettmar, K. und E. Kattner (Hrsg.), Die vorislamischen Religionen Mittelasiens. Religionen der Menschheit 4/3. 127–140. – Stuttgart.
2. Pottier, M.-H. 1984, Matériel funéraire de la Bactriane méridionale de l'âge du bronze. – Paris.
3. Pavord, A. 2003, Die Tulpe. Eine Kulturgeschichte. – Frankfurt a. M., Leipzig.
4. Dash, M. 2002, Tulpenwahn. Die verrückteste Spekulation der Geschichte. – München.
5. Сарияниди, В.И. 2001, Некрополь Гонура и иранское язычество. – Москва.
6. Huff, D. 2005, Urbanisierungsansätze in Zentralasien. In: Falk, H. (Hrsg.), Wege zur Stadt. Entwicklung und Formen urbanen Lebens in der alten Welt. 82–120. – Bremen.
7. Сарияниди В.И. 2004, Страна Маргуш открывает свои тайны дворцово-культовый ансамбль северного Гонура. In: Косарев, М.Ф., Кожии, П.М. и Н.А. Дубова (Hrsg.), У истоков цивилизации. Сборник статей к 75-летию Виктора Ивановича Сарияниди. 229–253. – Москва.
8. Sarianidi V.I. 1998b, Myths of ancient Bactria and Margiana on its seals and amulets. – Moskau.
9. Potts D.T. 1981, Echoes of Mesopotamian Divinity on a Cylinder Seal from South-Eastern Iran. Rev. d'assyriologie et d'archéologie orientale 75, 135-142.
10. Amiet P. 1986, L'âge des échanges inter-iraniens 3500–1700 avant J.-C. – Paris.
11. Baghestani, S. 1997, Metallene Compartimentsiegel aus OstIran, Zentralasien und Nordchina. Archäologie in Iran und Turan 1. – Rahden/Westf.

12. Potts D.T. 1994, South an Central Asian elements at Tell Abraç (Emirate of Umm al-Qaiwain, United Arab Emirates), c. 2200 BC – AD 400. In: Parpola, A.und P. Koskikallio (Hrsg.), South Asian Archaeology 1993. 615–628. – Helsinki.

13. Miroshedji P. de 1973, Vases et objets en stéatite susiens du musée du Louvre. Cahiers de la Dafi 3, 9–80.

Наширга проф. Б.Эшов тавия этган

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН САЙИДЛАРИ НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАРИХИЙ-МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР

Самаров Ф. (ҚарМИИ)

Аннотация. Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий иншоотларга бўлган эътибор, уларни таъмирлаш ва қайта тиклаш, меъморий дурдоналаримиз ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида саййидлар номи билан боғлиқ тарихий-меъморий обидалар мисолида мавзу таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *Термиз шаҳри, Бойсун тумани, Шахрисабз, Қарши тумани, саййидлар, Амир Темури ва тимурийдлар, қадрият, маданий мерос, тарихий обидалар, меъморий иншоот, қадимиюнослик.*

Аннотация. В данной статье рассматривается внимание историческим зданиям в Узбекистане в годы независимости, их ремонт и реставрация, значение наших архитектурных шедевров в воспитании молодежи в духе патриотизма.

Ключевые слова: *город Термез, Байсунский район, Шахрисабз, Каршинский район, сайиды, Амир Тимур и тимуриды, ценности, культурное наследие, памятники истории, архитектурные сооружения, археология.*

Annotation. This article discusses the attention paid to historical buildings in Uzbekistan during the years of independence, their repair and restoration, the importance of our architectural masterpieces in educating young people in the spirit of patriotism.

Keywords: *Termez city, Baysun district, Shakhrisabz, Karshi region, Sayyids, Temur and Temurids, values, cultural heritage, historical monuments, architectural structures, archeology.*

Мамлакатимиз миллий мустақилликка эришгандан сўнг она диёримизнинг тарихини ўрганишга, у ҳақида ҳолисона фикрлар билдиришга кенг имкониятлар пайдо бўлди. Шу билан бирга Ватанимиз ҳудудида жойлашган минглаб тарихий-меъморий обидалар, осори атиқаларни қайта тиклаш, таъмирлаш ва мустаҳкамлаш орқали келгуси авлодларга етказиш учун ҳам кенг йўллар очилди.

Ўзликни англаш, ҳаққоний тарихни тиклаш ва янгиланаётган Ўзбекистон тарихини яратиш ҳақида сўз кетганда Президентимиз Шавкат Мирзиёев куйидагиларни таъкидлаганлар: “Янги Ўзбекистонни барпо этиш – яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир” [1; 31].

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳам Ўзбекистоннинг қадимий ва гўзал масканларидан бўлиб, мазкур ҳудудларда ҳам кўплаб тарихий-меъморий ёдгорликлар мавжуд. Хусусан, бугунги кунда икки вилоятда жами 2011 та моддий маданий мерос объектлар давлат рўйхатига олинган бўлиб, икки мингга яқин тарихий объектларига жамоатчи назоратчилар (инспекторлар) тайинланган [2].

Бугунги кунда мазкур назоратчилар томонидан моддий-маданий ва меъморий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш бўйича аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Юртимизда пайгамбаримиз Муҳаммад алайхиссаломнинг авлодлари ҳисобланмиш саййидлар номи билан боғлиқ бир талай тарихий-меъморий обидалар мавжуд бўлиб, ушбу қадимий иншоотларнинг тарихи ва бугуни кўплар учун қизиқарли мавзулардан бири ҳисобланади.

Сурхон воҳаси ҳудудида ҳам саййид, шайх, авлиё ва пирларнинг мақбаралари жойлашган. Хусусан, Султон Саодат яъни саййидлар мажмуаси ҳисобланадиган ушбу

қадимий иншоот қарийб етти юз йил давомида шаклланган меъморчилик мажмуаси ҳисобланади. Қўхна обида жойлашган иморатнинг қурилиши тарихига назар соладиган бўлсак, у X – XVII асрлар давомида бунёд этилганлиги тарихий манбаларда қайд этилган [3; 110]. Саййидлар абадий кўним топган бу муқаддас қадамжода йигирмага яқин мақбаралар жойланган бўлиб, бу даҳмаларда 170 нафарга яқин саййидлар қабрлари жойлашган [4; 90].

Мазкур муқаддас қадамжода дастлаб шу атрофдаги ерларнинг эгаси, пайғамбаримиз авлодларидан бўлган Ҳасан Амир (Ҳасан ал-Амир IX асрнинг иккинчи ярмида вафот этган) мақбараси бунёд этилган. Бу тарихий мажмуанинг тамал тоши X – XI асрларда қуйилган бўлсада, унинг қолган қисми кейинги асрлар давомида шаклланган. Бу тўғрисида тарихчи олим С. Турсунов ўзининг “Сурхон воҳаси архитектураси ўтмиш ва бугун” китобида қуйидагиларни қайд этган: “Халқ орасида Султон Саодат мажмуи номи билан машҳур бўлган мақбаралар X асрда, қолганлари асосан XV – XVII асрларда ёнма-ён қурилиб, узун ҳовлининг 2 томонини эгаллаган. Мақбаралар пештоқ ва гумбазли чорси хоналар (9x9,05 м ва 10, 15x 10,25 м) дан иборат [5; 55].

Тарихий обиданинг бугунги кунга қадар сақланиб қолган мақбаралар мажмуи чўзилиб бориб, узунлиги 70 метрлик ҳовли атрофида турли даврларга оид архитектура-қурилиш ишлари амалга оширилган. Мазкур саййидлар ҳилхонасини тадқиқотчилардан Б. Н. Засипкин, Е. Г. Некрасова ва В. М. Филимоновлар XI–XII асрларга оидлигини қайд этсалар, З. Ҳакимов X–XI асрларга тегишли деб хулоса беради.

Султон Саодат мажмуида турли даврларда археологик изланишлар ҳам олиб борилган. Хусусан, “Сурхон тонги” газетасининг 2017 йил 11 ноябрдаги сониде Термиз археология музейининг бўлим бошлиғи Ш. Ражабовнинг “Асрларга тенг қабр тоши” номли мақоласида ушбу тарихий обида ҳудудида олиб борилган археологик қазишмалар ҳақида қуйидагиларни ёзган: XX асрнинг охирида олиб борилган изланишлар натижасида XI–XII асрларга тааллуқли бўлган (91,5x 61x9 смга тенг) қабр тоши топилган бўлиб, афсуски мазкур қабр тоши археологик жиҳатдан тўлиқ сақланиб қолмаган [6; 4].

Термиз саййидларинининг нуфузи ниҳоятда баланд бўлганлигини Шарафуддин Али Йаздийнинг “Зафарнома” асарида ҳам кўриш мумкин бўлади. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳиндистон сафаридан қайтаётганида Термизда меҳмон бўлганлиги тўғрисида ушбу асарда қуйидагилар ёзилган: “Якшанба куни, ойнанинг йигирма бирида (29.03.1399) чоштгоҳда Соҳибқирон кема билан Жайхун суйидин кечиб тушди. Ул тушкон ерда амирзода Улуғбек ва амирзода Иброҳим мирзо ва ҳазри муалло Бекиси Султон ва муҳаззароти тиийқисмат ва жалолат Сароймулк хоним ва Тўкал хоним ва Туман оғо ва ўзга шоҳзодалар бор эдилар. Хонзода Алоал-Мулкким насаби шарифи ҳазрат Рисолатқа, салл Аллоху алайҳи васалламға тегар эди, ул кун ҳазратқа тўй берди ва яхши пешкашлар тортти” [7; 220].

Темурийлар даврида ҳам Термиз саййидлари ўз нуфузларини сақлаб қола олганлар. Хусусан, темурийзода Халил Султон (1405-1409 ҳукмронлик йиллари) даврида Султон Саодат мақбарасида таъмирлаш ишлари олиб борилган ва бу ерда баланд бўйли айвон қурилган [8.115].

Мазкур қадимий иншоотда XV асрда олиб борилган бунёдкорлик жараёнларида қурилиш ашёси ҳисобланадиган ғиштларнинг ўлчамлари диарли бир-ҳил яъни 27–28 x 27–28 x 5 см ни ташшил этади. XVI аср яъни Шайбонийлар даврида мажмуа ҳудудида уч хонали катта иморат қад ростлаб, унинг ғиштининг ўлчами эса бироз кичикроқ 25,5x 26x5,5 см ни ташкил этган.

Жанубий ҳудудлардаги саййидлар номи билан боғлиқ яна бир тарихий-меъморий иншоот Шаҳрисабз шаҳридаги Дор ус-саодат (саййидлар уйи) ҳисобланади. Ушбу қадимий обидага XIV асрнинг охирида асос солинган бўлсада, унинг қолган қисми эса, XV асрнинг биринчи ярмида тўлиқ шаклланган. Мазкур қўхна иншоотнинг бунёд этилиш тарихи ҳақида тарихчи олимлар Поён Равшанов ва Наби Хушвақовлар “Қашқадарё тарихига саёҳат” номли китобда қуйидагиларни қайд этганлар: “Шайх Шамсиддин Кулол 1370 йилда вафот этган. Соҳибқирон барча муваффақиятларини Шайх ҳазратларининг дуолари билан

боғлиқ деб ҳисоблаган. Шу сабабли ҳам Амир Темур ўз пирига атаб мақбара қуриш ҳақида фармон берган [9; 148].

Ушбу мақбарага Амир Темур 1360 йилда вафот этган отаси Тарағай Баҳодирнинг ҳам жасадини 1374 йилда унинг васиятига биноан Шайхнинг оёқ томони – пойига кўчирган. Саййидлар гумбази мақбарасидаги қурилиш ишлари 1437-1438 йиллар давомида Мирзо Улуғбекнинг фармонида биноан тўлиқ тугалланган.

Мазкур тарихий обида ҳақида Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам “Самарқандга Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-406 йиллар)”да қуйидаги қимматли маълумотларни қайд этган: “Кешда катта уйлар, масжидлар кўп. Хусусан, Темурбек томонидан қурилган бир масжид алоҳида ажралиб туради. Масжиднинг қурилиши ҳали тугамаган. Унда Темурбекнинг отаси дафн этилган мақбара бор” [10; 146-47]. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, муаллиф қайд этган қадимий мақбара айнан Гумбази саййидон яъни (саййидлар уйи) мақбарасидир.

Қарши шаҳридан 15 км жануби-ғарбий ҳудудидаги Патрон қишлоғида ҳам қадимий ёдгорликлардан бири “Етти туғ ота” зиёратгоҳи жойлашган. Ушбу муқаддас қадамжода саййидлар авлоди бўлмиш, “Етти туғ ота” номи билан машҳур бўлган, шайх Мирсаййид Фатхулла ва унинг авлодлари, Саййидзодалар номи билан аталувчи қабрлар жойлашган [11; 85].

Энг аввало зиёратгоҳ номи билан боғлиқ бўлган туғ сўзига тўхталиб ўтамиз. Ушбу атама қадимги Шарқ мамлакатларида ҳуқумдорлик, вазирлик, беклик маъноларини англатиб, дастлаб ҳўкиз ёки отнинг думидан ясалган [12; 689]. Шу билан бирга яна шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда республикаимиз ҳудудида жойлашган тарихий музейларда 33 хил шаклдаги туғлар сақланмоқда.

Мамлакатимизда ислом дини кириб келгунига қадар ҳам маълум кўринишдаги туғлар мавжуд бўлган. Ислом дини кириб келгандан сўнг туғлар трансформация жараёнига яъни маълум маънода кўриниши ва моҳиятан ўзгаришга учраган. XIV асрдан бошлаб туғлар диний белги сифатида ҳам ишлатила бошланиб, шу даврда туғбардор, туғэгаси, туғоғаси каби лавозимлар жорий этилган.

Муқаддас зиёратгоҳ ҳудудида тарихда қад ростлаб турган туғ ҳақида муаллиф Рухиддин Акбаров “Патрон қишлоғи тарихи” китобида қуйидагиларни қайд этган: “Етти туғ баланд қилиб кўтарилган бўлиб, унга илинган қўнғироқларнинг овози узоклардан эшитилиб турган. Туғ сўзи ялов, байроқ маъноларини англатган” [13; 95].

Ушбу кўҳна обида минг афсуски, ўзининг тарихий қисмини тўлалигича сақлаб қола олмаган. Мазкур тарихий иншоот бир нечта қадимий иморатлардан иборат бўлганлиги манбаларда қайд этилган. Хусусан, Р. Акбаровнинг юқорида номи келтирилган китобида қадимий обида тўғрисида қуйидагилар қайд этган: “Қадимий масжид ёнида бир нечта бинолар ва қудук бўлган. Шу билан бирга ўтмишда обидага кириш қисмида қадимий узун мезона ҳам бор эди” [14; 93].

Мазкур муқаддас қадамжонинг вужудга келиши тўғрисида “Етти туғ” шажарасида қуйидагилар қайд этилган: “Мир саййид Фатхулла ҳазрати Порсо валининг Файзул – анвар номлик мазорларига келиб, шу ерда истиқомат қилиб қолдилар ва ул зотга насибангиз Насафда, деган буйруқ бўлди. Бузруквор тоғалари амри ва азиз арвоҳлар башорати билан унинг (Етти туғ ота) Насафга тобе Кўҳнабоғ мавзеига бориш маълум қилинди. (Кўҳна боғ) ҳозирги пайтда таниқли ва машҳур Патрон қишлоғи бўлиб, у жаноб (Мир саййид Фатхулла) бу ерга келдилар ва ҳонақоҳ (масжид) бино қилдилар ва истиқомат қилишни ихтиёр этдилар. Ва масжиднинг шарқий томонида дафн этилдилар” [15; 91].

Кўҳна ҳонақоҳ ўрнида сақланиб қолган эски масжид тўғрисида меъморшунос олима Л.Ю.Маньковская қуйидагиларни қайд этиб ўтган: “Қарши туманининг Патрон қишлоғидаги Халфа Эшон масжидларига ўхшаб кетади, у масжид бинолари X асрдаёқ ҳажми кичик пишган ғиштдан қурилган” [16; 92]. Қадимги масжиднинг ички қисми 10 x 10 метрни ташкил қилиб, устида 4 x 4 метрли тўрт гумбаз жойлашган. Улар масжиднинг ички ўртасидаги айланаси 6 метр бўлган асос “тулдаста”га суянади. Муқаддас обиданинг бу услубда бунёд этилиши XVI-XVII асрларга яъни хонлиқлар даврига тўғри келади.

Тарихий манбаларга қайд этилишича Етти туғ ота яъни Мир Саййид Фатхулла пайгамбар Муҳаммад (с.а.в)га 26-авлод бўлиб туташади [17; 107-108]. Ҳозирги вақтда тарихий мақбаранинг узунлиги 28 метр, эни 6.20 метрга тенг бўлиб, мақбара ичидаги қабрларнинг узунлиги 5-3 метр, эни эса 2.30 метрни ташкил этади. Мазкур мақбараларда қабр ёзувлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ўша давр тарихини билиб олиш учун ўзига хос ёзма манба бўлиб хизмат қилади. Кўхна обида ва унинг атрофида йигирма бешдан ортик қадимий қабр тошлари жойлашган бўлиб, орадан ўтган бир неча асрлар давомида айрим қабр тошларнинг бир қисмидаги ёзувлар ўчиб кетган.

Ушбу муқаддас қадамжо ва унинг ҳудудида жойлашган кўхна масжид 1998 йилда муҳофаза қилинадиган тарихий объект сифатида давлат рўйхатига олинган. Бугунги кунда қадимий обида ҳудудида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, мажмуа ҳудудида келажакда катта ва кенг боғ яратиш, қадамжо билан боғлиқ саййидлар тарихини янада чуқурроқ ўрганиш ишлари режалаштирилган.

Шу билан бирга Қашқа ва Сурхон воҳалари ҳудудида саййидлар номи билан боғлиқ яна бир неча тарихий–меъморий ёдгорликлар жойлашган. Жумладан, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Мир Ҳайдар ота, Қамаша ҳамда Чирокчи туманларидаги катта ва кичик Лангар ота, Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Эшони Судур (Саййид Тожиддинхон) номлари билан машҳур бўлган зиёратгоҳлар мавжуд. Саййидлар номи билан боғлиқ бўлган ушбу муқаддас қадамжолар хусусида навбатдаги тадқиқотларимизда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, юртимизнинг турли вилоятларида неча асрлар давомида истиқомат қилган саййидлар ва уларнинг номлари билан боғлиқ тарихий–меъморий обидаларни қайта тиклаш, таъмирлаш ҳамда мустаҳкамлаш орқали келгуси авлодларга етказиш бугунги кунимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири десак адашмаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. -Т.: Ўқитувчи, МУ, 2021. – 182 б.
2. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят маданий мерос бошқармаларининг 2021 йил ҳисоботи.
3. Сурхондарё буюк ўтмишдан ёрқин келажак сари. Китоб-альбом. – Тошкент 2017.
4. Термиз тарихидан лавҳалар. Мақолалар тўплами // Санъат, 2008 йил 3-сон. – Б. 129.
5. Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси ўтмиш ва бугун. –Т.: Янги нашр, 2014. –186 б.
6. “Сурхон тонгги” газетаси 2017 йил 11 ноябрь.
7. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. – Т.: Шарқ, 1997. – 384 б.
8. Турсунов С. Н, Пардаев, Т. Р, Аҳмедова, Г. Ў, Махмадиярова, Нарзуллаева Н., Турсунова Н. Ўзбекистон жанубий ҳудудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи. Монография. – Термиз: Сурхон нашр, 2017. – 286 б.
9. Равшанов П., Хушвақов Н. Қашқадарё тарихига саёҳат. Илм-зиё-заковат. – Т., 2020. – 272 б.
10. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 261 б.
11. Жўраева С. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидаги зиёратгоҳлар тарихи ва уларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида тутган ўрни. Тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси. –Т., 2022. – 332 б.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 8-жилд. –Т. ЎЗМЭ ДИН, 2004. – 704 б.
13. Акбаров Р. Патрон кишлоғи тарихи. – Қарши: Насаф, 2013. – 182 б.
16. Маньковская Л. Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари –Тошкент: Ўзбекистон, 1979.– 99 б.

Нашрга проф. О. Бўриев тавсия этган

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ШАКИЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ (1991-2022-ЙИЛЛАР)**

Жумаев Б.У. (Ўз РФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик маркази)

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритгандан бугунги кунгача булган давр мобайнида туризмнинг шаклланиши учун яратилган ҳуқуқий мийёларнинг вужудга келиши давраштирилган ҳолатда кетма-кетлик тартиби билан келтирилиб ўтилган, ташқи туризм ҳамкорлиги, ички туризмнинг ҳолати ва ютуқлари, туризм инфраструктураси, механизми, гидлар фаолияти каби масалалар атрофида ёритиб ўтилган, шунингдек, замон талабидан келиб чиқиб, туризмни ривожлантириш муҳим эканлигини инобатга олиган ҳолда бу борада қилиниши керак булган бир қанча таклифлар бериб ўтилган.

Таянч сўзлар: қонунлар, қарорлар, фармонлар, ташқи туризм, ички туризм, туризм инфраструктураси, туризм механизми, гидлар, туризм турлари.

Annotation. This article provides a chronological order of the emergence of legal norms for the formation of tourism in the period from the independence of the Republic of Uzbekistan to the present day, as well as a number of proposals that need to be made in this regard, given the importance of developing tourism in line with the demands of the times.

Keywords: laws, decrees, decrees, foreign tourism, domestic tourism, tourism infrastructure, tourism mechanism, guides, types of tourism.

Аннотация. В данной статье приводится хронологический порядок появления правовых норм формирования туризма в период от обретения независимости Республики Узбекистан до наших дней, а также ряд предложений, которые необходимо сделать в связи с этим, учитывая важность развития туризма в соответствии с требованиями времени.

Ключевые слова: законы, указы, постановления, иностранный туризм, внутренний туризм, инфраструктура туризма, механизм туризма, гиды, виды туризма.

Бугунги кунда туризм соҳаси хизмат кўрсатиш соҳасининг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири бўлиб келмоқда. Туризм соҳаси ХХ асрнинг охиридан бошлаб дунёнинг кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида аҳоли даромадининг асосий таркибий қисмларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганларидек “Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади¹.” Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда туризм соҳасида кенг қамровли ислохатлар бошланди ва бугунги кунда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом этиб бормоқда буни энг аввало қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ҳам кўришимиз мумкин. Шундан келиб чиқиб бу борадаги ислохатларни бешта босқичга ажратиш кўрсатишимиз мумкин.

Биринчи босқич. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошланиб, 1995 йилгача. 1992 йилда республикада «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ташкил этилди ва 1993 йилда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси Бутунжаҳон туризм ташкилотига (БТТ) ҳақиқий аъзо бўлиб кирди. Бу жараён, ўз навбатида, халқаро туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. 1994 йилда БМТ нинг ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд Декларатсияси қабул қилинди.

Бу босқич мобайнида, яъни 1994 йилда ишлаб чиқилган «Туристтик корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастури» чуқур тизимли – институтсионал ўзгаришларни амалга оширишда жуда катта аҳамият касб этди. 1994–1995 йиллар мобайнида «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг 87,8 фоиз туристик объектлари хусусийлаштирилди ва давлат тасарруфидан чиқарилди².

¹ Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатнома. [http:// www.gov.uzo](http://www.gov.uzo)

² Rahimbayev A.O. Turizm: nazariya va amaliyot fanidan o'quv-uslubiy majmua, 2018. – B. 10.

Иккинчи босқич. 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримовнинг «Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони Буюк Ипак йўлида туристик маҳсулотни тиклаш борасида стратегик аҳамиятга эга бўлди¹.

1995 йил 2 март, 78-сон "«Ипак йўли туризми» халқаро туристик ярмаркани тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида»ги Фармони, 1995 йил 3 июн, 210-сон "«Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 1998 йил 8 август, 346-сон "Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги, 25.09.1996 йилдаги 335-сон "Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар вазирлигида маданият, фан ва туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик бошқармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорлар қабул қилинди ва бу борада керакли ишлар қилинди.

1998 йилдан бошлаб, Тошкент шаҳрида мунтазам равишда — Буюк Ипак йўлида туризм номли Халқаро туризм ярмаркаси ташкил этила бошланди,

Учинчи босқич. 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди, шу йилнинг 20 августидан эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Туризм тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бунинг асосида туризм соҳасидаги бозор муносабатлари узил-кесил йўлга қўйилди ҳамда халқаро бозорда рақобатбардош туристик маҳсулот яратила бошланди, туризм тизимини бошқаришнинг марказлаштирилишига чек қўйилди. Кўпчилик туристик объектлар ўзларини мустақил равишда бошқара бошлади, хизматлар бозорида рақобатлаша олмайдиган корхоналар ёпилиб, улар ўрнига самарали ишловчи янги хусусий корхоналар ташкил этилди.

1999 йил 30 июн ПФ-2332-сон "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида" Қарори, 1999 йил 2 июл, 324-сон "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарорлари асосида туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, 2000 йилдан бошлаб, республикамиз туризм соҳаси юқори суръатлар билан ривожлана бошлади. Туризм соҳасидан олинаётган даромадлар йилига 20 ва ундан ортиқ фоизларда ўса бошлади. 2000 йил 14 июнда "Ўзбектуризм" МК қошида Республика илмий-ўқув консалтинг маркази «Туризм ўқув-консалтинг маркази» ДУК ташкил этилди.

Тўртинчи босқичи 2000 йилдан бошланган бўлиб, 2017 йилгача давом этди. Бу даврда хусусий туристик ташкилотлар ассоциациясига ва ташкил этиладиган бошқа туристик ассоциацияларга асос қўйилди (Гид-таржимонлар ассоциацияси, Меҳмонхона эгалари ассоциацияси, Транспортчилар ассоциацияси) ва «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг бир қатор ваколатларини ўтказиш устида изланишлар олиб борилди. Бу ўлкамиз туризм хизматлар бозорида фаолият юритувчи корхоналарнинг янада тезроқ суръатларда ривожлантиришга ёрдам берди. 2002 йил 2 сентябр, 310-сон "Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳукумат қарори эълон қилинди. Меҳмонхоналаримиздаги хизматларнинг самарадорлигини оширишнинг, сифатларини яхшилашнинг долзарблигини Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 325-сонли қарорининг ўз вақтида қабул қилинганлигидан ҳам билишимиз мумкин².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 10 октябрда «Умумий овқатланиш ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва ходимлар малакасини

¹ Ўша ерда. – Б. 11.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. «Халқ сўзи», 2006 йил 18 апрель, 1-бет.

ошириш бўйича» Қарори¹га асосан Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси қошида миллий ошпазлик санъати халқаро Маркази ташкил этилди ва бу гастрономик туризмнинг ривожланишида муҳим қадамлардан бўлди. 2004 йил 28 июл 360-сон «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» Қарори, 2013 йил 20 сентябр 259-сон "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида", 2013 йил 20 сентябр 261-сон "Хоразм вилоятида туристик инфратузилманинг кўшимча объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида", 2013 йил 1 ноябр 294-сон "2013-2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида", 2014 йил 6 март 53-сон "Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида", 2015 йил 9 март 51-сон "Йўл бўйи ва туризм инфратузилмаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2015 йил 10 март 53-сон "Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг айрим масалалари тўғрисида", 2015 йил 7 август 233-сон "2015-2017 йилларда Сирдарё вилоятининг sanoat салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо этиш дастури тўғрисида", 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сон "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизматлар соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Қарорлари² қабул қилинди.

Туризм соҳаси бўйича 2014 йилда халқаро анжуман Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) Бутунжаҳон туризм ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясининг айнан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши ҳам бежиз эмас.

Самарқанд шаҳри 2014 йилда АҚШнинг машҳур — The Huffington Post интернет нашри томонидан эълон қилинган рейтингга мувофиқ, сайёрамизнинг туристлар бориб кўриши лозим бўлган 50 та энг гўзал шаҳарлари қаторидан ўрин олди. Эътиборлиси, МДХ давлатлари шаҳарларидан ушбу рўйхатга фақат Самарқанд шаҳри киритилган³. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861 сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 02.12.2016 йил, ПҚ-2666 сонли "Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори, 02.12.2016 й. № ПФ-4861 "Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик индустриясини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони ва бошқа бир қанча мийёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши соҳа ривожига ижобий таъсирини кўрсатди.

Бешинчи босқичи. 2017 йилдан бугунги кунгача. "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 21.02.2017 йилдаги № ПФ-4965-сон фармонига асосан ПҚ-2666 сонли қарорига ва № ПФ-4861 сонли қарорига ўзгартиришлар киритилди. "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 15 март 137-сон, "Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2017 йил 06 апрел 189-сон, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 04. 05. 2017 йил № ПФ-5033, "Бухоро ва Бухоро вилоятида 2017-2019 йиллар учун сайёҳлик салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 19. 05. 2017 йил ПҚ-2980, "Сайёҳлик операторлари ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида" 05. 06. 2017 йил 355-сон, 2017 йил 16 августдаги ПФ-3217 сонли "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони, "Ўзбекистон Республикасининг

¹ "Умумий овқатланиш ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларининг касбий даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилдаги 289-сонли Қарори.

² Lex.uz

³ Rahimbayev A.O. Turizm: nazariya va amaliyot fanidan o'quv-uslubiy majmua, 2018. – B. 79.

Консуллик Бўлими тарифига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 04.12.2017 йилдаги ПҚ-3423-сон, "“Чорвоқ” эркин туристик зонасини барпо этиш тўғрисида” 2017 йил 5 декабрдаги ПФ-5273-сон “Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 03.02.2018 й. № ПФ-5326, 2018 йил 6 февралдаги 3509-сонли “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514 сонли “Ички туризмнинг жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари туризм соҳасида улкан ишларни амалга оширишда дастур бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам туристик имкониятлар ҳақида қуйидагиларни келтириб ўтган эдилар: “Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018- йил 28 июндаги 3815-сонли қарори билан халқаро мақомга эга Туризмни ривожлантириш институти 2019 йилнинг 10 октябрида ўз фаолиятини бошлаган. 2018 йил 7 август Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2019 йил 21 сентябрдаги “Йўл бўйи ва туристик инфратузилмани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019-йил 13 августдаги ПФ-5781-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари туризм соҳасини ривожлантиришда янада кенг имкониятларни очиб берди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «2019-2021 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини жадал ривожлантириш тўғрисида»ги қарори билан мазкур вилоятнинг туризм салоҳияти «Олтин ҳалқа» концепсияси асосида ривожлантирилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида туристик имкониятлар борасида алоҳида тўхталди ва ҳукумат олдида бир қанча муҳим вазибаларни қўйди². Шу муносабат билан 2020 йил 27 февралда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА)нинг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5781 сонли (*“Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 13.08.2019*) Фармони ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. 2020 йил 10 июлдаги 433-сон “Ўзбекистон республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”³ги 6165-сонли фармони, 2021 йил 6 априлдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴ги фармонига асосан Вазирлар Маҳкамасининг “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди⁵.

2021 йил 24 февралдаги “Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 100-сонли қарори, 2021 йил 2 апрелдаги “Обод маҳалла”, “Обод кишлок” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори бўйича 1 триллион сўм маблағ туризм маданий мерос объектларига ажратилди⁶. 2021 йил 2 ноябр “Туризм, маданий мерос ва музийшунослик соҳаларида малакали қадирлар тайёрлашнинг узликсиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Қарори⁷. 2021 йил 8 ноябр куни Президентимиз Айдар-Арносой кўллари тизимида экологик барқарорликни сақлаш ва экотуризмни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказиб, сув ҳажми барқарорлигини

¹ Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатнома. [хтп:// www.gov.uz](http://www.gov.uz)

² Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатнома. [хтп:// www.gov.uz](http://www.gov.uz)

³ “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 10 февраль, 29-сон.

⁴ “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 22 июнь, 125-сон.

⁵ file:///C:/Users/User/Downloads/https___yuz.uz_file_newspaper_086255203d2896b894386cbde8cd7f14.pdf

⁶ “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 4 ноябрь, 235-сон.

⁷ “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 2 ноябрь, 218-сон.

таъминлаш, биохилма-хилликни асраш кераклиги таъкидланди¹. Албатта бу чиқарилаётган қонун, қарор ва фармонлар туризм соҳасига бўлган юксак эътибордан далолат беради. Ушбу мийёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар туризм тармоғининг барча турлари учун етарли бўлган икониятларни яратишга хизмат қилади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди, шу жумладан Тошкент шаҳрида —Hyatt Regency Tashkent ва —Lotte City Hotel Tashkent Palace брендли меҳмонхоналар очилиши, Андижон, Урганч ва Тошкент шаҳрида маданий-кўнгилочар боғларнинг ташкил этилиши, —Ангрен-Поп темир йўли очилиши, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларига тезювар поездлар учун электрлаштирилган темир йўллари очилишини айтиб ўтиш жоиз.

2022 йилда ҳукуратимиз тамонидан умумий қиймати 3,2 триллион сўм бўлган жами 82 та инвестиция лойиҳасини (1,3 триллион сўм маҳаллий ташаббускорлар, 366,4 миллиард сўм банк кредити, 46,3 миллион АҚШ доллари хорижий инвестиция асосида) амалга ошириб, 3382 та янги иш ўрини яратиш режалаштирилган. Хусусан, 38 та меҳмонхона, 14 та дам олиш маскани, 4 та санатория, 8 та котеж типдаги дам олиш мажмуаси, 176 та янги оилавий меҳмон уйи, 18 та туризм соҳасига оид бошқа лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилади.² Умуман олганда туризм соҳасидаги ишлар изчил ривожланиб бормоқда, бу эса юртимиз нуфузининг дунё ҳамжамияти олдидagi ретингини янада кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз. Аммо бугунги кунда бу соҳада қилиниши керак булган ишлар ҳам мавжу булиб, бу борада биз ҳам ўзимизнинг бир қатор тақлифларимизни бериб ўтмоқчимиз;

- маҳаллий ахборот агентликлари ҳамда интернет тармоқлари орқали ривожланган мамлакатларга Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини кенг қўламда таништириш;

- туризм тармоғида ишлайдиган мутахассисларнинг малакасини йўқори даражада ошириш ва чет элларда бир йилда камида бир марта малака оширишини таъминлаш;

- ривожланган жорижий мамлакатларида ўтказиладиган туристик ярмаркаларда доимий равишда иштирок этишини таъминлаш;

- бу борада ривожланган давлатлар билан қўшма корхоналар тузиш ва улар фаолиятини кенг йўлга қўйиш.

Ўйлайманки, ушбу келтирилган тақлифлар туризм ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатнома. [http:// www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. Rahimbayev A.O. Turizm: nazariya va amaliyot fanidan o'quv-uslubiy majmua, 2018. – B. 391.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. «Халқ сўзи», 2006 йил 18 апрель, 1-бет.
4. "Umumiy ovqatlanish tashkilotlarining faoliyatini yanada takomillashtirish va xodimlarining kasbiy darajasini oshirish chora- tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yildagi 289-sonli Qarori
5. “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 10 февраль, 29-сон.
6. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 22 июнь, 125-сон.
7. “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 4 ноябрь, 235-сон.
8. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 2 ноябрь, 218-сон.
9. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 9 ноябрь, 224-сон.
10. “Янги Ўзбекистон” газетаси 2022 йил, 15 январь 10-сон.
11. file:///C:/Users/User/Downloads/https___yuz.uz_file_newspaper_086255203d2896b894386cbde8cd7f14.pdf
12. Lex.uz

Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган

¹ “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 9 ноябрь, 224-сон.

² “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил 15 январь, 10-сон.

**ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ
САВДОНИНГ АҲАМИЯТИ (ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА)****Ачилов А.Т. (ҚарДУ)**

Аннотация. Ушбу мақолада ўрта асрларда Қашқадарё воҳаси шаҳарларининг тараққиётида ички ва ташқи савдонинг аҳамияти, Марказий Осиё ва минтақа ҳаётидаги ўрни масаласи тарихий манбалар ва адабиётлар асосида ёритилган.

Таянч сўзлар: *карвон йўллари, Буюк ипак йўли, йўловчилар, улов-транспорт, сарбоз, иншоотлар, Шарқий Туркистон, Хитой, ички савдо, хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги, зироатчи, чорвадорлар, Бухоро, Насаф, Кеш, Қарши, Шахрисабз, карвон йўллари.*

Аннотация. В данной статье рассматривается роль внутренней и внешней торговли в развитии городов Кашкадарьинского оазиса в средние века, ее роль в жизни Средней Азии и региона на основе исторических источников и литературы.

Ключевые слова: *Караванные пути, Великий шёлковый путь, пассажиры, транспорт, воин, Восточной Туркестан, Китай, внутренняя торговля, ремесла, земледелие, Бухара, Насаф, Кеш, Карши, Шахрисабз.*

Annotation. This article examines the role of domestic and foreign trade in the development of the cities of the Kashkadarya oasis in the Middle Ages, its role in the life of Central Asia and the region on the basis of historical sources and literature

Key words: *caravan routes, Great silk road, passengers, transports, buildings, East Turkestan, China, domestic trade, crafts, agriculture, harvest, livestock, Bukhara, Nasaf, Kesh, Karshi, Shakhrisabz.*

Ўрта асрлар карвон йўллари ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, бу йўналишда ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Шу боисдан ҳам, илк ўрта асрлардан бошлаб ички ва ташқи савдо, товар-пул муносабатлари ривожланишига катта эътибор қаратиш талаб этилади. Вахоланки IX-XII асрлар мобайнида сомониёлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар томонидан асос солинган давлатларда савдо-сотик, пул сиёсати мазкур давлатларнинг иқтисодий асосини ташкил этган.

Тарихчиларнинг қайдларига кўра, сўғдийларнинг дастлабки савдо масканлари Шарқий Туркистон ва Хитой ҳудудларида III-IV асрларда пайдо бўлган ҳамда VI-VIII асрларга келиб уларнинг миқдори бир неча баравар ўсган. Турли даврларда Ўрта Осиёдан, жумладан жануб шаҳарларидан турли хил маҳсулотлар, жумладан, чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда хунармандчилик буюмлари олиб чиқилган. Хитой манбаларида келтирилган маҳсулотлар рўйхатида теридан ишланган буюмлар, гиламлар, қимматбаҳо тошлар, дори-дармонлар ва бўёқларни учратиш мумкин [1].

V-VIII асрларда хунармандчилик устахоналари ва савдо дўконлари барча шаҳарларнинг кўчалари бўйлаб жойлашган. Ички савдо жадал ривожланиб, бу жараён шаҳарлар аҳолисининг кундалик ҳаётига хос бўлган. Манбаларга кўра 660 йилда Чағаниёнда ясалган қизил ва зумрад рангли шиша буюмлар Хитойга юборилган. Чағаниённи кўшни мулклар билан алоқаси элчилик муносабатлари даражасигача кўтарилган. Буни исботи сифатида туркийлардан бўлган Чағаниён хукмдори Туронтош томонидан Самарқандга ўз саройи дапирпати Букарзат-мирзабошисини элчи сифатида юборганлиги қайд этилган. Суғдга ташриф буюрган бу элчилар ўзлари билан совға сифатида туякуш олиб келишган [2].

Мазкур даврда Қашқадарё воҳаси шаҳарларида кулолчилик, шишасозлик, тўқимачилик, терига ишлов бериш, тоштарошлик каби хунармандчилик соҳалари нисбатан ривожланган. IX-XII асрларда ҳам воҳа шаҳарларида хунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш ва савдо-сотик муҳим аҳамият касб этган. Шаҳарларда товар-мол айирбошлашнинг хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги ўртасида, зироатчилар ва чорвадорлар ўртасида ҳамда ҳудудлараро маҳсулот алмаштириш йўналишлари мавжуд эди. Тадқиқотчилар фикрича, иқтисодий туманлардан олиб келинган товар маҳсулотлари вилоятлар марказида тўпланилиб, шаҳарлардан карвон йўлларига олиб чиқилган [2].

IX-XII асрларда шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси сонининг кескин ўсиши, кундалик эҳтиёж маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши, ички ва ташқи савдонинг ривожини ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига олиб келди. Маҳсулотлар ҳажмининг ортиб бориши эса савдонинг янги шакллари ташкил қилишни талаб этарди. Бозорлар савдо масканлари сифатида мукамал таркибий-худудий тузилишга эга бўлиб, газлама, атторлик ва заргарлик моллари билан савдо қилувчиларнинг расталари саррофлар билан ёнма-ён, кулоллар, темирчилар, пахта тозаловчиларнинг дўконлари бозорларнинг охирида жойлашган эди.

Иқтисодий-савдо алоқалари ривожини адолатли солиқлар ва божлар йиғими билан ҳам боғлиқ бўлган. Савдо-сотикдан олинган солиқлар турли тарихий даврларда, ижтимоий-иқтисодий вазиятга боғлиқ ҳолда турлича бўлган. Ташқи савдода иштирок этадиган савдогарлардан бож солиғи пул ёки маҳсулот билан, асосан, чегаралардаги муҳим шаҳарларда, қалъаларда ёки қарвонлар борадиган шаҳарда йиғиб олинган. Савдо-сотик ва йўллар билан боғлиқ солиқлар ичида янада кўплаб қўшимча солиқлар ҳам мавжуд эди. Улар ичида дарё кечувларидан ўтиш ва қайиқлардан фойдаланганлик учун тўланадиган махсус солиқ– сув пули, маҳаллий сотувчилар, дўконларнинг бозорларда жой солиғи ҳам тўлагани маълум [1].

Илк ўрта асрларда, хусусан, Турк хоқонлиги даврида Кеш шаҳрининг ҳам иқтисодий-сиёсий аҳамияти янада ошган. VII асрнинг ўрталарида Кеш Суғд конфедерациясида етакчи ўринга чиқиб, қўшни мамлакатлар, хусусан, Хитой билан сиёсий-иқтисодий алоқалар ўрнатган. Суғдиёнадан илк ўрта асрларда Тохаристон номи билан атала бошлаган Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистон худудларига ўтувчи йўллар хитойлик сайёх, будда роҳиблари кундалигида ҳам акс этган. Унда, хусусан, Чағаниён шаҳри (Будрач ёдгорлиги) ва Термиз Сурхон воҳасининг йирик савдо марказлари сифатида қайд этилган [3].

V-VI асрларда Хитой ва Ўрта Осиё ўртасидаги савдо ва маданий алоқалар ривожининг янги босқичи бошланиб, Хитойни Ғарбий ўлкалар билан боғлаб турган йўллар тармоғи кенгайиб борган. Қашқадарё воҳасининг V-VIII асрлардаги ташқи савдо алоқалари ҳам бу жараёндан четда қолмаган. Шу билан бирга халқаро савдо билан шуғулланувчи ижтимоий табақалар-савдогарларнинг фаолияти ҳам ривожланган, ички ва ташқи савдо билан шуғулланувчи йирик савдо уюшмалари шаклланиган. Йўлбўйи иншоотлари қурилиши, тезкор алоқа-почта хизмати ва йўлларда тегишли хизмат кўрсатиш тизими ривожланиб борган. Буларнинг барчаси илк ўрта асрлар даврида нафақат жанубий вилоятлар, балки Марказий Осиёдаги қарвон йўллари динамикасига хос асосий хусусиятлар ҳисобланган.

Минтақадаги ички иқтисодий алоқаларни амалга оширишда Қашқадарё воҳасидаги савдо йўллари шунингдек, икки пойтахт шаҳар–Бухоро ва Самарқандни Балх ва Хуросоннинг бошқа шаҳарлари билан боғловчи транзит йўллар муҳим ўрин тутган. Чағаниён, Хутталон орқали ўтган қарвон йўллари йўналишлари Термиздан Балх ва Бадахшонга, Марв ва Мурғоб воҳасига ҳамда Ҳиндикуш доволари орқали Қобулдарё ҳавзасига ўтувчи йўллардан ҳам бу даврда изчил фойдаланилган [4].

Мўғуллар истилоси туфайли Буюк ипак йўли бўйлаб олиб борилган маданий ва иқтисодий алоқалар инкирозга учраб, фақатгина XIII асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб шаҳарлар тикланиб, ҳунармандчилик ва савдо-сотик ишлари йўлга қўйила бошлаган. Алоқа-савдо йўллари фаолияти марказий ҳокимият назоратида бўлиб, бир кунлик йўл масофасида махсус бекатлар-ёмлар барпо этилган. Савдо йўллари бўйлаб ҳаракатланаётган элчилик миссиялари, давлат хизматчилари ва почта хизматлари учун зарур харажатларни қоплаш қарвон йўллари бўйида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси зиммасига юкланган эди.

Илк ўрта асрлардан бошлаб Қарши, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарларда ҳунармандчиликда турли соҳаларнинг ривожланиши, сифатли буюмларни ишлаб чиқарилиши, шаҳар ва қишлоқларда савдонинг юқори даражада ташкил қилиниши, маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларнинг изланиши натижасида ташқи савдо жадал ривожланиб, бунда воситалик қилиш сўғдийларнинг қўлига ўтган. Четга чиқариладиган маҳсулотлар VII-IX асрларда, асосан тери, газламалар, қумуш ва бронзадан ишланган идишлар, шиша буюмлари, зеб-зийнатлар, қимматбаҳо тошлар ва яроғ-аслаҳалардан иборат

бўлган бўлса, X-XII асрлардаги маҳсулотлар рўйхатида қишлоқ хўжалик, хунармандчилик маҳсулотлари, хом ашё ва чорва моллари ҳам қайд этилган [1].

Шаҳарлар савдо-сотик марказлари вазифасини бажарган. Насаф, Кеш, Термиз ва бошқа шаҳарларда хунармандчилик ниҳоятда ривожланиб, ҳар бир шаҳар ўз маҳсулоти билан шуҳрат топган. Илк ўрта асрлар ярмарка-бозорларни турли қишлоқларда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этган. IX-XII асрларда эса шаҳарларда хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги ўртасида, зироатчилар ва чорвадорлар ўртасида ҳамда вилоятларда маҳсулот айирбошлаш турлари мавжуд эди. Ўрта асрлар савдо-сотикнинг ярмарка ва кўтара ким ошди савдоси сингари янги шакллари вужудга келган. Бу даврда Буюк ипак йўлининг марказий йўналишлари бўйида жойлашган Мовароуннаҳр шаҳарлари нафақат Шарқ дунёсида, балки улкан Евроосиё минтақаси миқёсида амалга ошириладиган халқаро транзит алоқаларда ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Шаҳарларда аҳолида хунармандчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сотишга ихтисослашган бозорлар мавжуд эди [5]. Ўрта асрларда жанубий Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси турлича эди. Бозорларда газламалар, кийим-кечак ва пойабзалнинг нархи баланд бўлиб, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ҳаммаси ҳам ўзларига янги кийим-бош ва пойабзал харид қилиш имконига эга бўлмаган. Катта-кичик бозорларда қандолат турлари, курук мевалар, майиз навлари, нишолда, нон, сут, қатик ва гўшт сотилган. Нон дўконлари, асосан маҳалла ва бозорларда жойлашган.

IX-X асрларда аҳолининг хўжалик ҳаётида хунармандчилик катта ўрин тутди. Қашқадарё воҳаси шаҳарларида тўқимачилик, кулолчилик, дегрезлик, чилангарлик, заргарлик, шишасозлик ва дурадгорлик каби касб-хунарлар анча ривож топади. Натижада шаҳарларнинг қиёфаси тубдан ўзгаради. Унда катта-катта олий иморатлар, устахоналар, масжид, мадраса, макбара, намозгоҳ, хонақоҳ ва қарвонсаройлар қад кўтарган. Эндиликда шаҳарлар илк ўрта асрларда арк (ўрда), шаҳристон (ички шаҳар) ва работ (ташки шаҳар) деб юритилган уч қисмини ягона девор билан қамраб олган, ўндан ортиқ дарвозали каттагина хунармандчилик марказига айланади.

Бу даврда шаҳарга атроф қишлоқлардан қосиблар, савдогарлар ва бошқалар келиб ўрнашиб, унинг атрофи бўйлаб уларнинг янги-янги маҳалла-кўйлари, бозор ва расталар пайдо бўлади. Маҳалла-гузарларда заргарлар, саррофлар, тўқувчилар, кулоллар, мисгарлар, темирчилар, дурадгорлар ва бошқа шу сингари қосибу хунармандларнинг уй-жойлари ва дўконлари жойлашган. Айни даврда Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Шош, Насаф, Термиз, Кеш, Аксикат каби шаҳарлар ўрта аср хунармандчилигининг ривож топган йирик марказига айланган [6]. Қайиксозлик тараққий қилиб, Хоразм ва Термизда ясалган қайиқлар Амударё бўйлаб то Хоразм (Орол-А.А) денгизигача муттасил мол ташиб, савдогарларнинг юкини енгил, узоғини яқин қиларди.

Бу даврда шаҳарлар билан бир қаторда қишлоқлар ҳам мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида катта роль ўйнай бошлайди. Қашқадарё воҳасида, кўпгина йирик қишлоқларида тўқимачилик, мисгарлик, дурадгорлик каби хунармандчиликнинг бир қанча соҳалари юксалаган. IX-X асрларда қишлоқ ва шаҳарларда, айниқса кулолчилик ва шишасозлик авж олган эди. Бу даврда ясалган хилма-хил сирли ва нақшинкор сопол идишлар, рангли шиша буюмлар жуда сифатли бўлган [7].

Қарвонларни сув ва қўноқлар билан таъминлаб, узоқ ва машаққатли йўл азобини маълум даражада енгиллаштириш учун даштларда қудуқлар қазилиб, ҳар бир бекатда работлар бино қилинган. Қарвонлар ўтадиган шаҳар ва қишлоқларда қарвонсаройлар қурилган. Уларда савдогарлару сарбонлар ва уларнинг ҳамроҳ ходимларию сайёҳлар учун хужралар, моллари учун омборхоналар, ошхоналар, туялар, отлар, хачирлар ва эшаклар учун махсус оғилхоналар бўлиб, уларда зарур ем-хашаклар ва озук-емишлар сақланган. Қарвонлар ҳузурида кўпинча тилмоч-таржимонлар хизмат қилиб, йўлдаги қароқчилардан қарвонни муҳофаза қилиш учун баъзан ҳатарли жойларда уни қўриқлаб борган.

X асрда ташки савдо муомаласида саррофлик чекларидан кенг фойдаланилар эди. Ўша вақтда савдогарлар ўзи билан кўп миқдорда пул олиб юрмас эди. Ўз пулини у шаҳарнинг инобатли саррофларидан бирига топшириб, ундан тегишли хужжат-чек оларди.

Мўлжалланган шаҳарга бориш билан шу чекни саррофга бериб, унда кўрсатилган миқдордаги пулни тўлалигича қайтариб олиши мумкин эди. Ҳатто “чек” сўзининг ўзи ҳам форсча ибора бўлиб, ўша вақтда ҳам бу сўз айна шу маънода ишлатилар эди [5].

Вилоятлараро ички савдо-сотик ҳамда мамлакатлараро карвон савдосининг авж олганлиги, шубҳасиз, ўз навбатида кўп миқдорда чақа ва тангаларнинг муомалада бўлишига олиб келади. Ички бозорларда “фалс” деб аталадиган мис чақа, халқаро савдо-сотикда эса кумуш танга-дирҳамлар ишлатиларди. Мис чақаларни марказий ҳукумат ҳам, шунингдек, сулола аъзоларидан бўлган баъзи маҳаллий вилоят ҳокимлари ҳам, ҳатто айрим йирик мулкдорлар ҳам чиқарар эдилар [8].

IX-XIII аср бошлари Мовароуннаҳрда савдо ва маданият марказлари бўлган йирик шаҳарларнинг кўпайиши ва тараққиёти даври бўлган. Бу давр ички ва ташқи савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожига муҳим ўрин тутди. Иқтисодий-маданий алоқаларнинг ривожланиши савдо йўллари тармоқларининг кенгайишига ва улар фаолиятининг жонланишига олиб келди. Буюк ипак йўлининг марказий йўналишлари бўйида жойлашган Мовароуннаҳр шаҳарлари нафақат Шарқ дунёсида, балки улкан Евроосиё минтақаси миқёсида амалга ошириладиган транзит алоқаларда катта аҳамиятга эга бўлди. Кўриб чиқиладиган даврда Бухоро-Насаф-Балх савдо йўли ҳам мусулмон Шарқининг муҳим савдо йўналишларидан бири ҳисобланарди.

Ривожланган ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг икки пойтахт шаҳри Бухоро ва Самарқандни Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон билан боғловчи транзит савдо йўллари Қашқадарё воҳаси орқали ўтарди. Воҳанинг бош шаҳри Насаф Бухоронинг Хуросон ва Ҳиндистон билан алоқаларида муҳим ўрин тутарди [9].

Маълумки, Самарқандни жанубдаги халқаро савдо марказлари билан боғловчи йўл ҳам қадимдан Қашқадарё воҳаси орқали ўтган. Ривожланган ўрта асрларда бу воҳанинг асосий шаҳарларидан бўлган Насаф ва Кешдан ўтган савдо йўллари, нафақат ички савдо алоқаларида, балки транзит алоқаларда ҳам муҳим ўрин тутарди. Фарғона, Тошкент воҳаси ва Самарқанддан йўлга чиққан карвонлар Жом дашти орқали Насафга келишган. Бу ердан Амударёдаги кечувларга (Келиф, Карки, Амул) ёки Темир дарвоза орқали Термизга кетувчи йўллар бошланган. Манбаларда Насаф-Термиз савдо йўли Субах, Киндик қишлоғи, Темир дарвоза орқали ўтиши таъкидлаб ўтилган. Киндик қишлоғи Насафдан ва Кешдан 3 кунлик йўл масофасида бўлиб, бу ерда Самарқанддан Кеш орқали келувчи савдо йўли Насаф-Термиз савдо йўлига қўшилган [9].

Ҳиндистон ва Афғонистоннинг савдо шаҳарларини Самарқанд, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси билан боғловчи Шарқий Хуросон савдо йўли ҳам ривожланган ўрта асрларда муҳим ўрин тутарди. Мутахассисларнинг фикрича, Амударёдан ўтиб, Келиф ва Шўроб кечувларида бу йўл икки тармоққа ажралган. Биринчиси, Келиф-Насаф-Жом орқали, яъни Кўхитоғнинг ғарбий тизмалари, Насаф-Жом оралиғидаги даштлар ва Зарафшон тоғининг ғарбий ён бағри орқали Самарқандга ўтган бўлса, иккинчиси Кеш ва Тахтақорача давони орқали ўтган. Самарқанддан Кешгача икки кунлик йўл бўлган ва улар ўртасидаги тўхташ жойи Дриздех ҳисобланган [4].

Маълумки, Эрон ва Хуросондан Насаф, Кеш ва Бухоро орқали Хитойга ўтувчи савдо йўли Самарқанд, Шош воҳаси, Фарғона водийсидан ўтган. Бу йирик транзит савдо йўлининг биринчи муҳим қисми Бухоро-Самарқанд йўналиши бўлган. Ибн Хурдодбех Бухородан Самарқандгача бўлган оралиқ масофани 39 фарсах деб келтирган. У Бухородан Самарқандгача бўлган йўлда Шарқа, Тавовис, Кукшибаган, Кармана, Дабусия, Арбинжон, Зармана, Қаср ал-Алқама каби шаҳар ва қалъалар жойлашганини айтиб ўтади. Кармана яқинида жойлашган Работи Малик ёдгорлигини ўрганган мутахассислар бу жой X-XII асрларда Бухоро-Самарқанд савдо йўлидаги муҳим бекатлардан бири бўлганлигини таъкидлаб ўтишган [10].

Тарихий манбаларда Кеш ҳақида у ерда мевалар Мовароуннаҳрнинг ҳамма ерларига нисбатан эртароқ пишади ва уларнинг илк ҳосили Бухорога келтирилади, деб таъкидланади [10]. Кешда ер остидан тош тузи қазиб олинади ва уни Хуросоннинг кўп вилоятларига олиб

кетилган. Унинг тоғларида кўплаб доривор ўсимликлар бўлиб, у ерда дори учун ишлатилувчи ат-таранжубин олинган.

Кешда Мовароуннаҳрнинг машхур отлари етиштирилиб, Хуросоннинг бошқа вилоятларига зотли отлар ҳам олиб кетилган. Шаҳарда бозорлар гавжум бўлиб, савдо-сотикни мухтасиб доимий назорат қилар эди. Мухтасиб молларнинг сифатини, қоп, қанор ва идишлар тозалигини, меваларни янги узилганлигини, тош-тарозиларнинг тўғрилигини текширар, муттахамларни, тарозидан уриб қолувчиларни жазолар эди. Мухтасиблик лавозимига ишончли одамлар ёки имомлар қўйиларди [11].

Сомонийлар давридан бошлаб, кўпгина Шарқ мамлакатларида (доимий урушлар, вайронкорликлар ва бошқа сабаблар туфайли) олтин тангалар бозорларда камайиб, сифатсиз қумуш тангалар ва мис тангалар кўпайди. Олимларнинг фикрича, бунга қумуш конларида захираларнинг камайиб кетгани ҳам таъсир қилган. Буюк салжуклар давлатида олтин динорлар зарб қилинар эди. Ғазнавийлар каби, салжуклар ҳам олтин динор оғирлигини турли мисқолларда чиқарар, аҳоли буни билар эди. Динорлар оғир, енгиллигига қараб, турлича аталарди. Салжукийлар замонида асосий зарбхона Нишонпурда эди. Нишонпур (Найсабур) динорлари ана юқори сифатли (92-98% соф олтиндан) эди [11].

Салжукийларга тобе бошқа баъзи йирик шаҳарларда ҳам юқори сифатли динорлар чиқариларди. Қизиғи шундаки, юқори сифатли олтин динорлар билан соф қумуш аралаш олтин динорлар бирдай муомалада бўлар, аммо, соф динорлар қимматбаҳо молларни олишга сарфланарди.

Дирҳамлар эса авваллари қумуш ва мис аралашмасидан тайёрланарди, кейинчалик (қумуш етишмай қолган вақтларда) миснинг ўзидан зарб этила бошланди. Султон Санжар давлатининг заифлашган иккинчи даврида шаҳарларда сифатсиз қумуш ва олтин суви югуртирилган динорлар ва мис дирҳамлар зарб этилган. Ҳатто тангаларда Сосонийлар давридаги тож ва отлик шакли сақланди. Қумушланган мис дирҳамлар икки хил қийматда чиқарилиши савдо ишларида қулайлик туғдирган эди.

Демак, илк ўрта асрлардан бошлаб, Қашқадарё воҳасининг кўплаб шаҳарларида хунармандчиликнинг турли соҳалари (қулолчилик, темирчилик, қуролсозлик, шишасозлик, тўқимачилик, пахта толаси ва ипак матолар тайёрлаш, шойи газламалар ишлаб чиқариш) жадал ривожланиши натижасида ички ва ташқи савдони юқори даражада мақсадли ташкил қилиш зарурияти вужудга келган.

VI–VII асрлар нафақат халқаро савдо балки ички туманлараро савдо ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Турли шаҳар ва қишлоқлардан зироаткорлар, чорвадорлар, хунармандлар ва савдогарлар савдо ярмаркаларини ташкил этиб турганлар. Ички савдо учун мис ва бронза тангалар зарб этилган. Шунингдек, Термизда қумуш тангалар чиқариб барча маҳсулотлар ўзининг аниқ нархига эга бўлган.

Хуллас, IX–X асрларда оммавий истеъмол молларига бўлган талабнинг ошиши, ички ва ташқи савдонинг ривожини ишлаб чиқариш кўламининг кенгайишига сабаб бўлган. Илк ўрта асрларда бозорлар, асосан шаҳарлар атрофида жойлашган бўлса, IX–X асрларда улар шаҳарларнинг работлари ва шахристонларида қурилган бўлиб, бозорларда нафақат савдо расталари, балки хунармандчилик устахоналари ҳам мавжуд бўлган. Йирик савдогарларнинг қарвонсаройлари бозор расталари ва дўконларидан алоҳида жойлашган, ички ва ташқи савдода шаҳарларнинг аҳамияти кейинги даврларда янада ошиб борган ўрта асрлар Қашқадарё воҳаси худудларида савдо ва маданият марказлари, йирик шаҳарларнинг кўпайиши ва тараққиёти даври бўлиб, ички ва ташқи савдо-иқтисодий алоқалар ривожидан муҳим ўрин тутган. Бу даврда иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши савдо йўллари тармоқларининг кенгайишига ва улар савдо-сотик фаолиятининг жонланишига олиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сағдуллаев А., Мавлонов Ў., Маҳкамova Д. Ўрта Осиёда ўрта асрлар савдо-сотик тизими. – Т., Академия, 2012. – Б. 36.
2. Отаҳўжаев. А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010. – Б.18.

3. Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. Тошкент, 2017. – Б. 42.
4. Гойбов Б. Согд-Фергана-Китай: приоритетные торговые связи // Фарғона водийси янги тадқиқотларда. Конференция материаллари. – Фарғона, 2014. – Б. 137-144.
5. Мавлонов Ў. М. Ўрта асрларда Жанубий Ўзбекистонда иқтисодий-савдо муносабатлари // ЎзМУ хабарлари. Махсус сон, 2014. – Б.41-45.
6. Раимкулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари. – Қарши: Насаф, 2018. – Б.81-90.
7. Кобзева О.П. Великий шелковый путь и мировая цивилизация. –Т., 2002.
8. Бабаяров Г., Кубатин А. Доисламские монеты Согда: новое чтение и интерпретации легенд // Сборник науч. тр. – Самарканд, 2012. – С. 11-23.
9. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Л., 1973. – С. 329-330.
10. Пугаченкова Г.А. Чағониён тарихи. Холчаён. – Тошкент, Ислон университети, 2002. – Б. 66-31.
11. Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097 – 1231). – Тошкент, 1998. – Б. 136-144.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХУДУДИДА ИЛК ДАВЛАТЛАРНИНГ ШАКИЛЛАНИШИ ВА ДАСТЛАБКИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Каромов Ш. (ҚарДУ)

Аннотация. Мазкур мақолада Марказий Осиёда бўлиб ўтган тарихий-маданий воқеликлар, бу жараёнларнинг тарихий илдишлари, асослари ва омиллари ҳақидаги фикр мулоҳазалар билдирилган. Марказий Осиё тарихининг Ўзбекистон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини илмий асосларда ўрганишнинг долзарблиги ва сабаблари ҳақида тўхталиб ўтилган.

Таянч сўзлар: *Хоразм, Бактрия, Маргиёна, Суғдиёна, Фарғона, Мерв, Тохаристон, Ўтрор, Уструшона.*

Аннотация. В данной статье представлены отзывы об историко-культурных событиях, происходивших в Центральной Азии, об исторических корнях, основах и факторах этих процессов. Обсуждены актуальность и причины научного изучения вклада истории Центральной Азии в развитие узбекской цивилизации.

Ключевые слова: *Хорезм, Бактрия, Маргиана, Согдиана, Фергана, Мерв, Тохаристан, Отрар, Уструшона.*

Annotation. This article provides feedback on the historical and cultural events that took place in Central Asia, the historical roots, foundations and factors of these processes. The relevance and reasons for the scientific study of the contribution of the history of Central Asia to the development of Uzbek civilization were discussed

Key words: *Khorezm, Baktriya, Margiana, Sogdiana, Fergana, Merv, Tokharistan, Otrar, Ustrushona.*

Ўзбекистон тарихи Марказий Осиё тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу борада Марказий Осиёда бўлиб ўтган тарихий-маданий воқеликлар, бу жараёнларнинг тарихий илдишлари, асослари ва омилларини янги илмий маълумотлар асосида тадқиқ этиш, мавжуд муаммоларни кўриб чиқиш ҳамда умумлаштирилган ҳолда хулосалар чиқариш, Марказий Осиё тарихининг Ўзбекистон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини илмий асосларда ўрганиш долзарб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда сўнги йилларда антик ва ўрта асрлар даври билан боғлиқ илмий ишларга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, “тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устивор йўналишларидан биридир.”¹

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмақда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослашри мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга ўтамиз. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 29.

иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради[2:14]¹

Марказий Осиё халқларининг шаклланишида ва унинг давлатчилиги пайдо бўлишида туб ўтроқ деҳқон аҳоли алоҳида ўрин тутганлиги ҳақида муҳим тарихий хулосага келиш мумкин. Марказий Осиё халқлари аجدодларининг илк давлатчилиги тараққиёти қадимги шаҳарлар тарихи билан узвий боғлиқ бўлган. Илк давлатларнинг ташкил бўлишида, жамият ривожининг ички қонуниятларидан ташқари (ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг юқори даражаси, хунармандчилик, алмашинув ва савдонинг тез ривожланиши, суғорма деҳқончилик ва бошқалар) ташқи сабаблар - кучайиб бораётган сиёсий қарама-қаршиликлар ва ҳарбий тўқнашувлар ҳам таъсир қилди. Марказий Осиё икки дарё оралиғида давлат бирлашмаларининг ҳар хил шакллари мавжуд бўлган: Марказий Осиёдаги қадимги давлатчилик эволюциясини (тараққиётини) бир неча даврларга ажратиш мумкин: 1-давр милoddан аввалги II минг йилликнинг II ярми Ўзбекистон жанубида давлатчилик тузилмаларининг илк белгилари пайдо бўлди. Давлатнинг бундай намунаси Жарқўтонда топилган. 2-давр милoddан аввалги I минг йилликнинг боши Хоразм Бактрия, Суғд тарихий маданий вилоятларининг шаклланиши. 3-давр Аҳамонийлар босқини ва Марказий Осиёнинг Аҳамонийлар давлати таркибига кириши натижасида маҳаллий давлатчилик ривожланишидаги танаффуслар. 4-давр милoddан аввалги IV-II асрнинг иккинчи ярми. Александр Македонский босиб олгандан бошлаб Юнон Бактрия подшоҳлигининг кулашигача. 5-давр милoddан аввалги II асрнинг иккинчи ярми ва милoddий I аср боши. Маҳаллий давлатлар: Қанғ, Хоразм подшоҳлиги; Суғд, Довон давлатларининг мустақамланиши ва янада ривожланиши. 6-давр милoddий I аср бошидан III аср ўрталаригача. Маҳаллий давлатчиликнинг равақ топиши. Инсоният цивилизациясининг дастлабки ўчоқларидан бири ҳисобланадиган Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ўзининг қадимий шаҳар маданияти билан ҳам жаҳонга машҳурдир.

Жамият ҳаётида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мил.авв. III минг йилликнинг охири II минг йилликнинг бошларига келиб, Марказий Осиё ҳудудларида дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шаҳар маданиятининг шаклланиши ҳам худди жамият тараққиётида бўлгани каби тараққиёт йўли билан ривожланган. Милoddан аввалги II-I асрларда юқорида кўрсатилган ўлкаларда яшовчи аҳоли илк давлат уюшмаларини ташкил этганлар. Бу давлат уюшмалари ўзининг маълум ҳудуди, чегараларига эга бўлиб, иқтисодий-географик макон катта бир вилоят сифатида шаклланиб борган. Бу даврларда Хоразм, Бактрия, Марғиёна, Суғдиёна, Фарғона каби вилоятлар мавжуд эди². Шунингдек, илк давлатчиликнинг тарихий Илдизлари фақат ички сабабларгагина боғлиқ бўлмай, балки қадимги Шарқдаги юксак даражада ривожланган анъанавий тарихий-маданий алоқаларга ҳам боғлиқ бўлган. Археологик тадқиқотлар натижасида топилган юқори сифатли моддий маданият буюмлари ўзаро алоқалардаги мавжуд технологик ва иқтисодий таъсирни кўрсатади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, юзлаб минг йилликларни ўз ичига қамраган инсоният тарихида дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши – нисбатан анча кеч юз берган жараёндир. Давлатчилик тарихи инсоният цивилизациясининг сўнгги 5 минг йили билан боғланади. Илк давлатлар ўз ривожланиш босқичларида турли хусусиятлар ва тарихий қонуниятларига эга бўлиб, илк давлатлар хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари – деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик қаерда олдинроқ ривожланган бўлса, ўша ерда пайдо бўлган. Хўжалик ишлаб чиқарувчи шаклларнинг тараққиёти аҳоли жойлашуви, ҳудудларнинг кентайиши ва ташқи алоқаларнинг ривожланишига олиб келган. Жамоалардаги иш, ва ижтимоий меҳнат тақсимоти, ташқи босқинлардан ҳимояланиш, диний урфни бажариш каби масалалар ижтимоий-маданий ҳамда сиёсий бошқарувнинг пайдо бўлишига асос солган. Олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, милoddан

¹ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.

² Шаякубов Ш. Ўзбекистон тарихи (Маърузалар матни). – Тошкент, 2018.

аввалги I минг йилликнинг бошларида Маркзий Осиёнинг тарихий-маданий вилоятлари (Бактрия Сўғд, Хоразм) жамоаларидаги асосий ишлаб чиқарувчи кучлар бир неча кичик оилалардан ташкил топган уй жамоалари (катта оила вакиллари) дан иборат бўлган. Ушбу уй жамоаларининг бошқарув тартибида катта оилалар бошлиқлар ёки уй эгалари, шунингдек, алоҳида қишлоқ кўрғонларини бошқарувчи жамоалар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу жараёнда алоҳида уйлар ўртасидаги қариндошчилик муносабатлари каби белгилар иккинчи даражали бўлиб борган. Бу шунда кўринадики, ҳар бир катта оила мумкин бўлган қариндошчилик алоқаларига қарамасдан, алоҳида хусусий мулкка, ўз уй-жойига, ишлаб чиқариш қуролларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорва молларига эга бўлганлар. Бир сўз билан айтганда, улар ўзларини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган хўжаликларни акс эттирганлар¹.

Маркзий Осиёнинг Марв, Тохаристон сингари тарихий-географик вилоятлардан иборат муайян воҳа ҳокимликлари – мулкликлар эди. Келтириб ўтилган ушбу вилоятлардан кўпчилигининг сиёсий-маъмурий тузилишида ўзаро ўхшашликлар бўлиши билан бирга, айрим ўзига хосликлар ҳам бўлгани кўзга ташланади. Улардан айримлари худудий жиҳатдан анча кенг бўлиб, ўз ичига ўнлаб катта-кичик ҳукмдорликларни олиб, кўринишидан конфедератив тузилмаларга ўхшаса, айримлари нисбатан кичикроқ, ўз набатида эса яхлитроқ тузилишга эга эдилар. Масалан, Чоч 3та, Фарғона бта, Сўғд 10 га яқин, Тохаристон 25 дан ортиқ кичик ҳукмдорлик - мулкликни ўз қарамоғига олган бўлса, Ўтрор, Уструшона, Хоразм, Марв воҳаларида кўпинча битта ёки иккита ҳукмдорлик мавжуд бўлган². Марказий Осиё вилоятларининг маданий ўхшашликларига сабаб халқларнинг кўшни-қариндошлиги, умумий урф-одатлари, тили, савдо-сотик, маданий алоқалари, жанубда юқори даражада риводланган маданиятнинг таъсири, жанубий аҳоли бир қисмининг Хоразм чегаралари ёнида ва айнан вилоят худудига тарқалиши деб фараз қилинади. Агар кўрсатиб ўтилган фикрлар, жумладан, охириги тўғри бўлса, қабилаларнинг кўчиш жараёни форс подшоси Кир II нинг юришларидан анча олдинги даврларда бошланган Жанубий вилоятларнинг вакиллари ва маҳаллий аҳолиси кўшилиш натижасида янги маданий ва этник жараёнлар вужудга келиши мумкин эди. Бу вазият, археологик ва антропологик маълумотларга кўра, Марказий Осиё ва хусусан Ўзбекистон худудига бронза даврида ва милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларида анча тараққий топган. Мисол учун, милоддан аввалги IX-VIII асрларда Жанубий Сўғдиёнада (Қашқадарё воҳаси) чархда ишланган идишларнинг пайдо бўлиши, қурилишида ғишт билан нахсанинг ишлатилиши, уй-кўрғонлар ва айрим қалъаларнинг бино қилиниши Бактриянинг Сўғдиёнага маданий таъсирини ва бактрияликлар томонидан баъзи туманларнинг ўзлаштирилишини тасдиқлайди. Қадимги Хоразм давлати милоддан аввалги VII асрда Амударё ўрта оқими қисмидан тортиб Оролга яқин бўлган эрларда вужудга келган, деган хулосанинг тўғрилиги тасдиқланди. Бу давлат Марғиёнадаги Марв атрофида шаклланмаган, чунки манбаларга кўра, Марғиёна қадимги Бактрия давлатининг йирик вилояти бўлган. Бактрия ва Хоразм давлатининг худудий чегаралари Ўрта Амударё оқимидаги эрлар орқали ўтган. Шу эрларда бир-бирига рўпара ҳолатда иккита қадимги истехком - Одойтепа ва Қушқалъа қурилган. Хоразмликлар эгалик қилган эрлар Сўғдиёна, Марғиёна ва Бактрияга тегишли ўлкаларга бориб тақалган Балки шунинг учун ҳам Геканей хоразмликлар вилоятини парфийлардан шарқий томонда жойлаштирган Геродот эса парфияликлар ва хоразмликларини эрлари чегарадош бўлган деб кўрсатган³.

Хулоса ўрнида шунини такидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Маркзий Осиё тарихни ўрганишда ҳар томонлама ҳолис ва илмий жиҳатдан мукамал ва тарихий далилларга асосланган ҳолда ёритишга катта этибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017-йилда имзоланган “Олий таълим тизимини

¹ Эшов Б. Ўзбекистон давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 432 б.

² Аскарлов А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // Общественные науки Узбекистана. – Т., 1997. – № 3-4. – С. 65–76.

³ www.Xorazmiy.uz

янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларига қаратилган, Кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш ва халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилганлиги бугунги кунда Маркзий Осиё тарихини нафақат ўрганиш, балки уни илмий жихатдан асосланган далилларга таянган ҳолда тарихий жараёнларни очиб беришда ҳаққонийлик тамойилларига асосланган ҳолда чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш ҳамда энг тўғри илмий хулосаларни тақдим этиш биз тадқиқотчиларнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга ўтамиз. 1-жилд. – Тошкент.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.
2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.
3. Шаякубов Ш. Ўзбекистон тарихи (Маърузалар матни). – Тошкент, 2018.
4. Эшов Б. Ўзбекистон давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 432 б.
5. Аскарлов А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // Общественные науки Узбекистана. – Т., 1997. – № 3-4. – С. 65–76.
6. www.Xorazmiy.uz

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ: ТАРИХИ ВА БУГУНИ

Раупов Х.Р. (Навоий КМК)

Аннотация: Мақолада ўтган асрнинг ўрталарида Олмалик ҳудудида қазилма бойликларининг топилиши натижасида комбинатнинг ташкил этилиши, унинг фаолияти, мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги технологияларни жорий этиш, мис кластерини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ёритилган.

Таянч сўзлар: *кончилик, металлургия, комбинат, “Қалмоққир”кони, маҳаллий кадрлар, модернизация, мис кластери.*

Аннотация: В статье описаны создание комбината в середине прошлого века в результате обнаружения полезных ископаемых на территории Алмалыка, его деятельность, работа, проведенная в годы независимости, особенно в последние годы по модернизации производства, внедрению новых технологий и созданию медного кластера.

Ключевые слова: *горное дело, металлургия, комбинат, рудник «Калмаккыр», местные кадры, модернизация, медный кластер.*

Annotation: The article described the creation of the complex in the middle of the last century as a result of the discovery of minerals in the territory of Almalyk, its activities, the work carried out during the years of independence, especially in recent years to modernize production, introduce new technologies and create a copper cluster.

Key words: *mining, metallurgy, plant, Kalmakkyr mine, local personnel, modernization, copper cluster.*

Маълумки, XX асрнинг 20–30-йилларида Олмалик ҳудудида қазилма бойликларини топиш бўйича кенг миқёсда геологик қидирув ишлари олиб борилади. Жумладан, таниқли геолог С.Ф.Машковец бу ҳудудда йирик конлар борлиги тўғрисида илмий фаразларини келтиради. Кейинчалик, геолог Б.Н.Наследов томонидан бу ҳудудда кенг камровли қидирув ишлари олиб борилиши натижасида “Қалмоққир” кони очилди. Кейинчалик мазкур конда тадқиқотлар олиб борган таниқли геологлар М.П.Русаклов ва А.В.Королевлар унинг захиралари тўғрисидаги илмий қарашларини эълон қилишди [1; 13].

Олмалик ҳудудида топилган мис, қўрғошин, рух, вольфрам, молибден ва бошқа нодир металлларни ўзлаштириш учун Олмалик кон-металлургия комбинати бунёд этилди [2; 475]. 1949 йилда комбинатни барпо этиш ишлари бошланди ва мазкур йил Олмалик кон-металлургия комбинатининг ташкил этилганлиги билан тарих солномасига кирди.

Комбинатнинг ишга туширилиши натижасида йилдан-йилга бу ерда аҳоли кўпайиб борди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1951 йил 10 июлдаги Фармонида кўра Олмалик шаҳар мақоми берилди [3; 59]. Қўрғошин конида геологлар томонидан ишлар бошланиб, 1951 йилнинг охирига келиб дастлабки қўрғошин-рух рудалари казиб олиш бошланди. Қўрғошин-рух бойитиш фабрикасидан Теракли қўрғончаси, рудани қайта юклаш жойигача бўлган темирйўл қурилиши бошланди [4].

Албатта, комбинатни урушдан кейинги йилларда қуриш ва ишга туширишда кўплаб фидойи инсонларнинг хизматлари катта бўлди. Бу ишда айниқса комбинатнинг раҳбарлари, тажрибали муҳандис ва мутахассисларнинг бекиёс ҳиссалари бор. Комбинатнинг биринчи директори Н.А.Цогоев (1948-1952) бўлган бўлса, кейинчалик Д.Л.Басов (1954-1958), П.С.Поклонский (1958-1967), М.Р.Рамазанов (1967-1983), В.Н.Сигедин (1983-2001), Г.А.Прохоренко (2001-2003) каби директорлар бошқарди.

Комбинатга кўп йиллар раҳбарлик қилган Мнайдар Рамазанов 1967 йилдан то 1983 йилгача Олмалик кон-металлургия комбинати директори лавозимида фаолият олиб борди [5; 114]. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчи бўлган М.Рамазанов Олмаота кон-металлургия институтини тугатгандан сўнг кўплаб завод ва конларда меҳнат қилди. Мнайдар Рамазанов ташаббуси билан комбинат ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мақсадида реконструкция ва қайта жиҳозлаш ҳамда ижтимоий объектларни барпо этиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширишда ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Ўзининг кўп йиллик раҳбарлик фаолияти давомида комбинат ишчи-хизматчилари ва шаҳар аҳолиси ўртасида катта ҳурмат ва эътиборга эга бўлди. Шунинг учун Олмалик шаҳридаги кўчалардан бирига Мнайдар Рамазанов номи берилган.

Комбинатнинг кейинги йиллардаги ривожиди Қ.С.Санакулов (2003-2007), Н.Р.Рўзиев (2007-2008) ва А.К.Фарманов (2008-2018)ларнинг хизматлари катта бўлди. Бу раҳбарлар масъулият ва ва жавобгарликни ўз зиммаларига олиб, бурчларини теран англаган ҳолда ўз ишининг моҳир ходимларидан иборат ажойиб меҳнат жамоасини шакллантириб, катта муваффақиятларга эришдилар. Комбинатда бугунги кунда ҳам истеъдодли ва талабчан раҳбарларни ҳамиша катта эҳтиром билан эслашади. Бугунги кунда комбинатни А.Хурсанов бошқармоқда [6; 258].

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, комбинатнинг ривожланиш даври бошланди. Негаки, комбинат мустақиллик йилларида айниқса кейинги йилларда йирик ишлаб чиқариш корхонасига айланди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ Иттифоқ республикалари билан иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолиши оқибатида Олмалик кон-металлургия комбинатида ҳам кўплаб муаммолар вужудга келди. Комбинатда 1994 йилнинг бошларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетди, муҳандислик-техника ва моддий-техника таъминоти, маҳсулот сотиш муаммолари пайдо бўлди. Ўша пайтда яна бир ўткир муаммо юзага келди. Бу комбинат ишчи-ходимлари ўртасида эртанги кунга ишончсизлик билан боғлиқ ижтимоий муаммо эди. Корхонада кадрлар қўнимсизлиги кўпайди.

Комбинатдаги вазиятни тўғри англаган Республика ҳукумати томонидан тезликда уни ўнглаш бўйича чора-тадбирлар қўрилди. Натижада, 1994 йил 31 октябрда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг “Олмалик кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда комбинат учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, техника ва эҳтиёт қисмларини сотиб олиш учун 17,8 млн. АҚШ доллари, айланма маблағларни кўпайтириш, техник қайта жиҳозлаш, реконструкциялаш ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳамда уй-жой қурилиши учун 154 млн. сўм маблағ ажратилди [6; 259].

Ҳукумат томонидан берилган молиявий ёрдам туфайли, комбинат зарур бўлган технологик материаллар ва жиҳозлар билан таъминланди. Натижада, 1995 йилда комбинатда маҳсулот чиқаришнинг пасайиши тўхтатилди, мис конларида қазиш ишлари, рух заводида рух ва сульфат кислота ишлаб чиқаришга доир топшириқлар бажарилди,

бойитиш фабрикасини таъмирлаш ва реконструкция қилишга доир ишлар авж олдирилди. 1994 йилга нисбатан кадрлар қўнимсизлиги икки марта пасайди.

Ажратилган кредитлар ҳисобидан энг аввало мис бойитиш фабрикасини техник қайта жиҳозлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бу ерда 19 та юқори унумли насослар ишга туширилди, ўртача ва кичик ўлчамларда майдалайдиган тўртта майдалагич, иккита тегирмон, бешта конвейер алмаштирилди, ўн учта тегирмон учун эҳтиёт қисмлари олинди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида мис бойитиш фабрикасининг ишлаб чиқариш суръатлари барқарорлашиб, товар маҳсулоти чиқариш ҳажми ўсди [5; 63-65].

Мазкур йилда комбинатда молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида жаҳон бозорида талаб юқори бўлган мис экспорти кўпайтирилди ва 1995 йилда 1500 тонна мис купороси экспорт қилинди ҳамда толлинг хизматлари эвазига 30,2 млн. АҚШ доллари миқдорида фойда олинди. 1995 йилдан бошлаб у Сарик Чўкки кони мис маъданларига тўлиғича ўтказилди. Натижада фойда олиш ва қўшимча равишда 4,3 минг тонна мис етказиш имкони яратилди.

1996 йилда комбинат маҳсулоти бўлган кумушга Лондондаги Қимматбаҳо металллар бозори уюшмаси томонидан “Ишончли маҳсулот етказиб берувчи” сертификат берилиши комбинат маҳсулотини жаҳон бозорига олиб чиқишга йўл очди.

1997 йилда комбинатда грануланган кумушнинг тажриба партияси олинishi ҳам металлургиянинг катта муваффақияти бўлди. Мазкур қимматбаҳо металлнинг бу турига заргарлик ва радиотехника саноатида талаб катта эди. Комбинат маҳсулоти халқаро биржа ва ташкилотлар томонидан тан олина бошланди. 1997 йил сентябрда Швейцариядаги “Глобал қвалити менежмент” компанияси томонидан комбинат маҳсулотига “Маркетинг юқори даражаси учун” номли мукофоти берилди, 1998 йил декабрда эса Мадрид шаҳрида 1997 йилги комбинатнинг тижорат якунлари бўйича Савдо ташкилотлари клубининг “Тижорат обрўси учун” дипломи ва Олтин совринини кўлга киритди [3; 77].

Хукуматнинг 1995 йил 3 июлдаги қарори билан комбинатни маҳаллий кадрлар билан таъминлаш мақсадида Олмалиқ техника коллежи ташкил этилди. 2001 йилда эса комбинатга олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун Навоий давлат кончилиқ институтининг Олмалиқ кон-металлургия факультети очилди. Унда металлургия, кон иши, кимё технологияси, электр энергетика, кон-электромеханикаси каби йўналишларда малакали кадрлар тайёрлаш бошланди.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”га қарорига кўра 2017 йилдан бошлаб Олмалиқ шаҳрида Ислон Каримов номли Тошкент давлат техника университети филиали иш бошлади [7]. Филиалда кундузги, махсус сиртқи ҳамда кечки таълим шаклида кадрлар тайёрланмоқда.

Шунингдек, ушбу қарор билан Россиянинг Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси “Миллий технологик тадқиқотлар университети “МИСиС”нинг Олмалиқ филиали ташкил этилди. Булар, албатта, иқтидорли ёшларимиздан кон-металлургия йўналишида етук мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган аниқ мақсадли тадбирлардир.

Комбинатнинг Қалмоққир, Сарик Чўкки каби конларида мис билан бирга рангли металлларнинг 15 дан ортиқ тури, чунончи, олтин, кумуш, молибден, кадмий, индий, теллур, селен, рений, кобальт, никель, осмий ва бошқалар ҳам қазиб олинади. Комбинатда руда асосан очик усулда қазиб олинади. Бу эса конларнинг рентабеллигини таъминлайди. Тадқиқот натижаларига кўра, конлардаги мис ва унга йўлдош металлларни 40-50 йил, рух ва кўрғошинни 100 йилдан кўпроқ вақт давомида қазиб олиш мумкинлиги тасдиқланди. Бундан ташқари, истикболли Дальнее мис кони топилган. Унинг мис, молибден, олтин, кумуш, рений, теллур, селен ва олтингургурт захиралари катта. Селен ва теллурдан асосан ярим ўтказкичлар, куёш батареялари, термогенераторлар, пўлат, шишанинг махсус навларини ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Қалмоққир конида руда очик усулда қазиб олинади. Кон Олмалиқ шаҳридан 3 км масофада жойлашган. Коннинг бугунги кундаги чуқурлиги 600 метрни, узунлиги 3700 метр

ва эни 1500 метрни ташкил этади. Кон ташкил этилган 1954 йилда йилига 8 млн. тонна руда қазиб олиш лойиҳаси бўйича иш бошланган бўлса, бугунги кунда кондан руда қазиб олиш ҳажми, унинг ўлчамлари, чуқурлиги ва кон массаси кўпайди. Унинг маъдан қазиб олиш бўйича йиллик қуввати ҳозирги кунда 27 миллион тонналик улкан ҳажми, кон массаси бўйича 25 миллион тонна кубни ташкил этади. 1995 йилдаги қайта ҳисоб-китобларга кўра кон атрофида аниқланган маъдан захиралари 2 миллиард тонна атрофида бўлган. Конда руда қазиб олишнинг йиллик ҳажмини 40–42 миллион тоннагача етказиш имконияти борлиги аниқланган.

Бугунги кунда Олмалик кон-металлургия комбинатида йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада, кейинги йилларда мамлакатимизда мис ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5 баравар ошиб, 2020 йилда 148 минг тоннага етган. Аммо, ундан юқори кўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлаш ишлари етарли эмасли учун комбинатда мис кластерини ташкил этиш бўйича йирик лойиҳалар бошланди. Айни пайтда, миснинг қарийб 60 фоизи хомашё сифатида экспорт қилинади. Халқаро экспертларнинг фикрича, яқин келажакда дунёда мисга бўлган талаб 40 фоизга ошиши кутилмоқда. Бу эса мисни қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш орқали даромадни ошириш имконини бериши мумкин. Шу мақсадда, 2021 йил 24 июнда “Кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Мис саноати кластери ташкил этилиши белгиланди ва Бош вазир раҳбарлигида Махсус комиссия тузилди [8].

2021 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 7 фоизи, экспорт ҳажмининг 15 фоизи мазкур комбинат ҳиссасига тўғри келади. Охириги йилларда илмга ва технологияга катта маблағ йўналтирилгани натижасида янги конлар топилиб, ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ, комбинатда “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш бўйича 5 миллиард 122 миллион долларлик мегалойиҳа амалга оширилмоқда [9].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Олмалик кон-металлургия комбинати ўзини шонли тарихига эга корхонадир. Бугунги кунда комбинат замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган замонавий корхонага айланиб, Ўзбекистон иқтисодиётида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Таджиев А.С. Сырьевая база Алмалыкского рудного района (историческая справка) // Горный журнал, – Москва, 2009. – С. 13.
2. Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: Шарқ, 2013. – Б. 475.
3. Ҳасанов А., Топилов Т., Асқаров М., Атаханов А. Кўҳна ва навқирон Олмалик. – Олмалик, 2000, – Б. 59.
4. Олмалик КМК ОАЖ тарихи хронологияси. www.agmk.uz.
5. Ризаев С. Алмалыкский горно-металлургический. – Ташкент: “Ўзбекистан Миллий Энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2006. – С.114.
6. Санақулов Қ., Раупов Х., Хаитова О. Ўзбекистонда кон-металлургия тарихи. -Т.: MASHNUR-PRESS, 2019. – 258 б.
7. “Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”га Қарор, 2017 йил 27 июль // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти-www.lex.uz.
8. Мис саноати кластери ташкил этилади. <https://yuz.uz/news>.
9. Олмаликда мегалойиҳа амалга оширилмоқда. <https://president.uz>

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

**XX АСРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРТА МАХСУС МАЪЛУМОТЛИ
ИРРИГАТОРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ****Хатамова Р.З. (ЎзМУ)**

Аннотация. Мақолада Совет империяси даврида илк ирригаторлар тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилиши, бунинг натижасида ўрта маълумотли ирригаторларга бўлган талабнинг ошиб бориши ва уларнинг фаолияти ёритиб берилган

Таянч сўзлар: *ирригатор, ўрта маълумот, сув, сув хўжалиги, ирригация.*

Аннотация. В статье освещается внедрение первой системы обучения ирригаторов во времена Советской империи, в результате чего возрос спрос на ирригаторов со средним образованием и была освещена их деятельность.

Ключевые слова: *ирригатор, среднее образование, вода, водное хозяйство, орошение.*

Annotation. The article highlights the introduction of the first system of training irrigators during the Soviet Empire, as a result of which the demand for irrigators with secondary education increased and their activities were highlighted.

Key words: *irrigator, secondary education, water, water management, irrigation.*

Кириш. Маълумки, халкимиз ҳаётида табиат инъом этган неъматлардан, хусусан, ер ва сувдан тежаб-тергаб, увол қилмасдан фойдаланиш қадимги даврлардан бошлаб ғоят муҳим аҳамият касб этган. Бу жиҳатдан қурғоқчил шароитга эга бўлган ўлкамизда, ер-сувдан оқилона фойдаланиш орқали юксак даражадаги сув цивилизацияси ва суғорма деҳқончилик маданияти шаклланиб келганини тарихий манбалар тасдиқлайди.

Россия империяси даврига келиб барча ирригация тизимлари Марказ учун кўпроқ пахта хомашёсини етиштиришга қаратилди. Суғориш тизимлари учун кўплаб инновацион иншоотлар ва технологиялар жорий қилинди. Бунда асрлар давомида ривожланган сув хўжалиги, кадрлар тайёрлаш, инновациялари тарихий боғлиқлигига аҳамият берилмади. Юртимизнинг етук олим ва мутахассисларнинг экологик инкироз ҳақидаги фикрлари эътиборга олинмади ёки рад этилди. Сув цивилизацияси анъаналарини бузилиши минтақада экологик инкироз – Орол денгизининг қуриши, экин майдонларининг шўрланишига олиб келди. Бу инкироз минтика микёсидан чиқиб, халқаро глобал тус олди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мақолага оид маълумотлар Ўзбекистон миллий архивининг Р-88-фонд, Р-837-фонд, Р-2483-фонди, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти жорий архиви ҳужжатларида акс этган. Тадқиқотчилардан Н. Обламурадов, Қ. М. Насриtdинов, С. Турсуновларнинг илмий-тадқиқот ишларида Ўзбекистон ҳудудида ирригация соҳасида олиб борилган ишларга оид маълумотларни кўришимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси. Мақолада XX асрда Ўзбекистон ҳудуди ирригация тизимлари ва унинг кадрлар масаласига таъсирини тарихийлик, тизимлик, қиёсий таққослаш усулларида фойдаланган ҳолда ўрганилган.

Таҳлил ва натижалар. Россия империяси сув хўжалиги соҳаси учун ирригатор гидротехник кадрлари тайёрлашга доир бир қанча қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда қишлоқ ва сув хўжалиги учун кадрлар етказиб бериш вазифаси долзарб вазифалардан бири эди. Россия империясини Марказий Осиёни истило қилишдан асосий мақсади, минтақанинг табиий бойликларини тасарруф қилиш бўлса, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда кадрлар етишмовчилиги режаларини амалга оширишга тўсқинлик қиларди. Бу даврда Россия империяси кўпроқ эътиборини ўзлаштирилмаган ерларда суғорма деҳқончилик лойиҳаларини ишлаб чиқаришга қаратди. 1908 йилда М.Ермолаев раҳбарлигидаги ишлаб чиқилган Қайроққум канали қурилиши лойиҳаси, 1910-1915 йилларда Г.К.Ризенкамф томонидан яратилган “Кўриқ ерларни суғориш” лойиҳаси шулар жумласидандир. Бу лойиҳаларга Россия империяси томонидан етарли маблағлар ажратилмаганлиги сабабли уларни амалга ошириш имкони бўлмади.

Октябрь тўнтаришидан сўнг совет раҳбарияти мавжуд лойиҳаларни ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар – муҳандис-ирригаторлар ва техник-ирригаторлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

Туркистон ирригация бошқармаси (ИРТУР) ташкил этилгач, сув хўжалиги ходимлари учун ўқув дастурлари ташкил этила бошланди. Ўқув дастурларидан кўзланган мақсад асрлар давомида шаклланган суғориш тизимларини замонавий технологияларга асосланган ҳолда бошқарадиган, сув ресурсларидан оқилона фойдаланадиган сув хўжалиги ходимларини тайёрлаш жараёнини босқичма-босқич йўлга қўйишдан иборат эди. Бу ўқув курслари илк ташкил этилган даврларида фаолиятини ариқ оқсоқоллари ва ирригаторлар тайёрлашдан бошлади¹.

Дастлабки босқичда ИРТУР сув ресурсларини сувдан фойдаланувчи жамоалар ва ширкатларга қонуний тақсимлаш ишларини ариқ оқсоқоллари ва миробларига топширди. Сув тошқинлари ва урушлар туфайли вайронага учраган суғориш тизимларини қайта тиклаш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалигини изга тушириш вазифаларини сувдан фойдаланувчилар зиммасига юклатилди. Давлат бу юмушларга моддий томондан кўмаклашиб турди.

Мироблар сувдан фойдаланишни назорат қилиш, маҳаллий сув хўжалиги ташкилотининг расмий вакили вазифасини бажарар эди. Сувдан фойдаланувчилар жамоалари ва уларнинг ичида сув тақсимоли учун масъул эди. Шунингдек, асосий сув хўжалиги қонун ва ҳужжатлар ижросига масъул, сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги низоларни ҳал этиш, унга ишониб топширилган суғориш тизимини техник ҳолатини назорат қилиши лозим эди.

Мамлакатда бошланган “коллективлаштириш” жараёнида ирригатор кадрларга бўлган талаб сув ўнбошилари (водных десятников)ни тайёрловчи мактаблар тармоғини ва техник-ирригаторлар тайёрловчи техникумларни ташкил этишни тақазо этди².

Ана шундай техникумлардан 1923/24 йилларда фаолият юритган Гидротехника техникуми кундузги ўқув курсини 5 киши, ирригация тармоқлари бўйича кечки курсларни 50 киши тамомлади³.

Совет даврининг биринчи беш йиллик режаси яъни 1925-1929 йилларда⁴ халқ хўжалигининг барча соҳаларига мутахассислар етказиб бериш “ишчи-деҳқонлар” орасидан кадрлар тайёрлаш сиёсати асосида олиб борилди. Қишлоқ хўжалигига кадрлар тайёрлаш техник-моддий базанинг йўқлиги туфайли олиб борилган ишлар кўп ҳолларда самараси кам бўлса-да, соҳа аста-секин тиклана борди.

1928 йил Халқ комиссарлари кенгаши мироб, ариқ оқсоқоли, вилоят гидротехники тайёрлаш бўйича курслар ташкил қилди, бу курсларнинг ташкил этишнинг асосий шарти сув хўжалиги соҳасида маҳаллий миллат аҳолиси бир йил, бошқа миллат вакилларига эса уч йил ишлаган бўлиши керак эди⁵.

Таъкидлаш керакки, 1928-1929 йилларда қишлоқ хўжалигида 285 нафар олий маълумотли, 2485 нафар ўрта махсус маълумотли мутахассислар фаолият олиб борган. Республикада 1928 йилда 7 та, 1929 йилда 11 та қишлоқ хўжалиги техникумлари мавжуд эди. Уларнинг сони 1930 йилда 18 тага етказилди ва 1928-1930 йилларда 400 та мутахассис, шундан 200 та агроном ва ирригаторлар тайёрланди. Партия томонидан коллективлаштириш жараёнининг асосиз тезлаштирилиши хўжаликларда қишлоқ хўжалик мутахассисларига талабни оширди. 1929 йилда ВКП(б) МҚ пленумида “25 мингчилар” (Двадцатипятидесятники) ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ишларини ривожлантириш учун 1930 йилда асосан турли ташкилотларнинг қасаба уюшмалари аъзоларидан иборат 169 кишилик “25 мингчилар” ҳаракати аъзолари жалб этилди.

¹Вектор А.Д. Вода в Центральной Азии: прошлое, настоящее и будущее//UNESCO. – 140 с.

²Вектор А.Д. Вода в Центральной Азии: прошлое, настоящее и будущее//UNESCO. – 142 с.

³Ўзбекистон миллий архиви, Р-88-фонд, 1-рўйхат, 86-иш, 265-варақ.

⁴Ўша жойда. – Б. 5.

⁵Ўзбекистон миллий архиви, Р-837-фонд, 5-рўйхат, 394-иш, 126-варақ.

Уларнинг ичида 50 та маҳаллий миллат вакиллари бор бўлиб, улар хўжаликлар бошқаруви раиси ва ўринбосарлари сифатида фаолият кўрсатди¹.

Бу даврда қишлоқ хўжалиги учун янги техникумларни ташкил этишда кўплаб қийинчиликлар юзага келди. Аввало, таълим даргоҳларининг ўқув-моддий базасининг мавжуд эмаслиги, маҳаллий ўқитувчиларнинг йўқлиги шулар жумласидандир. Бу эса ўз навбатида таълим сифатига салбий таъсир кўрсатар эди. Нафақат ташкил этилган техникумларда, балки республикада фаолият олиб бораётган олий юртларида ҳам ўқув хоналари етишмасди. Шунга қарамасдан, янги ташкил этилган техникумларда талабаларнинг асосий қисми маҳаллий миллат вакиллари ва деҳқонлар эканлигини эътиборга олсак, бу тадбирлар республикада ирригаторлар тайёрлаш жараёнининг келгуси фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди.

Қишлоқ хўжалиги ходимларини тайёрлаш ва партия томонидан белгилаб берилган тез суръатлар билан ташкил этилаётган колхоз, совхоз ва машина-трактор парк (МТС)ларидаги кадрларга бўлган талабнинг номутаносиблиги партия томонидан инструкторлар тайёрлаб, уларни қишлоқ хўжалигига жалб этиш билан ҳал этишга қаратилди. Шу йилларда 1504 та инструктор, 1331 та партия ходими ва 9 мингдан ортиқ комсомоллар қишлоқ хўжалигига жалб этилди. 1931 йил 5 ноябрда Ўзбекистон Компартияси МҚси “Колхоз кадрларини етиштириш ҳақида” ги қарорини қабул қилди. Бу қарор орқали республикада қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига бўлган талабни илғор колхозчилар ҳисобидан тўлдиришга эътибор қаратилди

Ўрта махсус маълумотли ирригаторларга талаб иккинчи жаҳон уруши йиллари арафасида янада юқори даражага кўтарилди. Буни техникумлар фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин.

Тошкент ирригация техникуми ҳам урушдан сўнг қишлоқ хўжалигини тиклаш учун ўз ҳиссасини қўшди. 1944 йил техникум режа бўйича 90 та қабул мўлжалланган эди, аммо 60 та талаба ўқий бошлади. Шулардан 32 таси ўзбеклар эди². 1947/48 йил ўқув йили учун Тошкент ирригация техникумига 186 та талаба қабул қилди. Қорақалпоғистонни маҳаллий ирригатор кадрлар билан таъминлаш бўйича ижро хати ҳам юборилган бўлиб, унга кўра 40 нафар талабани Тошкент ирригация техникумига ўқишга юбориш сўралган³.

Иккинчи жаҳон урушдан сўнг Хоразм ирригация техникуми ҳам фаолиятини бошлади. 1947/48 ўқув йилида бу техникумга 120 та талаба қабули белгиланди⁴.

1947 йил 24 мартдаги СССР Вазирлар Кенгашининг 7010-сонли қарорига асосан 6 ойлик мактаблар фаолият олиб борди. Бу мактабларга Мирзачўл учун 100 та, Урганч учун 100 та, Катта Қўрғон канали учун 100 та мутахассис етказиб бериш вазифаси юклатилган эди. Самарқанд шаҳрида ҳам 1 йиллик мактаб очилди. Унинг вазифаси гидротехник ва гидромелорация мутахассисларини етказиб беришдан иборат бўлиб, 1947/1948 ўқув йили учун 150 та талаба қабули мўлжалланган. Техникум ва малака ошириш курсларида таълим олганлар учун ойига 400-550 рублдан стипендиялар ажратилди⁵.

ЎзССР Министрлар Советининг 1951 йил 12 майда «Гидротехник мутахассисликлар техниклари тайёрлашни кенгайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан, шу соҳада фаолият олиб бораётган айрим ўқув юртларини ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига олиш, баъзи қишлоқ хўжалиги техникумларини гидромелиорация техникуми сифатида қайтадан ташкил этиш режалаштирилди. Мисол учун, Самарқанд қишлоқ хўжалиги техникумини қайта ташкил этилиб, йилига 90 кишини ўқишга қабул қилиш мўлжалланди⁶. Ушбу техникум қарор асосида ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги таркибига киритилди. Қарорда қишлоқ хўжалиги техникумларида янги ўқув йилидан тўрт

¹ Юнусходжаев А. Подготовка сельскохозяйственных кадров в Узбекистане в годы первой пятилетки (1928-1932 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1991. – 24 с.

² Ўзбекистон миллий архиви, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 4551-иш, 180-варак.

³ Ўзбекистон миллий архиви, Р-837-фонд, 33-рўйхат, 5010-иш, 92-варак.

⁴ Ўзбекистон миллий архиви, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 9624-иш, 89, 90-варак.

⁵ Ўзбекистон миллий архиви, Р-837-фонд, 33-рўйхат, 8736-иш, 100-варак.

⁶ Ўзбекистон миллий архиви, Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 708-иш, 1-варак.

йиллик ўқув таълимига мўлжалланган “Гидромелиорация” йўналишларини ташкил қилиш вазифаси белгиланди.

Шу даврда сув хўжалиги соҳасида 75 фоиз муҳандис-ходимлар, 74 нафар участка гидротехниклари касбий билимларга эга бўлмаган ҳолда фаолият юритиб келган. Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги ташкилотларда гидротехниклари лавозимларида асосан қуйи касбий маълумотга эга бўлган кадрлар фаолият кўрсатди. 41 фоиз суғориш тизими бошқарма бошлиқлари, 74 фоиз туман сув хўжалиги бошлиқлари, 30 фоиз суғориш тизими бошқармаси бош муҳандислари қуйи касбий маълумотга эга бўлган ходимлар муҳандислик лавозимларида фаолият кўрсатди. Вазирлик аппаратида ҳам номутахассис кадрларнинг мавжудлиги соҳада изчил чора-тадбирларни амалга оширишни тақазо этди. Сув хўжалиги Вазирлиги бошқарувида маҳаллий миллат вакиллари 2 фоизни, вилоятлар сув хўжалиги бошқармаларида 4-5 фоизни ташкил этарди. Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги ташкилотларда номутахассис кадрларни четлаштирилиши соҳада кадрлар муаммосини долзарб масалага айлантди. Масалан, 1953 йилда сув хўжалиги соҳаси кадрлари таркиби Фарғона вилояти учун 205 та олий маълумотли мутахассис штат жадвалида бор-йўғи 6 нафар олий маълумотли ирригаторлар фаолият кўрсатганини, бу кўрсаткич 1959 йилда мос равишда 402 та ва 55 тани ташкил этганини келтирилади. Республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин эди¹.

1980 йилларга келиб 25 та вазирлик ва ташкилотлар тасарруфидаги 214 та кундузги, 7 та кечки ва 1 та сиртки таълим берувчи ўрта махсус ўқув даргоҳлари мавжуд эди. 1983 йилда 4 та “қишлоқ хўжалик” техникумларида сиртки бўлимлар ташкил этилди².

XII беш йилликда, яъни 1986-1990 йилларда 23,5 минг олий маълумотли мутахассислар, 82,3 минг ўрта махсус маълумотли мутахассислар қишлоқ хўжалигига жалб қилинди. Бунинг натижасида, агроном ва ирригаторлар орасида дипломли мутахассислар миқдори 97-98 фоизгача кўтарилди. 1981 йилда республикада 286 та касб-хунар билим юртлари мавжуд эди. Уларда 98,3 минг нафар талабалар билим оларди. Бу билим юртларида сув хўжалигига ҳам зарур бўлган тракторчи, моторист, механизатор, оператор ва шу каби мутахассисликлар бўйича билим бериларди³. XI беш йилликда ушбу билим юртларида 657,7 нафар техник ходимлар тайёрланди.

Қишлоқларга йўлланма берилган мутахассислар уй-жой билан таъминланиши ўта паст даражада эди. Шу сабабли ёш мутахассислар кўнимсизлиги юзага келди. Қолаверса, ёш мутахассисларнинг билими ҳам талаб даражасида эмас эди. Ўқув юртларининг моддий базасининг ночорлиги, замондан ортда қолган билимларни берилиши ёш мутахассислар сифатига катта таъсир ўтказарди. Қишлоқ касб-хунар билим юрти (СПТУ) талабалари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Юқорида айтилган барча омиллар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини пасайишига олиб келди.

Хулоса. Кўриб чиқилган даврда советларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган сиёсати суғориш майдонларининг кенгайишига олиб келди. Йилдан-йилга кенгайиб бораётган далаларни суғориш сиёсати кўплаб гидротехник иншоотларни ва ирригация тизимларини яратиш, мавжудларини талаб даражасида ушлаб туриш вазифасини кўяр эди. Бундай кенг-кўламли ишларни амалга ошириш учун сув хўжалиги соҳасига сон ва сифат жиҳатдан кўп миқдордаги турли буғинларда фаолият олиб бора оладиган мутахассисларни тайёрлаш заруриятга айланди. Шу мақсадда ташкил этилган ўрта махсус маълумотли ирригаторлар тайёрлаш жараёни муваққиятли амалга оширилди, деб айтиш мумкин. Бу мутахассислар гидротехник

¹Рўзикулова М.Ю. Марказий Фарғона қўриқ ерларининг ўзлаштирилиши ва суғорилиши тарихи (XX асрнинг 50-70-йиллари мисолида): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Фарғона, 2021.

²Толибов Р. Развитие и совершенствование системы среднего специального образования и подготовка кадров специалистов в Узбекистане (опыт и проблемы: Автореф. канд. ист. наук. – Ташкент, 1993.

³Обломуродов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана 1971-1990 гг.: Опыт, уроки и проблемы: Автореф. дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1994.

иншоотларни бунёд этишда, ирригация тизимларини қуришда, суғориладиган майдонларда мелиорация ишларини олиб боришда фаол қатнашди. Соҳа мутахассислари олдиларига қуйилган вазифаларни сидқидилдан адо этди. Бу бўғин ишлари Марказ мутахассисларига жозибатор эмаслиги туфайли, асосан техник-ирригаторлар маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига шаклланди. Бу бўғин вакиллари мамлакатда олиб борилаётган “пахта яккаҳоқимлиги” сиёсатига таъсир этиш имконига эга эмас эди. Улар ташкил этилаётган ирригация тизимлари ва суғориш технологияларига таъсир кўрсата олмасди, юкоридан берилган кўрсатмаларга асосан ишлашга мажбур эди. Ўрта махсус маълумотли сув хўжалиги вакиллари яратган кўплаб иншоотлар ва ирригация тизимлари бугун ҳам халқимизга хизмат қилиб турибди. Янги Ўзбекистонда яратилган имкониятлар фойдаланиб, совет даври сиёсати туфайли юзага келган камчиликларни тузатишда минг йиллик анъаналаримизга амал қилган ҳолда ўрта ва қуйи бўғин мутахассислари бугунги кунда ҳам сидқидилдан фаолият олиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вектор А.Д. Вода в Центральной Азии: прошлое, настоящее и будущее // UNESCO. – 140 с.
2. Ўзбекистон миллий архиви, Р-88-фонд.
3. Ўзбекистон миллий архиви, Р-837-фонд.
4. Ўзбекистон миллий архиви, Р-2483-фонд.
5. Реки и каналы Ташкента https://www.google.com/search?sxsrf=AOaemvLONWtj_PJPfoxERH7dkjX-XgGP8g:1635682635190&q
6. Вектор А.Д. Вода в Центральной Азии: прошлое, настоящее и будущее // UNESCO. – 142 с.
7. Юнусходжаев А. Подготовка сельскохозяйственных кадров в Узбекистане в годы первой пятилетки (1928-1932 гг.): Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1991.
8. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

Наируга т. ф. д. Г. Мўминова тавсия этган

ТУРКИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА АМАЛГА ОШИРГАН ТАДБИРЛАРИ (1917-1924-ЙИЛЛАР)

Тўхтаева Р. (ҚарДУ)

Аннотация. Мазкур мақолада Совет ҳокимиятининг Туркистонда юритган молиявий сиёсати ва унинг ўлка аҳолиси ижтимоий ҳаётига таъсири масаласи архив ҳужжатлари ва илмий адабиётлар орқали ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада ҳукуматнинг молиявий сиёсатида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам таҳлил этиб берилди.

Таянч сўзлар: *молия, бюджет, даромад, пул, солиқ, иқтисод, деҳқон, галла, пахта, чорва моллари, гўшт, мол ёғи, ижтимоий-маданий тадбирлар, маориф, соғлиқни сақлаш.*

Аннотация. В данной статье через архивные документы и научную литературу освещается финансовая политика советского правительства в Туркестане и ее влияние на общественную жизнь населения края. Также в статье анализируются ошибки и недостатки фискальной политики правительства.

Ключевые слова: *финансы, бюджет, доход, деньги, налог, хозяйство, крестьянин, зерно, хлопок, животноводство, мясо, говяжий жир, общественно-культурная деятельность, образование, здоровье.*

Annotation. This article, through archival documents and scientific literature, highlights the financial policy of the Soviet government in Turkestan and its impact on the public life of the population of the region. The article also analyzes the mistakes and shortcomings of the government's fiscal policy.

Key words: *finance, budget, income, money, tax, economy, peasant, grain, cotton, animal husbandry, meat, beef fat, social and cultural activities, education, health.*

Совет ҳукумати ҳокимият тепасига келгач, Туркистонда барча соҳаларда Россия империяси ишларини давом эттириб, ўлкани имкони қадар ўз тутқинлигида сақлаб туриш ва мустақил ҳаракат қилишига йўл бермаслик позицияда турди.

Туркистонда совет ҳокимиятини ўрнатиш жараёнлари катта молиявий маблағни талаб қилди. Туркистон Автоном Республикаси ҳукумати молиявий аҳволини хусусий шахслар мулкани национализация қилиш эвазига мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Шу мақсадда Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг пахта заҳираларини мусодара қилиш, саноат корхоналари ва темир йўлларни национализация қилиш тўғрисидаги бир қатор декрет ва қарорлари эълон қилинди.

Туркистон Республикаси ҳукумати давлат харажатларининг маълум қисмини тўпланган солиқлар ҳисобига қоплашга ҳаракат қилди. Туркистон Республикаси солиқ қонунчилиги РСФСР солиқ тизими принциплари асосида таркиб топтириб борилди. Солиққа тортиш ишлари режасиз, қоникарсиз олиб борилди. Белгиланган солиқлар кўп ҳолларда ўз муддатида эмас, кечиктириб йиғилди. Йиғилган солиқлар миқдори кўп ҳолларда ноаниқ бўлиб, бу ҳақида қатъий ҳужжат ишлари юритилмади. Солиқ хизмати ходимлари ҳисоботларида келтирилган солиқ ва йиғимлар миқдори реал ҳолатга тўғри келмади. Вилоят ва уезд молия бўлимлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва алоқалар етарли даражада бўлмади [1].

Давлат бюджети даромади четга маҳсулот экспорт қилиш ҳисобига ҳам кўпайтирилди. 1922 йилнинг биринчи ярим йилида четга чиқарилган маҳсулотлар 10 млн. рубллик бўлса, 1923 йилнинг шу чорагида бу 34 млн рубль бўлади [2]. 1923-1924 бюджет йилида Туркистон Республикаси четга 34 млн. рубллик маҳсулотни четга чиқарган бўлса, 39 млн. рубллик маҳсулотни четдан сотиб олди [3].

Туркистон Республикаси молия нозирлиги эркин бозордан 1922 йилнинг 11 ойида жами 36 миллиард 500 млн. (қоғоз) рубллик тилла ва бошқа қимматбаҳо тош, олтин ва кумуш тангаларни сотиб олади. 35860 та Хива кумуш тангаси, 175 та форс крани, 425 та эски Хива олтин тангаси, 16 та олтин соат, 9 та олмос кўзли узук, 15 та олтин медал, 22 та ҳар хил аёллар тақинчоғи, 3 та кумуш медал ва бошқалар шулар жумласидандир [4].

Туркистон Республикаси ҳукумати қишлоқ хўжалиги соҳаси учун 1918 йили 1821,4 минг рубль, 1919 йил 4553,9 минг рубль сарфланиб, бу маблағдан асосан суғориш иншоотларини тиклаш, ер ислоҳоти тадбирлари ўтказиш, чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш мақсадида фойдаланилди [5]. Туркистон республикаси давлат бюджетидан қишлоқ хўжалиги тадбирлари учун 1921 йил 687,9 минг рубль, 1922 йил 1,1 млн рубль, 1923 йил 7 млн рубль сарфлади [6]. Шунингдек, давлат бюджетидан саноат соҳасини молиялаштириш учун 1918 йил 3149,1 минг рубль, 1919 йил 10.046,3 минг рубль, 1920 йил 9067,2 минг рубль сарфлади. 1922 йилнинг январь-сентябрь ойларида давлат бюджетининг 14 фоизи яъни 3.244.171. рубли саноат учун кредит сифатида ажратилди. Аммо Туркистондаги аксарият саноат корхоналари зарарига фаолият олиб борди. Металл саноати, курилиш трести, цемент заводлари, кўмир-нефть саноатида ушбу ҳолатлар кузатилади. Аммо улар орасида муайян даромадларни қўлга киритган корхоналар ҳам мавжуд бўлди. Жорий йилнинг 9 ойида “Тоштрам” 75.000, Турквино 40.000 даромад олди [7].

Аҳоли ижтимоий турмуш шароитидаги оғир аҳвол мамлакат молиявий сиёсатиغا, қолаверса солиқ иши режаларининг бажарилмаслигига сабаб бўлди.

1918 йил 23 майда Туркистон республикаси ХКС раиси Ф. Колесов Совет ҳукумати раҳбари Ленин номига телеграмма юбориб, унда Туркистон ўлкасининг оғир аҳволи, очарчилик, молиявий инқироз ҳақида маълумот беради. Телеграммада Ф. Колесов Туркистон Республикаси молия нозирлиги эҳтиёжи учун 700 млн рубль маблағ зарурлигини таъкидлайди. Жумладан, Туркистон саноатни тиклаш учун 225 млн рубль, озиқ-овқат учун 105 млн рубль, армия учун 20 млн рубль, холера эпидемиясига қарши кураш учун 50 млн рубль керак эди [8].

Ижтимоий-маданий тадбирлар учун ажратилган маблағнинг асосий қисми халқ маорифи ҳисобига тўғри келди. Туркистон давлат бюджетидан бу соҳага 1918 йили 1667,8 минг рубль, 1919 йил 2301,7 минг рубль, 1920 йил 1582,2 минг рубль сарфланди. Ушбу маблағлардан асосан шаҳарларда бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактаблар ташкил этиш учун фойдаланилди. Аммо шунга қарамай бу маблағлар халқ эҳтиёжини қондира олмади.

Масалан, 1920-1921 ўқув йилида Туркистонда 2022 та мактаб фаолият олиб борган бўлса, 1922 йили улар сони 1239 та бўлди [9].

Туркистонда 1923-1924 бюджет йилида маорифга бюджетнинг 41,7 фоизи, Ер ишлари халқ комиссарлигига 12,2 фоизи, НКВД 11,2 фоизи, соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигига 6,4 фоизи ажратилди. Аммо бу маблағларнинг 66 фоизи Тошкентга, қолган 34 фоизи вилоятларга берилди.

Туркистонда 1923 йил октябрдан 1924 йил мартга қадар турли комиссарликлар учун ажратилган харажатлар миқдори 17.254.614 рубль бўлди. Харажатларнинг 42 фоизи харбий соҳага, 15 фоизи суғориш иншоатларига, 14 фоизи НКВД (ОГПУ)га, маориф соҳасига 7 фоизи, молия тизимига 6 фоизи, ер ишларига 2 фоизи, соғлиқни сақлаш соҳасига 1 фоизи, адлияга 1 фоизи сарфланди.

Туркистонда пахта экин майдонларини кенгайтириш ишлари узликсиз олиб борилди. Масалан, 1918 йил 10 минг десятина ерга пахта экилган бўлса 1921 йил 58 минг десятина ерга пахта экилди. 1923 йил биринчи сорт пахтанинг 1 пудига 5 рубль 40 копейк нарх белгиланган. Иккинчи сортга 3 рубль 70 копейк, учинчи сортга 3 рубль 10 копейк [10].

1921 йил 13 сентябрда Совет ҳукуматининг “Пахтачиликни, пахта тозалаш саноатини ва пахта тайёрлашни давлат йўли билан ташкил этиш тўғрисидаги Низом”и эълон қилинди. Пахтачилик билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликлари ҳар томонлама рағбатлантирилди. Мазкур соҳага бюджетдан етарли маблағ ажратиш, камқувватли хўжаликларга иш қуроллари ва ҳайвонлари ажратиш тадбирлари белгиланди.

Пахта монополиясини янада мустаҳкамлаш, пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида ўлкада суғориш ишларини харбийлаштириш тўғрисида 1921 йил 11 майда Туркистон ХКС нинг махсус декрети чиқарилди [11]. Шунингдек, давлат бюджетидан ирригация тизимини тиклаш ва ривожлантириш учун маблағлар ажратилди. 1923 йил Туркистонда суғориш иншоатларига бюджетдан 5.567 минг, 1924 йил 6.260 минг олтин сўм ажратилди.

1923 йили Туркистонда РСФСР ҳукумати қишлоқ хўжалик банкининг филиали очилиб, мазкур банк ўз операцияларини кредит ширкатлари ва қишлоқ хўжалик кооперациялари орқали амалга оширди. Шу йили Туркистонда 1169 та кредит-ширкатлари фаолият олиб борди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида пахта экин майдонлар миқдори ўсиб борди. 1923 йил Туркистонда 135 минг десятинага, 1924 йили 283 минг десятина ерга пахта экилди [12].

Бундан ташқари 1924 йил 11 январда Мехнат ва Мудофаа Кенгаши Ўрта Осиё Тижорат банки ташкил этилиб, унинг зиммасига республикада пахтачиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, пахта тайёрлашни кредитлар билан таъминлаш, фабрика- завод маҳсулотларини етказиб бериш каби вазифалар юклатилди [13].

Туркистонда молиявий соҳа фаолиятини барқарорлаштиришда энг жиддий муаммолардан бири бу кадрлар масаласи эди. Республика молия муассасаларида асосан ҳеч бир тажрибага эга бўлмаган кишилар хизмат қилиб, соҳа ишини жонлантириш учун 1920 йили 200 га яқин мутахассис талаб этилди [14]. Эски давр молия аппарати тугатилганидан сўнг янгисини тузиш зарурияти келиб чикди. Аммо маъмурий тузилмаларнинг янги тизимини шакллантириш объектив қийинчиликлар билан ёнма-ён кечди. Совет ҳукумати банк, ғазна муассасаларини эски ҳукумат қолдиқлари сифатида баҳолаб, асосий “саботаж” манба деб ҳисоблади. Уларда хизмат қилган ходимлар фаолиятига ҳам беписандлик билан қаралди. Совет молия бўлимларининг кўпчилиги янги ходимлари касса, ҳисоб ва солиқ масалалари бўйича йўриқлар, қоидалар, декретлар бажарилишини назорат қилиш, даромадлар ва харажатларга оид ҳужжатлар ҳисоботларини тайёрлаш кўникмаларига эга эмас эди. Қолаверса, 1922 йил Туркистон Республикаси солиқ хизматчилари орасида Маҳаллий миллатга мансуб бирорта ҳам кадр йўқ эди. Жорий йилда Тошкентда солиқ ходимларини тайёрлайдиган курс очилди ва Москва Молия Халқ Комиссарлиги ўқув курсларини тамомлаган кадрлар ҳам ишга қабул қилинди. Кўрилган тадбирлар натижасида соҳада бир оз жонланиш кузатилиб, 1923 йил солиқ аппарати хизматчиларининг 6 фоизи, 1924 йил 11,6 фоизи маҳаллий миллат вакиллари ташкил этди [15].

1923 йил апрелдан Туркистон АССР солиқ аппарати озик-овқат комиссарлигидан молия комиссарлиги тасарруфига ўтказилди. Вилоятларда ушбу вазифани амалга ошириш учун махсус комиссиялар ташкил этилди. Аммо солиқ аппаратини инвентарлари ва кадрларини озик-овқат комиссарлигидан молия комиссарлиги ихтиёрига ўтказишда турли муаммоли вазиятларга ҳам дуч келинди. Молия комиссарлигига солиқ идораларининг асосан тажрибасиз, ёш мутахассислари берилиб, солиқ ишини мукамал ўзлаштирган деҳқон хўжалиklarини фаолиятини чуқур тушунган, солиқ ундириш усулларида яхши хабардор тажрибали ходимлар молия комиссарлиги ихтиёрига ўтказилмади. Озик-овқат комиссарлиги солиқ аппарати ходимларидан 202 нафари молия комиссарлиги ихтиёрига юборилди. Бу даврда ҳар бир вилоятнинг солиқ хизматида 1 нафардан ревизор-инструктор, Сирдарё ва Самарқанд вилояти молия бўлимида 17 нафардан, Фарғона вилоятида 16 нафар ходим фаолият олиб борди [16]. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ҳудудлар бўйича кадрлар тақсимотида бир хил ёндашилмади.

Туркистонда 1922-1923 хўжалик йилида 30 та шаҳар ва 456 та волостида 30 та молия инспектори участкаси ташкил этилган бўлиб, 1 та инспекторга 1 та шаҳар 15 волост ёки 183000 аҳоли тўғри келди [17]. Жорий йилда Туркистон солиқ хизматида 51 нафар инспектор, 44 нафар ёрдамчи, шаҳарда 84 нафар, кишлоқ жойларида 490 нафар молия агентлари фаолият олиб борди. Уларнинг деярли 95 фоизи бу соҳада ёш ва тажрибасиз кадрлар бўлиб, уларнинг аксарияти солиқ, солиққа тортиш, солиқ қоидаларидан умуман беҳабар эди.

Бундан ташқари молия бўлими ходимларининг яшаш ва иш шароитлари ҳам мақтанарли даражада бўлмади. Масалан, молия инспекторлари ойига 65 рублдан маош олдилар. Уларнинг иш жойида канцелия анжомлари, шкаф, стол-стул, лампа каби жиҳозлар етишмади. Хужжатлар полда, очиқ ҳолда сақланган. Молия бўлими канцелия ходимлари кунига 10-12 соатлаб ишлади.

Маҳаллий ҳокимият органлари кўп ҳолларда солиқ хизмати ходимларига ёрдам бериш эмас, аксинча улар фаолиятига тўсқинлик қилиб келди. Масалан, архив хужжатларида таъкидланишича, 1923 йил Самарқанд шаҳрининг эски шаҳар қисми бозорлари фаолиятини текшираётган молия бўлими инспекторига сотувчилар томонидан турли тухматлар уюштирилди. Уни мастликда айблаб, сотувчилар бақир-чақир қилишди. Шаҳар ижроия кўмитаси молия инспектори фаолиятини чуқур ўрганмасдан туриб, ҳатто уни вазифасидан ҳам четлаштирди. Ҳолбуки, молия инспекторининг саломатлиги яхши эмаслиги боис, врач унга спиртли ичимликни истеъмол қилишни таъқиқлаган ва у хизмат вазифасини бажараётганда соғ, хушёр ҳолатда бўлган. Шунга ўхшаш ҳолатлар бошқа шаҳарларда ҳам учраб турди. Масалан, Каттақўрғон уезида савдо дўкони ижарачиларидан бири уезд ижроия кўмитаси раҳбарларидан бирининг қариндошлигидан фойдаланиб, солиқ йиғувчиларга таҳдид қилиб, уларни “мастликда” айблаб, қариндоши ёрдамида вазифасидан четлаштирди [18].

Туркистонда саноат соҳаси ишчиларнинг ойлик маоши жуда паст эди. 1922-1923 йилларда эса 13-16 рубль атрофида эди. Масалан, ёқилғи саноати ишчиларининг иш ҳақи ойига 1924 йил 30-40 рубль, виночилик саноатидагиларники 40 рубль атрофида эди [19].

Туркистон Республикасида давлат аппаратини моддий таъминлаш, озик-овқат маҳсулотларини четга сотиб олиш учун асосан етишмаган маблағларни пул эмиссияси йўли билан ҳал этилиши молиявий муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Солиқ тизимининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, муомаладаги пул миқдорининг товар фондидан ортиб кетиш каби ҳолатлар эса аҳолининг ижтимоий муаммоларини кескинлашишига сабаб бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўз МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 116-йиғма жилд, 11-12-варақлар.
2. Туркестанский правда, 1924 йил 4 май, – №97.
3. Ўз МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 115-иш, 168-169-варақлар.
4. Ўз МА, 20-фонд, 1-рўйхат, 564-иш, 21-варақ.

5. Ўз МА, 25-фонд, 1-рўйхат, 99-иш, 274-280-варақлар.
6. Статистический ежегодник. Туркесреспублики, 1917-1923 гг., Т. 2, – С. 390.
7. Ўз МА, 25-фонд, 1-рўйхат, 974-иш, 77-80-варақлар.
8. Ўз МА, 25-фонд, 1-рўйхат, 92-иш, 280-285-варақлар.
9. Ҳайдаров Г.Х. Очерки истории народного образования в Туркестанской АССР (1917-1924 гг.) Автореф.... дисс... канд... ист. наук. – Т., 1953. – С.16.
10. Ўз МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 24-28 варақлар.
11. Съезды Советов в документах. Т. I. – М., 1959. – С. 482-483.
12. Понятовский С., Хлопковая кампания. 1924-1925 года // Народное хозяйство Средней Азии. 1924 год август, – №1. – С. 37.
13. Ризаев Г., Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет., Т., 1957. – С. 60-69.
14. Ўз МА, 37-фонд, 1-рўйхат, 175-иш, 25-варақ.
15. Туркестанская правда, 1924. – №5.
16. Ўз МА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1017-иш, 58-59-варақлар.
17. Ўз МА, 20-фонд, 1-рўйхат, 358-иш, 113-варақ.
18. Ўз МА, 25-фонд, 1-рўйхат, 1690-иш, 77-83-варақлар.
19. Ходоров И. Конноктурный обзор народного хозяйства Средней Азии // Народного Хозяйства Средней Азии. август 1924 года, – №1. – С. 30.

Наишрга проф. О.Бўриев тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН СИЁСИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ОИД

Хуррамов М.К. (ЖИДУ)

Аннотация. Мазкур мақола мустақиллик йилларида Ўзбекистон-Қозоғистон сиёсий алоқаларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихига бағишланган. Мақолада икки мамлакат ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг ривожланиш босқичлари, ушбу босқичларда амалга оширилган муҳим воқеа-ҳодисалар ва уларнинг таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди.

Таянч сўзлар: *сиёсий муносабатлар, чегара муаммолари, делимитация ва демаркация, стратегик шерикчилик, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, мудофаа иттифоқи.*

Аннотация. Данная статья посвящена истории становления и развития узбекско-казахстанских политических отношений в годы независимости. Основное внимание уделено этапам развития политических отношений двух стран, важным событиям, происходившим на этих этапах, и их анализу.

Ключевые слова: *политические отношения, пограничные вопросы, делимитация и демаркация границ, стратегическое партнерство, всеобщая декларация прав человека, оборонный союз.*

Annotation. This article is devoted to the history of the formation and development of Uzbek-Kazakh political relations in the years of independence. The main attention is paid to the stages of development of political relations between the two countries, the important events that took place at these stages, and their analysis.

Key words: *political relations, border issues, delimitation and demarcation, strategic partnership, Universal Declaration of Human Rights, defense alliance.*

Геосиёсий маконда СССР давлатининг парчаланишидан сўнг унинг таркибига кирувчи Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришиб, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айландилар. Икки қўшни мамлакат – Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари халқаро майдонда мустақил давлатлар сифатида эътироф этилди ва халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзосига айланди. Ёш давлатлар олдида ҳал этилиши лозим бўлган мураккаб вазибалар турарди. Бу вазибалар сирасига, биринчи навбатда, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, иктисодий барқарорликни таъминлаш, миллий манфаатларни халқаро доираларда илгари суриш, мустақил ташқи сиёсий ривожланиш курси ва йўналишларини белгилаб олиш кабиларни киритиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ташқи сиёсатга оид вазибаларни ҳал этиш учун ушбу мустақил давлатлар етарли тажрибага эга эмас эдилар. Шундай бўлса-да, Марказий Осиё давлатлари ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ўз ташқи сиёсатининг йўналишларини белгилаб

олишга ҳаракат қилдилар. Минтақа мамлакатлари мустақил давлатчиликнинг дастдабки босқичларида дунёнинг қудратли давлатлари билан ҳамкорлик ўрнатишга урғу берган бўлсалар-да, географик омил сабабли қўшни давлатлар билан ҳам ўз муносабатларини жадал ривожлантиришга эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов мустақилликнинг дастдабки йилларидаги ўзбек-қозоқ муносабатлари хусусида сўз юритиб, шундай деган эди: қардош қозоқ халқи билан ҳамкорлик қилишга “бизни фақат жуғрофий яқинликкина эмас, тарихий, этник, тил, маъданият, диний муштаракликкина эмас, шу билан бирга фақат биргалашиб, мустақкам ҳамкорликда ҳал қилиш мумкин бўлган умумий иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларнинг кўплиги ҳам ундамоқда”¹.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатлари шаклланишининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўзига хос жараёнларнинг гувоҳи бўламиз. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар расман 1992 йил 23 ноябрда ноталар алмашинуви шаклида ўрнатилган². 1993 йил Алмати шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистондаги элчихонаси очилди. Ўз навбатида 1996 йил Қозоғистон Республикасининг дипломатик миссияси Тошкент шаҳрида ўз фаолиятини бошлади. 1991 – 2016 йиллар мобайнида олий даражадаги 22 та ташриф ва учрашувлар амалга оширилган³. Шу билан бирга, икки давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўп томонлама тadbирлар доирасида ҳам мунтазам учрашиб туришган.

Ўзбек-қозоқ сиёсий муносабатларининг динамикасига назар соладиган бўлсак, ўзаро алоқалар бир маромда ривожланмаганлигини кўришимиз мумкин. Ўрганилган 25 йил давомида икки қардош мамлакат ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда теbrаниб турган. Тадқиқот олиб борилган даврни босқичларга ажратишда асосий эътибор икки давлат ўртасидаги муносабатлар ривожига туб бурилиш ясаган воқеа-ҳодисалар ҳамда имзоланган шартномаларга қаратилди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ва Қозоғистон сиёсий алоқаларининг шаклланиши ва ривожланишини даврий жиҳатдан қуйидаги уч босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич 1991-1997 йилларни ўз ичига олади. Ушбу босқич икки ёш мамлакат мустақилликка эришиб икки томонлама алоқаларни юрита бошлагани билан характерланади. Бу борада, 1991 йил қўшни давлатлар ўртасидаги расмий ҳамкорликни бошлаб берган шартнома катта аҳамиятга эгадир. Мазкур ҳужжат икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 1991 йил 7 декабрда Тошкент шаҳрида имзоланган бўлиб, “Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома” деб номланган. 1992 йил 24 июнда Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида И.Каримов ва Н.Назарбоев “Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида шартномани имзоладилар. Ушбу ҳужжат постсовет маконида ўзбек-қозоқ муносабатларининг янги даврини бошлаб берди.

Аҳамиятли томони шундаки, юқоридаги икки шартнома икки давлат ўртасида ҳали дипломатик муносабатлар ўрнатилмасдан туриб имзоланган. Бу қўшни мамлакатларнинг икки томонлама алоқалари жуда илиқ тарзда бошланганидан далолат беради. 1993 йил Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида жами 11 нафар икки томонлама шартнома, келишув, баённома ва баёнотлар имзоланган.

1997 йил икки мамлакат сиёсий алоқалари тарихига янада ривожланган давр сифатида кирди. 1997 йил 2 июн Алмати шаҳрида икки давлат раҳбарлари И.Каримов ва Н.Назарбоевлар учрашиб, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги

¹ Каримов И.А. Туркистон умумий уйимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 39.

² Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги расмий сайти. Халқаро ҳамкорлик. Ўзбекистон Республикаси дипломатик алоқалар ўрнатган давлатларнинг рўйхати // <https://mfa.uz/uz/pages/strani-kotoriye-uzbekistan-ustanovil-diplomaticeskive-otnosheniya>

³ Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги элчихонаси расмий сайти. Ўзбек-қозоқ муносабатлари. Сиёсий муносабатлар // <http://uzembassy.kz/ru/page/politicheskie-otnosheniya>

декларацияни имзоладилар¹. Мазкур декларациянинг имзоланиши қўшни давлатлар ўртасидаги сиёсий ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқди.

Икинчи босқич 1998-2005 йилларни қамраб олган бўлиб, 1998 йил 31 октябрда Н.Назарбоевнинг Тошкентга амалга оширган расмий ташрифи давомида “Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик тўғрисида”ги шартноманинг имзоланиши билан бошланди. Ҳужжатда жумладан, шундай дейилади: “Томонлардан бирига нисбатан учинчи давлатлар томонидан ҳарбий ҳужум хавфини туғдирувчи вазият юзага келган тақдирда томонлар ҳам икки томонлама асосда, ҳам улар иштирок этаётган халқаро ташкилотлар доирасида бу вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга кўмаклашувчи чораларни кўриш мақсадида зудлик билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказадилар”².

Бундан келиб чиқадики, қўшни давлатларнинг ҳудудига учинчи давлат томонидан ҳар қандай кўринишдаги тажовуз ҳолати юзага келган тақдирда томонлар зудлик билан бу масалани ҳал этиш мақсадида ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказди. Стратегик шерикликни англатувчи мазкур ҳужжат қўшни мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди.

Мазкур босқичнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – ўзбек-қозоқ муносабатларида чегара муаммоларини ҳал этиш масаласи кун тартибига чиқиши билан изоҳланади. Ўзбекистон-Қозоғистон чегарасини делимитация қилиш жараёни икки босқичда, яъни 1999 – 2001 йиллар ҳамда 2001 – 2002 йиллар давомида амалга оширилди.

1999 йилда ташкил этилган умумий чегаранинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш бўйича қўшма комиссия келишув шартномасини ишлаб чиқди ҳамда уни иккала томон ҳам маъқуллади. Шартномага қўшимча тарзда қўшма комиссия иккита тўлдирувчи ҳужжатни тақдим этди.

2001 йил 16 ноябрда давлат чегарасини делимитация қилиш тўғрисида битим имзоланди. Бу томонлар умумий чегара чизиғининг 96 фоизида келишувга эришганини аёнлатарди. Аммо бир нечта чегараолди аҳоли масканларининг (қўшма чегаранинг тахминан 4фоизи) ҳудудий мақомига оид яна бир ўта долзарб масала ҳал этилиши зарур эди. Уларнинг ҳуқуқий мақоми 2002 йил 9 сентябрда Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартнома имзоланиши билан белгиланди³.

Ўзаро келишувга мувофиқ, Бағиз қишлоғи ҳамда Арнасой сув омбори бўйлаб жойлашган бешта аҳоли пункти (этник қозоқлар тифиз яшайдиган ҳудуд) Қозоғистон территориясига ўтади. Туркистон қишлоғи Ўзбекистон юридикциясига ўтказилди. Жанубий Қозоғистон ва Қизил Ўрда вилоятининг айрим ҳудудлари (асосан ўзбеклар истиқомат қиладиган аҳоли манзилгоҳлари) Ўзбекистон ихтиёрига берилди.

2003 йил феврал ойида қўшма комиссия Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш режасини тасдиқлайди ва 2004 йил баҳорида томонлар давлат чегарасини белгилаш бўйича дала ишларига киришдилар⁴.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустақамлаб қўйилган халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ, давлатга тегишлилиги ўзгарган ҳудудларда истиқомат қилувчи инсонларга фуқароликни эркин танлаш ихтиёри берилган. Ушбу қоидани қўллаш орқали чегараларни делимитация ва демаркация қилиш жараёнида конфликтотен унсурлар келиб чиқмаслигига эришилди.

2000 йил 21 апрелда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат бошлиқларининг саммити ўзбек-қозоқ ўзаро алоқаларининг янада чуқурлашувига йўл очиб

¹ Узбеков У.У. Политические аспекты Казахстанско-Узбекистанских отношений: Автореф. дисс. кан. пол. наук. – Алматы, 2000. – С. 17.

² Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг 3-моддаси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/2553833>

³ Bobokulov I.I. Border legalization under international law as a regional security factor in Central Asia // Central Asia and the Caucasus, 12(2), 2011.

⁴ Ўша ерда.

берди. Минтакавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган мазкур саммитда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари Президентлари “Терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий ва уюшган жиноятчилик, хавфсизлик ва барқарорликнинг бошқа таҳдидлари билан курашиш бўйича қўшма ҳаракатлар тўғрисидаги битим”ни имзоладилар. Н.Назарбоев ушбу ҳужжатни давлатларнинг суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қиладиган “мудофаа иттифоқи” деб атади.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги масаласида ўтказилган Тошкент саммити Ўзбекистоннинг ташаббуси билан чақирилган эди. Кўпгина мутахассислар бунга сабаб сифатида 1999 йил Ўзбекистон ҳудудида содир этилган террористик актларни келтирадилар. Саммитдан кўзланган мақсад Марказий Осиё давлатларининг терроризм ва бошқа таҳдидларга қарши ягона позициясини белгилаб олишдан иборат эди. Саммит яқунлари кутилган натижаларни берди: минтақа раҳбарлари Марказий Осиё ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган таҳдидлар билан муросасиз курашиш бўйича минтақа давлатларининг яқдил қарашларини ўз ичига олган битимни имзоладилар. Дарҳақиқат, мазкур саммитда эришилган келишув ушбу даврдаги ўзбек дипломатиясининг ютуқларидан бири эди.

Қайд этиш жоизки, 2000 йилларнинг бошида ўзбек-қозоқ сиёсий алоқаларида бироз совуқлашиш ҳолати кузатилди. Бу, биринчи навбатда, Остонанинг Тошкент билан конструктив мулоқот олиб бориш бўйича аниқ позициясининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади¹.

Ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг ривожига тўсик бўлган омиллар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Икки давлат ташқи сиёсат курсларининг турлича йўналишда эканлиги геосиёсий миқёсда ўзбек-қозоқ муносабатларининг мураккаблашишига олиб келган етакчи омиллардан бири ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон куч марказларидан бир хил тенгликда масофаланиш сиёсатини юритган бўлса, аҳолисининг 38 фоиз²ни руслар ташкил этадиган Қозоғистон эса Россиянинг сиёсий босими остида у билан ҳисоблашишга мажбур эди.

Ўзбек-қозоқ ўзаро муносабатларида узоқ вақт давомида “Россия омили” сақланиб қолди. Экспертларнинг фикрича, Москва ўзининг Ўзбекистондаги позициясининг султалашуви ҳамда Марказий Осиё минтақасида АҚШ иштирокининг ортиб боришидан хавотирга тушиб, Қозоғистонни Россия манфаатларининг минтақадаги воситачиси сифатида сақлаб қолишга уринди. Шу сабабли, Москва сиёсий ва ҳарбий-сиёсий соҳаларда Остони Тошкентдан “ажратиб олишга” ҳаракат қилди. Шу билан бирга, икки давлат ўртасидаги муносабатларни мураккаблаштириш ва ишончсизлик кайфиятини яратишга уринди.

Бундан ташқари, икки давлат социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар ўтказиш суръати ва моделидаги фарқлар яққол намоён бўла бошлади. Бу ҳақда 2002 йил феврал ойида Алмати шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё ҳамкорлиги саммитида И.Каримов қуйидагича фикрни билдириб ўтган эди. “Ҳақиқатга тик боқиб айтиш керакки, биз давлатларнинг сиёсий ва ижтимоий қурилишининг мутлақо турли босқичларида жойлашганмиз. Бизнинг ўртамиздаги масофа жуда ҳам катта деб айта олмайман, лекин давлатчилик қурилишидаги турфа хиллик шу даражадаки, ҳатто бу муаммоларни ҳал этиш борасида ягона ечимга ҳам эга эмасмиз”³.

Қозоғистон Республикаси раҳбариятининг геосиёсий амбициялари. Қозоғистон “минтақанинг молиявий ва сиёсий маркази”ни Тошкентдан Остонага кўчириш ниятида “Ўзбекистондаги қийинчиликлар замирида Қозоғистонда олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақиятини намоиш” қилишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Евросиё медиа форуми, Осиё иқтисодий форуми ва шунга ўхшаш лойиҳаларнинг “ядрози” бўлишга интилди.

¹ Ташқи ишлар вазирлиги жорий архиви материаллари. Дело № 083. 56-бет.

² Соколов А. Как русские стали «малым народом» в Казахстане // <https://www.vedomosti.ru/society/articles/2022/01/17/904990-kak-russkie-stali-malim-narodom>

³ Ташқи ишлар вазирлиги жорий архиви материаллари. Дело № 083. 87-бет.

Айнан 2004 – 2005 йиллар Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатлари тарихидаги энг мураккаб давр ҳисобланади. Маълум вақт давомида икки мамлакат ўртасида ўзаро ишончсизлик кайфияти пайдо бўлди. Аммо вақт ўтиши билан вазият ижобий томонга ўзгара бошлади.

Учинчи босқич 2006 – 2016 йилларни камраб олган бўлиб, 2006 йил 19-20 март кунлари Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоевнинг Тошкентга ташрифи билан бошланади. Ташриф якуналари бўйича давлат раҳбарлари икки мамлакат Бош вазирлари, ташқи ишлар, мудофаа, молия ва иқтисодиёт вазирлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари иштирокида “Давлатлараро мувофиқлаштириш кенгаши” тузилганини эълон қилади¹. Бундан буён келгусидаги ҳамкорликнинг барча масалалари икки давлат президентлари ҳомийлиги остидаги Давлатлараро мувофиқлаштириш кенгаши доирасида кўриб чиқилиши белгилаб олинади. Мазкур кенгашнинг биринчи учрашуви 2006 йил ноябрь ойида бўлиб ўтади².

Икки томонлама муносабатларга янада туртки берган омиллардан бири 2008 йилнинг 22-23 апрел кунлари И.Каримовнинг Қозоғистон Республикасига амалга оширган расмий ташрифи ҳисобланади. Президент И.Каримовнинг Остонага ташрифининг асосий натижаларидан бири чегараолди эркин савдо зонасини яратиш тўғрисидаги келишув бўлди. Томонлар зарур ҳуқуқлараро ҳужжатларни тайёрлаш учун икки мамлакат Бош вазирлари ўринбосарлари раҳбарлигида махсус ишчи гуруҳ тузиш борасида келишиб олдилар.

И.Каримовнинг мазкур ташрифи давомида Н.Назарбоев Марказий Осиё давлатлари Иттифоқини тузишни таклиф этади. Аммо Қозоғистон раҳбари томонидан илгари сурилган мазкур ташаббус Ўзбекистон Президенти томонидан қатъиян рад этилди. И.Каримов ўз баёнотида интеграция ташаббуси Ўзбекистон учун мақбул эмаслиги, бунга давлатлар ўртасидаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаларидаги тафовут, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида интеграцион тузилмаларни яратиш борасидаги давлатлар орасидаги салбий тарихий тажрибани асосий сабаб этиб кўрсатди³.

Ўзбек-қозоқ сиёсий муносабатларининг учинчи босқичида иккала давлат раҳбарларининг юқори даражадаги ўзаро ташрифлари изчиллик касб этди. Навбатдаги ташриф 2013 йил 13-14 июн кунлари Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев томонидан Тошкент шаҳрига амалга оширилди. Музокаралар якунида И.Каримов ва Н.Назарбоев Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шерикчилик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, ички ишлар вазирликлари ва божхона хизматлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2013-2015 йилларда маданият соҳасида ҳамкорлик дастури қабул қилинди⁴.

Томонлар Марказий Осиёда сувдан фойдаланишнинг адолатли тизимини шакллантириш, барча сув-энергетика муаммоларини фақат халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига қатъий риоя этиш асносида барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш позициясини бир овоздан маъқуладилар. Дарёларнинг юқори оқимида қурилиши режалаштирилган ҳар қандай гидротехник иншоотлар БМТ шафелигида халқаро мустақил экспертизадан ўтиши ҳамда Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган давлатлар билан келишилган бўлиши керак деган ҳамоҳанг фикрни илгари сурадилар.

Ташриф якунида давлат раҳбарлари долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ўз фикрларини баён қилдилар. Жумладан, Ўзбекистон Президенти И.Каримов оммавий ахборот воситаларида тез-тез кўзга ташланадиган Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги “ўзаро рақобат” ҳақида тўхталиб шундай дейди: “Агар биз Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ерда рақобат йўқ ва яқин келажакда ҳам

¹ Қазақстан и Узбекистан сближают позиции // <https://iwpr.net/ru/global-voices/kazakhstan-i-uzbekistan-sblizhayut-pozicii>

² Узбекско-казахстанские отношения. Политическая сфера // <http://www.uzembassy.kz/ru/page/politicheskaya-sfera>

³ Шпаков В. Союз возможен между равными. Почему Н.Назарбаев и И.Каримов не договорились о Центразийской интеграции // <https://centrasia.org/newsA.php?st=1209025740>

⁴ Президент Казахстана завершил визит в Узбекистан // <https://www.uzdaily.uz/ru/post/16026>

бўлмайди, чунки бизда мутлақо бошқача шароитлар ва фойдали қазилмалар мавжуд. Табиий ва бошқа бойликлар бутунлай бошқача. Агар бизда пахта етакчи ўринни эгалласа, Қозоғистонда ғалла этиштириш юқори ўринда туради”¹.

Таъкидлаш керакки, ўзбек-қозоқ сиёсий алоқаларининг учинчи босқичи анча сермахсул бўлиб, давлат раҳбарларининг доимий ташрифлари асосида ривожланиб борди. Қўшни мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик олдинги диварга нисбатан юқорироқ босқичга кўтарилиб, Марказий Осиё заминида умргузоронлик қилаётган ўзбек ва қозоқ халқларининг жипслашувига катта туртки берди. Бу яқинликдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Туркистон умумий уйимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 39.
2. Узбеков У.У. Политические аспекты Казахстанско-Узбекистанских отношений: Автореф. дисс. кан. пол. наук. – Алматы, 2000. – С. 17.
3. Bobokulov I.I. Border legalization under international law as a regional security factor in Central Asia // Central Asia and the Caucasus, 12(2), 2011.

BUXORO AMIRLIGI SAVDO MUNOSABATLARIDA MILLIY GURUHLARNING ROLI

Hakimov J.N. (TKTI Shahrisabz filiali)

Anotatsiya. Ushbu maqolada Buxoro amirligida yashab kelayotgan turli millat vakillarining savdo munosabatlarida qanday o‘ringa ega ekanligi va savdo-sotiqni qay tarzda olib borganligi, yoritilgan.

Tayanch so‘zlar: *Buxoro, sudxo‘r, yahudiy, muslin, Demezoni, indigo.*

Annotation. This article describes the role of different nationalities living in the Emirate of Bukhara in trade relations and how they conduct trade.

Keywords: *Bukhara, usurer, Jewish, Muslin, Demezoni, indigo.*

Аннотация. В данной статье описывается роль различных национальностей, проживающих в Бухарском эмирате, в торговых отношениях и способах ведения торговли.

Ключевые слова: *Бухара, ростовщик, еврей, мусульманин, Демезон, индиго.*

Kirish

Mustaqillik o‘zbek xalqi tarixida yangi davrni ochib berdi. Istiqlol yillarida barcha millat va elat vakillarining tili, urf-odatlari, an‘analariga hurmat bilan munosabatda bo‘lishni, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratishni kafolatlad. Buni biz konstitutsiyada misolida ham ko‘rishimiz mumkin. Xususan, konstitutsiyaning 18-moddasida O‘zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo‘lib, jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e‘tiqodi, shaxsi va ijtimoiy mavqeidan qat‘i nazar, qonun oldida tengdirlar deyilgan.² Shu o‘rinda, aholisi turli milliy guruhlardan iborat bo‘lgan Buxoro amirligi O‘rta Osiyoning Sharq va G‘arb bilan savdo munosabatlarida muhim o‘rin tutgan. Bunda ayniqsa, milliy tarkibi turlicha bo‘lgan savdogarlar tabaqasi savdo-sotiq ishlariga katta hissa qo‘shgan. Savdogarlar tabaqasi etnik, kasbiy mashg‘uloti, mavqeyi va boshqa jihatlari bilan bir-birlaridan o‘zaro farqlangan. Shular qatorida boshqa mazhab yoki din vakillari bo‘lmish forslar, yahudiylar, hindlar, tatarlar va boshqalar o‘ziga xos o‘rin egallaydi. Ular amirlikning ishlab chiqarish sohalari, tovar-pul, savdo munosabatlarida faol bo‘lishib, birlari hunarmand, savdogar, boshqalari esa sarrof, sudxo‘r sifatida faoliyat olib borgan.

Asosiy qism:

Manbalarda qayd etilishicha, amirlik savdogarlari orasida, buxorolik, samarqandlik savdogarlar qo‘shni va chegaradosh davlatlardagi savdo munosabatlarida yetakchilik qilgan. Buxoro amirligi qo‘shni davlatlar bilan birgalikda, Rossiya, Eron, Hindiston, Afg‘oniston, Sarqiy Turkiston va boshqa davlatlar bilan savdo aloqalarini rivojlantirib borgan.

¹ Ўзбекистон ва Қозоғистон имзоласан Договор о стратегическом партнерстве // <http://www.uzdaily.uz/ru/post/16018>

² O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi II bo‘lim V bob. – B. 3.

XVIII asrning 50-yillarida Buxoroda yashagan yunon savdogari Nikolay Grigoryev bergan ma'lumotlariga ko'ra, buxorolik savdogarlar har yili Afg'oniston orqali Hindistonga borib, u yerdan hind tovarlarini keltirishgan. Buxoro bilan Hindiston o'rtasidagi savdo aloqalari to'xtovsiz davom etib turgan¹.

XVIII asrga kelib Buxoroda hindlar soni sezilarli darajada o'sganini ko'rishimiz mumkin: 300 ga yaqin kishi savdogarlar bo'lib, ularning ba'zilari esa amirlikda mustahkam joylashib olgan, ba'zilari Kobuldan karvonlarni olib ketishgan. Ularning peshonasida va ko'zlari o'rtasida to'q sariq yoki qizil dog'lar bor. Ushbu hindlarning ko'plari Mo'ltan va Qobuldan, ba'zilari Shikarpurdan kelib, ular asosan indigo (bo'yoq) bilan shug'ullangan. Ular indigoni olib kelishgan.²

Amirlikda yashagan hindlar asosan sarroflik, sudxo'rlik bilan mashg'ul bo'lishgan. Har bir shahar yoki qishloq bozorida ularni xaltasi bilan birga ko'rish mumkin edi. Bu davrda birgina Buxoro karvonsaroylarining o'zida doimiy sudxo'rlik bilan shug'ullangan 300 dan ziyod hindlar yashagan. Shu bilan birga, umumiy amirlik shaharlarida esa 4 ming hind istiqomat qilgan³.

Meyendorf o'z esdaliklarida savdogarlar orasida Buxoroga turli masalalar bo'yicha kelgan barcha mamlakatlar vakillari bor: bu yerda siz Rossiyadan kelgan savdogarlarni ba'zi Qo'qon va Toshkent fuqarolari, forslarni ham uchrashishingiz mumkin, ammo xitoyliklar, tibetliklar ko'rinmaydi. Ba'zan bu yerda chiroyi bilan ajralib turadigan Kashmirliklarni ko'rishingiz mumkin deydi.⁴

Shuni ham ta'kidlash lozimki, Meyendorf Mamlakatning sharqiy tog'li hududlaridan bir necha afg'onlarni Buxoro karvonsaroyida ko'rganini aytgan. Budan ko'rinib turibdiki afg'onlar amirlik bilan ancha faol savdo qilishgan.

Qobul savdogarlari indigoni Buxoroga olib kelishgan. Bundan tashqari Kashmir, Qobul va Hirotda tayyorlangan sharflarni ham olib kelishgan. Qobul va Hirot sharflari o'rtacha darajadagi sifatga ega. Ular rus musliniga (yupqa mato), qog'ozga, temirga, misga, mayda shisha buyumlarga va oltin to'qilgan matolarga almashtirilgan.⁵ Ular Kashmirdan oltin bilan tikilgan sharflar va chiroyli choyshablarni olishadi.

Afg'oniston bilan savdo-sotiq munosabatlari Buxoro amirligi uchun muhim ahamiyat kasb etgan. Yana rus elchisi E.Meyendorf ma'lumotlariga qaraydigan bo'lsak, indigo (bo'yoq) savdosi Rossiya uchun, aynan Buxoro orqali amalga oshirilgan bo'lib, bunda buxoroliklar asosiy savdo aloqalarini olib borishgan. Bu davrda Buxorodan Qobulga oltin tanglar, ipak mahsulotlari, choy va xitoy chinnilar keltirilgan bo'lsa, rus mahsulotlaridan qalay, mis, temir, ipak matolar (P.I.Demezov ma'lumotlariga qaraganda, «Buxoro atrofi va Karmanada yetishtirilgan ipak eng yaxshi hisoblangan»), sandiq, chinni, igna, patnis, ishlangan teri va boshqalar keltirilgan.⁶ Buxoro Kashmir o'rtasidagi savdo-sotiqda Qobul savdogarlari vositachilik qilgan. Buxoroning savdo munosabatlarida afg'onlar o'ziga xos o'rin tutgan. Jumladan Qobul savdogarlari Buxoroga indigo, Kashmir, Qobul, Hirotda tayyorlangan matolarni olib kelishgan.⁷ Har yili Buxoro, Qo'qon, Toshkentdan Qobul orqali 10-15 ming tuylar o'tib, 160-200 ming pud turli xil mahsulotlar olib o'tilgan⁸.

Shu o'rinda yana yunon savdogari Nikolay Grigoryev bergan ma'lumotlar qiziq, uning fikricha buxorolik savdogarlar har yili Afg'oniston orqali Hindistonga borib, u yerdan hind tovarlarini keltirishgan. Buxoro bilan Hindiston o'rtasidagi savdo aloqalari to'xtovsiz davom etib turgan⁹.

¹ So'nggi o'rta asrlarda O'rta Osiyo xonliklarining tashqi iqtisodiy aloqlari. –Toshkent, 2006. – B. 29.

² Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1975. – С. 115.

³ Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII-первой половине XIX века ремесло, торговля и пошлины. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 73-74.

⁴ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1975. – С. 115.

⁵ Мейендорф Е.К. Указанная литература. – С. 116.

⁶ Демезон П. Указанная литература. – С. 7.

⁷ Мейендорф Е.К. Указанная литература. – С. 129-130.

⁸ Шамансурова А.Ш. К вопросу среднеазиатско – афганских отношений... - С. 12.

⁹ Сунги ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликларининг ташқи иқтисодий алоқалари. –Ташкент, 2006. – Б. 29.

Buxoro bilan aloqada bo'lgan xalqlar orasida hindlar va afg'onlar eng muhim savdo-sotiqni amalga oshirganlar. Aksariyat hindular Qobul, Shikarpur, Mo'ltan va umuman Shimoliy Hindistondan. Ular Kashmir sharflari, oltin bilan to'qilgan ipak matolar, yupqa qog'oz kanoplar, oq yoki bosilgan (birinchisi salla uchun, ikkinchisi astar uchun ishlatiladi), ba'zi mayda marvaridlar va qimmatbaho toshlar va nihoyat, ular "yail" deb ataydigan ko'plab indigo olib kelishadi. Chunki "Moviy rang" Buxoroning milliy rangidir deya ta'kidlaydi Meyndorf.¹

Men Buxoroda bitta karvonsaroyda omborni ijaraga olib, boshqasida yashaydigan tatar savdogarini bilardim deydi-Meyndorf.² Bundan ko'rinib turibdiki, tatarlar bilan ham amirlik savdo bilan shug'ullangan. Karvonsaroyini ijaraga olganda qaraganda ular buxorolik savdogarlar bilan yaxshi aloqada bo'lishgan deyishimiz mumkin.

Turkmanlar Buxoroga chiziqli ot choyshablari, jun gilamlar, tuya jun matolari, plashlarni almashtiradigan echki junlari va Cherkella – (sifatli mato) va boshqa tovarlarni olib kelgan.

Natijalar va muhokamalar:

Buxoroning ko'plab karvonsaroylari bitta rejaga muvofiq qurilgan. Bu katta kvadrat ikki qavatli binolar, va ular tashqi devorlari bilan o'rab olingan. deyarli barcha shahar binolari derazalariga ega emas. Birinchi qavatni zinapoyali, chuqur hovlilar egallagan, eshiklari hovliga qaragan; tashrif buyurgan savdogarlar, hunarmandlar, hindular, Buxoro yoki tatarlar ikkinchi qavatda istiqomat qilishadi. Oshxonadagi yorug'lik, shuningdek ikkinchi qavatdagi xonalar eshiklar orqali kirilgan.³ Buxoro amirligida savdo ishlari rivojlanganligini va sharq milliy guruhlari muhim rol o'ynaganligini karvonsaroylarni band qilganliklaridan ham bilishimiz mumkin. Jumladan, 1. Saray Mirzacho'l. Afg'onlar, hindular va Marv savdogarlari band qilgan. 2. Saroy Qarshi. Qarshi savdogarlari istiqomat qiladi. Ular bu yerga Buxoroda eng yaxshi ishlab chiqarilgani bilan mashhur tamakini olib kelishgan. Xuddi shu karvon saroyida siz hindularni topishingiz mumkin deb ta'kidlagan Meyndorf. 3. Yangi Barra. Toshkent, Qo'qon va Qashqardan keladigan barcha mahsulotlar bu karvonsaroyga keltirilgan. 4. Saray Badriddin. Bu yerda Kobul, Peshovar va Kashmirdan keltirilgan mahsulotlar olib kelingan. 8. Saray No'g'ay. Asosan Rossiya mollari bilan band. Yuqori qavatda tatarlar, ishchilar va savdogarlar yashagan; ularning Buxoroda soni yil sayin ortib borgan. Bu ularning savdo hajmi ham ortganidan dalolat beradi. 9. Saroy Xo'ja Juybar. Hindlar istiqomat qilgan. 10. Saroyi hindu. Hindlar ham yashagan va 11. Kushbegi saroylarida hind va fors savdogarlari bo'lgan.

Shuni alohida aytish kerakki, Buxoroda forsiy savdogarlar juda kam bo'lgan, chunki ularning yo'llari xavfli bo'lib: yo'lda ular turkmanlar tomonidan ushlanib, Xivada sotilishi xavfi yuqori bo'lgan. Buxoro bilan savdo-sotiq qiladigan forsiylar o'zlarining ishonchli do'stlarini Buxoroda, Andxoy yoki Marvdan topishni afzal ko'rishgan. Besh-oltita badavlat fors savdogarlari Buxoroga kelib, Qo'shbegi karvonsaroyida istiqomat qilishgan, qimmatbaho sovg'alar bilan o'zlarini himoya qilishgan. Buxoro karvonsaroylarida turli etnik guruhlar orasida afg'onlarning Log'ani qabilasini, tatar va ruslarni va afg'on va tatarlarni ham ko'rishimiz mumkin. Masalan, 12. Saroyi Abdullajon. Log'ani qabilasidan bo'lgan afg'on savdogarlari istiqomat qilishgan. 13. Saroyi Kuluta. Bu yerda tatar ishchilari yashaydi va rus tovarlari ham saqlangan. 14. Sariyi Ayoq. Yaqinda qurilgan. Ish bilan band bo'lgan afg'onlar va tatarlar joylashgan. Ba'zi karvonsaroylarda faqat bir turdagi tovarlar sotilgan. Buni Eski Barra saroyi misolida ko'ramiz. 15. Eski Barra saroyida faqat indigo sotilgan⁴.

Yuqorida keltirilgan Karvonsaroylarda turli etnik guruhlarni ham birga istiqomat qilganlari shunda dalolat beradiki, ularning o'zaro hamjihatlikda savdo qilganlari, bir biriga nisbatan do'stona munosabatda ekanligi shu bilan bir qatorda Buxoro amirligida ularga qulay sharoit yaratilganligi alohida e'tiborga loyiq.

¹ Мейендорф Е.К. Указанная литература. – С. 115.

² Мейендорф Е.К. Указанная литература. – С. 115.

³ Мейендорф Е.К. Указанная литература. – С. 34.

⁴ Мейендорф Е.К. Указанная литература. – С. 35.

Xulosa:

Qisqacha xulosa qilib aytganda, O'zbekistonning ko'p ming yillik tarixida Buxoro amirligi alohida ahamiyatga ega bo'lgan davlat sanalgan. Amirlik tarixiga nazar tashlansa, unda amirlikning tashkil topishidan boshlab, so'nggi kunlarigacha murakkab siyosiy jarayonlar, keskin ijtimoiy va iqtisodiy vaziyatlar hukm surganligini ko'rish mumkin. Shunga qaramay, amirlik O'rta Osiyodagi boshqa xonliklarga nisbatan o'ziga xos nufuzga va strategik mavqeyga ega davlat hisoblangan. Shunday ekan Buxoro amirligining aholisi ko'p sonli va turli etnik guruhlardan iborat. Ular aholi orasida muayyan sonni tashkil etgan bo'sa-da, ular amirlikning ijtimoiy-iqtisodiy hayotida o'ziga xos rol o'ynab, savdo-sotiq, hunarmandchilik, sarroflik va hokozlar singari mashg'ulotlar turlari bilan shug'ullangan. Buxoro savdogarlari orasida boshqa xalqlarga qaraganda hindlar va afg'onlar ancha faol bo'lgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси II бўлим V боб. – Тошкент.1992.
2. Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1975.
3. So'nggi o'rta asrlarda O'rta Osiyo xonliklarining tashqi iqtisodiy aloqalari. –Toshkent, 2006.
4. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII-первой половине XIX века ремесло, торговля и пошлины. – Ташкент: Фан, 1991.
5. Демезон П. Записки о Бухарском ханстве, 1983.

**ҚИШЛОҚНИ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ СОҲАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Темирова Ч.Х.(Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти)

Аннотация. Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқлари ривожланишининг ижтимоий-маданий ҳолати ва бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили баён этилади.

Таянч сўзлар: *мустақиллик, қишлоқ, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий асос, инсон манфаати, аҳоли, обод.*

Аннотация: В данной статье описывается социокультурная ситуация развития аулов Узбекистана в годы независимости и проводится анализ принятых в этой связи нормативно-правовых документов.

Ключевые слова: *независимость, село, социальная, культурная, правовая основа, интересы человека, население, благополучие.*

Annotation: This article describes the socio-cultural situation in the development of the auls of Uzbekistan during the years of independence and analyzes the legal documents adopted in this regard.

Key words: *independence, village, social, cultural, legal basis, human interests, population, well-being.*

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб қишлоқ жойларида истикомат қилувчи аҳоли қатламларининг яшаш шароити ва фаровонлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланиб, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ижтимоий-маданий муассасалар тармоқларини қишлоқ жойларида ривожлантириш, мазкур муассасалар томонидан кўрсатиладиган хизмат кўрсатиш соҳалари доирасини кенгайтириш каби масалалар бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилди. Зеро, қишлоқни ижтимоий-маданий ривожлантириш, нафақат, маънавий, балки сиёсий-иқтисодий аҳамиятга ҳам эга ҳисобланади. Албатта, қишлоқ ҳудудларида ижтимоий-маданий соҳаларнинг мамлакатда яратилган ҳуқуқий база асосида тартибга солинишини тўлиқ равишда таъминлаш объектив заруриятдир.

Қишлоқни ривожлантиришни ҳуқуқий тартибга солиш асослари такомиллашиб борди ва бу борадаги қонун ҳужжатлари амалиётга самарали татбиқ этилди. Маълумки, Ўзбекистонда қишлоқларни ижтимоий-маданий ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимият органлари, яъни ҳокимларнинг ўрни долзарб аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида ижтимоий-маданий аҳамиятга эга бўлган вазифалар ўз аксини топган. Бу ўринда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш;

ўз ҳудудларида жойлашган маданий мерос объектларини аниқлаш ҳамда уларни ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, асраш ва улардан фойдаланиш; жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминлаш каби вазифалар ҳақида сўз юритиш зарурдир.

Хусусан, 1992 йил 28 февралда 356-сонли “Республиканинг янги олий ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди. Унга кўра олий таълим тизимида юқори малакали мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлашни яхшилаш, шунингдек, республиканинг барча минтақаларини улар билан яна ҳам тўлиқроқ ва бир текисда таъминлашга қаратилди. [1] 1992 йилнинг 15 мартдан Қорақалпоғистон Республикасида Нукус давлат институти қишлоқ хўжалик соҳаси факультетларининг негизида Тошкент давлат деҳқончилик институтининг Нукус филиали, Андижон давлат педагогика институти негизида Андижон давлат институти, Бухоро вилоятида Ф.Хўжаев номли Бухоро давлат педагогика институти негизида Бухоро давлат университети, Қашқадарё вилоятида Ҳ.Олимжон номли Қарши давлат педагогика институти негизида Қарши давлат университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши бўлимининг негизида Қарши деҳқончилик-иқтисодиёт институти, Навоий вилоятида Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг бўлими негизида Навоий давлат педагогика институти, Сирдарё вилоятида Ғ.Ғулом номли Сирдарё давлат педагогика институти негизида Гулистон давлат институти, Фарғона вилоятида политехника институти умумтехника факультетининг негизида мазкур институтнинг Кўкон бўлими, худди шундай Наманган, Сурхондарё, Хоразм, Самарқанд вилоятларини олий ўқув юртлари билан тўлароқ таъминлашга эришилди. Бу эса, барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқларда зиёлилар қатламининг шаклланишида хизмат қилди.

1993 йил 2 сентябрдаги 913-сонли – XII сонли Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Қонуни қабул қилинди [2]. Унга кўра, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Шунинг билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан қишлоқларни ривожлантириш мақсадида Дастурлар доирасида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ва ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этиши кўрсатиб берилди.

Республика халқ таълими тизимида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги 271-сонли “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бўйича жисмоний тарбия ва спорт ишларини ҳаётга тадбиқ қилишда халқ таълими вазирлиги тизимидаги 9627 та умумий ўрта таълим мактаблари жамоалари фаол иштирок этди [3]. Уларнинг жами 5592400 ўқувчи-ёшлар таълим олди. Мактабларда жисмоний тарбия билан мунтазам равишда 5506556 ўқувчи, 989507 нафари спорт секцияларида, 6239 нафар ёшлар соғломлаштириш гуруҳларда шуғулланди. Уларни жисмоний тарбия ва соғлом қилиб тарбиялашда 20920 ўқитувчи фаол хизмат қилди.

Шунингдек, 1999 йил 14 апрелда янги таҳрирга қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилиш каби қишлоқни ижтимоий-маданий ривожлантиришга хизмат қилувчи чора-тадбирлар мажмуини амалга оширади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланган жисмоний тарбия ва спорт билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажармоқда. Хусусан, мазкур Қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиш, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмаларини

тузиш, жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган бўлса, ваколатли давлат органлари томонидан ушбу ҳуқуқни рўёбга чиқариш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириши зарурлиги Қонуннинг 5-моддасида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган[4]. Унга кўра, ваколатли давлат органи, биринчидан, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш; иккинчидан, аҳоли турли тоифаларининг жисмоний камолот даражасини аниқлаш учун спорт нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; учинчидан, жисмоний тарбия ва спорт муаммолари бўйича илмий, услубий ва оммабоп адабиётлар яратилиши ва нашр этилишини ташкил қилиш; тўртинчидан, ўз ваколатлари доирасида жисмоний тарбия ва спортга оид норматив ҳужжатларни, шу жумладан, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдаланиш нормалари ҳамда қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; бешинчидан, жисмоний тарбия ва спортнинг илмий-ахборот таъминоти тизимини ташкил этиш каби ваколатларни амалга ошириши лозим.

Бундан ташқари, жисмоний тарбия ва спортни бошқариш давлат органлари, соғлиқни сақлаш органлари, таълим муассасалари ва жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмалари жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишини уюштирадилар. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар эса фуқароларнинг жисмоний тарбиясига давлатнинг муҳим ижтимоий сиёсати сифатида қарашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни амалга оширадилар.

Шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-мурувватни синдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ПФ 3154-сонли[5] Фармони қишлоқни ижтимоий-маданий ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида болалар спортини аниқ мақсад йўлида барқарор авж олдиришга кўмаклашишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди десак, муболаға бўлмайди. Чунончи, мазкур Фармон билан тузилган Жамғарманинг асосий вазифаларидан бири сифатида қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортнинг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлашнинг белгиланганлиги қишлоқ жойларида ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини таъминлашда катта рол ўйнайди.

2006 йил давомида халқаро ва республика миқёсидаги спорт тадбирларига ва спортчиларнинг моддий таъминоти компенсациясига 6234.3 млн.сўм миқдоридан маблағ сарфланди [6]. Жорий йилда 14-15 июнь кунлари Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Бойкозон» маданият ва спорт мажмуида «Вояга етмаган ёшлар билан ишлашда маданий-маърифий муассасалар ходимларининг асосий вазифалари» ҳамда “Жойларда ташкил этилган маданият ва спорт мажмуалари иш тажрибаларини ўрганиш ва тарғиб этиш” мавзуларида минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари маданият ва спорт ишлари бошқарма бошлиқларининг ўринбосарлари, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказлари раҳбарлари ҳамда туманлар маданият ва спорт ишлари бўлимлари мудирлари иштирок этдилар. Тадбир давомида иштирокчилар Паркент туманидаги маданият ва спорт муассасалари фаолияти билан яқиндан танишиб, намуна тариқасида ташкил этилган “Мен, оилам ва спорт” мавзудаги спорт мусобақаси, “Ёшлар тарбиясида маҳалла, мактаб ва маданият муассасаларининг тутган ўрни» мавзуларидаги давра суҳбатларида катнашдилар [7].

Таъкидлаш жоизки, қишлоқни ижтимоий-маданий ривожлантириш айна пайтда қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшларнинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам боғлиқ. Республика Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ 191 сонли Қарори билан “Зиёнет” тармоғи ресурс мазказининг ташкил этилиши қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи ёшларнинг турли ахборотлардан фойдаланишини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381-сон қарори қабул қилинди [8]. Унга кўра вазирлик тизимидаги кутубхоналар Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфига ўтказилди. Вазирлик тасарруфида қолдирилган 14 та кўзи ожизлар кутубхоналари ва уларнинг жойлардаги 60 та филиаллари фаолиятини яхшилаш, моддий техник негизини мустаҳкамлаш ва уларни ногирон китобхонлар учун қулай манзилларга жойлаштириш масаласида вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда ташкилий ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги [9]., “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги [10]., “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қаби Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ПФ 3154-сонли [11]. 2004 йил 29 августдаги “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 3481-сонли Фармонлари, 2005 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ 191-сонли, 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 325-сонли, 2006 йил 30 июндаги “Республика аҳолисини ахборот кутубхона фаолияти билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ 381-сонли, 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 640-сонли, 2008 йил 2 июндаги “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалар спортини ривожлантиришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 883-сонли, 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ 910-сонли, 2009 йил 30 мартдаги “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январь ПҚ- 1046-сонли “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 июлдаги 144-сонли “2010-2011 ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун мактаб бозорлари ва ярмаркалари ўтказилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари шаҳар ва туман ҳокимликлари, вилоятларнинг халқ таълими, тегишли корхона ва ташкилотлари билан биргаликда барча аҳоли пунктларида асосан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган мактаб товарларининг кенг турларини (мактаб-ёзув анжомлари, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, ўқувчилар формаси ва ҳоказоларни) сотиш бўйича махсус мактаб бозорлари ва ярмаркаларини ўтказиш тадбирлари олиб борилди. Масалан, Қашқадарё вилояти халқ таълими, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, “Қашқадарёозик-овқат”, “Шаҳрисабзинвесмент” МЧЖ, “Саховат” МЧЖ шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда мактаб бозорлари ва ярмаркаларини ташкил этди [12]. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 1-2-синф чет тили дарсликларининг мантиқий давоми сифатида янги ўқув йилига 3-синф ўқувчилари учун муаллифлар гуруҳи томонидан чет

тилларида давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи китоби, мультимедиа иловалари ишлаб чиқилиб, нашриётлар ва босмаҳоналарда чоп этилди [13]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майда “2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлашни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 143-сонли қарори қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124-сонли қарорининг қабул қилиниши эса умумтаълим тизимида муайян ўзгаришлар бўлишига сабабчи бўлди.

2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши ва улкан вазифаларни амалга ошириш белгиланган Давлат дастурининг ишлаб чиқилганлиги, ўз-ўзидан мамлакатимизда қишлоқ жойларида ижтимоий-маданий инфратузилма объектларни янада ривожлантиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 28 январь ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 20 февраль ПҚ- 4201-сон “Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2021 йил 2 апрель ПҚ- 5048-сон “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ана шундай асослар жумласидандир [14]. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мамлакатимизда ижтимоий-маданий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланганлигини ва энг асосийси, ушбу тадбирларни амалга ошириш қишлоқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек тизимнинг муҳим норматив-ҳуқуқий асоси сифатида яна Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Обод маҳалла” дастури тўғрисида”ги ПФ-5467-сонли Фармонига мувофиқ “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат Дастури қабул қилинди. Уни амалга оширишда тадбиркорларга тегишли бўш турган ер майдонларини ёки фойдаланилмасдан турган бино ва иншоотларни тадбиркор ва хунармандларга “ноль” қийматда бериш ҳамда уни амалга оширишда ташаббускор тадбиркорлар маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалари “Обод маҳалла” жамғармасининг молиялаштириш манбалари қилиб белгиланганлиги ушбу тизим қонунчилигидаги муҳим воқеадир.

Айниқса, шу пайтга қадар қишлоқларда аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш, давлат дастурларини амалиётга тадбиқ этиш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, аҳоли, айниқса тадбиркорларнинг ташаббусларини янада қўллаб қувватлаш, уларнинг мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш борасида ҳам қатор муаммолар мавжуд эди. Ҳанузгача уларни ҳал этишнинг ҳуқуқий механизми мавжуд эмас эди.

Шу боисдан, 2019 йилнинг 13 августида қишлоқда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг муаммоларини қонуний ҳал қилиш, соҳада самарали тизим яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги қонуни Ўзбекистонда олиб борилган ислохотлар натижасида “Янги Ўзбекистон”ни барпо этишнинг зарур ижтимоий-маданий асослари яратилиб, “Инсон қадрлари учун” тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони эълон қилинди [15]. Мазкур фармонга мувофиқ Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий-маданий ривожланиш босқичлари сифатида куйидагилар белгиланди:

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳудудларнинг “ўқиш нуқталари”дан келиб чиқиб, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга алоҳида эътибор қаратиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган “Темир дафтар” “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан интеграция қилиш ҳамда ҳар йили қишлоқнинг муаммо ва

имкониятларини чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурларини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.–Ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш орқалигина юртимизнинг энг чекка қишлоқларгача соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш мумкин.

Демак, мамлакатимизнинг жамият ҳаётида амалга оширилаётган жадал ўзгаришлар натижасида қишлоқларда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари қизғин давом этди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент. Ўзбекистон НМИУ, 2015, – 179 б.
2. Мустақиллик йиллари қишлоқ хўжалигида янги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар жорий этилди. // Фермер журналы, 2016 йил сентябрь. – №9, – Б. 10.
3. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Т., Шарқ: 2000, – Б. 354-356.
4. Рахимов М.А, Рахматуллаев Ш, Турсунова Р, Назаров Р. Очерки новейшей истории Республики Узбекистан. –Т.: Адабиёт учқунлари, 2016 . – 109 с.
5. Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони! Услубий қўлланма. – Т.: Маънавият 2016, – Б. 127.
6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 9-том, 2005 йил, – Б. 222.
7. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг илмий-амалий асослари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 26.
8. Қишлоқ ва мулкчилик муносабатлари // Мулоқот журналы. 2001 йил сентябр-октябр, 5-сон. – Б. 27.
9. Мустақил деҳқон: янгича тафаккур ёлқинлари // Ҳаёт ва қонун. – № 3. 2005. – Б. 44.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

ИСҲОҚХОН ИБРАТНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Ҳакимов Н.Х. (Тошкент давлат иқтисодий университетини),
Амридинова Д. Т. (Тошкент амалий фанлар университетини)

Аннотация. Ушбу мақолада файласуф, тарихнафис, маърифатпарвар жадид Исҳоқхон Ибротнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари таҳлил қилинган. Исҳоқхон Ибротнинг миллий уйғониш ва иқтисодий юксалиш концепцияси, жамиятни иқтисодий юксалтириш учун ёшларга замонавий касбларни ўргатиш, хунармандчилик мактабларини ташкил этиш каби иқтисодий ғояларнинг мазмуни, моҳияти ва концептуал аҳамияти тадқиқи асосий ўрин эгаллайди. Муаллифлар мутафаккир И.Иброт томонидан илғари сурилган, ёшларни ривожланган хорижий давлатларда дунёвий илм олиши, етакчи университетларда ўқиши ва касбий малакасини ошириш борасидаги фикрларининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганганлар.

Таянч сўзлар: Наманган, жадид-маърифатпарварлар, ижтимоий-фалсафий қарашлар, ёшлар, илм-фан, хунарманд мактаблар.

Аннотация. В данной статье анализируются социально-философские взгляды историка, философа, просветителя Джадид Исхака Хана Ибрата. Основное место занимает исследование содержания, сущности и концептуального значения экономических идей Исхака Хана Ибрата, таких как концепция национального возрождения и экономического роста, обучения молодежи современным профессиям для экономического оздоровления общества, становления ремесленного училища. Авторы изучили теоретические и практические аспекты идей, выдвинутых мыслителем И.Ибротом о приобретении молодежью светских знаний в развитых зарубежных странах, обучении в ведущих вузах и повышении профессионального мастерства.

Ключевые слова: Наманган, интеллигенция, социально-философские взгляды, молодежь, наука, ремесленные школы.

Annotation. This article analyzes the socio-philosophical views of the historian, philosopher, educator Jadid Ishaqkhan Ibrat. The main place is occupied by the study of the content, essence and conceptual significance of the economic ideas of Ishaqkhan Ibrat, such as the concept of national revival and economic growth, teaching young people to modern professions for the economic recovery of society, and the formation of a craft school. The authors studied the theoretical and practical aspects of the ideas put forward by the scholar I. Ibrat on the acquisition of secular knowledge by young people in developed foreign countries, training in leading universities and improving professional skills.

Key words: Namangan, intelligentsia, socio-philosophical views, youth, science, craft schools.

КИРИШ

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни жадидларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислохотлар изчил давом этмоқда. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жадид мутафаккирларининг илмий меросини ўрганиш, таржима қилиш, ёшларга китобхонлик маданиятини шакллантириш, креатив фикрлашни юксалтириш, уларни ватанпарварлик ҳамда умуминсоний қадриятларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай жараёнлар эса фалсафа фани маънавий ва фалсафий дискурс методологиясининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

“Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлида бормоқдамиз”[1]. Бу борада жадидларнинг нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида эътироф этилган Ватанга муҳаббат ва садоқат, бағрикенглик, оилани муқаддас қадрият сифатида эъзозлаш ва мустаҳкамлаш, маънавий огоҳлик, бағрикенглик ва ислом қадриятларига ҳурмат, комил инсонни тарбиялаш каби ғояларининг мазмуни илмий асосда очиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада маърифатпарвар Исҳоқхон Иброт илмий меросини ўрганиш асоида она юртимиз қадриятларига садоқат руҳида тарбиялаш масаллари таҳлил қилинган.

Бугунги глобаллашув даврида жадид Исҳоқхон Ибратнинг қолдирган бой маънавий мероси ҳозирги ёш авлодни билимли, саводли, маърифатли қилиб тарбиялашда муҳим манбаларни бажаради. Ушбу фикр Исҳоқхон Ибратнинг “Олти тилли луғат”, “Хатлар мажмуи”, “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Замон тарозуси” каби ўндан ортиқ илмий-тарихий ҳамда маърифий асарларида илгари сурилган. Исҳоқхон Ибрат ўз даврининг дунёвий билимларни чуқур ўрганган зиёли саводхон бўлган, еттига хорижий тилни билган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги таъкидлайдики “Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Биз маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётининг кадрини англаб етади” [2]. Шу сабабли, жадид мутафаккирлари орасида Исҳоқхон Ибратнинг серкирра ижод фаолияти, фалсафий қарашлари, у томонидан илгари сурилган ижтимоий мазмундаги ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унинг жамият тараққиётининг ҳозирги босқичларида миллат раўнақи йўлидаги ҳаёт йўлини теран англаган ҳолда – келажакка қадам қўйиш, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Исҳоқхон Ибратнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари ва концептуал қарашлари ифодаланган меросини ўрганиш хусусан, хорижий олимлар америкаликлар Адиб Холид, [3] Э.Олворт, [4.] германиялик И.Балдауф [5] каби шарқшунос, тарихчи олимлар томонидан олиб борилган. Жадидчилик ҳаракатининг намоёндалари ижоди, Исҳоқхон Ибрат асарларининг тадқиқи мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида Посадский А.В., Посадский С.В. [6], Р.Ҳодизода, [7] Н.Гафаров [8] каби олимлар томонидан амалга оширилган. Таъкидлаш лозимки, юқоридаги муаллифлар асосан жадидларнинг бадиий асарлари, жамият тарихига бағишланган рисоалари, китоблари ва ижтимоий-сиёсий фаолияти мазмунини таҳлил қилаганлар. Шунингдек, Ўзбекистонлик файласуф, тарихчи, жамиятшунос, педагог олимларидан Ш.Раджабов, [9] И.Мўминов, [10] Д.Алимова, [11] Б.Қосимов, [12] У.Долимов [13], К.А.Воҳидоваларнинг [14] илмий тадқиқот ишларида жадидларнинг инсон ижтимоий, маънавий дунёси масалларига бағишланган тадқиқотлари мазмуни мустақил ёндошув асосида ўрганилган.

МЕТОДЛАР

Мақолани нашрга тайёрлашда, Исҳоқхон Ибратнинг илмий-маънавий асарлари, манбалардан фойдаланишда, материалларни туркумлаштиришда ва мустақил хулосаларни умумлаштириш жараёнида фалсафий тадқиқотнинг тарихийлик, танқидийлик, анализ, синтез методларидан фойдаланилди. Мақоланинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.М.Мирзиёев асарлари, Фармонлари, давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида баён қилинган концептуал ғоялар ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жадидлар меросини, миллий тарихимиз, мамлакатимиз маънавий, илмий тарихидаги буюк воқелик Биринчи, иккинчи Ренессанс давридаги илмий ютуқлар, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга мансуб дунёвий билимлар муаллифлари асарларини чуқур таҳлил қилиш ҳақидаги тавсиялари ва учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга оид бағишланган Қарорлари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек И.Ибратнинг жадидчилик ҳаракати билан боғлиқ ижтимоий қарашлари, фикрларини таҳлил қилиш, мустақил хулосалар чиқариш учун, жадидчилик таълимотига бағишланган монографик тадқиқотлар, республика миқёсида ўтказилган илмий амалий анжуманлар материаллари, илмий мақолалар, хорижлик олимлар асарларидан фойдаланилди. Шунингдек жамият тараққиётининг янги даврида оммавий ахборот воситалари, жумладан интернетда эълон қилинаётган, жадидчилик ҳаракатининг турли қирралари мазмунини очиб беришга қаратилган фалсафий фикрлар, Ўзбекистонлик ва хориждаги файласуфлар, жамиятшунослар мулоҳазаларидан фойдаланилди.

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР

Жамиятда, шахс маънавиятини бойитишда мутафаккир Исҳоқхон Ибрат илмий меросининг ўрни бекиёсдир, унинг фалсафий қарашлари асосида ватан равнақи ва юрт келажagini ривожланган мамлакатлар қаторида кўришни орзу қилган ва унга эришишга етакловчи қарашлари ётади. Исҳоқхон Ибрат ҳаётининг муайян қисми хорижий давлатларда ўтади. Ушу тажрибадан, хулосалардан олим унумли фойдаланган кўпгина хорижий тиллар қатори бошқа халқлар маданияти, фалсафий меросини таракқиёт сабабларини чуқур ўрганди. Унинг илмий мақолалари ўша давр муаммолари таҳлиliga бағишланган. Ибрат публистикасининг аҳамиятли жиҳати шундаки, уларнинг аксарияти маърифатпарварлик руҳида ёзилганлигидир. Исҳоқхон Ибрат фаолиятида маданиятга, маърифатпарварликка, янгиликка, таракқиётга интилиш, ёшларни, бутун миллатни шунга даъват этади. Ибрат фалсафасидаги етакчи фикр Туркистон халқларини саводсизлик, қуллик, қашшоқликдан қутқаришга даъват қилади шу билан биргаликда озодликка эришиш учун ёшлар асосий куч бўлганлигини таъкидлайди. Исҳоқхон Ибрат шахс маънавиятини бойитишда илм ва маърифатнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб, бу ўринда зиёлиларнинг шахсий масъулияти муҳим эканлигини кўрсатиб ўтади.

МУҲОКАМА

Исҳоқхон Ибрат 1862 йили Наманган шаҳри яқинидаги Тўрақўрғон қишлоғида зиёли оиласида туғилди. Унинг ота-онаси Жунайдуллахўжа ва Хурибиби ўз даврининг саводли зиёли кишиларидан эди. Исҳоқхон дастлаб ҳижо усулига асосланган қишлоқ мактабида ўқиди, аммо онасининг қўлида савод чиқарди. Бу ҳақда ўзи шундай ёзади: «Аввалги вақтдаги маҳалла мактабида 5 йилда 3 адад муаллимда ўқуб, охири саводим чиқмай, кейин қизлар мактабида, ўз уйимизда волидаи марҳумамдан ўқуб савод чиқардим. Икки сана қиблагохимдан ҳуснихат машқ этдим»[15].

Исҳоқхон Ибрат ижтимоий-сиёсий мавзуда халқ ҳаётини ҳаққоний ифодаловчи бир қанча асарлар муаллифидир. Шоирнинг «Қалайсизлар?», «Бўлубтур», «Ўлурсан», «Шикоят», «Сийму зардур» каби сатирик асарлари шулар жумласидандир.

Исҳоқхон Ибрат файласуф, тарихнавис, сифатида ўзидан бой маданий мерос қолдирган. Хатнинг ўн етти турида қалам юргизган моҳир хаттот, ўз номида «Матбааи Исҳоқия»ни ташкил этган ўзбек ноширларидан эди.

Исҳоқхоннинг Қўқон мадрасаларида таҳсил кўрган йиллари (1878-1886) ўзбек адабиётида, маданий ҳаётида, маорифида муайян ўзгаришлар содир бўлаётган даврга тўғри келди. Унинг ижодига Қўқон илмий ижодий муҳит таъсир қилган. У Қўқон адабий муҳитининг йирик намояндалари Муқимий, Фуркат, Мухйи, Завкий, Нодим, Ҳазинийлар билан яқин ижодий алоқада бўлган, фалсафий мунозараларда иштирок этган. Исҳоқхон Ибрат мадраса таълими берадиган илмлар билангина чекланиб қолмади. У мустақил ўқиш давомида буюк файласуф олимлари асарларини мустақил мутолаа қилди, араб, форс ва рус тилларини чуқур ўрганди. Аллома рус ва ўзбек тилларида чиқадиган «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости», Исмоилбек Гаспирининг «Таржимон» газетаси билан ҳамкорлик қилган. Ибрат 1886 йили Қўқонда мадрасани тугатиб, Тўрақўрғонга қайтади ва ўзи яшайдиган қишлоқда маърифат, янги фикрлар тарқатишдан бошлайди ва қишлоқда янги услубдаги мактаб очади. Унинг мактаби «усули қадим» - «усули таҳажжи», яъни ҳижо методига асосланган мактаблардан бирмунча фарқ қилар эди. Исҳоқхон Ибрат Қўқонда ўқиб юрган вақтларида ўлкада очилаётган рус мактабларидаги ўқув усулларининг маҳаллий мактабларда ҳукм сураётган ҳижо ҳамда қуруқ ёдлаш усулларидан устунлигига амин бўлди. Шунинг учун у ўз мактабида ўша даврда ўқувчиларни ўқитишдан нисбатан илғор ҳисобланган товуш (савтия) усулини татбиқ қилди.

Ибрат илғор педагог сифатидаги фаолиятини давом эттириб, 1907 йили ўз уйида «усули савтия» методига асосланган мактабни кенгайтирган. Унда 30 нафар қишлоқ болаларини ўқитди. Мактабда ўқитилаётган фанлардан ўқиш-ўқитиш ишларини ўзи тузган дастур асосида олиб борди. Мактаб ёруғ деразали катта хонага жойлашган бўлиб, янги ўқув қуроллари — парта, стол-стуллар, ўқув китоблари, қора тахта (доска), дафтар кабилар билан таъминланган эди. Ибрат ўз мактабига янгича ўқитиш усулларидан хабардор бўлган педагог

Хусайн Макаевни таклиф қилди. Хусайн Макаев ва унинг рафиқаси Фотима Макаева Исҳоқхон Ибрат мактабида ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатдилар.

Исҳоқхон Ибратнинг «усули жаҳид» ва «усули қадим» мактабларига бағишланган туркум мақолалари «Туркистон вилоятининг газети»да босилиб чиқди. Исҳоқхон Ибрат жаҳон илми ва маданиятида яратилган ҳар бир илғор янгиликдан миллат вакиллари бахраманд этишга ҳаракат қилди.

Таъкидлаш лозимки, янги методга асосланган таълимнинг амалий натижалари жаҳид мактабларининг фаолиятида кўзга ташланди. Исҳоқхон Ибрат янги таълим-тарбия тизимининг имкониятларини намойиш қилишда асосан эришган ютуқларга, ўзи амалиётга тадбиқ этган янги усулларга асосланлигини ёзади. Жумладан: “Мен ўзум ҳам ўзумга қарашлик ўнта-ўн бешта болаларни эски мактабда ҳеч баҳра топмай, беҳуда юрдукларина жоним ачиб, Қозон тарафиндан... бир муаллим жалб эдуб, мактаб қилиб бердим. Мактабнинг кушодиға уч ой бўлгани йўқ, йигирмадан зиёда кичик болалар, ўн бешта одамлар “алиф нима?” деган саволига “калтак” деб жавоб берувчилар тамом саводи чиқиб, ҳар нарсани ёзадургон бўлдилар. Тўрт-бешта, етти ва саккиз саналар Қўқонга юруб ҳеч нарса билмаган муллабаччалар битамомихи арабий муқоламаға қодир бўлуб, ҳар бир китобларни мутоалаа этадургон бўлдилар. Шу сабабдин биз кўзумиз ила тажриба қилиб, бул ўқитишга тамом ихлос қилдик” [15.] деб таъкидлайди.

Маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат мактабининг янги таълим тизимидаги ўрнини сифатида ҳафталик дарс жадвалини жорий қилганлиги билан изоҳласак бўлади. Аллома 1896 йили олти тилни ўз ичига олган «Луғати ситта алсина» («Олти тилли луғат») номли асарини ёзди. 1901 йилда тараққийпарвар Исҳоқхон Ибрат еттита тилни билган ва русча сўзларни арабча ёзилишини бир тизимга келтириб, “Луғати ситта ас-сина” номли асарини нашр этган. Асарда олти тил яъни араб, форс, турк, сарт, ҳинд, рус тиллари жамланган бўлиб, рус алифбосини билмайдиган халқлар учун амалий ёрдам беришни самарали усули сифатида тавсия этади.

Асар миллатни ёшларни хорижий тилни ўрганишга даъват қилади ва жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларига яқинлаштиришга ундайди. Исҳоқхон Ибрат ўзи томонидан ташкил этилган мактабга рус тилини билимдони Хусайн Макаевни таклиф қилиб, ёшларни, илм-маърифатли қилишга ҳаракат қилди.

Исҳоқхоннинг Шарқ мамлакатлари сафарига чиқишдан асосий мақсади, биринчидан, онасининг ҳажга олиб бориш ҳақидаги илтимосини қондириш бўлса, иккинчидан, хорижий давлатлар ҳаёти, маданияти билан яқиндан танишиш, бу мамлакатларни ўз кўзи билан кўриш истаги эди: «...Умрим нақдини ҳавас бозорида кечирмак тақозосила ўлуб, синним йигирма беш кечмиш экан, ҳавои тақозои мухтарама душуб саёҳат этдум...» - деб ёзади у.

Хорижий давлат халқлари ҳаёти, маданияти ва санъатини ўрганиш имконига эга бўлди. Европанинг илғор илм-фанини яқиндан ўрганди, илмий асарлари учун қимматли материаллар тўплади. У Шарқ халқлари тиллари билан бир қаторда Ғарб халқлари тилларини ҳам билиш зарур деб ҳисоблади ва Арабистонда француз тилини, Ҳиндистонда инглиз тилини, шу билан бирга, энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини ўрганди.

XX аср маърифат ва фан техника замони эканлиги ва илмсиз миллатнинг мушкулотларга қолиш масалаларига асосий урғу берилиб, аксарият нашрларда оммани биринчи даражада Оврупанинг илм ва урфонини, ҳунар ва санъатини таҳсил этмак лозимлиги зарур эканлигини алоҳида таъкидланди. Тараққийпарварлик нуқтаи назаридан ёзилган мақолаларида Туркистон ўлкаси халқлари нима сабабдан бу қадар инқирозга юз тутган, деб саволлар қўйилган ва кўп ҳолларда “бахтсизликнинг қора булутлари”, “заҳмат ва машаққат ёмғурларини ёғдуруб” турган “дангаса, ялқовликнинг энг қалин кўрпасига ўралиб уйқуда ётган” [16.] Туркистон ўлкаси халқи “ўз қаршисида тургон Оврупа маданиятидан” тез суръатларда ибрат олишга чақирилган. Шу билан бирга Туркистон ўлкаси ёшлари Европанинг илғор фан-техникасини ўрганиши билан бирга, улардаги салбий иллат ва одатларини ҳам жуда тез ўзлаштираётганини афсус-надоматлар ила қайд этади. “Оврупанинг муфид нарсаларига ниҳоятда оз тақлид ила кифоялансалар ҳам мўда, ичкилик

ва шунга мутобаа ишларда ҳаддан ортуқ тазйид этдилар. Тўғри, оврупа маданияти ёпўниялилар орасиға боши ила кирса, бизим мусулмонлар орасиға қуйруғи ва орқаси ила кирди”. [16.]

Тараққийпарварлар аввало маҳаллий халқ вакилларининг хорижий тилларни ўрганиш орқали амалга миллат манфаатини ҳимоя қилиш, фан-техника янгиликларини эгаллаши, ўзлаштиришига замин яратишини англаб тавсиялар берганлар. Чунончи, иқтисодий тараққиётга эришиш ва мустамлака шароитида миллат манфаатини ҳимоя қилиш учун рус тилини ўрганиш муҳимлигини яхши билганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлайдики, “Энг катта бойлик-бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос-бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик-бу билимсизликдир”. [1.24] Шу сабабли ҳаммамиз ушун замонавий билимларни эгаллаш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш заруриятига айланиши керак. Шу сабабли, инновацион илмларга эҳтиёж масаласи ҳозиргидек, жаҳид боболаримиз, хусусан Исҳоқхон Ибрат қарашларида ҳам долзарб аҳамият касб этган.

Исҳоқхон Ибрат ўлкамиздаги илк матбаачилардан бири сифатида, 1908 йил Оренбург шаҳридан литографик машина сотиб олиб, уни Оренбургдан Қўқонгача поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларга ортиб, катта машаққатлар билан олиб келган ва ўз ҳовлисида “Исҳоқия босмаҳонаси”ни ташкил қилган. Бу босмаҳона ўтган асрнинг 60-йилларигача фаолият кўрсатиб келган ва у ерда ўтган давр мобайнида бир қатор илмий-маърифий китоб ва рисоалар, миллий газеталар чоп этилган, уларни тарқатиш учун Фарғона водийси бўйлаб ўнлаб китоб дўконлари ташкил этилган.

Маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат ижодий иш билан бир қаторда жамоат ишларини олиб борди. Қишлоқни ободонлаштиришга, маориф, таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилашга, ўзгартиришга янги мактаблар очиш, малакали ўқитувчи мутахассислар етиштириш, халқ фарзандларини мактабларга тортиш ишларида фаол қатнашди.

Туркистон ўлкасининг йирик жаҳид намоёндалари ўз фаолиятларини бир-биридан ажралган ҳолда эмас, ўзаро ҳамкорликда, ҳаммаслақликда, яқин алоқа боғлаган ҳолда йўлга қўйдилар. Мунавварқори Абдурашидхонов Бехбудийнинг «Ойна» журналида, Исҳоқхон Ибрат Тошкент жаҳидлари раҳбарлик қилган «Садойи Туркистон», Фарғонадаги «Садойи Фарғона» газеталарида ўз асарларини нашр қилди.

Исҳоқхон Ибрат 1897-1924 йилларда Тўрақўрғон қозиси лавозимида фаолият кўрсатди. Қатор публицистик мақолаларида, шеърларида тузум иллатларини, маҳаллий ва мустамлака амалдорларининг салбий ишларини фош қилди. 1910 йили Туркистон ўлкасида қозилик мансабига сайлов ўтказилди. Шу муносабат билан у «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида мустамлакачиликнинг ижтимоий моҳиятини танқид қилиувчи туркум мақолалари эълон қилди. Ўғрилиқ, порахўрлик, зўравонлик билан шуғулланувчи ярамас амалдорларнинг қози ёки мингбоши бўлиб олишларига кенг йўл очиб берган чор ҳукумати қонун қоидаларидан норозилигини дадил ифодалади.

Исҳоқхон Ибрат жаҳон илми ва маданиятида яратилган ҳар бир илғор янгиликдан ўз халқини баҳраманд этишга ҳаракат қилди. Бу билан Исҳоқхон мамлакат тараққиёти учун зарур бўлган кадрлар тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратди. Бу муаммони ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли хорижий давлатларга талабаларни юбормоқ, ўқиб қайтиб келганларни ўрни-ўрни билан жойлаштирмоқни назарда тутган: “Мактаб бўлса ҳамма ишларни уринса қўлдан келишига шубҳа айтилмайдур. Эмди асосидан тутмак учун маорифга ҳукумат яхши давом этмак, талабалар олмоқ, курсларга талабалар юбормоқ, андин келгонларни ўрнига қўймоқ ана ундан сўнг маданиятимиз вужудга чиқадур” [17.130]. Ушбу фикрлардан маълумки, Ибрат мамлакат тараққиёти учун энг аввало саводсизлик ва жаҳолатни бартараф этиш зарурий деб билган. Халқимиз вакиллари орасидан билимли, илм-фан, техника асосини билган зиёлилар етишиб чиққандагина ижтимоий иқтисодий давлат тараққиётига эришиш мумкинлигини асослаб берган.

Россия босқини натижасида Туркистон ҳаётига капиталистик муносабатлар билан бирга ўта салбий иллатлар ва бидъатлар ҳам кириб келди. Бу иллатлар маҳаллий халқ ахлоқига кучли салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, меҳмонхоналарда, ресторанларда айшу-

ишрат билан шуғулланиш, «доим фиён» бўлиб юриш ҳоллари рўй берди. Бу ҳақда академик В.В. Бартольд куйидагиларни ёзади: «Ерли аҳоли руслар билан яқинлашиши, рус тилини ўрганиши натижасида рус ҳаётининг ташқи, салбий томонларини ҳам ўзлаштирдилар. Фаҳш ҳаёт кечиришга, вино, пиво ичишга ўргандилар...» Бунинг устига, Русия ҳукумати ҳам мустамлака ўлка халқлари маънавиятини, диний эътиқодини бузиш учун фоҳиша аёлларнинг оқиб келишига катта имкониятлар яратган эди.

Исҳоқхон Ибрат «Бўлубтур» радибли ҳажвиясида мана шундай ҳаётий лавҳаларни берар экан, унга ўзининг нафратини ифодалаш билан чекланмайди, балки бундай ҳаётни вужудга келтирган фактор сифатида Қўқон хонлигининг Русия томонидан босиб олинишини кўрсатади:

Исҳоқхон Ибрат ижодидаги етакчи ғоя илм-маърифат, маданият ва техника янгиликларини тарғиб қилиш ғоясидир. Ибрат маърифатпарварлигининг туб моҳияти шундаки, унинг илм маърифатга чақирувчи шеърларида инсон тақдири биринчи ўринда турди. У халқнинг иқтисодий-маданий ҳаётига хизмат қилувчи, унинг мушкулени енгиллаштирувчи, узоғини яқин қилувчи илм-фанни, техникани тарғиб этди. Шу нуқтаи назардан, унинг «Тарихи чопхона», «Маданият ҳақида маснавий», «Газета хусуси-да», «Туркистон аҳдиға хитоб», «Табрик Намангондин», «Қалам», «Тарихи манзумаи вагон Ибратдин ёдгор», «Мухаммаси Ибрат» каби шеърлари диққатга сазовор. Шоир бу шеърларида мамлакатни, халқни асрий қолоқликка судровчи мутаассибларни, қадимчиларни кескин фош этди. [18]

Шунингдек маърифатпарвар Ибрат халқ маросимларидан тўйларга ҳам катта эътибор берган, жумладан, ўғил тўйлари, пойгалар, никоҳ тўйлари, фотиҳа тўйи, қиз тўйи, қиз сеплари [15.44-45] аллома томонидан танқид остига олинган. Тўйларда фотиҳага беш юз сарф бўлса, кейинги тўй куни албатта икки минг сарф бўлиши, бу сарфлардан ўғли ва қизига бирон наф йўқлиги, булар ўрнига тижорат ёки бўлак касб ишлари қилиб қўйсалар, буларга вақтида дастлабки кўмак бўлар эди, [15.45-46] дейиш билан муаллиф ёш оилани иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш муаммоларига эътибор қаради.

Исҳоқхон Ибрат “Мезон уз-замон” асарида бекорчилик, дангасалик, танбаллик каби хусусиятларни танқид остига олди. Айниқса, Ибрат бу ўринда урф ва расмга кириб қолган “чойхона”ларни танқид остига олган. Ибрат сасрда бекор ва беҳуда юрган ёшларни ҳам танқид қилади, уч ой киш бекор юришларини тўй ва гап деган суҳбатлари бўлиб, уларда ғийбат бўлмай, китоб, масала ўқилса, ёшларнинг дунёқараши кенгайиши мумкинлигини эътироф этган. [15.48] Исҳоқхон Ибрат бу қарашларни билдирар экан ҳунарли бўлишини ёшларга маслаҳат бериб, ҳеч бир пайғамбар ва авлиё ҳунарсиз бўлмаганлигини айтиб, ёшлар ҳам ишлаб, маишитларига керак ҳунар қилсалар тўғри йўлда юрган бўлар эдилар, деган хулосани берди. [15. 48-49]

Исҳоқхон Ибрат меҳнаткаш халқ бошидаги оғир ҳаёт, қашшоқлик, мамлакатнинг қолоқликда, халқнинг нодонликда қолганининг сабабларини аниқлашга, ундан қутқариш йўллари топишга ҳаракат қилди. Бир неча тараққий этган мамлакатларда бўлган Ибрат халқни зулматдан, мамлакатни қолоқликдан қутқарувчи бирдан-бир йўл илм-маърифатни эгаллаш деб тушунди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, худди шу даврларда мамлакатда саводсизликнинг олдини олиш мақсадида мунозаралар, мактаблар, таълим-тарбия ҳақида қизгин баҳслар кетмоқда эди. Ибратнинг бу асарининг ёзилиши шу баҳс ва мунозараларга унинг муносабатини кўрсатган. Унинг ғояси билан ташкил этилган кечки мактаблар яқин кнларга қадар давом этган.

Ибрат рисолада қишлоқлардаги миллий урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда қизлар мактаби ташкил этиш ҳақида мулоҳаза юритиб, бу ишнинг бир оз кейинроқ кечиши мумкинлигини: “Эмди мактабни биз фақат эркак мактабини айтдук, аммоки, қизлар мактабига келсак йўқинроқ кўринадур” [17.135]. Сўнгра бунинг сабабларини тушунтириб шундай ёзган: “Халқнинг ваҳшияти ва ота-оналар қизларини эҳтиёт қилиши, одамга, бир ерга юбормаслиги халқнинг илм қудратини билмағони хусус хотинларда таассуф ғарқ бўлиб, булар бу таассуфни йўқотишига эллик йиллар керак ўлуши кўринадур”. [17.135]

Чунончи, қизлар мактабига шу давр аёллари ва қизларни тезроқ жалб этиш мақсадида қишлоқлардаги саводли отинбилардан фойдаланиш лозимлигини, шундагина “беш-ўн йиллар ичида... ҳар қишлоқда беш-ўн муаллима тайёр бўлишини”(17. 136)-умид қилган. Бу ишларга кўпроқ муаллимларнинг аёлларини жалб этиш кераклигини айтиб, қизларни ўқитишнинг энг қулай йўли деб ҳисоблаган. Бундан кўринадики, Исоққон миллатнинг асосини ташкил қилувчи аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиши тарафдори бўлган.

Бу ўз навбатида, “Аёлларга илм бериш-жамиятни илмли, маърифатли ва салоҳиятли қилиш” деган ақидани ҳаётга изчил татбиқ этишни тақозо этади. [1.250]

ХУЛОСА

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, Исоққон Ибрат ўзи яшаб турган ижтимоий ҳаётда юз бераётган долзарб масалаларни кўтариб чиқди, уларга муносабат билдирди. Шоир халқни илм-маърифатли қилишда газета ва журналларга катта аҳамият берди, ўзи ҳам газета нашр этиш учун ҳаракат қилди. Шунинг чун ҳам ҳозирги глобаллашув даврида келгуси авлодда ватанпарварлик хиссиётларини шакллантиришнинг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд қилганидек, “Фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб- хунар эгалаган, мустаҳкам ҳаётий позитцияга эга чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади”. [20.]

Шу сабабли, жадидчилик таълимотининг йирик намоёндалари жумладан, Исоққон Ибратнинг ижодини, фалсафий меросини, унинг ҳаёти ва фаолияти давомидаги маънавий-ахлоқий тарбияга тааллуқли фикр-мулоҳазаларни дарслар давомида ўқувчиларга етказиш, уларни миллий руҳда тарбиялаш долзарб масала бўлмоғи лозим.

Шундай экан, Исоққон Ибратнинг маърифатпарварлик ғоялари, фидоийлик ва инсонпарварлик сингари фалсафий-ижтимоий қарашлари билан жамиятни тараққиётини мустаҳкамлашга, миллат равнақини юксалтиришга хизмат қилди.

Шунинг учун ҳам, ҳар бир фарзанд ватанимиз эртанги кунининг пойдеворидир. Исоққон Ибрат асарларидаги ёки ҳаёт йўлининг тарбиявий жиҳатларини ёшлар маънавиятига сингдириб борсак, мақсадимизга эришган бўламиз. Демократик давлат барпо этаётган мустақил Ўзбекистоннинг эртанги кунини эгалари бўлмиш ёшлар тарбияси зиёлиларга боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент.: O'zbekiston, 2021. – 464 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2020 йил 24 январь. www.president.uz.
3. Khalid Adeeb. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. Berkeley: University of California Press. 1998. <http://ark.cdlib.org/ark:/13030/ft8g5008rv>.
4. Edward A. Allworth. Evading Reality: The Devices of 'Abdalrauf Fitrat, Modern Central Asian Reformist. Boston.: Brill Leiden. 367 pages.
5. Baldauf Ingeborg. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Welt des Islams, New Ser. Vol.41, Issue 1. (Mar., 2001).
6. Посадский А.В., Посадский С.В. Журнал института наследия. – Москва, 2021, – № 3. – С. 26.
7. Расул Ходизода. К не звезды падают: Ист. роман / – Душанбе: Адиб, 1991. – 431 с.
8. Гафаров Н.У. Книготорговые товарищества джадидов в Средней Азии. Вестник РТСУ.
9. Раджабов Ш. Джадидизм и Туркестане (1905—1917 гг.). Тезисы на диссертации на соис. уч. ст. канд. ист. наук. – Ленинград, 1937.
10. Муминов И.М. Из истории развития общественно-политической мысли в Узбекистане конца XIX- начало XX вв. – Ташкент, 1957.
11. Алимова Д.А. (отв.ред.) История и историки Узбекистана в XX столетии. – Ташкент.: Navro'z, 2014. – 428 с.
12. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов Д., Ризаев Ш., Ахмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004.
13. Далимов У. Жизнь и творчество узбекского поэта-просветителя Ибрата: автореф. дис. ... канд. фил. наук. Ташкент, 1971.

14. Вохидова К.А. Исҳоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибрат ва унинг тарихий-илмий мероси. Тарих фан.ном илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2002.
15. Исҳоқхон Ибрат. Мезон уз-замон. II дафтар. – Б. 36-37.
16. Будаийий М. Мусулмонлар ҳаётидан бир лавҳа // Садои Туркистон. 1914 йил, 6 май сони.
17. Ибрат И. Тарихи маданият. Ўз РФАШИ.Қ. инв № 11616, № 10117. Б 128.
18. Исҳоқхон Тўра Ибрат. Танланган асарлар / Ибрат Исҳоқхон Тўра; масъул муҳаррир: Бегали Қосимов. – Т.: Маънавият, 2005. – 200 б.
19. Жакбаров М. Исҳоқхон Ибрат ижоди ва фалсафий қарашлари // Ўзбек фалсафаси тарихи (III жилд). – Тошкент.: Muharrir, 2020. – 328 б.
20. Мирзиёев Шавкат. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
21. Амридинова Д.Т. Миллий фалсафада комил инсон концепцияси эволюцияси. Монография. – Тошкент: Наврўз, 2020. – 112 б.

САМАРҚАНД – УЛУҒБЕК АКАДЕМИЯСИ

Эшматов М. Э. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада ўрта асрлар даврида яъни иккинчи ренессанс даврида Самарқандда буюк аллома бобокалонимиз Улуғбек томонидан барпо этилган расадхона ҳақидаги фикрлар баён қилинган. Шунингдек, унинг жаҳон илм фани тараккиётига қўшган ҳиссаси, тўғрисида мулоҳаза юритилади.

Таянч сўзлар: академия, расадхона, астраномия, жадваллар, математика, геометрия, масжид, мадраса, ҳикмат, илм, фан, дорулфунин.

Аннотация. В статье изложены представления об обсерватории, построенной нашим предком Улугбеком в Самарканде в средние века, то есть во времена второго Возрождения. Также обсуждается его вклад в развитие мировой науки.

Ключевые слова: академия, дом науки, астраномия, расписание, математика, геометрия, мечед, медресе, университет.

Annotatsion. The article discusses the observatory and House of Science built by Mirzo Ulugbek in Samarkand during the Middle Ages, that is during the Second Renaissance. About his contribution to the development of world science is also given in conclusion.

Key words: academy, observatory, tables, mathematics, handasa, mosque, medrese.

Самарқанд академияси. Яна ўн бешинчи асрда-я? Ҳозирги замон нуқтаи назари билан қараганда бу худди афсонага ўхшайди. Эртақнинг ўзгинаси: бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда Самарқанди фирдавсмонанд отлик шаҳри азим бўлган экан. Унинг ҳамма нарсаси, хусусан ўз академияси ҳам бор экан. Ўша академиянинг президенти, бирмас учта вице-президенти, 100 атрофида академиги билан докторлари ҳам бўлган экан... Чиндан афсонами бу? Йўқ бу ҳақ гап. Бу илмий муассаса балким ўша вақтларда айнан академия деб аталмагандир. Лекин, қандай бўлмасин, “Самарқанд академияси” деган гапнинг тагида асос бор.

“Академия” деган ном милоддан аввалги тўртинчи асрдан маълум ва жаҳонга машҳур файласуф Афлотунга теишли. Ўшанда у асос солган фалсафа мактаби шу ном билан аталган. Хорун ар-Рашид (786 -809) ва ал - Маъмун (813 - 833) даврида Боғдодда ташкил топган ва “Байт ул-ҳикма” (Ҳикмат уйи) номи билан шуҳрат қозонган илмий муассаса ҳам ўз замонасининг академияси ҳисобланган. Ўнинчи асрнинг биринчи ярмида Мўсул шаҳрида таъсис этилган “Дор ул - илм” (Илм уйи), 1010 йили Хоразмнинг қадимги пойтахти Гургжда ташкил топган “Донишмандлар уйи” ҳам ўзига хос академия эди. Худди шундай илмий муассаса ўн бешинчи асрда Самарқандда ҳам яратилди.

“Самарқанд академияси” тушунчаси қаердан ва қачон чиққанлиги ҳам маълум: бу гап, узоқ Францияда, бундан 200 йил муқаддам истеъмолга кирган. Уни энг аввал машҳур ёзувчи, файласуф ва тарихчи олим Вольтер (1694 - 1778) эътироф этган. Мана унинг сўзлари: “Трансоксианада Амир Темурнинг ўрнига тахтга чиққан машҳур Улуғбек

Самарқандда биринчи академияга асос солди, ер куррасини ўлчашни буюрди ва астраномик жад-валларни тузишда иштирок этди”. Вольтер ҳақ гапни айтган эди. Ўша вақтларда Самарқандда ҳам ўзига хос академия бўлган. Мирза Улуғбек теваарагига уюшган 100дан ортиқ олимни ўз бағрида қўқартирган; номи жаҳонга машҳур Самарқанд расадхонаси шу вазифани ўтаган. Бундан ташқари, Улуғбекнинг Самарқанд ва Бухородаги мадрасалари, айниқса пойтахтдаги (Самарқанд) мадраса замонасининг дорулфунунлари эди. Мадрасаларнинг дархоналарида илоҳият илмларидан (қуръон, ҳадис, тафсир) ташқари, риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), илми хайъат (астраномия), илми аруз (поэтика) сингари дунёвий илмлар ҳам ўқитилган. Бунга далиллар ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги шарқшунос институтининг қўлёмалар фондида Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида таҳсил кўрган балхлик Шамсиддин Муҳаммад исмли бир йигит номига берилган санад (шаҳодатнома) сақланади. Унда хусусан бундай дейилган.

“... Шамсиддин Муҳаммад ал-Балхий илм таҳсил қилиш учун ватанидин узоқ ерларга сафар қилишни ихтиёр қилди. Мусофирликнинг оғир заҳматларига чидади... У Самарқандда ўн олти йил чамаси истиқомат қилди. Унинг талаб водийсида илмнинг тиниқ сувиға ташналиги кун сори ортуб турди. Идрокли ва зийрак бўлғони учун дарсларни тез тушунар эрди. Дарс вақтларида Абубақр Армавийнинг “Лавом ул-асрор мин матолеъ ул-анвор” (Яширин сирларнинг нур чиқиши билан равшанлашиши) китобининг яширин сирларини тушунди, “Бадоеъ ул-ибкор мин таволеъ ул афкор” (Фикрларнинг туғилишидан ёш ғунчаларнинг бадийликлари) асарининг пардали нуқталарини очди. Шунингдек, “Талвиҳот ут-тавзиҳ” (Рашанликни ойдинлаштириш ва изоҳлаш) нинг дарсиға диққат қилди, “Таквим ул-мезон фи-т-таъдил ва тарҳиж” (Тарози палласини тенглаштириш ва оғирлигини тўғрилаш) китоби унинг диққат-этиборини тортди, “Минҳож ул-вусул ило илм ал-усул” (Имоннинг асларига етишиш йўллари) ни тинмайин мутулаа қилди. Ниҳоят, тиришуб ва ҳаракат қилуб, “Иҳком ул-аҳком мунтахаби мунтаҳил амали вассуол” (Танлаб олинган охирги умид ва тилак ҳукмларини мутаҳкамлаш) китобларига ҳам етишди, “Мафотиҳ абвоб ул-адаб” (Адаб илми эшикларининг калитлари) ни таҳсил қилди, “Кашшоф” ва унинг ишончли шарҳларидаги чиройли ибораларнинг юзларидан парда очди, “Қуръон” оятлари денгизидан дурлар олуб чикди. Андан ташқари “Мавоқий ул-калом” (Диний эътиқод фалсафаси) саҳифаларидаги латиф сўзлар ҳамда мақсадларидан воқиф бўлди... “Ҳидоя” далиллариға эрушди. Шаръий масалаларни билиш учун “Ниҳоя” (Ҳидоя шарҳи) га тўғри йўл топди.

Ушбу даражага етғоч, юртдошларини ўз илмидин нафлантириш учун ватаниға қайтмоқчи бўлди. Мендин олий санад билан ижозат беришимни илтимос қилди. Мен анинг илтимосини қабул қилдим...

Қозизода Румий номи бирлан машҳур бўлғон фақир ул-ҳақир Мусо ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд.838 йил ражаб ойининг ўрталари (1435 йил феврал ойининг ўрталари) ”.

Мадраса билан расадхона орасида мустаҳкам алоқабор эди. Масалан, расадхонада ишлаб турган илмий ходимларнинг бир қисми мадрасада мударрислик қилишарди. Улар орасида Ғиёсиддин Жамшид Кошоний ва мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам бор эди. Расадхона битказилиб ишга тушурилганга қадар осмон ёритғичларининг ҳолатини кузатиш ишлари маълум даражада мана шу мадрасада ва юқорида қайд этганимиз муқаттаъ масжидида олиб борилди. “... масжиднин қибласи бирлан мадраса қибласининг орасида, - деб эслайди Заҳириддин Муҳаммад Бобур, - бисёр тафовутдир. Ғолибо, бу масжид қибласининг самти мунажжим тариқи била амал қилибтурлар”. Бундан кўриниб турибдики, масжиди муқаттаъ ўша вақтда, ўзининг асосий вазифаларидан ташқари, осмон ёритғичларини кузатиш ишига ҳам хизмат қилган. Мадраса ҳам шундай вазифани ўтаган. “Мадрасага кираверишдаги пештоқи тоқчаларида юлдузли осмон тасвири солинганлиги бунинг исботидир”, - деб ёзган эди машҳур Ўрта Осиё тарихчиси А. Ю. Якубовский.

Расадхона тарҳини тузиш ишларида ўша даврнинг энг зур муҳандис-лари иштирок этганлигини ҳам таъкидлаш зарур. Муҳандислар эрта тонгдан Чупонотага бориб, қош қорайганда қайтардилар ва кечкурун барчаси Улуғбек ҳузурида тўпланишиб, таъбиру

тавсияларини ўртага ташлаб муҳока-ма қилардилар. Ана шу йиғилишларда Улуғбек ва унинг сафдошлари Шарқда қурилган расадхоналар, уларнинг тарҳи тузилиши, илмий кашфиётлари билан қизиқишарди.

“Биз қурдурғон расадхона барча жиҳатлари билан аш – Шаммосияда-гидан ҳам, Касиюндоғидин ҳам, Мароғадағидин ҳам кам бўлмаслиғи лозим” – деган эди Улуғбек.

Улуғбек бу ўринда Халифа Маъмун (813 - 833) замонида Бағдод ёнида қурилган Яхё ибн Абу Мансур бош бўлган машҳур расадхона, Ҳолид ибн Абдулмалик бош бўлган Димишқ расадхонасини, Халокухон даврида (1256 - 1265) Мароғада йирик қомусий олим Носириддин Тусий (1201 - 1274) раҳбарлигида қурилган расадхоналарни назарда тутган албатта.

Улуғбекнинг асл нияти расадхона Носириддин Тусий расадхонасига ухшатиб қурмоқчи эди. Лекин асбобларни ясашда муаммолар бор эди. Эклиптика оғмалиғи ва қуёш ҳаракатини ўлчаш учун уста Иброҳим мисгарга буюриб сариқ мисдан диаметри олти газдан иборат иккита доира қуйилган эди. Бу доира Птоломей тажрибасига асосланганди.

Аммо мингдан ортиқ собита юлдуз ҳолатини ушбу асбоб билан ўлчаб бўлмас, у кичиклик қилар эди. Шунинг учун бу расадхонага айланаси 10 газдан иборат доира ясалган эди. Расадхона цилиндр шаклида бўлиб, уч ошёнали айланаси 47, баландлиги 31 метр атрофида қилиб қурилган. Расадхонанинг бой кутубхонаси ҳам бўлиб, қарийб 150 минг китоб сақланган.

Узоқ кузатишлар натижаси ўлароқ 1437 йилда Улуғбек бир умр орзу қилгани “Зижи жадиди Кўрагоний” (Улуғбек Кўрагонийнинг янги астроно-мик жадвали) асарини ёзиб тугатади. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, кенг муқаддима ва 1018 собита юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат.

Мирзо Улуғбек ва ёрдамчилари сана ва сайёраларнинг йиллик ҳаракати борасида бажарган ҳисоб – китоб ҳам ҳозирги ўлчовларга жуда яқин. Масалан, Юлдуз йилининг турли халқлар орасида мавжуд бўлган узунлигини ҳозирги замонда белгиланган узунлиги билан солиштириб кўрилганда у, қуйидагича:

Ҳиндларда 365 кун, 6 соат, 12 минут, 30 секунд;

Халдейларда 365 кун, 6 соат, 11 минут, 00 секунд;

Аристархда 365 кун, 6 соат, 10 минут, 49 секунд;

Собит ибн Қуррада 365 кун, 6 соат, 9 минут, 12 секунд;

Улуғбекда 365 кун, 6 соат, 10 минут, 8 секунд;

Ҳозирда 365 кун, 6 соат, 9 минут, 6 секунд.

Бундан кўринадики, Улуғбек ҳозирги ҳисоб – китоб бўйича бор – йўғи 1 минуту 2 секундга янглишган экан.

Умуман, Улуғбек ва Самарқанд астраномия мактабининг энг зур кашфиёти пировард учунчи даражали алгебраик тенгламага олиб келган бир градусга тенг синус ёйини аниқлашдан иборат бўлди.

Улуғбек асарлари, у раҳнома бўлган Самарқанд астрамомия мактаби-нинг шон – шуҳрати ўн бешинчи асрдаёқ Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия ва Мисргача бориб етди. Кўп ўтмай Англия, Полша, Франция ва Америка ҳам уни тан олдилар. Улуғбек ва Самарқанд астраномия мактаби мана шу мамлакатларда ҳам астраномия ва математика фанларининг тарақ- қиётига катта таъсир кўрсатди. Жуда кўп олимлар Улуғбек, Ғиёсиддин Кошоний, Қозизода Румий, ва Али Қушчи асарларига таяниб бир талай зўр илмий аҳамиятга молик китоблар битдилар.

Ўн еттинчи аср бошларида Улуғбек ва самарқандлик олимларнинг асарлари Европага ҳам кириб борди. “Зижи Улуғбекнинг” Европадаги биринчи тадқиқотчиси Оксфорд (Англия) университетининг профессори Жон Гривсдир.

“Улуғбек зижи” нинг грузинча таржимаси ҳам бор. Таржима Грузия подшоси, машҳур адиб ва олим Вахтанг VI (1675 - 1737) қаламига мансуб.

Хулоса қилиб айтганда, иккинчи реннесанс даври деб аталган ўн бешинчи асрда Самарқанд академияси олимлари томонидан яратилган илм фан жаҳон илму фани тараққиётига жуда улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмедов Б. Улуғбек. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – Б. 111-123.
2. Вольтер. Танланган асарлар. – Женева, 1769. – 199 б.
3. Одил Ёқубов. Улуғбек хазиnasi. – Тошкент, 1994. – Б. 5 – 27.
4. Ўролов А., Сувонкулов И. Алломалар олами. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б. 6–20.
5. Фалсафа энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б. 268–270.

Наишга проф. С.Чориев тавсия этган

ОИЛА ИНСТИТУТИ ВА УНИНГ ЭТНОГЕНЕТИК АСОСЛАРИ

(илмий концептуал масалалари)

Зоҳиров Р.Т. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, глобаллашув жараёни оила институтига ҳам таъсир этаётганлиги, давлар талабига мувофиқ трансформацияга учраб келаётганлиги, инсоният умумийлик, бутунлик ва яхлитлик томон интилиб келганлиги, оила шу воқеаликнинг микро кўриниши бўлганлиги, Фарбда оила институтининг инқирозга учраётганлиги, файласуфлар оила институтини тил, ахлоқ, анъаналар, турмуш тарзи генезисини маданият билан боғлашликларини, Шарқ кишиси ўзини оиладан ажратмаслигини, унинг ибтидоси қабиладан бошланганлиги ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: *оила, жамият, ижтимоий, институт, трансформация, давр, инсоният, фалсафа, Фарб, инқироз, тарих, файласуф, Шарқ, гендер тенглик, этнос, этногенез.*

Аннотация. В данной статье излагаются следующие мысли: семья является основным звеном в обществе, процесс глобализации затрагивает и институт семьи, государство трансформируется в соответствии с требованиями государства, человечество стремится к всеобщности, целостности и неприкосновенности, семья микрокосм этого явления, Запад, нравственность, традиции, генезис образа жизни связаны с культурой, восточный человек не отделяет себя от семьи, его союз начинается с племени.

Ключевые слова: *семья, общество, социальный, институт, трансформация, эпоха, человечество, философия, Запад, кризис, история, философ, Восток, гендерное равенство, этнос, этногенез.*

Аннотация. In this article, the family is the main link in society, the process of globalization also affects the institution of the family, the state is transformed in accordance with the requirements of the state, humanity strives for universality, integrity and integrity, the family is a microcosm of this phenomenon, the West, morality, traditions, the genesis of lifestyle are associated with culture, the Eastern man does not separate himself from the family, his union begins with the tribe.

Key words: *family, society, social, institution, transformation, era, humanity, philosophy, West, crisis, history, philosopher, East, gender equality, ethnos, ethnogenesis.*

Оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилади. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши оиладаги маънавий муҳит билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимизда кейинги йилларда оила институтига алоҳида эътибор берилётганлиги ҳаммамизга маълум. “Оила – бу меҳр ва бахт кўрғони. Оила бор экан, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор, инсоний кадр-қиммат ва маънавият бор. Оилавий бахт – бу энг улуғ саодатдир” [1], деб таъкидлаган эдилар Президентимиз Ш.М.Мирзиёев.

Жаҳонда кечаётган глобаллашув, интеграция ва модернизация жараёнлари бугун инсоният ҳаётига, оила институтини ва ундаги авлодлараро муносабатларга зиддиятли таъсир этиб, ижтимоий воқеалар кундан-кунга ўзгариб бормоқда.

Ижтимоий воқеликларнинг илмий концептуал масалалари ва фундаментал қонунларидан бири улар давр ўтиши билан қайта баҳоланишга муҳтожлигидадир. Давр, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришлар воқеликларга перманент таъсир этади, бу аксиома, бироқ улар қандай таъсирларга мувофиқ ўзгариши ва қайта баҳоланишга муҳтож,

деган илмий концептуал аҳамиятга эга саволга жавоб излаш мудом фалсафанинг мавзуларидан бири бўлиб келган. Оила институти ҳам ана шундай ижтимоий воқелик, у ҳам даврлар талабларига мувофиқ трансформацияга учраб келган.

Кенг ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар оила институти тузилишига, функцияларига, ижтимоий демографик, маънавий ахлоқий ва жамият билан координацион алоқаларига таъсир этиб, уни социодинамик воқеликка айлантирган. Шу тариқа оила институти ўзининг яшовчанлигини, инсон ва жамият учун зарурлигини тасдиқлаб келади. Хўш, оила институти қандай таъсирларга мувофиқ трансформацияга учраб келади ва нима учун у қайта баҳоланишга муҳтож, эҳтиёж сезади?

Шу пайтгача оилашунослик ва ижтимоий демографик тадқиқотларда оила институтининг барқарорлиги тан олинган, у жамиятнинг энг муҳим, авайлаб асраб келинаётган қисми экани таъкидланиб келган. Ушбу позитивистик ёндашув, шубҳасиз, тўғри, объектив қайд эди. Бунда ҳеч қандай иллюзия ёки санохонлик йўқ. Инсоният умумийлик, бутунлик ва яхлитлик томон интилиб келган, оила эса ана шу воқеликларнинг микро кўриниши(микробутун, микрояхлитлик) эди. Платон, илк одамлар андрогик, яъни кўша жинсли бўлишган деганида, уларнинг юмалок, бутун, худо даргоҳига бир сакраб чиқа оладиган кучга эга бўлишганини, таъкидлаган [2]

Бу ривоятга яқин талқин бўлса-да, унинг негизидаги бутунликни рад этиб бўлмайди. Демак, оила институти инсониятнинг бутунга, умумга, яхлитликка бўлган интилишининг бир кўриниши эдики, айнан ушбу, инсон руҳидаги инстинктив туйғу, уни ўша микробутунга талпиниб яшашга ундаган. Бироқ, XXI аср ушбу тасаввурларга ўз тузатишларини киритмоқда. Бу тузатишлар, илмий концептуал нуқтаи назардан, либерал қарашлар ва ғояларнинг шаклланиши билан бирга юзага келган бўлса-да, улар XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрнинг бошларида, айниқса ҳозир кескин трансформация, ҳатто деформацияга учрамоқда. Мазкур деформацион ўзгаришлар юқоридаги саволни кескин кун тартибига кўяди.

“Тарихий катасрофалар ва бурилишлар, айниқса бутунжаҳон тарихининг маълум даврларида чўққисига чиққанида, деб ёзади рус файласуфи Н.А.Бердяев, доим тарих фалсафаси соҳасида мушоҳадаларга, тарихий жараёнларни қайта англашга, у ёки бу тарих фалсафасини яратишга ундаган...

Бугун нафақат Россия, шунингдек, бутун Европа ва бутун дунё ўзининг катастрофа босқичига кирди. Биз улкан тарихий бурилишлар даврида яшамоқдамиз. Қандайдир янги тарихий давр бошланмоқда. Бутун тарихий ривожланиш суръати ўзгармоқда” [3]

Агар Украина ва Донбасс туфайли Россия билан АҚШ, Европа ўртасидаги тўқнашувларни эсласак, кузатсак, бугун дунё ўзининг навбатдаги катасрофасига рўпара келиб қолганини англаймиз. Бу катастрофа собиқ СССРнинг тарқалиши билан эмас, бизнинг фикримизча, Ғарбда оила институтининг инқирозга учраганлиги билан боғлиқдир. Бу инқирознинг назарий фалсафий асосларини О.Шпенглернинг “Европанинг сўниши” (“Закат Европи”) асаридан қидиришади. Аслида эса, у Ф.Ницше илғаган нигилизм ва бутун Ғарб ижтимоий ҳаётини, дини, ахлоқи ва анъаналарини қайта баҳолашга бориб тақалади. Айнан Ф.Ницше ғарбона турмуш тарзи инқирозга келиб қолганини башорат қилган, илғаган эди. У “бизнинг ахлоқий мулоҳазаларимиз пессимизмга тайёргарлик, ҳаётнинг сўниши ва унга ишонмаслик белгиларидир. Менинг талқиним ахлоқий воқелар йўқ, фақат ушбу воқеларнинг интерпретацияси бор. Интерпретациянинг келиб чиқиши эса ахлоқдан ташқаридадир” [4] Унинг назарида шу пайтгача инсон ҳаётини белгилаб келган кадриятларнинг барчаси “емрилишга тушди”. Нигилизм эшик қоқмоқда, у ҳаммасидан даҳшатли меҳмондир” [5]

Бошқа жойда файласуф “Никоҳ кучли севишга ҳам, чин дўстликка ҳам қодир бўлмаган ўртамеъна кишилар томондан ўйлаб топилган нарса”, деб ёзади [6]. Файласуфнинг бу башорати ўз даврида иллюзия, тўқима кўринган бўлса ҳам кейинги даврларда Европада содир бўлган ўзгаришлар унинг илмий концептуал аҳамиятини тасдиқлади. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, Ф.Ницшеннинг барча нарсаларни “қайта баҳолаш” ғояси XX асрда Ғарбда оила институти дуч келган йирик муаммоларнинг даракчиси эди.

О.Шпенглер оила институтини, тил, ахлоқ, анъаналар, турмуш тарзи кабиларнинг генезисини маданият билан боғлайди. Маданият эса, унинг илмий фалсафий талқинида, инкирозга учраган ва цивилизацияни яратмоқда. Яъни, маданият узоқ асрлар давом этиб келган воқелик, у цивилизация босқичига ўтиши билан бошқа, ғайримаданий воқеликка айланади. Цивилизация эса, худди киши организми каби, туғилиш, ўсиш, камол топиш, кексайиш ва ўлиш босқичларини босиб ўтади [7].

Агар оила институти маданиятнинг бир атрибути бўлиб келган бўлса, цивилизация босқичида унда кескин ўзгаришлар бўлиши табиий ҳолдир. Файласуфнинг илмий концепциясидан келиб чиқсак, оила ҳам цивилизация босқичида мутлақ янги кўринишга ўтади. Лекин файласуф бу ўзгаришлар қандай, нима эканини айтмайди. Баъзан бу жавобни феминизмдан топиш мумкиндек кўринади, гендер тенглик масалалари эса бундай қилишга имкон бермайди. Гендер тенглик, ҳақиқатан ҳам, илгариги даврларда аёлга бўлган муносабатларни тубдан “қайта баҳолайди”, у илгари бўлмаган ижтимоий ҳуқуқий тенгликни аёлга тақдим этади. Унинг кўпгина этномаънавий қадриятлар ва қарашларни рад этиши бугун аён бўлмоқда. Аммо Шарқда оила институтини мустаҳкамлаш масаласи ҳеч қачон бундай кескин кун тартибига қўйилмаган. Шарқ халқлари ҳам оилада турли муаммолар бўлишини рад этмайди, ҳатто унда ажралиш, мулк талашиш масалалари ҳам учраб туради. Шундай бўлса-да, Шарқ кишиси ўзини оиладан ажратмайди, унга қарши чиқмайди, унга оиладан бегоналашиш мутлақо бегона. Нима учун? деган савол уйғонади. Айнан ушбу савол оила институтининг этногенетик ва ижтимоий демографик асосларини, биосоциоантропологик масалаларини ўрганишга ундайди.

“Этногенетик” деганда биз оила институтининг халқ генезиси, яъни этногенез билан боғлиқлигини назарда тутамиз. Этносда шундай хислат мавжудки, у эркак ва аёлни, фарзандларни оиладан ташқарида тасаввур қилолмайди. Уларнинг севинчу ўкинчи, бахту ташвишлари мудом оиласи билан бирга. Шарқ оиласига хос ушбу коммунитаризм нафақат эркак ва аёлни, фарзандларни оила институтига боғлаб туради, шунингдек, унинг ҳаёт йўлини, турмуш тарзини, ҳатто қандай давраларда яшашини ҳам ҳам белгилаб беради. Бу фазилатлар парадигмал аҳамиятга эга бўлиб, улар халқ, миллат шаклланиш жараёнларини камраб олади.

Ўзбек халқининг этногенезига оид фундаментал тадқиқотлар ўтказилган. Бу ўринда аввало академиклар А.Ю. Якубовский, С.П. Толстов, Я.Ф. Гофуров, А.Асқаров ва К.Шониязовларни эслаш ўринлидир [8].

Уларга кўра, ўзбек халқининг этногенези 1,5 - 2 минг йилларга бориб тақалади. XI-XII асрга келиб, А.Асқаров фикрича, ўзбек халқининг этногенези ва ўзбеклар халқ сифатида шаклланади, шу пайтдан унинг этник тарихи бошланади. Бу фикрни академикимиз аниқлаштириб ёзади: “Халқ тарихининг этногенез қисми унинг элат, халқ бўлиб шаклланишига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Этногенезнинг бошланғич нуқтаси, унинг ибтидоси қабиладан бошланади. Агар биз Ўрта Осиёнинг энг қадимги ўтроқ, туб аҳолиси ўзбек ва тожик халқлари мисолида оладиган бўлсак, у ҳолда ўзбек ва тожик халқлари этногенези кишилиқ жамияти тарихий тараққиётининг ибтидоий жамоа тузуми охиридан (сўнгги бронзадан) бошланиб, ривожланган феодал жамиятининг XI асригача давом этади. Этногенез якунида этносга хос бўлган этник белгилар, этник аломатлар биринкетин юзага чиқиб мужассамлашган бўлади. Этник аломатларни эса худудий бирлик, иқтисодий, хўжалиқ бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги, этник ном, ўзликни англаш, тил бирлиги ва ниҳоят сиёсий уюшма бирлиги ташкил этади” [9].

Ўзбек оиласи тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Уни ўрганиш эса биздан катта тажриба ва билимга эга бўлишимизни тақоза этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқидан. – Тошкент. 2021 йил 6 март.

2. Платон. Собрание сочинений. Т. 2. – Москва: Мысль, 2010. – С. 248–249.

3. Бердяев Н. Смысл истории. – Москва: Мысль, 2010. – С. 4.

4. Ницше Ф. Воля к власти. Опыт переоценки всех ценностей (1884 -1888). – Москва: ТОО “Транспорт”, 2007. – С. 97.
5. Ницше Ф. Воля к власти. Опыт переоценки всех ценностей (1884 -1888). – Москва: ТОО “Транспорт”, 2007. – С. 6.
6. Философия в таргическую эпоху. – Москва: REFL book, 2001. – С. 398.
7. Шпенглер О. Закат Европы. – Новосибирск: Наука, 2000. – С. 4–5.
8. Якубовский А.Ю. История народов Узбекистана. В 2 томах. – Тошкент: Изд. АН УзССР, 1950.
9. Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Университет, 2007. – Б. 58.

Наишга проф. С. Чориев тавсия этган

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИХАТЛАРИ

Эшназарова Ф.Ж. (СамДУ)

Аннотация. Мақолада таълимдаги инновацион технологияларни жорий этиш, инновацион технологиялардан фойдаланиш ва таълим тизими учун истиқболли бўлган инновацион таълим технологиялари ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Таянч сўзлар: *инновация, инновацион фаолият, инновацион таълим технологиялари, илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириши.*

Аннотация. В статье представлена информация о внедрении инновационных технологий в образование, использовании инновационных технологий и перспективных инновационных образовательных технологий для нашей системы образования.

Ключевые слова: *инновации, инновационная деятельность, инновационные образовательные технологии, коммерциализация научных и инновационных разработок.*

Annotation. The article provides information on the implementation of innovative technologies in education, the use of innovative technologies and innovative educational technologies that are prospects

Key words: *innovations, innovative activity, innovative educational technologies, commercialization of scientific and innovative developments.*

Ҳар бир янги давр ўзининг ғоялар хилма-хиллиги билан тарихга айланиб улгурган тизимдан инновацион тафаккур тарзи орқали фарқ қилиб боради. Юртимизда таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришларнинг ҳам туб замирида янгича фикрлаш, янгича ғоя яратиш, янгича ишлаш каби жиҳатларни ўз ичига қамраб олмоқда. Бир сўз билан айтганда, инновация деб талқин этилмоқда. Хўш, бу сўзнинг бугунги кундаги моҳият-мазмунини қандай таҳлил этиш мумкин. Бу тушунча Ўзбекистонда кенг қўламли ислохотлар негизида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига кириб келмоқда.

Юртбошимиз томонидан 2017 йил 29 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сонли Фармонининг давлатимиз тараққиётидаги ўрни катта бўлмоқда. Юртбошимиз бу тушунча борасида сўз юритар экан, бугунги кунда “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдида аниқ вазифаларни қўйдик. Бувазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради”¹, деб таъкидлайди.

Ушбу Фармоннинг жамият тараққиёти учун нақадар долзарблиги, ҳар бир соҳа учун зарур инновацион ғояларни амалиётга тадбиқ этиш, замонавий техника ва технологияларни яратиш, назарияни фан ва ишлаб чиқариш билан уйғунлаштирган ҳолатда инновациялар

¹Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон, 2-жилд, 2018. – Б. 188.

ривожига асосий эътиборни қаратиш борасида етарлича ишлар амалга оширилмаётганлиги ва бир қатор муаммолар ечимини қутаётганлигини қуйидагича таъкидлаган эдилар:

“биринчидан, давлат дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан ва инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденцияларини лозим даражада комплекс таҳлил қилиш ва ўрганиш мавжуд эмас, бунинг оқибатида мазкур дастурлар аксарият ҳолатларда муаммоларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган ҳамда узок муддатли ривожланиш масалаларини ҳал этмаяпти;

иккинчидан, фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишнинг ҳозирги аҳволи инновацион ғоялар ва ишланмаларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва амалий жорий этиш учун лозим даражадаги шароитларни таъминламаяпти;

учинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни таъминловчи ягона органнинг мавжуд эмаслиги, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиши фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ интеграциялашишига имкон бермаяпти, бу эса ўтказилаётган изланишларнинг самарадорлигини пасайтирмақда;

тўртинчидан, юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни биринчи навбатда жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича фаолиятни ташкил этишдаги камчиликлар технологик қоқоқликка ва инновацион товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг чекланганлигига олиб келмоқда;

бешинчидан, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ҳамда инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этишда алоҳида ҳолатлардаги тор идоравий манфаатларнинг устунлик қилиши бюджет маблағларидан нооқилона фойдаланишнинг сабабларидан биридир;

олтинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликни татбиқ этишга, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмаяпти;

еттинчидан, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳасида юқори тажриба ва салоҳиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорлик, шунингдек, улардан бутун мамлакат фани, саноати ва иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиш паст даражада сақланиб қолмоқда”¹.

Мазкур муаммолар бугунги кунда бевосита жамиятда фалсафий ғояларни ривожлантиришга ҳам тааллуқли бўлиб, комил инсонни тарбиялаш жараёнида ижтимоий инновацияларни ҳам қўпайтиришни талаб этади.

Мамлакатимизда таълим соҳасида кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва мустақил фалсафий мушоҳада юритишга ўргатишдан иборатдир. Мана шу жараёнда таълимнинг барча бўғинларига кириб келаётган инновацион технологияларнинг моҳиятини чуқур англаб етиш, ҳар бир инновацияга нисбатан таълим олувчида эркин ижодий тафаккурни шакллантириш долзарб масалага айланиб бормоқда. Бугун биздан талаб этилаётган таълим бевосита илм-фанга асосланиши, унда ижтимоий муҳит учун хизмат қиладиган ишлаб чиқаришнинг акс этиши муҳим аҳамият касб этади. Биз таълимга инновацион технологияларни олиб кираётган эканмиз, аввало уларнинг инсон ва унинг манфаатлари учун қанчалик долзарблиги, жамият билан қандай интеграциялашганига эътибор беришимиз лозим.

Жамиятда таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш асносида ёшларимизда теран фалсафий тафаккур, илмий мушоҳадага чорловчи инновацион ғояларнинг шаклланишига шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Бунинг учун узлуксиз таълим тизимидаги ўзаро алоқадорликни шакллантириш, барча соҳалардаги сингари таълим тизимининг ҳам амалий аҳамият касб этиш жараёнларига эътибор қаратишимиз лозим. Бу борада юртимизда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 29 ноябрда ПФ-5264-сонли Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5264/0339-сон).

таълим соҳасида амалга оширилаётган инновацияларнинг кундан-кунга долзарблашиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Таълимдаги бундай тубдан янгиланаётган ўзгаришларда фалсафий фанларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини унутмаслигимиз даркор. Табиий ва аниқ фанлар жамиятдаги ишлаб чиқаришга инновацияларнинг кўпроқ олиб кирадиган бўлса, фалсафий фанлар жамиятни бошқаришда, инсоннинг онгли равишда маънавий тараққиёт даражасига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам инновацион технологияларнинг таълим тизимидаги ўрнини кўрсатиб беришда ҳам фалсафий мушоҳадага таяниш, ижтимоий муҳит учун яратилаётган янгиликларнинг қай даражада хизмат қилиши масалаларини ҳам чуқурроқ англаш лозим.

Фалсафий ғоялар жамият тараққиётида ўзига хос локомотив вазифасини бажариб келадиган, воқеликнинг долзарб муаммоларига ечим топишга қаратилган муҳим қарашларни ифодалайди. Айниқса, бу ғоялар инновацион технологиялар билан уйғунлашган ҳолда намоён бўладиган бўлса, бунда бевосита амалий характер касб этиб, инсонларнинг турмуш тарзини ўзида акс эттиради. Жамиятдаги фалсафий тафаккурнинг замон талаблари асосида моденизациялашиб бориши асосида эса миллийлик ва умуминсонийлик долзарблашиб, миллий ғоя, миллий мафкура, миллий қадриятлар, миллий ўзликни англаш, миллий тафаккур каби тушунчаларнинг роли ошишига олиб келади.

Жамиятда фалсафий ғояларнинг модернизация қилиниши асосида жамият тараққий этиб боришига хизмат қиладиган инновацион тафаккурни шакллантириш муҳим ижтимоий характер касб этади. Ҳар бир соҳадаги инновация унғача бўлган кўриниш ва дунёқарашдан инсонга хизмат қилиш нуқтаи назаридан ҳам фойдали, ҳам самарали, ҳам узоқ муддат яшаши керак. Жамиятда қачонки юксак инновацион технологияларга асосланган таълим тизими кенг ва бегараз рақобат муҳитида ривожланса, ўшандагина кўзлаган мақсадларимиз ва орзу истакларимизни рўёбини тезроқ кўраимиз. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган ислохотларида биринчи навбатда таълимда “портлаш эффекти” содир бўлиши масаласи ўртага ташланмоқда. Таълимнинг қайси бўғини бўлишидан қатъий назар бундай ижобий эффектларнинг купайиши аста-секинлик билан таълим соҳасида кенг қулоч ёйишига ва натижада таълимда иновацион тафаккурнинг сифат ва самарадорлигини ошишига олиб келади. Мана шундай тизимни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиздан кўзланган мақсад ҳам бевосита ёшларни ҳар томонлама комил ва баркамол шахс бўлиб вояга етишларига қаратилгандир.

Ҳар бир фан доирасида инновацион технологияларнинг жамият ривожини учун ўзига хос кўринишлари доимо шаклланиб боради. Шу боисдан бошқа фанлар сингари фалсафа фани ҳам ўз фалсафий ғояларини воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиради. Бундай ғоялар айни пайтда Ўзбекистоннинг юксак технологиялар билан уйғун тарзда халқнинг маънавий оламини бойитиши, ҳар бир фуқарода шу ватаннинг келажаги учун хизмат қилишга қаратилган фалсафий тафаккурни шакллантириши даркор.

Узлуксиз таълим тизимидаги инновацион технологияларнинг фалсафий ғоялар билан уйғунлигини таъминлашда маънавий асослари, одобнома, миллий ғоя, фалсафа, диншунослик, фуқаролик жамияти каби фанларнинг ўрни катта саналади. Бу фанлардан дарс берадиган ўқитувчининг касб маҳорати, билим даражаси, ҳозиржавоблик, мушоҳада қобилияти, тингловчини ўзига жалб қилиш психологияси муҳим аҳамиятга эга. Биз бугун таълим тизимида ана шундай инновацион фалсафий ғояларни ёшлар онгига чуқур синдира оладиган, миллий ғоя руҳида тарбияланган кадрларни тайёрлаш масаласига асосий эътибор қаратишимиз лозим. Таълимдаги ижобий ўзгаришларнинг сифат ва самарадорликка таъсирини барчамиз яхши англаб етишимиз, айниқса, ёшларни мустақил фикрлашга, ўзининг нутқини суҳбатдошига аниқ ва раvon тарзда етказиб берадиган қилиб тарбиялашимиз керак. Шундай экан, Ўзбекистонда таълимнинг янгича механизмларини яратиш, жамиятда янгиликка, илмий кашфиётлар қилишга, замонавий фалсафий ғояларни ҳаётга тадбиқ этишга қодир кадрларни тайёрлаш, уларнинг жаҳон майдонларида ўзларига муносиб ўрин эгаллашларига замин яратиб беришимиз зарур.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, бу масалани инновацион технологиялардан фойдаланмасдан амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш, шунингдек тезкор алмашилиш ва ахборот технологияларини такомиллаштириш жараёнида ҳар бир ўқитувчи ўзининг касбий тайёргарлигини, педагогик маҳоратини ривожлантириши керак. Маълумки, тараққиёт учун ҳаётда содир бўлаётган жараёнларга ўз таъсирини ўтказишда жамиятни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий янгилашнинг муҳим субъекти бўлган ёшларни тарбиялаш муҳимдир. Узлуксиз таълим – бу чуқур, ҳар томонлама асосли ўрганиш, ўқитишнинг турли шакллари, услублари, воситалари, усуллари ва соҳаларининг мукамал комбинацияси ҳисобланади. Ҳаётини таълим сифатининг турли хил таркибий қисмлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги маълум услуб ва усуллари ўқув жараёнига оқилона татбиқ этишни таъминлайди. Таълимнинг барча босқичларидаги умумий педагогик ва дидактик эҳтиёж талабаларнинг дастурий билимлар, ғоялар ва кўникмалар асосида мустақил ишларининг самарадорлигини ошириш, илмий фикрлашга, ўқув интизомига қизиқишни ошириш, касбий билимларни чуқурлаштириш, уларнинг таълим ва когнитивлигини оширишдир. Талабанинг ўқув жараёнидаги фаолияти педагогика билан бирга бошқа фанлар жумладан, фалсафий фанларнинг ҳам объектига айланди.

Жаҳон педагогик тажрибаси шуни кўрсатадики, замонавий педагогик технологиялар талабаларни фанларга қизиқиш, мустақил ишларда фаоллигини ошириш имконияти чексиздир. Таълимнинг долзарб вазифаси – ўқувчиларни доимий равишда ўзгариб турадиган ахборот-таълим муҳитида мустақил ишлашга, ахборот оқимларидан оқилона фойдаланишга ўргатиш ҳисобланади. Бунда талабанинг доимий равишда мустақил ишлаши учун имконият ва шарт-шароитлар яратиш зарур. Бунинг учун, аввало, таълим тизимининг барча шаклларидаги муассасаларда ўқув жараёнини янги, илмий, услубий ва замонавий методика билан таъминлаш зарур. Замонавий таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири бу ёш авлодни ўқитишнинг мақсадлари, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига мувофиқ равишда фан, техника ва илғор технологиялар ютуқларидан самарали фойдаланишдир. Таълим муассасаси ўқув жараёнини самарали кечиши учун шароит яратади. Ўқув жараёнида талабаларнинг фаоллигини, билим олишга бўлган эҳтиёжлари ва қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор ўқитувчининг фаолияти учун жавобгардир. Таълимнинг барча бугунларида самарадорликка йўналтирилган дастурларни жорий қилиш керак. Улар ўз соҳалари бўйича билимларни пухта эгаллашлари билан бир қаторда янги инновацион технологиялардан самарали фойдалана оладилар. Инновацион технологияларни ўқув фаолиятида қўллаш учун барча фан ўқитувчиларининг педагогик ва ахборот технологиялари, интерфаол усуллар бўйича малакасини доимий равишда ошириш, шунингдек, олган билимларини амалда қўллаш кўникмасини шакллантириш зарур. Маълумки, анъанавий таълим ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатади. Ушбу усул ўқувчиларда мустақил фикрлаш, меҳнат қилиш, ижодий изланиш, ташаббускорлик кўникмаларини ривожлантириш учун катта имконият бермаслиги аниқ.

Таълим жараёнида фан, техника ва инновацион технологияларни ривожлантириш натижасида интерактив усуллардан (инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан) фойдаланган ҳолда таълим самарадорлигини оширишга қизиқиш ва эътибор кун сайин ортиб бормоқда. Муаммоли таълим технологияси бу ўқув материални ўқувчининг онгида илмий изланишларга асосланган ҳолда ўқитишга қаратилган бўлиб, вазифалар ва муаммоларни яратади. Оқибатда таниқли олим Ф.Фуқуяма таъкидлаганидек ўқув жараёнида талабанинг ақлий фаолиятида уни объектив излашга ва мантикий тўғри илмий хулосалар қилишга ундайдиган муаммоли вазиятлар юзага келади¹. Бугунги кунда таълим тизимида бўлаётган инновацион ўзгаришлар кўплаб тизимдаги муаммоларни ҳал этибгина қолмасдан, эртанги келажак таълими учун жонкуяр ёшларни тарбиялаш билан бир қаторда

¹Фрэнсис Фукуяма: Великий разрыв. Часть I. Великий Разрыв. Глава 1. (gtmarket.ru)

ўзининг мантиқий тафаккурига, мустақил фикрга эга, янги маълумотлар тўғрисидаги олинган ва олган билимларини эркин равишда баҳолайдиган, зарур қарорларни ўзи мустақил қабул қиладиган ёш авлод шаклланмоқда. Шу сабабли, Янги Ўзбекистонда таълимнинг барча буғинларида инновацион таълим услубларидан фойдаланиш, яъни интерактив методларнинг ролини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Таълимда инновацион технологияларни ривожлантиришдаги яна бир муҳим имконият бу “инсон капитали” ҳисобланади. Ҳозирда дунёнинг деярли барча мамлакатлари ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш борасида бир хил муаммоларни ҳал қилиш зарурати билан дуч келмоқдалар. Барча тўпланган “инсон капитали”дан максимал даражада фойдаланиш вазифаси ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди, чунки сайёрада яшовчи барча одамларнинг изчил ривожланиб бориши учун ўқитишнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Шу билан бирга, ҳатто юқори даражада ривожланган мамлакатларда ҳам юз берадиган бошланғич ва функционал саводсизликни йўқ қилиш каби долзарб муаммо ҳал қилинмаган. Бу борада бизда вазият анча яхши эканлигини қайд этиш мумкин. Масалан, бизда ёшларнинг саводхонлик даражаси 98 фоизни хотин-қизларнинг саводхонлик даражаси 99,98 фоизни ташкил этиб, бу дунёда энг яхши кўрсаткичлардан бири ҳисобланад¹. Бу имкониятнинг муҳимлиги таҳсил олаётган ёш ён атрофдан, айниқса, ота- онасидан ёрдамга муҳтож бўлади. У ўқиши, тушуниши билан боғлиқ муаммони ота-онасига айтади. Бу вазиятда ота-она ўқимишли бўлса масалани моҳиятини тушуниб фарзандига тўғри йўналиш кўрсата олади. Ундан ташқари, ота-она ҳар жиҳатдан фарзанд учун намуна бўлиши таълим самарадорлигини гарови ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам ота-онанинг саводхонлиги муҳим ўрин тутди.

Яна бир имконият инновацион технологияларни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг юритилаётганлиги ҳисобланади. Айнан ана шу масалага устуворлик берилиши мақсадида бизда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. 2021 йил 16 июнда Президентимиз томонидан ОТМлар фаолияти ва истиқболлари билан боғлиқ селектрда ҳам таълимда инновацион технологияларни кенг жорий қилиш масаласи устувор вазифа сифатида кўйилди. Айнан ана шу Вазирлик бугунги кунда ҳар қандай инновацион ёндашувни рағбатлантиришга ва бу борадаги давлат сиёсатини амалиётга тадбиқ қилишга бел боғлаган. Бу борадаги соҳалар кесимидаги фаолиятни координация қилиб бормоқда.

Таълимда инновацион технологияларни ривожлантиришда яна бир имкониятимиз бу борада халқаро ҳамкорликни йўлга қўйилганлиги ҳисобланади. Ўзбекистонда Европа иттифоқининг Эрасмус Мундус, Эрасмус+, Темпус, Жон Мане лойиҳалари, Япониянинг Жайка лойиҳаси, АҚШнинг Фулбрайт лойиҳаси, Ҳиндистоннинг Айтек лойиҳаси, Жанубий Кореянинг давлат лойиҳалари самарали фаолият юритиб келмоқда. Бундай лойиҳалар орқали ОТМларда академик мобиллик ва уларни моддий-техника базасини ривожлантириш имконияти шаклланмоқда. Бундан ташқари, хорижнинг илғор инновацион технологияларини юртимизга жорий қилиш бўйича тажриба алмашиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Хуллас, доимий тараққиётда бўлган жамият таълим орқали келажакни ўз олдига қўяди ва у орқали янги ХХI аср тенденциялари ҳамда зиддиятлари билан боғлиқ янги талабларни амалга оширади. Уларга қуйидагилар қиради:

• ўрганиш, яъни инсоннинг билим даражасини доимий равишда ошириш қобилияти, фаолиятнинг янги турларини, шу жумладан профессионализмни ўзлаштириш бу узлуксиз таълим тизими орқали амалга оширилиб, бу борада бизда ҳуқуқий асослар шакллантирилган;

• интеллектуал ва жисмоний ривожланиш, янги технологияларни ўзлаштириш ва соғлиғини сақлашда муваффақиятни таъминлаш. Буни таълим билан боғлайдиган бўлсак миллатни генофонди масаласи ҳисобланади;

¹Сенат: Ўзбекистонда хотин-қизларнинг саводхонлик даражаси 99,98 фоизни ташкил этади (kun.uz)

• ижодкорлик, яъни нафақат таълим жараёнида, балки келажакдаги касбий фаолиятда ҳам ижодий фикрлаш ва ҳаракат қилиш қобилияти бўлиб, кўплаб тадқиқотчилар собиқ совет таълим тизимининг катта камчиликларидан бири ижодкорлик руҳияти сингдирилмаганлигида деб ҳисоблашади.

• маънавият, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва бағрикенглик.

Турли халқларнинг педагогик меросида умумийлик ўхшаш, кўп нарса бор, бу миллийлик орқали ифода этилган бутун инсоният идеаллари, манфаатлари, эҳтиёжлари яқинлигидан далолат беради. Инсоният тарихи давомида ягона жаҳон таълим майдони яратилган бўлиб, унинг доирасида доимо билим, тажриба, ютуқлар ва таълим ва тарбия даражасини яхшилашга интилишлар алмашинуви мавжуд. Ҳар қандай таълим муаммоси умуминсоний хусусиятга эга ва дунёнинг барча халқлари учун умумий аҳамиятга эга.

Умуман олганда, бизда таълимда инновацион технологияларни жорий қилишда ўзига хос имкониятларимиз мавжуд. Улардан самарали фойдаланиш соҳада кординал ўзгаришларни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сон Фармони // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5264/0339-сон).

2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон, 2-жилд, 2018. – 188 б.

3. Фрэнсис Фукуяма: Великий разрыв. Часть I. Великий Разрыв. Глава 1. (gtmarket.ru).

4. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент.: Fan va texnologiyalar, 2010. – 83 б.

5. Ишмухаммедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: Адабиёт учқунлари, 2017. – 200 б.

6. Сенат: Ўзбекистонда хотин-қизларнинг саводхонлик даражаси 99,98 фоизни ташкил этади (kun.uz).

7. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари. – Тошкент, 2015. – 208 б.

8. Қулдошев А. Фалсафа фанини ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш. Услубий қўлланма. – Самарқанд, 2019. – 234 б.

Наширға проф. С.Чориев тавсия этган

КАМБАҒАЛЛИКДАН ҚУТИЛИШДА “МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Алиев Б. (Тошкент давлат иқтисодиёт университети),
Алиев Т. (Шайхонтахур тумани ҳокимияти)

Аннотация: мазкур мақолада камбағаллик нима ва ундан қутилишнинг халқаро тажрибаси, муаммонинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, “маҳаллабай” ишлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ва камбағалликни қисқартиришда ечим кутаётган долзарб масалалар ҳақида маълумотлар, таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: камбағаллик, иқтисод, режа, кам таъминланган оилалар, даромад, институционал тизим.

Аннотация: В данной статье представлены информация и предложения о том, что такое бедность и международный опыт ее преодоления, социально-экономические последствия проблемы, намеченные меры для «соседской» работы и актуальные вопросы по сокращению бедности.

Ключевые слова: бедность, экономика, план, малообеспеченные семьи, доход, институциональный.

Annotation: This article provides information and suggestions on what poverty is and international experience in overcoming it, the socio-economic consequences of the problem, the measures identified for "neighborhood" work and current issues in poverty reduction.

Keywords: poverty, economy, plan, low-income families, income, institutional.

Кириш

Камбағаллик сўзи кейинги йилларда кенг қўлланила бошланди. Давлат томонидан бу ижтимоий масала устувор вазифа сифатида қаралиб, унинг бартараф этиш механизмлари тизимли равишда ишга туширилди.

“Инсон қадри” тамойили асосида ислохотлар олиб бораётган Янги Ўзбекистон стратегиясида камбағалликка барҳам бериш устувор вазифа ҳисобланади. Чунки, аҳоли орасида камбағал қатламнинг кўпайиши ёки йўқолмаслиги жиноятчиликнинг ўсишига, ҳаёт кечиришнинг жинойий аломатлари кенгрок тус олишига олиб келади.

Камбағалликни яна бир салбий оқибати аҳоли соғлиғининг ёмонлашуви, турмуш даражасининг пастлиги ва паст даромадли оилалар кўпайишига салбий омил бўлади. Режасиз ва тўйиб овқатланмаслик, санитар назорат юритилмаслик, кам таъминланган оилаларга тиббий хизматни ўз вақтида кўрсатилмаслик, дори-дармон олишга уларнинг молиявий ресурслари етишмаслиги билан тавсифланади.

Камбағаллик ишсизлик ва бекорчилик, таълим олишга лаёқатсизликни келтириб чиқариб, алкоголизм ва гиёҳвандликнинг ўсишига ҳам бевосита таъсир этади. Бундан ташқари, камбағаллик одамни турли хил девиант хатти-ҳаракатлар содир этишга, ҳатто ОИТСнинг кўпайишига олиб келади.

Жамиятда ижтимоий тенгсизлик ва табақаланиш, қонун бузилиш ҳорлатларини ҳам камбағалликнинг юқори даражаси содир этилишига олиб келади. Бу қатлам кенг қулоч ёйиб бораверса, фуқароларнинг давлатга ишончининг камлиги ва кам даромадли гуруҳларнинг мавжуд муаммоларини ҳал қилишга қодир эмаслиги билан баҳоланади.

Таҳлил

Хўш камбағаллик қаердан пайдо бўлади? Одатда баъзи давлатларда аҳоли қашшоқ, камбағал ва бой каби қатламларга табақаланиб ўрганилади. Бизда эса, фақат бой ва камбағал шакли мавжуд.

Тўғри, қадим-қадимдан бой ва камбағал тушунчаси яшаб келган, лекин демократик давлатларда бу тавофут ҳозирги замонда анча қисқарган, ҳатто иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳоли турмуш даражаси ошиши ҳисобига бу термин мутлақо қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилишида камбағаллик даражаси чуқурлашиб кетганлигини айтиб, “...биз шу пайтгача аксарият фуқароларимиз ҳақиқатан ҳам камбағал эканини кўриб-кўрмасликка, эшитиб-эшитмаганликка олдик. Бу нотўғри. Афсуски, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, халқимизнинг 4-5 фоизи камбағал экани аниқланди. Энди яшириш керак эмас, оғир шароитларда яшаётган одамларимизнинг асл муаммоси, вазиятини тушунишимиз, барча тоифадаги раҳбарлар дунёқарашимизни ўзгартиришимиз лозим бўлади. Биздаги маълумотларга кўра, Қашқадарё вилояти камбағаллик муаммоси бўйича энг оғир ҳудуд ҳисобланади. 700 минг аҳоли камбағал. Бу жами аҳолининг қарийб 21 фоизини ташкил этмоқда. Бу вазиятда Қашқадарёда раҳбарлар бир жойда ўтириши мумкин эмас. Одамларимизни бундай оғир шароитдан қандай чиқариб оламиз, деган саволни ўзига бериши лозим.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида 500 минг, Сурхондарё вилоятида 500 минг, Наманган вилоятида 400 минг, Жиззах вилоятида 210 минг ва Сирдарё вилоятида 130 минг аҳоли камбағал. Бу рақамларни маҳаллалар кесимида олсак, янада оғир рақамларга гувоҳ бўламиз. Масалан, Паркент туманининг «Янгиобод» маҳалласида 1039 нафар кам таъминлаган ва камбағаллар бор. Олтинсой тумани «Миршоди» маҳалласида 906 нафар, Бойсун тумани “Тўда” маҳалласида 504 нафар фуқароларимиз оғир аҳволда яшаётганини” деган таъкидлари Ўзбекистондаги камбағаллик ҳолатини ўрганиш аниқ чора-тадбирларни талаб этади¹.

¹ «Халқимизга балиқ эмас, қармоқ беришимиз керак»... kun.uz/13527130

Бунда ривожланган давлатларни тажрибасини ўрганиш ўта муҳим масала. Шу билан бирга, биз учун муҳим томони, камбағаллик ҳолатини тўлиқ тугатиб бўлмайди, балки уни даражаси ва ҳажмини иложи борица камайтириш мумкин. Бу давлат ва жамиятнинг сиёсати ва фаолиятига мутлақо боғлиқ эмас. Бу эса, жамият ва давлатга камбағалликни негатив таъсирини камайтириш бўйича чораларни доимий равишда олиб боришни тақозо этади.

Хусусан, бу ижтимоий муаммодан сезиларли кутилаган Жанубий Корея юқори даражада ривожланган саноат ва қишлоқ хўжалиги мамлакати бўлиб, унинг саноати сўнгги бир неча ўн йилликларда яхши ўсиш динамикасини кўрсатди.

Шу туфайли Жанубий Корея иқтисодиёти жадал ривожланди. Бу мамлакат мисолида, газ, нефт ва бошқа фойдали қазилмаларга эга бўлмаган, ўқимаган, қашшоқ аҳолиси бўлган давлат гуллаб-яшнаши мумкинми, деган саволга туғилади?

Ҳа, Жанубий Корея тажрибаси билимга асосланган институционал иқтисодиётни босқичма-босқич қуриш имкониятини тасдиқловчи бир қатор асосий хусусиятларга эга бўлди. Фойдали қазилмалари йўқ, мамлакат қашшоқ, шу сабабли, замонавий иқтисодиёти деярли бутунлай чет элдан фойдали қазилмалар импортига боғлиқ ҳозирда 51,6 миллион аҳолиси бор Жанубий Кореянинг қашшоқликдан қутқариш учун 1980 йиллар бошида кенг кўламли иқтисодий ислохотларни амалга оширди. Айниқса, 1980 йилларнинг охирига келиб, Жанубий Кореянинг конгломерат компаниялари Ғарб компаниялари билан жиддий рақобатлаша бошладилар. Ўшандан бери мамлакат жаҳон бозорини тизимли равишда забт этиб келмоқда¹.

Жанубий Корея иқтисодиёти бугунги кунда ўсишни кўрсатаётган бўлса-да, 2019 йилга қараганда камроқ. Машҳур Моодйёс корпорациясининг прогнозларига кўра, 2019 йилда бу кўрсаткич қиймати 2,3 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йил охирида бу кўрсаткич 2,7 фоизга етган. Аммо 2020 йилда салбий динамика ижобий динамикага алмаштирилди, ўсиш 2,5% ни ташкил қилди.

Одамлар фаровонлик билан боғлиқ муаммоларни мустақил ҳал қилиш учун қандай манбаларга муҳтож? Биринчидан, иқтисодий манба, яъни оила ҳаётига алоҳида зарар етказмасдан сотилиши ва нақд пулга айлантирилиши мумкин бўлган мулк, даромаднинг табиати, оилада камида бир йил яшаши учун етарли маблағларнинг мавжудлиги.

Иккинчидан, таълим ва малака кўрсаткичлари тўплами сифатида ҳисобланган малака манбаси, фуқароларнинг меҳнат бозорида устун мавқега эга бўлиш имкониятларини оширадиган ёки аксинча, пасайтирадиган хусусиятларни ҳисобга оладиган биологик ресурс - соғлиқ даражаси, жинси ва ёшини ҳисобга олиб прогнозлар ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Шундай қилиб, "даромадлар камбағаллиги" ни эмас, балки ҳақиқий камбағаллик билан курашиш муаммоси, бир томондан, уларни сарфлаш хусусиятлари ва бошқа томондан мавжуд ресурсларнинг ўзига хос имкониятларини ҳисобга олишдир. Ва бу бир хилликдан узоқ бўлган ҳамда ижтимоий сиёсатнинг тубдан фарқ қиладиган оқибатларини келтириб чиқарадиган камбағаллик сабабларини батафсил тушуниш зарурлигини англатади.

Айтиш мумкин-ки, камбағалликни тамомила йўқотиб бўлмаган тақдирда ҳам қисқартириб бориш зарур. Бунда камбағалларда иқтисодий фаолликни уйғотиш ва камбағалларни ялқовликдан фориғ этиш талаб қилинади. Муҳими, камбағалларга ишлаб пул топиб, тўқ яшашига шароит ва имконият яратиш керак.

Шу билан бирга, камбағалларга давлатнинг ва корхоналарнинг моддий ёрдам беришини ташкил этиш. Бу восита зарур бўлса-да, боқимандалик кайфиятини туғдириб, фаолликка ундамайди. Шу сабабли бу йўл ўзини ўзи боқишга қодир бўлмаган кишиларга, масалан, ногиронларга ва кўп болали оилаларга нисбатан танланган ҳолда қўллаш фойдали. Ижтимоий ёрдам узоқ вақт ишсиз қолганлар, касбини йўқотганларга ҳам берилишини назорат қилиш керак.

¹ uza.uz/oz...zhanubiy-koreya-tazhribasiga-asoslangan...

Негаки, ихтиёрий равишда камбағалликни танлаб олиниши ҳам бор бўлиб, улар тасодифий даромад, ҳомийлар ёрдами ҳисобига яшаб бекор юришни афзал кўрадилар, масалан, бошпанасиз, ишқмаслар.

Одатда бойлар, ўртаҳоқлар ва камбағаллар сони ўзгариб туради. Иқтисодиёт ривожланган сари камбағаллар ўртаҳоқларга, ўртаҳоқлар бойларга айланиб боради. Иқтисодиёт инқироз кезларида акси юз беради. Масалан, 2008-2012 йиллар рецессия пайтида ер юзидаги камбағаллар сони 120 миллион кишига кўпайди. Айни пайтда ўртаҳоқлар сони қисқарди.

Аҳолининг табақаланиши табиий бўлса-да, унинг чегараси бор. Камбағаллик кўпайиб кетса норозилик кучаяди, тўқнашувлар келиб чиқади, натижада ижтимоий мувозанат бузилади. Шу сабабли давлат тенгсизликни тартиблаб туриши зарур бўлади.

Ҳозирги даврда камбағаллик чегараси бир киши учун суткасига 3,2 АҚШ доллари миқдорига белгиланган. Агар бу миқдорни бир киши учун бир ойда 96 АҚШ доллар (МБ расмий курси бўйича 918 минг сўм) ташкил этишини ҳисобга олсак, Ўзбекистон оилалари ўртача сони 4,6 кишини ташкил этиши ва бу чегара бир оила учун 441,6 АҚШ (МБ расмий курси бўйича 4 млн 223 минг сўм) долларини ташкил этиши керак. Айни пайтда аҳолининг пул даромадлари билан бирга, натурал даромадлари ҳам бор. Натурал даромадларни тўлиқ статистик ҳисобга олиш имконияти чекланган. Агарда аҳолининг умумий даромадлари таркибида натурал даромадлари 15-25 фоизни (асосан қишлоқ туманларида) ташкил этишини ҳисобга олсак, ўртача 4,6 кишилик оила учун натурал даромадларни пулга чақиб, ҳисобласак мос равишда (4 223 000-633 450 (15%)) 3 миллион 598 минг 550 сўм ёки (4 223 000-1 055 750) 3 миллион 167 250 сўмни ташкил этиши керак. Демак, Ўзбекистон камбағаллик даражасини аниқлашда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўзининг миллий камбағаллик чегарасини белгилаб олиши талаб этилади.

Жанубий Кореяда эса, 20-асрда "чаеболс" (саноат ва молиявий гуруҳларнинг шакллари) ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлади. Шу билан бирга, ушбу конгломератларнинг иерархик тузилиши ички рақобатни чеклаб қўйди¹.

Шунга қарамай, Республика(ЖК) ҳукумати хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солишга қаратилган асосий ҳуқуқий, ижтимоий ва сиёсий қоидалар мажмуасини ишлаб чиқишда сезиларли ютуқларга эришди. Бунинг бизнес юритиш қулайлигини тавсифловчи Доинг Бусинесс рейтинг маълумотлари тасдиқлайди: Корея Республикаси 2019 йилда 5-ўринни эгаллади. Бу рўйхатда жами 190 та давлат бор эди.

Яқин келажакда ташқи таъсирларга мойиллик нуктаи назаридан Кореяда қандай иқтисодиёт бор, деган савол контекстида давлат қарзининг ҳажмини билиш керак. 2019 йил якунларига кўра, у 18 миллиард долларга ошиб, рекорд даражадаги 598,9 миллиард долларга етди.

Шу билан бирга, давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражаси паст – 38,2 фоизни ташкил этади. Таққослаш учун: АҚСҲда бу кўрсаткич 2019 йил ўрталарида 109,45% ни ташкил қилади.

Жанубий Корея ҳукумати кўп миллиард долларлик давлат қарзи мамлакат иқтисодиёти барқарорлигига таҳдид солмаслигини таъкидлади. Гап шундаки, 2019 йилда бюджет 28 миллиард доллар профицит билан чиққан. Давлат қарзи эса Молия вазирлиги томонидан облигацияларни жойлаштириш ҳисобига ошди.

Шундай қилиб, аҳоли фаровонлигига эришишга интилган Жанубий Корея Республикаси иқтисодиёти фаол ривожланмоқда. Давлат миқёсида амалга оширилаётган муваффақиятли ислохотлар ялпи ички маҳсулотнинг муттасил ўсишига хизмат қилмоқда ва бунинг натижасида мамлакатда яшаб, меҳнат қилаётган аҳоли турмуши яхшиланмоқда.

Саноат асосан хорижга етказиб бериш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Бундай фаолиятни рағбатлантириш учун ҳукумат бир қатор чора-тадбирларни амалга

¹ spravochnick.ru/ekonomika...ekonomicheskogo...yuzhnoy...

оширди. Хусусан, экспорт ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи компания ва корхоналар учун солиқлар камайтирилди.

Миллий статистика бошқармаси томонидан эълон қилинган 2019 йил якунларига кўра, иш билан банд бўлганларнинг умумий сони 26,82 миллион кишини ташкил қилган. 2017 йилга нисбатан иш ўрни 97 мингга кўп.

Бу ўсиш 2009 йилдан бери энг паст кўрсаткичдир. Жанубий Корея аҳолисининг бандлиги меҳнатга лаёқатли аҳоли умумий сонининг 60,7 фоизини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 0,1 фоизга камайди. Ишсизлар сони 1,73 миллион кишига ёки меҳнатга лаёқатли аҳолининг 3,8 фоизига етди. Бу 2000 йилдан бери ушбу кўрсаткичнинг энг юқори кўрсаткичидир.

Биргина 2019 йилнинг ўтган ойида чакана савдода иш ўринлари сони 63 мингга, ишлаб чиқариш соҳасида эса, бир қатор автомобилсозлик корхоналарини таркибий ўзгартириш ва кемасозлик саноатининг қисқариши ҳисобига 127 мингга камайди. Шу нуқтаи назардан, 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги ишсизлик 2017 йилга нисбатан 0,6 фоизга камайиб, 8,6 фоизни ташкил этгани сирли оптимизмдир.

Ҳукумат прогнозларига кўра, яқин 7 йил ичида мамлакат аҳолисининг қисқариши бошланади. Дунёда ўн биринчи иқтисодийнинг меҳнат ресурслари йил сайин камайиб боришини ҳисобга олсак, Жанубий Кореянинг ривожланиш истиқболлари унчалик ёрқин эмас. Аслида, бу муаммо G20 давлатларининг 80 фоизи учун долзарбдир.

Биз бир қизиқ жиҳатга эътибор қаратамиз. Юқорида айтилишича, Япония Корея Республикасига электроника саноати учун ноёб материаллар етказиб беришни чеклаган. Корея халқининг бу чораларга муносабати дарҳол бўлди: улар ўз ватандошларини нафақат япон ишлаб чиқарувчиларини бойкот қилишга, балки Японияга сайёҳлик сафарларини рад этишгача қақаришди.

Аммо Жанубий Кореянинг қўшни давлатлар билан савдо алоқалари яхшиланганига ҳам мисоллар келтириш мумкин. Шундай қилиб, 2019 йилда Жанубий Корея-Хитой савдо айланмасининг 13,7 фоизга ўсиши қайд этилди. Шу билан бирга, Корея Республикасидан Хитойга экспорт ҳажми 50,3 миллиард долларни ташкил этди.¹

Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, 2016 йилда Жанубий Кореянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо ҳажми Корея умумий экспортнинг атиги 0,33 фоизини ва жами импортнинг фақат 0,06 фоизини ташкил қилди. Марказий Осиё мамлакатларининг Жанубий Кореяга барча экспорти асосан хом ашёдан иборат бўлиб, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. 2019-йил ўрталарига келиб, Жанубий Корея иқтисодий ривожланиш бўйича дунёда 11 ўринни эгаллаб турибди.

Минтақада энг йирик Корея диаспорасига (200 мингга яқин) эга бўлган Ўзбекистон Марказий Осиёнинг бешта давлати орасида Корея товарларининг энг йирик импортчиси ҳисобланади (2015 йилда импорт ҳажми 1,28 миллиард АҚШ долларини ташкил этган), Ўзбекистон ҳудудида Кореянинг 408 та корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Қайд этилишича, Жанубий Кореянинг Ўзбекистонга инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошган. 2021 йилда 320 миллион доллар, яъни 2020 йилга нисбатан 20 фоиз кўп ўзлаштирилди. Бу маблағлар ҳисобига кимё, нефть-кимё, тўқимачилик, қурилиш, кишлоқ хўжалигида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ҳамкорлик юзасидан 2022 йилни “Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро алмашинувлар йили” деб эълон қилиши стратегик институционал шерикликни янада илмий асослантришга хизмат қилади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, номонетар услуб камбағалликни учта индекс бўйича ўлчашни назарда тутати: кўп қатламли камбағалликни (*у аҳоли камбағаллигининг қатламлари ва чуқурлигини, моддий депривация (нисбий камбағаллик даражасини аниқлайди) ва ижтимоий узилиб қолишни (бу социал аҳамиятли хизматлардан фойдаланиш имкониятини ўлчайди)*) назарда тутати.

¹ludirosta.ru/post/yuzhnaya-koreya...razvitiya...2669

Биринчиси, камбағалликнинг мутлоқ концепцияси. Ушбу концепция “камбағаллик чегараси” тушунчаси билан узвий боғлиқ. Камбағаллик чегараси мавжуд даромад, ялпи даромад ёки истеъмолнинг шундай даражасики, агар улар бу даражадан паст бўлганда одам камбағал ҳисобланади.

Иккинчиси, мутлақ камбағаллик чегараси: чекланган озиқ-овқат савати (тўйимли моддалар истеъмол қилиш) ва озгина кўшимча бошқа харажатларга йўл қўйиш имконига асосланган абсолют минимал турмуш даражаси тушунилади. Мутлақ камбағаллик кўпинча истеъмол ёки даромад даражаси камбағаллик чегарасидан паст бўлган одамлар ёки уй хўжаликлари сони орқали ўлчанади. Жаҳон банки мутлақ камбағаллик чегараси сифатида кунига 1,25 АҚШ доллари ҳисобига (*доллар курси харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланади*) кун кечиришни белгилаб қўйган.

Учинчиси, камбағалликнинг нисбий концепцияси. Камбағалликнинг мазкур кўрсаткичи камбағалликнинг нисбий чегарасини белгилайди ва аҳолининг амалдаги даромадини бошқалар билан таққослаш имконини яратади. Аҳолининг реал даромадлари ортиб бораётган шароитда тақсимлаш принципи ўзгармаса, нисбий камбағаллик аввалдагидек сақланиб қолади. Бунда, нисбий камбағаллик концепцияси тенгсизлик концепциясининг таркибий қисми деган хулоса чиқаришга асос бўлади. Бироқ бу, тенгсизлик қанча кам бўлса, нисбий камбағаллик шунчалик кам бўлади, деган маънони англатмайди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш ва камбағалликдан қутулиш бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги «Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5975-сон Фармонида ҳам ўз акси ни топган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига юклатилган тизимли вазифалар ва “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилгани кўзланган мақсадларимиз сари самаралаи олиб боради.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда 2022 йилда маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш учун жами 12,5 трлн сўмлик кредит ва субсидиялар ажратилади¹.

Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» номидан ҳам келиб чиқиб, барча маҳаллаларда туб ўзгаришлар йили бўлиши кераклигини таъкидлагани муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз томонидан «маҳаллабай» ишлашнинг янги тизимини йўлга қўйилиши, жумладан, янги йилдан 9309 нафар ҳоким ёрдамчилари иш бошлади ва уларга кўмак бериш учун вазирликлардан 300 нафар раҳбар-ходимлар хизмат сафарига юборилгани тизимли ишлашнинг самраси ҳисобланади.

Ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифалари ишлаш имконияти ва хоҳиши бор, лекин шароити оғир оилаларни ўқитиш ва ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит, субсидия ёки деҳқон хўжалиги учун уларга ер майдонлари ажратиш масалалари билан шуғулланади.

Мамлакатимизда ўтган даврда фаол ислохотлар, тадбиркорликни ривожлантириш ва маҳаллабай ишлаш бошлангани натижасида ўтган йили ялпи ички маҳсулот 7,4 фоизга ўсган. 2022 йилда ҳудудларда 100 мингта янги тадбиркор иш бошлайди. Ўзини ўзи банд қилганлар сони 700 мингга кўпайиб, 1,2 млнга етади. «Маҳаллабай» ишлаш тизими орқали «темир дафтар»даги 583 минг эҳтиёжманд оила доимий даромад билан таъминланади².

Президентимиз таъбири билан айтганда ҳоким ёрдамчилари аҳоли билан ҳар куни ишлаб, одамларга давлат томонидан яратилган молиявий имкониятларни етказиши, тадбиркорликка ва деҳқончиликка ўргатиш орқали уларни камбағалликдан чиқариш билан шуғулланади. Бу мақсадлар учун жорий йилда 10 трлн сўм имтиёзли кредит ва 2,5 трлн сўм субсидия ажратилади, ҳар бир маҳаллага ўртача — 1,3 млрд сўмдан тушади.

Ушбу тизимга масъул бўлган Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолияти ташкил этилиб, барча масалалар ечиб берилиши эса, келгуси беш

¹ gazeta.uz/uz/2022/01/15/poverty/

² gazeta.uz

йилликда мамлакатимизда камбағаллик сезиларли баратаф этилишиги муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Халқимизга балиқ эмас, қармоқ беришимиз керак»... kun.uz 13527130
2. uza.uz oz...zhanubiy-koreya-tazhribasiga-asoslangan...
3. SouthKoreaLife.ru»ekonomika-yuzhnoj-korei/
4. spravochnik.ru»ekonomika...ekonomicheskogo... yuzhnoy...
5. gazeta.uz»uz/2022/01/15/poverty/
6. gazeta.uz

Наишга проф. С. Чориев тавсия этган

КОРРУПЦИЯНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Исомиддинов Ю.Ю. (СДЧИ)

Аннотация. Мазкур мақолада коррупция тарихи унинг давлат ва жамият бошқарувида таъсири акс эттирилган. Коррупция инсоният тарихида қадим замонлардан бери мавжуд. Кўплаб таниқли Ғарб файласуфлари ва давлат арбоблари коррупция намоён бўлишини ўрганишга катта эътибор беришган. Коррупциянинг энг кенг тарқалган тури бу пора олишдир. Шунинг учун ҳам коррупциянинг мазмун-моҳияти ва унинг давлат бошқарувида салбий таъсири бениҳоя зарарлидир. Олимларнинг коррупция тўғрисидаги қарашлари ҳозирги кунгача ўз долзарблигини сақлаб қолган.

Таянч сўзлар: коррупция, “фуқаролик назорати”, фуқаролик бурчи, пора, конвенция.

Аннотация. В данной статье отражена история коррупции и ее влияние на управление государством и обществом. Коррупция существует в истории человечества с древних времен. Многие видные западные философы и государственные деятели уделяли большое внимание изучению проявления коррупции. Наиболее распространенным видом коррупции является взяточничество. Поэтому коррупция и ее негативное влияние на государственное управление крайне вредны. Взгляды ученых на коррупцию остаются актуальными и по сей день.

Ключевые слова: коррупция, «гражданский контроль», гражданский долг, взяточничество, конвенция.

Annotation: This article reflects the history of corruption and its impact on the management of the state and society. Corruption has existed in human history since ancient times. Many prominent Western philosophers and statesmen paid great attention to the study of the manifestations of corruption. The most common type of corruption is bribery. Therefore, corruption and its negative impact on public administration are extremely harmful. The views of scientists on corruption remain relevant to this day.

Key words: corruption, “civil control”, civic duty, bribery, convention.

Давлат ва жамиятнинг бошқаруви тарихга назар ташлайдиган бўлсак, коррупцияга кўпроқ диннинг ҳукмронлиги остида қарши курашилган. Жумладан, ҳуқуқий-меъёрий нормалар сифатида яҳудийларда “Таврот”, насронийларда “Инжил”, мусулмонларда “Қуръони Карим”да коррупция, товламачилик ва порахўрлик масалалари қаттиқ қораланган. Шуниндек, совға кўринишидаги пораларни олиш ҳам таъқиқланган.

Коррупция инсоният тарихида кўп учрайдиган ижтимоий ҳодисалардан биридир. Қадим замонлардан бери инсоният коррупция ва порахўрликни яхши билади, у жамиятнинг энг хавфли касалликларидан биридир. Бу иллатга қарши курашиш давлат бошқаруви учун муҳим ижтимоий соҳа эканлиги тарихий манбалардан маълум. Жумладан, жамиятда порахўрликнинг олдини олиш бўйича ўзининг сиёсий-ҳуқуқий нормаларини ишлаб чиққан мамлакатлардан бири сифатида қадимги Шумер давлати эътироф этилади.

Тарихий манбаларга кўра, шумерликларнинг лой тахтачаларга ёзилган қадимги қўлёзмаларида ҳисоб-китоб ва порахўрликка қарши курашиш масалалари акс этган. Бу

даврда давлат бошқарувида турган шахсларнинг коррупцияга мойил бўлиши кўпроқ давлатнинг обрўсига путур етказиши ҳукмдорларни ташвишга солган. [1; 45-52]

Жумладан, мусулмон дунёсининг муқаддас китоби саналган “Қуръони Карим”нинг Бақара сураси 188 – оятида “Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз? Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўли билан ейиш (ўзлаштириш) мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз!”, деб эътироф этилган. [2; 29]

Коррупциянинг давлат тараққиёти учун хавфини олдини олиш борасида ҳар бир мамлакат ўз қонунлари асосида ислохотларни амалга оширади. Бундай ижтимоий жараён жаҳонда XVIII асрдан бошлаб давлат ва жамият бошқаруви соҳасига кириб келган. Натижада, кўплаб норматив-ҳуқуқий меъёрлар ва қонунларда коррупцияга қарши кураш акс этирилган. Жумладан, 1787 йилда АҚШда қабул қилинган Конституцияга кўра, Президентнинг пора олиши уни импечментга олиб борадиган иккита жиноятнинг бири сифатида белгиланган. Ижтимоий-сиёсий механизмларнинг кучайиб бориши ва ривожланиши натижасида сиёсий партиялар ҳам ривожланиб, коррупцияга қарши курашишда давлатга кўпроқ хизмат қилиши билан ажралиб турган.

Кўплаб таниқли Ғарб файласуфлари ва давлат арбоблари коррупция намоён бўлишини ўрганишга катта эътибор беришган. Томас Гобсс коррупция ҳар доим ва барча васвасалар билан қонунларни ҳурмат қилмасдан келиб чиқадиган илдиз, деб ҳисоблайди. Н. Макиавелли ҳақли равишда давлатнинг ишлаш механизмларини, шу жумладан, коррупция муносабатларини чуқур ўрганганлардан бири ҳисобланади. Олимларнинг коррупция тўғрисидаги қарашлари ҳозирги кунгача ўз долзарблигини сақлаб қолган. [3]

Замонавий коррупция концепцияси замонавий давр бошида марказлашган давлатлар ва амалдаги ҳуқуқий тизимларнинг шаклланиши билан бошланади. Коррупция атамаси лотинча “Соггипере” – “бузмоқ” сўзидан олинган бўлиб, одатда, мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади. [4]

Бизнинг фикримизча, коррупция ижтимоий ҳодиса сифатида норасмий алмашинув муносабатларининг қонуний йўл қўйиладиган нормаларга риоя қилмаслик асосида алмашинадиган барқарор, қайта тикланадиган тизимдир.

Коррупция ҳолати ҳар доим ўз мураккаблиги билан ажралиб туради тутади. Коррупция бир нафар инсон билан амалга ошмайди. Шу билан бирга, коррупция ҳаракати икки томонлама бўлса ҳам, у ҳар доим ушбу акт амалга ошириладиган манфаатларнинг бузилиши туфайли учинчи томон – жамиятнинг мавжудлигини назарда тутади. Коррупция яхлит бир тизим эканлиги сабабли, унинг сифати ва ҳажми фақат коррупцион ўзаро таъсирларда иштирок этадиган шахслар сонига қараб белгиланмайди.

Коррупцияга нисбатан яна бир таърифда, “давлатнинг ички ва ташқи фаолиятинидаги функцияларни бажаришга қаратилган фаолият жараёнида мансабдор шахсларнинг ўз лавозимларидан қонунга зид равишда турли йўллар билан бойлик орттириши, давлатнинг маблағларини талон-тарож қилиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши”, деган қарашлар илгари сурилади. [5; 2-5]

Давлат ҳокимиятини қўлга киритиш ва амалга ошириш жараёнида ҳокимиятни суиистеъмол қилиш билан ифодаланадиган сиёсий коррупциянинг моҳиятини, шунингдек субъектлари, мақсадлари ва тарқалиш соҳаларини тушунтириш асосида сиёсий коррупциянинг умумий таърифи берилиши мумкин. Сиёсий коррупция эса – бу сиёсий кучларга эга бўлган шахсларнинг (сиёсат ва давлат арбоблари, энг юқори даражадаги давлат хизматчилари) сиёсий мақсадларга эришиш, ҳокимиятни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳокимиятни кенгайтириш ёки бойитиш мақсадида хизмат вазифасини суиистеъмол қилишга айтилади. [6; 147]

Коррупциянинг моҳияти шундаки, у жамоат муносабатларини бузади. Шунингдек, жамият нормал тартибининг бузилишига олиб келади. “Коррупция” бу ҳокимиятнинг

“емирилиши” дир. Аслида коррупция – муайян давлат бошқарувида турган шахсларнинг ўз лавозимларидан фойдаланган ҳолда, жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларга ўз таъсирини ўтказиши, ўз манфаати йўлида бошқа шахсларнинг эҳтиёжларини кондиритиши, мавжуд муҳитдаги имкониятлардан бошқа мақсадларда фойдаланиши ҳисобланади.

Коррупциянинг энг хавфли кўринишлари бу маълум бир давлат функцияларини бажарувчи шахс томонидан ўзининг расмий мавқеидан ноқонуний устунликларга эга бўлиш мақсадида фойдаланиши, бошқа томондан эса, манфаатдор шахс томонидан имтиёзлар бериш (порахўрлик) билан ифодаланади. Коррупцияга қарши кураш ҳар қандай давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжатларида коррупциянинг халқаро-ҳуқуқий таърифи қуйидагича: коррупция – бу давлат ҳокимиятидан шахсий манфаатлар учун, учинчи шахслар ва гуруҳлар мақсадларида фойдаланиш. Оддий қилиб айтганда, коррупция – бу мансаб мавқеидан шахсий манфаатлар учун фойдаланиш. Коррупциянинг энг кенг тарқалган тури бу пора олишдир. Пора – бу бошқа мансабдор шахснинг у эгаллаб турган лавозимига боғлиқ бўлган ҳар қандай хизмат учун тақдим этиладиган пул ёки бошқа имтиёзлар ҳисобланади.

Коррупция давлат ва жамият бошқарувидаги мансабдор шахслар томонидан ноқонуний тарзда амалга ошириладиган хуфиёна жараён сифатида тараққиётга тўсик бўлади. Бу аслида коррупциянинг ижтимоий хавфлилигини кўрсатади. Шундай қилиб, давлат хизматлари тизимида коррупциянинг олдини олишга доир амалга оширилаётган ишларнинг янада самарали усулларини давлат бошқаруви тизимида кенг жорий қилишилари ва ижтимоий маконда қонуннинг устуворлигини таъминлашлари даркор.

Давлат ва жамиятнинг бошқаруви соҳасида коррупциянинг камайишига хизмат қиладиган муҳим омиллардан бир сифатида ходимларнинг ойлик иш ҳақларини бугунги кундаги бозор талаблари даражасига олиб чиқиб бўлиб ҳисобланади. Бу борада кейинги йилларда Ўзбекистон олиб борилаётган ислохотларда мазкур ҳолатларни яхшилаш, фуқароларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш масалалари ўз ечимини топмоқда. Коррупцияни келтириб чиқарадиган омиллар бевосита бошқарувда турган шахслар билан куйи бўғиндаги шахсларнинг ўзаро тил бириктириб, қонунлардаги меъёрларга амал қилмасдан, ўз манфаатлари йўлида жиноятга қўл уришлари кўпроқ намоён бўлади. Ёки давлат бошқарувидаги кадрлар сиёсати ва ходимлар ишининг ҳақиқий натижаларидан қатъи назар мартаба кўтарилиш имкониятига эга эканлиги ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, коррупциянинг мазмун-моҳияти ва унинг давлат бошқарувида салбий таъсири бениҳоя зарарлидир. Тадқиқотимиз давомида коррупция тушунчаси мазмун-моҳиятининг, унга берилган таърифларнинг қиёсий таҳлили ва жамиятда коррупцияга нисбатан фикрларнинг хилма-хиллиги ўрганилди. Айниқса, жамият ривожига аждоқларимиз меросидаги бу иллатга қарши курашиш масалаларининг фалсафий негизлари миллий-маънавий кадрлар учун тўсик бўлиши таҳлил қилинди.

Шунингдек, коррупциянинг давлат бошқарувида ижтимоий муҳитга таъсири ва унинг шахс маънавий оламига салбий иллат сифатида сингиб боришининг олдини олиш йўллари, унга қарши курашиш маънавий жараёнларнинг ролига эътибор қаратилиб, юртимизда давлат амалдорларининг фаолиятидаги коррупциоген ҳолатларнинг олдини олиш йўллари фалсафий методлар асосида ўрганилиши лозим. Коррупциянинг жамият ҳаётида иқтисодиётга салбий таъсири ва унинг оқибатларини баргараф этиш долзарблиги ижтимоий механизмлар орқали ечилиши даркор.

Чунки, бугунги кунда жаҳонда коррупцияга қарши кураш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали ижтимоий механизмини яратишда тарихда эришилган ютуқлардан фойдаланиш ва инновацион усулларга ёндашиш давр талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Квон Д. А. Политическая коррупция: понятие, цели, субъекты // Власть, 2015. – № 7. – С. 45-52.
2. Куръоони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: Тошкент ислом унивкрситети, 2018. – Б. 29.

3. Макиавелли Н. Избранные произведения. – М.: Художественная литература, 1992. URL: <http://lib.ru/POLITOLOG/MAKIAWELLI/gosudar.txt>.
4. How do you define corruption? // Transparency International. URL: <http://www.transparency.org/what-is-corruption/#define>.
5. Александров С.Г. Юридическая дефиниция «коррупция»: понятие, особенности методологического познания // С.Г. Александров // История государства и права, № 11. М.: 2007. – С. 2-5.
6. Роуз-Аккерман С. Коррупция и государство: Причины, следствия, реформы. – М.: Логос, 2003. – 356 с.

Наширга проф. С.Чориев тавсия этган

ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ (“Ёшлар дафтари”)

Кучкаров Х. (Республика Маънавият ва маърифат Маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти)

Аннотация. Ҳар қандай ривожланган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсати устувор саналади. Бу сиёсат моҳиятан давлатни тараққий топтириш, истиқболда рақобатбардошлигини таъминлаш ва миллий ҳавфсизлигини мустаҳкамлашни кўзда тутаяди. Ушбу мақолада Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалий ҳаракати бўлган “ёшлар дафтари” доирасидаги ишлар таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар. Глобаллашув, ёшларга оид давлат сиёсати, “ёшлар дафтари”, “Ҳаракатлар стратегияси”, Учинчи Ренессанс, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция, “Ёшлар парламенти”.

Аннотация. В любой развитой стране государственная молодежная политика является приоритетом. Эта политика по существу направлена на развитие государства, обеспечение его будущей конкурентоспособности и укрепление национальной безопасности. В данной статье анализируется работа в рамках «Молодежной книги», которая является практическим движением государственной молодежной политики в Узбекистане.

Ключевые слова. Глобализация, государственная молодежная политика, «Молодежная книга», «Стратегия действий», «Третий ренессанс», Международная конвенция о правах молодежи, «Молодежный парламент».

Annotation. In any developed country, state youth policy is a priority. This policy is essentially aimed at developing the state, ensuring its future competitiveness and strengthening national security. This article analyzes the work within the framework of the "Youth Book", which is a practical movement of the state youth policy in Uzbekistan.

Keywords. Globalization, state youth policy, "Youth Book", "Strategy of Action", "Third Renaissance", International Convention on the Rights of Youth, "Youth Parliament".

Ёшларга оид давлат сиёсати муҳим сиёсий йўналиш сифатида изчил жараён бўлиб, у ёшлар мавқеи ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеликнинг бош хусусиятларини ўзида мужассам этади. Шу нуқтаи назардан, ёшларга оид давлат сиёсати сиёсий йўналиш сифатида Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари тарихида юз берган ҳамда давлат томонидан мақсадли амалга оширилган ёшларга оид барча ижтимоий ўзгаришлар, туб ислохотлар, трансформация жараёнларини босиб ўтди.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси»да ҳам ёшлар масаласи алоҳида ўз аксини топган. Ўзбекистонда ёшларга оид Давлат сиёсатининг мақсади ёшларнинг ривожланиши, уларнинг ижодий салоҳиятини тўла намоён қилишлари учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароит ва қафолатларни таъминлаш қилиб белгиланган [1].

Ушбу тамойиллар ёшларни камол топтириш, замонавий билим ва кўникмларни эгаллаган ҳолда давлат ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон тарихида илк маротаба 30 июн куни – Ёшлар куни деб эълон қилинди. Ўтган беш йил мобайнида ёшлар сиёсатига доир жами 53 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 5 та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 та фармони, 14 та қарори, 2 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 23 та қарори ва 4 та фармойиши имзоланди.

Мамлакатимизда айнан ёшлар ҳаёти, уларнинг тақдири билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2016 йил 14 сентябрь куни ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

2017-2021 йиллар мобайнида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда мутако янги тизим яратилди. Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил этилди. Шунингдек, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасида “Ёшлар парламент”лари ташкил этилди.

2018 йилдан бошлаб, олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори лавозими ўрнига ёшлар билан ишлаш бўйича проректори лавозими жорий этилди ҳамда ёшлар билан ишлаш бўйича проректорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларига юкланди[2].

Ёшлар сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида республикадаги 182 та вазирлик, идора ва ташкилотларда Етакчилар Кенгашлари ташкил этилди. Бошланғич ташкилот етакчиси лавозими учун алоҳида штат бирлиги ажратилиб, мақомига кўра раҳбарнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари ёки маслаҳатчиси лавозимига тенглаштирилди.

Тошкент шаҳри, Фарғона, Хоразм ва Самарқанд вилоятларидаги ҳарбий академик лицейларга “Темурбеклар мактаби” номи берилди. Ҳудудларда Президент мактаблари ҳамда ижод мактаблари барпо этилди.

Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди. Агентликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланди. Агентлик, жумладан, ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсати, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади. Шунингдек, Агентлик ёшлар сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади [3].

Мамлакатимиз Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурган эдилар. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида эса яна бир бор жаҳон ҳамжамиятини Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақирди[4].

Президентимиз томонидан таклиф этилган ташаббус - Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясининг қабул қилиниши бугун навқирон авлод дуч келаётган аниқ муаммоларни ҳал қилиш, соҳага оид турли халқаро ҳужжатлардаги номутаносибликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишсиз ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган мутлақо янги тизим ишлаб чиқилди. Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида “Ёшлар дафтари”ни юритиш тизими йўлга қўйилди. Ҳозирда республиканинг барча ҳудудларида уйма-уй юриш орқали маҳаллалар кесимида кўмакка муҳтож бўлган ишсиз ёшлар рўйхати шакллантирилмоқда.

“Ёшлар дафтари” – бу ҳудудлардаги ҳар бир сектор ҳудуди кесимида истиқомат қилаётган, 18 ёшга тўлган 30 ёшдан ошмаган ишсиз ёшларнинг манзилли рўйхати қайд этиладиган электрон дастурдир. Ушбу дафтарга ёши, жинси, касбга лаёқати бўйича: битирувчи ёшлар, ҳозирда ишсиз бўлган ёшлар, ишга муҳтож ногирон ёшлар, хориждан қайтган ёшлар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёшлар, ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар киритилади.

“Уюлмаган ёшлар” атамаси ўз мақсадини индивидуал тарзда, давлат ва жамиятда яратилган имкониятлардан фойдаланмасдан, нофаол (примитив) тарзда самарасиз амалга ошираётган ёшларга нисбатан қўлланилади. Бу тоифадаги ўғил-қизлар ўзининг эртанги кунини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасига эга бўлмайди. Айни чоғда олимлар бундай ёшлар мамлакат навқирон авлод вакилларининг энг кўп эътибор талаб қиладиган қисми эканлигини қайд этишган.

“Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури доирасида 7 690 та бизнес лойиҳага жами 1 614 млрд сўм миқдорига имтиёзли кредит маблағлари ажратиш орқали 39577 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Жумладан, Давлат дастури доирасида ишлаб чиқариш соҳасида 742,9 млрд сўмлик 3 536 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 581,1 млрд сўмлик 2 770 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 290,5 млрд сўмлик 1 384 та лойиҳа реализация қилинди[5].

Бугун давлат ва жамоат муассасалари ёшларга аввало ресурс сифатида қарамокда ва келгусида улар мамлакатнинг фуқароси сифатида ўз салоҳиятини юзага чиқара олиши учун шароит яратиш бериш йўлида ислохотлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетни ҳам шунча кучли бўлади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурди.

Бинобарин, ёшлар сиёсати давлат томонидан аҳолининг ёш қатлами учун муносиб шарт-шароитлар, имкониятлар яратиш ва бу йўналишдаги амалий фаолиятни мунтазам қўллаб қувватлашдир. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, турли давлатларда ёшлар сиёсати турлича олиб борилади. Бу ҳукумат ёшларнинг жамиятдаги ролини қандай баҳолаши билан боғлиқдир.

Ёшларга муаммо сифатида қараб сиёсат олиб борадиган мамлакатлар ҳукумати фақат тарбияси оғир ва ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар билан ишлайди. Бунда давлатнинг мақсади фақат уларни ҳуқуқини таъминлаш имконини яратиш бўлади.

Ёшларга ресурс сифатида қараб олиб бориладиган сиёсат — бу ўзини ҳуқуқлари, қобилиятларига эга тўлақонли фуқаролар сифатида кадрлаш ва уларнинг имкониятларини янада кенгроқ намоён этиш учун шароитлар яратиш. Ушбу ёндашув уларнинг мустақил меҳнат ва ижод қилишини рағбатлантиради ва танқидий-таҳлилий мушоҳадасини кучайтиради, жамият тараққиёти учун хизмат қилишга ундайди. Бундай сиёсат ҳамма ёшларга мақсадли гуруҳлар сифатида қарайди.

Айнан бугун Ўзбекистонда давлат ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, катта мақсадлар сари сафарбар этиш учун мамлакатдаги барча секторларни жалб этмоқда.

Бугун жамият ҳаётининг барча жаҳасида жадал ўзгаришлар жараёни кечаяпти. Давр билан ҳамнафас, замондан бир қадам олдинда юриш учун кенг дунёқараш, теран тафаккур лозим. Йигит-қизларимизда бундай фазилат мавжуд. Агар улар билан тўғри иш олиб борилса, шак-шубҳасиз, ёшлар эртанги тараққиётимизнинг

асосий ижодкорлари бўлишади. Ёшларнинг улкан салоҳиятидан унумли фойдаланиш катта ижтимоий аҳамият касб этади. Айниқса, давлат бошқарувиغا Ватанга садоқатли, келажакка дахлдор ёшларнинг жалб қилиниши янги марралар сари йўл очади, илгор ёндашувларни юзага чиқаради, жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида 550 дан ортиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари тузилди ва уларга 90 мингга яқин ҳарбий хизматчилар аъзоликка қабул қилинди.

Ҳарбий қисм ва ҳарбий таълим муассасаларидаги кутубхоналарга 18 мингдан ортиқ ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, ҳарбий қисмлардаги бошланғич ташкилотлар етакчилари учун 1000 дана услубий қўлланма ҳамда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган 245 мингдан ортиқ тарқатма материаллар тарқатилди[6].

Шу билан бирга Ўзбекистонда буюк аллома Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Ёш математиклар халқаро олимпиадаси муваффақиятли ўтказилган, унинг мантиқий давоми сифатида физика бўйича Аҳмад Фарғоний, кимё фани бўйича Абу Райҳон Беруний, биология бўйича Абу Али ибн Сино, астрономия бўйича Мирзо Улуғбек номларидаги халқаро фан олимпиадалари ташкил этилиши ҳам иқтидор ва истеъдодли ёшларни қўллаб қувватлашдир. Мана, амалда бугун ижод, президент мактаблари, ихтисослаштирилган мактабларнинг фаолияти, олтин, кумуш медаль жорий этилгани, ислохотларнинг ҳаётийлиги ва ижросини таъминлашдир.

Ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 йилдаги ПФ-5466-Фармони «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси ташкил қилинди. Жамғарма ёшлар бизнес ташаббусларини, стартап, ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишлари учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз миқдорида имтиёзли кредитлар ва лизинг хизматлари кўрсатиш; ҳамда дастур доирасида ажратилаётган кредитлар миқдорининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда кафилликлар бериш каби имтиёзларни амалга оширилди [7].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ўртасида 2017 йил 5 декабрда ёшлар масалалари соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди ва ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга жазо тайинлашда Ёшлар иттифоқи кафолат хатига асосан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш механизми жорий этилди.

Шунга мувофиқ, ўтган давр мобайнида адашиб жиноят йўлига кирган, содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгидан пушаймон бўлган 780 нафар ёшлар “Ёшлар иттифоқи кафиллиги” асосида суд залидан озод қилинди.

Жаҳон тажрибасида ҳам ёшларга ресурс сифатида, уларни маҳаллий ҳамжамиятларнинг мулки ёки фаол ўзгаришлар агенти сифатида қаралса улар ўзларинг барча қувватини, энтузиазм, ғояларини жамиятни янада такомиллаштиришга йўналтиришади. Улар ёшларга оид сиёсатни юритишда муҳим сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирок эта олади.

Ёшларни шундай давлат ва жамият аҳамиятига молик қарорлар қабул қилинишида жалб этиш, уларда қабул қилиниётган қарорлар учун дахлдорлик, жамоавий масъулият ҳиссини шакллантиради. Ёшлар қабул қилинган қарорлар учун масъулиятни ҳис қилганда уларни амалга ошириш яна ҳам энгиллашади ва ўша сиёсатни ўзлари қўллаб қувватлайди, бу эса ёшларга оид давлат сиёсатини муваффақиятли амалга ошириши таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://lex.uz/docs/5285521>
2. <https://www.lex.uz/docs/3765586?ONDATE=06.06.2018%2000#3777250>
3. <https://lex.uz/docs/4880189>
4. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

5. <https://kun.uz/uz/news/2021/03/23/yoshlar-kelajagimiz-jamgarmasi-yoshlar-tadbirkorligini-qollab-quvvatlash-borasidagi-loyihalari-natijadorligi-boyicha-malumot-berdi>

6. Б.Х.Ташмагов. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш—давлат сиёсати марказида. <https://assets.slib.uz/edition/file//5df927146c66a.pdf>

7. <https://lex.uz/docs/-3826820>

Наширға проф. С.Чориев тавсия этган

ЁШЛАР ҲАЁТИДА ВИРТУАЛЛАШУВ САБАБЛАРИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Тураев К. С. (Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти)

Аннотация. Мазкур мақолада бугунги кунда дунё миқёсида кечаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг интеграциялашуви, дунё миқёсида ҳар қандай ахборотларни бошқа ҳудудларга тезкорлик билан ёйилиши халқаро глобаллашувнинг ажралмас феномени эканлиги ҳақидаги фикрлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек мақолада замонавий ахборот коммуникация технологиялари ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисми сифатида унинг ҳар бир фойдаланувчиси тобора “виртуал олам”нинг “виртуал одам”ига айлана бораётганлиги тўғрисидаги фикрлар ёритилган.

Таянч сўзлар: *ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, ахборот, интернет, глобаллашув, коммуникация, технология, виртуал, хавфсизлик, барқарорлик.*

Аннотация. В данной статье научно анализируются мнения о том, что интеграция социальных, политических, экономических и культурных процессов, происходящих сегодня в глобальном масштабе, и быстрое распространение любой информации в других регионах в глобальном масштабе, является неотъемлемым явлением международной глобализации. В статье также освещаются идеи о том, что современные информационно-коммуникационные технологии, как неотъемлемая часть нашей социальной жизни, каждый их пользователь все больше становится «виртуальной личностью» «виртуального мира».

Ключевые слова: *социальный, политический, экономический, культурный, информационный, интернет, глобализация, коммуникация, технологии, виртуальный, безопасность, стабильность.*

Annotation. This article scientifically analyzes the opinions that the integration of social, political, economic and cultural processes taking place today on a global scale, and the rapid dissemination of any information to other regions on a global scale, is an integral phenomenon of international globalization. The article also highlights the idea that modern information and communication technologies, as an integral part of our social life, each of their users is increasingly becoming a "virtual personality" of the "virtual world".

Key words: *social, political, economic, cultural, informational, internet, globalization, communication, technology, virtual, security, stability.*

Бугунги кунда давлатимиз томонидан ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, катта мақсадлар сари сафарбар этишда аниқ мақсадга йўналтирилган туб ислохатлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда дунё миқёсида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жараёнларнинг интеграциялашуви глобаллашувнинг шиддатли тус олиши тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, замонавий ахборот коммуникация технологияларининг тараққий этиши интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сонини кўпайишга олиб келмоқда. Интернет ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бориши натижасида унинг фойдаланувчиси тобора “виртуал олам”нинг “виртуал одам”ига айланиб бормоқда. Оммавий коммуникация воситаларидаги инқилоб натижаларига таянаётган постмодернизм “виртуал” таърифини олган ёшлар ўзгача замон ва идеосферанинг янгича “мезонини” намоён этмоқда. Шу ўринда, “виртуаллик” тушунчаси ҳозирги вақтда энг янги мультимедиа аудиовизуал ва компьютер технологиялари имкониятларига таққосланиши оқибатида булар ёрдамида мутлақ ишончли сифатида идрок этиладиган ва бошдан кечириладиган хом ҳаёлларни(иллюзия) яратишга замин яратади.

Ахборот–атроф-муҳит объектлари ва ҳодисаларининг кўрсаткичлари, хусусиятлари ва ҳолатлари тўғрисида маълумотлар мажмуи бўлиб, унинг манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъий назар, шахс, предмет, факт, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар тўғрисидаги фактларни ўзида акс эттиради [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис -Парламентга қилган мурожаатномасида 2020 йилни “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиб, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда туб бурилиш ясаши кераклигини таъкидлаган эди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида, “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради” [2],- дея таъкидлаган эди.

Бугунги глобаллашув даврида ахборот тарқатиш тобора кучайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб қилинаётган “оммавий маданият” ёшларни реал ҳаётдан чалғитиб, лоқайдлик, бекфарқлик каби иллатларига гирифтор этаётганлиги афсуски, ташвишлидир. Интернет, компьютер ўйинларига муккасидан берилиши ёшларни руҳий ҳолатга таъсир кўрсатиб, виртуал оламга тобелиги кучайиб боради. Ташвишланарли жиҳати интернет ва ижтимоий тармоқларнинг жадал ривожланиши бир томондан ўзининг ижобий жиҳатларига эга бўлса, бошқа томондан салбий томонига ҳам эгадир. Айниқса, виртуал олам таъсирига берилган “айрим” одамлар кун давомида ўзларини қимматли вақтларини интернетда ўтказмоқда.

Тадқиқотчи А.Н.Ижаев ўзининг илмий тадқиқотида “этник ўзига хосликнинг энг муҳим функционал ядроси – бу этноснинг деярли барча экзистенциал онгли соҳасини қамраб олувчи ва доимий равишда (оммавий ахборот воситалари ёрдамида) ахборот ва коммуникацион озиқланишни талаб қиладиган, биринчи навбатда, этник-маданий мулк шахснинг ҳаётини таъминотини кафолатлайдиган асосий ҳимоя воситаси бўлган маънавий қадриятдир” [3] – дея тарифлайди. Шу ўринда, қайд этиш жоизки, кундалик ҳаётимизга “замонавий одам” деган сўзнинг ишлатилиши таъбий ҳолатга айланиб бормоқда. “Замонавий одам” терминини А.Ю.Ҳоц ўз тадқиқотида қуйидагича тарифлайди: - “Ахборот жамиятининг асосий афзалликлари билан бир қаторда, инсонларнинг кундалик ҳаётни, янги маданиятлар билан бойитади, анъанавий туруш тарзидан воз кечади, турли элтиар маданиятларни ўзлаштириб ўзининг стандартини яратади” [4].

“Виртуал жамият” назариясининг муаллифи А. Бюлнинг фикрига кўра, виртуал реаллик технологиялари ривожланиши билан компьютер ҳисоблаш машинасидан “кўзгулардаги” одамларни яратиш бўйича универсал машинага айланди[5]. Жамиятдаги ҳар бир тизим “параллел” одамлар томонидан шаклланган бўлиб, буларда виртуал ўхшашликлар: Internet тармоғида иқтисодий интеракциялар ва сиёсий ҳаракатларнинг амалга оширилиши, компьютерли ўйинлар персонажлари билан мулоқотлар юз бермоқда. Компьютер ёрдамида ўзига хос олам, жамият яратишга таъсир кўрсатиш жараёнини А. Бюль виртуаллашув (виртуал олам) деб атади.

Шу ўринда билдириб ўтилган фикрдан қуйидагича хулоса қилиш мумкин: виртуал воқеликка кириб кетиш орқали инсонлар ўртасида реал воқелик ва ҳақиқатдан узоқлаштиришга олиб келмоқда. Натижада бу жараён ҳар бир этник гуруҳ ва жамоада ўз аксини топиб, инсонларнинг ижтимоийлашув жараёнлари виртуал майдонга кўчиб ўтди. Ўз навбатида турили ижобий ва салбий хусусиятлари билан намоён бўлмоқда.

Виртуал воқелик ҳодисасини таърифлашга бўлган бундай ёндашувлар ушбу тоифага фалсафа ва умуман гуманитар билимларга қизиқишнинг ортиши, виртуалнинг мураккаблиги, кўп қирраллиги ва номувофиқлиги ҳақида гапиради. Замонавий фалсафий нутқда виртуал воқелик ҳодисасига оид кўп қиррали илмий қарашлар бир-бирига зид бўлса-да, шу билан бирга, қарашларнинг бундай кўплиги ўрганилаётган объектни кўп қиррали асосда кўриб чиқишга имкон беради.

Ёш авлод энг кичик вакилларининг ҳам бугун “подписчик”, “лайк”, “спам” нималигини жуда яхши билади. Аёнки, техник тараққиётни тўхтатиш мумкин эмас: биз буни хоҳлаймизми-йўқми, компьютер технологиялари ҳаётимизда мустаҳкам ўринга эга,

компьютер саводхонлиги кўрсаткичи эса кўп ҳолларда инсоннинг юқори савиясини белгилаб берувчи омилга айланиб бормоқда.

Яна шуни қайд этиш жоизки, сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда айрим ёшларнинг халқ орасида обрў-эътибор қозонган аҳли илм, имом, уламоларни масхаралаб, обрўсизлантиришга қаратилган лавҳалари орқали аянчли иллатларни тарғиб этаётгани ҳар бир инсоннинг қалбини ларзага келтирди.

Ижтимоий тармоқ орқали фикр билдириш ва бунинг ортидан мақтов (“лайк”)ларни кўлга киритишга уриниш бугунги ёшларини тобора ўз домига тортмоқда. Натижада виртуал таҳдид ниҳоятда оммалашиб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлдики, ҳозирда мактаб ёшидаги болалар интернетдан тобора эрта фойдаланишга киришмоқда. Лекин, мутахассисларнинг фикрича, ёши ўнга етмаган бола одатда мустақил равишда интернетдан фойдаланиш учун зарур бўлган танқидий, таҳлилий фикрлаш ва шу асосда маълумотларни фарқлаш, уларни ажрата билиш, бошқача айтганда, “филтрлай” олиш қобилиятига эга эмас. Шундай экан, онги ва дунёқараши эндигина шаклланаётган ёш авлоднинг маънавий олами дахлсизлигини асраш олдимизда турган энг муҳим масалалардан биридир.

Ёшларимизнинг интернет манбаларидан фойдаланиш ҳолатига назар соладиган бўлсак, уларнинг аксарияти “facebook”, “telegram”, “snabchat”, “tik-tok” каби хорижий ижтимоий тармоқларнинг доимий фойдаланувчилари эканлиги кузатилади. Миллий домендаги сайтларда рўйхатдан ўтганларнинг барчасини жамлаганда ҳам уларга етмайди. Демак, бу ҳолат миллий сайтларимизни ёшлар учун жозибадор, мазмунли, савияли, кизиқарли қилиб яратиш масаласига жиддий эътибор қилишга ундайди.

Ҳар бир нарсанинг яхши ва ёмон тарафи бўлганидек, сўнги йилларда интернетнинг ҳам жиддий хатарлари юзага чиқмоқда. Энг ачинарлиси, бузғунчи, ёт оқимлар ижтимоий тармоқлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар. Бу эса ёшларни ўз домига тортаётгани, айрим сайтларда беҳаёлик, ахлоқсизлик каби аянчли иллатлар тарғиб этилаётгани, шунингдек, турли фитналар, жамиятни беқарорлаштирувчи ёлгон маълумотлар берилаётгани афсусландирди.

Ижтимоий тармоқлар, виртуал олам одамларнинг таъсири, обрў-эътиборига баҳо бериш, ўзимизни кўрсатиб қўйишнинг янги, ўта замонавий кўринишига айланиб қолди. Бу жиҳатлар оилаларнинг барбод бўлиши, самимиятнинг йўқолиши, баландпарвоз сўзларга ишониш, ўзлигини ҳис этмаслик, инсоний фазилатларни кадрламаслик каби иллатларни бошлаб келаётгани тобор ойдинлашмоқда.

Виртуал маконда ҳам вақтимизни қимматли нарсаларга, онлайн билим олишга, ўз устимизда ишлашга сафарбар этишимиз керак. Бунинг учун эса, аҳоли онгида қизиқиш ҳамда эҳтиёжларнинг реал ҳолати, у ёки бу соҳага қизиқиш даражаларининг ўсиш, ўзгариб бориш жараёнларини жиддий таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчи-ёшлар онлайн платформаларлар орқали ўз билимларини ошириб келишмоқда. Ушбу жараёнда турли ижтимоий тармоалар орқали ўқитувчилари ва гуруҳдошлари билан ўзаро виртуал алоқага киришишади. Албатта ота-оналар ёки катталар томонидан интернетдан фойдаланиш маданияти бўйича кўрсатмалар бериб, қуйидагиларга эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ:

- ижтимоий тармоқдаги фаолиятида ўзига танлаган номга эътибор берилиши; (турили номлар билан профиллар очиб олинган)

- интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда умуминсоний кадриятлар, ахлоқ меъёрларига амал қилиб, ман қилган нарсалардан четда бўлиш асосий қоида бўлиши зарур;

- ижтимоий тармоқларда ким билан дўст тутинаётганига жиддий аҳамият қаратиш лозим;

- интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишдан яхшилик ва дўстона ҳамкорлик қилиш ҳамда ёмонлик ва душманлик кайфиятида муносабат қилишни олдини олиш зарур;

- виртуал маконда, фойдасиз ишлардан четда бўлиш, сарфланган вақтни беҳуда кетишига йўл қўймаслик.

Шу билан бирга таълим муассаларида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қартилиши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- таълим босқичларидаги маънавий тарбия соатларида “Уяли телефон ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти” мавзусида давра суҳбатлари ўтказиш;

- аҳоли ва ёшларнинг коммуникатив ва ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар олиб бориш;

- ижтимоий тармоқлар воситасида талаба-ёшлар ўртасида таълимий дастурлар, китобхонликни тарғиб қилувчи сайтлар миллий кадриятларни тараннум этувчи дастурий ўйинларни ривожлантиришга йўналтирилган инновацион технологияларни кашф этиш ва уларни амалиётга жорий этиш;

- ёшларнинг илмий ва интеллектуал фаолияти, уларнинг фантазияси, ижодий жараёни, кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлигининг яқуний натижаларини ижтимоий тармоқларда мақсадли тарғиб этиш;

- турли ижтимоий тармоқларда фаол бўлган ёшларни ватанпарварлик руҳидаги янги гуруҳларга бирлаштириш орқали уларни инновацион ғояларга жалб этиш;

- миллий Интернет тармоқларида ёшларбоп материалларни кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз миллий маънавияти сақлаб қолиш, ўзликдан чекинмаслик, соф инсоний фазилатларга таяниб иш кўриш асосида истиқболга интилиш сиёсати давлатимизнинг энг устувор вазифаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципилари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 12 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, Халқ сўзи 2020 йил 25 январь.

3. Ижаев А.Н. Информационно-политическая и этническая идентичность в пространстве массовой коммуникации: автореф. дис. ... канд. полит. наук. М., 2007 // Библиотека диссертаций dslib.net.

4. Хоц А.Ю. Информационная революция и этнические аспекты культуры современного общества: автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Ставрополь, 2001.

5. Бюль А. Виртуальное общество 21 века: социальные изменения в эпоху цифровых технологий. Висбаден: Westdeutscher Verlag, 2000.

Наируга проф. С.Чориев тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ИЖТИМОИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАЖРИБАЛАРИ

Юлдашев Б.Э. (ҚВПЯМЎММ)

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий раҳбарни шакллантириш тажрибалари, унинг ижтимоий қиёфасини юксалтириш учун бу борада кейинги йилларда жамланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш, келгусидаги вазифаларни аниқлаш, уларни амалиётга татбиқ этишга доир тадбирларни белгилаб олиш асослаб берилган. Ушбу вазифаларни аниқлашдан, уларнинг тизимли равишда ҳал этилишини таъминлашдан туриб, мамлакат тараққиёти ва Ватан манфаатларига хизмат қиладиган замонавий раҳбарни қарор топтириб бўлмаслиги илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *замонавий раҳбар, раҳбарнинг ижтимоий қиёфаси, идеал раҳбар, демократик бошқарув усуллари, заҳира кадрлари номенклатураси, “устоз-шогирд” системаси, “ёш етакчи”, “касбий маҳорат”, раҳбарнинг ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа хислат ва фазилатлари.*

Аннотация. В данной статье обосновываются попытки сформировать современного лидера, улучшить его социальный имидж, проанализировать и обобщить опыт, накопленный за прошедшие

годы, определить задачи на будущее, определить меры по их реализации. Научно проанализировано, что без выявления этих задач и обеспечения их системного решения невозможно определиться с современным руководителем, который будет служить развитию страны и интересам Родина.

Ключевые слова: *современный руководитель, социальный облик руководителя, идеальный руководитель, методы демократического управления, номенклатура резервных кадров, система “устоз-шогирд” “молодой лидер”, “профессиональные навыки”, умственные, моральные, правовые, политические и другие качества характера руководителя.*

Annotation. This article substantiates attempts to form a modern leader, improve his social image, analyze and summarize the experience gained over the past years, identify tasks for the future, and determine measures for their implementation. It is scientifically analyzed that without identifying these tasks and ensuring their systematic solution, it is impossible to decide on a modern leader who will serve the development of the country and the interests of the Motherland.

Keywords: *modern leader, social image of the leader, ideal leader, methods of democratic management, nomenclature of reserve personnel, “ustoz-shogird” system, “young leader”, “professional skills”, mental, moral, legal, political and other qualities of the character of the leader.*

Янгиланаётган Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хукукий, маънавий-маданий жараёнлар раҳбар фаолиятига мураккаб тус бермоқда, унинг олдида қўйиладиган талабларни кучайтирмоқда. Бироқ замонавий раҳбар ижтимоий қиёфасининг шаклланиши жараёни ушбу янгиланишлар суръатларидан ортда қолмоқда. Бунинг устига, раҳбар ижтимоий қиёфасини юксалтиришга ҳалал бериб турган туркум омил ва муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистондаги ижтимоий воқеликнинг ўзгариши раҳбарлар тайёрлаш ва уларнинг ижтимоий қиёфасини шакллантириш масаласига янгича ёндашувни тақозо қилаётир. Ушбу вазифани бажармасдан туриб, белгиланган марраларга етишиб, жамиятнинг турли соҳаларида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиб бўлмайд.

Замонавий раҳбар ижтимоий қиёфаси деганда унинг фазилатлари ва хислатлари, эътиқоди, амал қиладиган тамойиллари ва ҳаётий позицияси тушунилади. Уни юксалтириш масаласи бугунга келибгина кун тартибидан жой олган масала эмас. Барча замонларда, жумладан, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ўтган ўттиз йил давомида ҳам мазкур масала мудом диққат марказида бўлган. Шу боисдан Ўзбекистонда бу борада эътиборга лойиқ тажрибалар жамланган. Ижтимоий янгиланишлар суръати билан раҳбар ижтимоий қиёфасининг юксалиши мароми ўртасидаги мутаносибликка эришиш учун бу тажрибаларни муфассал таҳлил қилиш ва умумлаштириш, улардан келгусида фойдаланиш йўллари аниқлаш зарур бўлади. Чунки мазкур тажрибаларга эътиборсизлик уларнинг бесамар яқун топишига, замонавий раҳбар тайёрлаш билан боғлиқ билимлар ривожига ворисийликнинг бузилишига олиб келади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларидаги иқтисодий ислохотлар, ижтимоий соҳадаги янгиланишлар, сиёсий-хукукий ўзгаришлар, маънавий-маданий тикланиш жараёнлари совет раҳбарлар тайёрлаш тизими ва методологиясини долзарблиқдан мосуво қилди. Зеро, марказлаштирилган иқтисодиёт, бирпартиялик сиёсий тизим, ижтимоий тенглик ва мафкуравий яккаҳоқимлик тамойилларига асосланган бу методология янги шарт-шароитларда фаолият кўр-сатишга қодир раҳбарни шакллантира олмас эди. Ўзгарган воқелик янгича раҳбарни тақозо этар эди. Шу боисдан мамлакатнинг Биринчи Президенти ташаббуси билан ана шундай раҳбарларни шакллантириш, уларнинг ижтимоий қиёфасини бозор иқтисодиёти тамойиллари, умуминсоний кадрятлар ва демократик нормалар асосида қарор топтириш имконини берадиган яхлит модель барпо этила бошланди. Бу моделнинг қатор элементлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Жумладан, янги воқелик шароитида қуйидаги элементлардан самарали фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлаш билан шуғулланадиган яхлит тизимни қарор топтириш ва унинг мунтазам фаолият кўрсатишини таъминлаш тажрибаси шаклланган. Маълумки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ташкилотлари, илмий-ўқув марказлари ва

турли ўқув курсларини ўз ичига олувчи раҳбарлар тайёрлаш тизимининг миллий модели қарор топа бошлади. Ўтган йиллар мобайнида ушбу моделнинг барча элементлари ривож топиб борди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (фаолият бошлаган паллаларда - Давлат ва жамият қурилиши академияси) бу тизимнинг асосий элементи вазифасини ўтади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 апрелдаги Фармони билан ушбу академиянинг раҳбар ходимларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ижтимоий қиёфасини шакллантириш билан шуғулланувчи илмий марказ сифатида ташкил этилиши раҳбарлар тайёрлашнинг миллий моделини шакллантириш борасида қўйилган салмоқли қадам бўлди. Академия янги типдаги раҳбарлар плеядасини тайёрлашда жиддий ҳисса қўшди ва қўшяпти.

Раҳбар кадрлар тайёрлаш тизими мазкур академиядангина таркиб топмайди, албатта. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида турли тармоқлар миқёсида раҳбарлар тайёрлашга ихтисослашган факультетлар, марказлар, ўқув курслари ташкил қилишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Бундай марказларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар раҳбар кадрларни иқтисодиёт тармоқларининг ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва муаммоларидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш имконини беради. Масалан, бир неча йиллардан буён Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида Раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети фаолият олиб бормоқда. Факультетда раҳбар кадрлар тайёрлаш масалаларига соҳанинг бугунги кундаги муаммоларини инобатга олган ҳолда ёндашилмоқда. Вазирликнинг Ахборот хизмати маълумотларига кўра, бу факультет бўлғуси раҳбарларнинг нафақат касбий ва жанговар тайёргарлигини ошириш, балки ҳуқуқий билим савиясини юксалтириш, ижтимоий қиёфасини шакллантириш, раҳбарлик қобилиятини ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор бериб келмоқда.¹

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги” Қарори билан 2020 йилда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам раҳбарлар тайёрлаш ва ижтимоий қиёфасини юксалтириш масалалари билан махсус шуғулланувчи таркибий тузилма вужудга келди. Ушбу марказ тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган кадрларнинг касбий малакасини ривожлантириш билан чекланмасдан, раҳбар ходимларни тайёрлаш, уларни инновацион бошқарув услублари билан қуроллантириш, бошқарув фаолиятида қўл келадиган хислатларни шакллантириш масалалари билан ҳам шуғулланмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Агросаноат мажмуи учун захира кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” Қарори 2020 йилда Тошкент давлат аграр университети ҳузурида “Агробизнес ва бошқарув” йўналиши бўйича агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ташкил этилди. Марказ агросаноат мажмуида замонавий техника ва технологиялар, шу жумладан, “ақлли қишлоқ хўжалиги”, рақамли инновацион технологиялар ва ахборот тизимларини қўллаш орқали ўз фаолиятини самарали ташкил эта оладиган раҳбар ва мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш масалалари билан шуғулланмоқда.¹

Мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлаш билан шуғулланадиган яхлит тизимни қарор топтириш ва унинг мунтазам фаолият кўрсатишини таъминлаш борасидаги тажрибаларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

а) мустақиллик йилларида раҳбар кадрларни тайёрлашнинг миллий модели асослари яратилди; ушбу модель таркиби “кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ташкилотлари - илмий-ўқув марказлари - ўқув курслари” кўринишига эга;

¹ Қаранг: ИИВ Академияси Раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети бошлиғи билан учрашув// <https://iiv.uz/news>, 2020 йил 20 май.

¹ Қаранг: Агросаноат мажмуи учун раҳбар ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ташкил этилади.// kun.uz, 2020, 20 март.

б) Ўзбекистонда кейинги чорак аср давомида раҳбар кадрларни иқтисодий тармоқларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш тажрибаси ривожланди;

в) мамлакат ҳукумати томонидан раҳбар кадрларни тайёрлаш ва ижтимоий қиёфасини юксалтиришга хизмат қиладиган таркибий тузилмалар муттасил такомиллаштириб борилмоқда.

Ушбу тажрибалар замонавий раҳбар ижтимоий қиёфасини юксалтириш билан боғлиқ бугунги муаммоларни ҳал этишда ўзи хос асос вазифасини ўташи мумкин.

Иккинчидан, мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлашнинг илмий-услубий манбалари яратилди. Тўғри, Совет ҳокимияти йилларида ҳам шундай манбалар бисёр тайёрланган эди. Уларда раҳбарлик санъати, бошқарув маданияти, раҳбар фаолияти билан боғлиқ муаммолар атрофлича таҳлил қилиб берилган. “Ушбу муаммо ҳамيشа турли билим йўналишлари – шахс психологияси, ижтимоий психология, акмеология, бошқарув психологияси бўйи-ча тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб қилиб келган (И.П. Волков, А.Л.Журавлев, Е.С. Кузьмин, А.И. Китов, Р.Л.Кричевский, Л.Г.Лаптев, Б.Г.Парыгин, А.А. Русалинова, А.Л. Свенцицкий, Ю.В. Синягин, А.В. Филиппов, Р.Х.Шакурова ва б.)”¹ Бироқ уларнинг барчасида совет воқелиги шароитидаги раҳбарлик фаолияти нюанслари таҳлил этилади, бунинг устига раҳбарликнинг ўзига хос хусусиятлари коммунистик мафкура нуқтаи назаридан талқин қилинади. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида қарор топа бошлаган шарт-шароитлар раҳбарлик фаолиятини янги тамойиллар асосида ташкил этишни тақазо қиларди. Ушбу заруриятга жавобан мамлакатимизда мустақиллик йилларида раҳбар кадрларни тайёрлашга доир мутлақо ўзгача характердаги илмий-услубий манбалар вужудга кела бошлади.

Шунингдек, кейинги 20 йил давомида раҳбар ижтимоий ва маънавий қиёфасининг таркибий элементлари, унинг шаклланиши қонуниятларига бағишланган қатор асарлар, монографиялар, рисоалар, мақолалар илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди.¹ Мазкур илмий ишларда раҳбарлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган хислат ва фазилатлар аниқланади, раҳбар корхона ёки ташкилотдаги асосий функциялари баён этилади, замо-навий раҳбарни вояга етказиш билан боғлиқ долзарб муаммолар хусусида фикр билдирилади. Лекин масаланинг асосий моҳияти бунда эмас. Моҳият шундаки, ушбу нашр этилган туркум манбалар Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг миллий моделига асос бўладиган илмий манбаларга тамал тоши қўйди.

Кейинги йилларда раҳбар фаолиятини йўлга қўйиш, унинг ижтимоий қиёфасини шакллантириш борасидаги хориж тажрибаси таҳлиliga бағишланган илмий ишлар яратила бошланди. Масалан, Давлат ва бошқарув Академиясининг бир гуруҳ мутахассислари томонидан тайёрланган “Давлат хизмати: миллий ва хорижий тажриба” номли рисолада нафақат давлат хизматининг мазмуни, асосий функциялари ва принциплари, балки раҳбарларни танлаш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги хориж тажрибаси ҳақида ҳам мулоҳаза юритилади.¹ Бундай асарлар раҳбар ижтимоий қиёфасини шакллантиришда нафақат миллий, балки хорижий тажрибаларга ҳам таяниш, бу борада замон талабларига мослашиб бориш, халқаро тенденциялардан ортда қолмаслик имконини яратмоқда.

Мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлашнинг илмий-услубий манбаларини яратиш борасидаги тажрибаларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

¹ Қаранг: Морозов А.Н. Формирование эффективного стиля управленческой деятельности руководителя: Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. псих. н. – М., 1998. – С. 3.

¹ Қаранг: Боймуродов Н. Раҳбар салоҳияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2010; Бошқарув маданияти ва раҳбар маънавияти. / Н.Комилов ва бошқалар. – Т.: Академия, 2007; Каримова В. Етакчи бўлиш масъулияти // Халқ сўзи, 2004, 15 декабрь; Матлюбов Б., Қобилов Ш. Ислоҳ Каримовнинг раҳбарликка оид таълимоти. – Т.: ИИВА, 2018; Рустамов М., Оқилов О. Замонавий раҳбар // Халқ сўзи, 2005, 3 август; Юлдашева Н.А. Раҳбар хулқи, одоби ва самарали нутқ кўникмаларини ривожлантиришда педагогик-психологик муносабатларнинг аҳамияти // Замонавий таълим, 2015, – №7. – Б. 17-22.

¹ Қаранг: Азизов Х., Хожиев Э. Йўлдошев А., Асадов Ш., Бекжанов Д., Юлдашева Ф. Давлат хизмати: миллий ва хорижий тажриба. – Т.: Тафаккур қаноти, 2019.

а) раҳбар кадрларни тайёрлашнинг замонавий илмий-услубий манбаларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари назарий-методологик асос вазифасини ўтамоқда;

б) Ўзбекистонда раҳбар кадрларни тайёрлаш, уларнинг ижтимоий қиёфасини юксалтиришга доир замонавий илмий-услубий манбалар куйидагилардан таркиб топмоқда: раҳбар ижтимоий қиёфасининг шаклланиши қонуниятларига бағишланган асарлар; бошқарув маданиятининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган асарлар; мутафаккирларнинг раҳбарлик ва етакчилик ҳақидаги мулоҳазаларини ўзида мужассам қилган асарлар; хориж тажрибаси таҳлиliga бағишланган асарлар.

Ушбу тажрибалар замонавий раҳбар ижтимоий қиёфасини юксалтириш жараёнини илмий асосда, миллий ва хорижий ютуқларга таянган ҳолда таш-кил этиш имконини беради.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, мазкур тамойиллар замон талабларига монанд равишда ўзгариб, аниқлашиб боради. Шу сабабдан Ўзбекистонда янгиланиш жараёнларининг бошланиши раҳбарлар фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган тамойиллар, талабларни янада аниқлаш- тирди. Энг муҳими, ушбу тамойил ва талаблар ижтимоий зарурият, жамият эҳтиёжлари, халқ муддаоларидан келиб чиқиб белгиланди. Давлат раҳбарининг илк маърузаларидан бирида бу талаблар хусусида билдирган мулоҳазалари алоҳида эътиборга лойиқ. “2017 йил ва ундан кейинги даврда белгиланган вазибаларни амалга ошириш учта энг муҳим талабга ҳал этувчи даражада боғлиқдир.

Биринчи – давлат раҳбари – Президентдан бошлаб барча бўғиндаги раҳбарларнинг якуний натижалар учун шахсий жавобгарлиги.

Иккинчи – ҳамма соҳада аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлашимиз даркор. Яна бир бор таъкидлайман, ишни биргаликда бажарамиз, натижа учун эса ҳар биримиз шахсан жавоб берамиз.

Учинчи талаб – сафларимиз ва кадрларимизнинг софлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини қуриштириш”.¹

Мамлакатимизда раҳбарлар фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган мазкур умумий тамойиллар билан бир қаторда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган раҳбарларга тааллуқли бўлган хусусий тамойиллар ҳам мавжуд. Бундай тамойилларни саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика, савдо, маиший хизмат, таълим, маданият ва бошқа кўплаб соҳалардан топиш мумкин. Масалан, қабул қилиниши кутилаётган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасида қайд қилинишича, давлат органлари ва ташкилотларида оммавий манфаатлар йўлида меҳнат қилаётган раҳбар ходимлар фаолияти куйидаги давлат фуқаролик хизмати тамойилларига бўйсундирилади:

- давлат фуқаролик хизматининг ягоналиги;
- халққа хизмат қилиш;
- қонунийлик;
- жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;
- профессионаллик ва лаёқатлилик;
- виждонийлик ва батартиблик;
- давлат фуқаролик хизматида кадр-қиммат ва кўрсатган хизматла-ри асосида кириш учун (меритократия) тенг имкониятлар;
- давлат фуқаролик хизматчилари ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси.²

¹ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 290.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги”. Лойиҳа.// <https://regulation.gov.uz/uz/document/18047>.

Ўзбекистонда раҳбарлар фаолиятини аниқ тамойилларга бўйсундириш, унинг самарадорлигини мазкур тамойиллар асосида баҳолаб бориш борасида мустақиллик йилларида шаклланган тажрибаларни қуйидагича умум-лаштириш мумкин:

а) мустақиллик йилларида давлат раҳбари ташаббуси билан мамлакат раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи умумижтимоий тамойиллар мажмуи шакллантирилди;

б) мамлакатда раҳбарлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг умумий тамойиллари билан бир қаторда турли соҳаларга оид хусусий тамойиллар ҳам қарор топмоқда;

в) кейинги чорак аср давомида Ўзбекистонда раҳбарлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи тамойиллар ижтимоий заруриятга мос тарзда такомиллашиб борадиган талабларга айланди.

Аминмизки, ушбу тамойиллар, уларни шакллантириш методологияси, раҳбарлар фаолиятини улар асосида мувофиқлаштириш тажрибаси келгусида раҳбарлар ижтимоий қиёфасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда раҳбарнинг корхона иқтисодий кўрсаткичларини юксалтиришдаги шахсий ҳиссаси ҳам қатъий назорат қилиб борилмоқда. Бунда давлат раҳбарининг ташаббуси билан раҳбар ҳисоботини тинглаш ва таҳлил қилиш амалиётидан фойдаланилмоқда. Умуман, кейинги икки йилда Халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят кенгаши сессияларида, партияларнинг депутатлик гуруҳлари йиғилишларида, ташкилот ва корхоналарнинг кенгашларида турли даражадаги раҳбарларнинг ҳисоботини тинглаш тенденциявий тус олапти ва кўплаб ижобий натижаларга сабаб бўляпти. Масалан, 2019 йилнинг биринчи ярим йили давомида Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг доимий комиссиялари йиғилишларида 53 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланган.¹ Раҳбар фаолиятининг шахсий ҳисобот тарзида назорат қилиниши уларнинг ижтимоий қиёфасида жиддий из қолдирыпти. Бундай ёндашув уни ўз касбий маҳоратини оширишга, бошқарув фаолиятида қўл келадиган ҳислатларни ривожлантиришга, фаолият давомида ахлоқ меъёрлари ва халқ манфаатларига қатъий амал қилишга ундади.

Ўзбекистонда раҳбарларнинг фаолиятини назорат қилиш борасидаги тажрибаларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

а) мамлакатимизда раҳбар фаолияти назорати нафақат уни тўғри, мақсадга мувофиқ ва жамият манфаатларига мос равишда ташкил этиш, балки унинг ижтимоий қиёфасига таъсир кўрсатиш йўлларида бири бўлиб қолмоқда;

б) Ўзбекистонда раҳбар фаолиятини назорат қилишда комплекс ёндашувга таянилмоқда – бунда назоратнинг бир неча усулидан фойдаланиш амалиёти шаклланган;

в) раҳбар фаолиятини назорат қилишда қўлланилаётган усуллар ижтимоий заруриятга мос ҳолда такомиллашиб бормоқда.

Диёримизда раҳбар фаолиятини назорат қилиш борасида тўпланган қимматли тажрибалар келгусида уларнинг ижтимоий қиёфасини юксалтиришда ҳам қўл келади, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан. Раҳбарларни халқ манфаатларига монанд равишда фаолият кўрсатишга ундаш борасида тажрибалар вужудга келди. Мамлакатнинг Биринчи Президенти ислохотлар шунчаки ислохот учун эмас, инсон учун амалга оширилаётганини бот-бот таъкидларди. Бинобарин, Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳамиша халқ манфаатларини кўзлаб олиб борилган. Бироқ янги асрнинг 10-йилларига келиб раҳбар ходимларнинг реал ҳаётдан узилиб қолиши, функционал вазифаларни халқ манфаатларидан келиб чиқиб эмас, юқори инстанцияларга ҳисобот бериш учун бажаришга одатланиши кузатилди. Шу боисдан жойларда турли долзарб ижтимоий муаммолар тўпланиб қола бошлади, бу эса фуқаролар норозилигини оширди. Шунинг назарда тутган ҳолда давлат раҳбари: “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад

¹ Қаранг: Аллаёрова С. Мутасадди раҳбарлар 174 депутатлик сўровининг 117 тасига жавоб қайтарган // qashqadaryo.uz, 2019 23 июль.

– инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда”,-деб таъкидлаган эди.¹

Ушбу вазифани бажариш учун раҳбар кадрлар фаолиятини халқ манфаатлари асосида қайта йўлга қўйиш тақазо қилинарди. “Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса,- деган эди давлат раҳбари,- аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду-ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаё-тий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.”² Шу мақсадда мамлакатимизда аввал Бош вазирнинг Интернет тармоғидаги электрон қабулхонаси, кейинроқ эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Қабулхона ташкил этилган илк ойлардаёқ унга 218 мингдан зиёд фуқаро турли муаммолар билан мурожаат этди.³ Бу ҳол Ўзбекистонда кейинги йилларда раҳбарларни халқ манфаатларига монанд равишда фаолият кўрсатишга ундовчи мутлақо самарали ва оригинал, ўзга мамлакатларда аналогича мавжуд бўлмаган тизим вужудга келганидан далолат беради.

Янги тизим халқнинг қўлаб муаммоларини аниқлаш имконини берди. “Мана одамлар нималар ҳақида мурожаат қилмоқда,- деб маълум қилди давлат раҳбари.- Аввало, улар турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонунга зид бўлган қўлаб идоравий йўриқномаларни бекор қилиш, стакаси оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам бериш, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти ҳақида мурожаат қилмоқда. Шу билан бирга, аҳолимиздан уй-жой қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хизмати, энергия таъминотини, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам қўлаб мурожаатлар келиб тушмоқда.”¹ Давлат раҳбарининг қатъий талабига биноан мамлакатдаги раҳбар кадрларнинг фаолияти мазкур муаммоларни бартараф этишга йўнал-тирилди. Шу тариқа долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш, уларни бар-тараф этиш орқали раҳбар фаолияти билан халқ манфаатлари ўртасида уйғунликни таъминлаш учун шарт-шароит яратилди.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида раҳбарларни халқ манфаатлари-га монанд равишда фаолият кўрсатишга ундаш борасидаги тажрибаларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

а) Ўзбекистонда раҳбар фаолияти билан халқ манфаатлари ўртасидаги уйғунликни таъминлаш имконини берадиган аналогича йўқ тизим шакллантирилди;

б) янги тизим «халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»² деган тамойилнинг ҳаётга татбиқ этилишига имкон яратди.

Мазкур тажрибалар келгусида раҳбар кадрларни юрт тараққиёти ва халқ манфаатлари йўлида самарали фаолият кўрсатишига пойдевор яратади.

Хулоса шундан иборатки, замонавий раҳбар ижтимоий қиёфасини юксалтириш масаласи бу борада кейинги йилларда тўпланган тажрибаларга таянишни тақазо қилади. Шундагина раҳбар тайёрлаш билан боғлиқ билимлар ривожиди ворисийлик таъминланади. Таҳлиллар кўрсатишича, мустақиллик йилларида мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлаш билан шуғулланадиган яхлит тизимни қарор топтириш ва унинг мунтазам фаолият кўрсатишини таъминлаш, раҳбар кадрларни тайёрлашнинг илмий-услубий манбаларини яратиш, раҳбарлар фаолиятини аниқ тамойилларга бўйсундириш, назоратини йўлга қўйиш, халқ манфаатлари сари йўналтириш борасида салмоқли тажрибалар вужудга келган. Ушбу тажрибалар келгусида раҳбар ижтимоий қиёфасини юксалтиришда назарий-методологик ва амалий асос вазифасини ўтайди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 114.

² Ўша ерда. – Б. 114.

³ Ўша ерда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 115.

² Ўша ерда. – Б. 116.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Морозов А.Н. Формирование эффективного стиля управленческой деятельности руководителя: Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. псих. н. – М., 1998. – С. 3.
2. Азизов Х., Хожиев Э. Йўлдошев А., Асадов Ш., Бекжанов Д., Юлдашева Ф. Давлат хизмати: миллий ва хорижий тажриба. – Т.: Тафаккур қаноти, 2019.
3. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 290.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаро-вонлигининг гарови // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 115.

Наишга проф. С.Чориев тавсия этган

**УРБАНИЗАЦИЯ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ
ДИАЛЕКТИКАСИ**

Сайидов Қ.Б. (УрДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада, “Цивилизация” атамасининг инсоният тарихида ижтимоий алоқа воситалари, тил, бошқариш тизими, шаҳарлар юзага келгани билан изоҳланиши ва цивилизация ва цивилизация ривожланиш ҳақидаги илмий баҳслар ҳамда “урбанизация” ва “цивилизация” тушунчалари, фалсафий герменевтик нуқтаи назардан бир бирига яқин ва бир бихамда ўрнини тўлдириб келувчи воқеликлар эканлиги тўғрисида фикр юритилади.

Таянч тушунчалар: *умуминсоний тараққиёт, урбанизация, цивилизация тараққиёт босқичлари, ижтимоий-тарихий тараққиёт қонунлари, меҳнат тақсими, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги, шаҳарлар ролининг ошиши, инфратузилма, агломерациялар, ибтидоий жамият.*

Аннотация. В данной статье рассматривается трактовка термина «цивилизация» в истории человечества с появлением средств социальной коммуникации, языка, системы управления, городов и научных дискуссий о цивилизации и цивилизационном развитии, а также понятия «урбанизация». и «цивилизация» с философско-герменевтической точки зрения близки друг другу и считаются взаимодополняющими реальностями.

Ключевые слова: *всеобщее развитие, урбанизация, этапы развития цивилизации, законы общественно-исторического развития, разделение труда, развитие производительных сил, возрастающая роль городов, инфраструктура, агломерации, первобытное общество.*

Annotation. This article discusses the interpretation of the term "civilization" in the history of mankind with the advent of social communication tools, language, management system, cities and scientific discussions about civilization and civilizational development, as well as the concept of "urbanization". and "civilization" from a philosophical and hermeneutic point of view are close to each other and are considered complementary realities.

Keywords: *General development, urbanization, stages of civilization development, laws of socio-historical development, division of labor, development of productive forces, growing role of cities, infrastructure, agglomerations, primitive society.*

“Урбанизация” ва “цивилизация” этимологик нуқтаи назардан шаҳарга тааллуқли тушунчалардир. “Цивилизация” сўзини илмий атама сифатида илк бор (1766 йилда) ишлатган француз файласуфи Н.А.Буланже ҳисобланади. Бироқ унинг китоби кейинроқ чоп этилгани учун атамани илмий истеъмолга киритган Гольбахдир. Бироқ баъзи тадқиқотчилар уни 1767 йилда илмий истеъмолга шотланд файласуфи А. Фергюсон киритган, деб ҳисоблайди. А.Фергюсон “цивилизация” тушунчасини “ижтимоий страт” ва шаҳарларнинг юзага келиши билан боғлаган. “Цивилис” сўзини фуқаровий, шаҳарга тааллуқлилиқ, давлатга доирлик, маъноларида ишлатган¹. “Цивилизация” атамасининг инсоният тарихида ижтимоий алоқа

¹ Қаранг: Фергюсон А. Опыт истории гражданского общества. – Москва: РОССПЭН, 2000. – С. 28. (Университетская библиотека).

воситалари, тил, бошқариш тизими, шаҳарлар юзага келгани билан изохлаш бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида ҳам учрайди¹. Бироқ бу борадаги, айниқса, цивилизация ва цивилизацион ривожланиш ҳақидаги илмий баҳслар ҳали давом этмоқда, улардан қайси ёндашув объектив, реалликка яқин эканини кейинги тадқиқотлар кўрсатади. Биз учун “цивилизация” тушунчасининг урбанизацияга яқинлигини таъкидлаш, улар ўртасидаги сингармонияни кўрсатиш, биз бугун ишлатаётган “урбанизация” ва “цивилизация” тушунчалари, фалсафий герменевтик нуқтаи назардан, бир бирига яқин ва бир бирини тўлдириб келувчи воқеликларэканини тасдиқлаш, умуминсоний тараққиётда уларнинг иккаласи ҳам муҳим рол ўйнаганини очиб бериш муҳимдир.

Таниқли инглиз тарихчи файласуфи А.Тойнбининг ҳисоб-китобларига кўра, инсониятнинг цивилизацияга ўтганига 6 минг йилдан кўпроқ вақт бўлди². Агар муаммога шу нуқтаи назардан қарасак, урбанизация ва цивилизация тараққиёт босқичлари айнан бўлиб чиқади. Чунки умуминсоний ижтимоий тараққиётда уларнинг иккаласи ҳам бирдек муҳим ва умумий қонуниятларга эга. Шу билан бирга, ижтимоий-тарихий тараққиёт қонунлари ўтмишдаги ранг-баранг, гоҳо зиддиятли ва англаш мураккаб бўлган воқелардан иборатки, К.Ясперс ибораси билан айтганда, “инсон ҳаёти моҳияти ана шу воқеликлардан оддий қонуниятлар аниқлашга бориш орқали англаниши мумкин”³. Демак, тарих ва ўтмишдаги ҳодисалар қанчалик ранг-баранг ва мушкул бўлмасин, уларни “такрорланадиган оддий” қонуниятлар орқали англаш мумкин. Мавжуд илмий-тарихий ва фалсафий адабиётларни ўрганишдан келиб чиқиб, цивилизацияшунос файласуф Б.С. Ерасов ушбу қонуниятларни қуйидаги йўналишлар: 1) меҳнат тақсимоти; 2) ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги; 3) шаҳарлар ролининг ошиши; 4) ўзига хос инфратузилманинг шаклланиши; 5) агломерацияларнинг вужудга келиши; 6) умумий тил ва этномаданий омиллар таъсири орқали қарашни, ўрганишни таклиф этади. Улар бизнинг қарашларимизга ҳам мос, шунинг учун биз мазкур мавзудаги фикр-мулоҳазаларимизда уларга таянаемиз.

Биринчидан, меҳнат тақсимотининг юзага келиши ва унинг жамиятда горизонтал (профессионал ихтисослашуви) ва вертикал (ижтимоий стратификация) шаклланиши қонунидир⁴. Таниқли америкалик этнограф Л.Г.Морган инсоният ва кишилик жамияти, маданияти шаклланишининг илк босқичини “уруғчилик жамияти”, яъни тўда бўлиб яшашга асосланган “ибтидоий жамият” деб атаган эди. У мазкур жамиятни кишиликнинг маданиятга қадам қўйгандан олдинги, ибтидоий тўда даври (илк ва ўрта палеолит, архаик давр) сифатида қаради. Бу давр ҳақида кўплаб асарлар ёзилган, гипотезалар илгари сурилган⁵. Мазкур тадқиқотларда келтирилган археологик ва этнографик материаллар миллион йиллар давом этган ибтидоий (архаик) давр ўзига хос маданият яратганини кўрсатади. Масалан, архаик тасаввурлар кейинги даврларда шакллантирилган трансцендентал, диний таълимотлар ва эътиқодларга асос бўлган⁶. Ибтидоий, архаик даврдан кейинги босқичларнинг ўзига хос қонуниятлари аввало меҳнат тақсимоти билан боғлиқдир. Горизонтал йўналишда у турли касб-корларнинг вужудга келиши, аёл билан эркак, ота-она билан фарзандлар ўртасидаги оилавий вазифаларнинг тақсимланишида намоён бўлади. Бу илк кишилик маданияти шаклланиш босқичи эдики, унда меҳнат тақсимоти асосан феодал, аграр муносабатлар атрофида рўй берган. Шунинг учун илмий адабиётларда бу XVI–

¹ Қаранг: Февр Л. Цивилизация: эволюция слова и группы идей. Бои за историю.- Москва: “Наука”, 1991; Ерасов Б.С. Цивилизации: универсалии и самобитность. – Москва: Наука, 2002; Семёнов Ю.И. Философия истории (Общая теория, основные проблемы, идеи и концепции от древности до наших дней). – Москва: Современные тетрады, 2003.

² Қаранг: Тойнби А. Постигание истории. – Москва: Прогресс, 1991. – С. 5-6.

³ Ясперс К. Смысл и назначение истории. – Москва: Изд. полит. лит., 1991. – С. 29.

⁴ Қаранг: Ерасов Б.С. Цивилизации: универсалии и самобитность. – Москва: Наука, 2002. – С. 11-12.

⁵ Қаранг: Боас Ф. Ум первобытного человека. – М.; -Л., 1926; Борисковский П.И. Древнейшее прошлое человечества. – М.; -Л.: Госиздат, 1957; Первобытное общество. Сборник. – Москва: Гослитиздат, 1932; Быстров А.П. Прошлое, настоящее, будущее человека. – Ленинград: “Наука”, 1959; Семенов Ю.И. Как возникло человечество. – Москва: Наука, 1966; Тайлор Э. Первобытная культура. – Москва: Политиздат, 1989; Леви Строс К. Первобытное мышление. – Москва: Республика, 1994.

⁶ Қаранг: Рязанова Е.К. Психология религии. Введение в общее религоведение. – Москва: Грант, 2001; Абдусамедов А.Э. ва бошқалар. Диншунослика сослари. – Тошкент: Университет, 1996.

XVII асргача бўлган даврни агроцивилизация босқичи ҳам дейишади. Агроцивилизация кишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаган, барча ижтимоий ҳаёт негизини деҳқончиликда кўрган ижтимоий-тарихий босқич эди. Унда ер ҳайдаш, экин экиш, ҳосилни териб олиш ва уни тақсимлаш, аҳолига олиб бориб сотиш, пуллаш кабилар меҳнат тақсимотига қурилган. Деҳқон хўжалиги асосан ўзини ўзи таъминлашга қаратилган меҳнат тақсимотини назарда тутган. Ортиқча маҳсулот эса савдога, бозорга олиб чиқилган, деҳқон хўжалиги эҳтиёжларига зарур нарсаларга алмаштирилган ёки улар эквивалентига пулланилган. Бу савдо-сотикни феодал хўжалигида махсус кишилар амалга оширган. Шу тарика деҳқон, терувчи, сувчи, сотувчи, хирмончи, ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи каби қатор касб-хунарлар юзага келганки, уларнинг профессионаллашуви (горизонтал муносабатлар) ижтимоий меҳнатни ва меҳнат тақсимотини самарали қилган. Горизонтал муносабатларнинг афзал жиҳати шунда эдики, у этноснинг барча аъзоларини меҳнат жараёнига жалб этган, меҳнат тақсимоти экстенсив тарзда кишиларни ўзига тортган ва янги-янги касб-кор эгаларини меҳнат бозорига олиб чиққан.

Тўғри, феодализм (агроцивилизация) давридаги бозор билан капитализм (индустрал) цивилизацияси давридаги бозор ўртасида катта фарқ мавжуд. Бироқ агроцивилизациянинг ўзига хос қонунияти, яъни ер муносабатлари, уни ишлаш, олинган ҳосилни қайта ишлаш билан боғлиқ меҳнат тақсимоти, “деҳқон хўжалиги” ва “феодал хўжалиги” деган институтларнинг юзага келгани агломерацияларни шакллантирди. Улар ҳозирги маънодаги, комплекс инфратузилмалардан иборат шаҳар агломерацияси бўлмаса-да, ҳар ҳолда аҳолини уюштирувчи ижтимоий маконлар эди. Бу ижтимоий маконлар турли касб-кор ва қосиблар, хунармандлар, хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий муносабатлар марказига қўйди. Бутун горизонтал муносабатлар ана шу агломерация атрофида кечди, бу эса аста-секин шаҳар-давлатларни, катташаҳарларни юзага келтирди. Шаҳар агломерацияси деҳқон хўжалигига эмас, балки савдо-сотик, ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш, турли хизматлар кўрсатиш ва пул муносабатларини йўлга қўйиш технологиясига мослашди.

Меҳнат тақсимоти вертикал муносабатларни ҳам шакллантирган. Меҳнат қилувчи ва меҳнатни ташкил этувчи, уюштирувчи дифференциаллашган, уларнинг меҳнатга бўлган муносабати турлича эди, албатта. Катта ер эгалари ёллаган деҳқонлар ҳосилининг асосий қисми феодалга ўтган, бундай тизим агломерацияларда ҳам қарор топган. Сиёсий институтларнинг юзага келиши ана шу вертикал муносабатларнинг ифодаси эди. Уларнинг ижтимоий ҳаётда устувор кучга айланиши билан меҳнат тақсимотида икки субъект: меҳнаткаш (деҳқон, хизматчи, хунарманд, сотувчи, қайта ишловчи) ва буюртмачи (истеъмолчи, уюштирувчи, бошқарувчи, ҳокимият) пайдо бўлган. Вертикал муносабатларда ҳал қилувчи ролни буюртмачи ўйнаган, меҳнаткаш эса унинг истак ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилган. Бу босқич қонунияти шаҳар-давлат ва катта шаҳарларнинг ролини ошириш билан якунига етган. Шунинг назарда тутиб, К.Ясперс Қадимги Хитой, қадимги Ҳиндистон ва Қадимги Юнонистон тажрибаларига таяниб ёзади: “Бу даврда кўплаб майда шаҳарлар ва давлат бор эди, ҳамма ҳаммага қарши курашган, шунга қарамай, хайратли тарзда гуллаб яшнаш, қудратга тўлиш ва бойлик тўплаш рўй берган. Заиф Чжоу династияси даврида Хитойда кичик давлатлар ва шаҳарлар ўзи ҳаёти билан яшаган, сиёсий жараёнларнинг ривожланиши эса айрим бир кичик давлатнинг бошқа кичик давлатни ўзига итоат эттириш натижасида кучайтирган. Эллада ва Яқин Шарқда кичик давлатлар ва шаҳарлар марказга боғлиқ бўлмаган тарзда ўз ҳаётини ўзи ташкил этган, яшаган. Уларнинг баъзилари форслар қўли остида бўлган. Ҳиндистонда жуда кўплаб давлатлар ва мустақил шаҳарлар мавжуд эди”¹. Айнан улар Қадимги Хитой ва Қадимги ҳинд цивилизациясининг бешиклари эди. Шаҳарлар ва шаҳарлар атрофида йиғилган аҳоли билан узок чеккаларда яшаган қабилалар, элатлар ўртасидаги алоқалар кишлоқ хўжалиги маҳсулотлар сотиш ва сотиб олишдан иборат бўлиб, аста-секин умумий этномаданий (тил, урф-одат, эътиқод) муҳит шаклланди. Бу эса буюк империяларни шакллантирган. Хуллас, шаҳарларнинг вужудга келиши ва йириклашуви жараёнлари билан катта давлатлар, империяларнинг

¹ Ясперс К. Смысл и назначение истории. – Москва: Изд. полит. лит., 1991. – С. 35.

шаклланиши косубстанционал асосга эга. Мазкур косубстанционал асос боис илк урбанизация элементлари, яъни агломерациялар, шаҳар аҳолисининг ўзига хос турмуш тарзи, одатлари, хўжалиги ва инфратузилмаси вужудга келган. Шу тариқа шаҳар маданияти алоҳида ижтимоий воқеликка, давлат институтининг барқарор ишлаши, мустаҳкамланиши ва ривожланиш мезонига айланган. Архелог ва этнографларнинг қадимги халқлар давлатини, ҳаёт тарзи ва цивилизациясини ўрганганларида аввало шаҳарлар ва турар жойларга, улардан қолган ёдгорликларга эътибор бериши бежиз эмас. Улар қадимги давлат ва этномаданият, цивилизация ҳақида аниқ тасаввурлар уйғотади, этноснинг қанчалик фаол, жипс ва мобил яшаганини кўрсатади. Ўтроқлик нафақат маданият ва цивилизациянинг, шунингдек, урбанизацион ривожланишнинг ҳам белгиси ва кафолатидир.

Иккинчиси, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги қонуниятини. Урбанизация ва цивилизациянинг косубстанционал асоси ишлаб чиқариш кучларида экани аксиомадир. Бироқ бу куч турли ижтимоий-тарихий босқичларда турлича ўзини намоён этади.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган расмий маълумоти (2019 йил)га кўра, бугун бевақт ўлаётган кишиларнинг 6 фоизи гиподинамия, 21-25 фоизи ички касалликлар, 27 фоизи диабет ва 30 фоизи юрак ишемия касалликларига тўғри келади¹. Постиндустриалцивилизацияда яшаётган европаликлар ўртасида кунини ўтириб ёки жисмоний ҳаракат қилмай ўтказиш фожиали тарзда ошиб бормоқда. 2002 йилдан 2017 йиллар ичида камҳаракатчанлик Германияда 7,4 фоизга, Францияда 17, 8 фоизга, Буюк Британияда эса 22,5 фоизга ошган. Энг хавфли жойи шундаки, камҳаракатчанлик ёшлар ва куч-қувватга тўла кишилар ўртасида кенг тарқалмоқда². Ишлаб чиқариш кучларининг жисмоний ҳаракатчанлигини техника, нанотехнология ва интертехнология устига юклаши урбанизация ва цивилизациянинг аск таъсири ҳамдир. Аммо бу илмий-техник инқилобнинг ижобий таъсирини, инсоннинг ижодий салоҳияти ва креатив фаоллигини оширишга олиб келганини инкор қилолмайди.

Давлатлар ва мамлакатлар ўзининг ижтимоий-маданий тараққиётини, умуминсоний цивилизацияда барқарор ўринга эга бўлишини шаҳарлаштириш сиёсатини амалга ошириш, урбанизацион ривожланишни таъминлаш, энг муҳими, камбағалликни камайтиришда кўрмоқда³. Шундай экан, ишлаб чиқариш кучларининг фаоллиги, урбанизация ва цивилизация талабларига мувофиқ ўсиши, янгиланиши табиий ҳолдир. Фақат шаҳарлар шароитида ушбу жараёнларни рационал кечишини таъминлаш, дуч келган жойда ёки туманда мардикорлар бозорининг шаклланишига йўл қўймаслик зарур. Мардикорлар бозори ишлаб чиқариш кучларининг ҳолатини ифода этмайди, аммо улар аҳоли ўртасида иш билан бандлик, касб-корни долзарблаштириш, ёшларни альтернатив фаолиятга жалб этиш билан боғлиқ муаммолар борлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ясперс К. Смысл и назначение истории. – Москва: Изд. политех. лит., 1991. – С. 29.
2. Ерасов Б.С. Цивилизации: универсалии и самобитность. – Москва: Наука, 2002. – С. 11-12.
3. Боас Ф. Ум первобытного человека. – М.; -Л., 1926.
4. Борисковский П.И. Древнейшее прошлое человечества. – М.; -Л.: Госиздат, 1957.
5. Рязанова Е.К. Психология религии. Введение в общее религиоведение. – Москва: Грант, 2001.
6. Абдусамедов А.Э. ва бошқалар. Диншунослика сослари. – Тошкент: Университет, 1996.
7. Аджемоглу Д. Почему одни страны богатые, а другие бедные. Происхождение власти, процветания и нищеты. – Москва: АСТ, 2019. – С.621.

Наишра проф. С. Чориев тавсия этган

¹ Қаранг: <https://ssmu.ru/news/archive>.

² Қаранг: Deutsche Welle. 2022.

³ Қаранг: Аджемоглу Д. Почему одни страны богатые, а другие бедные. Происхождение власти, процветания и нищеты. – Москва: АСТ, 2019. С.621.

**ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚ
МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТИ ИЗЛАРИ****Усенов Ж. (НДПИ)**

Аннотация. Мақолада қорақалпоқ халқининг маълум бир тарихий ҳудудда шаклланиши ҳамда мазкур халқнинг даврлар силсиласида ҳар тамонлама мавқие касб этиб бориши акс эттирилган. Шунингдек, қорақалпоқ халқининг қардош халқлар орасида ўзининг бой миллий маданияти урф-одат дастурлари миллий менталитети билан ажралиб туриши алоҳида таъкидланган. Шунингдек, ўтмиши буюк келажаги ундан ҳам буюк халқнинг тарихига ҳолис ва муффасал баҳо берилган, айниқса, қорақалпоқ халқининг қадимги давлатчилиги урф-одат дастурлари этник тарихи ва этногенезига алоқадор фикрлар билдирилган.

Таянч сўзлар: *халқ, тарих, дастур, миллий менталитет, урф-одат, маданият, миллат, қавм, уруғ, менталитет, кўчманчи қавм, мамлакат, ўтроқ қавм.*

Аннотация. В данной статье описывается формирование каракалпакского народа в определенном историческом регионе и тот факт, что этот народ занимает комплексную позицию в ряде периодов. Также было отмечено, что каракалпакцы выделяются среди братских народов богатой национальной культурой и национальным менталитетом. В этой статье также дается объективная и оценка истории нации с великим прошлым и еще большим будущим. В частности в статье рассматриваются этническая история и этногенез древних традиций.

Ключевые слова: *народ, история, применение, национальный менталитет, обычай, культура, нация, племя, семья, кочевник племя, страна, оседлой племя.*

Annotation. This article reflects the formation of the Karakalpak people in a particular historical region and the fact that this people has a comprehensive position in the series of periods. It was also noted that the Karakalpak people are distinguished among the fraternal peoples by their rich national culture and national mentality. This article also provides an objective and detailed assessment of the history of a nation with a great past and an even greater future. In particular, this article discusses the ethnic history and ethnogenesis of the ancient statehood traditions of the Karakalpak people.

Key words: *people, history, application, national mentality, custom, culture, nation, tribe, family, nomad tribe, country, sedentary tride.*

Халқ миллий менталитетининг шаклланиш манбаларидан бири – тарихий замон ва тарихий макон ҳисобланади. Демак, миллий менталитет – тарихий макон ва тарихий замонда ўсиб ривож топадиган дарахт мисоли. Чунки ҳар бир халқ халқ бўлиб шакллангунча маълум бир тарихий даврда, тарихий маконда яшайди. Ўша ернинг табиати, муҳити, бирга умргузаронлик қилаётган бошқа халқларнинг ўзаро таъсири ҳам шу халқ миллий менталитетининг пайдо бўлишида ўзига хос роль ўйнайди. Чунки бир ҳудудда яшаётган халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, тўйу маъракаси, маданияти аралашиб, бир-бирига таъсир қилиши орқали вақт ўтиши билан шу халқнинг миллий менталитетининг шаклланишига олиб келади. Натижада, ҳар бир миллатнинг ўзига хос бўлган жиҳатларини акс эттирадиган миллий менталитети яратилади.

Биринчи Президентимиз айтганидек, “... ҳар қандай халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий кўзқарашлари ўз-ўзидан, йўқ жойда пайдо бўлиб қолмайди. Уларнинг юзага келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлганлигини ҳаммамиз яхши биламиз”¹ ёки Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз қолмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий шаклларда юзага чиқади. Шунинг учун ҳам у қудратли”² деган фикрлари теран фалсафий мазмунга эга.

Халқ миллий менталитетининг шаклланишига маълум бир тарихий маконнинг ва тарихий-ижтимоий ҳодисаларнинг таъсири ҳақида профессор С.Баҳадирова шундай ёзади: «Халқнинг хулқи, урф-одати, менталитети ўзи яшаб турган жой, табиат билан боғлиқ

¹ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 7.

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 29.

шаклланади. Қорақалпоқлар эркинликни, кенг масканни яхши кўрадиган, ёлғон сўзлашни, ёмонликни билмайдиган, яхши кўрса, бирийўла, берилиб яхши кўрадиган, ҳалол, одамга меҳрибон, оқ кўнгил, юраги тоза халқ. Дўст учун ҳар нарсага тайёр халқ. Унинг шундай хулқи қийинчиликни кўп кўрганидан, одамнинг одамга қадрининг нима эканилигини билганидан шаклланган бўлиши керак».¹

Менталитетни аниқлаш учун бир қанча омилларга эътибор қаратиш керак бўлади. Менталитет маълум бир миллатни (қорақалпоқ) бошқа миллатлар билан қиёслаш орқали, ушбу миллатнинг ўтмишда яшаб ўтган тарихий макони билан тарихий замони, маънавий дунёси ва яна бошқа томонларига диққат қаратиш натижасида аниқланади.

Академиклар С.Камалов ва Б.Ахмедовларнинг аниқлашича, ҳозирги қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ ва бошқа халқларнинг қадимги замонлардан бери яшаб келаётган тарихий макони – бу ўзларининг ҳозирги яшаётган ерлари бўлиб ҳисобланади. Демак, «Қорақалпоқ халқининг қадим замонлардан буён ота-юрти – ота макони ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси жойлашган ер. Улар ушбу ерда, яъни Орол ва Амударё бўйларида пайдо бўлган ва айрим сабабларга кўра бўлиниб кетса ҳам, сўнг ўз ота юртига қайтиб келган»².

Академик С.Камалов қорақалпоқларнинг эски ота-боболарининг пайдо бўлиш давлари бизнинг эраизгача VII – V асрлар деб кўрсатади³.

Қорақалпоқларнинг ота-боболари Орол денгизининг жануби-шарқий бўйларида яшаган сак-массагет қавмлари ҳисобланади. Сак-массагет қавмларининг ўзи бир неча қавмлардан иборат. Улар ичида апасиаклар ва аугасийлар қорақалпоқ халқининг пайдо бўлишида катта роль ўйнаган. Бундай фикрларни С.Камалов, Т.Жданколарнинг билдирган кўзқарашлари ҳам тасдиқлайди⁴.

Т.А.Жданконинг айтишича, массагетлар бошлиғи Тумарис қўшинининг асосий қисми хотин-қизлардан иборат бўлган, чунки ўша давларда массагетлар турмушида матриархатлик (оналик) анъанаси ҳукм сурган. Худди шу бошқариш анъанаси қорақалпоқ халқининг «Қирқ қиз» достонида атрофлича акс эттирилган. Бундан шу нарса келиб чиқадики, массагетлар ва унинг бир тоифаси бўлган апасиаклар ҳозирги қорақалпоқларнинг энг дастлабки атамаси десак, хато қилмаймиз. Бу фикрни тарихчи олимлар С.Камалов, Т.А.Жданко, С.П.Толстов, П.П.Ивановлар ҳам тасдиқлайди⁵.

Демак, тарихчиларнинг фикрига кўра, қорақалпоқларнинг келиб чиқиши қадимги массагетлардан бошланган. Бу ҳақда С.П.Толстов шундай ёзади: «... Қорақалпоқларнинг қадимги ота-боболари жанубий Орол бўйларида ўтроқлашган эраизгача бир минг йилликнинг иккинчи ярмида яшаган ботқоқ ва (атов) массагетлари бўлган»⁶.

Шунингдек, академик С.Камалов «Қорақалпоқлар дастлабки бир неча қавмларнинг таркибидан иборат бўлиб, қадимги замонлардан бошлаб-оқ шакллана бошлаган. Уларнинг қадимги ота-боболари бизнинг эраиздан аввалги VII–V асрларда Оролнинг жанубий шарқ бўйларида яшаган сак, массагет қавмлари бўлган»⁷.

Аммо тадқиқотчилар ўз ишларида массагетлар, саклар, скифларнинг бизнинг ота-боболаримиз эканлиги ҳақидаги масалани ҳанузгача тўлиқ, очиқ-ойдин айтмади. Жумладан, «Қорақалпоғистон АССРининг тарихи» китобида, шунингдек, қадимги грек муаллифларининг кўрсатишича, қадимги Хоразм кўчманчи, ярим кўчманчи қавмлар

¹ Баҳадырова С. Қарақалпақ қандай халық. – Ташкент: Наврўз, 2017. – Б. 16.

² Ахмедов Б.А. Ўзбек улуси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси наширёти. «Нур», 1992, – Б. 13.

Камалов С. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесиўи хәм оның мәмлекетлигиниң тарихынан. – Нөкис, ЎзРИАҚҚБ «Хабаршысы» журналы, 2001, – Б. 7.

³ Шу ерда: 7-бет.

⁴ Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М.-Л., Изд. АН СССР. – С. 101.

⁵ Камалов С. Қарақалпақлардың халық бўлып қәлиплесиўи хәм оның мәмлекетлигиниң тарихынан. – Нөкис, ЎзРИАҚҚБ «Хабаршысы» журналы, 2001, – Б. 8; Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М.-Л., Изд. АН СССР, – С. 101; Иванов П.П. Новые данные о каракалпаках // Советское востоковедение. III том, 1945, – С. 65.

⁶ Толстов С.П. Основные проблемы этнонегеаза народов Средней Азии // Советская этнография. – М.; -Л. 1974.

⁷ Камалов С.К. Қарақалпақлардың халық бўлып қәлиплесиўи хәм оның мәмлекетшилигиниң тарихынан. – Н., 2001.

массагетларнинг катта конфедерациясига кирди ва унда бош ролни бажарди»¹ – деган гап билан чекланади.

Ҳар хил энциклопедияларда эса «Массагетлар Каспий ва Орол бўйларидаги кўчманчи қавмларнинг умумий номи», – деб кўрсатилади. Демак, шу каби фикрларга суянадиган бўлсак, қорақалпоқларнинг ота-боболари бўлган сак-массагетлар ва бошқа уларга аралашган халқлар ҳақида ҳали бир якуний қарорга келинмаганини кўриш мумкин.

Қозоғистон тарихчилари С.Кляшторний ва Т.Султановлар: «Массагетлар атамаси фақат қадимги йилномаларда сақланган. Массагетлар кўчманчи, йилки боқувчи, Каспийдан балиқ тутиб ейдиган, қирғоқларидан томир терувчилар бўлган»,² – деб ёзади.

Тарих отаси Геродот массагетлар яшаган ерларини Аракс билан (Амударё) боғлайди. Унинг шарқ қирғоғида улар эгаллаган кўплаб ороллар бор деб кўрсатади. У массагетлар кўчманчи қавм бўлиб, ёзда Каспий билан Орол бўйларининг орқа томонига кўчган, қишда эса Устюртда, Оролнинг жанубий томонида қишлайдиган бўлган³, – деб таъкидлайди. Демак, ҳозирги қорақалпоқ чўпонларининг молларини ёзда яйловга, кузда эса қишлатиш учун боқадиган одати қадимги массагетлардан қолган деган фикрга келиш мумкин. Массагетларнинг Орол бўйларида яшаганлиги ҳақидаги юқоридаги фикр С.Камалов, С.П.Толстовларнинг фикрларига мос келади.

Шунингдек, атоқли тарихчи И.В.Пьянков: «Ўша ҳудудларда кўчманчи турмуш узок вақт давом этиб асрлар давомида шаклланди. У аралаш массагет қавмлари кичик юз қозоқларининг ва қорақалпоқларнинг «... туб ота-боболари эди, – деган тўхтамга келади, – чунки, – дейди у: – халқларнинг кўчиб-қўниб яшаган жойи ушбу Орол ва Каспий атрофида бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши шу ерда бўлди»⁴. Бу таъкидлашлардан сак-массагет маданияти Орол, Каспий ҳудуди халқларининг этногенезига алоҳида таъсир этганини кўрамай. Демак, кўпгина олдинги ва ҳозирги олимларнинг тадқиқотлари бўйича қорақалпоқлар дастлаб сак-массагетлардан пайдо бўлиб кўчманчи турмуш тарзига эга бўлган.

Туркиялик тарихчи олим Зия Куртер қорақалпоқлар мўғуллар босиб олмасдан бурын, яъни X-XI асрларда халқ бўлиб шаклланган, V-VI асрларда давлатчилигига эга бўлган, – деган маълумотларни кенг жамоатчиликка эълон қилади. Бу янгилик қорақалпоқларнинг жуда қадим тарихга эга эканлигини кўрсатади.

Қорақалпоқларнинг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотларни қадимги Хитой ёзма манбаларидан ҳам топишга бўлади. Масалан, Хитой тарихчиси Си Ма Цян ўзининг “Тарихий эсдаликлар” китобида қанглиларнинг турмуш тарзи ҳақида фикр юритиб, “... улар урф-одатлари бўйича юечжиларга ўхшаб кетади”, – деб ёзади. Хитой манбаларида Қанғ давлати Кангуй ямаса Канцуй деб номланган.

Авестода Канха, Птолемейда “қандар” (қанғар), “Шохнома”да турлар деб аталган қавм аслида саклар эди. Турон подшоларининг бош қалъаси Қанғдиз – ҳозирги Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида жойлашган Қанға қалъаси қолдиқлари эканлиги аниқланди. Хитой манбаларига кўра, қанғарларда давлат бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Искандар Зулқарнайннинг ҳарбий юришларидан кейин Ўрта Осиёнинг қадимги эркпарвар кўчманчи қавмлари жанубда Юнон-Бактрия давлати пайдо бўлгандан кейин, кўп ўтмай шимолда кўчманчи қавмлар ва ўтроқ маҳаллий ҳокимликлари иттифоқи асосида ўз давлатини тузади. Бу давлат ярим ўтроқ, ярим кўчманчи қавмлар конфедерацияси сифатида пайдо бўлган Қанғ давлати эди. Мунтазам ҳарбий кучга эга бўлган бу давлат Ўрта Осиё жанубида яшайдиган юнонлар ҳукумронлигига қарши қаратилган эди.

Ҳозирги қорақалпоқлар орасида учрайдиган қангли уруғининг асл асоси худди шу Қанғ давлати атамаси билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Чунки уруғлар халқдан аввал пайдо бўлган.

¹ История Каракалпакской АССР. – Т.: Фан, 1986.

² Кляшторный С.Т. Султанов Казакстан летопись трех тысячелетий.

³ Геродот История в девяти книгах Пер. с греческ. – Л., 1972.

⁴ Пьянков К. Вопросы и маршруте Кира и массагетов. Вестник древней истории, 1964, – №3.

Шунингдек, Хоразм вилоятининг Хонқа тумани атамаси ва қадим илдизлари ҳам биз сўз юритаётган Қанғ давлати номи билан боғлиқ бўлиши эҳтимол.

Академик С.Камалов қорақалпоқларнинг халқ бўлиб шаклланишида сак-массагет, апасиак, аугасийлар билан бирга аланларнинг (бизнинг эрамизнинг I-III асрларидаги) ҳам тутган ўрнининг катта бўлганлигини таъкидлайди¹.

Бизнинг эрамизнинг II-IX асрларида Қуйи Волга бўйи, Шарқ Урол олди, Дон бўйи, Шимолий Каспий бўйи (Днепргача) ерларида яшаган аланлар осетин миллатининг шаклланишига асос бўлган². Бир қизик жойи, бу келтирилган манбага суяниб айтадиган бўлсак, халқ пайдо бўлишининг кўп компонентли бўлиши янада ойдинлашади. Чунки бугунги кунда осетин миллатининг келиб чиқишига асос бўлган аланлар – қорақалпоқларнинг ҳам шаклланишига маълум даражада ўз таъсирини ўтказган.

Тарихнинг ҳали очилмаган саҳифалари ниҳоятда кўп. Жумладан, қорақалпоқларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фикрлар ҳали бир тўхтамга келганича йўқ. Бу тўғрида фақатгина тарихчилар эмас, файласуфлар, филологлар ҳам ўзларининг шахсий фикрларини ўртага ташлаб кўрмоқда. Масалан, академик Ж.Базарбаев ва тарихчи доцент Р.Базарбаевларнинг матбуотда эълон қилган “Бизиң арғы тегимиз массагетлар ким болған?”, “Булар қайси қарақалпақлар екен?”, “Мўғыллар ишиндеги қарақалпақлар кимлер екен?”, “Қарақалпақлардың этногенезинде қыпшақлардың орни” номли мақолалари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиб, қорақалпоқларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги кўплаган тарихий масалаларни кўзғашга туртки бўлиши мумкин.

Мисол учун, бу олимлар “Қарақалпақлардың этногенезинде қыпшақлардың орни” номли мақоласида қорақалпоқ халқининг пайдо бўлиши ҳақида тарих фанида айтилиб келаётган қорақалпоқларнинг қадимги сак, массагетлардан пайдо бўлганлиги ҳақидаги кўзқарашларга танқидий кўз билан қараб, “... қорақалпоқлар массагетлардан, печенеглардан пайдо бўлди деган тушунчаларнинг нотўғрилигини, массагетларни, печенегларни тарих отаси Геродотнинг кўрсатишича хунларнинг ичида пайдо бўлганлиги, хунларнинг ўзи эса қадимдан Хитой деворининг бу томонида яшаган туркларнинг 44 қавмига киришини, Хитой манбалари тасдиқлагандан кейин қорақалпоқларнинг асосини қадимги турк қавмларидан излашга тўғри келишини таъкидлайди” ва бу мақоласида қорақалпоқларни қипчоқлардан келтириб чиқаради ва унга ўзларининг асосли фикрларини келтириб, ўз концепциясини далиллашга ҳаракат этади:

“Қорақалпоқлар буюк далада-дашти қипчоқда қипчоқлар-половецлар бўлиб, ўзининг характерини тоблаган, ботир бўлган, бир сўзли қайтмас, қайсар ва шаддодлик кўрсатиб ўзининг қорақалпоқлар, яъни «Ғайратли қалпоқ» деган ҳақиқий номини далиллаган. Улар V асрда Киевни қуришда, унинг номини «Куёв» (Киев) деб қўйишда аралашган. Кейин Киев руси хокимиятининг сиёсатига, урушларига қатнашиб, «Великий Киевский Рус», “Чёрные клобуки» деган муҳрнинг эгаси бўлган”. Бу олимларнинг қорақалпоқларни қипчоқлардан келиб чиқди деган фикрлари тўғридир, аммо уларнинг қорақалпоқлар сак, массагетлардан пайдо бўлганлиги ҳақидаги шаклланган илмий фикрларни инкор қилишига қўшилмаслик мумкин. Чунки ҳеч бир халқ, миллат бир компонентли эмас, яъни бир қавмдан ёки бир тоифадан шаклланмайди. Халқлар кўп компонентли этник бирликлардан пайдо бўлади. Бир неча қавмларнинг аралашмаси натижасида халқ бўлиб шаклланиб, миллат даражасига кўтарилади. Шулар қаторида қорақалпоқларнинг ҳам келиб чиқиши бир неча қавм, уруғлардан бошланиб, уларнинг ассимиляцияланиши натижасида алоҳида халқ бўлиб шаклланганлиги аниқ. Сак, массагетлар, аугасийлар, апасиаклар, турклар, аланлар, печенеглар, қипчоқлар, ўгузлар, ноғайлар – мана, ушбу уруғ-қавмлар қорақалпоқларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва халқ, миллат сифатида ўзи алоҳида дарахт бўлиб ривожланишда асос яратган.

¹ Камалов С. Қарақалпақлардың халық бўлып қәлиплесиўи хәм оның мәмлекетлигиниң тарихынан. – Нөкис, ЎзРИАҚҚБ «Хабаршысы» журналы, 2001, – Б. 13.

² О'зМЕ. Birinchi jild. – Toshkent, 2000-yil.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 7.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 29.
3. Баҳадырова С. Қарақалпақ қандай халық. – Ташкент: Наврўз, 2017. – Б. 16.
4. Ахмедов Б.А. Ўзбек улуси. – Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси наширёти «Нур», 1992, – Б. 13.
5. Камалов С. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесиўи хәм оның мәмлекетлигиниң тарихынан. – Нөкис, ЎзРИАҚҚБ «Хабаршысы» журналы, 2001, – Б. 7.
6. Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М.; -Л., Изд. АН СССР, –С. 101.
7. Толстов С.П. Основные проблемы этнонегеца народов Средней Азии // Советская этнография. – М.; -Л. 1974.
8. Камалов С.К. Қарақалпақлардың халық бўлып қәлиплесиўи хәм оның мәмлекетшилигиниң тарихынан. – Н., 2001.
9. История Каракалпакской АССР. – Т.: Фан, 1986.
10. Геродот История в девяти книгах. Пер. с греческ. – Л., 1972.
11. Пьянков К. Вопросы и маршруте Кира и массагетов. Вестник древней истории 1964, – №3.
12. Камалов С. Қарақалпақлардың халық бўлып қәлиплесиўи хәм оның мәмлекетлигиниң тарихынан. – Нөкис, ЎзРИАҚҚБ «Хабаршысы» журналы, 2001, – Б. 13.

Наируга проф. С. Чориев тавсия этган

ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК ҲАҚИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР

Утегенова Ж.Д. (НДПИ)

Аннотация. Мақолада виртуал реаллик ходисаси – бу маданиятнинг янги тури ва маданий кадриятларнинг шаклланиши ва уни таҳлил қилиш нафақат алоҳида профессионал гуруҳлар вакили бўлган мутахассислар томонидан изланиш ва ўрганишни, балки яхлит маданий ёндашувни ҳам талаб қилиши илмий жиҳатдан асосланган.

Таянч сўзлар: *виртуал, реаллик, позиция, сунъий, кибер-макон, операцион, кинематографик, потенциал, спектр, предикат, проекцион, глобал, эгоцентризм, антрополог, семантик, реализация.*

Аннотация: В статье утверждается, что феномен виртуальной реальности представляет собой новый тип культуры и формирование культурных ценностей и его анализ требует не только исследования и изучения специалистами, представляющими отдельные профессиональные группы, но и целостного культурологического подхода.

Ключевые слова: *виртуальный, реальность, положение, искусственный, киберпространство, операциональный, кинематографический, потенциальный, спектр, предикат, проекция, глобальный, эгоцентризм, антропологический, семантический, реализация.*

Annotation: The article states that the phenomenon of virtual reality is a new type of culture and the formation of cultural values, and its analysis requires not only research and study by specialists representing individual professional groups, but also a holistic cultural approach.

Key words: *virtual, reality, position, artificial, cyberspace, operational, cinematic, potential, spectrum, predicate, projection, global, egocentrism, anthropological, semantic, realization.*

Виртуал реаллик ходисаси – бу маданиятнинг янги тури ва маданий кадриятларнинг шаклланиши ва уни таҳлил қилиш нафақат алоҳида профессионал гуруҳлар вакили бўлган мутахассислар томонидан изланиш ва ўрганишни, балки яхлит маданий ёндашувни ҳам талаб қилиши илмий жиҳатдан асосланган бўлиб, виртуал реаллик муаммоси Ксенофан, Парменид, Зенон, Мелис, Левкипп, Демокрит, Эпикур, Платон, Аристотель, Ж. Бруно, Т. Гоббс, Д. Дидро, Г. Лейбниц, Ф. Бэкон, И. Кант, Г. Гегель, Б. Спиноза, К. Маркс, Ф. Энгельс, М. Хайдеггер каби файласуфларнинг асарларида акс этган. Имконият ва ҳақиқат ўртасидаги муносабатлар муаммоси фалсафада Р. Карнап, С. Кангер, Р. Монтегю, Д. Скотт, Я. Хинтикк, С. Крипке, А. Прайор, А. Меридит, И. Томас асарларида яққол ифода этилган. Бу олимлар виртуаллик муаммосига бир-бирига қарама-қарши позициялардан мурожаат қилишади. Шу боисдан ҳам бу концепциянинг асл мазмун-моҳияти файласуфлар учун номаълумлигича

қолмоқда. Виртуалликни тушунишда ҳозирги пайтда виртуал фаолият инсон томонидан яратилган сунъий ҳодиса сифатида тушунча устунлик қилмоқда ва баъзи асарлардагина бу муаммо табиий ва ижтимоий виртуал объектларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилмоқда. Виртуал ҳақида гап кетганда, баъзи олимлар, биринчи навбатда, ҳали етарлича ўрганилмаган компьютер ва Интернет дунёсини эслашади. Кўпинча "виртуал реаллик" юқори тезликда ишлайдиган компьютерларда яратилган "фаразий олам", "кибермакон" деган маънони англади. Айнан шу маънода "виртуал реаллик" га У. Брикен, М. Крюгер, Ж. Ланье каби олимлар ўзига хос мураккаб воқелик сифатида баҳо беришади.

Дунёда ҳақиқий бўлиш, ҳатто ўз олдига қўйилган мақсадга эришиб бўлмаса-да, шахсий мавжудликнинг шартли бўлиб қолаверади».¹ Баъзи олимлар² жамиятда кечаётган жараёнларга ўзининг салбий ҳулосасини бермоқда. Воқеъликнинг йўқолиши ҳақида, замонавий маданиятда инсон нарса оламида эмас, қонунлар оламида яшаётганлиги яққол салбий жиҳатдан очиб берилмоқда. Бунда назаримизда инсоният эволюцияси даридаги "Олтин аср" ни қумсаш намоеён бўлади. Унда одамлар ўз ўзича оламда мавжуд бўлар қайсида инсон борлигига ҳақиқийлик, ҳаққонийлик каби қайтарилмас ҳолатларни кузатиш мумкин бўларди. Ахборот макони ахборот ҳамкорлик технологиясини назарда тутди, у замонавий операцион мультимедиа воситалари ёрдамида "экранли" оламда бевосита мавжудлик иллюзиясини ҳосил қилади. Айни пайтда, кинематографик образни идрок қилиш билан қиёсий таҳлил қилиш лозим, чунки бунда идрок этувчи кўпинча сюжетни "ўзига ўтказиб олади", яъни асар қаҳрамонлари билан ўзини айнан ўхшатади ва воқеа-ҳодисанинг иштирокчисига айланади³.

Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўладики, бугунги замонавий фанда "виртуал" тушунчаси "имконият" маъносида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Чунки виртуал реаллик ҳақидаги ғояларни шакллантириш имконият ва ҳақиқат ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги тарихий ва фалсафий фикрларнинг узоқ муддатли ривожланиши билан боғлиқ. Бу ерда ушбу ҳодисаларнинг ўзаро таъсири ва ўтиши ҳақидаги диалектик ғоя алоҳида рол ўйнади. Бу ёндашувда классик фалсафий нутқдан келиб чиқадиган ҳулосани қуйидагича шакллантириш мумкин: объектив ҳозирги дунё (борлик дунёси) ва потенциал дунёни (объектив имкониятлар дунёси) ўз ичига олган ҳақиқат мавжуд. Ривожланиш жараёнида мумкин бўлган нарсанинг доимий равишда реалга айланиши кузатилади ва янги воқелик янги имкониятлар спектрини ўрнатади. Ривожланиш қонуниятларига мос келадиган ва уларни амалга ошириш шартлари пишиб етилган реал имкониятлар мавжуд. Объектив ва ривожланиш қонунларига зид бўлмаган, аммо амалга ошириш учун объектив шароитлар ҳали пишиб етилмаган мавҳум имконият, шунингдек, фақат назарий жиҳатдан жоиз бўлган ва эҳтимоли ниҳоятда юқори бўлган реал имконият мавжуд. Ва ниҳоят, имконсиз нарсалар ҳам объектив қонунларга зид равишда дунёда мавжуд бўлади.

Ижтимоий фанда виртуал реаллик жамиятдаги туб ўзгаришларни доимий очиклиги ва ривожланишнинг асосий муқобил вариантларини тан олган ҳолда ижтимоий тизимларнинг мумкин бўлган келажаги сифатида тасаввур қилинади. "Виртуал реаллик" га айланиш тараққиётнинг кўп ўзгарувчанлигини, унинг тубдан эҳтимолий хусусиятини ва пайдо бўлаётган жараёнларда тасодифнинг асосий ролини, мумкин бўлган одамларнинг мавжудлигининг кўплигини тан олишдан келиб чиқади. Илм-фан "дунёдаги нарса" тамойили бўйича нарсаларни тавсифлашга йўналтирилган классик йўналишдан тубдан "агар нима бўлади" тамойили бўйича мумкин бўлган потенциални қидириш кейинчалик прогноз қилишга ўтади. Аслида, замонавий фалсафий фикр дунёни англашнинг дунёда тақиқланмаган ҳамма нарсани билиш мумкин деган янги тамойилига асосланади. Шу боисдан ҳам "Маданият фалсафасига виртуаллашув маданий ва антропологик жараёнлар билан қанчалик чамбарчас боғланиб кетганини очиб бериш зарур. Шубҳасиз, бу жараёнлар

¹ Яспере К.Смысл и назначение истории. – М.: Политиздат, 1991. – 528 с.

² Baudrillard J. Simulacra and Simulation. – University of Michigan Press, 1994.

³ Шереветов В.И. Определение свойств виртуального // Виртуальное пространство культуры. Матер. науч. конф. – СПб., 11–13 апреля 2000 г. – С. 56–58.

инсон томонидан воқеъликни кўп оламли воқеълик сифатида идрок этилиши тенденцияси кучайиб бораётган ҳозирги шароитда, кўп нарса ўйинли, ҳаракатчан, эгилувчан ва муаммоли модел ва стихиялар асосида кечаётгани ва бу хусусиятлар виртуал олам турлари ва предикатларига айнан ўхшашдир”¹.

"Виртуал" тушунчасидаги антропологик бурилиш – бу маданиятда виртуалликнинг илдизларини топишга уринишдир. Виртуаллик ҳақидаги ғояларни ривожлантиришда биринчи ўрин – бу инсоннинг ижодий фаолияти билан боғлиқ. Маданиятдаги ижодкорлик инсоннинг ўз қарашлари билан билиш муносабатларидан тубдан фарқ қилади. Агар воқеъликни бундай идрок этишда мавзу табиий тизимларда ривожланишнинг мумкин бўлган вариантларини акс эттиришга қаратилган бўлса, демак, артефактларни маданий яратишда проекцион муносабат, инсон учун керакли ҳақиқатларни яратиш биринчи ўринга чиқади. Бундай лойиҳа тахмин қилинадиган ҳолат, яъни маъно сифатида намоён бўлади. Ўз навбатида, бу маънони дунёга темир занжирлар боғламайди. Мумкин бўлган, тахмин қилинадиган ва рухсат этилган ҳолатлар виртуал дунё билан синонимга айланади. Сунъий виртуал реаллик аллақачон мавжудлик текислигида ётади, у дунёнинг маълум бир манзарасини тақдим этадиган артефактларда (матн, электрон маълумот, сунъий муҳит, симуляторлар ва бошқалар) объективлашади. Сунъий виртуал реаллик куйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: а) у инсон томонидан яратилади; б) у объектив мавжуд бўлган ҳақиқатни ўрнини босувчи (кўпинча рақобатдош) ролини бажаради; с) у мавжуд ҳақиқат билан ўхшашлик, ўхшашлик хусусиятига эга.

Табиий ва сунъий виртуалликни қиёсий таҳлил қилиш асосида уларнинг нафақат зиддиятли хусусиятлари, балки уларнинг бирлиги, умумий пойдевор мавжудлиги ҳам очиб берилади. Бундай умумий асос субъектлар маданиятини билишнинг ҳам, яратувчисининг ҳам мумкин бўлган оламларни, уларнинг кўплигини, плюралистик фикрлашга интилишларини кўрсатиб берадиган ижодий фаолиятидир. Бу плюралистик фикрлаш ва ҳақиқатнинг бир нечта расмларини яратиш имконияти одамнинг маъносини яратиш қобилиятига боғлиқ, чунки унинг маъносида инсон нафақат мавжуд дунё билан алоқа қилади, балки мавжуд бўлган нарсадан ҳам юқорига кўтарилган олади, мумкин бўлган, муқобил, керакли, ҳаёлий "позиция ҳолатлари" режимда ўйлашга ўтади.

Сўнгги ўн йилликларда виртуаллик тарихи янги ўзига хос таркиб билан тўлдирилди. Бизнинг фикримизча, фалсафий нутқда виртуаллик масаласини авж олдириш учун куйидагилар асос бўлган: ўз-ўзини ривожлантириш принциплари билан синергетикани шакллантириш, хаосдан тартибни шакллантириш; ижтимоий фанларда сценарий методологиясини ишлаб чиқиш; модал мантиқнинг ривожланиши, мумкин бўлган оламлар назарияси (Я. Хинтикк); замонавий жамиятда энг янги алоқа воситаларини ривожлантириш (оммавий ахборот воситалари, Интернет).

Табиатунослик ва ижтимоий фанлардаги виртуализм тушунчасининг онтологик мазмуни ҳақидаги замонавий қарашларни таҳлил қилиб, биз виртуал дунё табиий ва ижтимоий ҳаётни ривожлантириш учун жуда кўп имкониятларни намоёиш этишини кўраимиз. Виртуал ривожланиш вариантини актуаллаштиришни танлаш – бу бифуркация, янги виртуал ҳолатга муҳлис бўлган янги ҳақиқий ҳолатга ўтишдир. Айнан ривожланишнинг эҳтимоллик моделларини таҳлил қилиш натижасида физик олам виртуал объектлар билан тўлдирилган, виртуаллик эса микро ва макрокосмнинг чуқур хусусияти деган хулосага келишимизга имкон беради. Табиий ва ижтимоий ўтиш жараёнларини билишда виртуал реаллик тушунчасининг эвристик қиймати қатъий эпистемологик монизмдан (фақат битта дунё, ягона воқеълик мавжуд) плюрализмга, дунё манзарасининг кўплигига ўтишда ётади. Ва бу плюрализм тизимни ривожлантиришда турли хил вариантлар мавжудлигини тахмин қилади. Ушбу плюрализм ҳали ҳам маълум бир чеклов билан тавсифланади: гарчи кўплаб вариантлар мавжуд бўлса-да, аслида фақат битта вариант амалга оширилади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, табиий виртуаллик ҳар доим

¹ Хоружий С.С. Род или не дород. Заметки к онтологии виртуальности. Вопросы философии, 1997. – №6. – С. 53-68.

виртуални мумкин бўлган соҳада қолдиради; аслида бу нуқтаи назардан илгари сурилган вариантлардан бири, албатта, амалга оширилади.

Турли сценарийларни белгилайдиган шартларнинг ўзгариши тадқиқотчи томонидан объектив асослар, жараёнлар ва мезон шартлари санаб чиқилишидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади, яъни сценарийларнинг табиати (сурати) ўзгариб турадиган шароитлардир. Барча сценарийлар виртуал олам, мавжуд реализация қилинган воқеликдан келиб чиқадиган виртуал реаллик сифатида қаралади. Бу оламда вариантларни ҳисоблаш ижтимоий жараёнларни бошқаришга кенг имкон беради. Шу боисдан ҳам “Виртуал олам ўзига хос глобал ахборий-рақамли қонуниятларга бўйсунди. Ҳар бир инсон болалик чоғиданоқ бир маротаба бу оламга қадам қўйса, ундан қайтиб чиқмайди ёки қайтиб чиқиши жуда ҳам қийин бўлади. Нега биз бугун “виртуал олам”, “виртуал ҳаёт” терминларини ишлата бошладик. Чунки ҳозирда интернетдан фойдаланмайдиган одамлар, хусусан ёшлар деярли йўқ. Уларнинг барчаси виртуал, яъни кибер маданиятга аллақачон ошнодирлар. Ҳаттоки “виртуал ҳаётда бўлмасанг, демак, сен ҳаётда ҳам йўқсан” деган иборалар ҳам пайдо бўлди. Албатта, инсонга хос қадриятларнинг виртуал оламга сингиши бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Буларнинг асосийси эгоцентризмдир”¹.

Маданий ижодда вужудга келадиган виртуал реаллик ҳар доим артефактларда объективлаштирилган сунъий ҳақиқатдир. Антропологик бурилиш доирасида ишлар имконияти дунёдаги маъно, ҳолат нуқтаи назаридан ўйлаб топилган, жоиз деб ҳисобланади. Бинобарин, антропологик бурилиш нуқтаи назаридан виртуалликни тасаввур қилиш мумкин бўлган имкониятлар доирасидаги семантик воқелик деб таърифлаш мумкин. Тўғри, фантазия ва виртуал дунё ўртасидаги муносабатлар тўғрисида савол туғилади. Одатда фантазия ҳақиқатдан четланиш (ёки мумкин эмас) деб талқин этилади. Бироқ фантазия даражаси, албатта, бошқача бўлиши мумкин. Демак, бугунги кунда бадиий ижодда асардан матнга бурилиш амалга оширилди, бу ҳам муаллиф ижоди учун, ҳам истеъмолчи (ўқувчи, томошабин) томонидан бадиий оламни идрок этиш учун янги имкониятлар очиб беради.

Ҳақиқатнинг реаллиги муаммоси сунъий виртуал ҳақиқатда биринчи ўринга чиқади. Бу, айниқса, турли хил симуляторларни яратиш, голографик инсталляцияларда, экран тақдимотларида, электрон алоқада ва ҳоказоларда ҳақиқий “реал ҳолатлар”га тақлид қилишда жуда муҳимдир. Сунъий виртуал реалликнинг махсус тури – бу реал ҳақиқат мақомини талаб қиладиган симуляциялар ва уйдирмалардир. У “сунъий виртуал реаллик” сифатида пайдо бўлади, аммо унинг қабул қилиниши, реал ҳақиқат билан рақобатдошлиги (мавжуд), унинг ҳақиқий референтлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлиш эҳтимоли жиҳатидан биров бошқача текисликда намоён бўлади.

Сунъий виртуал реалликнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у бир томондан аллақачон артефактларда мавжуд (компютер экранда; сунъий равишда яратилган ўқув шароитида; голограммаларда; тўқима ҳужжатли репортажларда, турли ток-шоуларда бадиий жиҳатдан мужассамлашади;) бошқа томондан, у ўзининг реал хоссалари ва сунъий жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради. Ҳарбий тадбирлар тўғрисидаги, суд залидаги репортажларни, воқеалар хроникаларини, телевизион экранларда ток-шоуларни томоша қилиш билан биз ҳар доим ҳам ҳақиқийликни сохтадан ажрата олмаимиз. Шу сабабли бундай виртуалликнинг ҳақиқийлиги (ёки эҳтимоллиги) даражаси ҳар хил бўлиши мумкин: изоморфик ёзишмалардан (электрон матн ёки телевизор экрандаги расм) симуляция ва уйдирма каби сохта нарсаларга қадар. Сунъий виртуаллик “алмаштириш” принципи асосида мавжуд бўлиб, аломатлар, матнлар, артефактлар ўрнини босади ва гўё ҳозирги мавжуд ҳақиқатни акс эттиради. Компютерда, телевизор экранда “алмаштириш” принципи асосида тақдим этилган маълумотлар виртуал ҳақиқатдир. Бундай маълумотларнинг ҳақиқийлиги турлича бўлиши мумкин.

Хуллас, биринчидан, барча қарашларни таҳлил қилиш, охир-оқибат, “виртуал реаллик” нинг иккита асосий турини аниқлашга имкон берди: табиий ва сунъий, шунингдек, уларнинг қарши хусусиятларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этди. Агар илмий билимларда

¹ <https://nargis.uz/?p=2595>

тушуниладиган табиий виртуаллик, маълум бир эҳтимоллик даражаси билан объектив равишда мумкин бўлган нарса тушунчасига яқин бўлса (ҳодисалар ривожланишининг вариантлари, тизим ривожланишининг вариантлари, ривожланиш сценарийлари), унда сунъий виртуаллик энди мавжуд бўлмаган, аммо инсон томонидан объективлаштирилган, реализация қилинган артефактлар соҳасида яъни компьютер виртуаллиги, ўқув мосламалари, аудио ва видео-визуал ускуналарда яққол намоён бўлади. Иккинчидан, агар табиий виртуал реалга қарама-қарши бўлса, амалга оширилса ва шу билан бирга, пайдо бўлиши (маълум бир эҳтимоллик билан) ҳақиқатга айланиши мумкин бўлса, у ҳолда сунъий виртуаллик энди реалликка қарши бўлмайди (у ҳақиқатда, артефактларда мавжуд), лекин унинг ҳақиқийлигини ифодаловчи даъволаридир. Ушбу виртуал турли хил ҳақиқийлик даражаларига эга бўлиши мумкин. Янги виртуал ҳақиқий воқелик билан рақобатлашиши, муқобиллигини намоёиш этиши, янги идеалларни, хулқ-атвор стандартларини ва бошқаларни белгилаши мумкин. Учинчидан, ижодкорнинг (олим, рассом, муаллиф, оператор, маълумот берувчи) онги ҳам табиий, ҳам сунъий виртуалликнинг ҳақиқий генераторидир. Маъноси (ишларнинг ҳолатини тушуниш каби) инсонни ягона ҳақиқатга қаттиқ боғламайди. Маъноларни яратиш орқали инсон дунёдан ажралиб кетиши, хаёлий (ўйланадиган) режимига ўтиши мумкин. Тўртинчидан, виртуаллик томон бурилиш ҳақиқатнинг кўплигига нисбатан янги муносабат билан боғлиқ. Сунъий виртуал реаллик ижодий фаолият янги технологик имкониятларга йўналтирилади, аммо ўз моҳиятига кўра у бир хил – "хаёлий оламларнинг" ижодкорлигини акс эттиради. Бироқ объектив реалликдан уни фарқ шундаки, бу маънолар артефактларда матнлар, экранлар, симуляторларда объективлаштирилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ясперс К. Смысл и назначение истории. – М.: Политиздат, 1991. – 528 с.
2. Baudrillard J. Simulacra and Simulation. – University of Michigan Press, 1994.
3. Шереветов В.И. Определение свойств виртуального // Виртуальное пространство культуры. Матер. науч. конф. – СПб., 11–13 апреля 2000 г. – С. 56–58.
4. Хоружий С.С. Род или не род. Заметки к онтологии виртуальности. Вопросы философии, 1997. – №6. – С. 53-68.

Наширға проф. С. Чориев тавсия этган

РАУФ ПАРФИ ИЖОДИДА ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛЛИГИ ТАЛҚИНИ

Қодиров Ф.Ю. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада Рауф Парфи ижодида Ватанпарварлик талқини, шахсияти ва шеъриятидаги ўзаро уйғунлик масаласи ўрганилган. Рауф Парфи ўз шеърлари билан шунчаки Ватанни мадҳ этиш асносида маҳлиё қилиш эмас, исёнкорлик, жунбушга чорлаши очиб берилган. Рауф Парфи ҳаёти ва ижодини Ватан учун қурбон қилган зиёлиларнинг вориси, муносиб издошлиги баён қилинган. Ватанпарвар шахс ва эрк куйчиси сифатида фуқаровий маъсулликни асарларида қарор топтирган зиёли эканлиги кўрсатилган. Ўз ҳаёт ва ижод йўли орқали фуқаролик позициясига содиқ ва собит турган ирода ва қатъият соҳиби эканлиги ёритилган.

Таянч сўзлар: *ватан, ватанпарварлик, эрк, ижод, шоир, шеър, шеърят, шахсият, миллат, тил, фуқаро, фуқаролик, фуқаролик маъсулияти, фуқаролик маданияти, тараққиёт.*

Аннотация. В статье рассматривается вопрос о патриотической трактовке в творчестве Рауфа Парфи, о взаимной гармонии в его личности и поэзии. Своими стихами Рауф Парфи раскрывает призыв не просто к милосердию на фоне восхваления Родины, но и к бунту, бунту. Намечается преемник, достойный последователь интеллигенции, пожертвовавшей жизнью и творчеством Рауфа Парфия ради Родины. Как патриот и мужеложник, он был интеллигентным человеком, решившим взять на себя гражданскую ответственность в своих произведениях. Своим жизненным и творческим путем он показал, что является обладателем воли и решимости, верным и твердо стоящим на гражданской позиции.

Ключевые слова: *родина, патриотизм, земля, творчество, поэт, поэзия, поэзия, личность, нация, язык, гражданин, гражданство, гражданская ответственность, гражданская культура, развитие.*

Annotation. The article examines the issue of patriotism interpretation, personality and harmony in poetry in Rauf Parfi's work. Rauf Parfi was revealed by his poems not only to admire the Motherland during the praise, but also to incite to rebellion, junbush. It is stated that Rauf Parfi is the heir of the intelligentsia, worthy follower, who sacrificed his life and creativity for Vatan. It is shown that the Patriot is an educated person who, as a person and a singer of freedom, has decided on civil responsibility in his works. Through his way of life and creativity, he is illuminated by the fact that he is loyal to his civil position and has a constant will and determination.

Key words: *motherland, patriotism, land, creativity, poet, poetry, poetry, personality, nation, language, citizen, citizenship, civic responsibility, civic culture, development.*

Рауф Парфи ижодига тўхталиш бир томондан шарафли бўлса, иккинчи томондан кишига улкан маъсулият юклайди. “XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндаларидан Рауф Парфи Ўзгурк – Сир шоири, унвони сохир шеърият соҳибидир. Бизнинг билимларимиз бу шеъриятнинг зоҳирий қисминигина ёритиши мумкин, чунки уни тизимларга айириб, аниқ қолипларга жойлаб бўлмайди. Бу – жўн ўқувчи учун содда; билимдон ўқувчи учун – қудратли аҳмол бўла билади. [1] Рауф Парфи ижодига ёндашиб бўлмайди “шунчаки”, чунки Рауф Парфининг айнаи ҳеч бир сўзи ёзилмаган “шунчаки”. Ушбу мантик унинг ижодига бутунлай муҳрлангандек гўё. Ўзи сўзга таъриф берганидек:

*Бир сўз бор
Безубор тонг каби гўзал,
Тонг чоғи очилган гунча каби,
Гунчада шабнам каби мусаффо”.*

Сўзни бунчалик ноёблаштириш, тағин қийин масала.... Яна сўз борасида ўзига улкан маъсулият юклаб қўяди: “*Шоир, Сўз айтмакка сен шоимма фақат, Улуғ Алишернинг қутлуғ тилинда.*” [2; 247]

Рауф Парфи ижодига ошно бўлишдан олдин, авваламбор, юракни тинчлантириб, сўнгра мутолаага киришиш шарт. Сатрларни ўқишни бошлаган заҳотиёқ юрак ўз кинидан чиққудек патирлайди. Чунки шеърхон ҳар доимгидек мисралардан завқ олиш учун киришган ҳамоно ўзини мутлақо ўткир ва кескин кечинмалар оғушига тушганини англай бошлайди. Ахир одатдагидек, шеърдан кўнгил яйрамайди, аксинча, эзилиб яйрайди, эт оловланади, юрак ҳапқиради. Йўқ, бу сўз эмас – маъво, йўқ, бу шеър эмас – исён, ғазаб, йўқ, бу ифода эмас – мантик. Ҳа, бу – тилсим, ҳа, буни чақиш учун тафаккурни хушёр тортириб, ақлни мувозанатда ушлаб, кўнгилни туйғуга бўйсундириш шарт. “Энг муҳими, эҳтимол, айнан у шеър ҳақидаги минг йиллар давомида қарор топган тушунчаларни парчалади. У шеър осон ўқилиши, ўқиган одам маза қилиши керак деган тасаввурни синдирди. Унинг шеърлари бир ўқишда англашилиб кетадиган осон сатрлар эмас. Ундаги фикр силсилаларини англаш учун мияни “сиқиш”, оғрикли ўйлаш керак бўлади. Шундагина ундан бойиниш мумкин, тўйиниш мумкин”. [3; 6]

Шоир Абдулқарим Баҳриддин: “Рауф Парфи сингари буюк Ўзбек шоирининг ижодидан ҳар ким ўзи истаган фикрни топа олишига” ҳақли ишора қилади. Дарҳақиқат, “Шахс фуқаролик маданияти: назарий модели ва шакллантириш йўллари” мавзуида тадқиқот олиб борар эканман, тадқиқотимда Рауф Парфи ижодини танлашимга айнан иккита асос топгандекман:

- биринчидан, Рауф Парфи шеъриятида Ватан туйғуси бирламчи (атрибут) рол ўйнаган бўлса;

- иккинчидан, Рауф Парфи шахсиятида ҳам Ватанпарварлик устуворлик қилади, аниқроқ қилиб айтганда, “Ўзгурк” номига муносиблик. Яъниким, шахсияти ва шеърияти ўзаро боғлиқликда диалектик тамойилларга асосланади.

“Рауф Парфининг шахси ва шеърияти фавқулудда бетакрор ва жозибали. У ҳур дил ва хокисор, эрка ва дарвеш, дардкаш ва фақир, афанди ва оқил, ҳақиқатгўй ва мард бўлди бир инсон қисматида Ана шу ялангтўш ҳаёт тарзи билан Шоир кимлигини яна тиклади.

Инсонга ва сўзга ҳалол муносабатни ўргатди. Унинг қайғуси ва севгиси шунчалик тоза ва мардки, шахсидан шеъри, шеъридан шахсининг фазли ва фожиаси наво қилади”, [2; 6] – дейди Вафо Файзуллоҳ.

Юкоридаги фикрларимизнинг тасдиғи сифатида, Рауфшунос, филология фанлари номзоди Олим Олтинбек “Рауф Парфи ва жаҳон адабиёти” мақоласида қуйидагиларни айтиб ўтади: “Рауф Парфи мурожаат қилган дунё адабиёти вакиллари уч жихатдан: ё Озодлик туйғуси билан, ё Ватан қайғуси билан, ёхуд эстетик тамойиллари билан шоирга якин туради. Баъзан уларнинг учаласи ҳам мужассам бўлиб кетган”. [4; 195] Чунончи, шоир ихлос қўйган ижодкорлар, жумладан, Вильям Шекспир, инглиз шоири Жорж Байрон, чилилик шоир Пабло Неруда, ҳинд адиби Робиндранатх Тҳакур, яна бир ҳинд шоири Мадҳав Муктибодхларнинг фақат ижодигина эмас, балки юртининг фидойи фарзанди сифатидаги курашган ҳаёт йўли ҳам Рауф Парфи шеърияти ва шахсиятининг ботинини ташкил этади.

Дарҳақиқат, шоир Абдулкарим Баҳриддин таъбири билан айтганда, “XX аср туркий адабиётда ва хусусан ўзбек адабиётида унвони соҳир шеърият соҳиби Рауф Парфининг ҳеч ким дахл қила олмайдиган ўз ўрни бор. Ҳақиқий шоирнинг абадий шеърияти XX асрнинг 70-йилларидан бугунги кунгача адабий жараённинг қоқ марказида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолиши муқаррар. Ўзбек сўз санъатининг кейинги ярим асрини Рауф Парфи ижодисиз тасаввур этиш асло мумкин эмас. Рауф Парфи шеъриятининг бош мавзуи – бу Инсон, Ватан, Туркистон, Туркий дунёнинг воҳидлиги. Шоир бир умр ўзининг жонбахш мавзуларига содиқ, эътиқодига собит умргузаронлик қилди. Мўмин банда эди — бевафоларга ҳам вафо қилди, фақат иймонини сотмади. У XX аср одамининг беҳад кескин фоже руҳиятини муқаддас туркий тилда ифодалашга қарор этган ва муродига етган жасоратли шоирдир”. [3; 3]

Шоир Сулайман Раҳмон эса афсус билан хотирлайди: “Рауф Парфи ҳаммага ўхшаган оддий инсон эмас, балки одми инсон эди, зийрак ва тийрак шоир эди. Зукко эди-ю, зукколик даъво қилмасди. Буюк эди-ю, буюкман, деб чиранмасди. ... Қалбимда ажабтовур қилиқлари, феъл атвори билан ҳеч кимга ўхшамаган бу гўзал қалбли инсонни, инсонийлик, туркийлик, миллийлик қон-қонига сингиб кетган бу буюк ватанпарвар шоирни тириклигида етарлича кадрига етмаган эканмиз, деган бир надомат пайдо бўлади”. [5]

Рауф Парфи ижодини тадқиқ қилган Америкалик жадидшунос олим Эдворт Олвортнинг “Марказий Осиё адабиётига миллий уйғониш қайфиятининг қайтиши” мақоласида “жадид адабиётида акс этган миллий уйғониш қайфияти Рауф Парфи каби ёш ижодкорлар шеъриятида ҳам акс этмоқда” [5] деб, фикр билдиради. Алахусус, Рауф Парфи Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби Ватан фидойиларининг ҳаёт ва ижод йўлидан боришга азму шижоат этган ва асосийси ўзида ирода ва куч топа олган ҳассос ижодкордир.

Хусусан, Рауф Парфи “*Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон*”га ачиниш ҳисси билан ўз тақдирини омухталаган ҳолда сўраркан: “*Нечук қисмат эрур шоир қисмати?*” деб, давом этади: “*Йўлсизлик йўлдоши, толеи нигун, Ҳеч қачон тўярми, ахир, ёвузлар?* – дея, сўрар экан, жавобини ҳам Чўлпонга айнан мос равишда беради: “*Бу халқ душмани деб тутсалар бир кун, Барибир, у халқнинг номидан сўзлар.*” [3; 287]

“*Усмон Носир*”ни тилга олар экан, ноодатий ёндашади. Тубан сиёсатни “ўзига қарши боришга” ундаб кўради: “*Хато йўлга кирган бўлса ул, Нега сен тутмадинг қўлидан? Шундай кетди яна бир ўғил, Сақлаб қололмадинг ўлимдан.*” [3; 300]

Абдулла Қодирий шахсига ёндашишда қарама-қарши услубдан фойдаланади. Бир-бири билан ўзаро боғлиқликда яхлитлик касб этишини, тўғрироғи, бир-бирисиз мавжуд бўлолмастлигини англаб туриб, нега қарама-қаршилигини сўроқ остига қўяди: “*Шу қадар юраги тормидир дунё, Наҳот, фарзандига, ўзига ганим? Ўзи юрагимга жо бўлди, аммо Нечун сиздирмади, нечун Ватаним?*” [3; 306]

“*Абдурауф Фитрат*”да Рауф Парфи очикчасига хулосасини беради. Яъниким, юрт тараққиётини раъият таъминлайди. Эли жунбушга келмаган юрт олға силжимади, аксинча, гафлатда бўлган элнинг юрти ҳам йўқликка чекинади: “*Фалокат устига фалокат тутди*

Интиқом, интиқом дедим, югурдим..... Туркистон, Туркистон, Туркистон ўтди –. Бунинг натижасидаги айни ҳолат: *“Риёлар, ришватлар... Заҳарли ҳаво. Азон товушини тинглайман оғир. Туркистон. Қора тун. Шамол ва ёмғир.”* [3; 318]

Мен ўз тадқиқот доирамда Рауф Парфи ижодини учга бўлиб таснифлашни лозим топдим:

Биринчидан, Рауф Парфи бисотидаги ҳар қандай мавзудаги ижод марказида Ватан мадҳияси яққол гавдаланади, тўғрироғи, асар тақдири Ватанда хотима топади;

Иккинчидан, Рауф Парфининг Ватанни ифода этиш усулининг мутлақ ўзгачалиги, у одатдаги ташбехлардан қочади, аниқроқ айтганда, қутилмаганлиги, оддий тилда “Рауфоналиги”;

Учинчидан, Рауф Парфи асарларида Ватан талқини сўз ва амал бирлиги билан узвий чамбарчас боғланганлиги, яъни, шеърда сиз шунчаки сўзлар қуршовида эмас, воқелик ичидасиз, лекин айни у ерда воқелик рўй берапти, сиз эса қотиб қолгансиз. Рамкага қамалган жонли суратсиз, қузатувчисиз, тенгрангизда эса ғужғон ҳаёт давом этапти.

Хулоса йилиб айтганда, Рауф Парфи ижоди моҳиятан Ватан талқинига асосланган. Балки ижодининг бундай қарор топиши шахсияти билан боғлиқдир. Чунки, шоир шахсияти ва шеърляти Ватан билан қоришилган. “Наҳот бу қоришиқлик унинг зуваласидан олинган бўлса?” – деган ҳақли савол туғилади ва жавоби ҳам ўз-ўзидан аён. Барибир минг қилса ҳам, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирдек буюк халқнинг вориси, қондош издоши. Рауф Парфи ўзига ва ижодига яна ва яна, фақат ва фақат Ватан олдидаги масъулиятни вазифа қилиб юклаган ҳамда ушбу мажбуриятини адо этиш учун ҳаёти ва баётини бирваракайига бахшида этган санокли ижодкорлардан биридир ва ҳассосидир. Бу эса Рауф Парфини фуқаровий дахлдорликни мероси ва аъмоли билан муҳрлаган юксак фуқаролик маданиятига эга Ватанпарварлигидан далолат беради. Фуқаровий маъсуллик ва маданият шакланмас экан, келажагимиз ҳам сўроқ остида қолаверади:

Қайда қолди уй эгалари,

Деразанинг маълум кўзи берк –

Оғироеъ мусича хомуш. [2; 246]

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нўъмон Раҳимжонов. Иймон асири. (Рауф Парфи ҳаёти ва ижоди ҳақида олим татқиқоти). <https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/27-sentabr-rauf-parfi-tugilgan-kun.html>
2. Рауф Парфи. Туркистон руҳи. Сайланма. – Т.: Шарқ, 2013.
3. Рауф Парфи. Сайланма. – Т.: Академнашр, 2013.
4. Олтинбек О. Рауф Парфи ва жаҳон адабиёти // Ж. Жаҳон адабиёти. –Т.: 2021, 4- сон, – Б. 194-198.
5. t.me/Rauf_Parfi 2021 йил, 27 сентябрь; 2019 йил, 3 май.

Наишра проф. С.Чориев тавсия этган

МИЛЛАТЛАРАРО ЗИДДИЯТЛАР ВА УЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ АЙРИМ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАР

Қаршиев Ш. (Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти)

Аннотация. Миллатлараро зиддиятлар барча халқлар ва мамлакатлар учун энг глобал муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммолар хали барча давлатларда ҳам тўлиқ ўз ечимини топмаган. Миллатлараро зиддиятлар кўпроқ ўзаро миллий манфаатларнинг тўқнашувидан келиб чиқади. Бугунги кундаги яна бир муҳим вазифа миллатлараро тотувлик ғоясининг доимий устувор бўлишини таъминлаш билан боғлиқ. Жаҳон ва мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган сиёсат ва ислохотлар мазмунини бўйича мақолада фикр юритилган.

Таянч сўзлар: *миллат, этнос, миллатлараро муносабатлар, миллатлараро зиддият, полиэтник давлат, миллий-этниқ жамоалар.*

Аннотация. Межэтнические конфликты являются одной из самых глобальных проблем для всех народов и стран. Эти проблемы не решены до конца во многих странах. Межэтнические конфликты чаще возникают в результате столкновения взаимных национальных интересов. Еще одна важная задача сегодняшнего дня – сделать так, чтобы идея межнационального согласия оставалась постоянным приоритетом. В статье рассматривается содержание политики и реформ в этой сфере в мире и в нашей стране.

Ключевые слова: *нация, этнос, межэтнические отношения, межэтнический конфликт, полиэтническое государство, национально-этнические общности.*

Annotation. Interethnic conflicts are one of the most global problems for all peoples and countries. These problems have not been fully resolved in many countries. Interethnic conflicts often arise as a result of a clash of mutual national interests. Another important task today is to make sure that the idea of interethnic harmony remains a constant priority. The article discusses the content of policy and reforms in this area in the world and in our country.

Key words: *nation, ethnosc, interethnic relations, interethnic conflict, polyethnic state, national-ethnic communities.*

Бугун миллатлараро зиддиятларни ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан ҳал этиш жаҳон халқларини, айниқса полиэтник давлатларни безовта қилаётган глобал муаммолардан биридир. Айрим давлатларда миллатлараро муносабатлардаги зиддиятлар узок йиллардан буён давом этиб келмоқда. Жумладан, Англияда Ольстер, Францияда Корсика, Испанияда Каталония, Италияда Жанубий Тиролия, Бельгияда Фламандия, Хитойда Уйғур автоном тумани ва Тибет, Болгарияда турклар, Туркияда курдлар миллий низоларга, сиёсий-ижтимоий тўқнашувларга сабаб бўлиб келади. Собик СССРнинг тарқалиши билан унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил давлатларда, айниқса тоталитар тузум тазйиқи остида бўлган Югославия, Руминия, Венгрия, Чехословакияда миллатлараро тўқнашувлар авж олди. Ҳаттоки, энг ривожланган АҚШдек давлатда ҳам миллий-этниқ муаммолар мутлақ ҳал этилмаган. И.Каримов таъбири билан айтганда, “этниқ ўзликни англашнинг ўсиши яна узок вақт давомида ҳозирги дунё сиёсий тараққиётининг динамикасини белгилаб беради”.

Миллатлараро зиддиятлар бу – миллий-этниқ жамоалар ёки улар вакиллари ўртасидаги зиддиятлардир. Миллатлараро зиддиятлар ўзининг типологик хусусиятига кўра энг аввало ижтимоий характерга эга. Унинг субъекти бўлиб аниқ бир кўпмиллатли давлатда, ижтимоий тизимда манфаатлари бир бирига зид келиб қолган турли этниқ жамоалар ҳисобланади. Айни вақтда миллатлараро зиддиятлар сиёсий аҳамият касб этади. Чунки, ҳеч бир миллат ёки этниқ гуруҳ ўзининг сиёсий ташкилоти ва ўз давлатчилигисиз шаклланмайди ҳамда ривожланмайди. Шунинг учун ҳар қандай миллатлараро зиддиятларнинг орқасида маълум бир сиёсий кучлар ёки давлатлар манфаатлари ётади. Ҳозирги кунда дунёда миллатлараро зиддиятлар тобора ижтимоийлашиб бормоқда ва у миллий, ижтимоий-сиёсий зиддиятлар сифатида намоён бўлмоқда.

Олимлар миллат, этниқ гуруҳ каби тушунчаларга турли хил ёндашдилар. Айримлар этниқ гуруҳлар ўзаро қўшилиб, ривожланиб секин-аста миллатлар шаклланган деган фикрни

илгари сурадилар. Айрим олимлар эса, бир этник гуруҳнинг парчаланиши натижасида миллатлар вужудга келган деган фикрни билдирадилар. Демак, тарихий шарт-шароитдан келиб чиқиб этник гуруҳлар бирикиши натижасида ҳам миллатлар шаклланиши ёки катта бир этник гуруҳнинг парчаланиб кетиши натижасида ўзига хос ижтимоий жараёнлар асосида ҳам миллатлар шаклланиши мумкин экан.

Миллат ва этнос тушунчалари бир биридан кескин фарқ қилсада, шаклланиш жараёнлари, белгилари, ўзаро алоқалари қисман бир бирига ўхшайди. Этнос бу – бир географик иқлим шароитида яшаган кишилар жамоасидир. Миллат эса – ижтимоий-тарихий вазият туфайли маълум бир ҳудудда узоқ вақт бирга яшаган ва ўз сиёсий давлатчилигини шакллантириши натижасида, турмуш тарзи, урф-одатлари, кадриятлари, тили, маданияти, эътиқоди умумий бир бўлган одамларнинг катта жамоасидир.

Миллий – этник зиддиятлар ўзининг узоқ тарихига эга. Унинг кичик кўриниши қадимги даврдаги қабила ва уруғлар ўртасидаги зиддиятлар бўлиб у унчалик даражада ҳалокатли эмас дейиш мумкин. Ҳозирги пайтдаги миллий-этниқ низолар нисбатан инсоният ва унинг келажаги учун анча хатарлироқдир. Чунки ҳозирда ўртача энг кичик миллат беш юз миндан бошланади ва энг катталари миллиарддан ошиб кетади ҳамда улар ўзига хос замонавий қирғин қуролларга эга эканлигини инобатга олсак унинг қай даражада эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Унданда даҳшатлиси, миллий-этниқ зиддиятларни ўз ичига олувчи динлараро ва конфессиялараро зиддиятлардир. Ушбу зиддиятлар бошқаларига нисбатан кенг кўламлиги, шафқатсизлиги, кўп қурбонлар бўлиши, узоқ вақт давом этиши мумкинлиги билан бошқаларидан кескин ажралиб туради.

Этно-миллий зиддиятлар кўпқиррали масалалардан бири бўлганлиги сабабли илмий адабиётларда муаллифлар турли хил нуқтаи-назарларни илгари сурганлар. Хатто уларнинг айримлари бир-бирига қарама қарши фикрлардан иборатдир. Уларда муаллифлар ўзларининг дунёқарашларидан келиб чиқиб миллатларнинг табиатига ва уларнинг мавжудлигига ўзларича баҳо берганлар. Масалан, бир пайтлар миллий ҳаракатнинг раҳбарларидан бири бўлган Ливия раҳбари М.Каддафи “Миллий бирликни ташкил этувчи ва сақлаб турувчи асос бу – миллий ўзликни англашдир” деб ёзган эди. Дарҳақиқат миллат бирлигининг асосини кўпроқ миллий ўзликни англаш ва ягона динга эътиқод ташкил этади.

Миллатлараро зиддиятлар табиати бир жамиятда яшаётган турли хил миллатларнинг ўзаро ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ва ўзаро кўпқиррали алоқаларининг қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Миллий манфаатларнинг камситилиши фақатгина ижтимоий соҳадагина эмас балки кундалиқ ҳаётнинг турли хил соҳаларида бўлиши мумкин. Турли хил миллатлар ўртасида хатто кичик бир англашилмовчилик орқали бўлсада юзга келган зиддият аста-секинлик билан кенгайиб катта масштабга айланиб кетиши эҳтимоли мавжуд.

Миллий ҳаракатларнинг маънавий асоси бу – миллий ўзликни сақлаб қолиш ва англаш учун шакллантириладиган миллий ғоялардир. Миллий ўзликни англаш кўпчилик ҳолларда миллатчиликни ўзида мужассамлаштиради. Ўзида миллатчилик белгиларини намоён қилувчи миллий ғоя аниқ бир миллатнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига хизмат қилади. Ўтмишга назар ташласак миллатчиликнинг турли хил кўринишларини кузатиш мумкин. Масалан, Ҳиндистонда миллатчилик уч диний жамоа кўринишида намоён бўлган. Унга Ж.Неру шундай баҳо берган: “Ҳиндистондаги “ҳақиқий” миллатчилик бошқаларидан шу жиҳати билан фарқ қиладики, унда кичик жамоанинг манфаатлари ва позицияси эмас, балки кўпчилик ҳинд аҳолисининг руҳий ҳолати ва ҳулқ-атвори намоён бўлди”.

XX асрнинг 80-йиллар охири 90-йиллар бошида совет жамиятида этно-миллий зиддиятлар икки хил кўринишда намоён бўлди. Биринчиси бу- кўпмиллатли совет давлатида асосий ҳукмрон миллат ҳисобланган руслар билан номигагина бўлсада ўз давлатчилигига эга бўлган иттифоқдош 15 та республиканинг маҳаллий миллатлари ўртасидаги зиддиятлардир. Иккинчиси, собиқ иттифоқдош республикалар ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг маҳаллий миллат вакиллари ҳамда рус тилида сўзлашувчи ва бошқа камчиликни ташкил этувчи миллатлар ўртасидаги зиддиятлардир.

“Бу турдаги зиддиятларни асосан ўз мустақил миллий давлатчилигини шакллантиришга бўлган интилиш ташкил этади. Уларда миллий давлатчиликни қуриш ғоясининг ижтимоий-сиёсий моҳияти Марказнинг тоталитар бюрократик диктатурасидан ва руслар таъсиридан ҳоли бўлиш орқали ўзларининг мустақил демократик давлатчилигини шакллантиришда намоён бўлди. Марказдан узоқлашиш ва ўз давлатчилигини қуришга бўлган курашнинг тезлашиб кетишига сабаб бўлган омиллар бу турли хил миллатга, динга, урф-одатларга, тилга мансуб халқларнинг зўравонлик, бир миллат ҳукмронлиги остида зўрлаб иттифоққа бирлаштирилганлигидир.

Бугунги кунда жаҳонда миллатлараро муносабатларда бир-бирига қарама-қарши икки тенденцияни кузатиш мумкин. Бири мустақилликка интилиш ва иккинчиси жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш. Улар жамиятда турли хил кўринишда намоён бўлмоқда. Бир ҳолатда миллатларнинг маълум бир мақсадга эришиши учун интеграциялашуви кузатилса, иккинчисидан эса алоҳидаликка интилиши натижасида юзага келаётган миллатлараро зиддиятлардир.

Ҳар қандай кўпмиллатли давлатда миллатлараро муносабатлар ҳолати мамлакатнинг ички хавфсизлиги ва сиёсий барқарорлигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ислохотлар даврида айниқса, бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтаётган даврда кўпмиллатли давлатларда миллий мансубликнинг турли туманлиги жамиятнинг сиёсий йўналиши ва сиёсий жараёнларини тезлаштирувчи ёки секинлаштирувчи хатто, уни парчалаб юборувчи омиллардан бирига айланиши мумкин.

“Бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари тақдим этган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ва ижтимоий соҳада, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали меҳнат қилиб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, республиканинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва имижини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар”. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кундаги яна бир муҳим вазифа мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ғоясининг доимий устувор бўлишини таъминлаш билан боғлиқ.

Ўзбекистонда политеизм қарор топган, аҳолининг 95 фоиздан ортиғи ислом динига, қолганлари бошқа динларга эътиқод қилади. Бизнинг мамлакатимиз азал-азалдан қадимий динлар ривож топган макон сифатида дунё цивилизацияси тарихида алоҳида мавқега эга. Бу муборак заминда бизнинг аجدодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан қараганлар, мана шу юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, елкадош бўлиб меҳнат қилганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, кўпмиллатли жамиятларда барча миллат ва этник гуруҳлар манфаатлари қондирилиши адолатли ташкил этилган бўлса, айниқса, улар ўртасида ҳуқуқий тенглик мамлакатнинг бош қомуси бўлган конституцияси ва қонунларида ўз аксини топган ва амалиётга тадбиқ этилган бўлса, давлатда миллатлараро можаролар келиб чиқишининг эҳтимоли камаяди. Бу ўз навбатида жамиятнинг барқарор ривожланишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <https://xs.uz/uzkr/post/millatlararo-munosabatlar-sohasida-ozbekiston-respublikasi-davlat-siyosati-kontseptsiyasini-tasdiqlash-togrisida>.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 69 б.
3. Аль-Қаддафи М. Зеленая книга, часть третья. Общественный аспект третьей Всемирной теории.
4. Неру Д. Взгляд на всемирную историю. – М., 1981. Т. 2. – С. 441.
5. Мусаев О. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Тошкент: Пm-ziyo-zakovat, 2021. – 87 б.

Наишга проф. С.Чориев тавсия этган

**ЁШЛАРНИНГ БАРКАМОЛ БЎЛИБ ШАКЛЛАНИШЛАРИДА
ИЖТИМОЙ СИЁСАТ****Қамбаров А. А., Нажметдинова М.М. (ФарДУ)**

Аннотация. Мазкур мақолада ёшларнинг баркамол бўлиб шаклланишида мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, шунингдек, таълим-тарбия жараёнида ечимини топиш мумкин бўлган масалалар фалсафий-социологик ҳамда ижтимоий-сиёсий жихатдан таҳлил қилиш таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: баркамол, ижтимоий сиёсат, оқилона турмуш тарзи, таълим-тарбия, она Ватан, мустақиллик, меҳнатсеварлик, билимлилик, илм ва маърифатли, юксак ахлоқ.

Annotation. This article analyzes the ongoing economic reforms in the country in the formation of harmoniously developed youth, as well as philosophical, sociological and socio-political analysis of issues that can be addressed in the educational process.

Keywords: harmonious, social policy, rational lifestyle, education, motherland, independence, diligence, knowledge, science and enlightenment, high morals.

Аннотация. В статье анализируются экономические реформы в стране в формировании гармонично развитой молодежи, а также философский, социологический и социально-политический анализ вопросов, которые могут быть решены в образовательном процессе.

Ключевые слова: гармоничный, социальная политика, рациональный образ жизни, образование, Родина, независимость, трудолюбие, знания, наука и просвещение, высокая нравственность.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат ёшларнинг турмуш даражаларини юксалтириш масалаларига қаратилган бўлиб, бунда тарбиянинг бир қатор омилларига алоҳида эътибор бериш кўзда тутилган. Шунингдек, мазкур масалага давлатимиз томонидан жиддий аҳамият берилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Жумладан, мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий-маданий ҳаётини юксак даражага кўтариш, уларнинг баркамол бўлиб шаклланишлари учун бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Зеро, “...янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда азму шижоатли ёшларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради” [1; 440]. Шундай бўлса-да, “Барчамиз гувоҳмиз – бутун дунё мисли кўрилмаган суръатлар билан кескин ўзгариб бормокда ижтимоий ҳаётимизда кўплаб ижобий жараёнлар билан бирга, ёш авлодни қалби ва онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар ҳам тобора хавфли тус олмақда” [1; 443-444]. Демак, мазкур муаммоларни фалсафий-социологик ҳамда ижтимоий-сиёсий жихатдан таҳлил қилиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Фалсафий таҳлил баркамол авлод тарбиясини моҳиятини, социологик таҳлил уни амалий йўналишларини, сиёсий таҳлил эса ёшларнинг жамиятдаги ўрнини аниқлашга хизмат қилади. Бизнинг назаримизда ёшларни баркамол бўлиб шаклланишларида лозим бўлган маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий кадриятларнинг асосий таркибини белгилаб олишимиз керак. Бу эса, бир қатор ижтимоий омилларни таълим тизимига янгилик сифатида олиб кириш зарурлигини кўрсатади. Бундай тарбия жараёнини шакллантиришда оиладаги оқилона турмуш тарзининг ўзига хос ўрни борлигини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин. Чунки, “Миллат генофондини сақлаш ва давом эттиришнинг муҳим омили бўлган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида” [1; 442] бўлиши керак.

Оиладаги тарбиянинг асосий мақсади – ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашдир. Буни амалга ошириш жисмоний, иқтисодий, меҳнат, сиёсий, ҳуқуқий, ғоявий, ақлий, руҳий, жинсий, ахлоқий, эстетик, диний тарбияни ўз ичига олади. Жисмоний, маънавий-ахлоқий ва руҳий қонуниятларни яхши билмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди, зеро, ёшлар шулар асосида ривожланади. Шу билан бирга ёшларни миллий руҳда тарбиялаш, уларда миллий ғурур, миллий онг ва ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришни тақозо этади. Бу эса, миллат ва халқ ўтмишига, унинг кадриятларига бўлган ҳурмат эҳтиром ҳиссини тарбиялашдан келиб чиқади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ота-онанинг болага, боланинг ота-онага бўлган муҳаббати Ватан ва миллатга бўлган меҳр-муҳаббатидир.

Ёшларни баркамол бўлиб шаклланиш омилларидан яна бири билимлиликдир. Бугунги кунда мамлакатимизда илмга ва билимга бўлган муносабат, айтиш мумкинки, сиёсат даражасига кўтарилди. Чунки билимли баркамол ёшлар келажакда ахлоқий, касбий, сиёсий, иқтисодий, диний ва бошқа билимларни тугал эгаллаб, уларни ҳаётга қўллай оладиган кишилар бўлиб, ижтимоий тараққиётида ўз ўринларига эга бўладилар.

Билимлиликнинг ўзаги бўлган билим инсоний кадриятлардан бири бўлиб, жамиятда тўпланган илмий билимлар ўз далиллари билан биргаликда одамларнинг хилма-хил амалий ҳаракатларига асос бўлган умумий бойликни ташкил этади. Билим асосида атрофдаги воқеа ва ҳодисаларни англаш мумкинлиги тўғрисидаги тушунчалар ётади.

Бугунги кунда жамият аъзолари эгаллаган билим даражаси, миқдори, мазкур билимни тарқатиш, ўзлаштириш, қайта ишлаш ва янги билим ишлаб чиқариш имкониятлари маданият тараққиётини белгиловчи асосий мезондир. Билим ва таълим инсониятни бирлаштирувчи омил бўлиб, ҳар қандай модернизация ёндашувнинг зарурий компоненти.

Билим – шахснинг зарурий таркибий қисми бўлиб, у инсонни ўқиши ва таълим олишида ёрдам беради ва мустақилликка бўлган интилишини ривожлантиради. Билимли бўлиш юксак бахт, баркамоллик ва кадр-қиммат, эътиборга лойиқлик билан тенглаштирилади, яъни “одоб-ахлоқ, тақводорлик, фаолиятлилик, ижтимоий кадриятлардан ҳеч қайсиси “билим”дек эътиборга эга эмас” [2; 235]. Маънавий баркамол шахс ўзи билган илм сирларини бошқаларга ўргатса, илмини жамият манфаатлари учун сарфласа, келгуси авлодларга мерос қилиб қолдирсагина, унинг имони бутун ва виждони покиза бўлади. Шунингдек, жисмоний, руҳий ва ижтимоий соғлом, жисмонан бақувват ва тани-жони соғ, руҳий тарбияланган илоҳий фикрларни ўзида мужассамлаштирган, мақсад-муддаолари, эзгу ниятлари ва эзгулик ғоялари билан суғорилган ёшларни ҳам баркамол шахс сифатида эътироф этилади. Демак, ёшларни баркамол шахс бўлиб шаклланишларида ақллилик, меҳнатсеварлик, билимлилик, илм ва маърифатли, юксак ахлоқ эгаси бўлишлилик алоҳида аҳамият касб этади. “...таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бутун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда” [3; 21].

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, Ватаннинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Маънавий баркамол инсонни тарбиялаш борасида Марказий Осиё мутафаккирларидан Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шахри” асари катта аҳамият касб этади. Форобий ўз асарида салтанатни донишманд бошқариши зарурият эканлигини таъкидлаб, ҳукумат раҳбари ҳар жиҳатдан комил бўлиши ва қуйидаги ўн иккита туғма сифатларга эга бўлмоғи жоиз деб ҳисоблайди: “хушбичимлилик, фаҳм-фаросатлилик, ўткир хотира, идроклилик, сўзга чечанлик, илмга чанқоқлик, ҳар бир ишда меъёрни сақлай билиши, ҳалолликка муҳаббат ва ёлғонга нафрат, олийжаноблик, бойликка нафрат, адолатпарварлик, қатъийлик”[4:189] шулар жумласидандир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оиласи бағрида шаклланади. Фарзанднинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила бағрида қарор топади.

Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси ёшнинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини ҳис қилиши, етакчилик ҳислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқарашини – буларнинг барчаси аввало унинг туғма табиати, шу билан бирга, оиласида оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради.

Хонадондаги ҳар бир нарса – дарахт ва ўсимликлар бўладими, турли ўйинчоқлар, уй ҳайвонлари бўладими – буларнинг барчаси фарзанднинг кўзига гўёки оламнинг бекиёс мўжизаси бўлиб кўринади ва шу тариқа у ёруғ дунёни ўзи учун кашф қилади.

Юқоридаги фикрлардан кўришиб турибдики, баркамол шахс тарбияси бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-маънавий тараққиётида алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ ёшларнинг миллий турмуш тарзимизнинг давр талабларига мос равишда такомиллашуви

ҳамда ривожланишига салбий таъсир этадиган гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, диний ақидапарастлик ғояларига берилиши, экстремистик оқимларга қўшилиб кетиши каби иллатлари мавжудки, уларга тўла барҳам бериш бугунги кунда ўта зарурдир. Шунингдек, ёшлар тарбиясида оқилона турмуш тарзини шакллантирмасдан туриб маънавий жиҳатдан баркамол соғлом шахсни тарбиялаб бўлмайди.

“Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим. ...оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир” [5; 56].

Шу мақсадда мазкур мақолада, бир томондан, ёшларни баркамол бўлиб шаклланишларида маънавий турмуш тарзини ташкил этиш орқали уларнинг маънавий тарбия топганлик даражасини аниқлаш бўлса, иккинчи томондан, уларда юксак ақлий-ахлоқий салоҳиятни тарбиялаш, инновацион-ижодий фаолликни ошириш ҳамда тарбиянинг инновацион омилларини жорий қилишда бутун жамоатчилик, биринчи галда оила, таълим-тарбия билан шуғулланадиган жамоаларига бу муаммоларни ечимини топишда аниқ вазифалар белгиланади.

Ёшларни баркамол бўлиб шакллантириш учун оилада маънавий турмуш тарзини тўғри йўлга солиш ва унинг оқилона омиллари топиш зарур. Шунингдек, баркамол ёшларни тарбиялашда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаш ва тарбиянинг ўзига хос омилларини жорий қилишда маҳалла ва кенг жамоатчиликни жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, ёшларда ватанпарварлик тарбияси муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ёшлар Ватанига, халқига, жамиятга фидойи, фойдали инсон бўлиб хизмат қилишни олий мақсад деб биладилар. Зеро янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ислохотларини амалга ошириш жарёнида “Ёшларимизни она Ватанимизга, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларни истеъдод ва қобилиятини, эзгу интилишларини рўёбга чиқариш йўлида бошлаган катта ишларимизни бундан буён ҳам қатъият билан давом эттирамиз” [1; 444].

Хулоса қилиб айтганда, ёшларни баркамол бўлиб шаклланишларида маънавий турмуш тарзининг оқилона омиларидан фойдаланиш ва уларни ижтимоий тараққиётга кенг жорий қилиш зарур деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 4-жилд. 2020. –Б. 440–444.
2. Роузенталь Ф. Торжество знания. – М.: 1978. – 235 с.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. –Т.: Ўзбекистон. 2009. –Б. 21.
4. Заковат дурдоналари. 100 мумтоз файласуф. –Т.: Янги аср авлоди. 2015. –Б. 18.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. –Б. 56.

Наширға проф. С.Чориев тавсия этган

ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – АСОСИЙ МЕХАНИЗМ СИФАТИДА

Бабажанов С.Б. (УрДУ)

Аннотация. Мақолада қонун устуворлигини таъминлаш, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш учун аввало жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш зарурати мавжудлиги кўрсатиб ўтилган, бу борада қилинаётган амалий ишлар натижаси ижтимоий фалсафий таҳлил этилиб, истиқболда қилиниши керак бўлган стратегик чора-тадбирлар режаси борасида фикр мулоҳазалар билдирилган. Бундан ташқари, жамоатчилик назоратини тўғри йўлга қўйиш асосида –

халқ ва унинг манфаатини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳар қандай қонун ва қонуности ҳужжатларининг реал жамият ҳаётидаги ижросини янада кучайтириш мумкинлигини кўрсатувчи таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: *жамоатчилик назорати, қонун, меъёрий ҳужжат, жамоатчилик фикрини ташиқлаштириш, бошқариш ва назорат қилиш зарурати, ижтимоий ҳаёт, жамият тараққиёти, ўз-ўзини бошқариш, нодавлат нотижорат институтлар, урф-одат, миллий қадрият ва анъаналар, тарғибот механизми, жамоатчилик назорати субъектлари.*

Аннотация. В статье указано, что существует необходимость повышения эффективности общественного контроля в целях обеспечения верховенства закона, дальнейшего укрепления его позиций в общественной жизни, был проанализирован результат практической работы, проведенной в этом направлении, и были сделаны замечания по плану стратегических мер, которые необходимо принять в будущем. Кроме того, были выдвинуты предложения и рекомендации на основе надлежащего общественного контроля – возможности дальнейшего усиления реализации любых законодательных актов, разработанных в целях обеспечения блага народа и государства в жизни реального общества.

Ключевые слова: *общественный контроль, закон, нормативный акт, необходимость организации, управление и контроль общественного мнения, общественная жизнь, развитие сообщества, самоуправление, некоммерческие институты, традиция, национальные ценности и традиции, механизм пропаганды, субъекты общественного контроля.*

Annotation. The article states that there is a need to increase the effectiveness of public control in order to ensure the rule of law, further strengthen its position in public life, the result of practical work carried out in this direction was analyzed, and comments were made on the plan of strategic measures to be taken. In addition, proposals and recommendations were put forward on the basis of appropriate public control – the possibility of further strengthening the implementation of any legislative and legislative acts developed in order to ensure the welfare of the people and the state in the life of a real society.

Keywords: *public control, law, regulatory act, the need to organize, manage and control public opinion, Public life, community development, self-government, non-profit institutions, tradition, national values and traditions, propaganda mechanism, subjects of public control.*

Жамият манфаатларига мос равишда ишлаб чиқилган ҳар қандай қонун ижроси тўғри ташкиллаштирилмас экан, унинг реал ижтимоий ҳаётни ақс эттирувчи самарадорлиги сезилмайди. Шу нуқтаи назардан ёндашганда – ишлаб чиқилган қонун *биринчидан*, халқнинг асрлар давомида шаклланган тарихий қадриятларига, маънавий меросига, анъаналарига таяниши, ментал хусусияларига мос бўлиши; *иккинчидан*, жамият барқарор тараққиётини таъминлаш учун миллий ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклаш заруриятини жамоатчилик онгига сингдириши; *учинчидан*, жамоатчилик фикрида миллий менталитетга мос умуминсоний-интегртив қадриятлар ривожланишига имкониятлар яратишига хизмат қилиши инobatта олинган бўлсагина, у (қонун) ўз доирасида амалда мавжуд бўлади. Ақс ҳолда халқ манфаатларига мос келмайдиган қонун сифатида “қоғозда қолиб кетади”.

Шу ўринда келтириб ўтиш ҳам керакки – ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай янгилик ёки замон руҳида ижодий қайта тикланаётган тарихий мерос, миллий қадрият, анъана, урф-одат ва бошқа субъектив омилларнинг муайян жамият тараққиётидаги функционал аҳамияти, у ҳақда мавжуд ижтимоий қатламларнинг умумий жамоатчилик фикрини шакллантириш даражаси билан ҳам боғлиқ ҳисобланади. Бу жараёнда маълум масалага (ишлаб чиқилган қонунга) нисбатан жамоатчилик назоратини тўғри ташкиллаштириш ҳамда унинг институционал тизим механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Умуман жамоатчилик назорати деганда қандай тизимни тушуниш тўғри бўлади? уни амалга оширувчи қандай механизмлар мавжуд? каби саволларга қуйидагича жавоб бериш мумкин – *жамоатчилик назорати деганда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек, давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат тушунилади* [<http://www.business-daily.uz>]. Янада аниқроқ айтганда – ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат

ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан назоратини амалга ошириш...[1:159] жамоатчилик назорати дейилади.

Жамоатчилик назорати асосан давлат бошқарув фаолиятида, яъни унинг иштирокига нисбатан қўлланилиши сабабли, ушбу тушунчага қисқача тўхталиб ўтамиз.

Жамоатчилик назоратини бошқарув органлари фаолиятига босқичма-босқич киритиб бориш, *биринчидан* тарихий зарурат ҳисобланиб, ҳуқуқий демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини қуришга интилаётган ҳар қандай давлат учун бош мезондир. Чунки, жамиятнинг миллий тараққиёт негизи ислохотларга нисбатан жамоатчилик назоратини қай тариха кечаётганлигида кўринади. Бошқача айтганда, “давлат қачон ўз вазифасини муваффақиятли адо этади? Қачонки давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлса”. [3:489] *иккинчидан* жамоатчилик назоратини таъминлаш, яъни жамиятда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ўзгаришларга нисбатан жамоатчилик қайфияти қай даражада шаклланаётганини ўрганиш, жамоатчилик билдираётган фикрларни таҳлил этиш, давлат бошқарувида ички назорат тизимини (*жамоатчилик назоратини*) ташкиллаштириш, халқаро тамойилларга мос демократик бошқарув механизминини ўрнатилишига олиб келади. Яъни: кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш энг мақбул йўлдир. Бу – жаҳон тажрибасида синовдан ўтган йўл ҳисобланади. [3:489]

Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қандай тарихий зарурат туғилмоқда? қаби саволларга шундай жавоб бериш мумкин: бугунги дунёда эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ўсиб бораётган ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг тарзда боришимиз, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда энг аввало, давлат ҳоқимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини ташкил қилиш, бунинг учун ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлаш, керак бўлганда, махсус қонунларни қабул қилиш [4:76] муҳим ҳисобланади. Чунки, жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунни қабул қилиш:

– қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланишнинг давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга;

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлашга;

– жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлигини қарор топтиришга;

– жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашуви ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслигига;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитишига, [6. <http://lex.uz>] қонуний кафолат беради. Шу муносабат билан, 2018 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «Жамоатчилик назорати» тўғрисидаги (ЎРҚ-474-сонли) қонунга имзо чекилди. Албатта бу қонун – мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қуриш тажрибалари, бу жараёнга кенг халқ оммасини жалб қилиш билан қутилган натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада қонун устуворлигини таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни тарихийлик, мантиқийлик методи асосида ижтимоий-фалсафий таҳлил этилган бўлса, жамоатчилик назорати самарадорлигини оширувчи механизмлар қиёсий типологик ҳамда факториал таҳлил асосида, унинг (қонун ижроси самарадорлиги) жамият ҳаётидаги ўрни моделлаштирилган. Тадқиқот натижалари умумлаштириш ҳамда абстрактлаштириш илмий тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Мавзунини ёритишга қаратилган ижтимоий-фалсафий таҳлил. Жамият ҳаётини тартибга солиш, халқ манфаатларини ўзида мужассам этувчи қонунлар ижросини самарали ташкиллаштиришга хизмат этувчи жамоатчилик назоратини кимлар амалга оширади? уни

ҳаракатлантирувчи механизмларига қандай тушунчаларни қўллаш мумкин? каби саволларга қуйидагича жавоб бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

– жамият ҳаётида қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда, бу ҳар бир шахсда қонунларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни ҳамда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш кераклигини кўрсатмоқда. Чунки, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови, аввало қонун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган инсонлар, биринчи навбатда, раҳбар ходимлар, фуқаролар қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросига қатъий амал қилиши, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари риоя этиши шарт бўлган муҳитни яратиш – давлатимизнинг ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидаги бош мақсади сифатида белгиланган. Хуш қонун ижроси самарадорлигига хизмат этувчи жамоатчилик назоратини кимлар амалга оширади?

– Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари ҳисобланади. Аммо бу каби субъектлар – давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан, яъни уларнинг (давлат органларини) қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қарорларга, ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларга амал қилишида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини қанчалик даражада ҳисобга олаётганлигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлаш борасида ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазибалар ва функцияларни бажаришдаги масъулиятини назорат қилиш тушунилади.

– Аммо қонун ижросини таъминлашга қаратилган саъи-ҳаракатлар фақат давлат томонидан амалга оширилиши ҳар доим ҳам етарли даражада самара бермаётганлиги ҳам ҳақиқат. Шундай экан, қонун ижросига нисбатан фуқароларда (жамиятдаги барча тоифа вакиллари) ҳурмат руҳини шакллантирмас эканмиз, қонун кучи жамият ҳаётига бирламчи омил сифатида белгиланишида “ношудларча муносабат” тўсиқ бўлиб қолаверади. Умуман олганда ижтимоий ҳаётда қонунийлик қачон қарор топади? Бунинг учун қандай қилиб фуқароларни тартиб қоидаларга сўзсиз риоя этишини таъминлаш талаб этилади?

–Ижтимоий ҳаётимизда қонунийликни қарор топиши учун аввало фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалган бўлиши, жамиятдаги воқеа ҳодисаларга муносабатида ҳолислик (объективлик), яъни шахсда сиёсий фаоллик шаклланган бўлиши талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир киши бугунги тезкор ва талабчан замондан ортда қолмай, ўзининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги ва хабардорлик даражасини, ислохотлар самараси учун ижтимоий масъуллик туйғусини янада ошириши, фуқаро сифатида фаол бўлиши, жамият ҳаётида, дунёда, ён-атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, уларнинг маъно-моҳиятини тўғри англаши ва тўғри хулоса чиқариши лозим бўлади. Бошқача айтганда замонавий билимларни чуқур эгаллаётган, жаҳоний тажрибалардан яхши хабардор, изланувчан, интилувчан, эътиқоди мустаҳкам баркамол авлодни ўзидан ворис қилиб қолдириш ҳар қандай жамиятнинг бош орзуси бўлиб, бунинг учун мустақил фикрга, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш масъулияти мавжуддир. Шу ўринда савол туғилади: давлатимиз чиқараётган қонунлар ижроси самарадорлигига эришишда аҳолининг қайси қатламига алоҳида эътибор қаратиш, бу борадаги амалий ишлар ўз натижасини тезроқ кўрсатади?

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёди ёшлардан иборат[9. <https://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/6641-zbekiston-joshlari-kelazhak-bizniki-marra-bizniki>] лигини инобатга оладиган бўлсак, фуқароларда “қонунга ҳурмат руҳи”ни шакллантиришни (тарғиб ва ташвиқот ишларини) ёшлар қатлаמידан бошлаш энг тўғри йўл ҳисобланади. Чунки, халқимизда “Ёшлиқда эгалланган билим тошга ўйилган нақш кабидир”, деган нақл бор. Қолаверса, психологларнинг фикрича, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олиши[5.

<http://hudud24.uz/onlayn-talim-bo%D2%93cha-bolalarini-%D2%B3am-%D2%9Bamrab-olayapti/>] ни инобатга олсак, барча ислохотлар аввало ёшлар қатламига қаратилиши мантиқан тўғри ва натижадорлиги аниқ ислохот ҳисобланади. Ёшларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун қандай мезонларга алоҳида эътибор бериш керак?

Биринчидан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини янада такомиллаштириш керак. Чунки бугунги замон нафақат ёшларни, балки ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида бевосита масъул бўлган давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан ҳам катта жасорат кўрсатишни талаб этмоқда. Бошқача айтганда – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва ёшлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик механизмини тўғри йўлга қўйиш зарур, яъни «Ёшлар – келажак бунёдкори» шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тизимни шакллантириш керак.

Иккинчидан, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш механизмини топиш керак. Бунинг учун ота-она, маҳалла нурунийлари масъулиятини кучайтириш зарур. Зеро тарбияда танаффус бўлмаслиги барчага аён. Оила, боғча, мактаб, олий таълимда бу жараён бир-бирини тўлдирган ҳолда, уйғунликда давом этмас экан. Айрим ота-оналаримиздек “менинг болам ғарбча тарбия олган, ғарбча фикрлайди”, деб ўйлашимиз – аввало ўзимизга, сўнг бутун жамиятга катта зарар олиб келиши муқаррар. Шу сабабдан кучли маънавиятга эга, дунёқараш кенг, билимли авлод тарбиясида жамият, маҳалла ёки мактаб эмас, энг аввало ота-она масъул бўлиши керак. Яъни, ҳар бир ота-она ўз фарзанди учун жавобгар бўлиши, масъулиятни ҳис қилиши мақсадга мувофиқ” [10. <https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/33424/>] дир.

Учинчидан, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда масъул ёшлар фаоллигини ошириш, уларни юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир қилиб тарбиялашимиз зарур ва шарт ҳисобланади. Чунки, бугун дунё шиддат билан ривожланиб, глобаллашув жараёнлари, турли маданиятлар ва қарашларнинг таъсири доираси кенгайиб бормоқда. Ана шундай шароитларда бизнинг менталитетимизга мос бўлмаган одатлар, бузғунчи фикр ва ғоялар халқимиз, хусусан ёшларимиз ҳаётига ҳам кириб келаётганлиги оддий ҳақиқат. Бундай глобаллашув таъсиридан ёш авлодни ким асраб қолади? “Мана шундай вазиятда, – деб ёзади Ислом Каримов “одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий кадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол” [2; 408]. Ушбу фикрлар асосида шундай савол туғилади: Ёшларни бундай таҳдидлардан асраш учун уларнинг қалбида (онгу-шуурида) қандай амалларни қарор топишига эришишимиз керак?

Тўртинчидан, юқорида келтириб ўтилган саволга жавоб – ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш мумкин [8. <https://lex.uz/docs/3255680>]. Ёшларни, айниқса, уларнинг уюшмаган қисмини бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, масалан спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғараклар ва турли ўқув курсларига жалб қилиш энг тўғри йўлдир.

Хулоса. Қонун ижроси самарадорлигини оширишда жамоатчилик назоратини таъминлашда қуйидаги механизмларга риоя қилган ҳолда амалий чора-тадбирларни олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, глобал ахборотлашув шароитида муайян жамоатчилик фикрининг оммавийлигини таъминлаш, унинг трансформация инфраструктураси ва коммуникациясини такомиллаштиришга, субъектлари ўртасидаги муносабат интеграцияси узвийлигини таъминлашга боғлиқ.

Иккинчидан, жамоатчилик фикрини: шахс, жамият, давлат сиёсати даражасида ташкиллаштириш, бошқариш ва назоратининг умуминсоний маънавий-ахлоқий ва халқаро ҳуқуқий нормаларга мос ривожлантиришда фуқаролик институтлари ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, ижтимоий онг шакллари ва жамоатчилик фикрининг корреляцион алоқадорлиги, уларнинг трансформаторлик функцияси умумийлигида намоён бўлади, яъни бири иккинчисининг ривожланиши учун имконият, усул, восита бўлиб, ўзаро тақозолангандир.

Тўртинчидан, жамоатчилик фикрининг муқобил йўналишларини ўзаро мувофиқлаштириш – ижтимоий онг шакллари, миллий, минтақавий ва глобал манфаатларни уйғунлаштиришга мутасадди институционал тизим фаолиятини интеграциялаштиришни тақозо қилади.

Бешинчидан, жамоатчилик фикрини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишда ижтимоий онг шаклларида фойдаланиш, унинг оммавий ва индивидуал, корпоратив ва элитар социал табақалар, ижтимоий бирликлар манфаатларига мос туркумлаштиришга асос бўлади.

Олтинчидан, ҳар қандай жамиятда ижтимоий онг шаклларида маънавий-ахлоқий тамойиллари, ҳуқуқий нормалари жамоатчилик фикри феноменини ривожлантириш глобал стратегик вазифаларни белгилашнинг концептуал универсал таълимотларни яратишга хизмат қилади.

Еттинчидан, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи институционал тизимни интеграциялаштириш стратегияси ва тактикаси: объектив шарт-шароитларни, детерминлаштирувчи субъектив сабабларни, имкониятлари таҳлили башоратлар ва моделлар илмийлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Демократик иқлохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б. 159.
2. Каримов И.А. Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислохотларимизни янги босқичга кўратиш – бугунги кундаги юнг долзарб вазифамиздир. Т. 23. –Т.: Ўзбекистон, 2015. – 408 б.
3. Мирзиёев Ш.М Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 489 б.
4. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислох этишнинг ҳуқуқий асослари: давра суҳбати материаллари. –Т.: Vaktria press, 2015. –Б. 76.

Наширға проф. С.Чориев тавсия этган

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИНГ ЎРНИ

Эркинов И.Э. (ЎЗМУ)

Аннотация. Ушбу мақолада “электрон ҳукумат”нинг давлат бошқарувига оид тузилмаларни модернизациялаш, сиёсий муносабатларни тубдан ислох қилиш, самарадор давлат бошқарувидаги ўрни ва аҳамияти хусусида тадқиқот олиб борилган. Шунингдек, давлатга корпорация унинг бошқарувига эса, бизнес менежмент сифатида қараш ғоясининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Таянч сўзлар: “электрон ҳукумат”, самарадор давлат бошқаруви, информацион технологиялар, виртуал бошқарув, ахборот алмашинуви, электрон савдо порталлари.

Annotation: In this article the role and importance of e-government in the modernization of public administration structures, the radical reform of political relations, and effective public administration. The peculiarities of the idea of looking at the state as a corporation and its management as a business management are also studied.

Keywords: "E-government", effective public administration, information technology, virtual governance, information exchange, e-commerce portals.

Аннотация: В данной статье рассматривается роль и значение электронного правительства в модернизации структур государственного управления, радикальной реформе политических отношений и эффективном государственном управлении. Также исследуются особенности представления о взгляде на государство как на корпорацию и управление ею как на управление бизнесом.

Ключевые слова: «Электронное правительство», эффективное государственное управление, информационные технологии, виртуальное управление, обмен информацией, порталы электронной коммерции.

КИРИШ

Бугунги кунда дунёдаги барча ривожланган давлатлар ўз тараққиётига давлат бошқарувидаги самарадорлик туфайли эришганликлари эътироф этилади. Давлат бошқарувидаги самарадорлик эса кўп жиҳатдан электрон ҳукуматнинг шаклланиши ва хизмат кўрсатишига боғлиқдир.

Илк бор Билл Клинтон АҚШга Президентлик қилган даврда маъмурий бошқарув соҳасига оид тушунча сифати қўлланилган “электрон ҳукумат” категорияси, интернет ва ахборот технологияларининг ривожлантириши ва бу воситалардан давлат бошқарувида фойдаланиши маъносини ўзида акс эттирган.

Республикамизда “электрон ҳукумат” тушунчаси илмий нуқтайи назардан ҳам, ҳуқуқий нуқтайи назардан ҳам “давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишига доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими” [1] маъносида қўлланилади.

“Электрон ҳукумат” тушунчасининг кўп ўлчамлилиги ва кенг маънога эга эканлиги БМТнинг “Электрон ҳукумат чорраҳада” номли ҳисоботида ҳам тилга олинган [2]. Ҳисоботида айтилишича, электрон ҳукуматнинг жорий қилиниши келажакда компьютерлар давлат хизматчилари ўрнини эгаллашини аниқлашмайди. Бошқача қилиб айтганда давлат бошқаруви органларининг ташки ва ички фаолияти уларнинг фуқаролар ва ишбилармонлик сектори билан ўзаро муносабатлари кучли, самардор ҳамда хавфсиз тизимга асосланиши лозим.

Бу тизим ахборот алмашинуви, фуқароларда уйдан чиқмасдан туриб зарур ҳужжатларни расмийлаштира олишлари, давлат харидлари очиқ электрон савдо порталлари орқали ўтказилишига имкон бериши учун турли давлат ташкилотларининг маълумотлар базалари бири бири билан ўзаро мувофиқлаштирилган ва интеграциялашган бўлиши лозим. “Электрон ҳукумат” тушунчаси бир мунча кенг қамровли бўлиб, у кенг маънода замонавий компьютер ва коммуникация технологиялари орқали самардор давлат бошқарувини амалга оширишни аниқлади. Электрон ҳукумат тушунчасининг илмий тадқиқотларда турлича талқин қилинишига қарамадан у давлат бошқарувини модернизациялаш воситаси сифатида ҳукумат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро мулоқотни янги сифат даражасига кўтариш, иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий муносабатларни янги механизмлар асосида тартибга солиш функцияларини бажаради. Масалан, “электрон ҳукумат” нинг жорий қилиниши давлат бошқарувининг тузилмаларини ислоҳ қилиш, хусусан давлат органлари функцияларининг миқдори ва характерининг ўзгариши, шунингдек, улар фаолиятига оид маъмурий электрон регламентларни амалиётга жорий қилиниши сингари омиллар билан боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

ИТ соҳасидаги тадқиқотларга биринчилардан бўлиб эътибор қаратган АҚШ ва Буюк Британия каби мамлакатларда электрон ҳукумат деганда аввало давлат фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган концепция тушунилган [3]. Хусусан, “электрон ҳукумат” тушунчаси сенаторлар Либерман ва Томпсон томонидан “интернет технологиялари ютуқларидан ҳукумат фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва

фуқароларга ҳукуматнинг дастурлари, хизматлари ва ахборотлари ҳақида содда маълумотлар етказиб беришда фойдаланиш” воситаси сифатида таърифланган [4].

Айни масала тадқиқига бағишланган кўплаб хорижий изланишларда электрон ҳукумат феномени информацион технологиялар имкониятларига таянган ҳолда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш жараёни сифатида талқин қилинади [5]. Бундан ташқари “электрон ҳукумат” феноменини информацион технологиялар имкониятларига таянган ҳолда давлат бошқаруви самарадорлигини ресурсларни тежаш асосида ошириш, шаффофлик, очиклик ҳамда унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш маъносида ҳам талқин қилинади [6].

“Электрон ҳукумат” тушунчасини давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш нуктаи назаридан таърифланган талқинлари унинг “технологик” маънодаги талқинларига нисбатан мукамалроқдек туюлиши мумкин. Аммо мазкур ёндашувнинг нисбий тўлиқлик характери ҳам унда e-government билан боғлиқ барча жиҳатлар қамраб олинганлигини аниқлатмайди. Бундан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, электрон ҳукумат тушунчасининг кенг маъноли нисбий тўлиқ таърифини ишлаб чиқиш жамиятда информацион технологиялар имкониятларининг тадбиқ қилиниш даражасига боғлиқ бўлади.

Электрон ҳукумат тобора жадаллик билан тадбиқ қилиниб бораётган Ўзбекистонда у информацион технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва унинг устидан жамотчилик назоратини кучайтириш воситаси сифатида қаралмоқда. Аммо электрон ҳукумат тушунчасининг таърифлашга оид ёндашувлар уни тушуниш билан боғлиқ хилма хил хатто мазкур феноменни айни “электрон ҳукумат” номи билан аташ ноўринлигини илгари сурувчи ғоялар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, бу борадаги кўплаб таърифларда электрон ҳукумат информацион технологиялар имкониятларига таянган ҳолда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш воситаси сифатида таърифланмоқда. Масалан, Россия ҳукумат ахбороти департаменти бошлиғи Андрей Коротковнинг фикрича, “бу (электрон ҳукумат) ноаниқ атама, биз электрон ҳукумат тўғрисида эмас, балки ахборот технологиялари хизматидан фойдаланувчи ҳукумат тўғрисида, ахборот технологияларидан фойдаланувчи Федерал мажлислар тўғрисида, ахборот технологияларидан фойдаланувчи Судлар тўғрисида ва умуман давлат ҳамда фуқаролик жамияти тузилмалари шунингдек тадбиркорлар учун ўзаро бир-бирларини тушуниш, қолаверса, ягона стандарт асосида алоқага кириши олиш имконини берувчи коммуникатив мулоқот муҳити ҳақида гапиришимиз керак” [7]. Айни ўринда юқорида ҳам айтилганидек, электрон ҳукумат реал ҳукумат билан айний бўлган унинг вертуал шакли эмас, балки давлат бошқарувини амалга оширишнинг замонавий воситаларидан бири сифатида талқин қилинмоқда. Шу маънода, бундай ёндашувларда электрон ҳукумат тушунчасининг ўрнига давлат бошқарувини электронлаштириш атамасини қўллаш таклиф қилинади.

Умуман олганда, бундай ёндашувларда электрон ҳукумат мавжуд давлат бошқаруви аппарати тузилмаларини тубдан трансформация қилиш соддароқ қилиб айтганда қайтадан ташкил қилишни эмас, балки информацион технологиялар имкониятларига таянган ҳолда модернизациялашни назарда тутаяди.

Шундай қилиб, e-government – ахборотлашган жамият шароитида давлат бошқаруви органларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини қисқа ва замонавий ёндашув асосида тавсифлашга хизмат қилмоқда. Бу атама давлат бошқарувининг янгича ташкиллаштириш ва ривожлантириш усуллари, шунингдек, халқ билан мулоқот тизимини такомиллаштиришга оид янгича механизмлар ишлаб чиқишни, фаолиятнинг муайян соҳасидаги фойдали натижаларга эришиш кўрсаткичларини тубдан янгилашни, унинг камчиқимлигини ва давлат органлари масъулиятини қисқартиришни ҳам ўз ичига олади. Электрон ҳукумат восита сифатида давлат бошқаруви функцияларини амалга оширишда мақсадли, мувофиқлаштирилган янги информацион технологияларни узлуксиз тарзда тадбиқ қилиб боришни талаб қилади.

Гарчи government тушунчаси e-government ибораси таркибида ўзи мустақил ҳолда қўлланилганда тушуниладиган маънони тўла акс эттирмасда, электрон ҳукумат тушунчаси ўз мазмунида ихчамлик, образлиқ, мақсадга мувофиқлик ҳамда инновационлик белгиларини

бирлаштирган ҳолда илмий ва бошқарув соҳасига оид тадқиқотларда кенг қўлланилмоқда. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, электрон ҳукумат тушунчаси мазмунида акс этган юқорида санаб ўтилган 4 белги уни реал ҳукуматдан фарқлашга хизмат қилади [8].

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Электрон ҳукумат тушунчаси кенг маънода, нафақат давлат бошқаруви механизмларини янги виртуал шаклга ўтказишни, балки бутун бошли сиёсий муносабатлар тизимини трансформация қилишни ҳам англатади. Шунингдек, электрон ҳукуматни давлат бошқарув органлари фаолиятига оид ҳар қандай жараёни виртуал шаклга ўтказиш маъносида тушуниш ҳам ноўрин, негаки, мазкур тушунча мазмунида акс этган инновационлик белгиси реал давлат бошқарувида мавжуд самарасиз усул, восита ва механизмлар ўрнига уларнинг янги самарадор вариантларини ишлаб чиқиш ва қўллашни назарда тутди. Шу маънода, юқорида келтириб ўтилган Россия ҳукумат ахбороти департаменти бошлиғи Андрей Коротков талқинидаги “электрон ҳукумат” тушунчаси бирмунча чекланган характерга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Юқорида ҳам айтилганидек, электрон ҳукумат нафақат давлат бошқарувидаги мавжуд жараёнларни виртуаллаштириш, балки бу жараён самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи янги усул, механизм ва воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишга ҳам хизмат қилиши керак. Жумладан, ана шундай механизмлардан бири сифатида давлатни йирик корпорация, давлат бошқарувини эса ана шу корпорациядаги бизнес менежмент сифатида қараш ҳисобланади. Агар давлат бошқарувида электрон механизмларни жорий қилиш жараёнини бизнес корпорациялардаги айна жараёнга қиёсан олиб қаралса, корпорация самарадорлигини ахборот технологияларини жорий қилиш билан ошириш учун асосий бизнес жараёнларнинг моҳиятини ҳам ўзгартириш талаб қилиниши маълум бўлади.

Постсовет мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда ҳам давлат бошқарувида бизнес сифатида қараш ғояси илмий, амалий ва ҳуқуқий истеъмолга киритилмаган. АҚШда эса, бизнес давлат ёки хусусий сектор томонидан амалга оширилишидан қатъий назар бизнес деб қаралади. Векселдорф компанияси хаттоки давлат амалдорлари учун “Давлат бизнеси” журналин ва нашр қилади ва бу журналда турли бизнес вакиллари ўзларининг тажрибаларини давлат хизматчилари билан ўртоқлашади, ёки давлат хизматчиларининг малака ва тажрибаларини бизнес вакиллари орасида ёйишда иштирок этади.

Ғарб мамлакатларидаги замонавий тадқиқотларда давлат йирик бизнес корпорацияларга қиёсланган ҳолда тасаввур қилинади. Унга кўра, давлат ҳам бюджет, қирим-чиқим, ҳиссадорлар ҳамда сифатли ва арзон давлат хизматлари кўрсатилишидан манфаатдор мижозлар яъни фуқароларга эга бўлади. Шунга мувофиқ тарзда давлат, худди корпорация каби, аввало ўз акционерлари ва мижозларининг манфаатлари йўлида хизмат қилиши, орқали ўзининг самарадорлигини оширишга интилиши керак. Буни худди корпорациянинг ўз капитал айланмасини оширишга ҳамда бозорлардан рақобатчиларини сиқиб чиқаришга интилиши билан қиёслаш мумкин. Бу жараёнда корпорация ҳам, давлат ҳам ўзларининг эски ишлаб чиқариш моделларини нисбатан янги ва самаралироқ моделлар билан алмаштиришдан манфаатдор бўлишади [9].

Давлатга корпорация унинг бошқарувида бизнес менежмент сифатида қараш ғоясига таянувчи мазкур ёндашувни мутлоқлаштириш жоиз эмас. Аммо мазкур ёндашув давлат бошқарувида оид тузилмаларни модернизациялаш, сиёсий муносабатларни тубдан ислох қилиш ва шу асосда том маънодаги электрон ҳукуматни узлуксиз тарзда жорий қилиб бориш имконини беради.

ХУЛОСА

Давлат бошқарувида электрон ҳукуматнинг жорий этилиши, аввало, давлат бошқарув самарадорлигини оширади, ҳукуматнинг идоралараро ҳужжат алмашилиши, ҳукумат ва бизнес, ҳукумат ва фуқаролар ўтасидаги муносабатларни оптималлаштиради. Электрон ҳукуматни янада кенгроқ жорий этиш эса, анъанавий бюрократик тўсиқларга чек қўяди, фуқаролар учун давлат хизматларидан фойдаланиш қулайлигини, давлат хизматлари кўрсатиш даражасини оширишни, фуқароларнинг давлат қонунчилигига риоя этишини соддалаштиришни, фуқароларнинг жамиятга бўлган фаоллигини ва ишончини оширишни,

коррупцияни олдини олишни, фирибгарликни камайтиришни ва давлат харажатлари самарадорлигини оширишни англатади. “Электрон ҳукумат” тизимининг тадрижий ривожига, унинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилишга, шунингдек, жаҳон тенденцияларини, хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш ҳамда уларни тадбиқ этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганининг туб мақсади ҳам аслида шу. Яъни давлат ва халқ ўртасидаги масофани яқинлаштиришдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://www.lex.uz/acts/2833860>
2. United Nations. The World Public Sector Report 2003: E-government at the Crossroads, 2003.
3. Голобуцкий А.П., Шевчук ОБ. Электронное правительство. – Киев: УМС- Атлант, 2002.
4. Компьютеризация государственного управления // Бюро международных информационных программ. Государственный департамент США. - usinfo.state.gov, 30.10.2002.
5. Knowledge Management and ICT for Public Administration//The Network of Institutes and Schools of Public Administration in Central and Eastern Europe. - www.nispa.sk.
6. Электронное правительство: рекомендации по внедрению в Российской Федерации/под ред. Дрожжинова В.И., Зиндера Е.З. – М.: Эко-Трендз, 2004.
7. Ландэ Дмитрий. E-Government - лозунг или технология?//Информационный центр EIVisti. -www.visti.net, 11.06.2003.
8. Ирхин Ю.В. «Электронное правительство и социум: попытка системного сравнительного анализа//АНО «Общественно политический журнал. Журнал политической философии и социологии политики «Понятия. Анализ. Хроника. Прогноз», 2005. – №1 (36).
9. Яковлева Е. Электронное правительство – трансформация идей электронного бизнеса для правительственных и государственных организации/Материалы форума «Время молодых: государственное управление в XXI веке». – М., 28.05.2004.

Наишга проф. С.Чориев тавсия этган

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗЛАРИ: РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Нажмиддинов Б. М. (ТДИУ)

Аннотация. Мақолада ривожланган давлатларда сиёсий партиялар фаолият олиб боришининг ташкилий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий асослари қай тартибда шаклланганлиги ва тараққий этганлиги жараёни ўрганиб чиқилган ва бу борада тадқиқот олиб борган олимлар ва мутахассисларнинг фикрлари келтирилган. Шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва шу каби ривожланган давлатлар сиёсий партиялари ўз фаолиятида мустаҳкам сиёсий-ҳуқуқий асосга таяниши баён этилган.

Таянч сўзлар: *сиёсий партия, ташкилий ва сиёсий-ҳуқуқий негизлар, “институционализация” ёки “институционаллашув”, ижтимоий-сиёсий тузилмалар, “конституционализация” ёки “конституционаллашув”, қонуний асос, ҳуқуқий норма, Конституция, қонун, сиёсий партияларни молиялаштириши.*

Аннотация. В статье рассматривается процесс формирования и развития организационной и политико-правовой базы политических партий в развитых странах, а также приводятся мнения ученых и экспертов, проводивших исследования в этой области. Также утверждается, что политические партии США, Великобритании, Германии и других развитых стран в своей деятельности опираются на прочную политическую и правовую основу.

Ключевые слова: *политическая партия, организационные и политико-правовые основы, «институционализация», социально-политические институты, «конституционализация», правовая основа, правовая норма, Конституция, закон, финансирование политических партий.*

Annotation. The article discusses the process of formation and development of the organizational and political-legal bases of political parties in developed countries, as well as the opinions of scientists and experts who conducted research in this area. It is also argued that political parties in the USA, Great Britain, Germany and other developed countries rely on a solid political and legal basis in their activities.

Key words: *political party, organizational and political-legal foundations, «institutionalization», socio-political institutions, «constitutionalization», legal basis, legal norm, Constitution, law, financing of political parties.*

Ривожланган давлатлар сиёсий партиялари фаолиятининг қай тартибда ташкил этилганлиги, улар фаолиятининг сиёсий-ҳуқуқий негизлари қандай ҳужжат ҳамда устқурмага асосланиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, сиёсий партия фаолиятининг ташкилий жиҳатлари, унинг сиёсий-ҳуқуқий негизлари бутун партия фаолиятига таъсир ўтказиши.

Илмий манбаларда сиёсий партия фаолиятининг ташкилий жиҳатлари ва жараёни “институционализация”¹ ёки “институционаллашув” атамаси билан ифодаланади.

Институционаллашув – сиёсий партиянинг фаолият юритиш тузилмаси яхши йўлга қўйилган бўлиши ва тажрибаси кенг тарқалганлиги бўлиб, ушбу тузилманинг бутун жамият томонидан тан олинishi жараёнидир, дея фикр билдиришади Европалик олимлардан Скот Меинверинг ҳамда Мариано Торкал².

Сиёсий партияларнинг институционаллашуви деганда ҳам давлат, ҳам жамият томонидан ушбу ижтимоий-сиёсий тузилмаларнинг фаолият юритишининг зарурлиги, ижобий хусусиятларга эгаллиги ва ҳаракатчанлигининг тан олиншини тушуниш лозим. Бундай жараён XIX аср бошларидан бери – аксарият ривожланган давлатлардаги етакчи сиёсий партиялар фаолияти йўлга қўйилгандан буён давом этмоқда.

Россиялик олим Б. Исаев сиёсий партияларнинг институционаллашуви тушунчасига аниқ ва тор маънода таъриф беради. Унга кўра, бу – сиёсий партиялар фаолияти учун қонуний асосларнинг яратилиши, уларнинг давлат ва жамиятдаги ўрни ҳамда ролининг қонунлар воситасида белгилаб қўйилишидир. Сиёсий партиялар фаолиятининг қонуний асосларини яратиш жараёни XX аср иккинчи ярмидан бошланган ва ҳозирга қадар яқунланмаган бўлиб, бунга сабаб сифатида бир тарафдан сиёсатшунос олимлар томонидан сиёсий партияларнинг жамиятдаги вазифалари ва мавқеига нисбатан турлича қарашларни илгари сурилганлиги бўлса, иккинчи тарафдан ҳуқуқшунослар томонидан турли мамлакатларда қабул қилинган конституциялар ва қонунларга шарҳларда сиёсий партияларга нисбатан танқидий баҳо берилганлигини келтириш мумкин. Мазкур сабаблар туфайли айни пайтга қадар сиёсий партияларнинг институционаллашуви хусусидаги ягона ёндашув ва қарашлар шаклланмаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим³.

Сиёсий партиялар фаолиятининг сиёсий-ҳуқуқий негизлари, норматив-ҳуқуқий асосларининг тегишли тартибда яратилиши ва акс эттирилиши бир сўз билан “конституционализация” ёки “конституционаллашув” деган атама билан ифодаланади. Сиёсий партиялар фаолиятининг конституционаллашуви деганда ушбу ижтимоий-сиёсий тузилмаларга оид ҳуқуқий нормаларнинг муҳимлиги таъкидланади ва уларнинг конституциявий нормалар сифатида мустаҳкамлаб қўйилганлиги тушунилади. Бундай ҳолатнинг амалдаги ифодаси сифатида сиёсий партияларга оид ҳуқуқий нормаларнинг муайян бир давлат конституциясида акс эттирилишини тушунишимиз лозим ҳамда айнан сиёсий партиялар ўз фаолиятларининг олий даражада сиёсий-ҳуқуқий асосларга эга бўлишини истаганликлари учун оддий ҳуқуқий нормаларнинг конституциявий нормалар сифатида белгилаб қўйилишига эришганликларига гувоҳ бўламиз. Бундай жараённи ҳам табиий жараён сифатида қабул қилиш лозим. Чунки, сиёсий партиялар фаолиятининг ўтмишига назар ташлаганда ушбу тузилмалар нақадар мушкул вазиятларда (фаолиятининг қонуний асослари йўқлиги, давлат томонидан доимий тайзикқа учраш, молиявий муаммолар ва х.) фаолият юритганлиги маълумдир. Шу сабабли, сиёсий партиялар ўз фаолиятларига қонуний тус бериш ва уни мамлакатнинг олий даражадаги юридик ҳужжатида акс эттирилишига эришиш учун интилиб келганлиги аён бўлади.

Сиёсий партияларнинг конституционаллашуви ҳақида гап кетганда, ушбу ижтимоий-сиёсий институтларнинг конституциялардаги ўрни ва роли мустаҳкамланишини ёки ҳеч

¹ Randall V., Svåsand L. Party Institutionalization in New Democracies. *Party Politics*, vol. 8, no. 1, 2002. – P. 5-29.

² Mainwaring, Scott, and Mariano Torcal. Party system institutionalization and party system theory after the third wave of democratization / In *Handbook of party politics.*, eds. Richard S. Katz, William Crotty. – London: Thousand Oaks, 2006. – P. 204-227.

³ Исаев Б.А. Теория партий и партийных систем / Учебное пособие для студентов вузов. – М.: Аспект Пресс, 2008. – С. 112-113.

бўлмаганда, давлатнинг асосий қонунида уларнинг жамият ва давлатга тегишли институт сифатида тилга олинишини ҳам англаш лозим.

Лейден (Нидерландия) Университети Сиёсий фанлар кафедраси профессори Ингрид ван Бизеннинг фикрича, Иккинчи Жаҳон уруши тугаганидан сўнг Европа мамлакатларида бошланган либерал демократия жараёнлари сиёсий партиялар фаолиятига ҳам тааллуқли бўлди¹. Ван Бизеннинг фикрига таяниб, Европанинг бир қатор етакчи мамлакатлари конституцияларига назар ташлаганда куйидагилар маълум бўлади. Хусусан, сиёсий партиялар фаолиятининг конституционаллашуви дастлаб 1947 йилда қабул қилинган Италиянинг янги Конституциясида ўз аксини топганлиги аён бўлади ва ушбу конституциянинг 49-моддасида “барча фуқаролар миллий сиёсатни белгилашда демократик йўл билан ўз хиссаларини қўшиш учун сиёсий партияга эркин равишда бирлашиш ҳуқуқига эгадирлар”², деб белгилаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Сўнгра Германия Федератив Республикасининг 1949 йилда қабул қилинган Асосий Қонуни (21-моддаси)да³, Франция Республикасининг 1958 йилда қабул қилинган Конституцияси (4-моддаси)да⁴ ва дунёнинг кўплаб давлатлари асосий қонунларида шунга ўхшаш нормалар киритилди.

XX аср охиридан бошлаб сиёсий партияларнинг институционаллашуви ва конституционаллашуви жараёни жадал кетмоқда, яъни мазкур жараён ривожланган мамлакатларда бошланиб, бугунги кунда глобал характерга эга бўлди ҳамда кўпчилик мамлакатлар конституцияларида сиёсий партиялар ҳақида нормалар ўз аксини топди ва ҳатто, ушбу нормалар асосида кўплаб давлатларда сиёсий партиялар тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинди. Бундан ташқари, сиёсий партиялар ижтимоий-сиёсий институтлар сифатида бошқа қонунларда ҳам тилга олинади. Бу жараённи бир томондан, ривожланган давлатларда сиёсий партиялар ролининг ошириб бориши, иккинчи томондан, улар доимо дуч келадиган молиявий ва ҳуқуқий қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Замонавий босқичда сиёсий партияларнинг институционаллашуви ва конституционаллашуви яхлит бир жараёнда рўй бермоқда.

Ушбу жараённинг асосий йўналишлари куйидагиларни ўз ичига олади:

- сиёсий партияларнинг сиёсий институтлар сифатида тан олиниши, уларнинг сиёсий тизимдаги ўрни, мақсади ва вазифаларининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши, фаолият олиб бориш тартибининг ишлаб чиқилиши;
- сиёсий партияларнинг мақомини сақлаб қолиш учун улар риюя қилиши талаб этиладиган меъёрлар ва шартларни қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиш ва шу орқали сиёсий партияларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш;
- давлат томонидан сиёсий партияларни молиявий қўллаб-қувватлашни жорий этиш ва шу билан бирга, уларнинг молиявий фаолиятини қатъий назорат қилиш, сиёсий партиялар фаолиятига шахсий маблағлар ажратилишини тартибга солиш;
- қонунчилик орқали мавжуд партиявий тизимни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш ҳамда сиёсий партияларни ташкил этиш ва рўйхатга олишнинг қатъий тартибини яратиш;
- сиёсий партиялар ва давлат ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш.

Сиёсий партияларнинг институционаллашуви партия фаолиятини давлат томонидан тартибга солишга бўлган интилишларда ҳам намоён бўлади. Бироқ, сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солишга аралашмаслик лозимлиги ривожланган давлатлар тажрибасидан маълум бўлади. Бу, айниқса, ривожланаётган давлатлар учун қўл келади. Ҳаддан ташқари институционаллашув куйидаги салбий натижаларга олиб келиши мумкин:

¹ Van Biezen, I. The Constitutional Regulation of Political Parties in Post-War Europe / British Journal of Political Science, January 2012. № 42. – P. 187-212. DOI: 10.1017/S0007123411000263

² Constitution of the Italian Republic. 1947. Article 49. Senato della Repubblica. URL: https://www.senato.it/documenti/repository/istituzione/costituzione_inglese.pdf

³ Basic Law for the Federal Republic of Germany (Grundgesetz). 1949. Article 21. URL: <https://www.btg-bestellservice.de/pdf/80201000.pdf>

⁴ Texte intégral de la Constitution du 4 octobre 1958 en vigueur. Article 4. URL: <https://www.conseil-constitutionnel.fr/le-bloc-de-constitutionnalite/texte-integral-de-la-constitution-du-4-octobre-1958-en-vigueur>

- сиёсий партиялар давлат институтига айланмаслиги лозим, балки жамоат ва давлат институти бўлиб қолиши ушбу мамлакатда ҳам давлат учун, ҳам фуқаролик жамияти фаолияти учун ижобий аҳамиятга эга бўлади;

- сиёсий партияларнинг қониқарсиз фаолият олиб бориши шароитида улар устидан давлат тузилмаларининг ҳаддан ташқари назорат ўрнатиши ушбу партиялар фаолиятининг жонланишига олиб келмайди, балки бундай ҳолат партия фаолиятига ва ўз вазифаларини амалга оширишга халақит беради¹.

Сиёсий партияларнинг ташкилий жиҳатдан шаклланиши жараёни, яъни бир сўз билан айтганда институционаллашув жараёни Германияда тезлик билан амалга ошганлигини кузатиш мумкин. 1967 йилда Германияда сиёсий партиялар тўғрисида қонун қабул қилинди ва бу кўплаб сиёсатшунослар, партияшунос олимлар томонидан намунали деб тан олинди. Сўнгра, шунга ўхшаш қонунлар Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам қабул қилинди.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг институционаллашув жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунлардан бири – сайлов тўғрисидаги қонундир. Ушбу қонун сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти даврида уларнинг фаолияти нормаларини белгилаб беради.

Аксарият ривожланган мамлакатларда сиёсий партияларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши тажрибаси кенг тарқалган ва бу борада тегишлича сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида қонунлар ҳам қабул қилинган. Шу билан бир қаторда, сиёсий партияларнинг сайлов фондларига ихтиёрий равишда хайрия қилишда чекловлар ҳам киритилган. Бу борада Америка Қўшма Штатларида амалда бўлган “Федерал сайлов кампаниялари тўғрисида”ги қонунни² намунали ва такомиллашган қонун сифатида эътироф этиш ўринли бўлади.

АҚШ сиёсий партияларига оид қонунлар (1954, 1965, 1970, 1974 йилларда қабул қилинган қонунлар назарда тутилмоқда) ва уларда белгиланган нормалар хусусан, сиёсий партияларни рўйхатга олиш ва сайловларда иштирок этишининг соддалаштирилган тартиби мавжудлиги, фаолиятининг очиқлиги, жамият, давлат ва фуқаролар билан муносабатларига доир нормаларга эътибор қаратганда уларнинг либерал характерга эгаллиги, соҳадаги муносабатларни тартибга солишда самарали ва таъсирчанлиги, шунингдек амалга ошириш механизмлари мукамаллиги маълум бўлади.

Шу ўринда Европанинг етакчи мамлакатларидан бири бўлмиш Буюк Британияда сиёсий партияларнинг институционаллашуви ва конституционаллашуви қай тарзда кечгани ҳақида фикр билдириш ўринли бўлади. Чунки, парламентаризм пайдо бўлган ва тараққий этган, шунингдек ижтимоий-сиёсий тузилмалар ва кейинчалик сиёсий партиялари шаклланиш ҳамда фаолият олиб боришда ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтган мамлакат сифатида Буюк Британия, хусусан Англиянинг тўпланган тажрибасини ҳам ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Англия, сўнгра Буюк Британияда ягона конституция мавжуд эмаслиги, Асосий қонун вазифасини бир неча йиллар эмас, балки асрлардан буён бир қатор конституциявий қонун мақомига эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бажариб келаётганлиги ушбу мамлакат сиёсий тизими ўзига хос анъанавий тарзда шаклланганлигини кўрсатади. Ушбу ўзига хослик сиёсий партиялар фаолиятида ҳам акс этади ва Буюк Британия сиёсий партияларининг институционаллашуви жараёни муайян даражада кечганлигини кўрсак-да, ушбу тузилмаларнинг конституционаллашуви жараёнини кузатмаймиз. Чунки, Асосий қонуни мавжуд бўлмаган мамлакатда сиёсий партиялар фаолиятининг қонуний асослари йўқдек туюлади. Бироқ, Буюк Британия Конституцияси мавжуд бўлмаса ҳам, бир қатор муҳим ҳужжатларда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, 1998 йида қабул қилинган “Сиёсий партияларни рўйхатдан ўтказиш бўйича Акт”

¹ Исаев Б.А. Теория партий и партийных систем / Учебное пособие для студентов вузов. – М.: Аспект Пресс, 2008. – С. 114-115.

² The Federal Election Campaign Act of 1971. United States Congress. URL: <https://www.govinfo.gov/content/pkg/STATUTE-86/pdf/STATUTE-86-Pg3.pdf>

(The Registration of Political Parties Act 1998)¹ ҳамда 2000 йилда қабул қилинган “Сиёсий партиялар, сайловлар ва референдумлар тўғрисида Акт” (The Political Parties, Elections and Referendums Act 2000)² замонавий босқичда Буюк Британия сиёсий партиялари фаолият юритишини тартибга солади.

Юқорида билдирилган фикрларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, сиёсий партиялар фаолиятининг ташкилий жиҳатлари, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари ёки илмий тилда айтганда сиёсий партияларнинг институционаллашуви ва конституционаллашувини ушбу сиёсий тузилмаларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини аниқлаштириш ва қонунийлаштириш жараёни сифатида кўриш лозим. Ушбу жараён бир вақтнинг ўзида давлат ва жамиятда рўй беради ҳамда давлат органларининг сиёсий партияларнинг институционаллашуви бўйича саъй-ҳаракатлари қонунийлигини намоён этади. Шунингдек, сиёсий партияларнинг институционаллашуви олимлар ва мутахассислар тадқиқотларида ёритилади ва омма онгида акс этади.

Сиёсий партияларнинг институционаллашуви ва конституционаллашуви жараёнида давлат ва сиёсий партияларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро бир-бирига боғлиқлиги доимий равишда ўзгариб туради. Ривожланган мамлакатларда ушбу муносабатлар тегишлича шаклланиб, бирмунча тараққий этганлигини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Randall V., Sväsand L. Party Institutionalization in New Democracies. Party Politics, vol. 8, no. 1, 2002. – P. 5-29.
2. Mainwaring, Scott, and Mariano Torcal. Party system institutionalization and party system theory after the third wave of democratization / In Handbook of party politics., eds. Richard S. Katz, William Crotty. – London: Thousand Oaks, 2006. – P. 204-227.
3. Исаев Б.А. Теория партий и партийных систем / Учебное пособие для студентов вузов. – М.: Аспект Пресс, 2008. – С. 112-113.
4. Van Biezen, I. The Constitutional Regulation of Political Parties in Post-War Europe / British Journal of Political Science, January 2012. № 42. – P. 187-212. DOI: 10.1017/S0007123411000263
5. Constitution of the Italian Republic. 1947. Article 49. Senato della Repubblica. URL: https://www.senato.it/documenti/repository/istituzione/costituzione_inglese.pdf
6. Basic Law for the Federal Republic of Germany (Grundgesetz). 1949. Article 21. URL: <https://www.btg-bestellservice.de/pdf/80201000.pdf>
7. Texte intégral de la Constitution du 4 octobre 1958 en vigueur. Article 4. URL: <https://www.conseil-constitutionnel.fr/le-bloc-de-constitutionnalite/texte-integral-de-la-constitution-du-4-octobre-1958-en-vigueur>
8. Исаев Б.А. Теория партий и партийных систем / Учебное пособие для студентов вузов. – М.: Аспект Пресс, 2008. – С. 114-115.
9. The Federal Election Campaign Act of 1971. United States Congress. URL: <https://www.govinfo.gov/content/pkg/STATUTE-86/pdf/STATUTE-86-Pg3.pdf>
10. The Registration of Political Parties Act 1998. Parliament of the United Kingdom. URL: <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/1998/48/contents>
11. The Political Parties, Elections and Referendums Act 2000. Parliament of the United Kingdom. URL: <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/2000/41/contents>

Наируга проф. С.Чориев тавсия этган

¹ The Registration of Political Parties Act 1998. Parliament of the United Kingdom. URL: <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/1998/48/contents>

² The Political Parties, Elections and Referendums Act 2000. Parliament of the United Kingdom. URL: <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/2000/41/contents>

“ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК” – ЎҚУВ ЛУҒАТЧИЛИГИ КЎЗГУСИДА**Баҳриддинова Б.М. (ҚарДУ), Маманазарова М.М. (ЎДЖТУ)**

Аннотация. Мақолада Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари жаҳон ўқув луғатчилигининг илк намуналари бўлган кўп функцияли мумтоз луғатлар каби ўқув лексикографияси нуктаи назаридан тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: *ўқув луғати, мактаб луғати, ўқув луғатчилиги, комплекс ўқув луғат, луғат-грамматика, қомусий ўқув луғат, изоҳли луғат, луғат-дарслик.*

Аннотация. В статье рассматривается работа Махмуда Кошкарки "Словарь Девону тюрк" с точки зрения образовательной лексикографии, такой как многофункциональные классические словари, которые являются первыми образцами мировой образовательной лексики.

Ключевые слова: *учебный словарь, школьный словарь, учебная лексикография, комплексный учебный словарь, учебный энциклопедический словарь.*

Annotation. The article examines the work of Mahmud Koshkari "Devonu dictionary turk" from the point of view of educational lexicography, such as multifunctional classical dictionaries, which are the first examples of World Educational vocabulary.

Key words: *educational dictionary, school dictionary, educational lexicography, comprehensive educational dictionary, educational encyclopedic dictionary.*

XIX аср ўрталарида жаҳоннинг илғор давлатларида она тили ва бошқа хорижий тиллар, хусусан, ўз тасарруфидаги бошқа миллат вакилларига ҳукмрон мафкура тилини тез ва самарали ўргатиш зарурати ҳукуматнинг луғатчилик тараққиётига бениҳоя катта эътибор қаратишига сабаб бўлди. Бу эса Буюк Британия, АҚШ, Россия, Испания, Германия каби давлатларда луғатларнинг таълимий вазифани бажаришга хосланган жанри – ўқув луғатчилигининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кескин тараққий этишига олиб келди. Ўқув лексикографияси лексикографиянинг энг фаол соҳасига айланди. Жаҳон лексикографиясининг ноёб хазинаси сифатида тан олинган кўп функцияли мумтоз луғатларни ўқув луғати кўзгуси остида тадқиқ қилиш анъанаси юзага келди. Ибтидоий мактаблар учун ўқув қўлланма вазифасини ўтаган илк луғат-грамматикаларнинг ўз даврида жамият ва мамлакат тараққиётига қўшган муҳим ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий хизмати ўрганилиб, ушбу вазифани бажара оладиган янги типдаги мактаб луғатини яратишга катта эътибор қаратилди. Шу тариқа луғатнинг антик вазифаси “тирилтирилди”, луғат таълимнинг зарурий воситаси қаторига киритилди, тилшунослик деган фан ўзининг илк вазифаси, яъни тилдан амалий фойдаланиш кўникмасини ўстириш учун хизмат қилиш вазифасига қайтарилди; барча умумий луғат аслида ўқув луғатидан келиб чиққанлиги илмий асосланди.

Хўш, туркий луғатчилик, хусусан, ўзбек луғатчилиги илдизлари қайси даврга бориб тақалади? Жаҳон тилшунослигида бўлгани каби илк туркий луғатларни ҳам ўқув луғати нуктаи назаридан талқин қилиш мумкинми?

Жаҳоннинг илғор лексикографик анъаналари, қолаверса, мазкур лексикографик нашрнинг мураккаб табиати, кўпқирралилиги (ҳам изоҳли, ҳам таржима, ҳам энциклопедик, ҳам грамматик характерга эгалиги билан замонавий луғатдан фарқланиши), тил лексик қатламини ўрганиш билан бирга унинг грамматик қурилишига доир маълумотларни ҳам қамраб олгани, фойдаланувчисининг аниқлиги, асосан, ҳукуматнинг махсус буюртмаси билан яратилгани ва бошқа сабаблар ўзбек лексикографиясининг X-XVII асрлар оралиғида яратилган айрим нодир намуналарини ҳам ўқув луғати нуктаи назаридан ўрганиш лозимлигини тақозо этмоқда. Ушбу мақолада туркий тилда яратилган илк луғат намуналарининг ўқув луғатчилиги мезонларига қай даражада мос келиши Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари мисолида асосланади.

Луғатчиликнинг пайдо бўлиши маълум даражада тараққий этган маданий, ижтимоий муҳитни тақозо этади. Манбаларда келтирилишича, XI аср ўрталарида феодал кучлар ўртасидаги курашлар натижасида халифалик кучсизлашади ва бир қанча кичик бўлақларга

бўлиниб кетади. Бу даврда араб тилидан бошқа тилларга ҳам эътибор кучаяди. Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, қорахонийлар давлатида халқнинг миллий онги ривожланиши ва ўсиши асосида илм-фан ва адабиёт ҳам раванқ топади. Марказий Осиёда Уйғониш даври бошланади. Шу даврдан бошлаб ўзбек тилининг бошқа туркий тиллардан алоҳида тил сифатида ажралиб чиқиши тезлашади. Бу эса туркий тилли аҳолига араб тилини, араб амалдорлари, халифаларига туркий тилларни тезкор ўргатадиган луғатларга бўлган эҳтиёжни кучайтиради. (1; 2) Маҳмуд Кошғарийнинг хошимийлар сулоласининг аббосийлар авлодидан бўлган Абулқосим Абдуллоҳ бинни Муҳаммадил Муқтадога бағишланган туркийшунослик, хусусан, ўзбек тилшунослиги тарихини бошлаб берган “Девону луғотит турк” асари ҳам даврнинг айнан шу талабларини қондириш мақсадида дунёга келди.

Маҳмуд ибн Хусайн ибн Муҳаммад XI асрда яшаб ўтган буюк Шарқ мутафаккири, қиёсий-тарихий тилшуносликнинг отаси, туркология фани, туркий тиллар сарф ва нахв илмининг асосчиси, лексикограф, лингвогеограф, бой мероси билан жаҳон фани таракқиётига жиддий таъсир кўрсатган қомусий олим. У ўз асарини давр мафкураси талабларига мувофиқ ёзади. Муаллиф асар муқаддимасидаёқ *анъанавий Тангрига ҳамд, Муҳаммад (с.а.в.)га саловотдан сўнг: “Аллоҳ таоло салтанат қуёшини турклар буржигига кўтарди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни турк деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг хоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлини(нг ихтиёр жиловини) шулар қўлига топширди, халққа бош қилди, уларни тўғри йўлга юришга қодир этди”* (3; 21), дея ўз мақсадини айтиб қўя қолади. Асарнинг бешинчи бўлимида қорахонийлар давридаги давлат тили хоқонийлар тили (адабий тил) бўлганлиги, унинг ўзига хос фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларини ёритиш, меъёрларини белгилаш “Девон” тузиш учун асос бўлганлигини қайд қилади (4; 15).

Маҳмуд Кошғарий туркий тилларнинг бошқа тиллардан қолишмайдиган жозибасини нозик тарзда очиб берди, унинг мавқеи, мақомини кўтариш масаласида бор маҳоратини кўрсатди. Бу даврда уни “араб тили билан икки улоқчи отдек тенг пойга қилиб ўзиб бораётган” (таъкид бизники – Б.Б.) тил эканини айтиш, уни ўрганишни вожиб амалга киритиш, албатта, муаллифдан катта жасоратни талаб қиларди. Кошғарий ўз қарорларининг тўғрилигини исботлаш учун “ишончли бир бухоролик ва яна нишопурлик бошқа олимдан шундай бир хабар эшитган эдимки, улар бу сўзни пайғамбар (с.а.в.)га нисбат бериб айтган эдилар: ... “турк тил (лисон)ини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этади. Ҳадиснинг саҳиҳ ёки саҳиҳ эмаслигининг жавобгарлиги айтган кишилар гарданига. Агар тўғри бўлса, турк тилини ўрганиш вожиб (зарур)дир” – деган далилни келтиради ва ўз фикрини давом эттириб бу масалада қатъий хулоса қилади: “ҳадис тўғри бўлмаган тақдирда ҳам, уни ўрганиш зарурлигини ақл тақозо қилади” (3; 21-22).

Муаллиф ўзи айтганидек, бу асари билан туркий тилга “адабий ёдгорлик” (3; 22) ўрнатади. Асар муқаддима ва луғат қисмидан иборат бўлиб, муқаддимада муаллиф “Девон”нинг яратилиш сабаби, ўз иш услуби, қурилиши, “туркча сўзларнинг тузилишида қўлланиладиган ҳарфлар ҳақида”, “сўзларнинг тузилиши ҳақида”, “китобда айтилган ва айтилмаган нарсалар ҳақида”, “турк табақалари ва қабилаларининг баёни ҳақида”, “турк тилининг хусусиятлари ҳақида”, “тилда ва лаҳжаларда бўлган фарқлар ҳақида” фикр юритади.

Асосий қисмда тўққиз мингга яқин сўз ва бирикма саккиз бўлимда изоҳланади. Ўша даврдаги таомилга кўра, туркий сўзларга арабча изоҳ берилади. Ушбу луғат дастлабки икки тилли – туркча-арабча изоҳли луғат бўлиб, унинг яратилишига ҳам аслида аксарият антик луғатлар каби даврнинг етакчи тили, мусулмон оламининг асосий расмий тили бўлган араб тилини ўргатиш эҳтиёжи сабаб бўлган. “Девон”да 2717 туркий сўз араб тилида изоҳлаб берилган.

Тўғри, антик луғат-дарсликлар каби “Девону луғотит турк”нинг таълимнинг бирор босқичи учун мўлжаллангани, ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони карим”га оид тушунчалар изоҳига бағишлангани, мадраса ёки мактабларда тўғридан-тўғри ўқув қўлланма вазифасини бажаргани хусусида маълумотлар учрамайди, бироқ унинг фойдаланувчиси

(адресат) аниқ: луғат турк тилини билмайдиган араблар ва араб тилини билмайдиган турклар учун ёзилган; асосида тил ўргатиш мақсади ётган; фақат сўз ва уларнинг маъноларини тавсифлаб қолмасдан грамматик маълумотлар ҳам берилган. Айрим ўринларда изоҳда келтирилган фикрларни асослаш учун халқ оғзаки ижоди намуналаридан парча келтирилган. Масалан:

јашдї – яширинди. *Ол мэнї көрүб јашдї* – у мени кўриб яширинди.

Мақолда шундай келган: *Тэвәј мүнүб қој ара јашмас*. Туя минган одам кўйлар орасида яширинмайди.

јүшдї – оқизди. *Ол бэкнї јүшдї* – у бўзани қумғон жўмрагидан оқизди. Бўза буғдой, арпа, тарикдан қилинган ичимлик.

јағдї – ёғди. *Јағмур јағдї*.

Мақолда шундай келган: *Қутлуғқа қоша јазар* Бахтли одамга давлат қўша-қўша келади. (5, 43)

Қолаверса, асарнинг фойдаланувчилар учун қулай бўлиши диққат марказда тургани асарда муаллиф томонидан бот-бот таъкидланган: “Мен бу китобни махсус алифбо тартибида (туздим), ҳикматли сўз, сажъ, мақол, кўшиқ, ражаз ва наср деб номланган адабий парчалар билан безадим. Қаттиқ жойларини юмшатдим, қийин ва қоронғу жойларини ёритдим. Бу иш устида сўзларни ўз жойига қўйиш, керакли сўзларни осонлик билан топиш учун бир неча йиллар машаққат тортдим. Ниҳоят, керакли сўзларни ўз жойида кўзлайдиган, қийинчиликсиз топа оладиган бир ҳолга келтирдим”. (5; 23)

Луғатнинг ўқув лексикографияси мезонларига нақадар мос келиши ҳатто жаҳон ўқув лексикографиясида камдан-кам кузатиладиган тарзда муаллиф тилидан айтилган кўплаб фикрларда ўз тасдиғини топади: “*Ҳар бир бўлимни исм ва феъллар тарзида икки қисмга ажратиб бердим. Исмни олдин, феълни эса исмдан кейин ўз сирасига қараб, бобларга ажратиб, ўз ўрнида олдинма-кетин кўрсатдим. Тушунлиши осон бўлиши учун асарда арабча истилоҳлар (термин) қўладим. Китобни тузиш олдидан менда Халил (ибн Аҳмад)нинг “Китобу-л-айн” асарида тутган тартибни қўлаш, истеъмолдан чиққан сўзни ҳам бера бориш фикри тузилган эди. Бу тартиб араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойгада ўзиб бораётган турк тилини тўғри ёритиш жиҳатидан ҳам яхши эди. Лекин мен ўқувчиларнинг фойдаланиши масаласига асосландим. Мен истеъмолдаги сўзларнигина бердим, истеъмолдан чиққанларини ташладим. Мен тутган тартиб тўғрироқ”; (3; 23-24) “Қисқартиши ва энгиллатиши мақсадида бу асарни менадан олдин ҳеч ким тузмаган ва ҳеч кимга маълум бўлмаган алоҳида бир тартибда туздим. Бу ишда мен асарнинг қийматини ошириши, бошқаларга (фойдаланувчиларга) эса осонлик туғдириши мақсадида, пухта қўлланма бўлсин деб, ҳар бир қабиланинг ўзига хос хусусиятларига кўра қиёсий қоидалар туздим”. (3; 24-25)*

Бир сўзнинг турли туркий тилларда қўлланиши, ҳатто диалектал вариантлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Луғат бу билан ўз даврида тиллар ва маданиятлараро алоқани таъминлаш вазифасини ҳам бажаради.

“Девон”да Маҳмуд Кошғарий тилнинг истеъмолда, жонли сўзлашувда бор сўзларини изоҳлаш билан бир қаторда, ҳар бир туркий қабиланинг ўзига хос хусусиятини бериш учун алоҳида йўл танлайди. Бу ҳақда шундай дейди: “... мен ҳар бир қабиллага мансуб сўзларнинг ясаши хусусиятларини ва қандай қўлланишини қисқача кўрсатиши учун алоҳида йўл тутдим. Бу ишда мисол тариқасида туркларнинг тилида қўлланиб келган шеърларидан, шодлик ва мотам кунларида айтиладиган ҳикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим”. (3; 25)

Маҳмуд Кошғарий “Девон”да сўз яшашнинг ҳозирги тилшуносликда қўлланилаётган уч узвли сўз ясашиш тузилиши ҳақида маълумот беради. У сўз ясашга асос, ясовчи восита ва ясалма ҳақида фикр юритади. Жумладан, отларнинг ясашиши ҳақида маълумот берар экан, феълдан (ясашга асос) ўн икки ҳарф (ясовчи восита) воситасида от (ясалма) ҳосил бўлишини таъкидлайди. От ясовчи кўшимча атамаси ўрнига ҳарф атамасини қўллайди. Феълдан от ясовчи кўшимчалар сифатида *-а(-га, -ма)*: билга “билимдон, ақли” (билди

сўзидан), *ува* “таом” (увди “майдалади” сўзидан), *кесма* “кокил” (кесди феълидан; кўзни беркитмаслик учун сочни кесиладиган жойи ҳам кесма дейилиши таъкидланади). (6; 67)

Маҳмуд Кошғарий четдан қабул қилинган сўзларга икки хил муносабатда бўлади, яъни предмет ва тушунча билан боғлиқ равишда кириб келган сўзларга ижобий қарайди. Тилда мавжуд бўлган сўзлар ўрнида бошқа тилдан олинган сўзни қўллашга салбий қарайди ва бу ҳолатни зарарли, манфий ҳолат деб билади. Бунга кўра *билге*, *битик*, *урагут* каби туркча сўзлар ўрнида арабча *олим*, *китоб*, *аёл* сўзларини қўлламаслик керак.

Шунингдек, асарда туркий тиллар фонетикаси, хусусан, унли ва ундош товушлар, уларнинг характеристикаси, товуш алмашилиши қонуниятлари ҳақида ҳам ўринли фикрлар баён қилинади.

“Девон”да туркий тиллар морфологияси ҳақида ҳам маълумот учрайди. Унда сўз туркуми ва сўз ясовчи шакллар ўз даври анъаналарига хос тарзда ёритилади. Сўзларни 3 та катта гуруҳ – от, феъл, ёрдамчи сўзга бўлади.

Маҳмуд Кошғарий ўз олдига қўйган мақсадига тўла эришади: “янгиликлар беришда қиёмига, қиймат ва муҳимликда поёнига етган” (3; 25) мукамал ўқитиш воситасини яратди. У бу билан барча тилшуносликларда кузатилгани каби соф амалий мақсад – тил ўргатиш мақсади – луғатчилик негизида туркий (ўзбек) тилшуносликнинг шаклланишига асос солди. “Девону луғотит турк” ўз даврида туркий халқларнинг тилшунослиги ҳамда маданиятига улкан ҳисса қўшган илк комплекс ўқув луғати эди.

Бундай хулосага келишимизга қуйидагилар асос вазифасини ўтайди:

Биринчидан, асар, маълумки, туркий луғатчиликнинг илк намунаси сифатида тан олинади. Бироқ у анъанавий луғатлардан тубдан фарқ қилади. Ҳатто унинг луғат эканига иккиланишлар учрайди. Профессор А.Нурмонов А.М.Шчербакнинг “Грамматический очерк языка тюркских текстов X-XIII вв. из Восточного Туркестана” (1961) китобида асар ҳақида келтирилган: “Девон”нинг луғат деб аталиши унинг асл мазмунига унча мос келмайди. Бунда туркий тиллар грамматикасидан жуда кенг маълумотлар бор... Яна унда туркий тиллар лексикаси, фонетикасига доир кенг маълумотлар, қабилаларнинг жойлашиш хусусиятлари, географик ва бошқа хил маълумотлар мавжуд” деган фикрига диққатини қаратади. (6; 68) “Девону луғотит турк”нинг 2016 йилдаги ўзбекча нашрига профессор Ҳ.Болтабоев томонидан ёзилган “Илми адаб ибтидоси” деб номланган сўз бошида: “Маҳмуд Кошғарий асарини биргина изоҳли луғат ёки филология илмига дохил манба деб қараш камлик қилиши”га (3; 12) ишора қилинади. Тилшунос Ҳ.Дадабоев эса “Девону луғотит турк”, гарчи, луғат деб номланса-да, бироқ унда қорахонийлар даври эски туркий тилининг ўзига хос хусусиятлари яхши таҳлил қилинган” (7; 15), дейди.

Шунингдек, унга нисбатан “*илк қомусий луғат*” (“...фақат тилшунослик асари бўлиб қолмасдан ўз даврининг энциклопедияси ҳамдир” (8; 37; 9; 10); “У қорахонийлар давридаги бутун туркларнинг иқтисодий, маданий, илм-фан соҳасидаги муваффақиятини, давлат юритиш тадбирларини, фалсафий-иқтисодий қарашларини, урф-одатларини бой тил материали орқали таништирадиган мукамал қомусдир” (6; 68; 22); “Девону луғотит турк” – қомусий асар. Ундан ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳасига оид сўзларни топиш мумкин” (11; 89-95), “*илк изоҳли луғат*” (“Маҳмуд Кошғарий лексикография соҳасида дунё тилшунослигида юксак чўккига кўтарилди. XI асрдаёқ туркий сўзларнинг изоҳли луғатини яратди” (6; 69); “туркий-арабий изоҳли луғат” (11; 89-95), “*илк таржима луғати*” (“Маҳмуд Кошғарий эса туркий тилнинг таржима ва айни пайтда, изоҳли луғатини тузди” (6; 68), “*илк туркий грамматика*” (“Ўз даври адабий ва умумхалқ тилининг бутун бир кўринишини акс эттирган, қонун-қоидаларини маълум қолипга туширган илмий тадқиқот асари” (11; 89-95); “X-XI аср туркий тиллар морфологияси ҳақида тўла тасаввур берувчи илмий асар” (6; 66); “туркшуносликнинг дастлабки илмий асари” (11; 89-95), “*илк универсал луғат*” (“туркий халқлар тарихидаги диалектологик, изоҳли, этнографик, тарихий-этимологик ва бошқа хил луғатларнинг барча унсурларини қамраб олувчи дастлабки универсал луғат” (12; 136) каби фикрлар хилма-хиллигининг кузатилиши ҳам манбага янгича ёндашувни тақозо қилади.

Иккинчидан, луғатнинг асосида тил ўргатиш мақсади ётган. Яъни у дастлабки икки тилли – туркча-арабча таржима луғати, яратилишига ҳам аслида аксарият антик луғатлар каби даврнинг етакчи тили, мусулмон оламининг асосий расмий тили бўлган араб тилини ўргатиш эҳтиёжи сабаб бўлган. Ўз даврида тиллар ва маданиятлараро алоқани таъминлаш вазифасини бажарган.

Учинчидан, луғатнинг фойдаланувчиси (адресати) аниқ. У турк тилини билмайдиган араблар ва араб тилини билмайдиган турклар учун ёзилган.

Тўртинчидан, аксарият антик ўқув луғатлари сингари унда сўз ва бирикмаларнинг маънолари шунчаки тавсифланмай, “ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, кўшиқлар, ражаз ва наср деб номланган адабий парчалар билан” безалган. Қолаверса, турли қabila ва халқлар тарихи, ижтимоий ҳаёти, урф-одатлари, кадриятларига доир бой маълумотлар ҳам келтирилган. Бу эса унинг ўқув луғатларининг энг асосий белгиларидан бири – *антропоцентрик, лингвомаданий хусусиятини ҳам ўзида жамлаганлигидан* дарак беради.

Бешинчидан, асар давр мафқураси талабига жавоб беради. У мусулмон оламининг расмий тили араб тили манфаатини ҳам, қорахонийлар давлатининг расмий тили – туркий тил манфаатини ҳам қониқтиради.

Олтинчидан, ўқув луғатига хос энг муҳим вазифа *адабий тил меъёрини белгилаш* вазифасини бажаради. Зеро, муаллиф ўзи таъкидлаб ўтганидек, хоқонийлар тили – адабий тилнинг ўзига хос фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларини ёритиш, қодаларини белгилаш эҳтиёжи “Девон”ни тузиш учун асос бўлган. Унда сўзларнинг ёзилиши, талаффузи, этимологияси билан боғлиқ дастлабки маълумотлар ҳам учрайди.

Еттинчидан, “Девону луғотит турк” – жаҳон луғат хазинасидаги классик луғатлар каби қўп вазифали, қўп аспектли луғат. Шу билан бирга, ўқув луғатларининг замонавий авлоди – *комплекс луғатлар* талабини ҳам қониқтира олади. У бир пайтда ҳам изоҳли луғат, ҳам таржима луғати, ҳам этимологик луғат, ҳам имло луғати, ҳам энциклопедик луғат, шунингдек, туркий халқлар тиллари тарихини ўрганиш, уларни қиёсан таҳлил қилиш учун ҳам муҳим манба.

Саккизинчидан, асарни яратишда ўқув луғатини характерлайдиган энг муҳим белгилардан бири *фойдаланувчилар учун қулай бўлиши* муаллифнинг диққат марказида туради ва у бунга қайта-қайта урғу беради: “... керакли сўзларни ўз жойида қўллайдиган, қийинчиликсиз топа оладиган бир ҳолга келтирдим”, “Тушунилиши осон бўлиши учун асарда арабча истилоҳлар (термин) қўлладим”, “...мен ўқувчиларнинг фойдаланиш масаласига асосландим”, “Қисқартиш ва енгиллатиш мақсадида бу асарни мендан олдин ҳеч ким тузмаган ва ҳеч кимга маълум бўлмаган алоҳида бир тартибда туздим. Бу ишда мен асарнинг қийматини ошириш, бошқаларга (фойдаланувчиларга) эса осонлик туғдириш мақсадида, пухта қўлланма бўлсин деб, ҳар бир қабиланинг ўзига хос хусусиятларига кўра қиёсий қодалар туздим...” (3; 22-25)

Тўққизинчидан, ўқув луғатининг яна бир характерли белгиси унинг луғат билан ишлашга доир *ўқув-методик қурилмага эғалиги*. “Девон”нинг муқаддима қисми, умуман олганда, бу вазифани бажара олади. Сабаби унда муаллиф ўз олдига қўйган мақсади, луғатнинг тузилиши, иш услуби ҳақида қисқача тушунтириш беради: “Мен ҳар бир қабиллага мансуб сўзларни ясаиш хусусиятларини ва қандай қўлланишини қисқача изоҳлаб кўрсатиш учун алоҳида йўл тутдим”, “Ҳар бир бўлимни отлар (исмлар) ва феъллар тарзида икки қисмга ажратиб бердим. Отларни олдин, феълларни эса отлардан кейин ўз сирасига қараб, бобларга ажратиб, ўз ўрнида олдинма-кетин кўрсатдим”, “Мен истеъмолдаги сўзларнигина бердим, истеъмолдан чиққанларини ташладим. Мен тутган тартиб тўғрироқдир”. (3; 24)

Ўнинчидан, антик ўқув луғати намуналари каби даврнинг таниқли шахслари, ҳокимият арбобларининг шахсий буюртмасига кўра яратилган.

Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатларида лексикографиянинг ўқув луғатчилиги тармоғи кескин тараккий этган бўлиб, сўнгги тадқиқотлар ўқув луғатчилиги умумий луғатчиликдан олдин пайдо бўлгани, унинг илдиэлари милоддан аввалги тўрт мингинчи йилликларга бориб тақалиши, илк луғатлар аслида ўқув луғати

сифатида яратилганини тасдиқлади. Мақолада туркий тилда яратилган илк тилшунослик манбалари, хусусан, лексикографик нашрларнинг ҳам аслида таълимий мақсадда яратилгани, туркий луғатчилик ўқув луғатлари билан бошланганини асослаш мақсад қилиб олинган.

Жаҳон лексикографиясида ўқув луғатининг тан олинган классик намуналари сингари Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ҳам юқорида келтирилган *барча хусусиятлари* – даврнинг ижтимоий-сиёсий буюртмасига кўра яратилгани, асосида тил ўргатиш мақсади ётгани, кўпфункционали – ҳам изоҳли, ҳам таржима, ҳам энциклопедик, ҳам грамматик характерга эгаллиги билан замонавий комплекс ўқув луғатларни эслатиши, тил лексик қатламини ўрганиш билан бирга унинг грамматик қурилишига доир маълумотларни ҳам қамраб олгани, ўз даврида тиллар ва маданиятлараро алоқани таъминлаш вазифасини бажаргани, фойдаланувчиси (адресати) аниқлиги, адабий тил меъёрларини белгилаш вазифасини бажаргани *билан ўқув луғати мезонларига тўла жавоб бера олади. Туркий тилларнинг ушбу нодир асарига барча луғатларнинг илк авлоди деб талқин этилаётган ўқув луғати сифатида қараши унинг мақомини янада оширади, туркий тилдаги илк луғат-грамматика эканини далиллайди.*

Ўзбек (туркий) луғатчилигининг илк намуналари, хусусан, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк асари, аввало, мафкура манфаатига хизмат қилиш, ислом оламининг муқаддас китоби битилган ёзув – араб тилини ёйиш, қолаверса, адабий тилни меъёрлаштириш, тиллараро ва маданиятлараро алоқани таъминлаш вазифасини бажарадиган луғат ва дарслик ўртасидаги оралик ўқув воситаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий. (Ҳаёти ва географик мероси). Масъул муҳаррир С.Муталлибов. 1963. –Тошкент, – 285 б.
2. Xudoyberdiyev J. Mahmud Koshg'ariy hayoti va "Devoni lug'otit turk" bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. Mas'ul muharrir N.Dadaboyev. 2011. – Тошкент: Akademnashr, – 160 б.
3. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. (3 жилдлик) 1-жилд. Тарж. С.Муталлибов. 2016. –Тошкент: MUMTOZ SO'Z, – 388 б.
4. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. (3 жилдлик) 2-жилд. Тарж. С.Муталлибов. 2016. –Тошкент: MUMTOZ SO'Z, – 388 б.
5. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. (3 жилдлик) 3-жилд. Тарж. С.Муталлибов. 2016. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, – 308 б.
6. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи: Олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультетларининг талабалари учун ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: А. Рустамов. 2002. – Тошкент: Ўзбекистон, – 232 б.
7. Дадабоев Ҳ.А. Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси. Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: 2016., – Б. 15.
8. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. 1995. – Тошкент, – 337 б.
9. Köprülü F. Divanı Lügati-t-Türk // Türk Dili ve Edebiyatı hakkında araştırmalar. 1934. – Istanbul, – S. 33-34.
10. Akalın Şükrü Halûk. Kâşgarlı Mahmud ve Divanı Lügati't-Türk. 2008. – Ankara, Türk Dil Kurumu Yayınları.
11. Алиев А., Қ.Содиқов. Ўзбек адабий тили тарихидан. 1994. – Тошкент, – 234 б.
12. Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. Тўплам. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 384 б.

QASHQADARYO QIPCHOQ SHEVASI FRAZELOGIZMLARI SINONIMIYASI

Islomova Sh.X. (TDO‘TAU)

Annotatsiya. Maqolada Qashqadaryo qipchoq shevalari frazeologizmlari sinonimiyasi, to‘liq va ma‘noviy frazeologik sinonimlar, ularning o‘ziga xos xususiyatlari, sinonim iboralarning ma‘no jihatdan farqli belgilari haqida fikr yuritiladi.

Tayanch so‘zlar: *Qashqadaryo, qipchoq shevasi, frazeologizm, sinonimiya, to‘liq sinonim, ma‘noviy sinonim.*

Аннотация. В статье рассматриваются синонимия фразеологизмов кипчакских говоров Кашкадарья, полные и содержательные фразеологические синонимы, их специфические особенности, а также семантически разные признаки синонимичных словосочетаний.

Ключевые слова: *Кашкадарья, кипчакский диалект, фразеологизм, синонимия, полный синоним, духовный синоним.*

Annotation: The article discusses the synonymy of phraseologies of Kashkadarya Kipchak dialects, complete and expressive phraseological synonyms, their peculiarities.

Keywords: *Kashkadarya, kipchak dialect, phrase, synonym, full synonym, expressive synonym.*

Har qanday tilning o'ziga xos leksik tarkibi va uning boyligini iboralarsiz tasavvur qilish mushkul. Muayyan tilning leksik boyligi o'sha tilning iboralari bilan baholanishi ham bejiz emas. "Nutqimiz ko'rki, tilimizning bebaho boyligi bo'lgan iboralar ham so'z singari tilda lug'aviy va xalqning ijodiy boyligi sanaladi"¹. Qaysi tilda sinonimlar, iboralar ko'p bo'lsa, o'sha tilning ifoda imkoniyatlari keng va boy hisoblanadi. Til birliklarining birlashtiruvchi ma'nosi sinonimiyani keltirib chiqaruvchi muhim omildir. Sinonimlik hodisasi lug'at tarkibining alohida, o'ziga xos xususiyatlari bilan ajralib turuvchi birligi – frazeologizmlarda ham kuzatiladi. Frazeologik sinonimiya hodisasi ko'plab olimlarning diqqatini o'ziga tortgan, deyarli barcha tilshunoslikda o'rganilgan. O'zbek tilshunosligida frazeologik birliklar sinonimiyasi masalasi tadqiqi professor Shavkat Rahmatullayevning "O'zbek frazeologiyasining ba'zi masalalari" nomli monografiyasida ham o'z aksini topgan. Olimning "frazeologik sinonimiya uchun umumiy va eng muhim mezon – bu semantik mezondir. Har bir sinonimik uyadagi frazeologik birliklar obyektiv borliqdagi bir xil tushunchalarni anglatishi kerak va shu bilan birgalikda, bir xil ma'noni anglatishi shart"², degan fikri har jihatdan asoslidir.

Sinonimiya bilan bog'liq masalalar talqinini umumxalq tili asosida kuzatishga harakat qilamiz. O'ziga xos ma'no va xususiyatlarga ega iboralar Qashqadaryo qipchoq shevasi leksikasida ham keng o'rinni egallaydi. Sheva vakillari nutqini iboralarsiz tasavvur qilish mushkul. Sheva vakillari nutqida har bir gap tarkibida ibora qatnashgan, balki butun iboradan tashkil topgan gapni ham kuzatishimiz mumkin. Masalan, Tong oqargandan to qosh qorayguncha qora mehnatdan chiqmaydi. (Jonli so'zlashuv nutqidani)

Qashqadaryo qipchoq shevasiga xos bo'lgan iboralarning o'zaro sinonimligi frazeologizmlar ham talaygina. Bitta sinonimiya uyasiga o'nga yaqin frazeologik sinonim birlashish holatlari ham kuzatiladi. Jumladan, "xursand bo'lmoq" ma'nosini ifodalovchi jo'li bo'lmoq, og'zi kalning og'ziday, port bo'lib qolmoq, dimog'i chog' bo'lmoq, og'zi kalishdek ochilib qolmoq, ko'zi yonib ketmoq, yorilgudek bo'lib qolmoq, tishining oqini ko'rsatmoq, yuragi toshmoq kabilar.

Ushbu sheva leksikasidagi bovir bosmoq va hirs qo'ymoq iboralari o'zaro sinonim bo'lib, "biror narsa-buyumga alohida, juda kuchli mehr qo'ymoq" ma'nosini anglatadi. Ko'rasi ko'rmagan va insobini it jegan iboralari ham bir sinonimik uyaga mansub bo'lib, "ochko'z, nafsi buzuq" ma'nosida qo'llaniladi.

Frazeologik sinonimlar qatoriga kiruvchi iboralarning ba'zilari teng ma'noga ega bo'lib, birini ikkinchisining o'rnida erkin qo'llash mumkin bo'ladi, ammo ba'zi sinonim iboralar ma'nolarida farq sezilib turadi. Shu jihatiga ko'ra frazeologik sinonimlarni leksik sinonimlardagi kabi ikki guruhga ajratish lozim:

- 1) to'liq frazeologik sinonimlar;
- 2) ma'noviy frazeologik sinonimlar.

To'liq frazeologik sinonimlar – ma'nosida va ishlatilishida bir-biridan farq qilmaydi. Tosh otmoq hamda loy chaplamoq to'liq sinonim iboralari "yomonlamoq, qoralamoq" ma'nolarini bildirsa, chap gapirmoq va jerkib olmoq (jerkib tashlamoq) iboralari "xushlamalik, salbiy munosabatda bo'lmoq" ma'nosini anglatadi. Keltirilgan to'liq sinonim iboralarning birini ikkinchisining o'rnida ishlatish mumkin, ya'ni gap mazmunida hech qanday o'zgarish kuzatilmaydi.

¹ Маматов А., Болтаева Б. Фраzeологик birliklarнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. – Тошкент, 2018. – Б. 15.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1966. – Б. 264.

To'liq frazeologizm sinonimlar sifatida quyidalarni qayd qilish mumkin: jo'li bo'ldi – dimog'i chog' bo'ldi, og'zi polvon – gapi ko'p, moyli joy – qahli-qo'qimli, opoq-chapoq – et bilan tirnoq, ko'rasi ko'rmagan – insobini it jegan, ko'zi och – nafsi otning kallasiday, oyog'ini qo'liga olmoq – oyog'i olti, qo'li etti bo'lmoq, o'pkangni bos – halingni boq, beliga tepdi – ustiga ot haydadi, ovzinga tosh – nafasingni shamol uchirsin, joniga jol bo'lmoq – jetmasiga jeng bo'lmoq, mordonglab qolmoq – ko'chaga sig'may qolmoq, tanqillatib qo'ymoq – santday qilmoq, port bo'lib qolmoq – portalasi chiqmoq, ko'kayi kesilmoq – oyog'idan osilmoq, ko'zi uchib turmoq – pishirib qo'ymoq, soluvi bor – it irisqi, ko'z tegmoq – jag'i urmoq, sinidan xo'kiz qo'rqadi – damiga osh pishadi, o'zini o'qqa cho'qqa urmoq – o'lib tirilmoq, talabi toyday – labi uchmoq, xo'roz qichqirmasdan – tong oqarmasdan, tulibini chilqillatmoq – charvisini eritmoq, ega bo'lmasa nega – o'zi yo'qning ko'zi yo'q, qo'lini yuvmoq – ichi yaxlamoq kabilar.

2. Ma'noviy frazeologik sinonimlar – bir-biridan ma'no ottenkalariga ko'ra farq qiladi. Ichida gap yotmaydigan – og'zi bo'sh iboralari: “eshitgan, guvohi bo'lgan xabar, voqea-hodisani tezda bironvga etkazadigan, sir saqlay olmaydigan”, degan bitta umumiy ma'noni anglatadi. 1. U ichida gap yotmaydigan ayol edi, shu sababli u o'zi oldin guvohi bo'lgan voqeani kingadir tezroq aytib yorilgisi kelardi [N.Eshonqul, 2008: 41]. 2. Do'xtir xalqi og'zi bo'sh bo'ladi. Bironvga aytib qo'yadi. [T.Murod, 2020: 89]. Keltirilgan nutq tarkibidagi sinonim iboralar bitta umumiy ma'noga ega bo'lsa-da, nozik ma'noviy farq mavjudligi sezilib turadi. Ichida gap yotmaydi iborasida “bilgan, eshitganlarini darhol boshqalarga etkazadigan” ma'no, og'zi bo'sh iborasida esa “sir saqlay olmaydigan” ma'no etakchilik qiladi. Demak, sinonim iboralarning ma'no ottenkalarida farq mavjudligi gap uslubiy mazmunida ham aks etsa, ma'noviy frazeologik sinonimlikni vujudga keltiradi. Bunday iboralar sifatida quyidagilarni qayd qilish lozim: kallasi qizimoq – qoni qaynamoq, ko'r bo'lmoq – beshbattar bo'lmoq, jo'niga jurmaslik – bosh bermaslik, havsalasi pir bo'lmoq – barmog'ining uchigacha yaxlamoq, kun ko'rmoq – manglayi yaraqlamoq, peshonaning kayfiyati yo'q – qobog'idan qor yog'moq, tinka-madori qurigan – indiyini urib ketgan, kel-keli kelmoq – toshi o'rga yumalamoq singari.

O'zbek tili frazeologizmlarining lisoniy xususiyatlarini atroflicha tadqiq qilgan Sh.Rahmatullayevning quyidagi fikrlari ularning adabiy til, umumxalq tili qatlamidagi tadqiqi uchun metodologik asos bo'lib xizmat qiladi: “Har bir frazeologik sinonimga to'g'ri va to'liq xarakteristika berish uchun uni sinonimiya uyasi ichida olib, boshqa sinonimlari bilan qiyoslab o'rganish zarur. Bunda sinonimlar turli-tuman nuqtalardan tekshiriladi, ular orasidagi o'xshashlik ham, farqlar ham ta'kidlanadi. Sinonimlar orasida farqlar qancha oz bo'lsa, ularni nutqda bir-birining o'rnida ishlatishga imkoniyat ortadi va aksincha bo'lsa, bunday imkoniyat kamayadi. Qay darajada bo'lmasin, sinonimlarni o'zaro almashtirishga yo'l qo'yuvchi kontekst mavjud bo'ladi. Bunday almashtirish jarayonida nimadir yo'qotiladi, nimagadir ega bo'linadi. Xuddi ana shu “nimalardir” sinonim iboralarning har biriga tilda yashash huquqini beradi”¹.

Ichini it tirnamoq, o'zini o'zi eb qo'ymoq, o'z yog'iga o'zi qovrilmoq, ko'ksini kuydirmoq iboralari ruhan “o'zini-o'zi ruhiy jihatdan azoblamoq” ma'nosini anglatuvchi sinonim iboralar sanaladi. Birinchi, ikkinchi va uchinchi iboralar to'liq frazeologik sinonimlar hisoblanib, har uchala ibora semantikasida ham bo'lib o'tgan voqeadan so'ng, shu voqea ta'sirida “o'zini-o'zi azoblamoq” ma'nosi yotadi va ko'ksini kuydirmoq iborasi bilan ma'noviy sinonimlikni hosil qiladi. Ko'ksini kuydirmoq iborasi orqali muayyan voqeadan to'g'ridan-to'g'ri, shu paytning o'zida ta'sirlanish ma'nosi anglashiladi.

Ko'z tashlab olmoq, ko'z uchida qaramoq, ko'zini tikmoq iboralari ma'no munosabatiga ko'ra o'zaro sinonim iboralar hisoblanadi. Ushbu keltirilgan bir sinonimik qatorga mansub barcha iboralarning ma'no sathida “qaramoq” ma'nosi mavjud. Sinonim iboralarning bunday ketma-ketligi ma'no kuchining ortiq-kamlik xususiyati asosida hosil qilingan ketma-ketlikdir. Bu singari tizimiy qator asosida darajalanish munosabati vujudga keladi. Adabiyotshunoslik nuqtayi nazaridan darajalanishga aloqador hodisa sifatida qaraluvchi gradatsiya asosida leksik yoki frazeologik birlik ma'nosidagi ortiq-kamlik, kuchli-kuchsiz belgi turishi ma'lum. “Gradatsiya”

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 1966. – Б. 131.

(kuchaytirish) bu ifodalilikni birin-ketin kuchaytirib yoki pasaytirib borish usulidir”¹. Keltirilgan frazemaning barchasida “qaramoq” ma’nosi ifodalanadi, lekin bu qarashning ko’z tashlab olmoq frazemasida (bir qarab olmoq), ko’z uchida qaramoq frazemasida (sovuqqonlik bilan qaramoq), ko’zini tikmoq frazemasida (uzoq vaqt qaramoq) ma’nolari anglashiladi. Shuningdek, ma’noni kuchli-kuchsiz ifodalash, ortiq-kamlik jihatdan darajalanish qatorini hosil qiluvchi frazeologik sinonim iboralar sifatida jilovini tortmoq, tosmanglayini yormoq, burnini erga ishqamoq, jag’ini ezmoq, dabdalasini chiqarmoq yoki “juda qo’rqmoq” ma’nosi bilan bevosita bog’liqlik kasb etuvchi dami ichiga tushmoq, dovdirab qolmoq, rangi bo’zarib ketmoq, ko’zi qinidan chiqmoq, yuragini oldirib qo’yimoq kabi sinonim iboralarni qayd qilish mumkin.

Sinonim frazeologizmlarni bir iboraning turli variantlaridan farqlash kerak. Ba’zan frazeologik sinonimiya va frazeologik variantdoshlik hodisalarini bir-biridan ajratish qiyin bo’lgan holatlar ham kuzatiladi. Sinonim frazeologizmlar bir-biridan ma’noviy, uslubiy belgi-xususiyati va qo’llanilish o’rniga ko’ra ham o’zaro farqlilik kasb etadi. Masalan, qo’yovini qo’zg’atmoq va yarasini yangilamoq iboralari “g’am-alamini, dardini esiga tushirmoq” ma’nosini anglatuvchi sinonim iboralar hisoblanadi. Qo’yovini qo’zg’atmoq iborasi so’zlashuv nutqiga, yarasini yangilamoq iborasi esa umumnutqqa xoslanganlik jihatidan o’zaro farqlanishda bo’ladi. Toshi o’rga yumalagan va ertalab bo’ri ko’rgan iboralari ham bir sinonimik qatorga mansub bo’lib, “omadli”, “ishi yurishgan” ma’nolarini anglatadi. Bu sinonim iboralar bir-biridan turli nutq vaziyatida qo’llanilishi hamda ma’nodagi nozik farqlilik asosida alohidalik kasb etadi. Toshi o’rga jumalagan iborasi “uzoq vaqtlardan buyon ishi yurishib kelayotgan”, ertalab bo’ri ko’rgan iborasi esa “favqulodda omadi kelgan” ma’nosini ifodalaydi.

Variantdosh iboralar esa bir-biri bilan uslubiy va ma’noviy jihatdan farqlanmaydi, ya’ni tarkibidagi komponentlar (bir-biri bilan sinonim yoki ma’nosi yaqin so’zlar)ni biri o’rnida ikkinchisini qo’llayverish mumkin bo’ladi, ma’no yaxlitligiga putur etmaydi. Sh.Rahmatullayev ta’kidlaganidek: “variantlashish tufayli bir ibora boshqa bir iboraga aylanmaydi, bir iboraga xos obraz birligi, ma’no birligi saqlanadi. Variantlashish tufayli yuz beradigan o’zgarishlar iboralarga xos yaxlitlikni emirmaydi, parchalaymaydi, balki iboraga xos yaxlitlik doirasida, shu yaxlitlik yo’l qo’rgan darajada voqe bo’ladi. Aks holda, yo ibora yo’qqa chiqadi, yoki boshqa bir ibora barpo qilinadi”². Masalan, tolli tomoq va shirin tomoq qo’shilmalari ikkita ibora emas, balki bitta iboraning ikki ko’rinishi sanaladi. Ibora tarkibidagi tolli va shirin so’zlari o’zaro sinonim so’zlar. Oyog’ini yozmoq va tomirini yozmoq variantdosh iboralari tarkibidagi oyoq va tomir so’zlari o’rtasida sinekdoxa yo’li orqali ma’no ko’chish hodisasi kuzatiladi. Oyoq so’zi o’rnida oyoqdagi tomir nazarda tutilgan. Quyidagi iboralar yuzasidan ham variantdoshlik munosabatini qayd qilish lozim: qo’li kalta – qo’li juqa, o’pkasi shishgan – o’pkasi qozonday, ichini it tirnadi – ich-yetini tirnadi, rangiga qon yugirmoq – rangiga rang yugirmoq, og’zi polvon – og’zi beposhna, loyi pishiq – zuvalasi pishiq, qo’li qing’ir – qo’li egri, oyoq-qo’li jengil – suyagi jengil, sillasi qurimoq – madori qurimoq, holini bilmoq – holiga boqmoq, dimog’i baland – dimog’i dim sasigan, og’iz burmoq – labini burmoq, tuzini eb tuzlig’iga tupirmoq – tuzini eb dasturxoniga tupirmoq, orqasi baquvvat – ildizi baquvvat kabi.

Shaklan teng kelish hodisasi iboralarda ham uchraydi. Bu omonimlik hodisasidir. Shevada mavjud bo’lgan omonim iboralarning har bir ma’nosiga sinonim iboralar mavjud. Indiyini urib ketgan iborasini shakldosh ibora: Indiyini urib ketgan I – “kuchsizlanib qolgan”; Indiyini urib ketgan II – “nasl-nasabi durust bo’lmagan”. Indiyini urib ketgan I omonim iborasi ko’kayi qurib ketgan iborasiga sinonim sanaladi. Indiyini urib ketgan II iborasi esa kishidagi yomon xislatlarning ota-bobolarida ham kuzatilganligini anglatib, etmish ikki qonida bor iborasi bilan sinonimik munosabat hosil qiladi.

Yuqoridagilardan ko’rinadiki, Qashqadaryo qipchoq shevasi frazeologizmlarida sinonimlik hodisasi o’ziga xos ma’noviy umumiylik va farqlilikka ega. Sheva vakillari nutqida turli ma’no ottenkalariga ega, uslubiy bo’yoqdorligi bilan o’zaro alohidalik kasb etuvchi sinonim iboralar miqdori ancha. Sheva leksikasida bitta sinonimik qatorga o’nga yaqin ibora birlashish holatlari

¹ Шомаксудов А. ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1974. – 112 б.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 1966. – Б. 145.

ham kuzatiladi. Har bir ibora ma'no tarkibidagi alohida belgi-xususiyatiga ko'ra alohidalikka ega bo'ladi. Sinonimik munosabatli iboralarni o'zaro yoki so'zlar bilan munosabatini tekshirish orqali muhim natija va xulosalarni qo'lga kiritish imkoniyati mavjud. Sheva leksikasiga mansub bo'lgan har bir iborani sheva nutqidan yozib olish, to'plash, leksik-semantik belgi-xususiyatlarini ilmiy o'rganish hamda iboralar lug'atini yaratish dolzarb vazifalardan sanaladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг лингвوماданий ва семантик-прагматик тадқиқи. – Тошкент, 2018. – 100 б.
2. Nazar Eshonqul. Urush odamlari. – Toshkent: Sharq, 2008.
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1966. – 500 б.
4. Tog'ay Murod. Bu dunyoda o'lib bo'lmaydi. – Toshkent, 2020.
5. Шомақсудов А. ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1983. – 70 б.

Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган

РУС ТИЛШУНОСЛИГИДА НЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Хамраев Ф. Й. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақола рус тилшунослигида неологизмларнинг ўрганилиш тарихига бағишланган бўлиб, унда неологизмларнинг тилдаги ўрни, аҳамияти, уларни тасниф қилиш билан боғлиқ масалалар ёритиб берилган. Шунингдек, неологизмларнинг ёзувда ифодаланиши ва уларнинг луғатини яратиш билан боғлиқ амалий ишлар ва уларни янада такомиллаштириш истиқболлари талқин этилган.

Таянч сўзлар: *неология, неологизм, ўзлашма сўз, лексика, неография.*

Аннотация. Статья посвящена истории изучения неологизмов в русском языкознании, освещены роль и значение неологизмов в языке, вопросы, связанные с их классификацией. Также осмысливаются практические работы, связанные с выражением неологизмов на письме и созданием их лексики, а также перспективы их дальнейшего совершенствования.

Ключевые слова: *неология, неологизм, заимствованное слово, лексика, неография.*

Annotation. The article is devoted to the history of the study of neologisms in Russian linguistics, highlights the role and significance of neologisms in the language, issues related to their classification. It also comprehends practical work related to the expression of neologisms in writing and the creation of their vocabulary, as well as the prospects for their further improvement.

Key words: *neology, neologism, loan word, lexis, neography.*

Сўнгни юз йил мобайнида ўзбек тили лексикасининг бойишида ташқи манба сифатида рус тилининг таъсири кучли бўлди. Мустақилликкача бўлган даврда бошқа масалалар қатори тил сиёсатида ҳам ҳукмрон мафкура сиёсати сезилди. Мустақилликдан кейин эса узок йиллар давомида шаклланиб келган кўникмалар, шунингдек, бугунги кунда ахборот алмашинувида Интернет фойдаланувчиларининг мазкур тил манбаларидан фойдаланиши туфайли ҳам ханузгача лексикада унинг таъсир кучи мавжуд. Шунга кўра ўзбек тилидаги янги сўзлар (неологизмлар)ни тадқиқ этишда рус тилидаги соҳага оид изланишларни таҳлил қилиш ўринли бўлади.

Рус тилига оид манбаларда неологизм атамаси биринчи марта 1804 йилда учраши айтилади. Кейинчалик А.И. Соболевский (1891) бу тушунча ҳақида атрофлича тўхталиб ўтган¹. Бундан ташқари турли даврларда В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, Н.З.Котелова, Э.А.Земская, Л.П.Крисин, А.А.Брагина, А.В.Калинин, В.Г.Костомаров, В.В.Лопатин, Э.В.Сергеева, Г.Н.Скляревская, Т.В.Попова, Т.М.Ажигова каби рус олимлари томонидан неологизмлар масаласида бир қатор тадқиқот ишлари яратилган.

¹ Соболевский А.И. Русские заимствованные слова / Соболевский; Спб. ун-т. - Санкт-Петербург: лит. Д. Руднева, 1891. – 152 с.

Маълумки, неологизмларна доир илмий манбаларда *неология*, *неологизм*, *неография* ва *неолог* каби терминлар тадқиқ мавзуси номи қаторида тез-тез учрайди. Улар бир асос (нео – юнонча: *янги*)дан ҳосил қилинган ва бир-бирига боғлиқ бўлган тушунчаларни ифодалаш учун қўлланади. Ўрганилган манбалар асосида уларни қуйидагича шарҳлаш мумкин:

Неология – янги сўзларни ўрганувчи соҳа;

Неологизм – неологиянинг предмети, яъни янги пайдо бўлган лексик бирликлар (сўзлар, иборалар);

Неография – неологизмларнинг ёзувда ифодаланиши ва уларнинг луғатини тузиш билан шуғулланувчи соҳа;

Неолог – оғзаки ёки ёзма нутқда янги сўзлардан тез-тез фойдаланувчи киши.

Ушбу мўъжаз тадқиқотда асосий эътибор неологизмлар масаласига қаратилди. Рус тилидаги неологияга оид замонавий асарларда янги лексик бирликларни ифодалаш учун турли хил атамалардан фойдаланилади. Эътиборлиси шундаки, айрим ишларда бу атамалар неологизмга синоним сифатида ишлатилган бўлса, айрим ўринларда эса неологизмга яқин, аммо баъзи хусусиятлари билан ундан фарқланувчи бирликларни номлаш учун қўлланган. Хусусан, Т.М.Ажигова ўз тадқиқотида янги пайдо бўлган лексик бирликларга нисбатан *неономинация* терминини қўллашни афзал билади, шунингдек, у янги сўз (*новое слово*) тушунчаси *неологизмга* нисбатан кенгроқ маъно ифодаланиши таъкидлайди. Масалан, *компьютер* сўзи рус тили учун янги сўз, лекин неологизм эмас, *G8* (“Катта саккизлик”) тушунчаси эса ҳам янги сўз, ҳам неологизм¹. Б.Н.Гажимурадова ўз тадқиқотида маълум шахс томонидан яратилган индивидуал сўзларни *индивидуал-муаллиф неологизмлари* сифатида баҳолаб, окказионализмлар ва потенциал сўзларни унинг таркибига киритади². Э.А.Земская эса неологизмлар ҳақида фикр юритиб, янги сўзлар яқка шахс томонидан яратилмаслигини, барча турдаги янги сўзлар аналогия воситасида ҳосил қилинишини таъкидлайди³.

Неологизмлар мавзусида турли хил йўналишларда олиб борилган тадқиқотлар, изланишларга қарамадан, кўпчилик рус тилшуносларининг эътирофи этишича, неологизмларнинг аниқ таърифи, тилдаги ўрни, мақоми ҳалигача аниқ белгилаб берилмаган.

А.В.Волостныхнинг фикрича, неологизмлар – бу ички ва ташқи манбалар асосида пайдо бўлган, маълум бир даврнинг янги шакл ва маънога эга бўлган сўз ва бирикмалари, шунингдек, муайян даврда яна (қайта) фаоллашиб, долзарб бўлиб қолган сўз ва иборалар⁴. А.А.Брагина аввалдан мавжуд бўлган морфемалар (асос ва қўшимчалар)дан ҳосил бўлган янги бирикувлар (ясалмалар)ни ҳам неологизмларга киритиш мумкин, деб ҳисоблайди⁵. А.А.Хадеева-Бикова неологизмлар сифатида шакл ва мазмун жиҳатдан янги, маъно жиҳатдан моносемантик сўзларни назарда тутди⁶. Чо Жейсининг қайд этишича, неологизмлар бошқа хусусиятларидан ташқари кишида маълум бир янгилик туйғусини уйғотиши ва пассив луғат (нофаол лексика)га тегишли бўлиши керак⁷.

Т.М.Ажигованинг бу борадаги қарашлари биров бошқачарок. У неологизмлар, окказионализмлар ва потенциал сўзлар ҳақида фикр юритиб, бундай бирликлар динамик ва беқарор бўлгани учун тарихий ва нисбий тушунча деган хулосага келади⁸. Унингча, неологизмларни маълум бир замонда аниқ бир системага солиб ўрганиш деярли имконсиз.

¹ Ажигова Т.М. Неономинация начала XXI века. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Ставрополь, 2009. – С. 12.

² Гажимурадова Б.Н. Индивидуально-авторские неологизмы в современной поэзии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Махачкала, 2003. – С. 10.

³ Земская Е.А. Словообразование как деятельность. – М., 1992. – С. 8.

⁴ Волостных А. В. Функции неологизмов в рекламном тексте. Автореферат диссертации на соискание степени кандидата филологических наук. – Краснодар, 2005. – С. 10.

⁵ Брагина, А.А. Неологизмы в русском языке: Пособие для студентов и учителей. – М.: Просвещение, 1973. – 213 с.

⁶ Хадеева-Быкова А.А. Об одной модели порождения неологизмов: (на материале английского языка). Межвузовская конференция по порождающим грамматикам: Тез. докл. – Тарту, 1967. – С. 112.

⁷ Чо Джейси. Состав и функционирование неологизмов в языке газеты. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Москва, 2004. – С. 6.

⁸ Ажигова Т.М. Кўрсатилган асар. – Б. 12.

Н.З.Котелованинг бу борадаги фикри шундай: “Неологизм концептининг биринчи ва асосий белгиси “вақт” параметри билан белгиланади¹.

Неологизмлар мақомини белгилаш борасидаги Чо Жейсининг қарашларини нисбатан аниқ ва мукамал дейиш мумкин. Унингча, неологизмларнинг шаклланиши бир неча босқичларни ўз ичига олади. Аввало, муайян шахс (неолог) томонидан яратилиши, кейин эса ижтимоийлашув ва лексикализация (тилнинг лексик тизимида мустаҳкам ўрнашиши) жараёнларини босиб ўтиши лозим².

Кўпчилик рус олимларининг эътирофи этишича, рус тилшунослигида неологизмларни ўрганиш соҳасидаги фаоллик XX асрнинг 60-йилларидан сезила бошлади. Буни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муҳитдаги улкан ўзгаришлар, шунингдек, техника тараққиётидаги янгиланишлар билан боғлаш мумкин. Қолаверса, тилда янги сўзларнинг кўпайиб бориши алоҳида неологик луғатларни яратиш эҳтиёжини пайдо қилди, бу эса ўз ўрнида неологизмлар соҳасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилишига замин яратди. XX асрнинг 70–80-йилларида тилдаги янгиланишлар янада тезлашди, оммавий ахборот воситаларининг фаоллашуви натижасида нутқий эркинликнинг кенгайиши янги сўзлар оқимини янада тезлаштириб юборди. Ушбу лингвистик муҳит ҳақида В.И.Заботкина шундай фикр билдиради: “Бизнинг давримизнинг ўзига хос хусусияти “ички цензура”нинг заифлашишидир. Бу ҳар хил турдаги янги шаклларнинг кўпайишига олиб келди, оқибатда уларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар юзага келди. Янги сўзларнинг катта оқими ва уларни тавсифлаш зарурати лексикологиянинг махсус бўлими – *неология* (неологизмларни ўрганувчи фан)нинг яратилишига олиб келди”³.

Неологизмлар мураккаб тизимли ва вақт нуқтаи назаридан нисбий тушунчадир. Шунга кўра рус тилшунослигида уларнинг турли ёндашувларга асосланган ранг-баранг таснифларини кузатиш мумкин.

Замонавий рус тилидаги неологизмларни ўрганган Е.В. Сенько неологик тадқиқотларда янги сўзларнинг қуйидаги таснифлари мавжуд эканлигини қайд этади:

- ўз тилга мансуб ва ўзлашма неологизмлар;
- номинатив ва номинатив-стилистик неологизмлар;
- содда ва мураккаб неологизмлар;
- лексик ва семантик неологизмлар;
- тил ва нутққа хос неологизмлар.⁴

Э.В.Курасова ўз тадқиқотида *неологизм* атамасининг ҳар қандай лексик-семантик янгилликларга нисбатан кенг маънода ишлатилишини эътиборга олиб, янги сўзларни янгиллик даражасига кўра икки гуруҳга ажратади, шу билан бирга, *неологизм* атамасининг ички турларига нисбатан *инновация* атамасидан фойдаланишни маъқул кўради: 1) *Кучли инновациялар* – рус тили лексикасида шаклан ва мазмунан янгиллиги билан ажралиб турадиган принципиал жиҳатдан янги лексемалар. Уларга рус тилининг морфологик ресурслари асосида ўзига хос сўз ясалиш турларига мувофиқ яратилган морфологик неологизмлар ва бошқа тиллардан кириб, мустаҳкам ўрнашган ўзлашма неологизмлар киритилган. 2) *Кучсиз инновациялар* – рус тилидаги оғзаки нутққа оид бирликлар бўлиб, уларга, асосан, семантик ва функционал усулда ҳосил бўлган янги сўзлар киритилади.⁵ Е.В.Сенько эса неологизмларнинг ушбу хусусиятига кўра уч турини фарқлайди: 1) *кучли неологизмлар*; 2) *кучсиз неологизмлар*; 3) *ўтиш даври неологизмлари*.⁶

Э.В.Курасованинг неологизмлар борасидаги мулоҳазалари Е.В.Розеннинг қарашларига бироз яқин туради. Е.В.Розен ҳам ўз даврида неологизмларни дастлаб икки гуруҳга ажратишни таклиф қилган. Улар: 1) *аслий (ҳақиқий) неологизмлар (собственно неологизмы)* –

¹ Котелова Н. З. Значение слова и его сочетаемость (к формализации в языкознании). – Л., 1975. – С. 14.

² Чо Джейси. Кўрсатилган асар. – Б. 6.

³ Заботкина В.И. Когнитивно-прагматический подход к неологии. – М.: Высшая школа, 1989. – С. 6.

⁴ Сенько Е. В. Неологизация в современном русском языке: межуровневый аспект. – Санкт-Петербург, 2007. – С. 11.

⁵ Курасова Е. В. Семантические неологизмы общественно-политической сферы в русском языке новейшего периода: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Воронеж, 2006. – С. 8.

⁶ Сенько Е. В. Кўрсатилган асар. – Б. 33–37.

тилда биринчи марта қайд этилган сўзлар, яъни тил учун шаклан ва мазмунан мутлақо янги бўлган сўзлар; 2) *янги форма, шакллар (новообразования)* – аввалдан мавжуд бўлган сўз ва аффиксларнинг янги ясалмалар, бирикмалар таркибида келиши, яъни кўпроқ моддий жиҳатда янгилик касб этган сўзлар¹.

Рус ва хитой тилларидаги инглизча ўзлашмаларни ўрганган Ху Пейпей неологизмни ўрганишга доир лингвистик адабиётларни таҳлил қилиб, рус тилшунослигида ушбу тушунчани ўрганиш бўйича тўртта асосий ёндашув мавжуд эканлигини қайд этади:

Биринчи ёндашув тарафдорларига кўра, муайян сўзни неологизм сифатида таснифлаш учун унинг янгилик туйғуси, бўёғи асосий мезон бўлиб хизмат қилиши керак.

Иккинчи ёндашувга амал қилувчи тилшунослар неологизмларнинг янги предмет ёки ҳодисани билдиришига кўпроқ эътибор қаратишади.

Учинчи ёндашувга кўра неологизмлар сифатида, асосан, четдан янги ўзлаштирилган ва янги маъноли сўзлар назарда тутилади.

Тўртинчи ёндашув тарафдорлари неологизмларни фақат луғатларда қайд этилмаган сўзлар доирасидан излашади².

Сўнги йилларда рус тилидаги неологизмларни ўрганган Ванг Синхианг ўзигача мавжуд бўлган адабиётларни таҳлил қилган ҳолда уларни қуйидагича тасниф қилади:

I. Ўзлашма неологизмлар – бошқа (асосан инглиз) тиллардан рус тилига ўзлашган неологизмлар. Уларнинг ўз ичида саккиз хили ажратилган:

1) тўғридан-тўғри ўзлаштирилган сўзлар: *SMS, VIP, IT*;

2) иккиламчи ўзлашмалар (*вторичные заимствованные слова*), яъни аввалдан ўзлашган, кейинчалик янги маънода қайтадан ўзлашган сўзлар: *конференция* (аввалги “ҳар қандай жамоатчилик вакилларининг муайян масалалар бўйича йиғилиши” маъносида, кейин “спорт уюшмаси” маъносида ўзлашган);

3) ўзга тилдан кириб келган қисқартмаларнинг русча сўзлар билан жуфтлашиши (*слова-кентавры*): *TV-программа, PIN-код, е-бизнес*;

4) ўзлашма сўзларнинг рус тилига қоришиб кетиши (*гибриды*): *аскать* (сўрамоқ, инглизча *to ask* сўзидан);

5) калкалаш усулида ўзлашган сўзлар (*кальки*): *небоскреб* (осмонўпар, инглизча *skyscraper* сўзидан);

6) ярим калкалаш усулида ўзлашган сўзлар (*полукальки*): *трудоголик* (меҳнаткаш, инглизча *workaholic* сўзидан);

7) бошқа халқларнинг ўзига хос миллий урф-одатларини ифодаловчи, рус тилида синоними мавжуд бўлмаган сўзлар (*экзотизмы*): *диснейленд, кроссовер*;

8) семантик ўзлашма сўзлар (*семантически заимствованные слова*): *мышь* (сичқонча, инглизча *mouse* сўзидан)

II. Ички имкониятлар асосида пайдо бўлган неологизмлар (*внутриязыковые неологизмы*). Улар ҳам ўз ичида бир нечта гуруҳларга бўлиб тасниф қилинган:

1) жаргонлар, диалектизмлар ва касб-ҳунар сўзлари асосида пайдо бўлган неологизмлар: *беспредел* (ўзбошимчалик; жаргон асосида), *филин* (бойқуш; шева асосида), *копирайт* (муаллифлик ҳуқуқи; касб-ҳунар лексикаси асосида);

2) семантик неологизмлар – тилда аввалдан мавжуд бўлган, янги семага эга бўлган сўзлар: *зебра* – кўчанинг қатнов қисмида пиёдалар ўтиш жойини кўрсатувчи йўл-йўл чизиқлар;

3) морфологик неологизмлар – асосга кўшимчалар қўшиш орқали ҳосил қилинган янги сўзлар: *хакер + ство = хакерство* (хакерлик); *Путин+изм=путинизм*; *псевдо+ученый = псевдоученый* (сохта олим);

4) қисқартириш (ихчамлаштириш) усулида ҳосил қилинган сўзлар (*компрессивное словообразование*). Сўзларни ихчамлаштиришнинг ҳам бир қанча турлари фарқланган (уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим кўрилмади). Масалан, *метро*

¹ Розен Э. В. Немецкая лексика: история и современность. – М.: Высш. шк., 1991. – С. 43.

² ХУ Пэйпэй. Английские неологизмы-заимствования в русском и китайском языках. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Москва, 2012. – С. 8.

< метрополитен; *комп* < компьютер; *публичка* < публичная библиотека (оммавий кутубхона); *ТВЧ* < телевидение высокой четкости (юкори аниқликдаги телевизор); *нардеп* < народный депутат (халқ депутаты); *экопарк* < экологический парк (экологик парк); *молодёжка* < молодёжная организация (ёшлар ташкилоти)¹.

Т.В. Попова ўзининг неология ва неография масалаларига бағишланган тадқиқотида рус тилидаги неологизмларнинг бир нечта таснифларини келтириб ўтади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

– Тил бирликларининг турига кўра: а) *неолексемалар* (неолексемы); б) *неофраземалар* (неофраземы) ва *неосемемалар* (неосемемы).

– Тил бирлигининг янгилик даражасига кўра: а) *мутлақ* (абсолютные) *неологизмлар*; б) *нисбий* (относительные) *неологизмлар*;

– Ҳосил бўлиш усулига кўра: а) *ўзлашма неологизмлар*; б) *ясама неологизмлар*; в) *семантик неологизмлар*².

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, рус тилшунослигида ўзлашма неологизмлар масаласи неология соҳасининг энг оғриқли нуқтаси ҳисобланади. Сўнги йилларда инглиз тилининг жаҳон миқёсидаги нуфузи янада ошиб, дунёнинг деярли барча тилларига таъсири кучайди. Бу жараён бошқалар қатори рус тилшунослигида ҳам хавотир билан қабул қилиняпти. Ҳозирги глобализация жараёнида ер юзидаги кўплаб тилларнинг яқин келажакда йўқ бўлиб кетиши ҳақидаги фаразлар ҳам бежиз эмас.

Бошқа тиллардан сўз олиш масаласи доимо рус тилшунослигининг диққат марказида бўлиб келган ва кўплаб олимлар бу борадаги ўз мулоҳазаларини баён қилишган. Жумладан, деярли бир аср олдин ижод қилган В.Г. Белинский ўзлашма сўзлар ҳақида гапириб, нутқдаги ҳеч бир янгиликни ёқтирмайдиган, ҳар қандай бегона сўздан ғазабланадиган пуристларни қаттиқ танқид қилади ва "Пуристлар кераксиз бегона сўзлардан кўркишади, бу кўркув асоссиздир. Кераксиз сўз, уни ишлатишга қанчалик уринишмасин, ҳеч қачон тилда қолмайди", деган қатъий фикрни билдиради³. Ю.С.Сорокин ҳам сўз ўзлаштириш жараёнини ижобий қабул қилади. Унингча, четки сўзларни ўзлаштириш жараёни бир тилдаги тайёр элементларнинг бошқа тилга оддийгина кўчирилиши эмас, балки бу сўз оловчи тил тизими томонидан ўз эҳтиёжларига мослашиш, шаклан ва мазмунан ўзгариш, янгиланиш жараёнидир⁴. Яна бир нуқтаи назарга кўра, четдан сўз олиш тилни бойитади, уни янада мослашувчан қилади, унинг ўзига хослигини, асосий луғат таркибини, ички қонуниятларини бузмайди⁵.

Рус тилидаги қисқартма неологизмларни ўрганган Ванг Синхианг сўнги йилларда рус тилида хорижий сўзлар оқимининг кўпайганини хавотир билан қабул қилади. Унинг фикрича, ўзга тиллардан ҳаддан зиёд сўз олиш тилни бузади, ўринсиз, асоссиз қабул қилинган ёт сўзларнинг кўпайиши кулгили, бачкана бирикма ва ибораларнинг шаклланишига олиб келади. Тилнинг гўзаллиги унинг ўзига хослиги, ёркинлиги ва таъсирчанлигидадир. Рус халқи рус тилини бегона, савиясиз ва мантиксиз сўзлар ва иборалар билан ифлослантирмаслиги керак⁶.

Вазиятга объектив қаровчи айрим тилшунослар "бегона" сўзларнинг кириб келишини нормал ва табиий жараён деб ҳисоблаб, оралиқ позицияни эгаллайдилар, яъни ўзга

¹ Ван Циньсян. Русские неологизмы-универбы: способы образования, семантика, особенности функционирования. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Санкт-Петербург, 2016. – С. 35-68.

² Попова Т.В. Русская неология и неография. – Екатеринбург: УГТУ-УПИ, 2005. – С. 30-37.

³ Белинский, В.Г. Карманный словарь иностранных слов, вошедших в состав русского языка, издаваемый Н. Кирилловым. Полное собрание сочинений. Т. IX. – М., 1955. – С. 61.

⁴ Сорокин, Ю.С. Развитие словарного состава русского литературного языка: 30-90-е годы XIX в. – М.; Л.: Наука, 1965. – 174 с.

⁵ Крысин, Л.П. Современный русский язык. Лексическая семантика. Лексикология. Фразеология. Лексикография: Учеб. пособие для студ. филол. фак. высш. учеб. заведений. – М.: Академия, 2009. – С. 115.

⁶ Ван Циньсян. Русские неологизмы-универбы: способы образования, семантика, особенности функционирования. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Санкт-Петербург, 2016. – 41 с.

тиллардан мақсадли равишда, жамият эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда эҳтиёткорлик билан сўз олиш лозим¹.

Эътибор берилса, вақт ўтган сайин ўзлашма неологизмлар борасидаги қарашлар ўзгариб боргани кўзга ташланади. Буни тилларнинг бир-бирига таъсир этиш кўлами давр нуқтаи назаридан бир хил эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Ўтган асрнинг 60–70 йилларигача бошқа тиллардан сўз олиш анча суист кечган, шунингдек, бу жараён кўпроқ босма нашрлар (илмий ва бадиий асарлар, газета ва журналлар) воситасида амалга ошган, шунинг учун тилнинг луғат бойлигини назорат қилиш осон бўлган. Ҳозирги ахборот технологияларининг жадал ривожини ва интернет тизимининг кенг ёйилиши тезкор ахборот алмашинуви учун катта қулайликлар яратди ва бу ўз навбатида лексик тизимнинг издан чиқиш хавфини пайдо қилди. Бу ҳолат тилшунослардан неология соҳасида янада кўпроқ масъулият, ўрни келганда танқидий мушоҳадани талаб этади.

Рус тилига инглиз тилининг таъсири ортиши фониди кейинги йилларда рус тилидаги инглизча ўзлашмаларга бағишланган ўнлаб тадқиқот ишлари яратилди. Хусусан, М.В.Избицкая, Н.К.Иванова, Э.Ф.Володарская, Ху Пейпей, В.М.Аристова, Г.В.Павленко, Н.М.Шишкина каби тилшуносларнинг ушбу мавзудаги изланишлари бунга мисол бўла олади.

Рус тилшунослигида неологизмларни структуравий, семантик жиҳатдан кенг миқёсда ўрганиш ва тизимлаштириш муаммолари янги бир соҳа – неографиянинг пайдо бўлиши ва ривожланишига туртки бўлди. Бу жараён неологизмларга бўлган эътиборнинг кучайиши билан бир пайтга, яъни XX асрнинг 60-йилларига тўғри келади. Тилдаги янги сўзларнинг муқим, барқарор ўринга эга эмаслиги, даврий жиҳатдан нисбий эканлиги уларнинг луғатларини яратиш ишларини бирмунча мураккаблаштиради. Шунинг учун янги сўзларни ўз вақтида ва маълум давр билан чегараланган кичик ҳажмли луғатларда акс эттириб бориш кейинчалик уларни саралаш ва умумий адабий луғатларга киритиш имконини беради.

Рус тилидаги биринчи неологизмлар луғати 1971-йилда Н.З.Котелова ва Ю.С.Сорокиналарнинг саъй-ҳаракати билан яратилган бўлиб (иккинчи нашри 1973-йил)², 50–60 йилларнинг матбуоти ва адабиёти материаллари асосида шакллантирилган. Унда 3500 га яқин янги сўз жамланган. Кейинги ўн йиллик, яъни 70 йилларнинг янги сўзлари жамланган луғатда эса 5500 атрофида сўз борлиги айтилади³. 1998 йилда 80 йилларга (1985–1997) мансуб 6100 лексик бирликни ўз ичига олган неологизмлар луғати яратилди⁴. Лекин тилга шиддат билан кириб келаётган янги сўзлар ва тушунчаларни ўрганиш, тартибга солишда ўн йиллик луғатларнинг самарадорлиги паст ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, 1977 йилдан бошлаб рус тилидаги янги сўзларнинг ҳар йиллик базасини яратиш ишлари йўлга қўйилди. Шундай қилиб, тил ривожланишининг қисқа даври – бир йиллик янгиланишларни тавсифловчи синхрон-тарихий типдаги микролуғатлар пайдо бўла бошлади. Бундай луғатлар неологизмларни ўз вақтида аниқлаш ва ўрганиш учун катта қулайликлар яратса-да, улардан фойдаланиш кенг омма учун анча ноқулайлик туғдирарди, чунки керакли сўзни бир нечта кичик луғатлардан излаб топиш осон эмас.

Неологизмлар билан боғлиқ бўлган ушбу мураккаб жараёнлар кейинчалик неологизмлар банкининг яратилиши учун замин ҳозирлади. 1995 йилда рус тилининг қарийб 30 йиллик (50 йилларнинг ўрталари – 80 йилларнинг ўрталари) лексик ўзгаришларни ўзида акс эттирган "Рус тилининг янги сўзлари луғати" (Словарь новых слов русского языка) нашр этилди⁵. Унда ўша давргача яратилган неологизмлар луғатларидаги энг фаол, адабий тилнинг бир қисмига айланган яшовчан сўзлар жамланган. Бундай сараланган янги лексик бирликлардан иборат кенг қамровли луғатлар, шубҳасиз, умумий изоҳли луғатларни янгилашда муқим ва қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

¹ Филин, Ф.П. Истоки и судьбы русского литературного языка. – М.: Наука, 1981. – С. 77; Вакуров, В.Н. Иноплеменные слова в современной публицистике. – М., 1993. – № 4. – С. 26.

² Котелова Н.З., Сорокина Ю.С. Новые слова и значения: словарь-справочник по материалам прессы и литературы 60-х годов. – М., 1973. – С. 546

³ Попова Т.В. Кўрсатилган асар. – Б. 59.

⁴ Языковые изменения: толковый словарь русского языка конца XX века. Под ред. Г.Н. Складневской. – СПб, 1998.

⁵ Словарь новых слов русского языка (середины 50 – середины 80-х годов). Под ред. Н.З. Котеловой. – СПб., 1995.

XXI аср компьютер технологиялари ривожининг янги босқичга кўтарилиши, интернет тизимининг инсон фаолияти билан боғлиқ деярли барча соҳаларга чуқур кириб бориши ўз ўрнида неологизмларни ўрганиш, тасниф қилиш ва тартиблаш борасида янги техник имкониятларни юзага келтирди. Турли босма нашрлардан ташқари мунтазам янгиланган бориш имкониятига эга бўлган электрон луғатлар, махсус сайтлар яратилди. Хусусан, Википедиянинг рус тилидаги бўлими ўз фаолиятини бошлади (2001), неологизмларни тадқиқ қилишга мўлжалланган бир қанча сайтлар (*russkiiyazyk.ru*, *gramota.ru*, *wordsonline.ru* каби) ташкил этилди.

Рус тилшунослигида сўнгги йилларда айни даврнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ўзгаришларини ифода этувчи янги сўзларни тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар давом этапти. Жумладан, 2020-йилнинг декабрида 1978 йилдан 1997 йилгача Россия Фанлар академиясининг Тилшунослик тадқиқотлари институтида нашр этилган замонавий неология ва неография муаммоларига бағишланган илмий мақолалар тўпламининг фаолияти қайта йўлга қўйилди. Унда рус академик неографиясининг ҳозирги ҳолати, сўнгги 20 йил ичида содир бўлган янги сўзларнинг луғатларини тузиш тамойиллари ҳақидаги турли хил ёндашувлар, рус тили неологизмларининг электрон ахборот-қидирув тизимлари билан боғлиқ масалалар, шунингдек, COVID-19 пандемияси билан боғлиқ лексик-семантик ва морфологик инновациялар бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари акс эттирилган¹.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, неология ва неография соҳаси рус тилшунослигининг бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири саналади. Глобализация жараёни натижаси ўлароқ ўзбек тилида ҳам янги тушунча ва сўзлар микдорининг кун сайин ортиб бораётгани айни даврда ўзбек тилшунослигида неологизмлар мавзусига кўпроқ эътибор қаратилишини тақозо этади. Бунда бошқа ривожланган тиллар (инглиз, рус) тажрибаларидан ўз ўрнида ва оқилона фойдаланган ҳолда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ажигова Т.М. Неологизмы начала XXI века: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ставрополь, 2009. – 21 с.
2. Волостных А. В. Функции неологизмов в рекламном тексте. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Краснодар, 2005. – 24 с.
3. Брагина, А.А. Неологизмы в русском языке: Пособие для студентов и учителей. – М.: Просвещение, 1973. – 224 с.
4. Котелова Н. З. Значение слова и его сочетаемость (к формализации в языкознании). – Л., 1975. – 164 с.
5. Заботкина В.И. Когнитивно-прагматический подход к неологии. – М.: Высшая школа, 1989. – 126 с.
6. Сенько Е. В. Неологизация в современном русском языке: межуровневый аспект. – Санкт-Петербург, 2007. – 356 с.
7. Курасова Е. В. Семантические неологизмы общественно-политической сферы в русском языке новейшего периода: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Воронеж, 2006. – 24 с.
8. Розен Э. В. Немецкая лексика: история и современность. – М.: Высш. шк., 1991. – 96 с.
9. ХУ Пэйпэй. Английские неологизмы-заимствования в русском и китайском языках. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 2012. – 19 с.
10. Ван Циньсян. Русские неологизмы-универбы: способы образования, семантика, особенности функционирования. Дисс. канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2016. – 216 с.
11. Попова Т.В. Русская неология и неография. Екатеринбург: УГТУ-УПИ, 2005. – 96 с.
12. Сорокин, Ю.С. Развитие словарного состава русского литературного языка: 30-90-е годы XIX в. – М.; Л.: Наука, 1965. – 566 с.
13. Крысин Л.П. Современный русский язык. Лексическая семантика. Лексикология. Фразеология. Лексикография. – М.: Академия, 2009. – 240 с.
14. Филин, Ф.П. Истоки и судьбы русского литературного языка. – М.: Наука, 1981. – 326 с.

¹ Новые слова и словари новых слов. 2020: Сборник научных статей / Отв. ред. Н.В. Козловская. – СПб.: ИЛИ РАН, 2020. – 220 с.

15. Языковые изменения: толковый словарь русского языка конца XX века. Под ред. Г.Н. Скляревской. – СПб, 1998. – 700 с.
16. Словарь новых слов русского языка (середина 50 – середина 80-х годов). Под ред. Н.З. Котеловой. – СПб., 1995. – 876 с.
17. Новые слова и словари новых слов. 2020: Сборник научных статей / Отв. ред. Н.В. Козловская. – СПб.: ИЛИ РАН, 2020. – 220 с.

Наширга проф. Б.Баҳриддинова тавсия этган

МОРФОЛОГИК ШАКЛЛАРДА ПОЛЕНДРОМИК ХУСУСИЯТ

Ғойибова А.Ҳ. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада асосий эътибор қўшимчаларнинг маъно турлари, қўшимчалар орасидаги шаклдошлик, қўшимчаларнинг сўзлар ва қўшимчалар ўртасидаги терс шаклдошлигини асослашга қаратилади.

Таянч соʻзлар: *shakldoshlik, qoʻshimcha, lugʻat, qoʻshimchalarning shakl munosabati, qoʻshimchalarning vazifasi, soʻz va qoʻshimcha shakldoshligi, soʻz va qoʻshimchalarning teskari holdagi shakldoshligi.*

Аннотация. В статье основное внимание сосредоточено на обосновании типов значения окончаний, соответствия между окончаниями, обратном соответствии окончаний между словами и наречиями.

Ключевые слова: *спряжение, окончание, словарь, отношение формы окончания, функция окончания, спряжение слова и окончания, спряжение слова и окончания в обратном порядке.*

Annotation: In the article, the main attention is focused on the justification of the types of meaning of adverbs, the correspondence between adverbs, the inverse correspondence between adverbs, words and adverbs.

Key words: *conjugation, adverb, dictionary, form relationship of adverbs, function of adverbs, word and adverb conjugation, word and adverb conjugation in reverse.*

Туркий тиллар гуруҳига мансуб бўлган ўзбек тили агглютинатив тиллар сирасига киради, мазкур хусусиятга кўра қўшимчалар сўзнинг асосига кетма-кет қўшилиш имкониятига эга. Тилимизда сўзларнинг одатдаги кўринишларидан ташқари шаклдош, маънодош турлари мавжуд. “Шаклдошлик нафақат лексемаларга, балки қўшимчаларга ҳам хос хусусият саналади. Қўшимчаларнинг айримлари ифодаланишига кўра айнан бир-бирига ўхшаса-да, мазмун-моҳияти билан кескин фарқ қилади”¹. Яъни морфологик шаклларнинг лисоний белгиларини муайянлаштириш учун уларни турли хил таснифлар асосида талқин қилиш зарурати пайдо бўлади. Шундай хусусиятлардан бири қўшимчаларни ўнг ва терс жиҳатдан таҳлил қилиш имкониятидир. Ҳозирги ўзбек тилидаги қўшимчаларнинг одатдаги кўринишини бошқа меъёрлар билан қиёсан тадқиқ этиш тилимизнинг ички структурасини янада кенгроқ тасаввур қилиш имкониятини юзага келтиради.

Ўзбек тилидаги қўшимчалар синонимик ва антонимик хусусиятларга эга. Аффикслар шаклдош бўлиши учун тузилиши ва таркиби бир хил бўлганда шаклдошликни ҳосил қилади, шакл ўз моҳиятига тўғри келмай, бошқа грамматик маънони ҳосил қилса, аффиксал антоним пайдо бўлади². Биз мазкур мақолада шаклдош қўшимчаларнинг одатдаги тарзда эмас, балки тесқари (чаппа) ҳолдаги шаклдошлигини кўрсатишга интиламиз. Чунончи:

-ан ~ -на: *-ан* қўшимчаси ўзбек тилида ўзлашма – араб тилидан ўтган сўзлар таркибида қўлланилади ва равиш яшаш вазифасини бажаради. Масалан: *тасодифан, тахминан, виждонан* каби; унинг терс муқобили *-на* эса жўналиш келишигининг ўғузча варианты сифатида тилимизда воқеланади: *Гўзал ёрим Шохсанамнинг тўйина бормасам ўлам* (2; 180)

-ик ~ -ки: *-ик* қўшимчаси от, сифат ва феъл ясовчи қўшимча вазифаларини бажаради. Масалан, от ясовчи: *кўрик*; феъл ясовчи: *бирик*; сифат ясовчи: *фактик*; *-ки* ўз вақтида от ва сифат ясовчи вазифаларини бажаради. От ясовчи: *тепки, туртки*; сифат ясовчи: *юзаки*;

¹ Ҳожиев А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент : Ўқитувчи, 1980, – Б. 165.

² Ҳожиев А. ва бошқалар. Ўша жойда.

Баъзилар “Халол ва ҳаром” деганда еб-ичиш мумкин бўлган ва еб-ичиш мумкин бўлмаган нарсани англайдилар....Юзаки тушунча (3; 9).

-ур ~ -ру: -ур сўз ясовчи қўшимча сифатида -ур феъл ясовчисининг, фонетик ўзгаришга учраган варианты ҳисобланади. Масалан: *туф+ур= туфур*; -ру сўз ясовчи қўшимча сифатида эски ўзбек тилида равиш сўз туркумини ҳосил қилиш вазифасини бажарган. Узоқликни англаувчи *на* сўзига ва яқинликни англаувчи *бе* сўзларига қадимги жўналиш келишиги аффикси -ру қўшилиши билан: *нару (нари)*; *беру (бери)* ҳосил бўлади. “-ру/-ру аффиксининг ҳам келишик функциясида ишлатилиши қадимги ёдгорликлардаёқ чегараланган. Мисоллар: *Әбимрү барды* (Қад. уйғ.) — «Уйимга борди (келди)». *Әбрү кәлтүртим* (Қад. уйғ.) — «Уйга келтирдим». *Ол мәниң табару кәлди* (МК) — «У менга томон келди».

Бу аффикс анча қадим даврларданок ўзининг грамматик хусусиятини йўқотиб, айрим сўзларнинг таркибида сақланган. Қадимги ёдгорликлар тилида равиш ёки кўмакчи маъносида қўлланган *бәру* (бу ёққа), *йағру* (яқин), *ынару* (у ёққа) каби сўзлар таркибидаги -ру/-ру ана шу аффиксининг ўзидир. Ҳозирги тилимизда бу типдаги сўзлар анчагина катта группани ташкил этади¹. Бу қўшимчанинг аналоглари ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланади. Масалан: *Нарироқда тўнкарилган эски пақир устида ўтириб, редиска сотаётган хотин ора-чора болага танбеҳ бериб қўяди* (3; 13)

-ай ~ -я: -ай сўз ясовчи қўшимча сифатида феъл сўз туркумини ҳосил қилади. Масалан: *кучай, пасай*. -я қўшимча сифатида жўналиш келишигининг шева вариантини ва сўроқ ва таажжуб юклама вазифасини ҳам бажаради: *Дўстлар мен бир гули Раёноя ошиқ ўлмишам* (2; 181).

-ка ~ -ак: -ка феъл ясовчи қўшимча ҳисобланади. Масалан: *иска*; ҳамда жўналиш келишигидаги сўзнинг асоси *к* билан тугаган асосига қўшилиб келувчи вариантини ифодалаш учун қўлланади (теракка). -ак ва -ка қўшимча сифатида луғавий шакл ясовчи вазифасини бажаради: *йўлак, йўлка. Шундоққина йўлка чеккасида ўтириб олган болакай овози борича ҳайқиради* (3.13).

-ар ~ -ра: -ар қўшимча сифатида сўз ясовчи, луғавий шакл ясовчи қўшимча, синтактик шакл ясовчи вазифаларини бажаради. Феъл ясовчи: *қизар, кўкар; Муаллим ўқувчиларнинг олдидан айниқса мулзам бўлди, шекилли, қизариб кетди* (3.16). Синтактик шакл ясовчи борар; Сифатдошнинг қўшимчаси сифатида эса луғавий шакл ясовчи бўлиб келади: *оқар дарё; -ра* феъл ясовчи қўшимча вазифасини бажаради: *маъра, хўнгра*;

2. *-ра-рә* аффиксининг келишик функциясида ишлатилиши қадимги ёдгорликларнинг айримларида кузатилади. Мас.: *Агулуг оқин йүрәкрә уруп...* (Қад. уйғ.) — «Захарли ўқини юракка уриб».

-ра/-рә аффиксининг келишик функциясини бажариши XIII— XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да учрайди. Мас.: *Ий Муҳаммад, таиша чық* (Таф., 45а).

-ши ~ -иш: -ши феъл ясовчи қўшимча сифатида, унумсиз сўз ясовчи вазифасини бажаради. Масалан: *гингши*; -иш қўшимчаси феъл сўз туркумидаги ҳаракат номи ва биргалик нисбат қўшимчаси, ҳамда сифатнинг озайтirma даража шаклини ҳосил қилувчи вазифасида келиб, луғавий шакл ясовчи вазифаларини бажаради. Масалан: ҳаракат номи – *ёзиш; Ёзиш қийин* (3.20) Биргалик нисбат – шошилишди; Озайтirma даража – *кўкиш*.

-иқ ~ -қи: -иқ сўз ясовчи қўшимча вазифасида от: *қитиқ, чизиқ*, сифат: *қисиқ*, феъл: *йўлиқ* сўз туркумида истеъмол этилади; -қи сўз ясовчи қўшимча сифатида от ва сифат сўз туркумлари ҳосил қилади. От: *тутатқи*; сифат: *сайроқи* кабилар намуна бўла олади. *Энг сайроқи қуш* (3.16).

-ат ~ -та: -ат сўз ясовчи қўшимча сифатида от сўз туркумини ҳосил қилиш вазифасини бажарса, масалан: *кўкат, шахсият*; -та вазифасига кўра, соннинг маъно турини ҳосил қилувчи луғавий шакл ясовчи вазифасини бажаради. Масалан: *битта, иккита. Адолат битта бўлади дейиш соддаликдир* (3.19).

¹ Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – Б. 48.

-ин ~ -ни: -ин қўшимчаси от, сифат, равиш сўз туркумларида сўз ясовчи сифатида феъл сўз туркумида эса луғавий шакл ясовчи қўшимча сифатида мавжуд. От ясовчи – *йигин*; сифат ясовчи – *тўлин*; равиш ясовчи: *остин-устун*. -ни тушум келишиги шакли ҳисобланиб, синтактик шакл ясовчи вазифасини бажаради: *уни, мени* сингари. *Ҳамкасблам мени кечиринсин-ку, баъзи қаламкашлар варракка ўхшайди.* (3. 26)

-от ~ -то: -от қўшимчаси от ва феъл сўз туркумларини ҳосил қилади. От ясовчи: *маълумот*; феъл ясовчи: *йўқот*. Тарихий жиҳатдан икки ҳодиса воқеаланганлиги яширинган. 1. *Маълумот* сўзи арабча сўз бўлиб, ундаги -от соннинг морфологик кўрсаткич орқали юзага чиқиши. 2. *Йўқот* сўзи икки морфемадан иборат: а)йўқ– модал сўз, эт – “бажармоқ”, “қилмоқ”, “этмоқ” сўзининг фонетик жиҳатдан ўзгарган шакли – *йўқот > йўқ эт* – гапининг лексикализациялашган шакли. *Нонингни йўқотсанг ҳам, номингни йўқотма!* (3. 22). -то қўшимчаси унумсиз олд сўз ясовчи қўшимча сифатида ўзбек тилида мавжуд, асосан, форс-тожик тилидан ўзлашган чегара келишигининг кўрсаткичи ҳисобланади: *тоабад*.

-чик ~ -қич: -чик қўшимчаси сўз ясовчи – от ва сифат ҳосил қилувчи аффикс: *суянчиқ, қизганчиқ; -қич* сўз ясовчи – от сўз туркумига оид сўзларни вужудга келтиради Масалан: *очқич, тутқич*.

-ал ~ -ла: -ал вазифасига кўра сўз ясовчи сифатида феъл сўз туркумини юзага келтиради. Масалан: *юксал-, тарал-*; -ла ҳам феъл сўз туркумидаги луғавий ва сўз ясовчи вазифаларини бажаради. Луғавий шакл ясовчи: *қувла*; сўз ясовчи: *ишла*. *Пушкин ўз асарларида 21 минг 197 та сўз ишлатган* (3. 29).

-чак ~ -қач: -чак отнинг сўз ясовчи ва луғавий шакл ясовчи вазифаларини бажаради. Сўз ясовчи: *беланчак*; луғавий шакл ясовчи: *келинчак*; -қач қўшимчаси вазифасига луғавий шакл ясовчи вазифасини бажаради. Ушбу қўшимча пайт равишдошини ҳосил қилади: *тиккач, эшиткач, биткач*;

-им ~ -ми: -им қўшимча сифатида сўз ясовчи ва синтактик шакл ясовчи вазифаларини бажаради. От ясовчи: *терим*, *сифат ясовчи*: айрим; Синтактик шакл ясовчи сифатида қаратқич келишигининг шеърятдаги шакли вазифасини бажаради: *Ўзбекистон Ватаним маним* (А.Орипов);

-ми қўшимчаси сўроқ-таажжуб юклагаси вазифасини бажаради. Масалан: *Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?* (3. 29)

-ов -во: -ов қўшимчаси юклага вазифасини бажарса: қилар; -во форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ҳисобланиб, сифат ясовчи вазифасида келади: *воажаб, водариз* каби.

-ий ~ -йи: ҳар икки қўшимча ҳам араб тилидан ўзлашган, шу сабабли, асосан, араб тилидан ўзлашган сўзларга қўшилади. Бу аффикслар унумли сўз ясовчилик мақомида туриб, тилимизда кўплаб сўзларга қўшилиб келади ҳамда нотуркий ҳосиларни вужудга келтиришда иштирок этади. Масалан: *илмий, расмий, ижодий, салбий, китобий, хаёлий ва ҳоказо*; -йи ҳам -ий қўшимчаси сингари сифат ясайди, бироқ бу аффикснинг ясовчилик унумдорлиги -йи га нисбатан камроқ ададни ташкил этади: *савдоий, фидоий, саҳроий, сипоий*.

Кўринадики, ўзбек тилидаги қўшимчаларни шаклдошлик нуктаи назаридан талқин этиш бир қадар ўзига хосликларни намоён этади. Тил семиотик бирликлар мажмуаси сифатида мавжуд экан, унинг бағрида кўплаб ўзига хосликлар, чигалликлар, ечилиш лозим бўлган муаммолар сақланиб қолган. Морфологик шаклларни ўнгу терс шаклларини киёслаш эса диалектиканинг чизиқсизлик назарияси тилда ҳам ўз аксини топишини исбот этади.

Бошқача айтганда тилдаги бу хусусиятни морфологик палиндром атамаси билан номлаш мумкин. **Палиндрóм** – лотинча *пáлив* – “орқага, бошқатдан”, *δρόμος* – “югурмоқ, ҳаракат”, айлантормоқ – сон, фонетик қобик, сўз ёки матнларнинг икки томондан ҳам бир хил ўқилишидир¹. Тилимизнинг морфологик сатҳига палиндромик нуктаи назаридан ёндашилганда, ечилиш лозим бўлга муаммоларнинг адади ҳали чексиз эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

¹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D0%B0%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B4%D1%80%D0%BE%D0%BC>

Фойдаланилган адабиётлар

1. Shukurov O. Ona tili. – Toshkent, 2019-yil. – 136 b.
2. Mengliyev B., Xoliyurov O. Universal qoʻllanma. – T.: Fan, 2008. – 280 b.
3. Hoshimov Oʻ. <http://utkir.edunet.uz>, <http://www.ziyouz.com>, 2022.
4. Ҳожиев А. Ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент : Ўқитувчи, 1980, – 448 б.
5. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – 320 б.
6. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D0%B0%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B4%D1%80%D0%BE%C>

Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган

БАДИИЙ МАТНЛАРДА ШАХС РУҲИЙ ҲОЛАТИНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ

Ниязова Д.Х. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада инсоний ҳиссиётлар ифодаси берилган матнларнинг бадиий асарларда турли ҳолатлар воситасида юзага келиши, яъни асар персонажининг руҳий ҳолати унинг нутқи орқали англашилиши ҳамда персонажнинг руҳий ҳолати асар муаллифи нутқи воситасида берилиши ҳақида ёритилган.

Таянч сўзлар: *бадиий асар, матн, шахс, ҳиссиёт, руҳий ҳолат, персонаж, нутқ.*

Аннотация. В статье поясняется, что тексты, выражающие эмоции человека, встречаются в художественных произведениях через разные ситуации, то есть душевное состояние героя в произведении понимается через его речь, а душевное состояние персонажа дается через речь автора произведения.

Ключевые слова: *художественное произведение, текст, человек, чувство, психическое состояние, персонаж, речь.*

Annotation. The article explains that texts expressing human emotions are found in works of art through different situations, that is, the state of mind of the hero of the work is understood through his speech, and the state of mind of the character is given through the speech of the author of the work.

Key words: *work of art, text, person, feeling, mental state, character, speech.*

Маълумки, матн систем-структур аспектда ўрганилганда асосий эътибор унинг семантик-структур жиҳатдан яхлитлиги, таркибий қисмлари алоқаси, қисмларини боғловчи воситалар таҳлилига кенг эътибор қаратилди. Матн антропоцентрик аспектда тадқиқ этилганда эса унда тил эгасининг лингвистик қобиляти, шахс сифатидаги хусусиятлари, максади, истак-хоҳиши кабиларнинг юзага чиқиши масаласи ўртага ташланди. Бу муаммо матн лингвокультурологик, прагмалингвистик, социолнгвистик, психолнгвистик аспектларда тадқиқ этилган ишларда махсус ўрганилди. Бундай тадқиқотларда матн муайян халқнинг тили, маданияти, тафаккури, олами идрок этиш тарзи, дунёқараши, менталитети кабиларни намоиш қилувчи бирлик эканлиги эътироф этилди.

Тил инсоний ҳис-туйғуларни ифодалашнинг энг самарали усулларидан биридир. У шундай хусусиятга эга бўлганлиги учун ҳам ўқувчининг туйғуларини “бошқара олади” – унинг қалбида турли кечинмалар, ҳиссиётларни пайдо қилади.

Хусусан, бадиий матн “Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган бўлади” [10; 99].

Ўзбек бадиий прозасида ҳам инсоний ҳиссиётлар ифодаси берилган матнлар кўплаб учрайди.

Авалло, айтиш лозимки, ҳиссиёт ифодаси берилган матнлар бадиий асарларда турли ҳолатлар воситасида юзага келтирилади. Улардан асосийлари, қуйидагилардан иборат:

1. Асар персонажининг руҳий ҳолати унинг нутқидан англашилади:

Наҳот, Сиз ёки Сизга нисбатан кўнглимда тузилган телба муҳаббат фақат ва фақат ўзимнинг устимдан кулиш учун яралган бўлса?! Бирон кимсага лом-лим деб оғиз очолмайман, аччиқ-аччиқ куламан, холос. Соғинчининг зўридан эзилиб-кичрайиб, ҳолсизланиб қолган лаҳзаларда – бедор тунлар юрак дуқуридан ўзга ҳамроҳ тополмай аламдан аввал ўзимга маломат тошларини ёғдираман, сўнг Сизни айблашга ўтаман. Айблайман... ардоқлайман... соғинаман... Ўзимни зўрлаб бўлса-да, Сизни эсламасликка, исмингизу суратингизни хотирамда тикламасликка уринаман ва ҳарчанд уринганим сари... Сизни аввалгидан кўра қаттиқроқ яхши кўриб қоламан, аввалгидан кўпроқ ва тезроқ соғинаман, Сизга аталган қайноқ эҳтиросларимни аввалгидан кўра ёниб-тошиб изҳор этиши эҳтиёжи ортиб боради... [9;120]

2. Персонажнинг руҳий ҳолати асар муаллифи нутқи воситасида берилади. Бунда муаллиф қуйидаги усуллардан фойдаланади:

а) персонажнинг руҳий ҳолатини бевосита баён қилади:

Эшикдан қоқиниб-суриниб Салоҳиддин заргар кирди ва уйдан чиқаётган табибга тўқнашиб йиқилиб тушиди. Табиб уни ўрнидан турғизмоқчи бўлган эди, чол унинг қўлини силтаб ташлаб, ўқиб йиғлаганича ўзини мурда устига ташлади:

–Бўстониمنىнг гули! Очилмай сўлган гунчам! Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасму? Қари кўйдаи маъратиб, қари бувангни кимга ташлаб кетмишсен, кўзичоғим?.. Инонган фарзандим сен эдинг! Энди бу давлат, бу хонумоним кимга қолур, олтиним? Кимга?..

Муштдеккина бўлиб қолган заргарнинг гўдакларча фарёди Али Қушчини титратиб юборди. Кўзида гилт-гилт ёш, у деворга суянганича гарангсиб турарди. [7;170]

б) персонажнинг жисмоний хатти-ҳаракатларини тасвирлаш орқали унинг руҳий ҳолатига ишора қилади. Маълумки, инсон руҳиятидаги бирор ўзгариш, масалан, қувониш, хафа бўлиш, қўрқувга тушиш ва шу каби турли ҳолатлар унинг зоҳирий кўринишида намоён бўлади. Масалан, инсон нохуш хабарни эшитганда ранги оқариб кетиши, уялганида қизариб кетиши, қўрққанида тиззалари қалтираши табиий ҳолатдир. Бадиий матнда муайян шахс руҳий ҳолатини бевосита тасвирлашдан кўра ана шу ҳолатга ишора қилувчи жисмоний ўзгаришларни ифодаловчи бирликларни бериш нисбатан кўп кузатилади. Айтиш мумкинки, бундай бирликлар ҳатто стереотип бирликларга айланиб қолган. Буни қуйидаги изоҳларда кўриш мумкин:

- кўзлари чарақламоқ – хурсанд бўлмоқ;
- қовоғи солиқ – хафа;
- тиззалари бўшашиб кетмоқ – руҳан тушқунликка тушмоқ;
- юзи оқармоқ – нохуш хабардан ўта таъсирланмоқ;
- юзи қизармоқ – уялмоқ, қаттиқ ҳаяжонланмоқ;
- оёғини судрамоқ – умидсизликка тушмоқ;
- ўрнидан сакраб турмоқ – бирор нарсадан ўта ҳаяжонланмоқ;
- қўллари қалтирамоқ – ўта қўрқмоқ ёки ўта асабийлашмоқ;
- эти жимирамоқ – бирор ҳодисадан ўта таъсирланмоқ;
- овози қалтирамоқ – ҳаяжонланмоқ;
- юраги дуқулламоқ – ўта ҳаяжонланмоқ;
- ерга қарамоқ – уялмоқ;
- кўзига ёш келмоқ.

Қуйида берилган матнларда мана шу воситалар қўлланилганини кўриш мумкин:

–Онабиби!

Ҳеч ким жавоб бермади. Қўшинининг ити вовиллади, холос.

Ориф ака бирдан мажолсизланган оёғини базўр судраб уйга қараб интилди. [1;205]

Матнда қўлланган оёғини базўр судрамоқ бирикмаси роман персонажларидан бири бўлган Ориф аканинг асраб олган қизи Онабиби ҳақиқий отаси билан кетиб қолди, деб ўйлаб, бирдан умидсизликка тушиб қолиш ҳолатига ишора қилган.

Ўзининг мундан кейинги кўргуликларини фожиаълар водийсида кўрган кўрбоши бошлаб кишан калидини қутидор қўлига солди. Калидни бурар экан, унинг қўли дир-дир қалтирамоқда эди. Ҳомиднинг номаълум бир гарази йўлида қурбон қилинаётган ва бу

гаразда ўзининг ҳам иштирокининг борлигига қойил бўлгон кўрбоши ишни бу янглиг аксланишидан сирнинг очилганини муқаррар билиб, ўзини шу соат жаллод қўлига топширилишини аниқ кутмакда эди. [2; 105]

Бу матнда эса сири очилиб қолишдан бениҳоя кўрқатган кўрбошининг ҳолати қўли дир-дир қалтирамоқда эди бирикмаси воситасида кўрсатиб берилган.

Бобур хор-зор бўлиб чиқиб кетган ватанида бунчалик иззат-икром билан қарши олинишини хаёлига келтирмаган эди. У маркаби билан шаҳарнинг марказий хиёбонидан Кўксаройга қараб ўтаётганда Улугбек мадрасасининг баланд пештоқи ва миноралари устида қўшкарнайлар чалиб, нақораларни сайратиб, қувонч билдираётган ватандошларини кўрди. Шунда бирдан эти жимирлаб, кўзига ёш келди. [8;170]

Берилган матнда қўлланган *эти жимирлаб, кўзига ёш келди* бирикмалари асар персонажи (Бобур)нинг ўта ҳаяжонли, тўлиққан ҳолатини аниқ ифодалаш учун хизмат қилган.

Инсон руҳий ҳолатини ифодалашда ўхшатишлар ҳам муҳим ўрин тутади. “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”да маъноси изоҳланган турғун ўхшатишлар ичида хусусан ҳолат билдирувчи ўхшатишлар ўзининг таъсирчанлиги, образлилиги ва лингвопоэтик жиҳати билан ажралиб туради. Улар қаторига *баҳор ҳавосидай ўзгарувчан, безгак тутгандай қалтирамоқ, ёш боладай севинмоқ, бўздай оқармоқ, бўтадай бўзламоқ, вулқондай отилиб чиқмоқ, тилла топган гадойдай хурсанд, тўрвасини йўқотган гадойдай каловланмоқ, гулдай сўлмоқ, ранги докадай оқармоқ, етим кўзидай мўлтирамоқ, игна устида ўтиргандай безовта бўлмоқ, илон чаққандек тўлганмоқ, лавлагидай қизармоқ, лойдай бўшаимоқ, ўтдай куймоқ* каби турғун ўхшатишларни киритиш мумкин [3; 320]. Шахс ҳолатини образли тарзда ифодаловчи юқоридаги ўхшатишларда ўхшатиш эталони муҳим аҳамият касб этиб, у тил эгаларининг лисоний хотирасида барқарор бирлик сифатида сақланиб туради [4; 10]. “Халқнинг миллий образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида турғунлашган, эталонлашган образлар миллий идрокни акс эттиради” [5; 10]. Прецедент бирликлар қаторида турувчи бу каби эталонлар шахс руҳий ҳолатини эмоционал-экспрессив тарзда ифодаловчи воситалардан бири ҳисобланади.

в) табиат тасвири орқали персонажнинг руҳий ҳолатига ишора қилади:

Куз тонги салқин ва хушҳаво бўлади; энди қуёшнинг тафти тонгги қировларнигина эритишига зўрга етади; субҳи-содикданоқ бу ерларни ташлаб кетаётган қушларнинг сайроғи, қийқириқлари қулоққа чалинади; узоқ-узоқлардаги тоғларга лангар ташлаган аёз қўшинлари ҳали қуёш кезиб юрган чўлларга ва пахтазорларга тажсовузкор назар ташлайди, саҳар пайтлари эса кучи ва истеҳкомини билиб олмоқчи каби бу ерларга туманлар жосусона сирғалиб киради, қуёш чиқиши билан яна тоғлар орасига яширинади. Куз тонгида юрагинда пахтазор каби сирли ва хатарли нимадир уйғонади, лекин у туйғунинг отини сен ҳеч қачон тополмайсан, зотан, бу туйғунинг оти ҳам бўлмайди. [6;98]

Инсоннинг руҳий ҳолати акс этган матнлар шуни кўрсатадики, уларнинг синтактик-шақлий тузилиши ҳамда матн яратиш учун лозим бўлган номинатив бирликлар қандай бўлишини айнан матнда ифодаланаётган ҳиссиётнинг характери белгилаб беради – матн тузувчи шу ҳиссиётга мос келувчи сўзлар, жумлалар ва оҳангдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу матннинг муҳим психолингвистик хусусиятларидан биридир.

Шахснинг руҳий ҳолатини ифодалашда муайян тил бирликлари актуаллашади. Бундай бирликлардан оҳанг ва ассоциатив сўзларни энг фаол акцентуал бирликлар сифатида баҳолаш мумкин. Ўзбек тилидаги матнларнинг психолингвистик хусусиятларини ўрганишда бу бирликлар муҳим омилардан бири бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Мухтор. Чинор. – Роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 265 б.
2. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. – Роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 235 б.
3. Маҳмудов Н., Худайберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.
4. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули / Маҳмудов Н., Худайберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 10.
5. Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 10.

6. Н.Эшонкул. Момоқўшиқ. – Қисса. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 72 б.
7. О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси. – Роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 289 б.
8. П.Қодиров. Юлдузли тунлар. – Роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 320 б.
9. Х.Дўстмуҳаммад. Ҳижроним мингдир менинг. – Қисса. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 170 б.
10. Юлдашев М.М. Бадий матнинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2009. – 314 б.

Наишга проф. Б.Баҳриддинова тавсия этган

ШИМОЛИЙ ТОЖИКИСТОН ТОПОНИМЛАРИДА РАНГ-ТУС БЕЛГИСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ (ОҚ ВА ҚОРА СЎЗЛАРИ МИСОЛИДА)

Турдибеков М. (ТДЎТАУ)

Аннотация. Жой номлари қанча бўлса, уларнинг келиб чиқиши тарихи, маъноси ҳақидаги тахминлар ҳам шунча кўп. Географик номлар қайси халқ тилида бўлмасин, баъзи бирларининг маъносини осонгина тушунса бўлади, баъзи номлар мураккаб бўлиб, тушуниш қийин ёки бутунлай тушунарсиздир. Баъзи бир номлар маъноси тушунарли бўлиб кўринса ҳам, лекин анча мураккаб бўлади. Мақолада шундай топонимларга ранг-тус белгисини англатувчи сўзлар таркибий қисм бўлиб келган ономастик бирликларни киритиш мумкинлиги ҳақидаги фикрлар ёритилган.

Таянч сўзлар: *топоним, этноним, гидроним, ҳудуд, гузар, боғ номи, дастлабки чўзиқлик, кейинги чўзиқлик.*

Аннотация. Чем больше топонимов, тем больше предположений об истории, значении их происхождения. Значение некоторых географических названий можно легко понять, независимо от того, на каком народном языке они произносятся, некоторые названия сложны и трудны для понимания или совершенно непонятны. Хотя некоторые названия кажутся понятными по смыслу, но будут гораздо сложнее. Такие топонимы могут включать в себя ономастические единицы, компонентами которых стали слова, обозначающие признак цветового оттенка.

Ключевые слова: *топоним, этноним, гидроним, территория, гузар, баньоми, начальный участок, последующий участок.*

Annotation. The more toponyms there are, the more assumptions there are about the history and meaning of their origin. The meaning of some geographical names can be easily understood, regardless of what vernacular they are pronounced in, some names are complex and difficult to understand or completely incomprehensible. Although some of the names seem clear in meaning, they will be much more complicated. Such toponyms may include onomastic units, the components of which are words denoting a sign of a color shade.

Keywords: *toponym, ethnonym, hydronym, territory, guzar, banks, initial site, subsequent site.*

Ўзбек тилидаги ранг кўрсаткичлар – *қора, оқ* сўзлари топонимлар таркибида камдан-кам ҳолларда шу ранг маъносида қўлланилади. Масалан, *қора* сўзининг ёмон ер, шарпа, паст, шимол, қорсиз маънолари мавжуд. Жой номи таркибида келганда ҳам у ўшандай маъноларда ишлатилиши мумкин. Масалан: *Қора денгиз* – шимолдаги денгиз, *Қоратог* – паст тоғ, *Қорасув* – сизот сув, булоқ суви маъноларини англатади. Топонимлар таркибидаги *оқ* сўзи ҳам окни англатмайди. Чунончи *Оқтоғ* – қорли тоғ, баланд тоғ, юксак тоғ; *Оқтепа* – боёнлар тепаси, оқсуяклар тепаси, ёруғ тепа маъноларини, *Оққум* – ўсимлик билан мустаҳкамланмаган кўчма қумни англатади.

Қора сўзининг асл маъносида ранг-тус ётади, яъни кўмир, қурум, қорақуя, мум каби нарсалар туси *қора* орқали ифодаланади. Қора кўпинча *оқ* сўзининг (баъзан қизилнинг) антоними бўлиб хизмат қилади.

Қора ўзбек тили луғат фондининг энг қадимий ва асосий сўзларидаи ҳисобланади. У тарихий меросларда ва қадимги ёзув ёдгорликларида учрайди: *Ancha biliñlär ädgü ol! Qara örgük yuljağumasqan tidi ödmäñ körmäñ ürkitiñtir. Ancha biliñ.*

Мазмуни: Шундай дейишади: қора попишак (қуш) ҳатто бир йилда ҳам ўзгармайди (рангги оқармайди, қўлга ўрганмайди).

«Девону луғотит турк»да: *қара* – ҳар бир қора нарса маъносида ишлатилиши қайд этилади.

*Қара түнүг кечүрсәдим
Ағыр үни учурсадәм,
Жетикәниг қачурсадым,
Сақыш ичрә күнүм тугды.*

Мазмуни: Қоронғи кечанинг ўтишини истадим. Оғир уйқуни қочиришни истадим, бир неча марта Етти қарокчи юлдузининг айланишини санадим. Санамоқда эдим, кундуз қуёши порлаб чиқди. (ДЛТ, III т. 265).

Қора сўзининг туркий тиллардаги вариантлари қуйидагича: ўзбек тилида – *қора*; қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тилларида – *қара*; озарбайжон, туркман тилларида – *гара*; хакас, мўғул тилларида – *хара*; чуваш тилида – *хура* ва бошқалар.

Бундан ташқари, туркий, мўғул тилларида *қора* ~ *қара* ~ *хара* – баланд бўлмаган тепалик, тепа, баландлик, кичик тоғ маъноларини ҳам ифода этади. Демак, бу ўринда ранг маъноси эмас, балки географик тушунча – ер сатҳи белгиси маънолари намоён бўлади.

Шимолий Тожикистон худуди географик жой номларида *қора* унсурли ономастик бирликлари анча фаол қўлланилганлигини кўриш мумкин. Уларнинг айримлари ранг маъносига оид аниқловчилик вазифасида қўлланилган бўлса, иккинчи гуруҳ топонимларида сатҳга нисбатан белгини воқелантириш учун хизмат қилган.

Чунончи: Жаббор Расулов тумани Қуланбош қишлоғидаги мазор номи *Қорамозор*. Бу атама унчалик баланд бўлмаган ва нотекис тепаликда жойлашган мазор деган маънони англатади.

Жаббор Расулов тумани Деҳмой қишлоғининг номларидан бири Қорабўйин тўбаки деб номланади. Қорабўйин – қорамўйин туркий халқларга, қипчоқларга хос этноним. У ўрта асрларда қипчоқлар иттифоқига хос уруғ бўлган. Кўчманчи қишлоқлар билан Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонга келиб, турли уруғ ва қабилалар билан қўшилиб кетган, уларга тобе уруғ ё тармоққа айланган. Бухоро ва Самарқанд қорақалпоқлари, Фарғона қорақалпоқлари, Сурхондарёнинг Тўполон дарёси чап ирмоғи Шарғунсой бўйларидаги қарлуқлар, Бойсун кўнғиротлари тортувли бўлимининг *майдитуба* уруғи таркибида *қорабўйин – қорамўйин* этнонимининг мавжудлиги бу фикрни исботлайди.

Спитамен туманидаги Нов қишлоғи маҳаллаларининг номи *Қорабўйин*, Лангар қишлоғидаги гузар номи ҳам *Қорабўйин*; Оқ тепа қишлоғидаги ариқ номи *Қорасув*, Оқтепа қишлоғи яқинидаги экин майдони номи *Қора ер*, Лангар қишлоғидаги бир гузар номи *Қорачўянчи*.

Қорасув – гидронимияда қора – ер ости, сизот маъносини беради. *Қорасув* ва *Оқсувга* қиёсланган. *Қорасув* – тоғ бағирлари ва тепаликларида ер ости, булоқ сувлари билан тўйинадиган гидроним ҳисобланиб, йил фаслларининг барчасида бир хил оқиб турадиган ариқ. *Оқсувнинг* оқими эса йил фаслларига қараб озайиб, кўпайиб туради.

Қораер – қора – текис жойда, унчалик баланд бўлмаган жойдаги майдон. *Қорачўянчи* гузарининг аталишига эса туркий уруғларнинг бирининг номи асос бўлган, бу ўринда этноним топонимга кўчган.

Жаббор Расулов туманидаги Хитой қишлоғидаги боғларнинг номи *Қора камар* ва *Қорашувоқ*; Гончи туманида ҳам *Қорабўйин* деган қишлоқ бор, Кўтурбулоқ қишлоғидаги боғ номи эса *Қоратош*.

Қора камар, *Қорашувоқ* ва *Қоратош* топонимларида қора унсури объектнинг нисбатан тепаликда, баландликда воқеъ бўлганлигининг ифодаси учун шу ном билан аталган.

Истаравшан туманида *Қорасоққол* отли қишлоқ бор. *Қорасоққол бобо* деган тарихий мазор; Яккатол қишлоғи қабристоннинг номи *Қорамозор*; Кунжак қишлоғи атрофидаги адир ва тепалик номи – *Қоратош*; Кенгкўл ва Шахристон қишлоқлари орасидаги яйлов номи – *Қорабулоқ* деб аталади.

Ўратепа шаҳрининг бир гузари *Қорабек* деб номланган; Хўжанд туманидаги қишлоқ ва овул номи – *Қорабўйин*; *Қоражингил*, шунингдек, мазкур худудда *Қорашувоқ*, *Қоратой* сингари жой номлари, *Қорамозор* деган ғор номи мавжуд.

Конибодом туманида эса *Шаҳидқораянтоқ* деган қишлоқ, *Эскиқораянтоқ* номидаги маҳалла; Даштқораянтоқ қишлоғида *Қоратог отли* ариқ бор. Кўриниб турибдики, бу ономастик бирликларнинг барчасининг таркибида **қора** компоненти ўз аксини топган.

Шундай қилиб, географик номларнинг аталишида *қора* компоненти турли хил семаларнинг ифоланиши учун хизмат қилган, баъзан ранг маъносига эга бўлса, баъзан бошқа хусусиятларни (*Қорабўйин* – уруғ номи билан боғлиқлик) акс эттирган – барибир бу унсур белги ифодачиси бўлиб қолаверган.

Оқ – ўзбек тилида сифат сўз туркумига мансуб сўз бўлиб, деярли барча туркий тилларда фонетик ўзгариш ва семантик силжишлар билан истъёмол этилади. Масалан, қиримтатар, қорачой-балқар, қирғиз, қозоқ, татар, бошқирд, уйғур, лобнор, олтой ва тува тилларида – а:қ/а:ғ; озарбойжон ва турк тилларида – ағ/а:қ; турк тилининг айрим лаҳжаларида, хакас ва қараим тилларида – ах; фақат ўзбек тилида *оқ* шаклида қўлланади.

Аслида а:қ/а:ғ жуда қадимий. Боботил даврида олтой тилларида иккита чўзиқлик: дастлабки чўзиқлик ва кейинги чўзиқликлар қонуният сифатида мавжуд эди. Шунинг учун ҳам бир қатор туркий тилларда а:қ/а:ғ кўриниши ҳамон сақланиб қолган. Аммо бу фонетик ҳодиса фақат шаклан тарихий қолдиқ сифатида тилларда яшаб келмоқда. Ҳозир эса бу дастлабки ёки фонологик чўзиқлик кейинги ёки фонетик чўзиқликка айланиб бўлган.


Туркий тилларда бу сўз *оқ* рангига семантик боғлиқ ҳолда қуйидагича қўлланади: туркман, турк, қорачой-балқар тилларида – *оқлик*; туркман, турк, озарбайжон, кўмик, қабарда-балқар тилларида – *қўзга тушган оқ*; турк, озарбайжон, гагауз, қримтатар, кўмик, қорачой-балқар, қарайим, қирғиз, олтой, хакас, тува тилларида – *тухумнинг оқи*; татар ва хакас тилларида – *оқиши*; турк, қарайим, кўмик, қорачой-балқар, татар, бошқирд, хакас, тува тилларида – *оқ тушган*; хакас тилида – *ажойиб*, *зўр* маъноларини ифода этади.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида а:қ чўзиқ талаффуз қилинганлиги келтирилади: а:қ *сақал* – соч-соқоли оқарган маъноларини ифодалаган. Демак, эски туркий тил даврида ҳам унлилар икки кўринишли бўлган: ақ//а:қ. Бу омоним сўзларнинг бири – сифат, иккинчиси – феъл сўз туркумига хос бўлган.

Навий асарлари тилида бу сифат отлашган кўринишда ҳам истъёмол этилган, бундай ҳолат ифода имкониятини кенгайтириш, белги устуворлигини кенгайтириш учун қўлланган:

*Оқу қаро узра бериб иштиҳор,
Мушк ила кофуруни лайлу наҳор* (ХА, 5-бет).

Демак, туркий тилларда *оқ* компонентли топонимлардаги *оқ* омонимлик хусусиятини намоён қилади:



Бундай семантик тармоқланиш Шимолий Тожикистон ҳудуди топонимларида ҳам кенг миқёсда ўз аксини топган. Хусусан, Жаббор Расулов тумани Хитойреза қишлоғидаги бир ариққа *Оқ қалъа*, шу тумандаги Ғўланкандоз қишлоғидаги экин майдонига *Оқ ер*, кичик дарёга *Оқсу*, бир қишлоққа эса *Оқтепа*, Иторчи қишлоғида жойлашган масжидга *Оқ маҷит*, Мужун қишлоғидаги бир маҳаллага *Оқсоқол* сингари номлар берилган.

Оқмаҷит атамасига тўхталинса, XVIII–XIX асрларда Бухоро амирлигида қурилган масжидлар *Оқмаҷит* деб номланган. Оқ хонликка қарашли эканлигига, ҳажми катталигига ишора. *Оқмаҷит* – катта масжид.

Оқсоқол маҳалласининг шундай аталишига дастлаб шу жойда уй қуриб маҳалланинг бунёд бўлишига ҳисса қўшган ёки айни маҳаллага узоқ йиллар раҳбарлик қилган улуғсифат кишининг номи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шунингдек, Истаравшан туманидаги Сурхобча қишлоғидаги сойга *Оқтош*, Кунжак қишлоғидаги тепаликка *Оқтепа*, Нижони қишлоғидаги маҳаллага *Оқмаҷит*, Чорбоқ

қишлоғидаги булокқа *Оқсой*, Кенгкўл қишлоғи яқинидаги яйловга ҳам *Оқсой*, Шахристон қишлоғи атрофидаги яйловга *Оқтош*, шу қишлоқдан ўтадиган ариқча-да *Оқсой* номи берилган.

Оқсой, *Оқсу* – гидронимлари ҳаракат билан боғлиқ маънони акс эттириш учун юзага келган, ҳар икки топоним ҳам тинимсиз оқиб турадиган сув семасининг ифодаси саналади.

Оқтепа – баландлик жойда қадимги кўрғон ўрни. Оқ сўзи бу ўринда ҳам катта, баланд, юксак маъносига эга. *Оқ тепа* – ён-атрофида шу типдаги бошқа баландликлардан ҳажман катта бўлган тепа.

Оқ компоненти *йоқ+ари* сўзининг анлаутдаги монолог асосидир; *-(қ)ари* қадимги туркий тиллардаги жўналиш келишигининг кўшимчаси, топоним ясашида, тилнинг ихчамлашиш қонунига асосан иқтисод қилинган ва “Йоқарудаги тепа” тарзидаги кенгайган шакл ўрнида “Оқтепа” кўринишидаги ихчам кўриниш пайдо бўлган.

Оқтош – шу ҳудудда ранги ўзгача бўлган тошлар мавжуд бўлиб, шу белги сой номига кўчган. Тошларнинг таркибига турли маъданлар – кварц, кўрғошин, олтин ва бошқа минераллар бўлса, тошнинг ранги одатдагидан бошқача кўриниш касб этади. Бу белги бошқа кўринишлардан устунлик қилган ва гидроним номи белгилаган.

Шундай қилиб, *оқ* сўзининг ҳар уч маъноси Шимолий Тожикистон географик номларида топоним ясовчи компонент сифатида фаол истемолда бўлган деган яқуний хулосага келиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маҳмуд Кошқарий. Девону луғотит турк. – Тошкент: Фан. I т., 1960. – 250 б.; II т. 1962. – 214 б.; III т. 1963. – 234 б.
2. Шапилин К. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент, 1971. – 131 с.
3. Кармишева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана, – Москва, 1975. – С. 80.
4. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 288 б.
5. Муруватов Ж. Маълумоти мухтасар дар бораи шеваи тожикони Файзобод. – Душанбе, 1967. – С. 15–16.

Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган

SO‘ZSHAKLLAR DOIRASIDAGI SODDALASHISH

Usmonova M.K. (QarDU)

Аннотация. Мақоллада сoddalashgan so‘zshakllar xususida so‘z boradi. Hozirgi o‘zbek tilida keng qo‘llanuvchi so‘zshakllari tarkibida ham soddalashish sodir bo‘lganligi misollar asosida yoritilgan. So‘zlar tarkibida asosan tovush almashinuvi, tovushlarda o‘rin almashishi, tovush tushish kabi o‘zgarishlar so‘zlar tarkibidagi morfemalarning bir-birlari bilan singishib ketishiga sababchi bo‘lgan. Boshqa o‘zgarishlar, masalan, so‘z tarkibidagi qayta bo‘linish hodisasi ham, qayd etilgan tovush o‘zgarishlarining natijasi sifatida yuzaga kelganligi bayon etilgan.

Таянч со‘злар: *ko‘chma ma‘no, so‘zshakl, maxsuslashish hodisasi, soddalashish, o‘zlik nisbat, fe‘l, o‘zak-asos, orttirma nisbat, etimologiya, tovush, o‘rin almashish, omonimik, morfem tarkibi, shakl yasovchi qo‘shimcha, tovush almashinishi, singishish, tovush tushishi, qiyoslash, so‘z tarkibi, murakkab sifat yasovchi, qayta bo‘linish hodisasi.*

Аннотация: В статье речь идет об упрощении формы слов. На примерах показано, что упрощение произошло и в структуре словосочетаний, широко используемых в современном узбекском языке. Такие изменения в структуре слов, как чередование звуков, чередование мест в звуках, выпадение звуков, были причиной того, что морфемы в составе слов сливались друг с другом. Было показано, что другие изменения, такие как явление перераспределения в структуре слова, также произошли в результате зарегистрированных звуковых изменений.

Ключевые слова: *переносное значение, словосочетание, феномен специализации, упрощение, залог, глагол, основа, этимология, звук, местоимение, омонимия, состав морфем, формообразующее дополнение, звукоподражание, ассимиляция, звукопроизношение, сравнение, словоизменение.*

Annotation: The article describes the simplification of compound words. Examples of the fact that simplification also took place in the structure of the compound words widely used in the current Uzbek language are covered. Changes in the composition of words, mainly such as Sound Exchange, displacement in sounds, sound fall, were the reasons for the absorption of morphemes in the composition of words with each other. It has been shown that other changes, such as the phenomenon of redivision in the composition of a word, also occur as a result of the recorded sound changes.

Keywords: *portable meaning, wordshakl, phenomenon of specialization, simplification, identity ratio, verb, core-base, incremental ratio, etymology, sound, place-sharing, homonymic, morpheme composition, form-forming addition, Sound Exchange, absorption, sound fall, comparison, word tar.*

Hozirgi o‘zbek tilidagi *buz, bura* so‘zshakllari alohida izohlashni talab qiladi. *Burmoq* fe‘li “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da oltita ma‘noli so‘z sifatida belgilanib, uning birinchi va ikkinchi ma‘nolari asl ma‘no sifatida “Harakat yo‘nalishni o‘zgartirmoq, bir tomonga qayirmoq; biror tomonga o‘girmoq, qaratmoq” tarzida izohlangan. Uchinchi ma‘nosi ko‘chma ma‘no sifatida qayd etilib og‘dirmoq, moyil qilmoq tarzida qayd etiladi. To‘rtinchi ma‘no *yig‘moq* tarzida aslida xato berilgan. Bu o‘rinda u *chatib tikmoq* ma‘nosida qo‘llangan. Misolga e‘tibor beraylik: *Ziyodaxon ... qopning og‘zini yana burib qo‘ydi* (A.Qahhor) gapida, aynan, qopning og‘zini “chalakam-chatti yoki yirik-yirik tarzda juvoldiz vositasida tikmoq” ma‘nosi anglashiladi.

Beshinchi ma‘nosi sifatida *aylantirmoq, boshqarmoq* ma‘nolari berilgan. Oltinchi ma‘nosi *siqmoq, chimchilamoq* tarzida izohlanadi va *Qo‘lini burab-burab oldi. Oltin uzuk barmog‘imni buradi...* gaplari keltirilgan [1-jild, 380] misollar o‘rinsiz berilgan. Chunki bu gaplarda *bur-* fe‘li emas, *buramoq* fe‘li qayd etilgani kuzatiladi. Vaholanki, *burmoq* va *buramoq* fe‘llari lug‘atda alohida birliklar sifatida ayrim-ayrim berilgan.

Ko‘rinadiki, o‘zbek tilida *burmoq* fe‘li narsani biror tomonga o‘girmoq, qaratmoq harakatini davomsiz holda, bir urinish darajasida bajarishni bildiradi: *Mashinani burdi, boshini burdi* kabi. Bu o‘rinda *mashinani buradi* yoki *boshini buradi* tarzida qo‘llash mumkin emas.

Shu lug‘atning 375-sahifasida *buramoq* fe‘li to‘rt ma‘noli so‘z sifatida qayd etilib: a) “doiraviy harakatga keltirmoq, aylantirmoq”; b) “o‘rab, aylantirib, burama shaklga keltirmoq”; v) “aylantirib joyiga tushirmoq, mahkamlamoq”; g) “prujinali mexanizmlarni harakatga keltirmoq” ma‘nolari borligi beriladi.

Bu so‘zshaklning kelib chiqishi “O‘TEL”ida “doira shaklida ko‘p marta aylantir” anglatgan *bur* – fe‘lidan “takror” ma‘nosini ifodalovchi *-a* qo‘shimchasi bilan hosil qilinganligi ehtimoli tarzida aytiladi [ESTYA, 11,265]; o‘zbek tilida *a* unlisi *ä* unlisiga almashgan: *bur-+a=bura→burä* deb belgilangan [68-bet].

Ko‘rinadiki, o‘zbek tilidagi *bur* va *bura* so‘zlari: a) kelib chiqishiga ko‘ra, albatta, bir-biriga aloqador; b) har ikkala so‘zning asl ma‘nosi ham aloqador. Ya‘ni biror narsani bir tomonga qarab yo‘naltirishdir. Biroq *bura* so‘zida yo‘naltirish harakati davomli tarzda bajariladi. Bu harakat tarzi o‘zgarganligini ko‘rsatadi. Demak, *bur* bir martalik harakatni, davom etmagan harakatni ifodalasa, *bura* davomli harakatni ifodalaydi.

Davr o‘tishi bilan *bura* fe‘li ifodalagan “bir tomonga davomli tarzda yo‘naltirmoq” ma‘nosi *bur* fe‘li ifodalagan “bir marta yo‘naltirmoq” ma‘nosidan uzoqlashgan, ma‘noda maxsuslashish hodisasi yuz bergan. Hozirgi holatda masalan, “gaykani burdi” tarzida ishlatish mumkin bo‘lmaganidek, “mashinani buradi” tarzida ham ishlatib bo‘lmaydi. Har ikkala fe‘l alohida-alohida harakatni ifodalaydigan birlikka aylandi. *Bura* fe‘li tarkibidagi *-a* affiksi asos bilan singishdi va soddalashish hodisasi sodir bo‘ldi. Bunday holat, *qo‘zi – qo‘zg‘a, qo‘zg‘at; alji – aljira, jim – jimi* birliklarida ham kuzatiladi.

Hozirgi o‘zbek tilidagi *og‘ana* (ag‘ana), *ag‘dar, og‘dir* so‘zlarida ham soddalashish hodisasi darajali tarzda ro‘y berganligini ko‘rishimiz mumkin. Bu so‘zshakllar tarkibida *ag‘-* (og‘moq) asosi mavjud. Aslida *og‘ir* so‘zi ana shu o‘zak-asos bilan aloqadordir. Qatordagi birinchi so‘z *og‘+in+a* tarkibiga ega bo‘lib, *-in* o‘zlik nisbat ko‘rsatkichi, *-a* esa harakat tarzini kuchaytiruvchi shakldir. Keyingi *ag‘dar* so‘zi ikki qismdan iborat deb qaralsa, uning tarkibida ortirma nisbat ko‘rsatkichi *-dar* qo‘shimchasi borligi seziladi. Oxirgi so‘zda ham shunday. Biroq *ag‘dar* va *og‘dir* so‘zshakllari ma‘no qirralariga ko‘ra farqlanib qolgan hamda ular tarkibida soddalashish sodir

bo'lgan. Ya'ni bu so'zlarning o'zak qismi iste'moldan chiqqan boshlagan. Uning og'moq fe'liga aloqadorligi uqilmay qola boshlagan. Bu holat soddalashish uchun asos bo'lgan. O'zbek tilidagi og'moq, og'darmoq, ag'namoq, ag'anamoq fe'llarining etimologiyasi A.Mamatovning "Etimologik kuzatishlar" kitobida [- T., 2010, 74-bet] qayd etilgan.

Hozirgi o'zbek tilida keng qo'llanuvchi o'rgan, o'rgat so'zshakllari tarkibida ham soddalashish sodir bo'lgan. Shuni aytish kerakki, avvalo, bu so'zshakllar tarkibida, bizningcha, tovushlarning o'rin almashishi kuzatiladi. Ya'ni *g>r* o'zgarishi bo'lib, o'gran→o'rgan holiga kelgan. Chunki so'zning asos qismi *ōz* (aql, bilim) bo'lishi kerak. Eshlasak, o'qi fe'lining o'zagi ham shu *ōz* bilan aloqador. "Turkiy tillar etimologik lug'ati" (TTEL) da har ikki fe'ning o'zagi *bilmoq, tushunmoq* ma'nosidagi *ō-* fe'li yoki *fikr, aql* ma'nosidagi omonim *ōz* shaklidan iborat deb qaraladi va ko'pchilik shu fikrni quvvatlaydi. Biroq, omonimik *ōz* shaklining *-ch* elementi orqali *ō-* fe'lidan yasalganligini hisobga olsak, har ikki fe'l o'zagini bevosita *ō* shakli deb hisoblash mumkin.

Ushbu so'zlarning tarkibi boshqacharoq tarzda talqin etilgan holatlar ham bor. Jumladan, «O'zbek tilining qisqa etimologik lug'ati»da bu fe'llarning asl morfem tarkibi *ogur+a+n* dan iboratligiga ham ishora bor: o'gra+fe'l yasovchi *-a+n* o'zlik daraja ko'rsatkichi (o'gran); o'gra+-a+-t (ortirma nisbat shakli). Yana boshqa manbalarda ham bu fe'l shakllarining tarkibiy qismlarga ajralishi qayd etib o'tiladi.

Yuqorida qayd etilgan so'zlardagi soddalashish holatini guruhlashtirsak, quyidagi ko'rinishlarni qayd etishimiz mumkin: 1) oldinda turuvchi morfema o'zidan keyinda turgan morfema (o'zak morfema) bilan singishib, soddalashish yuz beradi: *da:ada→dada, ta+og'a→tog'a; ach+yir→ayir* (ajrat ham shunday) kabilar:

2) keyingi morfema (so'z yasovchi yoki shakl hosil qiluvchi) oldingi (odatda, o'zak morfema) morfema bilan singishib soddalashish sodir bo'ladi va bu ko'p kuzatiladi: *turt, qurt, yirt, yiqit, tiril, tirik* va boshqalar.

Turt, yiqit, qurt, yirt (bunday tuzilishli so'zlar anchaginadir: *qayt, ayt, yo'rt, surt, bo'rt, tort, yurt, o'rt* kabilar) kabi tuzilishlarda *-t* ning affiks ekanligi ma'lum, biroq, hozirgi holatda uning qanday morfema ekanligini aniqlash qiyin bo'lib qolgan; *tiril* va *tirik* so'zlarining bir o'zakdan yasalganligiga hech shubha yo'q. Tarkibida *-l* va *-k* affikslari yasovchi sifatida qo'llanganligi ham bilinib turadi: *-l* fe'l yasagan, o'zlik nisbatni ham bildiradi: *-k* esa sifat yasaydi, ya'ni har ikkala so'zshakl ham qismlardan tashkil topgan. Biroq bu so'zshakllarning o'zak qismini belgilash jiddiy etimologik tahlilni talab qiladigan darajada sezilib qolgan (*ti, tir* yoki *tiri* o'zakmi ekanligi aniq emas. Hozir bunday ma'noli qismni belgilash mumkin bo'lmaydi. Demak, o'ta soddalashish sodir bo'lgani kuzatiladi. Hozir har ikki so'zshakl tub so'zshakl tarzida baholanadi. Ularni morfemalarga ajratib bo'lmaydi.

3) o'zak oldidagi va ketidagi morfemalarning o'zak bilan oldinma-ketin singishishi orqali soddalashish yuzaga keladi: *yutmoq, yilon, yiring, yuzum, yubor* kabilar; jumladan, *yiring* so'zida asosiy o'zak morfema *-ir* tarzida belgilangan (*-ar, er, -eri...*), uning oldidagi *yi* (to'planish ma'nosidagi) so'z-morfema bilan singishib *yir*, so'zshaklini hosil qilgan, keyin esa *-ing* morfemasi qo'shilib, (asosan *-n*) ot yasagan, oxir-oqibat bu uch morfema bir-biri bilan singishib soddalashishni yuzaga keltirgan:

Aytilgan bo'lsa-da *-asiga* affiksi alohida qayd etilmagan. O'zbek tilidagi *ko'ndalang+iga, atrof+licha, o'g'rincha (-icha)* ko'pincha (*-incha*), *qator+asiga, ko'tar+asiga, yolg'on+dakasiga, rosta+kamiga* kabi so'zshakllar tarkibi ham bizning kuzatishimizcha, boshqacharoq talqin etilishi kerak. Shu holatni asoslash uchun *yolg'ondakasiga* yoki *rostakamiga* so'zlarini tahlil qilib ko'ramiz: *rost-* o'zak morfema bo'lsa (bu sezilib turibdi), *-aka* yoki *-akam* qismi qanday element bo'ladi? *-iga* qismi alohida affiks sifatida qayd etilgan [O'zbek tili grammatikasi. – T.: Fan, 1975. – B. 530]. Bunday tahlil qilinsa, *rostakam* qismi qo'shma so'zshakl sifatida ham baholanishi mumkin. Ya'ni so'zshakl *rost+aka+-m+-iga* tuzilishga ega bo'lib qoladi. Bunga hech qo'shilib bo'lmaydi. Ko'rinadiki, bizga ma'lum qismlar sifatida *rost, -m, -iga* elementlari ajraladi (*-iga* affiksidir), biroq *-aka* qismi noma'lum bo'lib qoladi. Agar *rostakam* qismi aniq bo'lib, lug'atda qayd etilganini hisobga oladigan bo'lsak [katta imlo lug'atida qayd etilgan. –T., 1976. – B. 355] va shu tarzda qayd etilganini nazarda tutib, *-iga* shaklini ham murakkab affiks, deb hisoblasak, so'zning tarkibi *rost+akam+iga* tuzilishiga ega bo'ladi. Buni ham tan olish qiyin: a) *rostakam* so'zshaklining alohida qo'llanilishi juda cheklangan; b) *-iga* qismini murakkab affiks sifatida

belgilash hali yetarli asoslanmagan. Chunki *-ga* alohida ajralib turibdi – uning jo‘nalish kelishigi ko‘rsatkichi sezilyapti. Shuningdek, rostakam qo‘llanishi tan olingan ekan, rostakami shakli ham tan olinishi va qayd etilishi mumkin: *rostakami shunday* kabi. Xullas, *rostakamiga* so‘zini morfemalarga ajratish hali muammoligicha qoladi. Uni, yaxshisi, soddalashgan so‘zshakl sifatida baholab qo‘yaqolish maqsadga muvofiqdir.

Buni *yolg‘ondakasiga* so‘zshakl tuzilishi ham tasdiqlaydi. Ya‘ni bu so‘zshaklni *yolg‘on+-da+-ka+-siga* tarzida ajratish kerakmi yoki *yolg‘on+-daka+-siga* tarzida ajratish kerakmi? masalasi hal etilmagan. Faqat *yolg‘on* va *-siga* qismlari alohida birliklar sifatida qayd etilgan. O‘rtadagi *-da*, *-qa* (*-daka*, *-daqqa*) qismlarini qanday birliklar sifatida qayd etish qiyinlashib qolgan (*yolg‘ondek+akasiga* tarzida qarab bo‘lmaydi). O‘zbek tilida bu so‘zning *yolg‘ondakamiga* shakli ham borligi qayd etilgan [O‘sha lug‘at, – B. 156]

Ko‘rsatilgan lug‘atda *yolg‘ondakasiga* so‘zshakli qayd etilmasa-da, “O‘zbek tili grammatikasi”da [1975, 530] bu so‘zshakl *yolg‘ondakasiga* shaklida qayd etilgan. Bu so‘zshaklning *yolg‘ondaka* tarzida (*-daka*) berilishi masalasi ham muammolidir.

Demak, bu so‘zshaklni ham soddalashgan so‘zshakl qatoriga kiritish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Chunki *yolg‘onda*, *yolg‘ondaka* so‘zshakllari alohida kuzatilmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Т. I. – М.: Наука, 1974.
2. Маматов А. Этимологик кузатишлар. – Т.: 2010. – 210 б.
3. Рахматуллаев Ш. ва бошқалар. Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати. 1-қисм. – Т., Университет, 1997.
4. Тожиёв Ё. Ўзбек тили морфемикаси. –Т., 1992. – Б. 8-41.
5. Бердалиев А. Сўз таркиби ва шакл маъно мутаносиблиги. – Бишкек, 2013. – 153 б.

Nashrga prof. B.Bahriddinova tavsiya etgan

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ВАҚТ ТАЛҚИНИ

Шодмонов Н.Н. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада шарқ мутафаккирларининг вақт тушунчасига фалсафий ва тасаввуфий муносабатлари, жумладан Алишер Навоийнинг бу тушунчага фалсафий ёндашуви ёритилган. Шоирнинг *дахр*, *замон* ва вақт тушунчалари талқинидаги ўзига хосликлар таҳлил қилинган. Вақтни ифодалашда шоирнинг бир неча ўнлаб арабий, форсий ва туркий сўзларни ирфоний, фалсафий, тасаввуфий ва дуновий маъноларини маҳорат билан очиб берганига диққат қаратилган.

Таянч сўзлар: *дахр*, *замон*, *қадим*, *аср*, *муддат*, *он*, *авон*, *азал*, *абад*, *тасаввуф*, *дунёвий*.

Аннотация. В данной статье описывается философское и мистическое отношение восточных мыслителей к понятию времени, в том числе философский подход Алишера Навои к этому понятию. Анализируется своеобразие великого поэта в трактовке понятий вечности (*дахр*) и времени. Внимание автора привлекает мастерское толкование поэтом десятков арабских, персидских и турецких слов, имеющих духовное, философское, мистическое и светское значение в выражении времени.

Ключевые слова: *вечность (дахр)*, *время (замон)*, *древний (қадим)*, *век (аср)*, *срок (муддат)*, *секунд (он)*, *время (авон)*, *изначальный (азал)*, *вечный (абад)*, *мистицизм (тасаввуф)*, *светский (дунёвий)*.

Annotation. This article describes the philosophical and mystical attitudes of Eastern thinkers to the concept of time, including Alisher Navoi's philosophical approach to this concept. The originality of the great poet in the interpretation of the concepts of eternity (*dahr*), tense and time are analyzed. The author's attention is drawn to the poet's masterful interpretation of dozens of Arabic, Persian, and Turkish words with spiritual, philosophical, mystical, and secular meanings in expressing time.

Keywords: *eternity (dahr)*, *tense (zamon)*, *ancient (qadim)*, *century (asr)*, *term (muddat)*, *moment (on)*, *primordial (azal)*, *ever (abad)*, *mysticism (tasavvuf)*, *secular (dunyoviy)*.

Алишер Навоийнинг фалсафий қарашлари, ақида ва этиқоди масаласига доир фикрлар бир неча олимлар томонидан билдирилган бўлса-да, уларнинг ҳеч бири фалсафанинг муайян мавзуларига бағишланмаган. Бу ҳол эса буюк мутафаккирнинг

фалсафа илми билан нечоғли яқинлигини аниқ тасаввур қилишга имкон бермайди. Шунинг учун бу ерда улуғ шоир ижодида фалсафанинг маълум мавзуси – вақт концепти масаласига диққат қаратишни лозим топамиз. Бу эса вақт ҳақидаги илмий қарашлар тадрижини кузатишни тақозо қилади.

Вақт мавзуси жуда қадим замонлардан фалсафада долзарблик касб этгани маълум. Антик давр олимларининг машҳур асарлари яратилгунга қадар вақт оқимми ёки муайян воқеа ходисалар ўртасидаги оралиқ ҳаётнинг алоҳида номлар билан аталишими – булар ҳали аниқланган эмас эди. Вақтнинг табиати ҳақидаги қарашлар қадимий фатализмга ёки ҳаракатнинг физик назарияларига асосланар, аммо уларнинг кенг космологик ва метафизик қамрови олам ва инсоният яратилиши ҳақидаги ҳамда сабабият ва зурурат тўғрисидаги фикрларга таъсир кўрсатиб турарди.

Платоннинг “Вақт” асарида вақт коинот вужудга келиши билан бирга пайдо бўлган муайян доирада айланувчи ададий (сонларга мувофиқ) характерга эга абадий ҳаракатланувчи тасаввур (тасвир) сифатида тақдим этилади¹.

Аристотелнинг “Физика” асарида тақдим этилган вақтнинг моҳияти ва мавжудлигининг дастлабки тизимли ривожланиши “аввал” (proteron) ва “кейин” (husteron) нисбатида доимий ҳаракат ўлчови сифатида белгиланди. Аристотель, вақт бутун бир ҳаракат (holos) эканлиги ҳақидаги даъволарни инкор этиб, унинг вақт ўлчови (metron) сифатида самовий сфера (sphaera)нинг мудаввар ва мунтазам ҳаракатда бўлиши эканини исботлади. Кейинчалик вақт назарияси масалаларига диққат қаратган эксегет-неоплатониклар ва юнон олимлари монументал асарлар нашр эттирдилар [Aristotle, 1998: 152].

Бир қатор Шарқ олимлари ҳам вақтни тадқиқот марказига тортдилар. Жумладан, Исҳоқ ибн Ҳунайн (910 й.в.э.) Аристотелнинг “Физика” асарини “Ат-табиа(т)” номи билан таржима қилди ва у мусулмонлар орасида турли фалсафий талқинлар учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилишига замин яратди. Шунингдек, Ал-Киндий, Абу Бакр Розий, Ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Ибн Ҳайсам каби олимлар бу тушунчани турлича талқин қилдилар.

Калом илмида ҳам унга диққат қаратилиб, мусулмон перипатетик файласуфлар қарашлари рад этилди ва вақтни ўзгаришлар намоён бўлишида виртуал, мавҳум феномен сифатида тушундилар ҳамда ўз асарларида нисбатан тор маънога эга вақт истилоҳи ўрнида кенгроқ маънога эга замон истилоҳини қўлладилар [Gerhard Bowering, 1997: 55–66].

Тасаввуф, хусусан фалсафий тасаввуф таълимотида вақт энг кўп ишланган мавзулардан бири бўлиб қолди. Унда юнон фалсафасидаги атомизм – нарса ёки ходисаларнинг зарраларга (жузьларга) бўлиниши қонуниятларига асосланган. Шунга кўра, ҳаддийлик (чегараланиш) ва давомийликнинг турли вазиятларини ифодалайдиган барча сўзлар ўзига хос моҳият касб этса-да, “вақт” улар орасида марказий ўринни сақлаб қолди. Алишер Навоий тасаввуф адабиётининг намоёндаси сифатида бу таълимот тушунчаларидан унумли фойдаланди, лекин уларни бир томондан саралаган бўлса, иккинчи томондан бойитди.

Араб тилидаги мусулмон адабиёти манбаларида вақт маъносини ифодаловчи истилоҳлардан энг кўп қўлланувчиси замондир. Қуръони Каримда қидам (қадим) сўзи бу маънодаги истилоҳлар орасида энг кўп қўлланган. Алишер Навоийнинг вақт концептини аниқлашда мазкур манбалардаги даҳр – оламларнинг аввалидан охиригача бўлган узлуксиз давомийлик; замон – бошланиш ва охири маълум даврийлик, бор бўлиш муддати; аср – оралиқ вақт; давом – бошланиб ривожланувчи жараён; аҳён – нисбатан кичик вақт орасидаги жараён; муддат – тугаш кўлами аниқ вақт; он ёки унинг кўплиги авон – нисбатан қисқа вақт; азал – бошланиши йўқлик; абад – охири йўқлик; сарамад – боши ва охири ноён нисбатан узок давомийлик; худд, худуд – боши аниқ, охири ноаниқ давомийлик; бақо (боқий) – борнинг йўқ бўлмаслиги; фано (фоний) – борнинг йўқ бўлиши; аввал, ибтидо ёки бидоят – бор бўлишнинг боши; охир, интиҳо ёки ниҳоя – бор бўлишнинг йўқ бўлиш вақти; мобайн – аввал билан охир ёки азал билан абад оралиғи; лаҳза – бир қараб боқиш муддати каби жуда кўп тушунчалар уларнинг форсий ва туркий таржималарига ҳам диққат қаратиш лозим. Шунингдек, фалсафий дунёқарашни ифодалайдиган вужуд – борлик (бу тушунчани

¹ [<https://www.iis.ac.uk/ru/encyclopaedia-articles/concepts-time>].

Навоий “буд” сўзи билан ҳам ифодалашни кузатилади); адам – йўқлик (бу тушунчани Навоий “нобуд” сўзи билан ҳам ифодалашни кузатилади); вужуди мутлақ – мутлақ борлик (субстанция); мумкинот – борнинг пайдо бўлишдан олдинги имконияти (потенция); мало – тўлиқлик; хало – бўшлиқ; мабда – келиб чиқиш замони ва макони ҳамда макон – мавжуд бўлиш ўрни кабиларда ҳам вақт билан боғлиқлик борлиги уларнинг бу мақсадни аниқлашда аҳамиятли эканини кўрсатади.

Шундай қилиб, шоир ижодида вақт тушунчасининг ифодаланиши, талқин қилиниши ва ундан кўзланган мақсадлар, сўзлар қўллаш тамойилларини кузатамиз.

Даҳр: араб тилида қадимдан мавжуд бу сўз бошланиш ва охирда чексиз вақт давомийлигини англатади, мутасаввифлар ҳам Имом Бухорий ва Имом Муслимдан ривоят қилинган бир ҳадиси қудсийга таяниб, даҳрни чексиз вақт сифатида талқин қиладилар. Ҳадиснинг маъноси шундай: Расулulloҳ с.а.в. айтадиларки, “Аллоҳ таоло деди: Одам боласининг даҳрни сўкмоғи менга азият етказди, Мен даҳрдирман, кеча ва кундузни алмаштириб тураман”. Бошқа ривоятда: Расулulloҳ с.а.в. айтадиларки, “Аллоҳ таоло деди: Даҳрни сўкманглар, Мен даҳрдирман, кеча ва кундузни алмаштириб тураман”, дейилади [<http://iswy.co/e31q7>]. Ҳадис шарҳлари таржимасида “даҳр”ни “замон” деб тушунтирадилар. Исломдан бурунги араблар “даҳр”ни “шум тақдир, қора қисмат” сифатида ҳам тушунганлар, бошларига тушадиган мусибатни даҳрдан деб билганлар. Қуръони Каримда динсизларнинг “бизни фақат замон (даҳр) ҳалок қилади” (45:24) деган сўзлари ҳам буни тасдиқлайди. Муқаддас китобнинг “Инсон” сураси 1-оятда “ҳийнун мина-д-даҳр” бирикмаси қўлланади. Унинг сўзма-сўз таржимаси “даҳр (чексиз замон)дан он” (ҳийн – “аҳён”нинг бирлиги)дир. Таржимон ва муфассирлар бу бирикмани “замон”, “бир замон” деган талқинда берадилар. Навоий бу оятни тўлиқ ҳолда “Назму-л-жавоҳир” муқаддимасида келтирган. Бинобарин, улўғ шоир бу сўзлар маъносини жуда яхши идрок қилган, ўзлаштирган. Шунга кўра, у ижодида “даҳр”ни замон маъносида ҳам, дунё маъносида ҳам, тақдир, ҳаёт маъноларида ҳам қўллаган.

Воқиф ўлким, **даҳр дехқони** сенинг қасдингдадур,

Исмин онинг гул қилиб, отин мунунг шамшод этиб [Навоий, III, 2011:63].

Тасаввуфда кўпгина масалалар ислом ва халқ удум-анъаналари синтези орқали ечилади. Буни жуда кўп сўфийлар таълимотларида кўриш мумкин. Даҳр тушунчаси талқинларида ҳам бу сезилади. Алишер Навоий “Насойиму-л-муҳаббат”нинг Шайх Камолуддин Абдураззоқ Коший зикрида тасаввуф мазҳабларидан бири даҳрия деб юритилиши ҳақида эслатади.

Фалсафий тасаввуфнинг йирик намояндаси, ваҳдату-л-вужуд назарияси асосчиси Ибн ал-Арабий даҳр тушунчасини чуқур таҳлил қилган ва ўз қарашларидан келиб чиқиб талқин қилган. У юқорида эсланган қудсий ҳадис ва Қуръони Каримдаги даҳр калимаси асосида ҳаёт давомийлигининг боши, бошланғич нуктасини Аллоҳ таолога мансублигини ёзади. У вақтни Холиқ ва махлукни бир-бирига боғлаб турувчи ришта сифатида тушунтиради. Бунда у даҳр, замон ва вақт тушунчаларининг космологик, астрономик ва бошқа жиҳатларига кўра фарқланишига диққат қаратади [Gerhard Böwering, 2013: 114]. Улардан хулоса қилиш мумкинки, даҳр инсоннинг ақл, тафаккур доирасидан ташқаридаги ўлчам.

Араб тилида даҳр дунё, олам маъноларида қўлланмайди. Тасаввуф орқалигина форсий халқлар сўфий ижодкорлари даҳрни “дунё” маъносида ҳам талқин қила бошладилар. Алишер Навоий ижодида сўзнинг “тақдир” маъноси жуда заиф, лекин унинг ҳаёт ва унга яқин бошқа маъноларда ҳам қўлланишини кўриш мумкин. Умуман, даҳр ва у билан қўлланган калималар орқали улўғ мутафаккир оламнинг мутлақ вужуд тажаллиёти ва зухуроти, шунингдек, дунёнинг Ҳақ васлига парда экани талқинини яратади. Бундай талқинлардан хулоса қилиш мумкинки, тасаввуф ва Навоий ижодида даҳр сўзининг қўлланиши каттарок тадқиқотларга ҳам арзирли материал бўла олади.

Замон: ҳаракатда бардавом нарса ва ҳодисаларнинг давомийлик сифатини ифодаловчи тушунчадир. Яъни мавжудлик (борлик) ва ҳаётийлик (тириклик)нинг аломатларидан бири замондир. Замон фақат биз яшаб турган оламга хос, бошқаларига эмас. Бинобарин, даҳрдан фарқли равишда, унинг боши ва охири бор. Ибн ал-Арабий замонни тасаввуфий талқин

килар экан, замону-л-кабир, замону-с-сағир, замону воҳид, замону-л-ҳол каби бир неча турларга бўлади ва “замон” тушунчасини қисман космологик ва қисман нисбий тушунча сифатида фалсафий талқин қилади [Gerhard Böwering, 2013: 112]. Алишер Навоий вақт билан боғлиқ ҳамма тушунчаларни замон сўзи орқали ҳам ифодалашга ҳаракат қилишида ана шу тамойилларга таянгани кузатилади. У бу сўз воситасида исталган ирфоний, тасаввуфий ва дунёвий қарашларини ифодалай олган. Бунда у замон сўзи иштирок этган турли кўринишдаги бирикмалардан (ҳар замон, бир замон, охир замон, замони ҳаёт, замони басит ва х.) фойдаланади.

Келмаю ёдимға замони ҳаёт,

Қилғоним иш келмаган андин уёт [Навоий, VI, 2011:302].

Имом Ғаззолий “Ихёу улуми-д-дин” асарида “Албатта, Роббингиз учун замонангиз кунларида тажаллиёт вақтлари бўладики, бас, унга ўзингизни чоғланг” (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари) ҳадисини келтириб, ҳамма замонда ҳам Аллоҳ таоло неъматлари ҳосил бўлиши, илоҳий муждалар юз кўрсатишини, унга илм билан чоғланиш лозимлигини таъкидлаб, шайтоний ҳамда дунёвий фитналардан огоҳлантиради [G‘azzoliy, 2006:11]. Навоийнинг замон ҳақидаги қарашларида худди шундай огоҳлантиришларни ҳам кўриш мумкин:

Қиёмат эрди ул маҳким, юз очти, эй мусулмонлар,

Бўлунг воқифки, бўлди фитнайи охир замон пайдо [Навоий, IV, 2011:39].

“Охир замон” ибораси исломий тушунчалар талқинига асосан вужудга келган бўлиб, замоннинг ниҳояси борлигини далиллайди. Умуман, замон мавзусининг ўзи жуда катта қамровга эга. Чунки, аввал таъкидланганидек, шоир вақт билан боғлиқ ўз фалсафий қарашларини ифодалашда ҳам, бадиий тасвир талаб қилган ҳолатларни ҳал қилишда ҳам бу сўздан фойдаланади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг чегарасини кўпол равишда бузилишига йўл қўймайди. Яъни гап тасаввуфий масала устида борса, сўзни тасаввуфий талқинда, дунёвий масала устида борса, исталган шаклда уни қўллайди. Бунга баъзи мисоллар келтириш билан чекланамиз:

Ул париваи ишқидин, носих, мени манъ этмаким,

Телбалик вақтию ошиқлик замонидур манга... [Навоий, III, 2011:20].

Десанг замона ситезини ҳар замон кўрмай,

Замонни хуш туту қилма замона бирла ситез... [Навоий, I, 2011:236].

Навоий, вақтни тоатга ё ишратга сарф этким,

Соғинсам ўртанурмен тийра ўтқарган замонимдин...

Тавсан эди кўнгул майи ишқини тортқон замон,

Кўрки, не ром этибдурур эмди они замонаси...

Шуни таъкидлаш лозимки, замон ўз муайян кенглигига эга бўлиб, у турлича номлар билан юритилади. Улар кун (явм, рўз), кеча (лайл, шаб, шабистон), кундуз (наҳор), ой (шаҳр, моҳ), йил (сана), аср каби жуда кўп тушунчаларнинг номларидан иборат. Шунингдек, давр, даврон, маҳал, соат, лаҳза, он, дам, пайт, қадим (қидам), аввал (мозий), ҳозир (ҳол), кейин (таъхир, мустакбал) каби вақтга хос тушунчалар номида ҳам замон мавжуд.

Лекин шундай тушунчалар ҳам борки, улар инсон томонидан англашган ёки инсоният ҳаётининг ибтидо ва интиҳоси орасига хос бўлган замон доирасидан ташқаридир. Бунга азал, абад, (ал-)мисоқ, меърож, қиёмат каби тушунчалар мисолдир. Улардан англашиладиган вақт замонга тобе эмас, ўзича мавжуд. Бинобарин, “Ҳайрату-л-аброр”да битилган куйидаги мисралар шоирнинг шундай қарашларини ифодалайди:

Эй сенга мабдада абаддек азал,

Зот-и қадиминг абадий, лам язал.

Не бўлуб аввалда бидоят сенга,

Не келиб охирда ниҳоят сенга [Навоий, VI, 2011:13]

Академик А.Рустамов бу сатрлардаги вақт ифодаловчи сўзларнинг маънолари биргина Яратувчига тааллуқлилигини шундай талқин қилади: “Навоийнинг фикрига кўра, мутлақ борлиқ бор бўлиб, унинг замон ва макон нуктаи назаридан поёни йўқ. У азалий, яъни

унинг аввали йўқ, доим бор бўлган. У абадий ҳам, яъни унинг охири йўқ, у доим бор бўлади... Навоий бу ерда мутлақ борликнинг азалий ва абадийлигини тушунтириш билан бирга, яна ўткир бир мантикий хулоса чихарган. Бу – азал ва абад тушунчаларининг нисбийлигидир. Моҳият нуқтаи назаридан мутлақ ҳақиқатга берилган бу икки сифатнинг орасида фарқ йўқ. Чунки иккиси ҳам замон нуқтаи назаридан чексизликни билдиради. Шунинг учун Навоий “азал”ни “абад”дек дейди” [Рустамов, 1979: 7 – 8].

Достондаги қуйидаги байтлар ҳам Яратувчи вақтига далолатдир:

*Зотиға дарёйи қидам чун тошиб,
Бир ён азал, бир ён абаддин ошиб.
Давр иши бу навъ тахайюл топиб,
Оҳки бу давр тасалсул топиб.
Силсила бу навъ азал то абад,
Келгучю кетгучи беҳадду ад* [Навоий, VI, 2011:87]

Лекин шоир баъзан Яратувчига тааллуқли вақт ифодасининг фақат луғавий маъносидан фойдаланиб ҳам байтлар яратади:

*Тутуб илгини бу сўз айтурда руст
Ким, ул аҳд мисоқин айлаб дуруст* [Навоий, VIII, 2011:330]

Алишер Навоий булардан ташқари, жараён англатувчи сўзлардан ҳам вақт-замон маъносини ифодалашда фойдаланади ва уларнинг ҳар бири иштирокида саноксиз талкинлар яратадики, улар ҳам йирик тадқиқотга асос бўлиши мумкин. Қуйидаги бир ғазалда улардан нишонлар кўриш мумкин:

*Ёр ҳижронида сарвақтимға еттинг, эй ажал,
Жон фидонг этсам ҳануз оздурки, келдинг дармаҳал.
Жон талашмоқлиққа қўйма лаъли ҳажридин мени,
Чун эрур таъхир аро офот, кўп қилма ҳаял.
Жонни бот олмоқ санга мушкул эса, жон чекма кўп,
Қўйки, бу мушкулни бот айлар анинг ҳижрони ҳал...
Ҳажр бемориға қотил заҳр эрур ҳайвон суйи,
Эй Масиҳ, асра нафас, бу нуқтада қилма жадал.
Сўнгги кундин ҳалқ тарсон, мен бурун кундин ваҳим,
Элга ғам шони абад келди, манга субҳи азал.
Ич Навоий, ғусса таҳлилиға гулгун бодаким,
Бир тиёла лаъли маҳлул ўлмади андин бадал* [Навоий, III, 2011:379].

Вақт: тасаввуф олимлари бу тушунчани ўз даражаларидан келиб чиқиб таърифлаганлар ва илмий талқин қилганлар. Бу таърифлар моҳиятан бир-бирини такрорлайди. Масалан, Қушайрий ўз рисоласида вақтга таъриф берар экан, у мавҳум ҳодисани ҳақиқатга айланишини таъминлашини таъкидлайди. Буни шундай мисол билан тушунтиради: “Сени ой бошига етказди” дейилганда “етказмоқ” мавҳум, “ой боши” ҳақиқатни таъминловчи. Бинобарин, “ой боши” “етказмоқ”нинг вақтидир [www.al-mostafa.com]. Бу таъриф бир қарашда жўн ва жуда соддадир. Лекин вақтнинг мавҳумни ҳақиқатга айлантириш тўғрисидаги фикр вақтнинг ҳақиқатни таъминловчи омил сифатида белгилаб бериши билан аҳамиятли.

Олим кейин бошқа олимларнинг вақт борасидаги қарашларини изоҳлаб ўз фикрларини қувватлантиради. Жумладан, Абу Али Дакқокдан у эшитган бир иқтибосда шундай дейилган: “Вақт сен унда бўлган нарсадир. Сен дунёда экансан, дунё сенинг вақтинг, уқбода экансан, вақтинг уқбодир. Агар сурурда бўлсанг – вақтинг сурур, хузнда бўлганинда – вақтинг хузндир”. Қушайрий бу иқтибосдан хулоса қилиб, “дарҳақиқат, вақт инсон устида ғолибдир”, дейди. Шундан келиб чиқиб, “ас-сўфий ибну вақтиҳи” – “сўфий ўз вақтининг фарзандидир” деган анъанавий иборани тасдиқлаб, изоҳлаб беради [www.al-mostafa.com].

Ибн Арабий вақтни “сен ичида ва устида бўлган нарса (mā anta bihi wa ’alayhi)”... Ўтмиш ва келажакнинг сенга тааллуқи йўқ”, деб тушунтиради. Кейинчалик Сажжодий луғатида вақтнинг тасаввуфий моҳияти унинг солиққа насиб этган таваккул, таслим, ризо ҳамда мозий ва мустақбал (келажак)дан фориг бўлиш каби мазмунга эгаллиги билан изоҳланган [Sajjodiy, 1370: 789]. Уларнинг ҳаммасидан келиб чиқадиган хулоса шуки, вақт

ўзича мавҳум тушунча бўлиб, у икки қисмга бўлинади: 1) абадият илоҳий вақт; 2) “ҳозир” инсоний вақтдир. Алишер Навоийнинг вақт ҳақидаги деярли барча фикрлари кенг маънодаги “ҳозир” талқинидан иборат. “Маҳбубу-л-кулуб”да шоир шундай дейди: “Золим ва бедард суҳбатида нукта сурма, наммом на номард мулояматида дам урма. Доно иликдин боргондин сўз айтмас, ўтган йигитлик орзу била қайтмас. Ўтган рўзгор адамдур. Келмагандин сўз айтқон аҳли надамдур ва ҳол муғтанамдур. Бир турк бу маънида дебдурким: «Дам бу дамдур». Байт:

*Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам* [Навоий, IX, 2011:544].

Бунга ҳамоҳанг байтлар ҳам бор:

*Чу мозий ўттию мустақбал ўртада эрмас,
Сенгаки ҳол эмас муғтанам не ҳол ўлғай* [Навоий, I, 2011:647].
*Не мозийдур, не мустақбал, арода сенсену бу дам,
Не шод ўлмоқдурур ҳар дам узун умрунг ҳисобидин.* [Навоий, IV, 2011:458]

Дунёвий тафаккурга кўра ҳам вақтнинг аҳамияти катта. Профессор Нурбой Жабборов вақт маъносига эга “нафас” сўзи орқали донишманд шоир билдирган ҳаётий фикрларни шундай изоҳлайди: “...Нафаснинг шукри уни ғанимат билиш, беҳуда ўтказмаслик билан адо этилади. Бунинг шарты эса ҳар бир нафасдан огоҳликдир. Ҳазрат Навоийнинг мана бу ўғитлари шу ҳақда:

*Жон била сен то нафас имкони бор,
Қадрини билгилки, нафасча не бор.
Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,
Балки анга хуш ила ҳамроҳ бўл”* [Жабборов, 2013:6].

Мутасаввифлар сўфийнинг илоҳий мартабаси – ҳолни вақт нуктаи назаридан “ҳозир” эканини таъкидлайдилар [G‘azzoliy, 2003:70]. Бинобарин, вақт “ҳозир”лар мажмуи. Навоийнинг вақт концепциясини ана шу планда таҳлилий тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Aristotle. Physics, ed. W. David Ross. Oxford, UK: Oxford University Press, 1998.
2. G‘azzoliy, Abu Homid. Ihyou ulumid-din. – Toshkent: Movarounnahr, 2006. – B. 11.
3. G‘azzoliy, Abu Homid. Ihyou ulumid-din. Tavba kitobi. – Toshkent: Movarounnahr, 2003. – B. 70.
4. Gerhard Böwering. Ibn Al-‘Arabī’s concept of Time / Ишрак, Islamic philosophy Yearbook, 2013, – №2. – С. 108 – 123.
5. Gerhard Böwering. The Concept of Time in Islam //Proceedings of the American Philosophical Society.– 1997.– Vol. 141. – No. 1. – pp. 55–66
6. Sajjodiy Sayyid Ja’far. Farhangi istilohoti va ta’biroti irfoniy. – Tehron: Tahuriy, 1370 (fors tilida). – 815 b.
7. Жабборов Н. Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл... / Ҳидоят, 2013, – № 2. – Б. 6 – 7.
8. Навоий, Алишер. Ғаройиб ус-сиғар. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, 2011.
9. Навоий, Алишер. Бадойиъ ул-васат. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. III жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, 2011.
10. Навоий, Алишер. Фавойид ул-кибар. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. IV жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, 2011.
11. Навоий, Алишер. Ҳайрат ул-аброр. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. VI жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, 2011.
12. Навоий, Алишер. Садди Искандарий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. IX жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, 2011.
13. Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.
14. www.al-mostafa.com. Qushayriy, Abdulkarim. Risala Qushayriyya fi ilmi-t-tasavvuf (arab tilida). – B. 64.
15. <https://www.iis.ac.uk/ru/encyclopaedia-articles/concepts-time>
16. <http://iswy.co/e3lq7>

ЖАДИД ШОИРИ – ЧЎЛПОН ВА ЭРК МАСАЛАСИ

Эрназарова Г. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада эркин англаш ва англантиш Чўлпон шеърятининг бош мақсади экани ўз ифодасини топган. Чўлпон Эркин севишини, соғинишини унинг учун курашишини самимий шоир бўлиб ифодалай олди. Эрк шоир учун шунчаки баландпарвоз туйғу эмас, балки Чўлпон фаолиятининг асоси, унинг ҳаётдан, яшашдан мақсади, умиди, онги, шуурини забт этаётган миллий ғоя даражасига кўтарилди.

Таянч сўзлар: эрк, миллий истиқлол, миллий тафаккур, шеърят, Бухоро жумҳурияти, жоҳилият, сўфиёна рамзлар.

Annotation. In the article, it is expressed that the main goal of Cholpon's poetry is to understand and express the will. Cholpon was able to express his love for Erk, his longing and fighting for him as a sincere poet. Erk is not just a lofty feeling for the poet, but it is the basis of Cholpan's activity, his purpose in life, living, hope, mind, and imagination that conquers his consciousness.

Key words: freedom, freedom, independence, nation, poetry, love, ignorance, Sufism.

Аннотация. В статье выражено, что главная цель поэзии Чулпана – понять и выразить волю. Чулпан сумел выразить свою любовь к свободе, свою тоску и борьбу за нее как искренний поэт. Свобода для поэта не просто высокое чувство, а основа деятельности Чулпана, его цель в жизни, его надежда, его ум, его воображение, покоряющее его сознание.

Ключевые слова: свобода, национальная независимость, национальное мышление, поэзия, любовь, невежество, символы суфизма.

Абдулхамид Сулаймон Чўлпон (1889-1938йй) - XX аср ўзбек шеърятининг биринчи чорагида ўзбек адабиётидаги бадий янгиланиш айнан унинг ижодида ўзининг чинакам талқинини топди. Шоир ижодидаги ўзига хос тафаккур тарзи ва шеърый шаклнинг халқ тилига ҳамоҳанглиги сиёсий таранг вазиятдаги миллат адабиёти учун тамоман янги бадий инқилоб эди. Чўлпон шеърятининг мотивларида хўрланган мазлум миллат дардини англаш, унинг қалбига, ҳасратига, мусибати ва муҳаббатига ва оғриғига яқинлашиш сифатида намоён бўлади. Истеъдод руҳиятидаги мутеликни рад этиш, зулм ва зўравонликка қаршилик кўрсатиш, адолатни излаш, ҳақиқатни айтиш истаги Чўлпон каби миллий поэзия вакиллари асарларида янада ёрқинроқ кўзга ташлана борди. Руҳий исён Чўлпоннинг “шахсий мен”ини “миллий мен” даражасига кўтарди.

1917 йилга келиб, Чўлпон Туркистонда етилиб келаётган Эрк ва Озодлик эҳтиёжини тўлиқ англаган, уни воқеликка айлантириш тадбирлари ҳақида тасаввурга эга бўлган шахс, истеъдодини шу ғоялар тантанасига бағишланган ижодкор даражасига кўтарилган эди. Юртнинг очликдан хўрланиши, миллат аҳволининг танглиги жадидларда большевиклар инқилобидан норозилик кайфиятини уйғотди. Жадидлар “1917 йилдаги феврал инқилобидан кейин ҳақиқатни миллий мухториятдан ахтара бошладилар ва ўз ижодлари орқали Туркистондаги миллий мустақиллик ҳаракатини қўллаб-қувватладилар”¹. 1918 йилда жадидлар “иймонларига ўраб сақлаган” (Фитрат) Туркистон мухторияти инқилоб номи билан тугатилди. Қўқон қонга ботирилди. Шунинг учун ҳам Чўлпон умид кўзини тиккани Туркистон мухториятининг большевиклар томонидан ваҳшийларча тугатилишини большевизм мустамлақасининг келиши сифатида қабул қилди.

Айтарларким, совуқ, ғамли, қора қиш

Ўтиб кетиб, келмиш чиройлик баҳор.

Гулга ошиқ бўлиб сайрар эмиш қуш

Гул ҳам у қушларга нозланиб қарар.

/“Шарқ қизи” 1920й./

Дарҳақиқат, “совуқ, ғамли, қора қиш” Чор Русияси мустамлақасининг тугатилиши ва миллатнинг баҳори келишини зўр орзиқиш билан кутган шоир янги бир шаклда бошига тушган қулликни руҳияти мазлум халқ руҳиятига яқин бўлган Шарқ қизи тимсоли орқали кўрсатишга уринади. Шарқ қизининг:

¹ Ингеберг Балдауф. Ҳақиқат ахтариб. “Миллий тикланиш” газетаси. 1998 йил 27 октябрь.

*Фақат, мен бир ўзим, Шарқнинг бир қизи,
Баҳор келганини кўрмай қоламен,
Узун, қора қишининг кетмасдан изи
Унинг “дўсти” кузни кутиб оламен.*

деган ноласи Туркистондаги ижтимоий-сиёсий аҳволни лирик манзараси ҳақида аниқ тасаввур бера олади. Қиши тугамай, кузни кутиб олган Ватаннинг баҳордан янада узоқлашгани, шоирни “Шарқнинг ўзидек” “бутун тани” ва “жони”ни Баҳорнинг –эркнинг “хаёл”ига туткин қилиб қўйди.

1919 йилдаёқ ўзининг “Гўзал”дек миллий поэзия дурдонасига айланган шеърини ёзган шоир Чўлпон учун ижтимоий мавзунинг поэзияда ифодалаш зўрма-зўракиликсиз, шеърятнинг азалий қонунларига зид бўлмаган тарзда кечгани табиий ҳолдир. Бу ўринда ҳақиқий истеъдоднинг ўз имкониятларини намоён қилишидан ўзга сир ҳам йўқ аслида. Чўлпон шеърятини инсон қалбини образлар тили билан забт этади:

Шарқ қизи “ўйланган маъно” Эрк исташни ўз эркисизлиги билан ёрқин акс эттира олади. Образ ҳолатининг Туркистоннинг аҳволи билан уйғунлиги эса моҳияти янада чуқурлаштиради, шеър таъсир кучини оширади.

Шеър ўқувчи қалбини ўзига яқин ва таниш образ Шарқ қизининг эркисиз сиймоси билан забт этади, руҳи ва тафаккурини нолаларга йўғрилган умид билан уйғота олади.

Эркини англаш ва англатиш шоир шеърятининг бош мақсадига, сарбон туйғусига айланишининг асосий сабаби шундаки, 20-йилларга келиб “Чўлпон ўз идеали, яъни миллий мухториятни амалга оширишнинг илоҳи йўқлигини англаб етган эди. Шоир янги воқелик ва янги тил талабаларига мутаносиб равишда, ўзининг интилишларини “хаёл” деб атади”¹. Шоир юзма-юз тургани ҳаёт ҳақиқатига миллий истиклол ва жумхуриятчилик ҳақиқатини қарши қўяр экан, ҳаёт ҳақиқати олдида ўз орзу истақлари “Хаёл”га айланаётганини тан олади. Чунки, 20-йилларнинг бошига келиб сиёсий ҳаётда большевикларнинг ғалабаси аниқ бўлиб қолган эди. “Шарқ қизи”нинг “ўйлар”дан шодлик топиши, жисму-жонининг “хаёл” билан овунишининг сабаблари ҳам шундадир.

*Кўнгилдаги муҳаббатнинг учқунин
Хаёлимнинг бир бурчида беркитдим.
Ул учқуннинг кучлигидан сийнамда
Ҳеч тузалмас, оғир яра бор этдим.*

Миллий мухторият умидини хаёлининг бир бурчида беркитган шоир миллат озодлиги орзусини сийнасидаги “тузалмас, оғир яра” деб билди. Унинг оғриғи бир дам бўлсада вужудини, дилини тарк этмади.

Шеърлари ҳам оғриғ азобларидан ўртаниб бедор ўтказган тунларида туғилди. Бу оғриқ унинг руҳиятидаги тинимсиз курашларга сабаб бўлди:

*Кет, эй шайтон, босирқадим ... қўрқамен,
Кет, кет... қилч синган... қалқон тешилган
Кўрасанми? Мен эзилган ётамен,
Устимга – да “бало” тоғи йиқилган.*

қулликнинг оғир кишанларини устидан илиб отмай мудраётган миллат фожеасининг сабабларини у тарихдан излайди. Кимнинг хатоси жабрини тортаяпмиз дея изтироб чекади:

*Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла
Оталарнинг тарихдаги хатосин.
Шул хатодан осуфланиб ёвларнинг
Эл кўксига сурган ишрат, сафосин.*

/ “Ёруғ юлдузга”, 1921/

Энг мудҳиш хато русия истилоси эканлигини, душманинг юртини ғорат қилмоғига йўл қўйилмаганида миллат “бошқаларга қул бўлиб, чет оёқлар товонида” эзилмаслигини Чўлпон англаб етган эди.

¹ Ингеборг Балдауф. Ҳақиқат ахтариб. “Миллий тикланиш” газетаси 1998 йил 27 октябрь.

*Фалокатни кўрган ота-боболар
Истиқболнинг қимматини билмаган.
Эл ва юртни сақлар учун сўнг хонлар
Тузиккина чора тадбир қилмаган.*

Шоир миллатни истиқболга элтувчи энг тўғри йўл оталар хатосини тузатиш эканини теран ҳис этади. Балки шу сабаб Фитрат таклифига биноан “Бухоро ахбори” газетасига муҳаррирлик қилиш учун отланган шоир янги умид ва куч қувват билан тўлиқ эди. Шеърлятида ҳам руҳиятидаги шиддат ўз аксини топди. Миллат тафаккурдан Озодлик ва Эрк қайғусининг чекиниши, унинг ўрнини эса узлуксиз очарчиликлар сабабли нон қайғуси эгаллаётган ижтимоий кулликдан фожеалироқ бўлган оқибат-шуурий кулликка олиб келишини англаган шоир Озодлик ва Эркни олий идеал даражасига кўтарди. Энди унинг шеърляридаги ҳар бир сўз Эрк ва Озодлик нафасини ташийди. У том маънодаги Эркпарастга айланди. Эрк – муқаддас туйғу. Уни бўлар-бўлмас сўз ва тушунчаларда ифодалаш қийин. Чўлпон Эркни севишини, соғинишини унинг учун курашишини самимий шоир бўлиб ифодалай олди. Эрк шоир учун шунчаки баландпарвоз туйғу эмас, балки Чўлпон фаолиятининг асоси, унинг ҳаётдан, яшашдан мақсади, умиди, онги, шуурини забт этаётган ҳаёли:

*Ҳаёл, ҳаёл... ёлғиз ҳаёл гўзалдир,
Ҳақиқатнинг кўзларидан кўрқамен,
Ҳаёлдаги юлдузларким амалдир,
Оловимни алар учун ёқамен*

дея изхори дил қилар экан, Чўлпон ҳаёлидаги Эркни ҳақиқатнинг кўзляридаги тутқунлик ва ўлим шарпаларидан кўрқиб соғинади. Ҳақиқатнинг кўзляри эса “1919 йилда миллатнинг асл фарзандлари “босмачи” деган ҳақоратомуз ном остида миллий озодлик курашини бошладилар ва фақатгина Фарғонанинг ўзидаёқ аҳолининг учдан бири қирилиб кетди”¹ дея қонга тўлиб боқарди. Шеърдаги умид ва умидсизлик орасида ўзлигини қидираётган саргардон руҳ асл ватанини ишқдан топиши бежиз эмас.

*Мен ошиқман, мен
Мен содиқман, мен
Севгидан бошқа
Истама менадан.*

Сўфиёна иқрор. Жаҳолат, зулм, зўравонлик авж олган салтанатда ишқдан паноҳ топиш, ўз олий идеалига чин ошиқ бўлиб уни куйлаш Ўрта Осиёнинг исломий қарашлар қон-қонига сингиб кетган шоирляри учун табиий ҳолдир. Чўлпоннинг янгича қарашлар билан тўлиқ шеърлятида миллий тафаккурнинг айнан сўфиёна тарзда юзага чиқиши шундан. “Худо-инсон борлигининг энг олий зухуроти. Худо-дилда яшайди. Бу дил илоҳий жозоба касб этмоғи учун оллоҳ иноятида тубдан янгиланади. Мана шунда қалб доирасидаги инқилоб содир бўлади. Бу-ҳақиқий ишқ”² – деган қарашлар Чўлпон ижодида ўзининг давр дардига йўғирилган янгича талқинини топди. Ишқ ва ошиқлик ҳақидаги ўз дунё қарашлярига эга миллат руҳиятига уйғун маъно касб этди.

*Зарафшон ишқдир...
Тоғлар, юксак тоғлар ошиқдирлар...
Қуёш, зўр денгизлар – маъшуқалардир...*

Шоир ўз руҳиятидаги Эркни соғиниш туйғуси билан табиатнинг Эркакка ошнолик хусусиятида тирикликнинг буюк қонуниятини кўради:

*Дарё ошиқ, тоғлар ошиқ, қуёш ишқ
Қорлар ошиқ, сувлар ошиқ, денгиз ишқ
Маъшуқалар кула-кула қочарлар
Ошиқляри йиғлай-йиғлай топарлар
Ўзлярини ҳалокатга отарлар,
Баъзляри тилакларга етарлар,
Кўплярида ерга сингиб кетарлар...*

¹ Попоров Ю. Сахро қуёши чароғонми?. “Ёшлик” журналы 1990 йил 5-сон.

² Ҳаққулов И. Абдиат фарзандляри. – Т., 1990. – Б. 55.

Чўлпон 20-йиллар ўзбек шеърятига янги бир хусусият юкледи. У табиатни инсонлаштирди. Бу билан инсон дарди, истак ва орзуларини табиат ҳодисаларига, манзараларига боғлаб ўз поэтик мақсадини амалга оширди. Табиатнинг ўзи каби сержило, жонли, табиий ва самимий бу поэзияда сирли ҳақиқат ва хаёл рамзлар воситаси билан ўқувчи шуурида шоир англаган Эрк ва Истиклол моҳиятини очишга хизмат қилди. “XX аср бошидаги ўзбек шеърятига давр шиддатига мос оҳанглар, шиддатли фикр ва туйғулар ифодасига мувофиқ шакллар зарур эди. Янги шеърятни яратиш йўлида асримиз бошида майдонга кирган кўплаб ижодкорларимиз изландилар. Шу изланишларнинг энг яхши жиҳатлари Абдулҳамид Чўлпон шеърятда ўзининг мужассам ифодасини топди. Шу боис ҳам биз Чўлпонни ҳақли равишда новатор шоир деб атаймиз”¹. Даставвал француз адабиётида, XIX асрнинг биринчи ярмидан рус адабиётида қўлланила бошлаган рамзий лирика XX асрнинг бошларида Туркия адабиётида ҳам етакчилик қилган эди. Рус ва Турк адабиётининг жуда яхши билимдони бўлган Чўлпон учун рамзий лирика ўз фикрларини, шахсий ҳукмини ифодалашнинг энг қулай воситаси бўлиб хизмат қилди. 1921 йилда ёзилган “Йўл эсдалиги” сафарномасидаги лирик чекинишларда шоир ўз мақсадлари, рухий изтироблари, ўзлигини топиш жараёнларини ёритишда рамзий лирика билан Шарқ тасаввуф адабиётини бир-бирига пайвандлаб бетакрор поэтик мақсадга эришади.

1920 йилда Бокуда тўпланган Шарқ халқлари қурултойидан ижтимоий-сиёсий эркинлик шабадаларига умид боғлаб қайтган шоир ватанида давом этаётган ноҳақликлар, биродарқушлик ва эрксизлик ҳеч бир ўзгаришсиз давом этаётганини кўриб:

*Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни,
Яна кулбамга қайгулар, аламлар бирла қайтдим-ку.
Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.*

дея тушқунликка тушган эди. Бироқ “Йўл эсдалиги”да яна ўша умид ўт олганини кўрамиз. Асарнинг бошидаёқ “... бу кезувимнинг қандай тотли умидлар орқасида бўлгонини билганим ҳолда...”² – деган сўзлар шоир назарда тутган “тотли умидлар”нинг давр билан боғлиқ равишда руҳиятида кечаётганидан дарақдир. Миллий озодлик ҳақидаги режаларнинг Туркистон мухторияти тугатилиши билан саробга айлана бошлагани жадидларнинг янги ташкил топган Бухоро жумҳуриятига умид кўзларини тикишга сабаб бўлган эди. Чўлпоннинг Бухорода миллий озодлик курашини давом эттириш ниятида тўпланаётган маслакдош дўстлари ёнига “гўзал хаёл” эркататган “исрик тилак” билан отланганининг сабаби шундан. Сафарномадаги лирик чекинишлар руҳият осмонида сўнаётган умид юлдузи тирилишининг мунаввар суратидир.

Чўлпон жамиятида рўй бераётган ўзгаришларни шунчаки қузатмайди, кўнгил кўзи билан қузатади, тафаккур шуълаларида англайди. Шу сабабли ҳам ўз шеърятини билан янги мактаб ярата олди. Бу мактаб миллий ўзликни таниш таълимини, миллий истиқлол фалсафасини, миллатга муҳаббат тарбиясини халқ шуурига сингдиришга уринади. “Йўл эсдалиги”даги шеърларда ҳам унинг ана шу қарашлари устиворлик қилади. Шоир тасаввуф адабиётида кенг қўлланган “ошиқ” ва “ёр” сифатларига ижтимоий-сиёсий мазмун ортади. Унинг талқинидаги “маъшуқа”, “ёр” юрт озодлиги – Эрк бўлса, ошиқ – эрк истагида ўрнатган курашчи. Сюжетда ҳам тасаввуф адабиёти йўналиши акс этади: “маъшуқа”ни йиғлаб, эзилиб излаганча “йўл”га кирган “ошиқ” шу йўлда ўзлигини англайди, охир-оқибат “маъшуқа” васлига етади. Шоир куйланган ишқ ботинидаги миллат Эрки ва унинг истиқлоли, орзуси лирик қаҳрамон руҳиятидаги чуқур драматизм, иккиланишлар, безовталиқлар билан янада кучайтирилгандир:

*Қуёшми ботадир?
Менинг умидимми кетадир?
Севгимми битадир?
Менинг умидим ҳам шу қуёш кабими ботар?
Менинг севгим ҳам шу қуёш кабими битар?
Қўрқамен...*

¹ Курбонов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 28.

² Чўлпон. Йўл эсдалиги. “Билим ўчоғи” журнали. 1922 йил 1-сон.

Чўлпон ижодидаги муҳаббат мавзуси ҳаёт мазусидан ажралмасдир. У “қаландардек” “дунёни кезиб” ёрини топа олмай алам ва фарёдлар билан “ерга ботдим” дея бўзласада, бу ўлим Чўлпон учун ҳаёт моҳиятини чуқурроқ очиш, маъшуқаси Эркин тасаввуф фалсафасида маъшуқа – оллоҳни ҳис этган каби ҳис этиш учун воситадир. Шоирнинг “севгим ҳам шу куёш каби ботар?” – деган кўрқуви ҳам шу “севги” сиз ҳаёти ўз маъносини йўқотишини, бу ҳаёт ўлимга тенглигини англатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки “Чўлпон шеърляти миллий замини жуда мустаҳкам шеърлят. Шоир шеърларининг умумий руҳи, оҳанг ва образларида Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Фузулий, Машраб анъаналарининг таъсир излари аксини топган”¹.

Бироқ, Чўлпон ўз аждодлари шеърлятидаги оллоҳга, ёр ва дилдорга аталган ишқ муҳаббат тушунчасини ислоқ қилди. Унинг мазмун моҳиятини кенгайтди. Бу каби ҳодиса 20-йиллар жадид шоирлари ижодида кенг қўлланилган эди. Уларнинг “шахсий мен” и “миллий мен” даражасига кўтарилгани боисидан ишқ–муҳаббат тушунчалари ҳам Ватан, юрт, миллат, Эрка аталган буюк туйғуга айланганди.

Вадуд Маҳмуд 1924 йилда “Турк шоири Ажзий” мақоласида “Шоиримиз ошиқдур, маъшуқ эса халқдур, миллатдур”² – деб ёзади. Ажзий шеърлятига хос бўлган бу хусусият Чўлпон ижодида янада мукамалроқ намоён бўлди. Бухорода яшаган даврида унинг маъшуқаси – Эрк васлига етишиш умиди кучайди. Шу сабаб “Халқ”, “Кел бери!”, “Мен қочмадим” каби шеърларидан “кутулиш” кунларига бўлган собит ишонч бўйлари уфуради, 1921-1922 йилларда ёзилган шеърларида миллий озодлик курашининг миллатпарвар кучлар қалбида туғдирган кечинмалари, гоё ва истаклари янада ёрқинроқ кўриниш беради.

Ундаги бу ўзгаришнинг ижтимоий сабабларидан бири 1921 йил августда Аҳмад Закий Валидий раислигида Бухоро шаҳрида тузилган “Туркистон миллий бирлиги”³ ташкилоти ва Туркистон халқларининг миллий истиқлолга эришиш йўлидаги саъи ҳаракатлари эди. Бироқ умид гулханининг умри узоқ бўлмади, тўғрироғи 1920 йил 2 сентябрида рус ҳарбийлари томонидан уюштирилган куролли тўнтариш оқибатида ўрнатилган “Халқ ҳокимияти” Эрк ва истиқлол курашини давом эттириш мақсадида Бухорога йиғилган жадидлар, “Ёш бухороликлар” ва Туркистон миллий бирлиги вакиллари таъкиб остига ола бошлади. Умумий маслағи Эрк ва озодлик бўлган бу ташкилотларнинг ўзида ҳам ички низоларни келтириб чиқаради”⁴.

Ижтимоий воқеаликнинг ҳар бир ўзгаришини дили қон бўлиб кузатган, гоҳ умидвор, гоҳ тушқун изтироблар ютган шоирнинг жисму-жони юрт дарди оташида куйиб ўрнатди:

*Бўғиқ, қисиқ асабий бир кўнгил билан туну кун
Тўшакда, ўйлар орасида инграб ётмак
Оғир... қийин
Бу ётишининг сўнги, сўнги келсун!
Ёзилмаганми бу тунлар сўнгида тонг отмак?*

Хасталик азоби вужудини пармалаётган лирик қаҳрамон руҳиятининг безовталиги “оғир ўйлар” моҳияти очилгач янада ойдинлашади:

*Меним ўйимми қора? Ёки юрт кўкида булут,
Қуюқ булут тўдаси қонли ёш тўкиб йиғлар?
Меним хаста дилимни яна нечун тиглар?
Меним—да кўксимда ётмоқми истар ул бир ўт?
Бўғиқ, қисиқ бу кўнгил кучли ўт билан ёнадир,
У ўт орасида юртнинг хаёли жонланадир...*

Шоирнинг “хаста дили” ва “қора ўйи” руҳий кечинма яхлитлигини таъминлайди. Кўнгил ҳолати бунёдга келади. Тасвирийликдаги тўшакда “инграб ётмак” “оғир... қийин...” сўзлари луғавий маъноларидаги эмоционал бўёқлар билан ҳиссий кўламнинг

¹ И.Хаккулов. Адабият фарзандлари. Т–1990й. 138-бет.

² Миллий уйғониш. Илмий мақолалар. Т–1993 й. 78-бет.

³ Закий Валидий Тўғон. Хотиралар. “Шарқ юлдузи” журнали. 1993 йил. 7-8-сонлар.

⁴ Закий Валидий Тўғон. “Хотиралар”дан.

кенгайишига ҳамда поэтик мушоҳаданинг бир неча ботиний оқимларда кечишига сабаб бўлади. Шоир руҳий ҳолатидаги тушкунликни янада бўрттириб намоён қилади. Вужуд дарди миллат қайғуси олдида ҳеч нарсага айланади. “Бу ётишнинг сўнги, сўнги келсун!” тилаги ботинан “юрт кўкидаги булут”лар тарқалсин деган ниятни ташийди.

Чўлпон шууридаги эл-юрт ва эрк қайғуси поэтик тафаккуридаги энг муҳим мавзу сифатида барча асарларидан кизил ип каби ўтади. Албатта Чўлпон шеърини айнан шу жиҳатлари билан XX аср ва ҳатто XXI аср ўзбек шеърининг ҳам мазмун мундарижасини ва поэтикасини белгилаб берди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳаққулов И. Абодият фарзандлари. – Т., 1990. – Б. 55.
2. Курбонов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 28.

АДАБИЁТШУНОСЛИҚДА ҲАЖВ ВА ФОЛЬКЛОР ТАЛҚИНИ

Равшанова Г.Қ. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада ҳажвиётнинг мазмун-моҳияти кенглиги, серкирралиги, ҳаётдаги барча воқеа-ҳодисалар, улардаги иллатлар унинг назаридан четда қолмаслиги, ҳажвнинг кирралари иллатлар ва нуқсонларни йўқотишга қаратилиши очиқ берилади. Бунда фольклорнинг ўрни бекиёслиги илмий исботлаб берилади.

Таянч сўзлар: *тасвирий воситалар, халқ оғзаки ижоди, сатира, юмор, ёзма адабиёт, фольклор, ҳажвиёт, достон, мақол, топшмоқ, йўқлов, йиғи, ёр-ёр, алла.*

Аннотация. В статье раскрывается широта и разнообразие содержания комедии, все события жизни, недостатки в них не остаются вне поля зрения, грани комедии направлены на устранение недостатков. В этом случае научно доказана роль фольклора.

Ключевые слова: *изобразительные средства, фольклор, сатира, юмор, письменная литература, фольклор, комический, эпос, пословица, загадка, поэма, плач, ёр-ёр, алла.*

Annotation. The article reveals the breadth and diversity of the content of comedy, all the events in life, the flaws in them are not left out of his sight, the edges of comedy are aimed at eliminating flaws and shortcomings. In this case, the uniqueness of the role of folklore is scientifically proven.

Key words: *visual means, folklore, satire, humor, written literature, folklore, comic, epic, proverb, riddle, poem, cry, yor-yor, alla.*

Фольклор ва ёзма адабиёт муносабати бениҳоя кенг бўлиб, бу муаммо миллий адабиётнинг шаклланиши ва ривожланишида халқ оғзаки ижодининг роли, унга хос тасвирий воситалар, услублардан, шакллардан фойдаланишнинг муҳим томонлари, фольклоризмларнинг юзага келиши каби масалаларни қамраб олади. Шу маънода, ижодкорларнинг фольклор аънаналаридан фойдаланишдаги услуб ва маҳоратини кузатиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, “Фольклор аънаналари” деганда халқ оғзаки ижодига хос ифода услуби, бадиий шакллар ва тасвир воситалари, эпик мотив ва образлар, маросим ҳамда урф-одатларга хос тушунча ва қарашларнинг фақат фольклор асарларида сақланиб қолиши, уларни поэтик ифодалашнинг давом эттирилиши англашилади. Жумладан, шоир ижодидаги Насриддин Афанди образи ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан олинганлиги, ёхуд Абдулла Ориповнинг ўзи таъкидлаганидек (*Афанди дегани ўзим бўламан, Ҳар хил ҳангомага ичи тўламан*)¹, Дантенинг таржимаси унинг учун катта мактаб бўлганлиги фикримизга далил бўла олади. Хусусан, И.Ғафуров шоир ҳажвиётини таҳлил қилиб: “Бу интилиш Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов сингари шоирларда ёрқинроқ кўзга ташланаётганлиги сабабини мен баъзан Гёте ва Дантенинг таржима қилиниши билан боғлайман”², дея таъкидлаб ўтади.

¹ Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 8 жилд. – Тошкент, 2016. – Б.89.

² Ғафуров И. Лириканинг юраги. – Тошкент: Ёш гвардия. 1982. – Б.224.

“Мен ўзим доимо қайта-қайта ўқиб турадиган асарлар: ўтмишдан – Чехов, Марк Твен, О.Генри, бугунги кунда Азиз Несин, Евгений Петров ва Ильф. Ўзимиздан Саид Аҳмад. Ва табиийки, булардан ҳам аввал Афанди латифалари – ўзимизнинг ўша эски танишимиз Хўжа Насриддин... Назаримда, Насриддин афанди асари жаҳон адабиётининг энг ёрқин, энг тугал, ўлмас образлари қаторида туради. У нафақат одамга завқ бағишлайди, нафақат ақл-заковатининг битмас-туганмас имкониятларини намойиш қилади, балки бу образ ҳар қандай одамга яшашга ёрдам беради. Уни инсон ҳаётининг бутунлай бошқача тарзда – рангларда, жилоларда, умидбахшлик билан қабул қилишга ёрдам беради”¹, – деб ёзади адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов.

Шоир ана шундай манбалардан унумли фойдаланганлиги боис ҳажвияларидаги тасвир ҳаётийлик, яратган ҳажвий характерлари табиийлик касб этди. Абдулла Орипов ҳажвиётидаги анъанавийлик ва новаторлик масаласига оид қарашларимизни юқоридаги адабий манбаларга мансуб ижод намуналари билан шоир ҳажвларини қиёслаш асосида далиллашга уриниб кўрамиз.

Афанди образининг тўлақонли яратилишини таъминлаган дастлабки адабий манба ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридир. “Афанди эшик олдида ўтирса, бир киши унинг олдида ҳовлиқиб келибди:

- Афанди анави томонда подшоҳнинг мулозимлари совға-саломлар кўтариб келишяпти.
- Подшоҳнинг мулозимлари совға-саломлар кўтариб келишаётган бўлса, менга нима? – дебди Афанди.

- Совға-саломларни сизникига олиб келишяпти.

- Совға-саломларни меникига олиб келишаётган бўлса сенга нима? – дебди Афанди бепарво.

Абдулла Орипов айнан шу латифани шеърини йўл билан бироз бошқача шаклда ифодалайди. Шоир ҳажвияларида халқ оғаки ижоди жанрларидан, улардаги тасвир усулларидан, халқ латифаларидан усталик билан фойдаланганлигини кўрамиз. Бу ҳажвий қаҳрамоннинг нутқ услубидан ҳам сезилиб туради:

– *Кўй етаклаб ўтдику - биров,*

– *Менга нима, деди Афанди.*

– *Сизникига қараб кетди-ёв,*

– *Сенга нима, деди Афанди.*

Юқоридаги нутқ услубида фольклорга хос бўлган баён услубини кўришимиз мумкин. Ушбу парчада лоқайд ва очкўз одамларнинг қиёфаси Афанди мисолида очиб берилган. Ҳажвий қаҳрамонни ўз нутқи воситасида фош этиш ҳам анъанавий усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шоир ўзининг хангома, ҳажвга бўлган муносабатини “Афанди” деб номланган шеърда қуйидагича изоҳлайди:

Афанди дегани ўзим бўламан,

Ҳар хил хангомага ичи тўламан.

Эси йўқ одамлар калласизлардан,

Хафа бўлишади, шунга куламан [1.95].

Афанди латифалари, аскиялар, чандишлар, лапарлар ўзбек халқининг асрлар мобайнида кулгидан баҳраманд бўлиб келганлигини, инсон ва ҳаётдаги кулгили жиҳатларни нозик илғай олганлигини кўрсатади. Қолаверса, ўзбек тили шундай нодир хусусиятга эгаки, сўзлашувнинг ўзидаёқ, табиий равишда, кулги пайдо бўлаверади. Чунки, ўзбек сўзларининг кўпчилиги камида икки маънога эга бўлади. Кўринадик, ҳажвий асарларнинг биринчи белгиси унинг танқидий йўналишга эгалиги бўлса, иккинчи хусусияти тасвирнинг кулгили тарзда берилишидан иборатдир.

Қабристонга, демангиз, тирик келди, ёр-ёр,

Қувонтириб бизларни ўлик келди, ёр-ёр.

Шу тариқа ёмонни тиглаймиз ҳам, ёр-ёр,

Яхшиларни кўмганда, йиглаймиз ҳам, ёр-ёр.(1.197)

¹ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ НМАК. 2004. – Б.252.

Ҳаётда ҳар ким ҳар хил касбнинг орқасидан тирикчилик қилади, оиласини боқади. Халқимизда “Отнинг ўлими – итнинг байрами” деган мақол бор. Халқ донолигининг ноёб дурдоналари саналган мақолларда катта мазмун мужассам. Шоирнинг юқоридаги шеърининг мавзуси оҳорли, янги. Деҳқон ерга экин экиб, ҳосил ундириб, халқни боқади, муаллим болаларни ўқитиб, илм-маърифатли қилади, табиб касалларни даволайди ва ҳ.к. Гўрковлар эса оламдан кўз юмган инсонларни кўмиб кун кечирадилар. Албатта, ҳар қандай касбнинг машаққати бўлганидек, мазкур касбнинг ҳам ўз заҳматлари бор. Улар ҳар кун ғам, қайғу билан рўбарў келдилар, инсон умрининг ниҳояси борлиги билан ҳар кун тўкнашадилар, одамларнинг ўлим олдида ожизликларини чуқур ҳис этадилар. Умрнинг ўткинчилигини ҳаммадан ҳам улар теран англайдилар. Яхши-ёмонни кўмадилар, яхшиларни кўмганларида йиғлайдилар ҳам. Аммо инсонлар хилма хил бўлганлари каби гўрковлар ҳам хилма-хилдирлар. Улар орасида ҳам очкўзлари, таъмагирлари бор: “*Ётиб қўйиб устига чопонини, ёр-ёр, Ечинтириб оламиз кафанини, ёр-ёр*”. Очкўз, худодан ҳам кўркмайдиган, дуч келган одамни талайдиган, қалбига озор берадиган, охири луқмасини ҳам оғзидан юлиб оладиган юраксиз, имонсиз, қалбсиз кимсалар афсуски, атрофимизда бисёр. Ундай кимсалар яхши, ёмон деб ажратмайдилар, бой-камбағал деб ўтирмайдилар, фақат ўз манфаатларини ўйлайдилар. Ҳатто, ўликларнинг кафанини ечиб оладиган гўрковлар ҳам борлиги даҳшат. Шоир фикрнинг кўламини беришда фольклор жанрларидан фойдаланган.

Ёзма адабиётимизда дастлаб дoston, мақол, топишмоқ, йўқлов, йиғи, кейинчалик ёр-ёр, алла каби фольклор жанрлари стилизация қилинган. Шоир Абдулла Орипов ижодида ҳам ана шу анъана давом эттирилган. Унинг қатор шеърларида, хусусан, “Гўрковлар кўшиғи” номли шеърда ана шу анъаналар бардавонлигини кўрамиз. Маълумки, “Ёр-ёр” кўшиғи тўй маросимида, хурсандчиликда айтиладиган халқ кўшиғи саналади. Қабристонга ўлик келиши гўрковлар учун ана шундай байрам. Шоир айнан шунинг учун тўйда айтиладиган “ёр-ёр” кўшигини стилизация қилиб, мазмунни кучайтиришга эришган. Шеър мисраларини ўқий бошлашимиздаёқ “кимга аза, кимга тўй” эканлигини англаймиз. Шеърда ғайриодатий ҳолат ифодаси чизилган. Ҳаёт ана шундай зиддиятлардан ташкил топган. Мазкур “ёр-ёр”да ғайритабиий қувонч, қисматнинг қаттиқлиги, инсон иқлимининг ранг-баранглиги, умрнинг хотимаси, ўткинчилигига ишора акс этади. Шоир халқ кўшигининг руҳига чуқур кириб бора олган, шу сабабли шеърда акс эттирилган ҳолатларни тушуниш осон. Мазкур шеърда жанр стилизацияси муваффақиятли амалга ошиб, шеърят ихлосмандлари яна бир халқона руҳдаги шеърдан баҳраманд бўлдилар. Шеър сатрларида “тирик-ўлик”; “чопон-кафан”; “ёмон-яхши” зид тушунчалари инсон табиатидаги номуносибликни чуқур ифодалашга хизмат қилган.

Ижтимоий иллатларнинг ҳажвий танқиди бўлган сатира дастлаб ўзбек халқ оғзаки ижодида шаклланган ва кенг тарқалган. Меҳнаткаш халқ адолатсиз ҳукмдорлар, зулмкор амалдорларга қарши бўлиб, норозилиklarини латифалар, ҳажвий эртақлар ва кўшиқлар орқали изҳор қилганлар. Ўз давридаги зулм, ҳақсизлик ва бошқа ижтимоий иллатлар устидан омманнинг қаҳр-ғазабини уйғотганлар. Насриддин Афанди образи ҳам шу аснода вужудга келган. Халқ ҳажвий сатираси ва кулгиси ёзма ҳажвий адабиёт учун озукавий манба сифатида бир неча асрлардан буён хизмат қилиб келмоқда.

Ҳажвий асар яратиш ижодкордан юксак маҳорат, истеъдод ва албатта, катта меҳнатни талаб этилади. Ижодкор халқ оғзаки ижоди намуналаридан ҳам кенг фойдаланганлиги, ўзидан олдинги салафларининг ижод маҳсулининг таъсири бекиёсдир.

Адабий таъсирсиз бадий асар яратиб бўлмаслиги илмда ўз исботини топиб келган. Ҳар қандай ижод намунаси ўзидан аввал яратилган ижод намуналарининг, ўз салафдошлари ижодининг қайсидир жиҳатларидан адабий озикланиб келган. Бу адабий ҳодиса Абдулла Орипов ижодига ҳам бегона эмас. Шоир ҳажвияларидаги нозик қочиримларнинг юксак салмоғи ва мазмундорлигини таъминлаган омиллар: ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек мумтоз адабиёти, қардош халқлар адабиёти, рус ва Ғарб адабиётининг илғор адабий манбалари бўлиб келган. Шоир бу манбалардан ўз ўрнида унумли баҳраманд бўла олди ва ижодий фойдаланди.

Абдулла Орипов ҳажвиёти ўзининг чуқур фалсафий мазмун-моҳияти, тузилиши, тили, қаҳрамон яратиш маҳорати шоирнинг ҳажвнависликда ҳам ўз ўрни борлигини исботлаб турибди. Кулги, ҳажвнинг адабиётдаги асосий вазифаларидан бири билиш вазифасидирки, энг аввало, шоир ҳажвдан ҳаётни билиш воситаси сифатида фойдаланади. Шарҳлаш вазифаси эса ҳажвиёт ҳаёт ходисаларини тушунишга ёрдам беришида кўринади. Шоир буни ҳаёт ҳақидаги қарашларимиз билан ҳатти ҳаракатларимизнинг ўртасидаги номувофиқлик натижасида вужудга келадиган кулги орқали кўрсатади.

Кулгининг маълум маънода умид, халос бўлиш, таскин топиш воситаси эканлиги; жамиятнинг тузалиши ва такомиллашишига йўналтирилганлиги;

соғломлаштирувчилик вазифаси (даволовчи хусусиятга эгаллиги), ўткир ҳажвий қурол сифатида фош қилувчилик каби бир қанча вазифалари шоир ижодида муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

Ҳажвиётнинг объектив ҳаётини илдишларига назар ташлар экан, шоир комизмни доимо ҳаётнинг ўзидан, воқелиқдан, атрофдаги инсонларнинг муносабатидан, қарашларидан, ҳатти-ҳаракатларидан келтириб чиқарди, унга ҳаётни чуқур ўрганиш ҳамда тушуниш, тушунтириш, танқид қилиш, ҳажв қилиш орқали ўзгартириш мумкин деб қаради. Шу боис шоир ҳажвиётнинг мазмун-моҳияти кенг, серқирра, ҳаётдаги барча воқеа-ходисалар, улардаги иллатлар унинг назаридан четда қолмайди, ҳажвнинг қирралари ўша нуқсонларни йўқотишга қаратилади.

Ҳажвнинг кўп минг йиллик тарихида унинг турли хил кўринишлари, жанрлари вужудга келди: латифа, ҳазил, мутойиба, аския, қизиқчилик, масҳарабозлик, характерлар комедияси, маиший-ахлоқий комедия, комедия-буффонада, лирик комедия, сатира, юмор, фарс ва ҳоказо. Унинг ёзма шакли тарихи Аристотель, Ювенал ва Аристофан номлари билан бошланиб, турли халқларда уларнинг ўз миллий характерларига мос ҳолда ёзувчи кўплаб намояндалари етишиб чиқди. Унга бўлган эътибор даврлар ўтгани сайин ортиб борди. Бунинг сабаби сифатида кулгининг ҳаётини ва ижодий эҳтиёж эканини кўрсатиш мумкин. Ҳажвшуносларнинг кулгига мойиллиги бўлмаган ҳеч бир инсон топилмаслиги тўғрисидаги ҳулосалари бутун жамият ва унинг тарақиётидаги барча босқичларга ҳам тааллуқлидир. Ўзбек адабиёти тарихи ҳам буни тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент, 2016. – 432 б.
2. Адабиётшунослик луғати / Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. – Т.: Akademnashr, 2013. – 408 б.
3. Тошканов С. Ўзбек совет адабиётида сатирик характер проблемаси. – Тошкент: Фан, 1987. – 105 б.

Наирга ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИНING ПОЭТИК ТИМСОЛЛАР ОЛАМИ

Қаххорова Ш.А. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада Алишер Навоий лирикасида фано талқинига алоқадор ёрдамчи тимсоллар хусусида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: *солик, мақом, сулук, фано, бақо, ваҳдат ул-вужуд, унс, нафс, нафси аммора, тавҳид, жамъ, тафриқа, саҳф, суқр.*

Аннотация. В данной статье рассматривается вопрос психологического состояния лирического героя в статусе фано и художественные интерпретации процессов, происходящихся перед статусом фано.

Ключевые слова: *странник, стоянки, странствие, небытие, вечность, близость, дружба, душа, душа, склоняющая ко злу, единство Божье, собрание воедино, разъединение, духовная трезвость, духовное опьянение, упоенность.*

Annotation. This article discusses the auxiliary symbols associated with the interpretation of fano in Alisher Navoi's lyrics.

Key words: *wanderer, parking lots, wandering, nonexistence, eternity, proximity, friendship, soul, soul inclined to evil, the unity of God, gathering together, disconnection, spiritual sobriety, spiritual intoxication, ecstasy.*

Тасаввуф шеърятини ўрганиш жараёнида кўзга ташланадики, сўфий шоирлар фойдаланадиган поэтик тимсоллар камчиликни ташкил қилади. Поэтик тимсоллар маълум бир қолипга солинган, маълум бир мақсадга йўналтирилган.

Бу тимсоллар маълум бир тасаввуфий мазмун-моҳият касб этувчи, аниқ фалсафий моҳият ифодаловчи тасвирий белги ҳисобланади. Барча тасаввуфий шеърятнинг асосий мавзуси олдиндан тавҳид ва ваҳдат ул-вужудни қуйлаш кўзда тутилган.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий ижодига диққат қилинса, унинг фано хусусидаги қарашлари, илми чуқур экани, балки фанодаги ҳоли юксак эканини сезиш қийин эмас:

*Дединг, фано недурур, мухтасар дейин ўлмак,
Ки шарҳини тиласанг, юз рисола бўлғусидур. [2:200]*

Зеро, “шуъланинг моҳиятини қуймасдан туриб англаб бўлмагани”¹ каби ўзидан бу ҳолни кечириб кўрмаган киши фано ҳақида бундай теран фикрлай олмас эди. Улуғ мутафаккир фанони маҳсул рисола шаклида шарҳламаган бўлса-да, ўз асарларининг жуда кўп ўринларида кенг маъноли бу тушунчанинг бадиий талқинларини бериб борган. Бизнингча, Алишер Навоий лирикасида фано талқинларини тадқиқ этишда, аввало, фано талқинига алоқадор ёрдамчи тимсоллар оламига эътибор қаратиш жоиз. Айни жиҳатга диққат қаратиш мутафаккир ижодий меросидаги фано талқинларини маълум даражада тизимли ўрганиш имконини беради.

Фано моҳиятини англашга ёрдам берувчи тимсоллардан бири **лоуболидир**. Навоий бир ўринда зоҳидга мурожаат қилар экан ўзининг ринд лоуболи эканини айтади:

*Хонақаҳ аҳлига, эй зоҳид, мени ўхшатмаким,
Зухд эли бор ўзгача, ринд лоуболи ўзгача. [2:554]*

Лоуболи арабча калима бўлиб, бепарво, беғам, лоқайд маъноларида келади. “Тасаввуфда ошиқнинг дунёвий ҳою ҳавасларга нисбатан бепарволиги, ўткинчи воқеа-ҳодисаларга лоқайдлиги, ишқ ғамидан ўзга нарсага назар солмаслиги маъносида тушунилади” [Сироҷиддинов Ш., 2016:264]. “Истилоҳоти Машойих”да келтирилишича, лоуболи ва ринд деб шундай ошиқ солиққа айтадиларки, афъол афзаллиги ва сифат кишидан ҳамда вожиб ва мумкин кўришдан халос бўлган. Ашённинг афъол ва сифатини Ҳақнинг афъол ва сифати билади ҳамда ҳеч бир сифатни ўзига ва ўзгага мансуб билмайди. Бу мақомнинг ниҳояси – мақоми фанодир” [4:214]. Қуйидаги байтда шоирнинг лирик қаҳрамони Навоийга мурожаат қилар экан, ундан энди ақл сари йўл бошламасликни, чунки ўзининг девона бўлиб, ишқи лоуболи ҳолида эканини таъкидлайди:

*Эй Навоий, ақл сари эмди бўлма раҳнамун
Ким, бўлуб девона, ишқи лоуболи бирламен. [2:478]*

“Фавойиду-л-кибар”нинг 18-китъасида Ҳофиз Шеъротий ҳақида сўз юритиб, унинг фано дайрида масту лоуболи эканини айтади:

*Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи. [2:728]*

Навоий талқинидан фанода солиқнинг ақлдан бегона, девона, маст, лоуболи ҳолатида бўлиши англашилади.

Фанога алоқадор, у билан ўрин алмашиб турадиган жараён – балодир:

*Мақоми гаҳ бало тоғидурур, гоҳе фано дашти
Ки, ишқ ичра берур Фарҳоду Мажнундин нишон кўнглум. [2:434]*

Солиқ учун риё аралашган хилват, зухд ва тақводан фано, ўлмасдин бурун ўлиш, хилват дар анжуман афзал:

*Чун фано матлуб эрур солиққа бил, эй шайхким,
Кўфр эрур зухди риёи ичра иршодинг сенинг. [2:357]*

Шоир кўпинча фано моҳиятини чуқурроқ очиб беришда таққос усулидан фойдаланади. Тазод санъати ва қиёс йўли билан хонақаҳ шайхи, зоҳид каби образларни дайр пири, солиқ каби образларни ўзаро муқояса қилади:

*Хонақаҳ шайхидин эл сирри фано англамади,
Дайр пири ани хуб англатур элга, анланг. [2:368]*

¹ “Лисону-т-тайр”даги “парвоналар тўдасининг ҳақиқий шамъ таърифиди”ги ҳикоятга ишора.

Зоҳиднинг олий мақсади жаннат бўлса, солиқники – фанодир:

*Фано дайрин тилармен мен, вале учмоғни зоҳидким,
Менинг комим – қадаҳ дурди, анинг – кавсар зулолидур. [2:197]*

Албатта, “Насойиму-л-муҳаббат” ҳамда шу йўналишдаги асарларда зикр этилган кўплаб валийлар ана шу ғоя билан яшаганликларини кўриш, бу мавзу доирасида атрофлича фикр юритиш мумкин.

Дашт сўзи ҳам кўпинча фанога ташбеҳ ёки истиора қилинади. Бунда дашт билан боғлиқ машаққатларга зимдан ишора бўлади:

*Навоий, гар хирад мулкида савдодин батанг ўлсанг,
Қадам ургил фано даштида мажнунвор мен янглиг. [2:303]*

Фано таърифида шоир ҳаттоки шарият ва тариқатни-да бир-бирига таққослайди. Шариат билан ҳосил бўлмаган муродга тариқат етказиши мумкинлигини айтади:

*Гарчи Каъба эшикин топмади мингдин бир очуқ,
Кир фано дайридаким, анда ёпуқ бўлмас эшик. [2: 334]*

Навоий фано талқинида турли истиоралардан фойдаланади. Бу бадий усул ўхшатишдаги хоссаларни фанога кўчиради ва фанонинг моҳиятини ёрқинроқ англатишга хизмат қилади. Қуйида мана шу жиҳатга кенгрок эътибор қаратамиз.

Масалан, шоир бир қанча ўринларда “фано тоғи” истиорасини қўллайди. Ва бунда ўз қаърида қанчадан-қанча қимматбаҳо маъданларни беркитган тоғларга хос бўлган улугворлик, қаттиқлик хусусиятлари фанога кўчади:

*Жигаргундур Навоий жисми қон ёшдин маҳалдурким,
Қазо бу навъ лаъл учун фано тоғини кон эткай. [2:604]*

Ушбу байтдан фанонинг тоғлар каби улкан, забт этиш жуда қаттиқ ва машаққатли экани, бироқ тақдир лаъл, яъни висолни унинг қаърига яширганини тушуниш мумкин. Тасаввуф манбаларида форсча **кўҳ**, яъни **тоғ** атамасининг фано мақомини англатиши келтирилади [4:208.]. Бизнингча, бунинг сабабияти ҳазрат Мусо (а.с.) гувоҳ бўлган тажаллига мазҳар бўлган тоғ – “Кўҳи Тур”га, Асҳоби Қаҳф воқеасига ҳамда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ваҳий келишининг дастлабки даврида тоғда чилла сақлашларига бориб туташади.

Баҳр. Тасаввуфда Аллоҳнинг тажаллиларини, Раббоний ваҳийларни, илоҳий ҳақиқатларни барча инсонларга маърифатлар шаклида, сел каби давомли оқиб келишини билдиради[Ethem Sebescioğlu, 2009:40]. Бу тажалли, маърифат ва ҳақиқатлардан баҳраманд бўлган солиқ эса ғамлардан халос бўлади. Денгиз кемаларни чўктирса, фано солиқнинг ғам заврақини ғарқ қилади:

*Ғарқ этар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,
Илғига чунким Навоий бода каштийсин олур. [2:190]*

Кўп ўринларда фано **дайр** калимаси билан бирикиб келади. Дайр – роҳибларнинг ибодатхонаси бўлиб, шаҳар атрофидаги воҳа, баланд тепалик ёки тоғ ёнбағрида қурилган. Унда роҳиблар *жамиятдан узилган ҳолда* ибодат қилишган. Кейинчалик бу сўз ирфоний маъно касб этган [Сирожиддинов Ш., 2016:149]. Бизнингча, шоир ўз лирикасида *фано дайри* истиорасини ишлатар экан, дайрнинг айнан “жамиятдан узилган”лар тўпланадиган жой эканини ҳисобга олган. Фано дайрида солиқ халқдан буткул узилиши кераклигига мана шундай поэтик усуллар орқали ҳам ишора қилган:

*Сирри ваҳдат чун фано дайрида сизмас лафз аро,
Невчун оё хонақаҳ ичра туганмас айтилиб? [2:76]*

Шоир лирикасида фано билан фаол қўлланувчи тушунчалардан бири **сахро** бўлиб, у ирфоний маънода руҳоний оламини англатади [5:450]. *Фано сахроси* шаклида қўлланган ҳолатлар фанонинг руҳ оламига даҳлдор, руҳий-психик жараён эканидан хабар беради:

*Не дашти махуф эмиш фано сахроси
Ким, анда кирарга йўқ боло яроси. [2:744]*

Сахро тез-тез *биебон*, *чўл*, *дашт* сўзлари билан ҳам ўрин алмашиб туради. Бу ҳолатларда сахро ва даштларга хос хавф-хатарларнинг барчаси фанога ҳам кўчади, бу даштни босиб ўтиш осон эмаслиги англашилади:

*Йўқ ҳарифеки, фано даштида қўллар тутушуб,
Бўлса йўл қатъида ҳампой мангаву ҳамдаст. [2:109]*

Фано билан истиора қилинувчи сўзлардн яна бири **бозор**дир. Тасаввуф луғатларида бозорнинг “илоҳий нурлар тажалли этадиган мақом, касрат ва тафриқа мартабаси” экани келтирилади [5:419]. Бунда фано бозорида умр нақдидан кечгандагина мурод ҳосил бўлишини тушуниш мумкин:

*Умр нақдин сарф этай дермен фано бозорида,
То қутулгай хотирим суду зиён савдосидин.* [2:459]

Қолаверса, касрат мавжудотнинг борлигини Аллоҳдан деб билиш ва ҳар борликда Аллоҳнинг кучини кўрмоқ, яъни касратда ваҳдатни кўрмоқ демақдир [Uludağ S., 1995:201]. Демак, фано бозорига қадам қўйган солиқ гарчи касрат қуршовида бўлса-да, фақат ваҳдатни ҳис қилади.

Фано хусусида сўз борар экан, албатта, **ўт** истилоҳига ҳам алоҳида тўхталмоқ жоиз. Бу сўз фано билан бирикканда олов темирни куйдириб қандай покласа, фано ўтининг ҳам солиқни худди шундай куйдирувчи ва шу билан бирга Ҳақ билан тўсик бўлиб турган кирлардан покловчи эканига ишора қилади:

*Солғил, эй ишқ, вужудумга фано ўтиниким,
Ёпти мақсуд юзин пардайи пиндор манга.* [2:33]

Ялдо кечаси атамаси ҳам фанога алоқадор бўлиб, маънавий фақирлик, солиқнинг фанога, йўқликка эврилишини англатади [5:316].

*Бўлмагай эрди фалакнинг кийнаси давронида,
Бўлмаса ялдо туни ошиқлигим тугёнида.* [2:587]

Най образи ҳам фано билан боғлиқ бўлиб, қамиш ичи бўшалмасдан – фано, йўқлик, ҳечлик касб этмасдан туриб, руҳоний нафасларни куйлай олмайди [5:260].

*Новакинг касрати кўнгул ичида,
Уйлаким найситон ичинда қамиш.* [2:271]

Фанони англашда “**сафар дар ватан**” тушунчаси ҳам жуда муҳим. Араб ва форс тилларидан ташкил топган, нақшбандия тариқатига алоқадор бу сўз ватанда сафар қилишни англатади. Солиқнинг ёмон одатлардан яхшилиқка йўналиши, инсоний сифатлардан фаришталик сифатларига етиши демақдир. Моддий саёҳат билан одам ёмон одатларидан воз кечиши мумкин эмас. Муҳими, ички оламдаги саёҳат [5:295].

Фано ҳолидаги киши кўрмоқ, эшитмоқ, ҳис этмоқ билан боғлиқ идроклардан тамоман айрилади. Ёмон сифатлардан узоклашиб, Ҳақнинг сифатлари билан сифатланади. Васлга эришган, Ҳақдан нишон топган бундай кишининг ўзлигидан нишон қолмайди:

*Навоий, билки топмишмен нишон мақсуддин бешак,
Ўшал кунким, нишоне топмасанг истаб нишонимдин.* [2:513]

Айни сабабга кўра, бу мақомдан белги берувчи тушунчалардан бири – **бенишон** тишунчасидир. Манбаларда бенишон фано мақоми, Зоти кибриё, Ла Таъайюн мартабаси экани келтирилади [Uludağ S., 1995:51]. Фано шартларидан бири – бенишонлик касб этиш эканини яхши билган шоир шундай дейди:

*Хослар васл истагайлар, ваҳки, мен девонадин
Ул парий кўйида беному нишонроқ йўқ киши.* [2:606]

Юқорида келтирилган тушунчалардан ташқари **юз, майхона, айвон, шол, базм, жом, май, отаигоҳ, шугла, йўл, кўча, тош** каби ўнлаб фано билан жиддий алоқада бўлган тушунчалар ҳам борки, уларни атрофлича тафтиш этиш моҳиятни англашга кўмак беради. Булар ҳақида навбатдаги мақолаларимизда қисқача тўхталишни лозим топдик.

Демак, буюк Алишер Навоий лирикасини тадқиқ этиш орқали тасаввуфдаги йирик масалалардан бири – фанони, кенгроқ олганда, ижодкорнинг фанодаги мақоми, фанога эришиш шартлари, фанода содир бўладиган ҳоллар ҳамда фанога алоқадор бошқа кўплаб тушунчаларнинг моҳиятини чуқур англаш, қолаверса, бу мавзуни бадиий гавдалантиришда шоир кенг фойдаланган образлар, поэтик воситалар, умуман, ижодкорнинг поэтик маҳорати ҳақида муҳим илмий-назарий хулосаларга келиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Ғаройиб ус-сиғар. ТАТ. Ж. 1. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2013.
2. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Бадоеъ ул-васат. ТАТ. Ж. 3. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2012.

3. “Алишер Навоий: комусий луғат” / Масъул муҳаррир: Ш.Сироҷиддинов. 2 жилдлик. – Тошкент: Sharq, 2016. Ж. 1. – Б. 149.
4. Ethem Cebecioglu. Tasavvuf terimleri ve deyimleri sözlüğü. Ağaç Kitabevi Yayınları, 2009.
5. Uludağ S. Tasavvuf terimleri sözlüğü. – Istanbul: Marifet Yayinlari, 1995.
6. Kuşeyri. Tasavvufun ilkeleri (Risale). 1-ketap. Istanbul: 19878. – S. 114.

Наишга ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

БАДИИЙ ИЖОД ТАКОМИЛИДА ТУШ ВА ТАЪБИРНОМАЛАРНИНГ РОЛИ

Қиёмов Ф.Р. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақола бадиий ижод жараёнининг пайдо бўлиш ҳамда ривожланишида туш ва таъбирномаларнинг ўрни масаласи муҳокамага тортилган.

Таянч сўзлар: *туш, таъбирнома, бадиий ижод, эртак, ҳадис, ислом, тасаввуф.*

Аннотация. В данной статье рассматривается роль снов и толкований в процессе возникновения и развития художественного творчества.

Ключевые слова: *сон, толкование, художественное творчество, сказка, хадис, ислам, суфизм.*

Annotation. This article discusses the role of dreams and interpretations in the process of emergence and development of artistic creativity.

Key words: *dream, interpretation, artistic creativity, fairy tale, hadith, Islam, Sufism.*

Тушлар таъбири илми билан Шарқу Ғарбда қадимдан шуғулланилган ва бу борада кўплаб китоблар мавжуд. Бу манбаларда туш кўриш ҳодисасининг сир-асрорларини билишга, унинг маъносини англаб етишга ҳаракат қилган олим-у уламоларнинг асрлар давомида тўплаган тажрибалари, илмлари асосида тушларни изохлашнинг асосий мезонлари вужудга келган. Таъбирномалар ана шу мезонларга таянган ҳолда кундалик ҳаётимиздан бизнинг тушунчамизда маълум бўлган кўпгина маълумотларни умумлаштирган ҳолда тушларимиз аҳамиятини шундай тушунарли ва жозибали қилиб изохлаб берадики, биз кизиқиш билан кўрган тушимиз ҳақида хулоса чиқаришга, ўз фикрларимизни рўй бераётган воқеаларга қаратишга ундайди.

Таъбир – йўймоқ, ечмоқ, баён қилмоқ, муаббир – туш йўйовчи, туш ҳақиқатини баён қилувчи деганидир. Қадимги турк давридан бизгача иккита Ирқ битиги етиб келган. Уларнинг иккиси ҳам саккизинчи асрнинг сўнги, тўққизинчи асрнинг бошларида яратилган. Бундан туркий халқларда қадимдан тушларни таъбирлаш илм даражасига кўтарилгани маълум бўлади.

Энг буюк муаббир – халқдир. Инсоният ақлини таниганидан буён кўрган тушларининг фарқига боради ва уни у ёки бу даражада таснифлайди. Кўрган тушларининг мазмуни, моҳиятига ҳаётий тажрибалар орқали аниқлик киритади. Туш таъбирлари халқ ижодининг бир бўлагидир. Бироқ фарқли томони шундаки, туш таъбирларини туш соҳиблари тўқимайди ёки ижод қилмайди. Туш воқеаларини ўзгаларга етказиш ҳам ўзига хос “ижод”. Туш соҳибининг туш мазмуни ёки воқеасини ўзгага айнан етказиши камдан-кам учрайди; аксарият туш воқеасини қўшиб-чатиб ҳикоя қилади; айниқса, болалар, шу жумладан, аёлларнинг тушлари саргузаштларга тўла бўлади. Улар кўрган туш мазмунини ипидан-игнасиғача айтиб бериш асносида ўзларидан кўп нарса қўшадилар. Ана шу ҳолатлар эҳтимол бадиий ижоднинг дастлабки босқичида катта аҳамиятга эга бўлган. Кўп эртак ва топишмоқлар, халқ дostonларида бадиий тушларнинг келиши бу фикрни қувватлайди. Ўзбек фольклорида, хусусан, халқ эртак ва дostonларида тушнинг муайян асар таркибида тутган ўрни, бадиий-эстетик вазифаси ва бошқа жиҳатларини тадқиқ этиш учун, аввало, туш мотиви мавжуд бўлган асарларни жамлаш, бир-бири билан муқояса қилиш, уларни ўхшаш ва фарқли жиҳатларига кўра таснифлаш, сўнгра эса тадқиқ қилиш талаб этилади. Шу мақсадда фольклоршунос олим Жаббор Эшонқул юртимизда нашр этилган мавжуд эртак ва дostonлардаги туш иштирок этган асарларни ажратиб олиб, уларни муайян жанр доирасида

саралаб чиқади. У оммавий нашр этилган 160 эртақдан 19 тасида, 60 та дostonнинг 16 тасида бевосита туш мотиви мавжуд эканлигини аниқлайди. Олим эртақ ва дostonлар таркибидаги тушнинг ҳар бир асар композицияси, сюжет қурилмасидаги ўрни, бадий вазифаси ва ушбу мотивнинг туб асослари, ундаги тимсол, рамзларнинг семантик кўламини атрофлича таҳлил ва тадқиқ этади ҳамда шу орқали умумфольклордаги туш ҳодисасининг табиати, бадий-эстетик қимматини ёритади [4].

Демак, туш мазмуни ва воқеасини тадқиқ қилиш фольклоршуносликнинг ҳам вазифаси. Дарвоқеъ, инсоният тараккиётининг дастлабки босқичларида ибтидоий одамлар кўшиқ айтиш ҳам, кўшиқ тўқиш ҳам сеҳргарлик деб билиб кўшиқ тўқиган шомонлар ва шоирларга сажда қилганлар. Кўшиқ айтган шомонларни, бахшиларни илохийлаштириш, уларнинг ўзлари ҳақида тарқатган афсоналарга ҳам боғлиқ. Ўзларининг тўқиган афсоналарига кўра, бўлажак бахши ёки шомон мол боқиб юриб қайсидир бир дарахтнинг тагида ухлаб қолади ва унинг тушига оппоқ соқолли бир мўйсафид кириб: “Ма, ол, дoston айт”, – деб дўмбира беради. Уйғониб кетса, атрофида ҳеч ким йўқ, аммо юрагида илҳом тошиб кетиб бирдан куйлаб юбораверади. Бу, албатта, фақат Ўрта Осиё бахшилари, шомонлари, жировларига тегишли гап эмас; ўрта асрларга тааллуқли насроний афсоналаридан бирида ҳам шунга ўхшаш воқеа нақл этилади. Бундай афсонавий воқеалар Ғарб ва Шарқ халқлари поэзияси вакилларида кўплаб учрайди [4].

Кўринадики, бахшилик, умуман ижод анъанаси тушга боғланар экан. Лекин тушларни таъбирлаш қаердан бошланган ва қайси минтақада фан даражасига кўтарилган деган масала бор. Шунини дадил ва аниқ айтиш мумкинки, тушларни таъбирлаш ватани Шарқдир. Аммо Шарқнинг қайси минтақасида бошланган деган савол очиқ қолади. Адабиётшунослик нуқтаи назаридан тушларни таъбирлаш қаердан бошланган ва у қайси минтақада фан даражасига кўтарилган, деган саволга “қайси мамлакатда эртақлар кўп бўлса, ўша ерда” деб жавоб бериш мумкин.

Туш – инсон ҳаётининг ажралмас бир бўлагига айланган. Умри давомида ҳар бир инсон турли хил тушлар кўради. Кўрган тушларининг сири ва моҳиятини билишга интилади. Тушни таъбир қилишга интилиш натижасида эса таъбирномалар шаклланади. Ана шу сабабли ҳам Шарқ-у Ғарбда юзлаб таъбирномалар яратилган ва яратиш келинмоқда.

Бизнингча, тушга нисбатан бундай ёндашувнинг, яъни туш таъбири билан қизиқишнинг сабаблари бир нечта омиллар билан боғлиқ. Бу омилларни аниқлашда тушнинг турлари ҳақида берилган диний ва дунёвий таърифларга эътибор қаратиш жоиз.

“Қуръони Карим”да, Имом Бухорий ҳадисларида, Муҳаммад ибн Сирин, Абдулғаний ан-Нобулсий, Кирмоний, Муҳаммад ат-Тафлисий каби улуғ Шарқ муаббирлари асарларида башоратли тушлар ҳақида айтилади¹. Ушбу манбаларга кўра, “Яхши кишининг туши пайғамбарликнинг қирқ олти улушидан биридир”. Абу Ҳурайрининг айтишича, Расулulloҳ (с.а.в.) бемор бўлиб қолганларида ёронлари ҳузурларига келиб: “Сиз бизга яхши ишлардан хабар берар эдингиз, энди эса, Аллоҳ ўзи асрасин, ажал келиб қолса, бизга ким хабар беради, дин ишида ва чоралар борасида қаердан хабар топамиз?” деб сўрашди. У зот: “Вафотимдан сўнг ваҳий келиши тўхтади, аммо башорат тўхтамайди”, дедилар. “Башорат нима?” деб сўрашган эди, “(Башорат) яхши одамнинг туш кўриши ёки у ҳақида бошқа одамнинг туш кўриши”, деб жавоб қилдилар [1; 9].

Юқоридаги кўплаб манбалардан туш таъбири билан қизиқишнинг муҳим омилларидан бири унинг башоратчилик хусусияти эканлиги англашилади. Тушнинг бу хусусиятидан бадий ижод соҳиблари жуда усталлик билан фойдаланишган. Хусусан, француз профессори Марсел Брионнинг “Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур” асарида бош қахрамон Темур кўрган туш тасвирларидан бирини юқоридаги фикрларнинг далили

¹ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима / таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. IV том; Муҳаммад ибн Сирин. Тушлар таъбирномаси / арабчадан таржимон Нодирбек Набижон ўғли. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014; Ҳусайн ибн Иброҳим Муҳаммад ат-Тифлисий. Мукамал туш таъбирномаси / Форсчадан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Муҳаррир нашриёти, 2011.

сифатида келтириш мумкин: “Бухородан қайтганимдан сўнг бир оз вақт ўтиб қизиқ бир туш кўрдим. Қандайдир шаффоф ҳолатда қаршимда нарвон турарди. Унинг остки икки оёғи ерга қадалган, аммо юқоридаги икки учи ҳеч нарсага тиркалмаган эди. Ҳайрон бўлдим, бу қанақа нарвонки, ҳеч нарсага суянмай тик турибди?! Шу пайт ғойибдан бир овоз келди: “Темур, шу нарвондан юқорига чиқ!” Мен: “Бу нарвон муаллақ турибди, агар пиллапоясига оёқ кўйсам – қулаши тайин”, – дедим.

– Ғойибдан овоз: “Кўрқма, нарвон қуламайди!” – деб тинчлантирган бўлди ва юқорига чиқишга ундади. Мен чиқсамми, чиқмасамми деб иккиланиб қолдим.

– Темур, сен кўрқяпсанми? – сўради бояги овоз.

Ким ақлнинг йўриғидан юрса, унда кўрқув бўлмас. Гарчи жасур бўлсам-да ёниб турган оловга ўзимни отмайман, чунки ёниб кетишимни биламан, – дедим унга жавобан.

Овоз эгаси яна таскин берди: “Менга ишон: нарвон қуламайди. Иккиланмай юқорига чиқ!”

Мен биринчи пиллапояга оёқ босдим. Мустаҳкамлигини синаб кўрдим. Ишонч ҳосил қилгач юқорилай бошладим. Маълум бир баландликка кўтарилгач, съездимки, чап оёғим менга бўйсунмаяпти. Аммо унда оғриқ аломатлари йўқ эди. Шунчаки мен уни қимирлата олмасдим, холос. Шунда бояги овоз яна тилга кирди: “Нега тўхтаб қолдинг ва кўтарилишда давом этмаяпсан?” мен сабабини айтдим. У: “Ишдан чиққан чап оёғинг кўтарилишингга халал бермайди – баландлайвер”, – деди.

Унинг ундови билан юқорига тирмашишда давом этдим. Яна бир оз юқорилагач, энди ўнг қўлим ҳам менга бўйсунмай қолди. Фақат батамом эмас, балки қисман. Бармоқларим етарли иш бажармаётганди. Охир-оқибат нарвоннинг энг юқори чўққисига чиқдим, ундан у ёғига пиллапоя йўқ эди. Шунда ғойибдан келган овоз сўради: “Нечта пиллапояни босиб ўтдинг – биласанми?” “Йўқ”, деб жавоб қилдим, ҳақиқатдан уларни санамаган эдим. “Билмаганинг яхши”, – деди у овоз. – Чунки, нарвон сенинг умр йўлларинг: тирик экансан сен бу йўлдан юксалиб борасан ва ҳеч қачон пастга тушмайсан, деди. Кейин сўзида давом этиб: “Ёдингда тут, илм эгаларини, шоирларни, хунармандларни кадрла, ҳифзу ҳимоянгга ол. Агар улар рақиб кайфиятида бўлсалар ҳам – ранжитма. Динингни қабул қилмасалар ҳам ранжима”, – деди. Шу сўзларни тинглаб туриб уйғониб кетдим [2; 53–57].

Мазкур туш тасвирида Темурнинг умри давомида рўй берган баъзи энг муҳим воқеалар ҳақида башорат қилинади. Бу илми бадеъ таъбири билан айтганда бароъати истеҳлол бадий санъатини юзага келтиради. Яъни бўлажак воқеалар асар бошидаёқ туш тасвири орқали “башорат” қилинади. Асар давомида тушда қилинган башоратларнинг барчаси амалга ошганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, бу тасвир туш таъбирига қизиқишнинг иккинчи бир омили ҳақида гувоҳлик беради. Бу тушнинг инсон руҳиятига таъсири масаласидир. Ушбу туш Темурнинг руҳиятига, унинг жанговар кайфиятига, жамиятнинг зиёлилар қатламига бўлган муносабатларига жуда жиддий таъсир қилади:

“Бугун юқоридаги тушни кўрганимга роппа-роса 48 йил бўлди... Тушда кўрган хосиятларга амал қилиб илм эгалари, шоирларни доимо ўзимга яқин олдим. Душман кайфиятида бўлганларига ҳам ҳомийлик қилдим... Ўша тушни кўрганимдан бери бирорта олим, шоир ёки хунармандни ранжитганим йўқ... Бухоро сафаридан қайтиб, ўша илохий тушни кўрганимдан сўнг, эшитдимки Мовароуннаҳр амирларидан беш нафари менга қарши бирлашиб, Самарқандга юз минг кишилик қўшин юбориш тараддудини кўраётган экан. Улар Бухоро амирининг дўстлари бўлиб, мендан ўч олишга қарор қилган эканлар. Мен туш кўришимдан бурун ҳам бунинг каби босқинларни мардонавор қарши олар эдим. Туш таъсирида яна ҳам дадилландим. Ахир Аллоҳнинг ўзи қўллашига ишора бўлди-ку!” [2; 53–57].

Темурнинг “Туш таъсирида яна ҳам дадилландим”, – дея таъкидлаши бежиз эмас. У ўзининг қилаётган ҳар бир ишида Аллоҳ қўллашини ҳис қилади. Ўзида чексиз куч ва қудрат ҳиссини туяди. Бу кайфият асар қахрамонига бутун умри давомида ҳамроҳ бўлади. Демак, кўрган тушимиз ва қилган таъбиримиз бизнинг руҳиятимиз, кайфиятимиз, кишилар билан муносабатларимизга, шу орқали келажагимизга ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкин экан. Бу эса бадий ижод учун ҳар доим қўл келган.

Яна бир турли тушни Ибн Сирин “Кешининг ўзи гапирган нарсалардан кўрган тушлари”, Қирмоний “Ўзича ёки ўзига гапирган сўзлардан бўлиб, бу сўзлар ҳаваси туфайли

тушида кўради” дейди. XX аср Европа олими Зигмунд Фрейд ҳам худди шунга монанд куйидаги фикрларни айтади: “Таъбир этиб маъносини йўядиган тунги тушларимиз ҳам кундузги хаёлларимизнинг худди ўзгинасидир. Гил мислсиз закоси ила аввалбошданок хаёлпарастнинг ҳавойи “ижод”ини “ўнгда кўрилган туш” деб атаб, туш моҳиятини-да кашф этган-кўйган” [3; 71]. Ўзбек олими Жаббор Эшонкул эса “Туш – инсон кечинмаларининг, хоҳ болаликда бўлсин, хоҳ вояга етган паллада, универсаллашган рамзларидир”, дея таъкидлайди [4; 17]. Ушбу муштарак фикрлар “Туш – руҳият кўзгуси” деган хулосага келишимизга имкон беради. Шундай экан тушни таъбир қилиш инсон руҳияти, унинг ўй-хаёллари ҳақида аниқ тасаввур беради. Бу эса таъбирномалар яратиш эҳтиёжининг яна бир омилдир. Балки айна шу омил туфайли буюк табиблар Гиппократ ва Ибн Сино туш ҳақида ўз фикрларини билдиргандирлар.

Ҳозирги замон медицинаси эса тушга қуйидагича таъриф беради: “туш – уйкуда содир бўладиган субъектив психик ҳодиса. Тушда уйкудаги киши аниқ ва тасвирли кечинмаларнинг шохиди бўлади. Тушдаги воқеалар бир-бирига боғлиқ, бироз ноаниқ, ҳаяжонли, афсонавий тус олади. Тушнинг хусусияти кишининг нерв системаси типига, унинг соғлиғига, маълум даврдаги кечинмаларга боғлиқ” [5]. Гиппократ инсоннинг туш кўришини галлюцинация ва овқат ҳазм бўлишининг ёмонлиги билан боғлайди ва баъзи башоратли тушларни инкор қилмаган ҳолда, касалликдан хабар берувчи омиллар, деб ҳам атайди.

Демак, туш келажак ҳақида хабар берувчи, инсон руҳияти, психологиясига таъсир кўрсатувчи, унинг руҳий ҳолати, ўй-фикрлари ҳақида, баъзида эса саломатлиги ҳақида хабар берувчи ҳодиса эканлиги сабабли ҳам кишиларни қизиқтиради ҳамда таъбир қилинади. Бизнингча, юқоридаги бир нечта омиллар натижасида тушни таъбир қилишга бўлган қизиқиш таъбирномалар яратиш эҳтиёжини вужудга келтирган. Бу эҳтиёжнинг иккинчи асоси ҳам борки, бу – айна бир замон ва маконнинг ҳукмрон мафқураси, ғояларидир. Таъбирномаларни қиёслаш жараёнида ҳар бир даврнинг, ҳар бир худуднинг ўз таъбирномаси борлиги, таъбирномаларда миллий, умуминсоний, диний, сиёсий ва бошқа турли ғоялар синдирилиши мумкинлиги кўзга ташланди. Демак, таъбирномаларнинг яратилиши яратувчиларнинг дунёқараши билан боғлиқ ҳодиса. Даврлар ўтгани сайин кишиларнинг дунёқараши янгилашиб бораверади, янги сиёсий кучлар майдонга чиқади. Шу сабабли янгидан янги таъбирномаларга эҳтиёж пайдо бўлаверади. Таъбирнома яратиш жараёнида ўша халқнинг дини, дунёқараши, менталитети ҳисобга олиб келинган. Ғарбнинг қадимий табиб ва файласуфлари Гиппократ, Платон, Аристотель, Цицерон ва бошқалар туш таъбирлари масаласида хилма-хил фикрларни билдирганлар. Чунончи, Демокрит турли халқларнинг тушларни амалий ҳаётга тадбиқ этишларини маъқуллаган ва бу услубнинг асосларини очиб берган. Платон эса туш илҳом манбаи деган фикрни олға сурган. Аристотель эса бу нарсага моддиончилик нуқтаи-назаридан ёндашиб, инсон туш кўришини борлиқнинг инъикоси сифатида баҳолайди ва тушдаги воқелик инсон фаолиятининг давоми эканлигини таъкидлайди. Юқоридаги фикрларнинг хилма-хиллиги айнан шу фикр муаллифларининг дунёқарашлари ҳар хиллигидадир.

Бизнингча, таъбирномалар ҳам бадиий адабиётнинг ўзига хос кўринишидир. Чунки рамзийлик бадиий адабиётнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Шунингдек у таъбирномаларга ҳам бирдек хизмат қилади.

Аждодларимиздан мерос қолган кўплаб адабий ёдгорликларда туш муҳим ўрин тутди. Халқ оғзаки ижоди дурдоналари сифатида баҳоланадиган дostonларимиз, эртақларимиз, асотир ва ривоятларимизда, мақол, топишмоқ ва кўшиқларимизда туш ва туш билан боғлиқ рамзларга дуч келамиз. Атоқли фольклоршунос Ҳоди Зарипов Виктор Жирмунский билан ҳамкорликда ёзган “Ўзбек қаҳрамонлик эпоси” номли китобида бахши ҳақидаги афсоналарда туш алоҳида ўрин тутишини қайд этиб ўтади. “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Рустамхон” туркумлари ва бошқа юзлаб дostonларимиз, эртақларимиз, асотир ва ривоятларимиз, мақол, топишмоқ, кўшиқларимиздаги туш ва у билан боғлиқ рамз, ҳолат, кечинмалар, махсус тадқиқ этишни талаб қилади. Чунки туш шунчаки тасодифий ҳодиса бўлмай, инсон руҳиятининг бир кўриниши, онг ости кечинмаларининг ўзига хос намоиши ҳамдир. Туш ва бадиий ижод намуналарининг бирлиги рамзлар уйғунлигида намоён бўлади.

Масалан, чой, дарё, кўприк, узук, куш ва хоказолар нафақат туш, умуман фольклорда рамзий маъно касб этади.

Хулоса қилганда, бадий асарлардаги жуда кўплаб поэтик рамзларнинг тарихий асосида туш ва у ҳақдаги мифологик тафаккур таъсири ётади. Туш ҳам, бадий асарлар ҳам кўчимларга бой. Бадий ижод ходисаси сифатида тушлардаги рамзлар турли поэтик кўчимларга айланган. Туш рамзлари бадий асарларга нисбатан ўзларининг мифологик хусусиятларини кучлироқ сақлаб қолган. Қолаверса, таъбирномалар ва бадий адабиёт намуналари структурал, ифода усули, мазмун-моҳиятига кўра ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга. Бу шуни кўрсатадики, туш ва таъбирномалар бадий адабиёт такомил учун бекиёс аҳамиятга эга бўлган.

Фойдаланган адабиётлар

1. Хусайн ибн Иброҳим Муҳаммад ат-Тифлисий. Мукамал туш таъбирномаси / Форсчадан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Муҳаррир нашриёти, 2011.
2. Марсель Брион. Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.
3. Zigmund Freyd. San'atkor va hayolparastlik // Tafakkur. – Toshkent, 2014. N 6.
4. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: Фан, 2011. 6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. VIII том. – Б. 685.
5. Musaqllov A. O'zbek xalq qo'shiqlarining tarixiy asoslari. – Toshkent: Fan, 1994.

Наируза ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

NURALI QOBULNING “JON VA SHON TALVASASI” ROMANIDA AMIR TEMUR OBRAZI POETIKASI VA ROMAN SPETSIFIKASINING YANGILANISHI

Jumayev E. (QarDU akademik litseyi)

Annotsatsiya. Ushbu maqolada Nurali Qobulning “Jon va shon talvasasi” romanidagi obrazlar poetikasi har tomonlama qiyosiy, imkon qadar jahon adabiyoti kontekstida oʻrganish, yozuvchining falsafiy konsepsiyasi va tafakkuriga xos ijod qonuniyatlarini aniqlash muhim ahamiyat kasb etishi atroflicha yoritilgan. Amir Temur va temuriylar obrazi poetikasi, asarning shakl va mazmuni hamda roman modifikatsiyasiga diqqat qaratilgan.

Tayanch soʻzlar: *hoqon, modus, konsepsiya, portret, pafos, esselashuv, esse-roman, sezim, raddiya, dialektika.*

Аннотация. В данной статье подробно рассмотрено значение всестороннего сравнительного изучения поэтики образов в романе Нурали Кабула "Жон ва шон талвасаси" в контексте мировой литературы, выявление закономерностей творчества, присущих философской концепции и мышлению писателя. Основное внимание уделяется поэтике образа Амира Тимура и тимуридов, форме и содержанию произведения, а также модификации романа.

Ключевые слова: *хокон (hoqon), модус (modus), концепция (konsepsiya), портреты (portret), пафос (pafos), (эссе) esselashuv, эссе-роман (esse-roman), чувство (sezim), отказать (raddiya), диалектика (dialektika).*

Annotation. In this article, The Poetics of the images in Nurali Kabul's novel "The Tale of John and Sean" are comprehensively covered, as far as possible, the study in the context of world literature, the identification of the laws of creativity inherent in the philosophical concept and thinking of the writer is important. Attention is paid to the poetics of the image of Amir Temur and Timurids, the form and content of the work, as well as the modification of the novel.

Keywords: *haqon (hoqon), madus (modus), concept (konsepsiya), portrait (portret), paphos (pafos), essay (esselashuv), essay-novel (esse-roman), intuition (sezim), rejection (raddiya), dialectics (dialektika).*

Milliy romanchiligimizda Amir Temur va temuriylar davri va shaxsini haqqoniy tasvirlash va badiiy aks ettirish adabiy zaruriyatga aylandi. Xususan, Nurali Qobulning “Temuriylar” epopeyasi ham diqqatga sazovordir. “Buyuk Turon dahosi bilan birga u mansub turkiy ruhiyatga cheksiz va hatto, baʼzan tizginsiz insoniy muhabbati butun asar boʻylab balqib turadi. Agar badiiy

tilga oshuftalik sizga begona bo`lmasa, ajoyib musiqa, chappar urib gullagan bog`lar, moviy dengiz, oppoq qorga burkangan tog` cho`qqilari, chaqaloqlarning qiqirlashlari, sog`ingan do`stlarning dilkash suhbatlari sizga ta`riflaninshi qiyin bir huzur bag`ishlaganidek, bu romanning tilidan ana shunday rohatlaninsh his etasiz. Bu adibning turkiy adabiy va badiiy tilning tarix va bugundagi joziba va go`zalligini bilishga emas, chuqur his etishi tufaylidir” [1; 410].

Bizningcha, har bir milliy adabiyot muayyan zaminda bir paytlar yashagan, hozirda umrguzaronlik qilayotgan xalqning turli qatlamlari madaniy ildizlari, turmush tarzi, ijtimoiy-iqtisodiy muammolari, urf-odatlarini, ma`naviy-ruhiy olami ko`z gusidir. Shubhasiz, jahon adabiyoti ilg`or an`analariga xos “adabiy shamollar” epkini erkalamagan har qanday biqiq adabiyot o`z tasvir usul-vositalarini yangilay olmaydi, yashovchanligini yo`qotadi. Ammo, o`z zamini nasimlarini tashuvchi milliy qiyofaga ega qahramonlari mo`ralab turmagan, ular bezovta qalb va qiyofalari ro`yi rost aks etmagan adabiyot ham estetik ta`sirchanlikdan asarlar, xususan, roman tiplari xoh real, xoh noreal tarzda bo`lsin, inson mavjudligini olam uyg`unligi negizida yangicha rakursda idrok etmoqda. Milliy roman taraqqiyotining ayni bosqichida yaratilayotgan aksariyat asarlarda reallik va irreallik sintezlashmoqda. Masalan, Nurali Qobulning an`anaviy yo`sinda bitilgan “Temuriylar” romanlar turkumini mif, ertak, doston singari janrlar va tush motivi tabiatida kuzatiluvchi xayoliy noreal tasvirlar-u, ramziy ifodalardan ajratib tushunish qiyin. Chunki bu o`rinda adib an`anaga yangicha yondashib, narsalarning milliy qahramon tiynati va umuminsoniy mohiyatiga monand jihatlari e`tibor qaratgan. Umuman, o`zbek romani tafakkuri xalq hayot tarzi, ma`naviyat-u e`tiqodi, talabi, benihoya rangdor xayoloti, ruhi hamda fikrlash tarzi dominantligi zaminida dunyoviy shakllarda olam-u odamga munosabatini o`zgartirmoqda. O`zbek romannavislari ilg`or avlodi “Avesto”, “Qur`oni Karim” singari mo`tabar kitoblar, shuningdek, Yassaviy Amir Temur, Navoiy, Mirzo Bobur, Rumi, Ogahiy, Mashrab, Mahtumquli kabi o`nlab ma`naviy ustozlar izidan borishmoqda. Ular insonning o`z yaratuvchisiga, dunyoga, jamiki mangu va hududsiz narsalarga munosabatini ifodalashga intilishmoqda [2; 121-122].

Mustaqillik yillarida o`zbek adabiyotshunosligida azaldan mavjud ilmiy an`analar bilan bir qatorda, dunyo adabiyotshunosligidagi yangicha uslub va yondashuvlarni ijodiy o`zlashtirish va tadqiqotlarda faol qo`llash tamoyili shakllandi. Chunki, badiiy adabiyot, xususan, milliy romanlarda ikki qutbli dunyo haqidagi statik qarashlar yangilandi. Adabiy hodisalarni sabab-natija munosabatlariga tayanib izohlash an`anasi yoniga oqibatdan sababga qarab borish tamoyili qo`shilib, poetik tasvirda ramziy-majoziylik salmog`i ortib, metaforiklik chuqurlashdi; tasvir predmeti va badiiylik moduslari yangilandi; badiiy ifodada kinoyaviylik, tragiklik, satiriklik, dramatiklik moduslariga e`tibor kuchaydi. Shuningdek, muallif g`oyaviy-emotsional munosabatiga ko`ra, satirik modus markaziga qo`yilgan “niqob”langan ijtimoiy tiplar keskin inkor etildi; qahramonlik modusi transformatsiyaga uchradi; janr modifikatsiyasi sodir bo`ldi. Milliy romanning roman-epopeya, roman-pentalogiya, roman-tetralogiya, rivoyat-roman, mistik-roman; ilmiy-fantastik roman, ma`rifiy-biografik roman, esse-roman, roman-istehzo, roman-mushohada, roman-publitsistika, “mini-roman” kabi ichki shakllari yuzaga keldi. Janr namunalari semantik-struktur qatlamida esselashuv miqyosi kengayib, poetik ifoda imkoniyatlari ortdi. Mustaqillik davri o`zbek romanshunosligida dunyoni obrazli badiiy qayta gavdalantirishning G`arbda taraqqiy topgan tamoyillarini Sharq-islom adabiy-estetik an`analari bilan uyg`unlashtirish amaliyoti yuzaga keldi.

Ulkan yoki keng qamrovli taqdir, manzaralarni aks ettirishda, katta hayotiy polotnolar chizishda roman imkoniyat ko`lamining ayricha ekanligi ayon. Davrlar adabiyotining ahvolotini bilishda va qiyofasini belgilashda ham u salmoqli mavqeda turadi. Sir emas, bugungi kunda ayni janr tabiatiga chuqur ichki sifatli siljishlar, g`ayriurfiy ilg`arilashlar sodir bo`lmoqda. Bu ayniqsa, shakiliy-uslubiy, tamsiliy-ifodaviy idroklash hamda bayonlashda kuzatilayotir. Jahon miqyosidagi mazkur estetik hodisotni avvalgi davrlarda qat`iylashgan tayyor nazariy qoidalargagina tayanib yoxud yangilanishlarga, jumladan moderncha usullardan ta`sirlanishga nisbatan kechayotgan har qanday gap – so`zga daf`atan ergashish ila tushuntirib bo`lmay qoldi. Hatoo o`ta oddiy hayotiy voqeeliklar, juda soda insoniy tuyg`ular haqidagi fikrlar-u ifodalarning nasrdagi salmog`i, martabasi ortdi. Va yana ijodkor o`z qalb olamini, sezimlar dunyosini manzaralashtirish imkoniga ega ekanligini har qachongidan yaxshiroq fahmladi. Zotan, ma`naviy zarururiyat bo`lib qalabda avjlangan, qalbning tublarida nihon beorom hislar, hanif mayllar mavji toshmog`i, dard-u

iztiroblar, go'zal badiiy bayonlarga do'nishi, turfa kechinmalarning samimiy qorishiq tasviroti kitobxonlar botiniga ham begona hollar emas.

Asarda yaxshi ila yomon tafovutini ularning xuddi o'zidek farqlash, muayyan yo'lni, ishlarni haqqoniy baholash, behuda adabiy hollar, urflar inkori, ojiz qarashlardan voz kechish, yuksak kitobxonlik takomili, pirovardida, olamga to'g'ri tafakkur ila boqish, unga matlub munosabat, dunyoqarash va axloqni poklash – sayqallash kabi qator ma'naviy manfaat mujassam. Ulkan zalolatlardan biri – dunyoni shaxsiy qarichlar bilan o'lchamoq, ya'ni borliqdagi hamma narsaning mislsiz buyuk o'lchov, intizom ila yaratilganini tafakkur qilmaslik, aytilib bo'lingab samoviy nasixatlarga itoatsizlik. Bu, ayni vaqtda, shaxsning o'z fitratidan g'ofil, bexabar, o'z mukarramlik maqomiga nomunosib yashamog'I demakdir. Kishi o'z botiniga jo etilgan asl tabiatni kirlasa, sha'nidan olislasa, asliga qaytish uchun jiddu jahd ko'rsatmasa, undagi ulug' ne'mat – iymoni xavf ostida qoladi. Yaratgan zalolatni kimsaga chiroyli ko'rasatib qo'yar bo'lsa, olamda bundan mudhish biror bir kulfat bormi?! Romanda xuddi shunday kimsalarning johillik, gumrohlik, razillik, yovuzlik, munofiqlik, zulmkorlikning mohirona chizilgan timsollari bor. Ular o'zligidan batamom judolardir va tuban holatlarni o'zlaricha juda maqbul daraja hisoblab davr-u davron suradilar. Ona zaminni uning o'z o'qi – mehvari ilohiy qudrat ila mustahkam muvozanatda tutib turgani misol insonni ham faqat iymone'tiqod mehvari oliy, to'g'ri yo'ldan ozdirmay odimlatmog'I, haqiqiy saodatga Musharraf qilmog'I mumkin. Buni bilmas kaslar ezgulik, go'zallik haqiqiyatining g'animlaridir. Yozuvchi nazlida haqiqiy tasviriy san'at asari – birlamchi mukammallik, go'zallik bo'lmish borliq, dunyo, inson, ilohiyat, ruhoniylk, tiriklik kabilar ikkilamchi, ammo o'ziga xos, g'oyatda go'zal va maftunkor ko'zgusi, timsollari. Sa'natdagi go'zallik oliy haqiqatlarni, tengsiz go'zalliklarni ta'sirli tarannum etish, tasdiqlash, taratish orqali katta ma'naviy estetik xaloskorlik funksiyasini ado etadi. Asardagi barcha bir-biriga zid xatti-harakatlar, dunyoqarashlar, lavhalar, ramzlar, ishoralar, ma'jozlarining xulosaviy ma'nolari shunday donishona g'oyalar qamrovida botinan ajib bir tarzda tutashib, ular o'zaro yaxlit, ulug'vor, qadr-qimmatli haqiqatlarni roman pafosi darajasiga ko'taradi.

Adibning bosh muddaosi Amir Temur hayotini ikir-chikirlarigacha qamrab o'rganishga yo'naltirilgan emas. Qalamga olingan tafsilotlarning o'ziyoq yozuvchi goh an'anaviy yo'sin, goh tarixiy, goh mistik-romantik, o'tkir psixologizm motivlari ustunlik qilib kelganini yetarli dalillay oladi va adibning xarakter tahliliga obdon kirishmog'i imkoniyat eshigini ochadi. Yozuvchining konsepsiyasi negizida inson omiliga mukarramlik maqomlarida qarash, barcha holatlar Yaratganning hukmida ekanligi e'tirofi, insoniyat e'tiqodiga daxl qilish bandaning ishi emasligi chuqur aks etgan. Tasvirda badiiy uslubiyatning yangicha shakllari chuqur aks etgan. Tasvirda badiiy uslubiyatning yangicha shakllari faol qo'llanilgan, qahramonlarning psixologik portretlarini, ular botiniy hayotiga xos inja-sezimlaro'ziga xos aks etgan.

Amir Temur hatto o'z sahv xatolarini beg'araz tanqid qiladi, hatto yo'l qo'yganlarga kim bo'lishidan qat'i nazar tanbehlar taqdim etadi. Qancha to'g'ri baho, maqtov, raddiya sodir bo'lsa, samimiyat ila qarshilaydi. Asosli tanqidga chidamaslik va saboqlar chiqarmaslikni, bor nuqsonni yashirish va lozim-lobud tanqidni qilmaslikni kasallik biladi. Hatto saltanat tarixi bitilgan kitobda voqea-hodisalar haddan tashqari bo'rttirilgani uchun taraxchini tanqid qilishi va uning kitobini ma'qullamasligidan ko'rinadiki, sohibqiron haddan tashqari to'g'riso'z bo'lgan va boshqalardan ham shuni talab qilgan. Adibning bu nuqtayi nazari ham qahramonlarning ichki va tashqi holat-ruhiyatida kechayotgan bir-biriga o'xshamagan murakkab kechimmalar hamda boshqa ko'plab hayotiy masalalarda yaqqol namoyon bo'ladi. Qolaversa, ishlarining hammasi soha taraqqiysi yo'lida, haqiqat, adolat maqsadlarida, beriyo bo'layotgani sababi u o'z qarashlarini-da tinimsiz taftish etadi, o'zini-da ayamaydi. Osamlar taqdirini, insoniy munosabatlarning g'oyat murakkab dialektikasini qahramon qalbiga quloq tutish orqali ochish, ularni muallifning yuzaki istagi bo'yicha yoki biror nazariya, mafkura ra'yi-avzoyiga zabun kayfiyatda emas, balki o'z mavjudiyatining tabiiy oqimlariga mos-munosib yaratish, aniq vaziyat – holatlarni psixologik jihatdan asoslash, hayotiy jonli dalillash, tasvirda turli sohtaliklardan asranish va boshqa qator ijodiy, ilmiy tadbirlar haqidagi fikr-mulahazalarda adib adabiy-estetik qarashlarining qadr-qimmatini namoyon bo'la boradi.

Haqiqiy san'at asarining maqomini undagi yuksak g'oyaviylik bilan baiiy mukammallikning uyg'unligi, mazmun va shaklning o'zaro mosligi belgilaydi. Shunga ko'ra badiiy ijod

namunasining aynan mazmuni hamda shakliga daxldor masala adabiyotshunoslikning eng muhim muammolaridan biridir.

Avvalo aytish joizki, mazmun hayotiy voqea-hodisalarning badiiy ifodasi sanaladi. Mavzu, masala, g'oya, obraz, syujet va boshqa omillar birinchi galda asar mazmuniga doxil. U bitikda aks ettirilgan hayot parchasidir. Boshqacha aytganda, voqelik, ijtimoiy turmush muammolari san'at asarining mazmuni va mohiyatini ko'rsatadi.

San'atda ijodkor anglagan voqelik tasvirlanadi. Shunday ekan, san'at asarining mazmuni muayyan asarda ifodalangan g'oyaviy mazmundir. Muallifning hayotga munosabati va bahosi obrazlar tizimida ifoda topadi. Negaki obraz g'oyaviy mazmunni ifodalovchi vosita, ya'ni shakldir. U so'zlar vositasida yaratilar ekan, o'z vositasiga nisbatan mazmundir. Rus munaqqidi Lev Timofeyev "...til (so'z) obrazga nisbatan shakl obraz esa asarning g'oyaviy mazmuniga ko'ra shakldir" [3; 47] deya bejiz ta'kidlamagan.

Nutqiy ifodalar, kompozitsiya, ritmik-intonatsion vositalar obraz mohiyatini ochishga xizmat qilib, shu orqali asar mazmunini ifodalaydi.

Shakl esa adabiy asarning tashqi qurilishi, hayotni ko'rsatish tarzidir. Til, badiiy tasvir vositalari, konflikt, kompozitsiya, adabiy tur, janr, she'r tuzilishi kabilardir avvalo shakily hodisasidir.

Badiiy ijodda mazmun va shakl bir-biriga shu qadar bog'liqlik, ular bir-birisiz yashay olmaydi: shakl mazmunning tashqi ko'rinishi, mazmun esa shaklning maqsadi, mohiyatidir. Ammo ushbu birlikda mazmun yetakchi. Uning o'zgarishi shaklning o'zgarishiga olib keladi [4; 166-185]. Alisher Navoiy so'z shamoyili bilan uning ma'nosini dialektik birlikda ko'rib, shu birlikdagi ma'noni asos deb bilgan:

*Nazmda ham asl anga ma'ne durur,
Bo'lsin aning surati har ne durur.
Nazmki ma'ni anga marg'ub emas,
Nazmki ham surat erur xush anga
Zimnida ma'ni dog'I dilkash anga* [5; 96-115].

Nurali Qobul Amir Temurni islom diniga va din peshvolariga nisbatan yuksak ehtiromda ko'rsatar ekan, o'z qahramonini mutaassibga aylantirmaydi. To'g'ri, sohibqiron dindorlarga jazo berishdan o'zini tiyadi. Din-u diyonatni qurol qilib olib, o'z manfaati yo'lida foydalanib, xalq va yurt manfaatlariga xizmat qilmaydigan aqidaparastlar, hatto nomzodlarda uning yonida imomlik qilib, xiyonatga qo'l urgan Abu Is'hoqni ham yurtdan chiqarib yuborish bilan cheklanadi.

"Hoqon dunyoviy fikrlovchi oydin shaxsiyatlarini nasl-nasabi, din-u millatidan qat'i nazar har qanday diniy arbob va ulomadan ustun qo'yardi. Islom ulamolari o'z sohalarida ne qadar ilm va bilim sohibi bo'lmasinlar, ular hayotga, borliqqa tor, faqat bir falsafa nigohi, nuqtai nazaridan boqadilar. Shu bois ulug' hoqon limning fazilati ibodatidan ustundir degan naqlni tez-tez takrorlaydi" [6; 5]. Ko'r-ko'rona e'tiqod na insonning o'zi va na jamiyat uchun biror naf beradi. Hayot yashash uchun berilgan, soxta toat-ibodat qilib munofiqlikni o'ziga kasb qilib olgan johillar barcha zamonlar uchun xatarli bo'lgan.

"Temuriylar" romanlar turkumi obrazlar poetikasining badiiy-estetik asoslarini aniqlash, tarixiy romanda davr va qahramon muammosini ochib berish, yozuvchi dunyoqarashi va qahramon tabiatidan kelib chiqib tarixiy obrazlar tasviridagi psixologizmni yoritish ham millatni o'z tarixiga yaqinlashtiradi, unda o'zlikni anglash, o'z tarixi bilan faxrlanish, ajdodlarga munosiblik hissini yuksaltiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Nazarov B. Nurali Qobul. Jon va shon talvasasi. Tarixiy roman VI. – T: Ijod press, 2016. – 410 b.
2. Yoqubov I. Badiiy matn va estetik talqin. – Toshkent, 2013. – B. 121-122.
3. Тимофеев Л. Проблемы теории литературы. – М., 1955. – С. 47.
4. Қўшжонов М. Шақл ва мазмун бирлиги. Сайланма (икки жилдлик). Иккинчи жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 166-185.
5. Хайитметов А. Алишер Навоий адабий-танқидий қарашлар. – Т.: ЎзФАН, 1959. – Б. 96-115.
6. Qobul Nurali. Jon va shon talvasasi. Tarixiy roman VI. – Toshkent: Ijod press, 2016. – B. 5.

Nashrga prof. D.To'rayev tavsiya etgan

**АДРЕСАТ – ЭПИСТОЛЯР РОМАН ҚАҲРАМОНИНИНГ ЯНГИ
ТИПИ СИФАТИДА****Бозоров О.Ч. (ҚарДУ)**

Аннотация. Ушбу мақолада адресат – эпистоляр асарга хос бўлган образ эканлиги хусусида фикр билдирилган. Эпистоляр асарда мактубнавис қаҳрамон билан бирга адресат образининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Таянч сўзлар: *эпистоляр, адресат, штрих, хат, хабар, лирик, элегия.*

Аннотация. В данной статье высказывается мнение, что адресат – это образ, характерный для эпистолярного произведения. В эпистолярном произведении наряду с героем излагаются соображения об особенностях образа адресата.

Ключевые слова: *эпистолярный, адресат, штрих, письмо, сообщение, лирический, элегия.*

Annotation. In this article, the addressee is an image characteristic of an epistolary work. In the epistolary work, along with the letter-writer hero, opinions are expressed about the specific characteristics of the addressee's image.

Key words: *epistolary, addressee, dash, letter, message, lyric, elegy.*

Эпистоляр асарда мактубнавис қаҳрамон билан бирга адресат образи ҳам мавжуд бўлади. Агар асар икки кишининг ёзишмаларидан иборат бўлса, ҳар иккала қаҳрамон бир вақтнинг ҳам мактубнавис, ҳам адресат ҳисобланади. Аммо баъзи эпистоляр асарлар фақат бир кишининг мактубларидан тузилиши ҳам мумкин. Бундай вақтда хат йўлланган адресат асарда бевосита кўринмайди, фақат мактубдаги айрим штрихлар, ишора ва эслатмалардан у ҳақда билиб оламиз. Фақат бир қаҳрамоннинг мактубларидан тузилган эпистоляр асар кўпроқ кундалик, иқрорнома характериға эға бўлади. Аниқроғи, қаҳрамон айнан дарду изтиробларини бўлишиш, ҳаммага ҳам айтиб бўлмайдиган айрим ишларига иқроор бўлиш учун бу хатларни ёзади. Аммо, унутмаслик керакки, иқроор руҳи эпистоляр асарда кундалик шаклидаги асарлардан кўра заифроқ бўлади. Чунки мактуб кўпроқ мулоқот истагидан ёки соғинчдан ёзилади. Биз тадқиқ этаётган ҳар икки романда кундалик билан боғлиқ эпизодларнинг мавжудлиги ҳам бир томонлама мактубнависликнинг мулоқот, иқроорнома характери билан изоҳланади.

Албатта, бу – фақат қаҳрамон мактуб ёзаверади, аммо адресат жавоб қайтармайди дегани эмас. Адресатнинг жавоб қайтармаслиги, шарқ адабиётидаги “Нома”ларда бўлгани каби, фақат ошиқнинг мактубларидан ташкил топган асарларда бўлиши; чунки фақат ошиққина маъшуқа жавоб қайтармаса ҳам хат ёзавериши, ёзавериши, ёзавериши мумкин. Биртомонлама мактубга асосланган эпистоляр асарлар эса, албатта, диалогик характерда бўлади. Бу хил асарлардаги адресат рус адабиётшунослигида “сукутдаги суҳбатдош” (“молчаливый собеседник”) дея номланган бўлса-да, унинг сукутдалиги нисбий тушунилиши керак. Яъни қаҳрамон олган жавобхатлар матни асарда берилмайди, балки бош қаҳрамоннинг айрим ишора, савол, тасдиқ, инкор ва мунозараларидан аён бўлади. Суҳбатдош хатнависнинг севгилиси бўлмай, шунчаки дарддоши, сирмахрами бўладиган бўлса, у, албатта, жавоб қайтаради, хатнависнинг ёзганларига муносабат билдиради, балки маслаҳат беради – хуллас, у билан фаол мулоқотда бўлади. Акс ҳолда, мактуб ёзишнинг маъноси қолмаган бўларди.

Мактуб ёзаётган қаҳрамон катта эҳтимол билан кўп ҳолларда ижобий қаҳрамон бўлади. Иқроор бўлиш, иқроорнома деган харагеристикамиз уларнинг ижобийлигига путур етказмайди. Чунки – агар киноявийлик, сатира ёки махсус маломативийлик назарда тутилган бўлмаса – бирон киши ўзини салбий кимса деб билиши деярли мумкин бўлмаган ҳолат. Одамзод психологияси шундай, у илоҳдан шундай яратилган. Ўғри ҳам ўзини тўғри санаши, қотил ҳам ўзини жабрдийдалик билан оқлаши бор гап. Шунинг учун бир томонлама хатнависликка асосланган эпистоляр асарларда бош қаҳрамон асосан ижобий қаҳрамон бўлади. Асарда хатто иқроор руҳи ўта даражада устувор бўлса ҳам, қаҳрамон умуман яхши инсон бўлиб чиқади. Ўз-ўзини маломат қиладиган қаҳрамон хатто ғайриинсоний қилмишлар қилган бўлса ҳам, ўша қилмишларига иқроор бўлишининг ўзиёқ унга ижобий тус беради.

Бизнинг тадқиқот объектимиз бўлган ҳар икки роман ҳам фақат бир тарафнинг мактубларидан таркиб топган. Адресат ҳақида фақат Вертер ва Бонунинг хатларидаги айрим ўринлардан билишимиз мумкин; айрим ишора ва мулоҳазалардан адресат бош қаҳрамонимиз билан доимий мулоқотда бўлгани ҳам англашилади. Бону иккинчи хатидаёқ адибнинг ўзи билан мулоқотга киришганини хабар қилади: "...рахмат, илтимосимни ерда қолдирмай суҳбатдош бўлишга розилик берганингиз учун миннатдорман". [3; 5]

Илк хатдан адресатнинг машҳур ёзувчи эканини билиб олган бўлсак, иккинчи мактуб адибнинг оилали экани, унинг аёли бухоролик бўлганидан хабар беради. Шу жумлалар асарда автобиографик унсурлар ҳам аралашганини, бу ҳам, эҳтимол, Гёте таъсирида содир бўлганини англатади. Демак, Иқбол Мирзо ҳам Гёте каби ўз ҳаётининг айрим воқеа ва штрихларини асарга олиб кирган.

Вертер яқин дўст бўлганидан Вилхелм билан жуда очиқ, хатто сўкишиб ҳам кетаверади. Бону эса суҳбатдоши билан жуда эҳтиёткор, "зериктириб қўймадимми?", "вақтингизни олмадимми?" деб турса-да, улар ўртасида ҳам жуда яқин муносабат пайдо бўлган: "Ўз армонларим, фожиаларим билан сизнинг дилингизни сиёҳ қилиш ниятим йўқ. Аммо қисматим битикларига қизиқиб қолганингиз, "Бонужон, ҳикояларинг ўта қадрдон, худди ёнингда юргандайман, димоғимга пахта ҳиди урилгандай бўляпти, ёз, ёзавер..." деган илиқ гапларингиз тезроқ кечинма, туйғуларимни тўкиб солишга ундаяпти" деган сўзлардан ҳали бир-икки ёзишма жараёнидаёқ улар ўртасида хос бир яқинлик, қалинлик пайдо бўлганини англаш мумкин. Хусусан, "Бонужон" деган мурожаат, ҳаётда танимаган, яқиндагина ижтимоий тармоқдан таниган одамни сенсираш бу мулоқотда шунчаки суҳбатдошлиқдан бошқа, руҳий бир муносабат ҳам бўлганига ишора қилади. "Ҳикояларинг ўта қадрдон" деган жумла эса Бонунинг кечмиши адибга ҳам бегона эмасмикан, Навфал ишқдан зада бўлгани учун Мажнунни тушуниб, унга ёрдам қўлини чўзгани каби, адибнинг етти ёт бир қизни тинглаб, у билан ёзишиб юришида шунга ўхшаш руҳий қардошлиқ йўқмикан, деган тахмин туғилади. Бу тахмин Вертер ва Вилхелм каби Бону ва адибни ҳам бир маънавий сатҳда тасаввур қилиш имконини беради. "Сиз ҳам тушингизда учганмисиз? Нималар деяпман, албатта учгансиз..." каби жумлалар ҳам Бону ва адиб ўртасидаги шу хил яқинликка даст беради.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, адресат образи гарчи асарда бевосита кўринмаса ҳам, поэтик ғояни юзага чиқаришда жуда катта аҳамиятга эга. Чунки адресат – қаҳрамон ўзини охиригача очиши мумкин бўлган яқин киши бўлади. Акс ҳолда асардан кўзда тутилган ғоявий-бадиий ният тўла амалга ошмайди.

Гёте романида Вертернинг хатлари унинг яқин дўсти Вилхелмга ёзилган. Биринчи мактубдаёқ: "Dich ich so liebe, von dem ich unzertrennlich war, und..." [1; 3] ("Юрагимга ғоят яқин, сендай севиқли дўстим...") [2; 3] деганидан маълум бўладики, улар ўртасидаги муносабат жуда қалин бўлган.

И.Мирзо романида адресат – бош қаҳрамон танимайдиган, аниқроғи сиртдан биладиган одам. Бону узоқ вақт ўзининг тақдир ҳикоясини айтиб бериш, кўнглини бўшатиш учун суҳбатдош излайди. Дастлабки қарашда унга эшитувчи қулоқ бўлса бас каби. Чунки у ҳамсуҳбатидан жавоб кутмайди, ўз дардларини айтади, холос. Аммо унинг бошдаёқ "Мен Сизни узо-оқ изладим... ва ниҳоят энди топдим шекилли. Адашмасам, мен излаган инсон Сизсиз" [3; 6] (4 август) деган сўзларидан маълум бўладики, Бонуга уни тушунадиган одам керак. "Бону" романида адресат – таниқли ижодкор, адиб. Ундан ҳам истеъдодли, шуҳратли ижодкорлар борлиги, уларнинг анча-мунчасини яқиндан танишига қарамасдан, бош қаҳрамон ўз ҳикоясининг ўқувчиси сифатида айнан шу адибни танлайди. Чунки Бону ёшлигида шу шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқларни севиб тинглаган, илк шеърларини севиб ўқиган, бунинг устига аёли билан юртдош. Аммо булар ҳам асосий сабаб эмас. Аёл савқи табиий билан ўзини тушунадиган, суҳбатдош, дарддош бўла оладиган инсон шу одам эканлигини ҳис қилади.

Адресатнинг реал ҳаётда нотаниш одам экани мактуб ёзувчига бир қадар эркинлик ҳам беради. Чунки таниган-билган, яқин одамнинг иқроқ қилиш осонроқ.

“Ёш Вертернинг изтироблари”да Вертер – санъат одами, Вильгельм уни тушунади, шунинг учун ҳам у бор гапини дўстига ёзади. “Бону”да эса, аксинча, адресат – ижодкор одам, ёзувчи. Ижод қилмаса-да, Бонунинг ўзи ҳам шоиртабиат қиз. Хуллас, ҳар икки асарда ҳам мактуб ёзувчи ҳам, олувчи ҳам интеллектуал жиҳатдан бир-бирига мос.

Эпистоляр асарлар кўпинча ошиқ-маъшуқларнинг ўзаро ёзишмалари ёки бир томоннинг ишқий мактубларидан иборат бўлади. Аммо бизнинг тадқиқот объектими бўлган ҳар икки романда ҳам бундай эмас. “Ёш Вертернинг изтироблари”да муҳаббат – марказий масала, мактублар – ошиқ йигитнинг мактублари, аммо бу хатлар маъшуқага ёзилмаган. Умуман олганда эса бир кишининг мактубларидан иборат бўлган барча эпистоляр асарлардаги сингари бу романларда адресат – шартли қаҳрамон. Улар асарда бевосита иштирок этмайди. Аммо муҳим ғоявий-бадиий юк ташиydi.

Асарнинг бошидаёқ Бону адолатсизлик, бахтсизликдан сўз очади: “адолат ва ҳақиқат тушунчаларини турмуш талотўплари куюни шу қадар биздан йироқлаштириб, осмону фалакка олиб чиқиб кетдики, энди бу мезонлар фақат арши аълода мавжуддек кўринади”; “хаёт менгинани минг хил услубда ўйнаб эрмак қилди, гоҳо туғилганимга пушаймонлар едим, лекин атрофга шундоққина назар солсам, мен каби бахтсизлару, мендан баттар бадбахтлар тўлиб-тошиб ётганлигини кўриб, ёқамни тутаман-да, яна лабларим шукрона айтиб шивирлай бошлайди”. Бу сўзлар асарнинг тезисидек, эпиграфидек янграйди. Бону Россияга кетади, у ерда ҳам шу хаёт, шу тартиблар. Айниқса, мигрантлар хаёти катта жасорат билан очиб берилган. Мигрантлар хаёти – ўзбек адабиёти учун янги мавзу, чунки воқеликнинг ўзи кейинги йилларда хаётимизга кириб келди. Иқбол Мирзо биринчилардан бўлиб шу мавзунини қаламга олди. Ишлаш учун хорижга кетганлар хаётида содир бўлган ёки бўлиши мумкин балою офатларнинг қанча-қанчасини очиб кўрсатди. Моддий таъминот учун ахлоқий кадрятларнинг юзига тупурганлар образи адабиётимизда аввалдан мавжуд эди, Иқбол Мирзо уларни сафини тўлдирди. Буларнинг бари Бону томонидан адибга хикоя қила борилади.

Вертер ҳам ўз дўсти билан фаол мулоқотда бўлиб туради. “Азиз дўстим, сенга ваъда бераманки, мен ўзимни тузатаман” деганидан билиб оламизки, дўсти унинг хатоларини кўрсатиб ҳам туради. “Азиз дўстим! Сенга буни айтиб ўтиришнинг ҳождати борми, ахир, кайфиятимнинг маъюсликдан қизиққонликка, ҳузурбахш хаёлпарастликдан ҳалокатли эҳтиросга ўтиб туришига озмунча тоқат қилганмисан?” деган жумлалардан эса Вилхелмнинг сабрли инсон, яхши дўст экани аёнлашади. У Вертернинг камчиликларига тоқат қилган, унинг феъл-атворини жуда нозик билган, тушунган: “Менинг бирор жимжитгина хилват жойга ўрнашиб олиб, ўша ерда озгина нарсага ҳам қаноат қилиб яшайвериш одатим сенг илгаридан маълум”. Ҳатто айтилмаган, қалбидан кечганларни ҳам инжалик билан иллаган: “Сенга нима сабабдан ёзмаётганимни сўрабсан. Шунинг ҳам билмайсанми? Яна олим эмиш! Соғ-саломат эканлигимни ўзинг фаҳмлашинг керак эди...”

Умуман олганда, Вилхелм тафаккури жуда юксак, Вертер дардларини айтиши, ундан маслаҳатлар олиши мумкин бўлган оқил инсон. Мактублар фақат Вертер томонидан ёзилса ҳам, Вилхелмнинг фикру тафаккуридан ҳам бохабар бўла борамиз: “Албатта, ҳақсан, азизим, одамлар, ким билади дейсан, улар нима учун бундай яратилган, ўтмишдаги қора кунларни ҳадеб эслайвермай, бугунги кун ҳаловати билан яшасалар эди, камроқ қийналган бўлур эдилар” каби жумлалар шундан далолат беради. “Агар малол келмаса, онамга айтиб кўйсанг...” деган жумладан эса Вилхелм дўстининг онасини кўриб тургани, у билан яқин жойда яшаганини ҳам билишимиз мумкин. Вертер ўлими олдидан ҳам дўстига хат ёзиб, у билан видолашади. Бу маънавий мусохибнинг вазифаси шу билан тугайди. У ўлим жараёнларида ҳам, дафнда ҳам кўринмайди.

Гёте романида шундай жумлалар борки, улар Иқбол Мирзо романи билан кўринмас ришталар бўлган каби таассурот туғдиради. Масалан, “...толмас дарбадар ҳам охир-оқибат ўз ватанини қўмсайди ва ўз кулбасида, умр йўлдоши кўксига бош қўйиб, фарзандлари даврасида, уларни боқиш ташвишида, бутун ер юзидан излаб тополмаган роҳат-фароғатни

топади” деган гаплар худди Бону учун айтилгандек. Бу эса ўзбек адиби ўз қахрамони структурасини шакллантиришда ҳам Гётедан таъсирланганига далолат қилади гўё.

Эпистоляр асар тили адресатга йўналтирилгани учун ҳам ўзига хос бўлади. Баъзан адресат уйдирма қахрамон ҳам бўлиши мумкин, аммо албатта мавжуд бўлади. Адресат мавжудлиги учун ҳам эпистоляр асар кундалик, мемуар ёки қайдлар шаклидаги асарлардан фарқ қилади. Ҳар икки романда ҳам мактуб услубига хос бўлган шаблон жумлалар барча хатларда қўлланмайди. Ҳар икки адиб шу тахлит асар тилида сийқалиқдан, зерикарилиқдан сақланадилар.

ХУЛОСА

Адресат – фақат эпистоляр асарга хос бўлган образдир. Агар асар икки кишининг ёзишмаларидан иборат бўлса, ҳар иккала қахрамон бир вақтнинг ҳам мактубнавис, ҳам адресат бўлади. Асар бир кишининг мактубларидан тузилса, адресат асарда бевосита кўринмайди, фақат мактубдаги айрим штрихлар, ишора ва эслатмалардан у ҳақда билиб оламиз. Фақат бир қахрамоннинг мактубларидан тузилган эпистолярда кундалик, иқронома характери устувор бўлади. Бу – фақат қахрамон мактуб ёзаверади, аммо адресат жавоб қайтармайди дегани эмас. Бир томонлама мактубга асосланган эпистоляр асарлар ҳам диалогик характерда бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Johann Wolfgang von Goethe. Die Leiden des jungen Werther. Hamburger Ausgabe. Band 6. S. 5
2. Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, 2013. – Б. 10.
3. Мирзо И. Бону. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, 2020. – Б. 4–6.
4. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979. – 558 с.

Наирга ф.ф.д. Г.Эрназарова тавсия этган

НЕЪМАТ АМИНОВ АСАРЛАРИДА ҲАЖВ ВА ЮМОР ПОЭТИК ҒОЯ СИФАТИДА

Ризаев Б.Х. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада ҳажв ва юморнинг жаҳон, рус ва ўзбек ижодкорлари асарларида «вазият кулгиси» ва «характер кулгиси» сингари эстетик-функционал вазифаларининг бажариш талқини келтирилган; ҳажв ҳамда юмор ўз даврининг долзарб адабий-бадий воситаси сифатида жамиятнинг иллату камчиликларини ёритувчи манба эканлиги ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: ҳажв, юмор, адабий тур, қахрамон, комедия, ёзувчи, ижод, поэтик ғоя, ҳажвий ҳикоя.

Аннотация. В статье представлена интерпретация выполнения эстетической и функциональной функций комедии и юмора в произведениях мировых, российских и узбекских художников, таких как «ситуативный юмор» и «характерный юмор»; объясняется, что сатира и юмор являются источником освещения пороков и недостатков общества как актуальное литературно-художественное средство своего времени.

Ключевые слова: сатира, юмор, литературный жанр, герой, комедия, писатель, творчество, поэтическая идея, комический рассказ.

Annotation. The article presents the interpretation of the performance of the aesthetic and functional functions of comedy and humor in the works of world, Russian and Uzbek artists, such as "situational humor" and "character humor"; It is explained that satire and humor are a source of highlighting the vices and shortcomings of society as an actual literary and artistic tool of its time.

Key words: humor, literary genre, hero, comedy, writer, creation, poetic idea, comic story.

Ҳажвиёт ва мутойиба (ҳажв ва юмор) жамият тараққиётига хизмат қилади. Энг қадимги адабиёт назариясининг нодир ёдгорликларидан бири – Арастунинг «Поэтика» асарида ҳажвиёт намуналаридан ҳисобланган сахна асари – комедияга бундай таъриф берилган: «Санъаткорлар муайян шахсларни тасвирлайдилар, улар эса яхши ёки ёмон бўлиши мумкин. (Негаки, ... ҳамма

одамлар характерларидаги иллатлари ёки фазилатлари жихатидан фаркланадилар). Улар (одамлар) биздан яхшироқ ёки биздан ёмонроқ ёки ҳатто биздек бўлади. Трагедия ва комедия орасида ҳам худди шундай тафовут мавжуд: комедия ҳозирги вақтда яшаётганлардан кўра ёмонроқ, трагедия эса яхшироқ кишиларни тасвир этишга интилади».¹ «Комедия эса таъкидлаганимиздек, ёмон кишиларни бутунлай бадном қилиш маъносида бўлмаса-да, гавдалантиришдир. Зеро, кулгили ҳолат хунукликнинг бир қисми холос».

Жамиятда маънавий мусаффолашишга эҳтиёж сезилганда, янада аниқроғи, жамият тараққиётига халақит берувчи турли ижтимоий иллатларга қарши курашувчи, халқни юксак маънавиятга чақирувчи истеъдодли ижодкорлар пайдо бўлганида шахс ва ижод эркинлигига эришилган демократик жамиятлар ҳаётида ҳажвийёт ва мутойиба ривожланади.

Антик адабиёт гуллаб яшнаган Эсхил, Софокл, Эврипид, трагедия жанрини юксалтирган даврда (милоддан аввал V аср, Перикл даври) Аристофан каби ҳажв даҳоси ҳам фаол ижод қилдики, унинг «Булутлар», «Қушлар», «Қурбақалар» каби комедияларида ҳажв ва мутойиба (сатира ва юмор) ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Жумладан, Аристофан «Булутлар» комедиясида бир деҳқон аслзода бўлишга интилувчи бойвачча хотинга уйланганини, деҳқоннинг ҳалол меҳнат билан топган бойликларини хотини тўй-томошаларга, ясан-тусанга, меҳмондорчилик ва кўнгилахушликларга сарфлаб, совурганини, ўғли эса ўқишни ташлаб, отчопарда пойга отларига пул тикиб, енгилтак ҳаёт кечираётганини, деҳқон шулар сабабли оғир аҳволга тушиб қолганини тасвирлайди. Агар воқеа мазмунидан келиб чиқилса, бу кулгили эмас, қайғулидир. Лекин Аристофаннинг ҳажвий истеъдоди шу қадар қудратлики, у асарда захматқаш деҳқонга ҳамдардлик уйғотиш билан бирга уни шундай комик, кулгили ҳолатларда ва кулгули сўзлар орқали тасвирлайдики, бу қаҳрамон ва унга ёрдам бермоқчи бўлиб, аҳволини бадтар қийинлаштирган шахслар томошабин ва ўқувчида беихтиёр кулги ва завқ-шавқ каби эстетик ҳис-туйғулар уйғотади. Қизиғи шундаки, Аристофаннинг бу комедиясида масҳара қилинган шахслар орасида донишманд Сукрот ҳам бор. Аристофан тасавурида, Сукрот барча юнонлар сажда қилувчи Зевс, Аполлан, Афина, Афродата, Гефест каби маъбудларга ишонмайди, у ўзининг софистлик мактабида ҳақни ноҳақ ва ноҳақни ҳақ қилиб исботлаш мумкинлигини ўргатади. Хуллас, у ёшларни маъбудларга ибодатдан қайтариб, ахлоқини бузган, одамларни ёлғонга ўргатган салбий қаҳрамон қилиб кўрсатилади. Сукрот аслида ҳам кўп худоликни тан олмаган. Шу сабабли чиндан ҳам ўлимга маҳкум этилган.

Ҳажвнинг ижтимоий ҳаётни ярамас иллатлардан тозалаш, инсон маънавий ахлоқий қиёфасини такомиллаштиришдаги ўрни ва аҳамияти жуда ҳам каттадир. Шу боис ҳажвий ижод Ғарб ва Шарқ адабиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шундай экан, ҳажв ижодкорнинг воқеликка эстетик муносабатининг бир шаклими, яъни пафоснинг кўринишларидан бирими ёки айрим танқидчи ва адабиётшунослар кўрсатгандек алоҳида адабий турми? Бу масала В.Г.Белинскийдан тортиб ҳозирга қадар узил-кесил ҳал этилмай келинади. У XIX асрнинг 40-йиларида Н.В.Гоголь ва М.Лермонтов асарлари ҳақида ёзган мақолаларида ҳажвни адабий тур сифатида таърифлайди.² В.Г.Белинскийдан кейин XX аср олимларидан Л.И.Тимофеев, Я.Эльсберг, Ю.Борев кабилар ҳам ҳажвни адабий тур сифатида талқин қиладилар.³

Юқоридаги қарашга қарама-қарши ўлароқ, жуда кўп адабиётшунослар ҳажвга ижодкорнинг воқеликка бўлган эстетик муносабатининг бир шакли,

яъни пафоси сифатида қарайдилар⁴. Биз ҳам ҳажв ижодкорнинг воқеликка эстетик муносабатининг бир шакли эканлиги ҳақидаги қарашга қўшиламыз ва ўз ишимизда Неъмат Аминов ижодида ҳажвий типлар яратишдаги ўзига хосликларни таҳлил этишда яна шу принципдан келиб чиқишга ҳаракат қиламыз.

Дарҳақиқат, бу ерда буюк танқидчининг оддий кулги билан комизмнинг ўзига хос томонлари ҳақидаги фикрлари ҳажвийётнинг объекти ва уни ифодалаш усулларининг диалектик

¹ Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 22.

² Белинский В.Г. Собр. соч. в девяти томах. Т.3. – М.: ХЛ. 1978. – С. 216-277.

³ Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1971. – С.387-405.

⁴ Поспелов Г.Н. Проблемы исторического развития литературы. – М.: Просвещение, 1972. – С. 12-19..

алоқасини тўғри англашга, юмор, ҳажв (сатира)нинг характерли белгиси воситаси, ижтимоий ҳаётдаги ғоявий-эстетик вазифасини англашга даъват этаётганини ҳам тушиниш қийин эмас.

Янги ўзбек адабиётининг йирик намоёндалари Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор сингари адибларимиз ўз ижодларида мумтоз адабиётимиз ва халқ оғзаки ижодидаги ҳажвнинг ҳаётбахш анъаналарини янги тарихий шароитда ривожлантириш, адабиётимизни ижтимоий мазмун касб этадиган ҳажвий характерлар ҳисобига бойитишлари билан бирга ҳажвий ижоднинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг хусусан, юморнинг ранг-баранг кўринишлари, ундаги мавзу ва ғоя бирлиги, образларнинг индивидуал томонларига алоҳида эътибор бериш лозимлигини кўрсатувчи мулоҳазалари ҳам қимматлидир. Масалан, Абдулла Қодирий «Ёзғувчиларимизга» сарлавҳали мақоласида танланган мавзу «ижтимоий ва сиёсий манфаат» касб этсагина қўлга қалам олиш лозимлигини таъкидласа, «26 нчи йилда кулдирувчиларимиз» номли мақоласида юмор (кулги) нинг жамият нафас олиши билан бирга яшаши лозимлигини ўқтиради.¹ «Кулги ва унинг турлари» деб аталувчи 1926 йилда бўлиб ўтган суддаги нутқида эса юморнинг миллий хусусиятлари унинг рангбаранг кўринишлари ҳақида тўхталади.²

Ғафур Ғулом ҳам ҳажвчи ёзувчининг майда ва сийқаси чиққан мавзудан узоқлашишни маслаҳат беради: «Бизда энг кўп бойлар, эшонлар, муллалар устидан кулинди. Қачон қараса битта эшоннинг ё битта домланинг хусусий қилиғи, салласи, калласи бизга мавзу, ахир бу ўқувчиларни зериктиради».³ Донишманд ёзувчимизнинг бу фикрларидан ҳажв, хусусан юморнинг мавзуи жамиятдаги хавфли бўлган, унинг олға қараб кетишига тўсқинлик қилувчи иллатларни фош қилиш асносида яхши нарсаларни улуғлашга қаратилиши лозимлигини англаш қийин эмас.

Абдулла Қодирий «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» деган асарларида енгилтак, аҳмоқ одамлар илм-маърифатга интилган ёшлар устидан кулаётганини, буларнинг кулгиси нақадар майда, бачкана, ибосиз, қабиҳ эканлигини кўрсатади. Абдулла Қодирийнинг бу асарлари ҳажвиёт назариясида «вазият кулгиси» ва «характер кулгиси» каби ҳолатларни аниқлашга имкон беради. Бизнингча, Қодирийнинг бу асарларида вазият кулгиси ҳам, характер кулгиси ҳам бор. Аввало, Калвак Маҳзум ва Тошпўлат тажанг эски замон одамлари, хон давридаги, ярим жаҳолатда қолган халқнинг саводсиз вакиллари, улар ўзлари илмсиз эканлигидан уялмайдилар, илмга интилган ёшларни, ўқувчи қизларни эса, «Кўкрагинг чиқиб қолибди, ўйнашинг ҳам бордир?» деб масҳара қиладилар. Бошқача айтганда, янгича ҳаётда бу шахслар бегона бўлиб, ноқулай, кулгили вазиятга тушиб қолганлар. Уларнинг ўзлари кулгили ҳолатда эканлигини англаб етмайдилар. Шу сабабли янги ҳаётни тушунганларни масҳара қиладилар, бу эса уларнинг янги жамиятга бегоналигини янада кучайтиради. Улар бошқаларни мазах қилар экан, сўзларининг замирида бу ҳаётда уларга ўрин йўқлиги, бўлса ҳам вақтинчалиги сезилиб туради.

Ҳажвий асарда ёзувчининг ижодий нияти, мақсади, поэтик ғоя жамият ҳаётидаги катта-кичик иллатларни аниқлаш ва бу ижтимоий иллатларга қарши кураш олиб бориш қанчалик муҳим бўлса, ижтимоий ғояни баён қилмай, бадий, халқона жонли, ширали тил билан, характерлар тўқнашуви – кучли ижтимоий конфликтлар, образлар воситасида тасвирлаш ҳам шунчалик муҳимдир. Абдулла Қодирий ёш ёзувчи сифатида эндигина ижодга қадам қўйган вақтларида жадид адиблари таъсирида ёзган «Жувонбоз» ҳикоясида кучли ижтимоий ғояни етарли даражада бадий етук қилиб тасвирлай олмаганини (ҳозирги адабий танқид тили билан айтганда, эстетик таъсир кучи камлигини) ўзи ҳам эътироф қилган эди.

Абдулла Қодирийнинг муносиб шогирди ва издоши бўлган Ойбек ўзининг «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» номли тадқиқоти (асари) да шундай ёзади: «Туркистоннинг «ўз» чирик одатлари – наша, кўкнори, баччабозлик, жаҳолат ва бошқалар етмагандай,

¹ Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. – Б. 185-186.

² Абдулла Қодирий. Ижод машаққати. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 8-10.

³ Ғафур Ғулом. Адабий-танқидий асарлар. –Т.: Фан, 1971. – Б. 302.

мустамлакачи рус буржуазияси «маданият» номи билан мустамлака халқига қиморхона, алкагол, фоҳишахоналар келтирилди».¹

Адабиётшунос Баҳодир Карим фикрича, «Жувонбоз – бадиий жиҳатдан юксак эмас, аммо унда Туркистон бойлари ва болалари ҳаётининг нақадар тубанлашиб кетганлиги намойиши бор»².

Лекин Абдулла Қодирий ҳажвиётининг дурдоналари бўлган «Тинч иш», «Тошпўлат тажанг нима дейди?», «Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан» ҳикоялари ҳам ижтимоий-ғоявий ва бадиий-эстетик жиҳатдан жуда юксак асарлардир. Ғоявий мазмуни, бош қахрамон характерининг танланишига кўра, Абдулла Қодирийнинг «Тинч иш» ҳикояси билан Садриддин Айнийнинг машҳур «Судхўрнинг ўлими» қиссаси ўртасида умумийлик, яқинлик бор. Ҳар икки асарда ҳам чоризм мустамлакачилиги даврида маҳаллий халқ бўлмиш «ўзига тўқ» мулкдорлар синфи вакилларининг ўз аҳволини яхшилаш учун, бунинг иложи топилмаса, бор мавқеини асраб қолиш учун ҳаракати, тиришуви ишонарли, табиий, ҳаётий бўёқларда тасвирланган. Аммо бу икки асар бир-биридан жиддий фарқланади ҳам. Агар С. Айний қахрамони Қори ишқамба миллий буржуазия вакили, пулини бошқаларга қарзга бериб, фойиз-foyида олувчи, акциялар, векселлар билан иш иш кўрувчи бўлса, А.Қодирий қахрамони домла Шариф Охунд – миллий зиёлилар тоифаси вакилидир. Зиёли бўлганда ҳам ҳозирги маънодаги дунёвий илм-фанлардан мутахассис эмас, балки XX аср бошларида, Октябрь инқилобидан аввал яшаган диний уламолардан бири.

Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис этган, аммо ифода қила олмаган масалаларига таржимондир. Хулоса: ҳажвий танқиднинг табиатидаги кулгилик унсури авомнинг маҳбуби, унинг ўз ижодидир».³ Бу фикрнинг тўғрилигини адибнинг ўз асарлари ҳам исботлайди. Хусусан, унинг бир қатор ҳажвий ҳикояларида халқ кулгусидан фойдаланиб турли ижтимоий иллатларни – Туркистон халқи янги тузум даврида жаҳолатдан қутилмаганини, дунёвий маданият, илм-фанларга юз бурмаганини, шўролар ҳукумати маҳаллий, халқни таҳқирлаб, хўрлаётганини, салбий қахрамонларнинг кулги гаплари ва қилмишлари, характерлари орқали чуқур ёритиб берилади.

Албатта, ҳар бир даврнинг ўзига хос муаммолари, қолаверса, долзарб ғоялари бўлади. Бадиий адабиёт эса уни мужассам этишда давом этаверади. XX аср ўзбек адабиётида Ҳамза, А.Фитрат, А.Қодирий ҳажвчилигига хос бўлмаган фазилатлар ўз даврида Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмадлар томонидан изчил давом эттирилди. XX аср ўзбек адабиётидаги ҳажвий йўналиш тараққиётига эътибор берсак, Неъмат Аминов асарларининг сезиларли ўрни борлигини пайқаш мумкин. Унинг асарлари ўз даврининг муҳим ижтимоий муаммоларини ҳажв тиғи орқали тасвирлагани билан характерлидир. У жаҳон ва ўзбек адабиёти классиклари ижодидан ҳажвий, тасвирлаш тили ва унинг сирларини, характерларни яратиш маҳоратини ўрганишга интилади.

Неъмат Аминовнинг ҳикояларида юмор ҳам, ҳажвий руҳ ҳам бир-бирини тўлдирди. Адибнинг «Ўзбек ҳикоялари антологияси» га кирган «Хўтиқнинг балоғати» ҳикоясини олайлик. Бу ҳикоя бир қарашда адрессиз, бадиий фельетонга ўхшайди. Чунки унда қахрамонлар, жонли, тирик одамга хос камчиликлари ҳам, фазилатлари ҳам бўлган образлар сифатида эмас, балки фельетон қахрамонига хос ашаддий жиноятчилар сифатида кўрсатилади. Ҳикоянинг бошланиши ҳам фельетонга ўхшайди. «Одам боласи балоғатга етса, уй-жой қилади, бола-чақа орттиради. Пушти камаридан бўлган фарзандларини ҳалол нон билан боққиси, эл орасида иззат-обрў орттиргиси келади».⁴ Шундан сўнг ҳикояда «Хўтиқ балоғатга етса нима бўлади?» деган савол қўйилади ва ёзувчи бу жуда қийин саволга ўқувчи жавоб тополмайди, деб ўйлаб, шу билан кулги уйғотмоқчи бўлади. Бу эса бир оз сунъийликни келтириб чиқарган. Кейинчалик Неъмат Аминов бу ҳикояда айтилган қисқа маълумотларни кенг қўламда тасвирлаб, уни романга айлантиради.

¹ Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. Тўққизинчи том. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, – Б. 247.

² Қаранг: Баҳодир Карим. Абдулла Қодирий. – Т.: Фан, 2006. –Б. 33.

³ Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. – Б. 184.

⁴ Ўзбек ҳикоялари антологияси. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 128.

Романда бу қаҳрамонлар жонланди, ҳаётийлашди, ижтимоий салбий типлар даражасига кўтарилди. Романда Баширжон Зайнишев ва унинг ҳомийлари қилмишлари оркали муфассал очилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 22.
2. Белинский В.Г. Собр. соч. в девяти томах. Т.3. – М.: ХЛ. 1978. – С. 216-277.
3. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1971. – С.387-405.
4. Поспелов Г.Н. Проблемы исторического развития литературы. – М.: Просвещение, 1972. – С. 12-19.
5. Абдулла Қодирий. Ижод машаққати. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 8-10.
6. Ғафур Ғулом. Адабий-танкидий асарлар. –Т.: Фан, 1971. – Б. 302.
7. Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. Тўққизинчи том. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, – Б. 247.

Наширға ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

ЖАҲОН ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРИХИДА СЎЗЛАР БИРИКУВИ МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Ибрагимов Ж. (Абдулла Орипов ижод мактаби)

Аннотация. Мақолада жаҳон тилшунослигида бир неча юз йилликлар давомида синтагматикага доир тўпланган маълумотлар XX аср бошларида назарий синтагматика, валентлик ва бирикувчанлик назариялари каби фан тармоқларининг шаклланиши ва ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Замонавий тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши ва ривожланиши, когнитив фан тармоқларининг, жумладан, лингвокультурология, психолингвистика, компьютер лингвистикаси, амалий тилшунослик каби фанларнинг тараққиёти сўзлар бирикуви ва валентлик назарияларига эътибор янада кучайиши лозимлигини кўрсатиши ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: *синтагматика, сўзлар бирикуви, эндоцентрик, экзоцентрик, амалий тилшунослик, машина таржимаси.*

Аннотация. Сведения о синтагматике, собранные в мировом языкознании за несколько столетий, послужили основой для формирования и развития таких отраслей науки, как теоретическая синтагматика, теории валентности и когезии в начале XX века. Становление и развитие антропоцентрической парадигмы в современной лингвистике, развитие отраслей когнитивистики, в том числе лингвокультурологии, психолингвистики, компьютерной лингвистики, прикладной лингвистики, показывают, что внимание следует уделить теориям словосочетаний и валентности.

Ключевые слова: *синтагматика, словосочетание, эндоцентрический, экзоцентрический, прикладная лингвистика, машинный перевод.*

Annotation. Information about syntagmatics, collected in world linguistics over several centuries, served as the basis for the formation and development of such branches of science as theoretical syntagmatics, theories of valency and cohesion at the beginning of the 20th century. The formation and development of the anthropocentric paradigm in modern linguistics, the development of branches of cognitive science, including cultural linguistics, psycholinguistics, computational linguistics, applied linguistics, show that attention should be paid to the theories of word combinations and valency.

Key words: *syntagmatics, combination of words, endocentric, exocentric, applied linguistics, machine translation, collocation.*

Жаҳон тилшунослигида бир неча юз йилликлар давомида синтагматикага доир тўпланган маълумотлар XX аср бошларида назарий синтагматика, валентлик ва бирикувчанлик назариялари каби фан тармоқларининг шаклланиши ва ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, ўтган асрнинг бошларида сўзларнинг бирикувчанлиги тушунчаси бирмунча аниқлашиб, ўз назарий ечимини топа бошлади. Мазкур назарияга қизиқиш ғарб тилшунослик мактаблари вакиллари орасида ўтган асрнинг 70-йилларигача фақат орғиб борди. Сўзлар бирикуви масаласи билан деярли барча тилшунослар шуғулланди. Дунё тилшунослигида илмий парадигма йўналиши ва мақсадларининг ўзгариши, замонавий тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши ва

ривожланиши, когнитив фан тармоқларининг, жумладан, лингвокультурология, психолингвистика, компьютер лингвистикаси, амалий тилшунослик каби фанларнинг тараққиёти, маданиятлараро мулоқотнинг глобаллашуви синтагматика, сўзлар бирикуви ва валентлик назарияларига эътибор янада кучайиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Сўзларнинг бирикуви масалалари билан дастлабки шуғулланган олимлардан бири америкалик Л.Блумфилд ҳисобланади ва бу тушунчага оид илмий қарашларнинг шаклланишида унинг ишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Л.Блумфилд сўзларнинг бирикувини жуда кенг маънода тушунади ва сўзлар бирикуви доирасини муаяян сўзлар гуруҳи билан чегарамасликни тавсия этади. Бу фикр ўша давр аксарият ғарб тилшуносларининг синтагматика, умуман сўзларнинг бирикуви масаласидаги фикрлари билан ҳамоҳанг эди. Блумфилд ҳар қандай синтактик бутунликни, ундаги сўзларнинг кетма-кет (чизикли) жойлашишига кўра, сўз бирикмалари (ўзбек тилшунослигидаги сўз бирикмаси эмас, ҳар қандай бирдан ортиқ сўзнинг бирикиши назарда тутилмоқда – Ж.И.) сифатида баҳолайди. Блумфилд назариясига кўра ҳар қандай тилдаги сўз бирикмалари икки гуруҳга бўлинади:

- 1) эндоцентрик;
- 2) экзоцентрик [1; 161].

У таркибидаги исталган бир сўз бошқа катта гуруҳда бутун бирикма ўрнида қўллана оладиган сўзлар бирикувини эндоцентрик бирикма деб ҳисоблайди. Яъни бирикмадаги асосий луғавий маънони бир сўз зиммасига оладиган бирикмалар, Блумфилднинг фикрига кўра, эндоцентрик ҳисобланган. Бунда бирикмадаги бош сўз (бирикманинг асосий луғавий мундарижасини белгилаб берувчи сўз) бирикманинг турини ҳам белгилаб беради. Масалан, *кенг мактаб* бирикмаси отли бирикма ҳисобланиши ҳоким сўз (*мактаб*)нинг қайси сўз туркумига мансублигига кўра белгиланган. Мазкур бирикмадаги *мактаб* сўзининг бирикма луғавий мундарижасининг асоси бўла олишини матннинг кейинги қисмларида унинг бутун бирикма ўрнида қўллана олиши билан изоҳлаш мумкин (яъни матннинг кейинги қисмларида *мактаб* сўзи энди *кенг мактаб* маъносини англатади). Худди шундай *китоб ўқимок* бирикмаси ҳам феълли бирикма ҳисобланиб, матннинг кейинги қисмларида *ўқимок* сўзи *китоб ўқимок* бирикмасини алмаштира олгани сабабли эндоцентрик бирикма саналади. Буни Блумфилд *poor John (камбағал Джон)* бирикмаси билан исботлайди ва уни эндоцентрик бирикув сифатида тавсифлайди. Чунки *John* сўзи *poor John* бирикмасини бошқа йирикроқ синтактик бутунликда (матннинг кейинги қисмларида) бемалол алмаштира олади: *Poor John ran away – John ran away (камбағал Джон қочиб кетди – Джон қочиб кетди)*. Шу ўринда Блумфилднинг *Tom and Mary* каби тенг муносабатдаги бирикувларни ҳам эндоцентрик бирикма деб ҳисоблашини айтиб ўтиш ўринли. Буни у бирикмани ҳосил қилувчи исталган сўз бошқа йирик қурилмада бутун бирикмани алмаштира олиши билан изоҳлайди: *Tom and Mary read the book* (Том ва Мэри китоб ўқидилар)– *Tom reads the book* (Том китоб ўқиди); *Mary reads the book* (Мэри китоб ўқиди). Келтирилган мисолда дастлаб икки кишининг номидан иборат тузилмани матннинг кейинги қисмларида бир кишининг номи ҳам алмаштира олиши, Блумфилднинг фикрича, эндоцентрик бирикма сифатида баҳолаш учун асос бўлади. Бунда феълдаги шахс-сон шакли кўпликдан бирликка ўтишини (*Tom and Mary read the book – Tom reads the book; Mary reads the book*) Блумфилд, бирикувни экзоцентрик турга ўзгартирадиган даражада аҳамиятли деб ҳисобламайди [1; 162].

Блумфилд таркибидаги бирор сўз бошқа йирикроқ синтактик бутунликда яхлит бирикмани алмаштира олмайдиган бирикувларни экзоцентрик бирикма деб ҳисоблайди: *John ran* (Джон югурди) ёки *beside John* (Джоннинг ёнида). Олим сўзлар бирикувини эндоцентрик ва экзоцентрикка ажратишда уларнинг бошқа йирикроқ синтактик бутунликдаги мақоми, унда ифодалайдиган маъносига асосланади ва уларнинг ички тузилишини ҳисобга олмайди. Ички тузилишида фарқлар мавжудлигига қарамай *poor John* ва *Tom and Mary* бирикувлари кенгроқ синтактик қурилмаларда бир типда қўллана олганлиги учун бир гуруҳдан (эндоцентрик) жой олади. Шунга қарамай, бу бирикувлар ички тузилишига кўра турлича эканлигини тушуниб олиш мушкул эмас (улардан бирида сўзлар ҳоким-тобе муносабатда бўлса, иккинчисида тенг муносабатли сўзлар бирикувидир). Буни

англаб етган Блумфилд кейинги сўз бирикувларини гуруҳлаштиришларида эндоцентрик бирикувларнинг ўзи икки турга: тобе (*poor John*) ва тенг (*Tom and Mary*) ажратди.

Экзоцентрик бирикмаларни ички гуруҳларлаштириш предикатли, яъни шаклланган кесимли (*Tom reads the book*) ва кўмакчили (*beside John*) бирикувларни ажратиш имконини беради. Экзоцентрик бирикмаларни бундай ички гуруҳларга бўлиш тизимлиликка эга эмаслигини айтиб ўтиш ўринлидир. Чунки предикатли бирикмалар уларни ҳосил қилувчи элементлар синтактик алоқа востасида аниқланса, кўмакчили бирикмалар морфологик белгиларга кўра аниқланади. Унинг издошлари бу тизимни янада такомиллаштирдилар ва Блумфилд томонидан аниқланмаган сўз бирикувларининг бир нечта типларини қўшдилар.

Хориж тилшунослигидаги сўзлар бирикувиға оид ишларнинг асосий ўзига хослиги сифатида уларда сўзлар бирикувини англатадиган умумий терминология мавжуд эмаслигини кўрсатиш мумкин. Сўзлар бирикувиға нисбатан энг хориж тилшунослигида кўп қўлланган атама “*phrase*” ҳисобланса-да, ушбу соҳа билан шуғулланувчи ҳамма муаллифлар ҳам бу атамадан фойдаланавермаган. XVII-XIX асрларда бу атама сўзлар бирикувини англатувчи атама сифатида кўп қўлланган бўлса, XX асрда инглиз тилшуноси Г.Суит “*phrase*” жуда кўп маънони (тушунчани) англата бошлагани билан изоҳлаб, у атама сифатида ўз аҳамиятини йўқотганлигини таъкидлайди [2; 18-19]. Натижада XX аср бошларидан “*phrase*” атама сифатида деярли қўлланилмади ва “*word group*”, “*word cluster*” каби бир нечта атамалар билан алмаштирилди. Бу атамаларнинг барчаси сўзлар бирикуви тушунчасини ифодалаш учун қўлланган. Лекин Блумфилд сўзлар бирикувиға доир ўзининг янги назарияси билан “*phrase*” атамасини ўзининг олдинги даражасига қайтарди. Рус тилшунослари сўзлар бирикувини англатишда “*phrase*” атамаси кўпроқ америкалик тилшуносларга хослигини, инглиз тилшунослари эса бу маънони ифодалаш учун, асосан “*word group*” атамасидан фойдаланишларини таъкидлайдилар.

Блумфилд, шунингдек, эндоцентрик сўзлар бирикувидаги йирик синтактик бутунликда бутун бирикмани алмаштирувчи сўзга ҳам атама сифатида махсус ном берди. Тобе муносабатли эндоцентрик бирикувларда бу сўз икки хил номланиши мумкин: “*head*” ёки “*centre*”. Тенг муносабатли эндоцентрик бирикувларда эса бу атамалардан фақат биттаси – “*centre*” дан фойдаланилган.

Хориж тилшуносларининг сўзлар бирикувини гуруҳлаштириш жараёнининг кейинги ривожланиши ҳақида батафсил тўхталиб ўтирмасдан, улардан фақат энг муҳимларини келтириб ўтмоқчимиз. Бу борада Ч.Хоккет томонидан амалга оширилган эндоцентрик бирикувларнинг ички бўлиниши ҳақидаги ишлар муҳим аҳамият касб этади. Ч.Хоккетнинг эндоцентрик бирикмаларни ички турларга бўлиши асосий сўз [ядро]нинг бирикмадаги қолган сўзларга нисбатан қандай жойлашганлигига асосланади:

- 1) ядро бирикма охирида жойлашади – *new books* (янги китоблар);
- 2) ядро бирикма бошида жойлашади – *experiment perilous* (хавфли тажриба);
- 3) ядро бирикма ўртасида жойлашади – *as good as that* (шунчалик хавфли);
- 4) ядро бирикманинг ҳар икки четида жойлашади – *did not go* (бормади) [3; 186].

Блумфилд томонидан ишлаб чиқилган таснифга кўшимча ўзгартиришлар сўзлар бирикувининг олим томонидан эътибор қаратилмаган ички боғланишларига тааллуқли бўлди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида унсурлари орасида нисбатан эркин алоқалар мавжуд бўлган синтактик гуруҳлар (боғловчи воситалар мавжуд бўлмаган) ҳам сўз бирикувлари сифатида тасниф қилинадиган бўлди. Бу бирикувлар паратактик муносабатларга асосланганлиги учун паратаксистлар (*παράταξις, parátaxis* – «ёнма-ён тизилиш») [4; 462-465] деб номланади. Паратаксист – мураккаб қурилиш турларидан бири ҳисобланади. Бундай муносабатдаги гапларда мураккаб таркибига кирувчи содда гапларни бириктирувчи воситалар (боғловчилар, боғловчи вазифасидаги воситалар) иштирок этмайди. Паратактик муносабатдаги гапларга *Ҳа, марҳамат* типдаги гаплар мисол бўла олади. Бириктирувчи воситалари мавжуд, таркибидаги содда гаплар орасидаги синтактик алоқалар сезилиб турган мураккаб гаплар гипотактик муносабатда бириккан гаплар сирасига киритилади. Гипотаксист (қад.грек. *ὕπο-* «ост» + *τάξις* «жойлашиш») [4; 462-465] – мураккаб кўшма гап қурилиш турларидан бири. Бунда мураккаб кўшма гапни ҳосил

қилувчи содда гапларни бириктирувчи воситалар (боғловчилар, боғловчи вазифасидаги воситалар) иштирок этади.

Паратаксис ва гипотаксис атамаларининг киритилиши натижасида сўзлар бирикувларини таснифлашнинг анънавий (Блумфилд таснифи) турлари ҳам бироз ўзгарди. Дастлабки босқичда тилда мавжуд барча сўз бирикмалари (кенг маънода) иккига: 1) гипотаксисга асосланган бирикмалар; 2) паратаксисга асосланган бирикмалар. Гипотаксисга асосланган бирикмаларнинг кейинги бўлиниши Блумфилдники каби (эндоцентрик, экзоцентрик) давом этади. Учинчи босқичда эса эндоцентрик бирикмалар ҳам иккига: тенг муносабатдаги қисмлардан ва тобе муносабатдаги қисмлардан тузилган бирикмаларга бўлинади. Экзоцентрик бирикмалар ҳам, қайд этилганидек, предикатли ва кўмакчили турларга бўлиниб кетади.

Умуман олганда, ғарб тилшунослигида бирикмаларни таснифлашда унинг барча босқичларида бир хил қўлланадиган ягона тамойилга асосланганмайди, бу эса тизимлиликка путур етказди. Масалан, биринчи босқич (гипотаксисга асосланган, паратаксисга асосланган) синтактик бутунликни ҳосил қилувчи қурилманинг ички тузилишига асосланса, иккинчи босқич (эндоцентрик, экзоцентрик) бирикмани ҳосил қилувчи сўзлар ва уларнинг луғавий маънолари матннинг кейинги қисмда қандай мақомда бўлишига асосланади. Учинчи босқичда эса эндоцентрик бирикувларни таснифлашда бирикмани ҳосил қилаётган сўзларнинг тенг ёки тобе муносабатда бирикишини асос қилиб олади. Экзоцентрик бирикувларни таснифлаш эса унинг синтактик-морфологик хусусиятларига, яъни предикативли ёки кўмакчили бўлишига боғлиқ. Таснифлашдаги бундай номутаносиблик бирикмаларни турларга ажратишда муаммолар туғдирса-да, умуман олганда, хориж тилшунослигида бу муаммо етарлича тадқиқ қилинди ва тўпланган маълумотлар кейинги давр тилшунослиги учун асос бўлиб хизмат қила олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bloomfield L. *Language*. – New York, 1933. – P. 566.
2. Sweet H. *A New English Grammar, Logical and Historical*. – p. II. – Oxford, 1930, – p. 534.
3. Hockett Ch. *A Course in Modern Linguistics*. – New York, 1958, p. 635 p.
4. Шульгина К. П. Гипотаксис и паратаксис в синтаксической теории Л. Теньера / К. П. Шульгина. – Текст : непосредственный // Молодой ученый. – 2022. — № 4 (399). — С. 462-465.

Нашрга проф. Б.Менглиев тавсия этган

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071

Теришга 29.08.2022 йилда берилди.
Босишга 05.09.2022 йилда рухсат этилди.
06.09.2022 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84, 1/8.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 20,25.
Буюртма рақами: № 68.
Адади 100 нусха. Эркин нархда.